


АСАД ДИЛМУРОД

# МЕЗОН БУРЖИ

Қиссалар



ТОШКЕНТ «О'ЗБЕКИСТОН» 2009

84(5Ў)6  
Д51

Ҳурматли китобхонлар!

Сиз Асад Дилмуродни «Осмоннинг бир парчаси» илк ҳикояси ва шу ном остида босилган биринчи китоби (1978) орқали биласиз. Ўшандан буён ўтган вақт мобайнида адиб босқичма-босқич самарали ижод қилди, элга фақат ҳикоянавис эмас, қиссанавис ва романнавис сифатида ҳам танилди. Ҳамон тинимсиз изланаётган ёзувчи олам ва одам тушунчаларига бадиий-эстетик ва фалсафий нуқтаи назардан ёндошади, замон билан маконни бирлаштирувчи моддий ва маънавий омиллар моҳиятини қахрамонлари руҳий драмаси билан умумлаштирган ҳолда талқин қилади. Китобга кирган қиссаларини ўқир экансиз, олис тарих нафасини туясиз, эзгулик ҳамда ёвузлик ўртасидаги азалий ва абадий тўқнашувларга гувоҳ ўтасиз, яна ҳам муҳими, ўзаро ажралиб турадиган ва эсда қоладиган турли-туман киёфа-характерга эга бўлган бадиий образлар оламида яшайсиз.

**Дилмурод, Асад.**

**Мезон буржи:** Қиссалар/Асад Дилмурод. – Т.: O'zbekiston, 2009. -448 б.

**ББК 84(5Ў)6**

ISBN 978-9943-01-333-9

© «O'ZBEKISTON» 2009-у.

---

---

## ЁРУҒ СЎЗ ЁҒДУЛАРИ

Бугунги кун адабиёти ўзини ўзи топиш ва англашга интилаётган истиқдол адабиётидир. Янгиланаётган бадий сўз вакилларида бири бўлган Асад Дилмурод бетакрор ижодий услубини шакллантираётган, инсон кўнгли ва руҳиятига тобора чуқурроқ кириб бораётган адиб сифатида кўзга ташланади.

Ўтган аср 70-йиллар аввалидан бадиият сирларига қизиққан Асад Дилмурод ижодида тарихий мавзу алоҳида ўрин тутди ва, муҳими, мозий нафаси сингдирилган асарлари ҳозирги даврнинг маънавий-маърифий фалсафаси билан ҳамоҳангдир.

Шу ўринда илм ва ижод соҳасида катта ном қозongan Вольтер нуқтаи назари ёдимга тушди. Таниқли француз мутафаккири қадимият билан шуғулланувчи адиб мозий қувончи-дардини туйиш туйғусига, ажодлардан мерос моддий ва маънавий бойликларни тегран англашга хизмат қилувчи тафаккур тажрибасига эга бўлиши лозимлигини уқтиради.

Бу назарий фикр миллати ўтмишига оид асар битишни ният қилган қаламкаш тарихчи олим ва файласуф бўлиши зарурлигига ишорадир. Чиндан ҳам мазкур омил қадимий воқеликни, нафақат илмий, бадий йўналишда ўрганаётган, эстетик асосларда кузатаётган, ижтимоий-фалсафий жиҳатдан баҳолашга тугинган адиб учун жуда муҳим ҳисобланади.

Аммо, бизнингча, фақат ушбу омил билан иш битмайди, алоҳида таъкидлашни истардикки, санъаткор

айни пайтда тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш малакасини мукаммал ўзлаштирган бўлиши керак. Тарихий ҳақиқат билан бир қаторда бадиий ҳақиқат жило сочиб турган тақдирдагина муайян асар теран эстетик завқу шавқ касб этади ва ўқувчи қалбини ишғол қилади.

Мана шу қоидалар Асад Дилмурод ижодига ҳар томонлама таъсир ўтказгани ва ўтказаетганини пайқаш қийин эмас. Адиб изланишлари мевасини, аввало, кенг маънода меъёрига етган бадиийликни ёқлашида кўрамиз, бинобарин, нишонга тегадиган жонли сўзларни эринмай саралаб қўллайди, саёз-ширасиз тасвир — баён қабилидаги тафсилотлардан иложи борича чекинади.

Асад Дилмурод миллатимиз босиб ўтган, дунёвий солномада сезиларли саҳифалар қолдирган манзилларни тасвирлаш орқали тарихни ҳозирги кун ва келажак билан боғлашни мақсад қилиб қўяди, элимиз ардоқлаган ва жаҳон таниган фарзандлар қиёфасини яратиш, эскиргандек туюладиган воқеа-ҳодисаларни вақт кулидан тозалаб тасвирлаш воситасида муҳим тарбиявий аҳамиятга молик ижтимоий-ахлоқий, маънавий-маърифий ва бадиий-эстетик хулосалар чиқаришга эришади.

Мана шу жиҳатлардан қараганда, турли йилларда ёзилган «Аланқува», «Хилват», «Нон», «Оғир кун», «Ҳукм», Хуфтон», «Афросиёб сукунати» каби ҳикоялари, «Шердор», «Мулк», «Мезон буржи» сингари қиссалари танланган тарихий материаллар жозибали ва ишонарли бадиий тадқиқ этилгани билан айниқса тақсинга лойиқдир.

Мана шу ва бошқа кўпгина асарлари композицияси ва сюжетини яхлит ижтимоий-фалсафий концепция бирлаштириб туради. Бу концепция маънавий-маърифий ва ахлоқий маданият камолини, одамийлик фазилатлари миқёси ва ижтимоий тузум тўқислигини таъминлайди, деган бош йўналишдир.

Адиб мозийга мурожаат қиларкан, кўхна дунё тир-  
гаклари ҳисобланган, ҳамма биладиган шахслар сув-  
рати ва сийратини, нур ва зулмат тўқнашувларига  
доир рақам-ҳисоботлар, шунингдек, зиддиятли ку-  
рашлар ва тўқнашувлар — босқинлар, йўқотишлар,  
ўпирилишлар ва ислоҳларни китобхонга шунчаки  
тақдим этмайди, аксинча, булар барини ўз ботини,  
аниқроғи, қахрамонлари кўнглидан кечадиган хил-  
ма-хил туйғуларга қориштириб беради. Рус танқид-  
чиси В.Г. Белинский ибораси билан айтганда, мозий  
юраги билан чамбарчас боғланиб кетган далилларни  
пухта ўрганади ва уларни авра-астарини ағдариб тас-  
вирлайди.

Масалан, «Аланқува»да афсонавий гўзал аёл — Арши  
аъло қувватидан ҳомила олиб, Туркистон султонлари  
шажарасини бошлаб берган Аланқува муҳаббатини  
ёритса, «Хилват»да миллатимиз фахру ифтихори —  
Амир Темур Кўрагон қиёфасига хос улус ҳамдарди  
бўлиш, эзгуликни ҳимояга олиш сингари инсоний фа-  
зилатларни улуғлайди. Истиклол арафасида туғилган  
«Хуфтон»да бошқача ҳалатга гувоҳ ўтамыз. Бу ҳикоя  
асосида кечаги куни дабдаба билан йўғрилган, ҳою  
ҳавас ва шуҳратга кўмилган, кейинча ҳаёт оқимидан  
бутунлай узилиб қолган, умри охирида маънавий та-  
наззули даҳшатини англаб етган инсон қисмати ёта-  
ди.

Асад Дилмурод кичик эпик жанрда тўплаган таж-  
риба йирик эпик жанрларда қалам тебратишида асқа-  
таётир. Юқорида қайд этилган ҳар учала қиссаси қоғоз  
узра тинимсиз азоб чекиш самарасидир.

80-йиллар ўртасидаёқ «Шердор»да Самарқанд ҳоки-  
ми Ялангтўшбий Баҳодир образини яратгани, «Мулк»да  
Қуръони каримдек улуғ обида ва қадимий ёдгорлик-  
ларни дил мулки санаган Самарқанд усталарининг  
қатагон давридаги оғир қисматини очиб бергани, ис-  
тиқлол йилларида, «Хилват»дан кейин, «Мезон бур-

жи»да Амир Темур Кўрагон образини чуқурроқ талқин қилиши учун замин яратди.

Мажозий номланган ушбу қиссасида, адиб услубига содиқ қолган ҳолда, буюк Соҳибқирон ҳаётидаги энг драматик ва қалтис лаҳзаларни танлаб олади-да, шу лаҳзалар воситасида унинг мураккаб руҳий дунёсига киришга интилади, бинобарин, воқеалар тафсилотига берилмай, мазмун ва моҳиятни тасаввуфий унсурлар ёрдамида, психологик ва бадиий-эстетик таҳлил қилиш йўлидан боради.

Ижодий концепциясига кўра, ҳар бир асарида Асад Дилмурод бутун эътиборини изчил равишда аввало бадиий сўз санъатининг асосий объекти саналган инсон моҳиятини тадқиқ этишга қаратади, бинобарин, инсонни беназир башарий қадрият — тириклик жозибаси тимсоли деб билади. Ҳаёт нашидасини одамзодга берилган олий неъмат, тирикчилик машаққатларини синов тариқасида тушунади. Натижада маънавий-интеллектуал, ахлоқий камолот билан боғлиқ бадиий-эстетик мисоллар ижодий изланишлари ўзак мағзини ташкил қиладди. Яна ҳам аниқроғи, адиб хулосасича, ҳақиқий тобланган эътиқод ва покликни жамлаган комиллик жамият тараққиётини белгиловчи етакчи кучдир.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Асад Дилмурод ижодий услубига чуқурроқ ёндошсак, «Маҳмуд Торобий», «Фано даштидаги қуш» ва «Паҳлавон Муҳаммад» романлари мазмун-мундарижасида алоҳида бадиий кенглик ва фалсафий-маърифий теранлик кўрамиз. Кейинги романи «Паҳлавон Муҳаммад»ни ёзувчи, қолаверса, миллий адабиётимиз ютуғи деб бемалол айтиш мумкин. Аллақачон адабий жамоатчилик ва китобхонлар назарига тушган мазкур роман бадиий-эстетик ва ижтимоий салмоғи, романтик бўёқлари, ўзига хос жозибадор услуби, драматик зиддиятлари таранглиги, образлари ранг-баранглиги ва бир-бирларидан фарқланиб туриши, руҳий кечинма-тўлғоқларга бойлиги билан қизиқарли ҳамда аҳамиятлидир.

Шундай экан, асар эстетик моҳияти ва қийматини белгиловчи уч бадиий ва ҳаётӣ хусусиятни алоҳида таъкидлашни лозим топдим.

Биринчидан, мамлакатда подшоҳдан тортиб гадогача севадиган ва ардоқлайдиган Паҳлавон Муҳаммад кўз ўнгимизда Ҳирот жўмардлик мактаби намояндаси бўлиб гаудаланади. Етақчи образ сифатида у табиати ва шахсиятида тантилиқ ва ҳалоллиқ, қатъиятлиқ ва бардошлилиқ, ваъдага вафо қилишлиқ ва эътиқодда муқим қолишлиқ, ҳавас қилса арзийдиган баҳодирлиқ ва соҳибқитдорлиқ, билимдонлиқ ва қўли очиқлиқ фазилатларини жамлаганини кузатамиз, муҳими, ана шулар барчаси ҳаётӣ деталлар воқитасида кўрсатилади ва Паҳлавоннинг эстетик бўёқлар билан йўғрилган психологик дунёси яратилади. Шу боис, у, тан эмас, аввало руҳ паҳлавони эканлигига ишонамиз. Кенг кўламли ифода-гасвир руҳоний таҳдилнинг янгича бадиий синтети, янгича бадиий-эстетик тадқиқотчилик маданияти тарзида таассурот уйғотади.

Чиндан ҳам Асад Дилмурод романда юксак маънавий-ахлоқий хислатларни конкрет ҳаётӣ лавҳаларда суратлантириш орқали қаҳрамонлар руҳоний оламини нурлантиради, бинобарин, бадиий образлар ички маданиятини намойиш этувчи туйғулар моҳиятини акс эттиришлиқни бош ижодий вазифа қилиб белгилайди. Асар сюжетини таранг ушлаб турадиган воқеаларда фаол иштирок этадиган Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Хадичабегим, Аҳмад Пирий, Дарвеш Муҳаммад ва бошқа образлар талқинида ҳам шу ҳолни яққол ҳис этамиз.

Иккинчидан, Паҳлавон Муҳаммаднинг ёруғ олам жавҳарини, жамият тамал тоши ва одамлар турмуш тарзини, дунёвий илмлар ва донишмандлик сифатларини идрок этишда эришган юқори даражали нуфузи асар бадиий-эстетик моҳияти ҳамда қийматига кўркамлиқ-салмоқдорлик бағишлаб туради.

Маълумки, юксак онгли сиймолар бир умр ўзи билан ўзи курашиб яшашади. Руҳий кечинмалар жунбишга келган пайтда, бинобарин, фикрлар ва туйғулар олишувида охир-оқибат енгиш иродали, билимдон ва оқил инсонга хосдир. Худди шу мураккаб жараён, яъни руҳий мухорабалар фожиаси, драматизми ва кўламлари, севинчлар ва ўкинчлар санъат асари учун асосий озикадир. Мана шу озикадан фойдаланишда адиб анча дадил илгарилаб кетгани сезилади ва шунинг учун ҳам Паҳлавон Муҳаммад психологиясида кечган тўқнашувлар, қийноқлар ва орзу-умидларни таҳлил қилиш ҳамда ифодалаш йўсини чинакам бадиий гўзаллик мавқеига кўтарилган.

Ниҳоят, учинчидан, жўмардлар сардори Паҳлавони олам Хуросон маданий-маърифий муҳити, бутун мамлакат ва пойтахт Ҳиротни гоҳ қувонч, гоҳ гуссага ботирган мураккаб ижтимоий жараёнлар, хусусан, Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқародек зотлар тақдири билан зоҳирий ва ботиний алоқадорликда тасвирлангани бадиий-эстетик таъсирчанлик залворини янада ошириш ва кучайтириш воситаси бўлган.

Пайтдан фойдаланиб романда шахсий тажриба билан тарихий тафаккур маданияти яхлит бирликда туташиб кетгани бўртиб кўринишини алоҳида эслатиб ўтишни истардим. Айни шу ибратли интилиш эса, ҳар томонлама гўзал ва бетакрор тарихий асар туғилишини таъминлаган.

Асад Дилмурод бадиият оламига дастлаб шоир сифатида кириб келганини биламиз. Шеърлар ва манзумалар адиб ижодий фаолиятининг алоҳида ёрқин саҳифаси ҳисобланади, демак, дарҳақиқат, у сўз қалбини эшита олади, шунинг учун ҳам насрига хос бадиий идрок ва ифода маданиятида ҳар доим поэтик туйғу миқёси кенг бўлади: қаҳрамонлари маънавий-ахлоқий поклигини, шунинг билан биргаликда, воқеа-ҳодисалар шиддатини нозик-ширали тасвирлаш ва тасдиқ-



лашга мойиллиги биринчи планда туриши фикримиз далилидир.

Келинг, «Паҳлавон Муҳаммад» романи муқаддима-сига эътибор берайлик. Адиб ибтидо баҳонасидаёқ тугун ташлаб, ўқувчини ортидан эргаштиришга улғуради: Алишер Навоий билан Султон Ҳусайн Бойқаронинг Паҳлавони олам вафотини эшитиш, кўнгиллари маҳрами ва қиёматлик дўстлари қабрини зиёрат қилиш ҳамда хотирасини ёд этиш пайтларидаги ҳолатлари қаламга олинган. Ана шу сониялар бадиий талқинида ҳиссий идрок кучли бўлгани туфайли орзиқиб кетасиз ва беихтиёр теран бир маҳзунлик юқтирганингизни билмай қоласиз.

Муқаддимада табиат қиёфасида зоҳир маъюслик ва ғамгинлик бениҳоя ўртовчи аччиқ йўқотиш дарду алами ва ғам-андуҳи билан уйғунликда ифода этилади. Борлиқ манзаралари ва бўёқлари фироқ ўтида ёнган дилларга кўшилиб йиғлайди, фиғон чекади.

Алқисса, образлар хатти-ҳаракати, фаолиятини тўласинча асослаш учун адиб кечинмалар таҳлилига чуқур ёндашади. Изтироблар хуружини кўрсатиш орқали психологик драма ва характер яратилади. Айни пайтда, табиат ва инсон руҳиятини кўрсатиш асносида давр ва ижтимоий муҳит қиёфаси чизилади.

Демак, Асад Дилмурод насрида ҳаёт ҳақиқати гўзаллигини ва гўзаллик ҳақиқатини тасвирлаш, ҳар иккала омил моҳиятини эстетик баҳолаш ва фалсафий умумлашмаларга омукталаб тақдим этиш тенденцияси устувор йўналишдир.

Мухтасар мақолам якунида улғу мутафаккир адиб Ойбек домла эътирофи ёдимга тушди: «Фақат ёзувчининг ўзи адабиётни яхши кўриши кифоя қилмайди. Яна адабиёт ҳам ёзувчини севиши керак. Ёзувчининг ўзи адабиётга муносиб бўлиши лозим». Устоз холис ниятлар билан айтган бу афоризмда пинҳон мантиқ ҳамон ижод машаққатидан чўчимай изланаётган Асад Дилмурод шахси ва қаламига ҳам тегишли деб ўйлай-

ман. Элу юрт назарига тушган адиб адабиёт муҳаббатини қозонгани, демак, энг олий мукофотга сазавор бўлганига аминман. Худо ёрлақаган асл ижодкорлар пешонасига битилган ёруғ ёзуқ шу бўлса керак.

*Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор*

# МЕЗОН БУРЖИ



*Бас, оламда бор ҳар нарсани йўқ деб билгин  
Ва гунёга йўқ ҳар нарсани бор гумон қилгин.*

Низомиддин ШОМИЙ

1

Шоҳона ўтовни тарк этган Соҳибқирон нигоҳи дастлаб машриқ гардишини тутган қизгимтир ҳошияга тушди, юпқа-ҳарир шафақ оҳиста тарала-тарала баҳри муҳит бағридан эниб келар, гўё недандир беҳаловат кўнгли иқлимга оқиб кирар, руҳи-равишида ҳукмрон маъюслик ғубори билан қўшилиб борар эди. Тошшағал тўкилган бўсағада тун бўйи оёқда бўлган ҳорғин қиёфали соқчилар билан бош ирғаб саломлашди ва сал нарида кўнқайган эҳромсимон дўнглик томон одимлади. Илонизи сўқмоқдан шошилмай илгари босаркан, чиндан-да ўзини хомуш сезар, баъзан ўрқачсимон қирадирлар этакларида ва чакалакзорлар ичра қатор-қатор тизилган сон-саноқсиз кигизу гилам чодирларни қизиқсиниб кузатар эди.

Таъкидлаш жойизки, куз аввалидаёқ, махсус фармойишига биноан, навбатдаги ов мавсумини алоҳида уюшқоқлик билан ўтказиш тадбири чекилди. Илгари салтанат фаолиятида бунақаси сира рўй бермаган, очиги, ов шунчаки баҳона, аслан бошқа мақсад назарда тутилган эди.

Тўхтамиш ўғлоннинг тиш-тирноғигача қуролланган чериги билан ёз бўйи олишиб толиққан ғалаба ёр қўшин, ёгин-сочинли кунлар бошланмай, Зарафшон соҳилида ўрнашди, ҳатто тез орада вақтинчалик қўналгага сарой аҳли ҳам кўчиб келди. Улус ораси ва салтанатда оз-моз ҳурмат-эътибор қозонган ҳар бир тиррик жон, Ҳумоюн ўрду асосий мақсадидан беҳабар

ҳолда, ушбу кўнгилоҷар машғулотдан четда қолмаслик, алҳол, жилла қурса бир бора Соҳибқирон ҳазратлари назарига тушиш иштиёқида эди. Фақат уламо-ашрофлар ва олимлар сараси ҳисобланган хос мунажжим мавлоно Аҳмадни айтмаса!..

Пойтахти азим, умуман, мамлакат катта-кичик маросимлари ва маъракаларида фаоллик бобида мудом намуна кўрсатиб келган сабру қарорда собит алломайи замон, дабдурустдан сусткашлик ихтиёр айлаб, ўзини четга тортгани ва ҳатто касалликка уриб ётганидан улуғлар, айниқса, Соҳибқирон ҳайратда!..

Бу ёруғ оламда пешона ёзуғидан ким ҳам қочиб қутилган дейсиз: узоқ йиллар белига садоқат ва ҳиммат камарини қаттиқ боғлаб, сарой ва фуқаро манфаати йўлида тинимсиз куч урган Абубакр Қамарий вафоти туфайли мамлакат бир силкиниб олгани ҳали-ҳамон эсидан чиққан эмас. Фалакиёт илми султони ўрнига талабгорлар дарё тошидан ҳам кўп эди, сираси, улар тиллари ҳам, дастлари ҳам узун, беқиёс обрў-эътибор эгаси бўлган ва ҳар жиҳатдан камол топган зотлар эди. Омад қуши эса ўн саволга ёлчителиб битта ҳам жавоб бермайдиган мавлоно Аҳмад бошига қўнди, очиги, буни ҳеч ким, ҳатто Соҳибқирон ўзи ҳам қутмаган эди.

Данғали шуки, ўша кезлар чиндан ҳам бетобга ўхшаб хомуш юрадиган, хос тугур авом ҳам назарга илмайдиган бу банд билан унча яқин эмасди, энг чатоғи, қувваи ҳофизаси даражаси ва тийнатини чалаярим биларди. Фақат саройда эмас, кўча-кўйда ва турли давраларда, қайси бир мадрасада номига мударрислик қилиши, аслида бутунлай гўр-думбул эканлиги, тузукли устоз кўрмагани ва тегишли рисола-китобларни варақламагани ҳақида овозалар юрар эди. Ҳатто бош девон хизматига эндигина ўтган бўлиб, ҳали бирон-бир оғирни ўрнидан жилдиришда тайинли ёрдами тегмаганди.

Алқисса, хаёлини мана шундай шубҳали мулоҳазалар банд қилгани боис, Соҳибқирон мавлоно Аҳмад дунё та-

ниган юнон олимлари — Птлимус ва Афлотундан қолишмас Абубакр Қамарий каби донолар доноси ўрнини бошига ишонмасди. Бир олий мажлисда ҳатто Мир Саййид Барака орага тушганда ҳам пинак бузмади. Неча марта синовидан яхши ўтган мавлоно Бадриддин номзодини кўлаб-қувватлашни дилига тугди. Аммо шу куни кечаси нотинчроқ ухлаб, алоғ-чалог босриқди-ю, бирдан фикри ва хоҳиш-иродаси ўзгарди.

Кўп аломат эди туши: жазирамада куйиб-қовжираб ётган поёнсиз саҳрода, айқаш-уйқаш барханлар оралаб илгари босар эмиш, судрала-судрала шунақа чарчабдики, бутунлай тинкаи мадори қуриб, томоғи қақраб кетибди. Охири учидан япроқлари тўкилган қари саксовул олдида ҳолсиз йиқилади, теварак-атрофда ҳаёт нишонаси кўринмайди, фақат олисларда сароб жимирлайди ва сукунат пардасини йиртиб гармсел гувиллайди. Ногоҳ туришга даъват қилувчи нидо янграб, хумдек оғир бошини кўтариб қараса, рўпарасида ҳасса тутган озгин киши — мавлоно Аҳмад жилмайиб турган эмиш. Аранг нимадир деб пичирлабди. У жавоб қилмай, ҳассасини саксовул остига санчган экан, ўша жойдан биқирлаб сув қайнай бошлабди...

Соҳибқирон неча вақт ажойиб туш таъсирида яшадди, нуқул хаёлини чўлда ташнаи зор изғигани, барханлар ўртасида пайдо бўлган зилол чашма банд қиларди. Гоҳо диққати ошиб, гоҳо руҳи ёришиб, ўзича ўша туш таъбирини изларди. Казо-казо зотлардан ўзиб, баланд мартабани эғаллаб олган мавлоно Аҳмадни кўраверса, вужудини сирли бир орзиқиш чулгар, хаёли тўзғиб кетар, беихтиёр у ҳала-хулада қўлидан қўймайдиган дастаси қайрилма ҳассага тикилиб қолар эди.

Сўнг, вақт-замон ўтиши билан, аввали-адоғи йўқ сурону бухронларга шўнғиди-да, аста-секин ўша аломат туш ато қилган кайфиятдан узоқлашди, ҳаммаси бошқа муҳимроқ тушунчалар ва маслакларни ўзлаштириб улгурган қувваи ҳофизасидан сув юзасидаги пуфакдек ўчди-кетди, ҳатто дилида нажотбахш унсур

мисоли ўрнашган ғойибадаги оби ҳаётни ҳам охир-оқибат буткул унутди...

Лекин ақлга сигмас: бу оқшом босриқиб, қиздирилган тандир мисоли ҳил берадиган ўша кимсасиз сахро билан тагин учрашди. Аввалгидек ҳансираб, чор-ночор аҳволда кум кечиб борар, даҳшатли бир чўллаш жон-жони ва суяк-суягига қадар чийратиб юбораётган эди. Терлаб-пишиб узоқ юргач, япалоқ барханлар оралигида қад ростлаган ҳалиги саксовул кўзга ташланди. Телба гармсел шип-шийдам узун-узун шохлари ва ҳали тўкилиб улгурмаган баргларини шитирлатиб ўйнатаётир. Ҳадемай кўзгалган тўфон кум тўдаларини ўрай-ўрай дуч келган томонга суриб-супуриб кетади. Ҳансираб, томоғи қуруқшаб, интиқлик билан излаётгани чашма савилдан эса ному нишон йўқ: ажабки, саксовул биқинида дастаси қайрилма мўъжаз ҳасса омонатгина санчиб қўйилмиш!

Гангиб қолган Соҳибқирон, не қиларини билмай, охири ўзини бетоқат ҳар ёнга отиб, мавлоно Аҳмадни чақирди. Аллабир ўкинч ва гина-гидир билан йўғрилган товуши дала-дашт узра баралла гулдиради-ю, биров илкис туртган каби, чўчиб ва қора терга ботиб уйғонди. Шу заҳоти кўнглидан, Қодир эгам каромати шунчаям кўп экан-да, деган ўй кечди.

Ҳозир субҳидамнинг нуқра тусли шуъласига беланган соҳил тарафдан назарини узмай, беихтиёр, неча йилдан кейин бошқача якун билан такрорланган ўша ғаройиб тушнинг чинакам ҳайрат уйғотадиган сеҳру жодусига берилди. Ҳамон гўё юмшоққина тўшакда босриқиб, терлаб-пишиб ётар, бутун руҳи-жонида недир инқилоб кечар, юраги қафасдаги қуш каби потирлаб тепар эди. Ғойибада, номаълум ёқларда ястаниб, алангаи оташ уфураётган сахро бор кўлами билан шундоқ шуури қатларига кўчиб ўтгандек эди ёки ўзи ўша даҳшатли қум тўзонлари ва жимирлаётган сароб ичра адашиб юармиди-ей!..

Салдан кейин эса хаёлида мавлоно Аҳмаднинг мудом син солиб қарайдиган қийиқ кўзлари жонланди.

Қурмагур ҳазрат араз-ўразни анчайин катта қилган шекилли: дилида бирон-бир дарду ҳасрат борга ўхшайди, буни тунов кунлар авзойидан сезган, авзойидан!..

Кўкси аллабир сирқираб, ниҳоят, миясидан қуриб кетгур туш тафсилотларини ҳайдади, сўнг енгил хўрсинди-да, ғаройиб шаҳарчада алоҳида ажралиб турган оппоқ шоҳона ўтов сари нигоҳ юборди. Чиндан ҳам у салобати ва латофати билан ҳар қандай кишини мафтун этар, тепасида ҳилпираётган уч ҳалқа тасвири зарбланган яшил байроқ айниқса кўзни қувнатар эди.

Кўп ўтмай кучайган изғирин қўл-бетига аччиқ-аччиқ игна санча бошлаган эса-да, илдам-илдам қадамлар билан бошқа юксакроқ тепаликка ўрлади. Қори эриган ясси қоядан узоқларда ястанган кўркам манзаралар кафтдагидек аниқ-тиниқ товланиб кўринар эди.

Мароқли кечаётган ов жараёнида Соҳибқирон фасллар оқсоқоли жозибаси нақадар бетакрор ва нақадар улуғвор эканлигига қайта-қайта имон ўтирди. Еру кўкни забтига олган қаҳратон фусункорлиги заъфар рангларга ўч тирамоҳ малоҳати билан пинҳоний бир йўсинда уланиб кетганидан эрта-кеч чексиз ҳайрат туяди.

Чиндан ҳам у сахийлик билан ёйиб-сочиб ташлаган зебу зийнат битмас-туганмас ҳамда таърифига калом ожиз: бутун борлиқ-жавониб кумушдек ярқироқ ларзон-ларзон қор кўрпаси остида мудраётир, ўзаро чирмашган улкан дов-дарахтлар, пастак буталар таққан марварид шодалар жилоси, хусусан, чакалакзор ва тўқайзорларда учиб-қўниб ва изғиб юрадиган паррандалару даррандалар боқишидаги ҳадик, сокин кечаларда торайиб қолган ўзанда чўмиладиган гуж-гуж юлдузлар жамолидаги ҳаё нақадар масрурона!..

Қолаверса, шикорнинг дастлабки соатларидаёқ, шу вақтгача Зарафшон шунчалар дилтортар ва ёқимтой эканлигини тузукроқ билмагани учун афсусланди ҳамда тез орада томирдаги қондек тиним билмас дарё асирига айланди.



Соҳилнинг қирчиллама қиш сукунати билан тагин ҳам шукуҳли кечадиган тунги фурсатларида айниқса беадад роҳату фароғатга кўмилади. Тонг-азонда эса, ё бирдан қўзғалган бўрон увиллаши, ё ногоҳ ўпирилиб тушган муз қисирлаши, ёки тинчи бузилган қарғалар фарёдидан уйғонади-да, бир енгиллик сезади руҳида! Сўнг, бойловдаги масиққан бедовлардан бирини жадал елдириб, гоҳ Ургут, гоҳ Панжакент тарафларга ўтиб келар, баъзан йўл-йўлакай овга берилиб кетганини билмай қолар эди. Ортидан ўлжа териб юрадиган қўриқчи навкарлар, зарҳал қопланган камонни чаққон-чаққон ишлатганда, бир-бирларига маъноли им қоқишади: қушни кўзидан урадиган қирағай мерган хожамиз!..

Уфқда қуёш тилла баркашдек ловуллаб юз очган чоғда бафуржа ортига қайтди, шоҳона ўтовга яқинлашар экан, илкис кунботар сари арғамчи солиб ўтаётган турналар жамоасини кўрди. Жаҳонгашта қушларни паришон кузата-кузата, қор кўрпасини гарч-гарч босиб, поёнсиз даштга туташ чимзор сари келди. Чимзорда аллақачон бошланган ҳарбий машқларни бир муддат маҳлиё бўлиб томоша қилди-да, ўзи ҳам чаққон енг шимарди...

Чинакам жангу жадалдан қолишмас машқлар ниҳоясига етган ҳамано, чавкар бедов минган қушбеги ишорасига кўра, еру кўкни бурғулар ва ноғоралар гумбир-гумбири қоплади. Абжир ва югурик този итларга нақд Худо берди: жониворлар кесилган думларини ликилатиб, жон ҳолатда вовуллаб, бутун қирғоқ ва дала-даштни бошларига кутаришди.

Ҳадемай моҳирлик бобида тенги йўқ камонбоз аскарлар шахту шижоати туфайли ола-чипор уватлар, сайхонликлар ҳамда қир-адирларда семиз-семиз ўрдагу тувалоқ, қирғовулу лойхўрак хирмон каби уйилди. Тушликка яқин қолганда турфа хушбўй зираворга бўктирилган димлама-кабоб биқирлаб қайнай бошладди улкан дошқозонларда...

Нонушта қилмагани боис Соҳибқирон очиққан — иштаҳаси карнай, лекин ичкарида алақачон тузаб қўйилган тўкин-сочин дастурхонни унутиб, тап-тақир музлаган соҳилда нари-берига хушлар-хушламас одимлаётир. Гоҳо бир чеккада қўнқайган тим қора кигиз чодирга, ичида нимадир чўғдек ёниб, оғриниб қарайди.

Ахир, у ов мавсуми бошланган кундан бери бўм-бўш ҳувиллаб турибди, эгаси — хос мунажжим мавлоно Аҳмад Самарқандий келолмай қолган. Аниқроғи, йўқ ердаги баҳонани кўндаланг айлаб, бутун Ҳумоюн ўрду, зафар нишонли қўшин ва саройни оёққа қалқитган, салтанат миқёсидаги маҳобатли шодиёнага айланган шикордан бўйин товлаган!..

Соҳибқирон мавлоно Аҳмадни хос мунажжим қилиб кўтаришга кўтариб, кейин у билан анча вақт тил топишолмай қийналганини ҳам яхши хотирлайди. Очиғи, сарой ва бош девон ҳаётига кўниккач, ҳазрат ўзи Соҳибқирон қалбига бемалол йўл топди, ҳатто шу даражага етдики, бомдодни ўқиган ҳамоно, ҳузури муборакка ошиқиб келар, фақат хуфтондан кейингина ҳовлисига қайтар эди.

Охир-оқибат Соҳибқирон мавлоно Аҳмад муруватли Тангри таоло тарафидан беминнат юборилган маслақдош — суянч тоғ эканлигини чин дилдан эътироф этди. Бугунги кунда ҳам бирон-бир соат ёки кунни унинг дийдорисиз, бирон-бир тадбир ёки кенгашни унинг иштирокисиз тасаввур қилолмайди. Энди у айниқса ҳар қанақа катта-кичик сафарда ёнида камарбаста бўлишини тилайди. Сабабики, қулай фурсат топган заҳоти, баъзи муҳим давлат ишлари ва ҳатто ҳарбий юришларини биргаликда қизгин муҳокама қилар, жўяли маслаҳатларини сира иккиланмай Ҳумоюн ўрду дастурига киритар эди. Кўпинча баҳаво ва хилват дала-даштда тузиладиган зиёфатларда дилкашо-

на суҳбатидан бениҳоя баҳра олар ва кўнгли ўсар эди. Акс ҳолда, бебаҳо нарсасини йўқотиб қўйган одам ҳолига тушиб, ҳаловати ва оромидан айрилар, ҳеч қандай хурсандчилик татимай қолар эди.

Муҳими, мавлоно Аҳмад одам танирди, энг қалтис дамларда мардона кўллар, ҳар қандай жумбоқ ечимини, ҳар қандай қайсар одам кўнглини топишда беназир эди. Олисда рўй берган ёки берадиган воқеаларни кўриб-билиб туриши айниқса таажжубга молик эди. Беқарорликни касб айлаган бир тўда амир ва бек қўйган тузоқдан вақтида хабар бермаса, ким билсин, бу кунда жойи жаннатда бўлармиди? Кейинроқ неча марта қасамини бузган Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи бурнига итоат ҳалқасини ўтказишда нақадар жон чекди. Оқ Ўрда соҳиби Ўрусхон таъқибига учраб, паноҳ ва нажот истаб келган Тўхтамиш ўғлонни ёқтирмай: «Шаҳаншоҳим, эҳтиёт бўлинг, дили бошқаю тили бошқа адашмасам!» — дея огоҳ этиб, қовоғини солганичи. Ана шу маслаҳатига амал қилмагани қанчалар қимматга тушмади. Охири Дашти Қипчоқ сари кўшин тортишдан бошқа чора тополмади. Ёйиқ дарёси ёқасидаги Қундузча мавзесида кечган савашув чоғида, Мир Саййид Барака билан кўл тутишиб, сира қанотидан айрилмаган, ҳатто Тўхтамиш черигидаги ожиз ёки кучли тарафларни адашмай кўрсатиб берган...

Суяк талашиб қолган кучуклар ириллаши Соҳибқирон хаёлини тўзитиб юборди. Бир дам уларни кузатгач, оғир-оғир қадамлар билан шоҳона ўтовга кирди, ҳамон мунтазир турган дастурхон ёнига оғир чўқаркан, яна кўнглини тушунуксиз гашлик чулғади.

Нимасини айтасиз, мавлоно Аҳмад шикор аҳли билан бирга бўлганда, ҳозир алоҳида иззат-ҳурмат билан ҳузури муборагига чорламасмиди, пасту баланддан баҳс-мунозара қуриб, мана бу сархил егуликларни бирга баҳам кўрмасмиди?!

Ахир, дили ҳазрат дили билан пайванд бўлиб кетганидан нечун шубҳа қилиши керак, Худо ҳақи, тир-

ноқча гумонга ўрин йўқ, фақат саройда, ён-атрофида биродарлик муносабатларини хусумат нигоҳи билан кузатадиган мунофиқлар ишқал чиқариши эҳтимолдан холи эмаслигидан ташвишу надоматда. Алақачон қариллик остонасига бориб қолган, эрта-индин қоронги гўрига думалаб кетадиган кўримсиз бир чолга чексиз меҳру мурувват кўрсатилиши ўша тоифа каслар нафсониятини аввал-бошдан муттасил оғритиб келгани ва ҳозир ҳам оғритаётгани шубҳасиз.

Ҳазрат шу фурсатда не юмуш билан машғул бўлса?

Шаҳар ғарби-жанубида жойлашган, омонат гувала девор билан ўралган кўримсизгина тор ҳовлисида, аниқроғи, топган-тутганини сарфлаб тиклаган кутубхонасида қамалиб, ўзи билан ўзи таллашиб ётгандир-да...

Ахир, кўп замондан бери ёлғиз қолиш, баҳонада фалакиёт сари гойибона интилиш, олис сайёралар бағрида сайру саёҳат қилиш энг мароқли машғулотига айланган. Зойича илму амалини муҳим ислоҳлар воқитида ёшартириш учун тер тўкаётгани ва ушбу масалага даҳлдор рисолаани алақачон поёнига етказганидан аҳли ашроф хабардор. Қайси бир мажлисда талабалик вақтларидан то ҳозирга қадар фалак билан сирлашиб, юлдузлар ҳаракати ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни, ер курраси билан турли-туман сайёралар муносабатларини муттасил кузатиб, толеънинг икки юз йиллик ҳукмини чиқарганини айтган ва бутун сарой жамоасини ҳайратга солган...

Босиқлик ва мулоҳазакорликни касб қилган мавлоно Аҳмад ҳали-ҳануз ўзидан ортган эмас. Эсини танибдики, билгани фақат китоб-дафтар, ҳою ҳавасга тамом этак силкиб, сармоя деган нарсани унутган, ягона орзуси — бошқалар учун бегона дунёсининг содиқ фуқароси, ҳар нимани ва ҳар кимни тан олмас кўнглининг собит қули сифатида танилиш!

Эҳтимол, шу боис хилватнишин умр кечиришни хушлар ва баҳонада замин билан самовотни бирлаштириб турган кучлар тубига етмоқчидир.

Қисқаси, шу хил мақбулу номақбул маслақларини рўёбга чиқариш учун муккадан кетиб, охир-оқибат рўзгор бутлаш қувончи инон-ихтиёридан хорижда қолди. Ана-мана роппа-роса етмишни қоралади, бир оёғи тўрда-ю, бири гўр лабида бўлишига қарамай, ҳамон сўққабош!..

Шу хил мулоҳазалар Соҳибқирон борлигини тўс-тўполон қилиб ташлади, иштаҳаси баттар бўғилиб, оғир-оғир хўрсинар экан, қат-қат ажин тилимлаган ҳорғин сиймо қайтадан жонланди тасаввурида. Дилларини тоабад туташтириб, мақсаду орзуларини уйғун айлаган, эртанги ёруғ кунларга даъват қилувчи ришталар наҳотки шунчалар осон узилмиш? Наҳотки, улар шу қадар омонат, шу қадар мўрт бўлса? Ишониш қийин, лекин нимадир рўй берган, рост, орадан бир нохушлик ўтган, акс ҳолда, ўзини панага тортмасди бунчалар. Тезроқ юзма-юз бўлиб, барини аниқлаши лозим.

Ошиғич чорланган машварати олийда Қундузча жангида тутқич бермаган Тўхтамишхон зимдан найза ўқталаётгани, Ажам Ироқи подшоси Шоҳ Мансур, Араб Ироқи ҳукмдори Султон Аҳмад, Миср султони Абу Саййид Барқуқ иттифоқ тузгани ва Турон салтанати билан ёвлашиш ниятида эканлиги батафсил муҳокама қилинди. Мамлакатни катта хатар ўраб олгани боис зафар нишонли қўшин, ов баҳона, вақтинчалик қўналгада ҳарбий машқларни муқим давом эттириши лозим. Муҳим аҳамиятга молик тадбир ҳарбу зарб бобида етарли тажриба тўплаган сардорлар ва салтанат суянчлари саналмиш Мироншоҳ Мирзо, Муҳаммад Султон, Умаршайх Мирзо ва Сулаймоншоҳ тарафидан бошқарилсин, Амир Темур Кўрагон эса, сарой арбобларини етаклаб, ҳозироқ доруссалтана сари жўнасин...

Ҳумоюн ўрду жадал суръатларда муаззам пойтахт остонасига етган фурсатда гира-шира қоронғу туша бошлаган, олис уфқ бўйлаб тарам-тарам алвон чизиқ-

лар тортилиб, ғарбдан ғувиллаб эсаётган изғирин кучайган эди.

Кейинги бир-икки йил орасида гуллаб-яшнаган шаҳар ичра қад ростлаган қўрғон — маҳобатли арк деворлари ярқираб кўзга ташланди ва оқ тулпор белида бургутдек қўнган Соҳибқирон кўкси недир ғурудан жиз этди. Арк қурилишида Хоразм, Бухоро ва Ҳиротнинг не-не нозик дидли, қўли гул усталари тер тўкмаган дейсиз. Энди у чиндан салтанат куч-қудрати ва шону шуҳрати тимсоли бўлиб, беқиёс кўрку камоли билан ҳатто само ғаришталарини ҳам ҳайратга солса ажаб эмас.

Ғақат арк эмас, бутун доруссалтана ҳуснига тилла узукка қўйилган ёқут кўздек ярашиб тушган Кўксарой остонасида яна ҳам дили ёришди. Деворлари турфаранг жозибали кошинлар билан безатилган ушбу маҳобатли иморат Катта малика — Сарой Мулк хоним куйинчаклиги боис бунёд бўлганини охиратда ҳам эътироф этса керак. Муборак бошига иқбол қуши қўниб, арк қурилишини жадал бошлаб юборган эди ўша кезлар адашмаса. Бир сокин оқшом, тўлин ой ёруғида, Боғи Ферузада сайр қилиб юришганда, шоҳи либосларга ўралган малак шаҳлоларини хумор-хумор сузиб: «Сиздек зот шундоғ кошонани қароргоҳ тутсинки, кўрган дўсту ёр шодланиб, кўрган ғаниму агёр ҳасадда куйсин!» — дея лутфу қарам айлаган. Илоҳий сеҳр билан омўхта латифдан латиф овозни қалб қулоғи билан берилиб тинглаган, бинобарин, турмуш йўлида шунингдек оқила аёлни ҳамроҳ этган мурувватли Тангри таолога беадад шукроналар айтган!..

Соҳибқирон маҳди улё — баланд пояли беланчағу хумо сояли Билқис дея улўғ баҳо олган, ҳар босган қадами барчага ибрат бўлган Катта малика билан неча кундан бери учрашган эмас. Худойим мудом эъзозлаган муборак ҳарамини офтобдек ёритган санамни жуда-жуда соғинган, дили тубида унга аталган қанчадан-қанча эҳтиросли сўзлар ва эзгу тилаклар жаво-

ҳир каби йиғилиб қолган. Шундай экан, ҳозир қошига ошиқиб боради-да, тонга қадар тўйиб-тўйиб суҳбат қуради.

Соҳибқирон Кўксарой тўрини эгаллаган ҳарам билан ёндош иссиқ ҳаммомда ҳузур қилиб ювиниб чиққандан кейин, бирдан фикрини ўзгартирди. Ажабтовур куч яқинда никоҳига кирган, ўн гулидан бир гули эндигина очила бошлаган Чўлпон Мулк оғо кўшки томон етаклаб кетди. Нафис пояндоз тўшалган остонада енгил таъзим ила қаршилаган, юмшоқ жилмайиб, муаттар атру бўйлар таратаётган келинчакка суқланиб тикиларкан, Азалу абад меъмори ҳеч бир парипайкарни мана шу малак каби сулув қилиб яратмаган, деб қўйди ичида...

### 3

Тун бўйи паға-паға ёққан қор ҳозиргина тинган.  
Доруссалтана алақачон уйғоқ...

Теран сукунат босган Афросиёб тепаликлари, кошинкорий либосдаги Ҳазрати Хизр масжиди билан Шоҳизинда силсиласига ёндош Сиёб бозори ва ҳар ёқдан қон томирлари каби келиб унга туташган кенг-кенг кўчалар ҳамишагидек гавжум: расталар ва дўконлар олдида уймалашаётган савдогарлару харидорлар зўр ҳафсала билан савдо-сотикни бошлаб юборишган.

Бир неча таноб ерни эгаллаган муаззам Кўксарой ҳам одатдаги ташвишу қувончларига фарқ: маҳобатли мудофаа деворлари устида соқчилар хушёр кезинаётир, бош девон мисли каптархона — савлатидан от ҳуркадиган амалдор ходимлар, хос мулозимлар, ихчам салла ўраган мирзалар ва гумашталар оёқлари куйган товукдек типирчилаб қолишган. Қимматбаҳо либослар кийган сипо-вазмин вазирлар, амирлар ва беклар, ҳокимлар ва уламо-ашрофлар билан бир қаторда, олис-яқиндан ташриф буюрган элчилару меҳмонлар узлуксиз ҳузури муборак сари ошиқишаётир. Аммо қадди-

қомати келишган, боқиши жиддий эшикоға тарафидан ҳозирча суҳбат ёки машварат бўлмаслиги маълум қилингани сабабли, чеҳраларда недир ҳайрат ва саросима акс этган.

Муаззам бўлмани беаган, не-не улуғлар кўзини ўйнатган мунаққаш тахтда ястанган Амир Темур Кўрагон теран хаёл оғушида. Бир қарашдаёқ кишини ром этадиган энли-чўзиқ бети сокин нурланаётир, яккам-дуккам оқ оралаган бежирим соқоли бутун қиёфаси ва чинордек бақувват қадду қоматига мувофиқ тушган, бинобарин, асл тошлар қадалган тилла тожи, гавҳар ва лаъл-ёқут билан зийнатланган зарбоф тўни, зарҳал юритилган камарига қистирувли дандон сопли мурассаъ ханжари салобатига яна ҳам салобат кўшган.

Соҳибқирон, жисму жони дашт сукунати қамраган улуғвор хонаи хосда бўлса ҳам, хаёли олисларда — аниқроғи, ҳалигача не сабабдандир бир сазо бермаган мавлоно Аҳмадда. Паришон алфозда ҳамон ҳалиги туш таъбирини излайди, ҳамон ажабтовур бир гашлик ва соғинч тинимсиз хуруж қилиб, дилини симсим ўртаётир. Бутун, жумаи муродбахш, субҳи содиқда аввал шу зоти шариф билан кўришишни ихтиёр қилиб, бошқалар учун вақтинча қопқани ёптиргани бежиз эмас. Мана энди қутлуғ бўсағага интиқлик нигоҳини тиккан ва дақиқалар имиллаб кечгани сайин сабр косаси тўлиб бораётир.

Ажабо, наҳотки, устод Мир Саййид Барака сингари пирлик мақомига кўтарилган, нияти холис, имони бутун, садоқати тўқис эканлигини қайта-қайта исботлаган мавлоно Аҳмаддек муҳтарам зот, кўпдан бери суяниб ва ишониб келган одами, дабдурустдан тириклик пасту баландига этак силкиб, охир-оқибат ниқоб киймиш? Наҳотки, давлат арконлари ва саркардалар нари турсин, бутун Туронзамин ва ҳатто етти иқлимда яккаю ягона ҳукмфармо — фалақдан истаган юлдузини узиб олишга қодир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазратларини ҳам писанд қилмай қўйган бўлса?!



Салтанат низоми ва ҳарбу зарб сир-синоатидан ҳазрат яхши хабардор, ҳатто кейинги кунларда Соҳибқирон тинчи ва оромини бузган савдони ҳам билади, бироқ нечундир ўзини гофилликка солаётир. Ахир, ҳар қандай сафар олдидан, омад ва шарафга мушарраф этувчи хайрли кун ёки саодатли соатни зойича орқали белгилаш азалдан русум-ку! Ҳатто куч-қудратда ҳеч кимга бўй бермаган Чингизхон ҳам ёнида мудом яқин дўсту биродари каби хос мунажжим сақлаган ва осмон ёритқичлари ҳолати асосида берган маслаҳатлари бўйича иш тутган!..

Зойича дегани тугун: турли ўлчамларда жойлашган турли сайёралар билан сирлашиш ва тегишли башорат калитини топиш бориб турган азоб ва беадад машаққат! Шаҳри азим Самарқанд мадрасаларида шу жабҳа моҳирлари анчагина, алар ҳар бири хосу авом назарига тушган мактаб яратиб, ҳар жиҳатдан муносиб шогирдлар тарбиялаган. Лекин ҳеч қайсиси кўпдан сарой тўрини эгаллаган мавлоно Аҳмад кўтарилган поғона яқинига йўлай олган эмас. Ҳатто руҳоний ва дунёвий илмларни сувдек симирган пири калон Мир Саййид Барака ҳам салоҳияти қошида неча бора лолу ҳайрон қолиб, таҳсину тасанно айтган!..

Соҳибқирон бултур, ёз охирларида, Тўхтамиш ўғлонни таъқиб қилишни тўхтатиб, пойтахт сари юзлангач, мавлоно Аҳмадни ҳузурига чорлагани ҳозиргидек эсида. Одатдаги каби ҳурматини жойига қўйди: эғнига зарбоф тўн ёптириб, бошидан бир лаган кумушу тилла танга сочтирди. (Ҳар неки кўр-қути ва бисотини охириги мирисига қадар дарвеш биродарлари, камхарж муллавачча шогирдлари, бева-бечоралар ва мискинларга улашиб юборишини билса-да, мудом ҳазратни ана шундай мукофотлаб турар ва бундан аллатовур ҳузур туяр эди). Ниҳоят, қисқагина даромаддан сўнг, огир-босиқлик билан дилини тўқди. Ҳар бир сўзини у жон қулоғи билан тинглаб, ҳар қандай амри вожиб эканлигини қайта-қайта таъкидлаб, очиқ чеҳра билан хайрлашди. Бир

ҳафта нари-берисида дафъатан ҳузурига ташриф буюрганда, терисига сигмай қувонди. Аммо зойича бобида иши юришмай қийналиб қолгани, умуман, гойибона алоқа боғлаши учун фалак рўйхушлик бермаётганидан нолиб, қўшимча муҳлат сўрагач, қовоқ-тумшуғи осилиб кетди...

Иложи қанча, узунроқ ташлаб қўйди арқонни. Вақти-соати етса бирон-бир умидбахш натижа бўлишига умид боғлади. Кейин олам-олам завқу шавққа тўла шикорда, Зарафшон соҳилида кечадиган гаройиб базми жамшид ёки яккама-якка мулоқот чоғида эмин-эркин ҳасратлашиш маъқул туюлди. Аттанг, тўлқин узра йилтираган пуфақдай сўнди бу режаси ҳам: ҳазрат қаторга қўшилишни истамай, ўзини хилватга тортидики, пешонасини совуқ тер босади эсласа!..

Аксига олиб, кунба-кун Ажам ва Араб тарафда шаънини ерга урадиган турли игво ва бўҳтон акс-садо бераётир ва бундан таъби бешбаттар хуфтон!..

Янглишмаса, Султон Аҳмад пойтахти Бағдод мудофаасини мустаҳкамлаб, дунё бўйлаб ном қозониш муддаосида, кўпдан бери қулай фурсат пойлаётир. Қорқировли кунлар охирлаган ҳамона, қўшнилари бўлмиш Ажам Ироқи, Форс, Миср ва Шом билан бирлашиб, тиш-тирноғигача қуролланган лашкарини Турон устига ташласа керак. Ростини, яқин-яқингача буни шунчаки уйдирма санарди. Аммо Бағдод бўсағасида куппакундузи Самарқанд қарвони талон-торож қилиниб, савдогару сайёҳлар қамоққа ташлангач, тушундики, Султон Аҳмад нияти чиндан ҳам бузуқ экан. Нақд икки нортуяда қимматбахо совға-салом олиб борган элчиси Оқбуға барлос жосуслиқда айбланиб, дорга тортилганини айниқса қандай баҳоласин?..

Соҳибқирон ҳамон нигорон: тиқ этган товуш эшитса, бир хил орзиқиб, жийда гулидай майда ислимий нақшлар кесилган эшикка тикилади. Деразаларига ним пушти ҳарир пардалар тутилган қароргоҳни қоплаган теран сукунат лаҳза сайин дилини бир маҳзунлик ва

бир изтироб бўлиб чулғаётир. Вақт асрдан ўтди ҳамки, фақат тушлик қилишни эмас, ҳатто бор дунёни ҳам унутиб, бир зогни йўлатмади ёнига. Ахийри, ноилож, сал аввал Катта малика, кейин суянган тоғларидан бири бўлмиш Нўъмон Али барлос билан ортга суриб бўлмас зарур масалалар юзасидан қисқа-қисқа суҳбатлашди. Узун зарбоф тўн кийиб, ипак салла ўраган барваста қоматли девонбеги букила-букила ҳузури муборакни тарк этгач, дарҳол Мир Саййид Баракани йўқлатди. Пири комил кириб қўл боғларкан, даромадини чўзмай, мавлоно Аҳмад феълу атвори ўзгариб қолгани, сарой ташвишу қувончи билан қизиқмай қўйганидан нолиди. Иложи бўлса, ҳозироқ ўрнига бошқа муносиб киши тайинлаш лозимлигини, шароит шуни тақозо этаётганини орага қистирди. Қарангки, бугдойранг юзидан ақлу идрок нури ёғилаётган устоз таажжуб ичра сукут сақлаб турганда, эшикога кутилаётган одам ташриф буюрганини билдирди.

Ажабо, мавлоно Аҳмад, ботинан ва зоҳиран шу қадар осуда эдики, кимсан Туронзамин ҳукмдорини интизор айлаган кимсага ўхшамасди.

Пойгақда неча йиллик қадрдони ва ҳамдами бўлган алломаи замон эмас, дарду дунёси ва рангу равиши тамом бегона кимса қад ростламиш: кўзлари киртайган, қировлаган қошлари ўртаси тугунли, оппоқ соқол-мўй кўмган лаблари четида ним табассум зухур ва ўнг қўли билан қайрилма дастали ҳассага ҳорғингина суяниб олган. Баъзи биродарлари ҳазил-чин аралаш шу матоҳ талабалик давридан бери ҳамроҳи, ошнаи қадрдони эканини айтишарди. Сираси, у, анчайин эскирган ва кўримсиз бўлишига қарамай, ногоҳ эътиборни тортар, нимасидир кишида қизиқиш ва ҳайрат уйғотар эди.

— Дийдорингизга муштоқ бўлдик, мавлоно, — юмшоқроқ оҳангда кесатди Соҳибқирон, Мир Саййид Барака билан кўз уриштиргач. — Қайда қолмиш орамиздаги меҳру оқибат?

— Афу этгайсиз, олампаноҳ, — деди хос мунажжим, енгил хўрсиниб. — Зойича эсу ҳушимни ўғирлаб, кеча билан кундуз фарқини йўқотибмен.

— Хўш, қутли муддат тайинму?

Яна ўша дарди-бедаво аҳвол: мавлоно Аҳмад дилида борини айтгани шошилмаётир. Неча кун давомида билган-кечирганини ўлиб-тирилиб яширмақ, иложи бори-ча шарҳламаслик ва баён қилмаслик пайида, лекин бундан не фойда? Ана, гирдини майда ажин қоплаган кўзларини олиб қочаркан, қиёфасини тушунуксиз ифодалар қопладик, ҳей, дариг, бундан Соҳибқирон яна ҳам ўртанмасинми, қаттиқроқ ташвиш чекмасинми? Ботинан ҳам зоҳирон нохуш кечаётган суҳбатни безовталаниб тинглаётган Мир Саййид Барака олдида ерга киргудек бўлди. Мудом ўзини оғир-босиқ тутадиган, ҳар қандай шароитда ҳам етти ўлчаб бир кесадаган пири калон дил-дилдан оғринаётгани, афсус-надомат чекаётганини сезди-ю, яна ҳам ноўнғай аҳволга тушди. Ҳозир у хаёлан вазиятни юмшатиш, яъни, мавлоно Аҳмадни инсофга эндириш чорасини қидираётгани аниқ, лекин бунга эришиш насиб этармикин?

— Сафар куни аёнми, мавлоно?

Соҳибқирон яхши эслайди: аввалги учрашув чоғида ҳам ушбу саволни қовоғидан қор ёғдириб, пўписа аралаш қайта-қайта такрорлаган, бағри ўт кетгандек ёниб, асаби-шуури қақшаб жавоб кутган, ниҳоят, сабру қарори битиб, қаҳр аралаш гулдираган товушда ҳайқириб юборган. Бироқ, ҳар қанча койинмасин, ҳар қанча бўғилиб кўкка сапчимасин, шайх пинак бузмай, мийиғида синиқ кулганча, ҳозиргидек ер сузиб тураверган...

— Сезаменки, фалақдин хабар олғонсиз.

— Таҳсин сизга! — ногоҳ хушёр тортди хос мунажжим.

— Қон қилмай сўйланг-да борини!

— Олампаноҳ, имоним комилки, ҳар не аён бўлғонни муборак хотирингизга хуш ёқмас.

— Ҳе, оғам, мардона сўйлаш сиздан, мардони тинглаш эса фақирдан. Шукрни қалқон айлаб, дунё ғалваларини даф этмак тоабад бурчимиз.

— Ҳа, биродар, бардам бўлинг, — таскин оҳангида сўз қотди ниҳоят Мир Саййид Барака. — Қутлуғ даргоҳ берган тузни оқлашингиз лозим.

Номаълум нуқтага тикилган кўйи сукутга толган мавлоно Аҳмад қошлари ўртасини эгаллаган тугун тагин ҳам чуқурлашди бу фурсатда. Улкан тилла қандиллардаги сон-саноксиз шамлар шуъласида сокин товланаётган ҳассасини қўлтигига қистириб олди негадир. Аъзои бадани хиёл титраниб, ранг-рўйи чуйкалиб кетганига қараганда, ботинан тутаб-тутамай ёнар, сезимлари ва шуури сирқираб, тўлиб-тошиб борарди. Дилида аллабир мужда пинҳон эканини ифодалаб маънос боқаётир теварагини майда ажин босган кўзлари!..

— Эй, қилич пайғамбари, фақирга қолса, сафарни буткул тўхтатинг. Ҳеч бўлмаса ортга сурганингиз маъқул!..

— Ҳимм, нечун, мавлоно? — деди шоҳи жаҳон қошқовоғи осилиб. — Яхши биласиз-ку қўлимда ислом подшоси Султон Маҳмуд ёрлиғи борлигини!

— Ёрлиқ ўз йўлига, олампаноҳ, — сал кескин оҳангда давом этди шайх. — Очиғи... Мезон буржи бу кунда Зухра ва Муштарий сари юзланмиш!

— Бу далил шошилиш учун ишора эрмасму?

— Асло, олампаноҳ!

— Мавлоно, ёру биродарлик ҳурмати, сизга аввалгидек катта ишонч билдирдик, сиз эса чалгитиш пайидасиз. Сабабини билсак бўлурму?

— Чалгитиш хаёлимда йўқ, бурчимни адо этиб, боридин огоҳ этурмен.

— Мавлоно, огоҳ этиш билан иш битмас, тезроқ қутли кунни белгилаб бергайсиз, токи фурсатни бой бермай йўлга отланайлик. Фақир ҳам Оллоҳ таоло қошида бурчдор эканлигимни ҳартугур билсангиз керак. Ҳозир эса ижозат!..

Муаззам бўлмада ёлғиз қолган Соҳибқирон яна ҳар турли шубҳа-гумон гирдобига шўнғиди. Сира ишонгиси келмас: кимсан мавлоно Аҳмад, зойича илму амали, гайб башорати ва юлдузлар жадвали ҳисоб-ки-тоби бобида тенгсиз билимдон, охир-оқибат тоб ташлаб, йўқлик ичра адашган кўринади...

Ахир, хосу авом ўртасида аллақачон ошкорки, Аршу аъло муруввати боис, зуваласи Зухра ва Муштарий ўзаро илоҳий яқинлик ихтиёр этган хосиятли дамда ёғилган саодат нури билан йўғрилган. Ҳар неки орзуси ушалиши, ҳар босган қадами қутлуғ ва шону шуҳрати абадий бўлишида ўша сайёралар тоабд ҳомийлик қилур, шундай экан, орага вақтинча суқулиб қирган Мезон буржи нимага ҳам халал бериши мумкин?

#### 4

Бугун қоронғи тушмай Соҳибқирон, соқчиларни тафтиш қилмоқ ниятида, тош зина орқали арк мудрофаа деворига кўтарилди. Девор йўлаги бўйлаб беш-ўн қадам босар-босмас, қулоғига танбур садоси чалинди. Эзгин-езгин мусиқий оҳанглар ҳарам тарафдан келарди, сирли йўсинда эшилиб-тўлганиб, бутун шаҳар узра ёйилиб борарди. Ногоҳ шаҳлоларида жоду яширган Чўлпон Мулк оғони эслади. Фақат у танбурни шундай йиғлата олади...

Аввалдан арк хавфсизлигини назорат қилишни одат тусига киритган эди. Бир марта ўнбоши Ултой қарчигайни панада донг қотиб ётганда қўлга тушириб жазолаган, кейин оёғига йиқилгани боис, ўйлаб-ўйлаб хабаркаш-чопарлар қаторига қўшган эди. Йигит қурмагур кўп ўтмай бу жабҳада ўзини кўрсатди: бугун Кеш ё Термиз билан юзлашса, эрта Бухоро, индин Хоразм ёки Ҳирот остонасида ҳозир у нозир.

Айни дамда ногаҳон қибла тараф супасида пайдо бўлди ва мизғиб ўтирган баъзи қоровулар ўтакаси-

ни ёрди. Бирдан ёв босгандек, ҳамма буржларда шовқин-сурон қўпди, шақилдоқлар асабий шақиллаб, бургу ва ногоралар гумбирлади. Қаёқдандир оёгини қўлига ола етиб келган, кўзлари ола-кула бўлиб кетган Норкул баҳодир титраб-қақшаб ер ўпди.

Соҳибқирон ғазабини аранг босиб, гира-шира қоронгида элас-элас кўринаётган Рухобод обидаси томон ўтирилди. Ҳануз эшилиб таралаётган танбур нолаларини тинглай-тинглай, қиш чилласи бўлишига қарамай, шишадек ярқираётган осмонни тўлдирган юлдузларни кузата бошлади. Ушбу паллада мавлоно Аҳмад ҳам шу тахлит юксақларга тикилиб, зойичани поёнига етказиш учун ташвиш чекаётгани эҳтимолдан холи эмас. Эрта пешинда галдаги муҳлат битади, қароргоҳга келиб, охирги сўзини айтиши керак. Яна чайналиб, орага йўқ ердаги важ-корсонларни тиқиштирса, ўзидан кўрсин.

Ногаҳон зулмат пардасини ёриб, ингичка-сарғимтир чизик тортган митти юлдуз баҳона хаёли бўлинди. Салдан кейин эса тасаввурини Зухра билан Муштарий ўртасига суқулиб кирган Мезон буржи ҳақидаги мубҳам тушунчалар эгаллади. Турмуш пасту баланди оралигида чалғиб, ҳозирга қадар фалакиёт илмини мукамал ўзлаштириб улгурмагани учун афсусланди, ахир, самовот қатламларида рўй беражак турфа ўзгаришлар ҳар бир тирик жон қисматига алоқадор-ку!

Ниҳоят, енгил хўрсиниб, ҳамон ёнида даг-даг учиб турган Норкул баҳодир қадди-бастига огриниб разм солди. Худо буни тос тепасидан урибди, ахир, ўғлон, кўзингга қара, елкангдаги юк ҳазилакам эмас, деб тунов куни қайта-қайта танбеҳ бермаган эдими? Хулоса чиқаришни истамабдими, бас, эртагаёқ думини туғиши керак. Ҳадеб бунақа дарди-бедаво касларга ортиқ ишонса ҳаром қотади.

Қор учқунлай бошлаганда Соҳибқирон шошилмай ҳарамга қайтди. Тап-тақир музлаган, икки ёнини сар-

ву садалар тутган жимжит хиёбон бўйлаб шошилмай бораркан, беихтиёр мийиғида кулди: йўлига интиғу интизор қараб, ўсма-сурма қўйиб ўтирган қайси дилдор оғушида ўтказса тунни? Шу заҳоти танбурнинг дилни юмшоқ-юмшоқ қитиқлаб, руҳни аллаловчи нолалари эшитилиб, Чўлпон Мулк оғо сари талпинди. Парилар париси яна бўсағада ниҳолдек эгилиб, гулгул очилиб қаршилади. Тун бўйи эшилиб-ингранган куй оҳанрабоси, оққуш бўйин ва қирмиз ёноқларда чулганган зулфи райҳонлар ифорида сархушу сармаст бўлди. Фақат ойдек тўлган малак, сирли шивирларга шоҳид ўтган кўшк эмас, бутун олам, бутун борлиқ жозибали туюлардики, қани бир сония ҳам бундай кайфиятдан айри тушмаса!...

Ҳар қанча истаса ҳам бунинг иложи йўқ; тонг оқаргани сайин ҳамон осуда ва ҳузурбахш лаҳзалар ваъда қилаётган малак меҳрига бегоналашиб борди. Елкасида тоабат тоғдек оғир юк ортилганини, не-не тақдирлар учун жавоб беришини ўйлаган ҳамоно, недир куч қароргоҳ сари етаклади.

Безовта бўлганича бор экан: даҳлизда хуфиялар сардори Бўри тархон нотаниш бир одам билан бетоқат кутиб турарди. Ранг-рўйидан узоқ йўл босиб келгани сезилаётган киши Бағдод оқсоқоллари йўллаган вакил бўлиб чиқди. У эҳтиром билан тақдим қилган, юзлаб имзо чекилиб, юзлаб бармоқ босилган номада Султон Аҳмад кирдикорлари икир-чикиригача фош этилиб, Амир Темур Кўрагон нажоткор паҳлавон — Искандари соний сифатида таърифланган эди. «Сарвари олам, бизни қонга ботган чангадан тезроқ халос айлағайсиз!» — деган ўтинч билан якунланмиш битик...

Гоҳ тижоратчи, гоҳ дарвеш, гоҳ табиб-қушноч қиёфасида жаҳон кезадиган хос айғоқчиси Кўктози илгарироқ Султон Аҳмад ҳақида барча маълумотни етказган эди. Ҳартугур Араб Ироқини сўраб турган ҳукмдор қанақа одамлиги ва нималарга ўчлигини сал-пал биларди.



Очиғи шуки, иззат-нафсини баланд тутишу бош-қаларни камситишга ишқибоз. Ёшлигидан сарой ҳаётига араллашиб, ўзини келаси кун учун яхшигина ҳозирлаган ва ҳатто тегирмондан ҳам бутун чиқиш ҳадисини эгаллаган. Улғайгани сайин хуш-фикрини тожу тахт жазаваси эгаллайди, охир-оқибат Султон Муғийсуддин Аҳмад ибн Шайх Увайс билан ит-мушук бўла боради. Диёнат у ид-рок аҳлидан саналган Шайх Увайс қарилик остонасида давлат жиловини тўнғич ўғли, валиаҳди Жалолуддин Ҳусайн илкига тутқазганда, ўлардек ранжиб, ҳасад ота-шида қоврилади. Падари омонатини топширгач, кўп ўтмай аждарҳодек ташланиб, акасини тириклик боғидан суриб ташлайди...

Соҳибқирон мунаққаш тахтда чўкиб, хатни синчик-лаб қайта ўқиркан, аъзои бадани билинар-билимас титранар, руҳини бир губор чулғаб борар эди. Девонбегини чорлаб, меҳмон кўнглини хушлашни буюргач, мавлоно Аҳмадни эслади. Ваъдага кўра, хос мунажжим ана-мана қароргоҳда ҳозир бўлиши, қутли кунни эълон қилиб, сафарни бошлаш учун оқ фотиҳа бериши лозим.

Соҳибқирон, ора-чорада турли икир-чикир юмушлар билан машғул бўлганини айтмаса, уззу-кун асабийлашиб, ичи тирналиб йўл қаради. Алломаи замон тагин лафзини бузди. Энди бунисига чидаши маҳол: не қиларини билмай, тутаб-тутамай ёнар, оҳ чекса томирлари ўқлоғидек бўртар эди. Ошиғич йўллаган чопари хуфтонда икки қўлини бурнига тикиб қуруқ қайтди. Ноилож эрталаб сабри чидамай, бир нечта хос мулозим билан бирга, Бўри тархонни лўкилатди. Намози асрдан кейин у ҳам эшиқдан бир аҳволда бўшашиб, айбдорона бош эгиб, мўлтираб кирди. Чоли қурмагур ҳеч қаердан топилмаган: осмонга учганми, ер қаърига тушганми — номаълум!..

Мана, аёзли ҳут оёқлаб, сабзалар атру бўйи билан тўйинган илим-иссиқ ҳамал навбати етди ҳамки, мавлоно Аҳмад сувга тушган тошдек ному нишонсиз. Шўрлик ажалидан беш кун бурун қазосини топдими ёки тирик — қоронғу эди. Ҳатто етти тош наридан ҳид

олишга қодир Бўри тархон ҳам доғда: тайинли хабар айтолмай чайналгани-чайналган. Тинимсиз қидирувлар ҳеч бир натижа бермаётган бўлса-да, барибир, Соҳибқирон умид узган эмас: чол охири келади, қаёққа боради келмай?!

Эл оғзига элак тутиш маҳол-да...

Бора-бора мавлоно Аҳмад қилмиши, фақат сарой атрофида эмас, бутун доруссалтана бўйлаб дўмбира бўлди. Ҳазрат билан ҳамкорликда мадраса тупроғини ялаган, биргаликда фалакиёт қулфига калит солган олим биродарлари ўйламай-нетмай аравани қуруқ олиб қочишарди.

Пашшадан фил ясайдиган авомга айниқса Худо бериб қолди. Таажжубки, кимдир савдо карвони билан ҳаж сафарига жўнагани, аллаким Бухорои шарифдаги қайсидир мадрасада мударрислик қилаётгани, бир косиб қайсидир этиқдўз ёнида ямоқчилик билан машгуллиги, яна биров Хоразм сари бораётиб йўлда вафот этгани, бошқа бекорчи Хожа Абду Дарун хонақоҳида чилла сақлаб ўтиргани хусусида оғиз кўпиртирар эди. Ҳатто баъзилар қишлоқда яшайдиган бир қариндоши билан топишиб, далада кетмон чопаетгани, қиру адирда сурув кетидан судралиб юргани ҳақида миш-миш тарқатишди. Кўпинча оқшомлари оғайниси ҳовлисига қайтишни хоҳламай, пана-пастқамда ёлғиз, оч-наҳор тунармиш, кесак ёки тошни болиш қилармиш-да, ҳасасини кучоқлаб ухлармиш!..

Аммо оналари қорнидан гапга тўн кийгазишда устаси фаранг бўлиб тушган қулоқчилар бошқача сайрашади: қайси бир тонг ғира-ширасида Ҳазрати Хизр мачити рўпарасида, бир пешин олдидан Рухобод биқинида, бошқа кун аср чоғи Чокардиза қабристони тарафда, кечқурун Қусам ибн Аббос мақбараси пойида кўришган. Ажабки, таниш амри маҳол эмиш: кигиз қулоҳу чакмон кийиб, белига доғ босган кашкул осиб, елкасига бўм-бўш хуржун ташлаб, «Ҳақ, дўст ё Оллоҳ!»ни баралла зикр қила-қила, ялангоёқ ва яланг-

тўш тентирармиш, мабодо ёнига киши йўласа, ёшми ёки қари, оғасидек бағрига босиб, кўзёшини шашқа-тор оқизиб, ўксук товушда арзу ҳол айлармиш!..

Сарой, кўча-кўй ва давраларда аввали-охири йўқ овозалар пайдар-пай тарқалаверди, қайси бири рости қайси бири ёлгон эканлигини билолмай Соҳибқирон аросатда. Ахийри, жиддий ўйлаб қараса, кутишдан фойда йўқ, ғанимат дамларни беҳуда бой бераётир. Яхшиси, Мир Саййид Барака билан кенгашиб, бошқа зотни хос мунажжимлик рутбаси билан сийламоғи лозим. Сафар кунини ўшанинг ёрдамида белгиласа айб бўлмас, иншооллоҳ!..

Соҳибқирон наздида кўклам ҳар йилгидан анча эрта, шошилиброқ ташриф буюрди, мушфиқ она замин ҳам, жамики тирик жон ҳам қишу қиров юкидан барвақт кутилди. Чимилдиққа кирган ўн тўрт яшар келинчақдай яшнаб кетди олам! Гўё ҳар заррадан ҳар куртаккача, ҳар кафт тупроқдан ҳар улкан қоягача дунё тобора ёшариб, чирой очиб бораётганидан огоҳ этаётир.

Фақат гоҳо шундоқ кўз ўнгида рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар бирдан кўнглига сиғмай қолади. Салтанат бугуни ёки эртаси билан боғлиқ аввали-охири йўқ ғалвалар, хосу авом талаб-эҳтиёжлари бир дам тинч қўйса-чи. Мавлоно Аҳмад ғойиб бўлгандан бери кўксида ўрнашган армон бот-бот ўртаб қўяётгани айниқса надоматли. Буларни сал-пал унутиш учун ҳафта-ўн кун бирон хилватда истироҳат қилса, савобига нима етсин. Ана шу ниятини амалга ошириши, бинобарин, ўй-фикрини тинитиб олиши учун жаннат нафасини уфураётган Боғи Дилкушодан маъқулроқ жой топилмаса керак.

Мана, неча кундан бери ўша чорбоғ ўртасида қад ростлаган маҳобатли кошинкорий кошона инон-ихтиёрида — ингичка зарҳал нақшлар кесилган ва жозибали жиҳозлар билан безатилган бўлмалардан бирини қўналга айлаган. Нима учундир ҳар ким дийдорини тиламас, иложи борича, фақат ўзи билан ҳамхона

бўлишга мойил эди. Сираси, уззу-кун китобдан бўшамайди. Гоҳо кечқурун Чўлпон Мулк оғони чорлайди қошига. Ҳарами файзига файз қўшган, ҳамон келинчаклик либосини ечмаган нозик-ниҳол малика ажаб дилдорлик билан кўнглини овлайди, эзиб-эзиб гоҳ дутор, гоҳ танбур чертса, нолакор оҳанглар оғушида мумдек эриб ўтиради.

Истироҳат баҳона анча осуда тортган Соҳибқирон бугун каллаи саҳарда Зарафшон соҳилидаги муваққат қўналга сари чопар жўнатиб, барча қўмондонлар ва амирзодаларни ҳузурига чорлади. Шифти гумбазсимон ганчкорий дўлонда бошланган машварат қизгин баҳсу мунозарага уланди. Кўпдан муштоқлик билан кутилаётган сафарни бошлаш ёки тўхтатиб туриш ҳақида турли фикр-мулоҳаза билдирилди.

Энг охирги, ҳал қилувчи хулосани Соҳибқирон ўзи айтиши жоиздир. Илгари ҳар доим шундай бўлган ва бугун ҳам шундай бўлиши керак. Ҳозир эса негандир шошилмаётир, барчани оғзига қаратиб, маҳзун қиёфада сукут сақлаётир. Ахир, наздида, қуролли соқчилар ихота қилган қаср ёнида ёки ёмғирда чўмилган дарахтлар панасида фалак сирлари кашфиётчиси саналмиш зот қовоқ солган кўйи қўл қовуштириб, ўйчан нигоҳини давра аҳлига қадаган.

Соҳибқирон аста бошини кўтарди ва рўпарасида тиз чўккан Муҳаммад Султон рафторида алоҳида қизиқсиниш ва эҳтиром ифодасини кўрди. Омонатини бемаврид топширган Жаҳонгир Мирзо ва Хонзода бегимдан туғилган мана шу ўғлонга нақадар боғланиб қолган, ҳатто уни енгилмас баҳодир билиб, валиаҳди қилиб тайинлагани бежиз эмас. Салдан кейин янада одоб билан тавозе сақлаб, хаёл сураётган Умаршайх Мирзо қаду бастига ер остидан разм солди. Ҳар бобда шаҳзодаи жувонбахт ҳеч кимдан қолишмайди. Мухораба вулқондек қайнабтошган чоғларда неча марталаб ишончини қозонган. Лекин таомил, шарт-шароит ва ичида ўрнашган недир куч уни меросхўр сифатида улуғлаши учун имкон берма-

ди. Шу боис у гоҳо тақдиридан нолиб, ўзини омадсиз ва нотавон ҳисоблар, бахту саодатидан масту масрур амалкиваччасини унча хушламас, мавридини топган ҳамоно, унга билса ҳазилу билмаса чин қабилида ниш санчар эди.

Ахийри, хаёлдан бўшамай, Соҳибқирон мажлис давомини тушлиқдан кейинга қолдиришга қарор берди. Мийиғида сокин куларкан, тўкин-сочин дастурхон мунтазир турганини эълон қилди. Гулгун май ва жонон суҳбат билан мароқли кечадиган базми жамшид ақлу идрокка, қуввату руҳга қанот беришини яхши биларди.

Соҳибқирон азиз меҳмонлар учун мўлжалланган шинам ва озода бўлмага ўтган ҳамоно олисдан сезимларига тегиб-тегиб қўяётган, ақлу идрокини алабир шубҳа тўри билан ўраётган ғойибона таъқибни унуттишга тиришди. Аммо кошки бунинг иложи топила? Ҳатто тошни тешгудек ўткир нигоҳ бир зум тинч қўймасди. Ахийри, иштаҳаси буғилиб, томоғидан овқат ўтмай қолди. Беқасам чопон кийган хушқомат соқий тутган тилла жомни эса қайтармади.

— Жаноблар, бир оқилу доно машойих демиш: чумчуқдин қўрққан тариқ экмас! — сўз бошлади Соҳибқирон, навбатдаги қадахдан кейин қулфи-дили очилиб. — Иншооллоҳ, эрта ё индин лашкар қўзғалмоғи муқаррар!..

— Шаҳаншоҳим, аҳду қарорлари қутловга лойиқ! — ҳаммадан бурун лутф айтди амир Отламиш. — Биздек қулларингиз бор экан, муборак кўнглингизни тўқ тутгайсиз.

— Тўғри ўйлабсиз, олампаҳо, — илиб кетди рангрўйи қизарган Жоку барлос. — Тақдир тутқазган адолат қиличи тобад қўлингиздин тушмасин!

— Сизга камарбаста бўлиш бурчимиз, — четда қолишни истамади Темур Қутлуғ. — Буюрсангиз кифоя, қулоқ қоқмай жаҳаннамга ҳам борурмиз.

— Муҳаммад Султон Мирзодин эшитсак, — деди шоҳи жаҳон қутилмаганда. — Хўш, амирзода, сиз не тилак билдиурсиз?

— Эй, падари бузрук, камина ҳали тузук-қуруқ чортоқ кўрмаган тоймен, жировим сиздек улуг зот илкида! Сиз танлаган йўл маним йўлимдур. Турон учун жон фидо! Султон Аҳмад каби бўкироқ нортуянинг кўтарилган бурнига бурундиқ уриш фурсати келмиш!

Юз-кўзи пориллаб ёнаётган Муҳаммад Султон такалуф билан айтган қисқагина ваъзнинг теран маъносидан дийдаси бир хил юмшади. Энди умид ва нажот боғининг яна бир навқирон чинори саналмиш Умаршайх Мирзо шарҳи дил айласин, токи давра янада жонланиб, шукуҳли бўлиб, дили яйрасин ва беадад қаноат туйсин. Ҳали амирзода билан ёнма-ён кўп суронларни бошдан кечиришини ўйлаб ўгириларкан, ажабланди: у жойида кўринмади. Ҳозиргина севалаб ўтган ёмғирда чайинган қушлар чуғур-чуғурига тўла чорбоғ четида паришон тургани, ҳуркмай рўпарасига келиб искаланаётган қоракўз жайронга юрагини тўкаётгани қаёқдан ҳуш-хаёлида бўлсин...

Қуёш мағриб сари думалаганда саркардалар билан аъло кайфиятда хайрлашди. Лекин Умаршайх Мирзо ҳамда Муҳаммад Султонни олиб қолди. Алар иштирокида, қаср ортидаги айвонда қисқагина хуфия суҳбат ўтказгач, атру бўйлар билан тўйинган тоза ҳавода сайрибоғ истади. Жимжит хиёбон бўйлаб шошилмай бораркан, ногаҳон кўнглидан, адашмасам, фақат Умаршайх Мирзо эмас, бошқа амирзодаларнинг ҳам суврати билан сийрати бошқа-бошқа, деган ажабтовур ўй кечди. Ҳаммалари юзма-юз пайтда Муҳаммад Султон билан апоқ-чапоқ, ҳатто уни олқишу ҳамду санага кўмиб ташлашади. Ҳайҳот, ортида эса... тескари кийиб олишур тўнларини. Оға-инилар ўртасида наҳотки зимдан низо етилаётир? Ахир, бу кетишда эрта улар ёвлашиб, қирпичоқ бўлмаслигига ким кафил?

Соҳибқирон енгил, беозор шовур сезиб, беихтиёр ён-верига аланглади: юзини ипақдай майин-юмшоқ нарса силаб-сийпалаб ўтгандек туюлиб, бир орзиқди. Машварат пайтида, ҳатто шоҳона зиёфат қизиганда

гойибдан син солиб кузатган кимса ниҳоят гўё чорбоғда ҳозир бўлган-у, изидан бир қадам қолмай, соя каби эргашиб юрарди...

Соҳибқирон чалғиш учун яна амирзодалар тақдири ва феълү атвори устида ўй сура бошлади. Эндигина ўн олтини тўлдирган Муҳаммад Султон келбати кўз олдида жонланар экан, ногоҳ осмон сийнасини чақмоқ тилимлаб, қалдироқ гумбирлаб, ёмғир шивалай кетди. Аллақачон лаб ёрган гунчалар, япроқ ёзган дарахтлар ва нишлаб қолган майсаларни майин-майин юваётган марварид тусли томчилар нақадар ҳузурбахш!..

Ана, уфқ гардишини камалак безабди, турфа ранглардан таркиб топган юпқа-нозик ҳошия баҳри муҳит ичкарисига сингиб боради, ким билсин, осуда юксала-юксала Зухра билан Муштарий ўлчамларига ҳам етадими?!

Соҳибқирон қум тўшалган равон хиёбон адоғидан ортга қайтган дамда андак жунжиқди. Энди анча жадал савалаётган томчилар бўйни-елкаси оша кўкрагига қуйилаётган эди, шунда ҳам ичкарига ошиқмай, сайрибоғни давом эттирди. Ҳали кечган мажлисни эсларкан, қизиқ, бирдан нигоҳи қандайдир нигоҳ билан тўқнашди.

Наҳотки, куппа-кундузи, оёқ устида туш кўраётир?

Ахир, сарву садалар ёнида, ҳамон майдалаб ёғаётган ёмғирда ивиб турган, ёғоч ҳасса тутган ориқ қўллари билинар-билинемас титранаётган кимса мавлоно Аҳмад эмасми? Ажабо, ботиқ кўзларида акс этган нарса нима: қайғу-ҳасратми, кўрқувми ёки норозилик? Сарой ёки дунё тугул, ҳатто ўзидан ҳам безгандек бир аҳволда, қолаверса, омонат қўндирилган чўзинчоқ кигиз қалпоғи, шалвираган қирқмоқ чакмони шундоқ ҳам кўримсиз қадду қиёфасига янада ғарибона тус бағишлаган.

Буткул шалаббо бўлиб, совуқсираб қолган мавлоно Аҳмад, чурқ этмай, беш-олти қадам нарида саросар

тўхтади, аста кафтига йўталиб олгач, негадир ҳассаси билан булут кўмган кўкка ишора берди. Шу заҳоти ҳассаси учи, намчил-хўл ҳавода гириллаб айланар экан, яшин тилидек чақнаб кетдими-ей...

## 5

Соҳибқирон ҳар кун эрталаб, бомдодни адо этиб, ташқарига чиққан ҳамоно, гойибдан муттасил термиллаётган нигоҳ билан учрашади. Недир таъна, недир ёзгириш, недир иштибоҳ билан лим-лим нигоҳ лов-лов товланади рўпарасида. Сўнг билдирмай шуурига кўчади-да, сезимларини эгаллайди. Кўпинча қайсидир ғирашира бурждан таъқиб қилишини қўймай, нина мисоли санчилиб тураверади юрагига!..

Бу ҳолни Соҳибқирон қароргоҳда ёлғиз қолиб муҳокама қилар, ниманидир тушунса, ниманидир тушунмас эди. Тобора ҳузур-ҳаловатидан айрилиб, уйқусидан адашиб бораётгани эса хавотирини оширарди. Тавбангдан кетай, тез-тез босриқиб, ярим кечада сачраб кетади. Кейин на бир нафас тинчийди, на озгина мизғийди.

Оқибат, баъзида ўзини ипсиз боғлаб қўйилган чорасиз одамга қиёслайди. Ва юраги бир хил симиллаб, ўз аҳволига ўзи ачиниб, кенг дунёга сиғмай қолади. Қаники ёнида бир ҳамхона бўлса-ю, дардини бемалол тўкиб-солса! Ноилож ичига ютади барисини. Аттанг, анув куни бекор шошилди, бекор эрк берди жаҳлига, ахир, шартмиди шундай чора қўллаши?

Ҳайҳотки, бу кунда алломай замон — не-не оғир соатларда белига мадор бўлган зот зиндон комида чорночор қону зардоб ютиб, қурт-қумусқага таланиб ётгани тайин!..

Соҳибқирон тобора тўлишиб-яшнаётган Боғи Дилкушода бошқатдан муқим ўрнашди. Кўп вақтини жаҳонгир ҳукмдорлар ҳаёти тасвирланган китоблар мутолаасига бағишлар, ора-чорада жимжит хиёбонларда



айланиб юрар эди. Негадир ўзини тунов куни ошкор қилган аҳду қарорини хотиридан бутунлай ўчириб ташлагандек тутарди. Баъзан аркони давлатни чорлаб, қисқароқ машварат ўтказар, зафар нишонли қўшин сафлари тўла эмаслиги боис, сафарни ҳозирча кечиктирганини таъкидлар, кейин ноўрин сўзидан ўзи хижолат чекар эди. Бунақа чайналиб ўтириши Жоку барлос, Идику баҳодир, амир Худойдод, Темур Қутлуғ, Севинчак баҳодир каби иззат-нафси баланд саркардаларга ҳам, бўлажак жангу жадалда жонбозлик кўрсатиш иштиёқи билан ёнаётган амирзодаларга ҳам ёқмаётгани аниқ эди. Ворислик рутбасини бой берган Умаршайх Мирзо тўрсайиб юрганидан қайта-қайта ташвишга тушар — хавотирланар, мавридини топган ҳамоно, уни бирон-бир арзигулик мукофот билан сийлаб, кўнглини овлашни чамалар эди.

Соҳибқирон яқин-орада биринчи марта бу кеча бир қадар осуда ухлади, фақат субҳи содиқ арафасида босриқиб, қайноқ терга ботиб уйғонди...

Арк майдонида кечки пайт, майдалаб ёмғир ёғаётганига қарамай, ранг-рўйларида тажанглик акс этган беҳисоб халойиқ тўпланган. Ёшу қари бир-бирини туртиб-суртиб, шовқин-сурон солиб, недир жумбоқ устида талашиб-тортишаётир. Қай маҳалдир елкалари кенг-кенг, шоп мўйловли кекса баҳодир Соҳибқирон пойига занг босган қилич улоқтирибди-да, масхараомуз қаҳ-қаҳа урибди.

Во ажаб, не экан бу аломат туш таъбири?

Шу савол дилидан кечган заҳоти, тавбангдан кетай, ҳарир пардага ўралган олис маъво ойнасида, бир-бири билан қовушган турфа ранглар қоқ ўртасида мавлоно Аҳмад сиймоси намоён бўлди. Аввалгидек ҳазрат нигоҳи кишини ром этадиган бир жоду зуҳур этганди. Фалақдаги жамики буржларни кесиб ўтишга қодир, ҳар неки кўлагани бурдалаб ташлай оладиган нурни эслатарди. Чиндан ҳам шиддат билан етиша келиб, аста шуури қатларини ишғол қилди. Энди бир

жойда ўтиролмай қолди. Ҳар сония алломани ёнида ҳис этар, ҳатто ботинан у билан мунозара бошлар, бундан бир юпанса, бир ташвиш чекар эди.

Соҳибқирон яна бир кечани ўтказди, эрталаб кутилмаганда бир қарорга келиб, хос мулозимлар ихота-сида, пойтахт сари елиб кетди. Дилида гоҳо мавлоно Аҳмад билан боғлиқ эски хотиралар кўзгаларди. Гоҳо ҳазрат, маъюс ҳолда, қировлаган қошларини чимирган кўйи, ёнида от чоптириб бораётгандек ва қулоқлари остида недир таъналари янграётгандек туюлар эди.

Арк ўртасида қад ростлаган Кўксарой деворлари ярақлаб кўринганда ҳамон гашлиги тарқамаганди. Қўш табақали улкан дарвоза олдида жиловни хос мулозимга тутқазиб, гумгурс тош зина орқали хира ёритилган йўлакка тушганда ҳам, қайсидир ҳужрадан отилиб чиққан давангир зиндонбон бехос оёғига йиқилганда ҳам юраги нотинч тепар, нуқул хаёлида оёқ-қўлига кишан урилган хос мунажжим гавдаланар эди.

Соҳибқирон саройга хиёнат қилиб, элу элат тинчини бузган не-не бебош-қайсар касларни аждарҳо мисол тириклай ютадиган зиндон эшигидан яқин-орада мўралаган эмас. Хосу авом ёруғ дунё жаҳаннами деб атайдиган гўшада ҳар қанақа темиртан кимса бардош бериши маҳол, айниқса, мавлоно Аҳмад каби нимжон инсон кўпга бормай букилса керак.

Аммо ҳамон довдираб-совдираб йўргалаётган зиндонбон ортидан қайси бир торгина ҳужрага қадам босган Соҳибқирон беихтиёр бармоқ тишлади.

Ахир, ақл бовар қилмас, мавлоно Аҳмад истироҳатда юрган одам каби хотиржам ва тетиккина: бошида кигиз қалпоғини қўнқайтириб, белини чакмони ус-тидан чилвир билан сириб боғлаган, бинобарин, токчада милдираб ёнаётган қорачироқ ёруғида, куялаб титилган бўйрада бемалол тиззалаб, кўзларини юмганча, ботиний тиловату тасбеҳ ўтириш билан машгул...

Пойдевори ярим қаричдан зиёдроқ туртиб чиққан, сувоғи шўрлаб-захлаб тўкилган ола-байдоқ деворда, билак сигғудай тиккасига ёрилган бурчақда суёвли турган дастаси қайрилма ҳасса беихтиёр Соҳибқирон хаёлини ўғирлади. Ўша заҳоти ўзини аввали-охири йўқ, тандир каби ҳил бераётган, жимирлаган сароб остида ҳансираб-тўлганиб ётган чўл ўртасида кўргандек бўлди ва ич-ичида ногоҳ нимадир қўзғалди...

— Тақсир, ушбу лаҳзадин озодсиз.

— Қуллуқ сизга!..

— Сизни ташқарида улуғ вазифа кутадур.

— Фақирни зиндон эмас, ўша улуғ вазифадин озод айланг.

— Тушунмадим, мавлоно!

— Не савдо бор ўртада, ўзим ҳам тушунмасмен, — соқолини силай-силай хўрсинди мавлоно Аҳмад. — Кечалари алакимлар шарпа каби тепамга келадурлар. Беҳисоб телбаваш қўллар бўғзимга ёпишганда... ҳолим не кечишини тасаввур қилинг, эй, шоҳи жаҳон!

— Мавлоно, шунчаки толиқибсиз. Боғи Дилкушо-да беш-ўн кун ҳордиқ олсангиз ўтадур бари!

— Маним дардим ўтадургон эрмас. Бир юк босиб тургани турган елкамдин! — Мавлоно Аҳмад қисқа сукут сақлагандан кейин маҳзун товушда кўшиб кўйди: — Чархи кажнинг ажаб томошасини кўринг: кимдир фатво берадур, кимдир қилич ўйнатадур бировлар бошида, ҳей, дариг!..

Соҳибқирон аста бош тебратди: мана сир қаёқда экан!?

Бир оздан кейин мавлоно Аҳмад тасбеҳини титилган бўйра четида авайлаб жойлашгирди-ю, рўпарасида салобат тўкиб турган иззатли зотни тамом унутиб, бурчакка суёвли ҳассасига тикилиб ўтирди. Чамаси, ҳозир у биров англаса, биров англамайдиган гаройиб дунёсига батамом ғарқ эди. Ким билсин, балки, узатган оёқларини йиғмаган ҳолда, поёни йўқ курраи арз бўйлаб сайру саёҳат қилаётгандир. Балки, кўзла-

рини чирт юмиб, Соҳибқирон ичида букланиб ётган, ҳар ким назари етмайдиган китобни бемалол ўқиётгандир.

— Биродари азиз!..

Магорлаган деворга урилиб акс-садо берган жарангдор товушни ҳазрат эшитмади ёки эшитган бўлса ҳам ўзини карликка урди. Энди ўзича суҳбатни боқий қилиб, опшоқ соқол билан қўшилган пахмоқ соч қоплаган бошини юмалоқ қилиб ўралган похолга қўйган кўйи осуда ётарди. Ҳартугул кўҳна гардунда ёлғизлигини ҳам, кўҳна гардун ўзи билан бирдам эканлигини ҳам унутган эди...

## 6

Осуда тун яримлаган, бутун борлиқ уйқуда...

Ҳарам сари оёғи тортмаган Соҳибқирон қароргоҳда бутун вужуди билан мутолаага шўнғиган... Бир оздан кейин китобни аста мунаққаш миз четига қўяр экан, эрта-индин бошланиши муқаррар сафар банд қилди хаёлини. Зафар нишонли қўшин анчадан бери буйруқ кутаётганини ўйларкан, ногоҳ олисдан қулоғига элас-элас нидо чалинди. «Кечалари аллакимлар шарпа каби тепамга келадурлар!» Нидо заминидан ниҳон афсус-надомат оҳанглари гуё юраги торларига тегиб-тегиб кетди-ю, хобгоҳга сигмай, ҳовли сари юрди. Юлдузлар нури тўкилаётган сокин хиёбон бўйлаб одимларкан, гоҳо тушларида ўзини ҳам, тожу тахтини ҳам қанақадир нусхалар маломат қилишлари хотиридан кечди. Ахир, тараша янглиғ қаттиқ панжалар ёқасидан тутишлари, ҳаво етишмагандек бўғилиб, алаҳлаган ва қора терга ботган ҳолда уйғонишлари ёлғонми!?

Соҳибқирон аста уф тортиб, кўнгли баттар хуфтон бўлиб, ортига бурилган чоғда, яна ҳалиги нидо янгради ва шу заҳоти хаёлида дарвешлик жандасига ўралган озгин жусса жонланди. Баъзан номаълум нуқтага тикилган ҳорғин-ўйчан нигоҳни, гира-шира ҳужра

бурчагига суёвли ҳассани кўргандай бўлар ва нима-дир кўксини қиймалар эди.

Соҳибқирон тун бўйи таъқибдан қутилмади, ҳатто бомдодни адо этаётган дамда ҳам, нонушта пайти ҳам мавлоно Аҳмад нафасини ҳис этиб турди. Ранг-рўйи заъфарон ҳазрат, гўё дили тубида қолиб кетган қандайдир гапни охир-оқибат айтишга қасд қилган-у, шу сабаб ҳар сония ёнидан жилмасди. Очиғи, бу ҳолдан чарчаб, толиқиб кетди, ниҳоят, иложи борича уни эсламасликка қарор берди-да, оқ тулпор белига кўниб, хос мулозимлар иҳотасида арқдан узилди. Ҳамон ер-замин ва тирик жон меҳмони бўлиб турган баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб симираркан, чиндан руҳида кечаётган эврилишни салпал унутди: ғойибона таъқибдан бир қадар чалғиди. Ахир, нима бўлганда ҳам бу кунда ўзини қўлга олиши ва олдида турган сафар масъулияти нималигини эътиборда тутиши лозим. Қолаверса, ҳар неки борини чет-чақадан дўсту душман баравар кузатаётганини салгина назардан қочириши ҳам яхшилик аломати эмас.

Соҳибқирон кўкни болиш қилган кошинкорий миноралар ва гумбазларга недир армон, недир ҳавас билан ошифтаҳол кўз ташларди. Осмон билан бирлашиб кетган нилий бўёқлар нақадар мўъжизакор, орзу-умидлар ва эҳтирослар тўлқинини эслатадиган ингичка нақшлар нақадар оҳанраболи! Қаники, тоабда ана шу жаҳонда тенги йўқ жозиба қошида қолса!

Лекин бунинг сира иложи йўқ; тез орада жисми-жони пайванд шаҳар дийдоридан айри тушади. Тақдир тақозо этаётган айрилиқ қанча муддатга чўзилиши қоронгу, ҳар қандай шароитда ҳам пешонасига азалу абад битилган ёзуққа бўйсунитиши лозим. Босадиган ҳар бир қадами Оллоҳ таоло иродаси эканлигини кошки ҳамма бирдек тушунса!..

Соҳибқирон кумуш тасмадек товланиб оқаётган Зарафшон соҳилидаги муваққат қўналга сари бурилиб, беихтиёр мамнун жилмайди. Ҳар ҳолда энди омади чопиб, ишлари жадал юришса керак. Махсус фармо-

йишига кўра, ҳазрат ўрнини олган мавлоно Бадриддин қилни қирқ ёрадиган дангалчи ва зукко олим эканлигини, димоғ-фироғ қилиб ўтирмай, дарҳол исботлаб қўя қолди. Кеча чақирилган машварати олийда, давлат арконлари шоҳидлигида, толеъ юлдузлари жамол кўрса-тадиган хосиятли соатдан хабар берди. Бир неча оқшом тузукли мижжа қоқмай, иқтидорли шогидлари ва самовий фаришталар кўмагида, буни аниқлашга эришибди...

Машқларни зўр ҳафсала билан бошқараётган саркардалар ва амирзодалар Ҳумоюн ўрду истиқболига ошиқиб, Соҳибқирон этагини қошу қобокларига суришди. Қисқа муддатли кенгаш асноси бир неча ойга етадиган озиқ-овқат ғамлаш, қурол-яроқлар ва чодирларни йиғиштириш, арава-отлар ва туяларни ҳозирлаш буюрилди. Кенгаш тарқаган ҳамоно, қўналғада кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жонланиш — талатўп бошланди.

Сафар тайёргарлиги мавлоно Бадриддин белгилаб берган фурсат — рамазон ойи олтинчи куни субҳидамига қадар узлуксиз давом этди. Қарийб бир ҳафта давомида Соҳибқирон қўналгани тарк этмай, ҳамма қатори елиб-югурди. Эртадан қаро кечгача бир зум тинмасди, ҳар бир вазифа ижросини синчковлик билан назорат қилар, мабодо бирон жузъий камчиликка дуч келса, бирдан тутакиб, сардорларни илон эшитса пўст ташлайдиган таъна-дашном билан тирқиратар эди.

Аммо Соҳибқирон ҳовридан тез тушарди, аниқроғи, лов-лов ёниб турган бўлса ҳам, бирдан тинчирди, ҳалигина жеркиб, ер билан битта қилган одами билан зумда тил топишиб, элакишиб кетар эди. Умуман, кайфияти яхши кезларда ўзини мулозим ёки навкар каби тутар, кўпинча оқшом чоғлари гулхан атрофида, нам тортиб чириган ёғочда ўтириб, бемалол суҳбат қураар, чечанлик билан ҳазил-мутойибага берилар эди.

Ана шундай эмин-эркин мулоқотлар боис, барча қисмлар ва қўшилмалар ҳақида етарлича маълумот

тўплаганди, ҳатто деярли барча ёшу кекса сарбозни оғасидай танир, ҳар бири таржимаи ҳоли, феълу атвори, соғлиги қандайлиги, ҳарбу зарб илму амалини қай йўсин эгаллаганини пухта билар, шунингдек, нима си ортиқча ёки нимага эҳтиёжманд эканлигидан тўла хабардор эди.

Сираси, муҳими бу эмас, муҳими шуки, Амир Темур Кўрагон, минг азобда Самарқанд тахтига қўнғач, аввало, зафар нишонли қўшинни яшинвор суръатда ҳаракат қиладиган, ҳар қандай тўсиқдан чўчимайдиган яхлит танага айлантириш учун бор имконини сарф этди. Кечаси ҳам, кундузи ҳам шу иштиёқда нафас олди, шунини дил-дилдан истаб, охир-оқибат қайсидир даражада мақсадига эришди.

Соҳибқирон бурунги замонда мухораба мактаби яратган салафлари иқтидорини қадрлар, улар шакллантирган сабоқларни муттасил ўрганар ва мавриди билан самарали қўллар эди. Майда-чуйда қабила-уруғлар бошини қовуштириб, қудратли лашкар тузишга эришган Чингизхон юришларини таърифу тавсиф этувчи битиклар айниқса эътиборини кўпроқ тортарди. Кўзлари юмилган кунга қадар бутун заминни зир титратган оламгир жанг санъатини миридан-сиригача эгаллади, бу билан кифояланиб қолмай, ўзи ҳам мудофаа ва ҳужумда асқотадиган йўриқларни истеъмолга киритди.

Соҳибқирон ҳар қандай сафар арафасида зафар нишонли қўшинни, уқубатли машқлардан кейин, кўриқдан ўтказишни муҳим тадбир ҳисоблайди ва бу маросимга жиддий ҳозирлик кўриш юзасидан буйруқ беради.

Белгиланган фурсатда у, давлат арконлари, барча сардорлар ва амирзодалар билан биргалиқда, арк рўпасида қурилган минбарда ҳозир у нозир бўлади. Сўнг, лашкарбоши ишорасига кўра, бурғу ва карнай-сурнай садолари остида, теп-текис кенг майдондан ўмровларини тик тутиб, гурс-гурс қадам ташлаб, олға босаётган сарбозларни мароқланиб назардан ўтказиши.

Шубҳасиз, Соҳибқирон бу навбат ҳам ана шу таомилга амал қилишни лозим топди. Фақат, шароит тақозосига кўра, амалдаги тартиб-қоидага оз-моз тузатиш киритди: салтанат қудратини намоён этадиган кўрик, аввалгидек арк пешида эмас, Бухоройи шариф яқинидаги Жўйи Зар мавзесидаги даштда ўтказиладиган бўлди...

Хос мунажжим мавлоно Бадриддин белгилаган қутли кун тонгида, қуёш жамол кўрсатиб улгурмай, Ҳумоюн байроқлар мардона кўтарилди ва Ҳумоюн ўрду дорус-салтана заминидан тантанавор суратда узилди.

Зарафшон қирғоғида кечган машқий олишувларда янада тобланган лашкар ҳам довул кўчирган ҳайбатли бархан мисоли қўзғалди.

Соҳибқирон узоқ мулоҳаза юритгач, ахийри, ҳануз Оқбуга барлос мусибати бағрини ўртаётган эса-да, Мир Саййид Баракани Бағдод сари элчи қилиб жўнатди. Салтанат улуғлари орасида энг юқори нуфуз соҳиби бўлган пири комил юклатилган вазифани тўқис-туғал адо этиб, Султон Аҳмад билан тил топишиб қайтишидан умидвор эди.

Мана энди Малик чўли сакзовулзорлари ва қумликларини оралаб, синчи-сайислар қўш қанотли деб таъриф берган оқ тулпорни йўрттириб бораётир. Негадир гоҳо ўзига сигмай, бедов бошини ўнг ёки чапга буради-да, беихтиёр Ҳумоюн ўрдудан шитоб узоқлашиб кетади. Ногоҳ шунда бир этаги бориб ҳув чўққилар гардишига теккан осмон сари парвоз қилаётгандек туюлади.

Қуёш сал қиёмдан оғанда Соҳибқирон хос мулозимларни доғда қолдириб, жазирама ва гармселни писанд қилмай, саҳро ичкарасига ошиқди. Қай маҳалдир чанқаб, ҳатто томоғи қақраб, ўт тушгандек бўлди ичига. Бас, қайтиши керак, бефойда бу сайру томоша!

Соҳибқирон Ҳумоюн ўрду йўлини кесиб чиқишни мўлжал қилди. Кўпикка ботган бедовни қичаб ҳайдаган чоғда, қайноқ қумликлар ва жимирлаётган сароб



ичра ола-байдоқ дўнгликлар кўринди, син солиб қараса, ёпирай, рўпарасида бир харобазор куйиб-ёниб, титилиб, беун инграб ётибди. Дабусия! Ногаҳон томида шу сўз бодради, жиловни тортиб, теварак-атрофни маъюсланиб кузатаркан, беихтиёр ёқа ушлади.

Ахир, шўрлаб тўкилган ясси девор биқинида, увоқ-увоқ қорамтир-қизгиш тупроқда, гуллаб улгурмаган гуж-гуж янтоқлар ва сўлиган шўра-какралар орасида дастаси қайрилма ҳасса санчилмиш!..

Соҳибқирон жадал энгашиди, қадини ростлади-ю, ҳайрати чандон ошди, негаки, қум ва хас-хашак аралаш тупроқдан суғуриб олгани, ҳасса эмас, чириб-қорайган, ҳатто мағорлаган саксовул чўпи эди. Сўнг аъзои баданига сон-саноқсиз чумоли ўрмалагандек туюлиб, аста ҳалигини жойига суқиб қўйди-да, бедови сағрисига қамчи босди...

## 7

Ажабо, назарида ҳансираётган сахро бор залвори, бор сиру савдоси билан шуури қатларига кўчганди. Йўқ, мудроқ барханлар бирдан уйғониб, гўё ортидан қувлаб келар, шамолдек елаётган бедови оёқларига чанг солар эди. Кўкда қуёш йўқолиб қолгандек туюлди ва ҳали дафъатан бошланган ташналик баттар хуруж қилиб, жами ҳужайраларига ёйилди.

Ҳумоюн ўрдуга яқинлашган пайтда мунаққаш эгарда бўшашиб ўлтирарди, ҳоли-руҳини чулғаган тугённи бошқалардан эмас, ҳатто ўзидан ҳам яширишга уринар, кўз олдида нуқул аллақачон унутиб юборилган жимжит харобазор ўртасида, шўрлаб кетган увоқ-увоқ тупроққа санчилиб турган ҳасса намоён бўлар эди.

Соҳибқирон хос мулозим узатган гулоб-шарбат тўла тилла косани устма-уст бўшатди, сал ўтгач, Самарқанд усталари ясаган улкан сиркорий кўзани даст кўтарди-да, тўкиб-сочиб ва ютоқиб сув симириди, таажжубки, ичини ёндираётган оташ босилиш ўрнига баттар зўрайди.

Энди Соҳибқирон теваарак-арофида учиб-қўниб юрган қалдирғочлар вижирлаши, бўзтўрғайлар нолиши, чигирткалар чириллаши ва боларилар гўнгиллашини эшитмасди, гўё аввали-охири йўқ дала-дашт узра фақат бир маҳзун овоз пайдар-пай гулдираётир, холос. «Кечалари аллакимлар тепамга шарпа каби келадурлар!» Ҳайҳот, чиндан шу нидо таралаётир қайсидир олис макондан ва гўё бутун чўл бағрини ағдартўнтар қилиб титратмоқда, нафақат куйиб-ёнаётган саҳрони, Соҳибқирон вужудини ҳам титратиб, оромини бузмоқда. Ахийри, мияси чатнаб, руҳи шу қадар сирқирай бошладики, илгари ҳеч қачон бунақа аҳволга тушган эмас.

Салтанатда обрў-эътиборли зотлардан саналган Асиддин мангит таклифига кўра, қисқа фурсат Бухоройи шарифда қўнмоқчи, баҳонада шаҳар қиёфасида рўй берган ўзгаришлар билан тузукроқ танишмоқчи эди. Оқ тулпорни гоҳ қичаб, гоҳ ўз ҳолига қўйиб бораркан, кўнглига қил сиғмай қолгани боис, ушбу нияти ёдидан кўтарилди. Асаъсаю дабдабага зўр бериб, тўрт кўз билан йўл қараётган ҳоким ҳафсаласини пир қилганча, Бухорони четлаб ўтди. Шоҳона зиёфатдан умидвор давлат арконлари ва саркардалар чурқ этолмай, Соҳибқирон ранг-рўйига ажабланиб тикилишарди. Тўгриси, сиртидан бепарво, хотиржам ва ҳатто хушхандон кўринса-да, ботинида ҳамон тушуниш маҳол бир галаён кечар, гўё, дунёи дунни унутиб, аввали-охири йўқ тубсиз гирдобда сузар эди. Баъзан ғойибдан ҳалиги нидо такрор-такрор жаранглайди қулоқлари остида ва узлуксиз акс-садо беради кўксининг аллақайси бурчида!..

Аллақачон ёз чилласи бошланган эмасми, боғу роғларга бурканган Жўйи Зар мавзеси ҳам юзу кўзга оловдек жовиллаб ёпишадиган жазирама қўйнида эди. Бирбирига мингашган қиру адирлар, кенг-кенг ўтлоқларнинг гиламдай-гиламдай жойлари анча-мунча саргайиб улгурибди, аҳён-аҳёнда кучаядиган гармсел саҳро ич-

карисидан қум-тупроқ зарралари ва ҳар хил тўзону хазонларни пирпиратиб учира келар, нафасни бўғиб, кўз очиргани қўймас эди. Тирик жон борки, бари-бари куёш тигидан қочиб, ўзини салқинга урган...

Неча кундан бери шундоқ ҳам алангаи оташга чулганган Соҳибқирон ўзидан ўтганини фақат ўзи биледи. Жамики борлиқ гўё оловдан иборат эди. Ҳатто сароб пардаси ҳам кўзига симобий тусли гулхан бўлиб кўринарди.

Ҳар соатда тоқат қилиб бўлмас даражада қақраётган томоғини хўллар, лекин қаники ташналиги салпал босилса! Агар ҳозир иложи бўлса, шарқираб оқадиган тоғ дарёси ёки муздек сувли кўлга тушиб ётарди, эҳтимол, шунда сал-пал ором топармиди? Гармсел-шамолдан пана сояравда ҳозирланган шоҳона ўтовда эса жон сақлаш мушкул, аниқроғи, бориб турган азобуқубат эди. Қиздирилган тандир ҳилидек дим-қуруқ ҳаво бир зум ҳаловат бермас, охир-оқибат, руҳида қайта-қайта санчиқ қўзғалар эди.

Санчиқ кучайса, дафъатан ҳалиги нидо янграйди, шунда беихтиёр ён-вериға аланглаб, хавотир билан аста қулоқларини ёпади. Мабодо уйқу илинжида, киприкларини юмса, олис-олисда мавлоно Аҳмад қад ростлаб, недир муддаода, ихчам салла ўралган боши узра тез-тез ҳассасини силкита бошлайди. Кейин ногоҳ ҳассаси нимжон ва жонсиз қўлидан чиқиб кетгандек, камон ўқи янглиғ учиб кела-кела, шоҳона ўтов бўсағасида кўндаланг тушгандек бўлади.

Соҳибқирон ҳар ойда хазинадан отнинг калласидек маошни қуртдек санаб оладиган хос табиби мулла Содиқ Кеший билан кўпам ош-қатиқ эмасди. Умуман, шу ёшга етибдики, ўнг оёғидан яраланиб даво истаганини айтмаса, тиб дарғасини бошқа бирон жиддий сабаб билан қошиға чорламаган. Ҳоли-руҳиға четдан назар солиб, дарди нелигини анчайин фаҳм этгани учунми ёки бошқа сабабданми, ҳартугул ҳозир ҳам уни эсламади. Худодан меҳру шафқат тилаб, тишини

тишига босган кўйи, гул чекилган шифтга термилиб ётаверди.

Кечроқ хабар олгани кириб, ҳуши бошидан учган Сарой Мулк хоним сўрамай-нетмай кимнидир мулла Содиқ Кеший сари чоптирганини кейин билди. Оёғини кўлига ола етиб келган ҳаким билагини ушлаб, томир уришини текширар экан, афсус билан бош чайқади...

Мулла Содиқ Кеший тахмини тўғри чиқди, муолажа наф бермади: ич-ичидан чидаш маҳол ташналик, ҳоли-руҳидан оғриқ аримади.

Ким билсин, умрида илк марта шу кезлар, атрофида қанчадан-қанча марду майдон суянчиқ ўғлонлар бўлишига қарамай, тамом ёлғиз эканлигини англадими?

Баъзан субҳидамга ўрнини беришни истамай чўзиладиган тунларда қовоқлари оғирлашиб, озгина мизгийди-да, ногоҳ ўзини Кўксарой остидаги ўрада кўради ва сачраб уйғонади. Сўнг, юраги тўлиб кетади-да, недир куч даъвати билан, қоронғулик қаърига қулоқ солади: гойибда янграётган нидо сукунатни чок-чокидан бурдалаётир.

Соҳибқирон бетоқат уф тортиб, лағча чўғдек ёнаётган гавдасини ўнглаб қараса, шукр, ниҳоят тонг отиб фалак гардиши ним татир ёришибди, борлиқ-жавонониб уйғоқ...

Чодир ҳавоси димоқни нозик-нозик қитиқлайдиган ажаб ифорлар ва атру бўйлар билан тўйинган, нечукким, пойгакроқда жимгина юрак ҳовучлаб ўлтирган Сарой Мулк хоним, Чўлпон Мулк ого ва Туман ого бегим чехралари мунг ва гуссадан хазон каби сўлгин тортган, гул баргидек юпқа-қирмизий дудоқлари ташвишли қимтилган, суқ қўзғайдиган бодом қовоқлари бир латиф кўпчиган — намчил!..

— Ҳазратим, кеча бўйи алаҳладингиз, — деди Катта малика дийдаси янаям юмшаб. — Энди суягингиз бир оз енгилму?

Соҳибқирон чайналиб, жавоб беролмай, тонггача кечирган ўй-фикри, дарду ҳасрати ва алоғ-чалоғ туш-

ларини хотирлашга уринди. Лекин бундан не фойда? Қолаверса, тан-жони ҳамон гўё улкан қоя остида эврилаётир, иситмаси ҳам баланд, ажабки, руҳи вужудидан айри тушганга ўхшайди, тамомила ағдар-тунгар қилиб юбораётир қуриб кетгур ташналик руҳини.

Агар сабру бардоши, иродасини фаол ишга солиб, нохуш фикрлардан чекинса, иложи борича хотиржамликка берилса ва мириқиб ухласа, тез орада бари-бари беиз-бенишон ўтиб кетар эмиш!

Суф-е сизга, мулла Содик Кеший жаноблари, юрак тўрига назар ташламай, шунчаки сўйлаш осон-да, агар ўзига қолса ҳозир ҳеч нарса, ҳеч кимни гардчалик ўйламасди, ахир, ҳоли-руҳида неки иссиқ-совуқ кеча-ётган бўлса, ҳаммаси инон-ихтиёрдан буткул хорижда рўй бераётир-ку!

Хўш, мавлоно Аҳмаднинг ўзи-ку майли, лекин нима учун ҳатто сариқ чақага арзимас эгри-бутри ҳассасини ҳам нуқул ўйлагани-ўйлаган? Савил қолгур кўнглининг аллақайси бурчида ўрнашиб олганми нима балол?

Бугун эрталаб ҳам Соҳибқирон қайсидир жимжит кўчада ҳассасини дўқирлатиб юрган мавлоно Аҳмад хаёлидан анчагача бўшамасди. Қачондир ҳазрат гўё мовий бўшлиқ бўйлаб юза-юза қошига келди, неларнидир арзу ҳол айлагач, тез орада бошланган ҳарбий кўрикни баҳамжиҳат томоша қилди.

Карнай-сурнайлар, бурғу ва ноғоралар садолари остида, еру кўкни титратиб, мардона қадам ташлаб ўтган галаба ёр кўшин Соҳибқирон кўнглида бошқача бир шуқуҳ уйғотди, айтиш мумкинки, тани ва руҳини асоратлар ғуборидан тозалагандек бўлди.

Кўрик якунига бағишланган мажлисда Соҳибқирон ҳар бир қўшилма, ҳар бир сардор зиммасига алоҳида-адоҳида вазифа юклади, хусусан, амирзодаларни ҳар сония ҳушёр бўлиб туришга чақирди. Сафар осон кечмаслигини турли далиллар билан исботлагач, ниҳоят, ҳалироқ дилида туғилган айрим тилақларини ҳам айтди.

Аввало, салтанат ишончи ва эътиборини қозонган амир Ҳожи Сайфиддин ҳозироқ, махсус ёрлик билан, кичик илғор даста ҳимоясида, муаззам Самарқанд сари шошилиши лозим. Соҳибқирон сафардан музаффар қайтгунича, у, оқилона тадбирлар ва адолат йўриқларига суяниб, доруғалик лавозимида муқим туриши ҳам қарз, ҳам фарз. Бутун жаҳон нигоҳ қадаган шаҳарни, ўрнини билдирмай, жонини жабборга бериб, шахту шижоат билан муҳофаза этсинки, ҳатто тепасидан шубҳали бир зоғ учиб ўтолмасин!..

Иккиламчи, салтанат кўз-қулоғи ва оёқ-қўли ҳисобланган Бўри тархон зиммасидаги вазифа айниқса енгил эмас. Мана шу соатдаёқ баҳодир тегишли одамларини, қўшимча маълумотлар тўплаш ниятида, Бағдод томонларга бекитиқча сафарбар этиши мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда, ўзи Журжон шаҳри сари жадаллаб бориши, бирон хилватда чодир тикиб, Мир Саййид Баракани иззат-ҳурмат билан кутиб олиши ва қўриқлаб туриши керак.

Алқисса, Жўйи Зар мавзеси сароб ичра мунғайиб қолди.

Мана, чайир ва эпчил сарбозлар кечаю кундуз тиним билмай йўл босишаётир. Тинкаи мадорни қури-тиб юборадиган азоб-уқубатдан нолийдиган кимса хайриятки йўқ, лангиллаган жазирама ва гармселда кўмир каби қорайиб, тарашадек қотган қиёфаларда недир қатъият ва қониқиш ҳукмрон. Елиб бораётган аравалар ёки отлар устида наридан-бери тамадди қилиб, ҳатто мизғиб олиш таомилга кирган. Сафар аввалидаёқ вақтни тежаш учун шундай буйруқ берилган.

Ҳалига қадар Соҳибқирон ўзи ҳам бирон-бир манзилда узоқроқ тўхтаган, ёлчитиб қорин тўйғазган эмас. Ҳатто орқадан қорама-қора ошиқаётган ўғруқни, безатилган тахти равонларда бемалол ҳордиқ ёзиб, оро-горо ҳамда ясан-тусан билан машғул ҳурилиқо маликаларни унутганча, туёқларидан ўт сачратувчи бедовини йўрттиргани-йўрттирган. Ора-чорада кўнгли Чўлпон Мулк ого

авайлаб чертадиган танбур ноаларини тилаб, бир хил энтикади. Кечки пайтлар уйқу зўр келса, нақд тиззаси кўзига қамчи уради ачитиб, агар қамчи огриги кор қилмаса, аста енгини шимаради-да, билагини ханжар билан тилимлаб, қонаган жойига эзгилаб-эзгилаб какра босади...

Журжонда Мир Саййид Барака билан бўлган учрашувдан севинмади, аксинча, таъби хуфтон бўлди. Ахир, Оллоҳ қарғишига учрагур Султон Аҳмад элчисини тагин ит ўрнида кўрмабди. Ҳатто сулҳ хусусидаги таклифини тинглаши нари турсин, тузукроқ меҳмон қилмай, неча оқшом гумашталар ётиб-турадиган исқирт кулбага қамаб қўйибди...

Соҳибқирон сувлиқ чайнаб гижинглаётган бедов жиловини жон-жаҳди билан бўшатди. Иложи борича тезроқ ўша нобакор билан юзлашмоғи керак, тезроқ! Лекин бунинг учун аввал бир қанча катта-кичик манзиллар, жумладан, Ажам Ироқи кўндаланг қиладиган тўсиқлардан ўтиши керак...

## 8

Тақдир неча бор суйиб-алқаган, неча бор юз ўтирган ва қаргаган Ажам замини бағрида не-не сирю савдони яшириб ётгани ҳеч бир зотга аён эмас...

Ҳозиргина кўрган-кечиргани қошида қизара-қизара бир қучоқ оловга айланган қуёш уфқнинг поёнсиз денгизига пар-пар чўкаётир. Фалак гардишини тарам-тарам бўяган ним пушти, ним алвон шуълалар Қалъа-йи Сафид рўпарасида ҳорғин хаёл суриб турган Соҳибқирон чехрасида ҳам хиёл акс этган. Узоқ давом этган ва самарасиз тутаган жангдан кейин чўккан зилзамбил сукунат нақадар ваҳимали: ҳар кавақда гўё ажал қузғунлари яшириниб ётганидан огоҳ этаётир.

Соҳибқирон юксала бориб фалакка тиралган минорлар ва гумбазларга қаради-да, ноҳосдан боши ай-

ланиб, кўзлари тиниб кетгандек бўлди. Нарвонлар орқали мустаҳкам тош деворлардан ошиб ўтишга уринган қанчадан-қанча сарбоз даҳшатли хандақ вазифасини ўтайдиган, этак тарафларни белбоғдек ўраган асов дарё қаърига қулаганини ўйларкан, тирноғи учигача сим-сим зирқиради. Маҳобатли буржлар гирдидан ўқрайиб боқаётган ҳимоячилар гоҳо найзаларини ҳавода таҳдид билан дўлғаб-дўлғаб қўйишар, гоҳо ши-наклар орқали камондан ҳуда-беҳуда ўқлар ёғдириб, масхараомуз қийқиришар эди.

Соҳибқирон неча йил муқаддам Шоҳ Мансур волий қилиб тайинлаган Саодат баҳодир, мудофаа жабҳасида қўлидан нима келса, барини сидқи дилдан адо этганини қамалнинг дастлабки куниеқ сезганди. Шу сабаб саркардалар билан кенгашиб, муросаи мадора йўлини қидирди, уст-устига йўллаган элчилари эса ҳатто дарвозадан киролмай сўппайиб қайтишди. Ажам заминидаги кўпгина шаҳарлар ва кентлар, ҳатто пойтахт ҳам ён берган пайтда, фақат ягона Қалъайи Сафид қилт этмай туриши чиндан ақлга сиғмасди.

Асли Соҳибқирон меҳру мурувват кўрсатишини таъкидлаб ёздирган хатларига тиг каби санчилувчи жавоблар берган Шоҳ Мансурдан кўпроқ ҳайиқувди. Хуфиялар неча марталаб Шоҳ Мансур Худонинг бориб турган газаби қабилидаги турли-туман овозаларни етказишганди. Чиндан ҳам у ота-боболари доврғини муқаддас санаши, киндик қони томган тупроқ билан ўлгудек фахрланиши, улусга эътиқоди баландлигини Соҳибқирон ўзи ҳам аввалдан биларди. Ўрнида у зиғирча тап тортмай ўзини ўту сувга урар, кўпинча ҳар қандай қалтис вазиятдан, бир жойи мертилмай, бир туки тўкилмай, эсон-омон қутилиб кетишга қодир эди. Фақат Султон Аҳмад қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирганини англагач, бир қадар каловланиб қолганди.

Ҳар ҳолда, дастлаб зафар нишонли қўшин билан тенгма-тенг олишди, ҳатто баъзи тўқнашувларда қўли анчайин баланд ҳам келди. Охирги ҳал қилувчи му-



хорабада эса, тўсатдан омади чопмай, ғалаба келтириши мумкин бўлган қулай вазиятни бой берди. Чекинар чоғи майдонда суюғи қотган абжир аскарларидан каттагина бўлагини Қалъайи Сафидда қолдиришни маъқул топди...

Энди энг муҳими аён: осмон тоқи билан бўйлашган ушбу мустаҳкам истехком Шоҳ Мансур умид кўзини тиккан нажот нуқтаси, аниқроғи, у, тузукроқ нафас ростлаб, қайтадан куч тўплагунча, Саодат баҳодир ғалаба ёр қўшинни чалғитиб туриши керак.

Соҳибқирон муштларини тугди: йўқ, нима бўлса ҳам бунга имкон бермаслиги зарур. Агар вақтдан ютмас экан, кўп имкон қўлдан кетади. Кўр-кўрона ҳужум — бефойда! Қалъа хаёл лочини етолмас даражада юксакликда жойлашгани бир тараф-у, мудофаа сақлаб турган жамоа шижоати бир тараф! Ҳатто сув келса симириб, тош келса кемириб кетишга қодир илғор неча ойдан бери чора тополмай депсинаётгани бежиз эмас.

Бугун айниқса вазият бутунлай оғирлашиб, беҳисоб талафот берилди. Қутирган дарё шовуллаши билан қўшилиб кетаётган урҳо-ур садолари Соҳибқирон юрагини сирқиратиб, калласини говлатиб юбораётир. Обдон қайнатилган қозон-қозон нафт нарвон орқали тиришиб-тармашиб ўрлаётган навкарлар эмас, гўё ўзи устидан тўкилмоқда. Қалъа ичкарасида нафт булоғи борми нима бало?

Соҳибқирон беихтиёр надомат чекаркан, жангу жадалдан чарчаганини ич-ичида тан олди, шунинг баробарида, дилини бир соғинч, бир армон чулғади. Урҳо-ур садолари ва оҳ-воҳларни ортиқ эшитишни истамай, ҳордиқ тилаб, шоҳона ўтов сари интилди.

Ўтов бўсағасига етганда кўз ўнғидан рангин товланётган кошинкорий иморатлар, шағал тўкилган гавжум кўчалар, файзу баракотли бозорлар, зумрад тусли боғу роғлар лип-лип чайқалиб ўтаберди. Ахийри, тепасида парку булутлар юзаётган арк ичра қад ростлаган муаз-

зам Кўксарой, сўнг... зах-қурум ҳиди босган ним қоронги ҳужрада, титилган бўйрада мук тушган мавлоно Аҳмад намоеён бўлди. Ҳатто озиб-тўзган ҳазратнинг заъфарон юзини қоплаган андуҳ кўлагаси, кенг пешонасини тилимлаган ажинларга қадар яққол кўринди...

Дилидами, инон-ихтиёридан хориждами, ақл бовар қилмас ҳол кечаётган эди, бунинг нималигини англаб-англамай, хиёл каловланди. Адашмаса, Малик чўлидан ўтар чоғи жисми-жонида ўрнашган ташналик қайтадан хуруж қилаётганди. Ростдан ҳам юрак-бағрида нимадир бир ёниб, бир ўчаётир. Атроф-жавонибни қоронғулик пардаси ўрай бошлаганда аста-секин иситмаси кўтарилиб, шуури аллатовур зирқираб кетди, бир пайт қараса, во ажабо, Дабусия харобалари аро уринасурина тентираб юрган эмиш!..

Тонг-сахарда одатдаги ваҳимали талотум ва қийқириқдан уйғониб, тезда тўшакни тарк этди. Кунчиқар оқарганда пишқириб оқаётган асов дарё қирғоғида парришон турар, яраланган кўксини ажал ўқларига ҳаргиз адл тутаетган қалъадан нигоҳ узмай хўрсинар эди. Охир-оқибат у пойига тупроқ каби сочилур, лекин қачон келади ўша кун, ўша соат? Роса интиқ қилиб юбормадими? Хўш, бунақа қалтис вазиятда Чингизхон не чора кўларди? Адашмаса, бирон ҳийла ўйлаб топарди. Оҳ-ҳо, топганда-чи! Ҳозир Малик чўлида хоки туроб бўлиб ётган Дабусияни қандай буккани ҳали-ҳали ровийлар оғзида юради.

Улкан кўшин ҳимоясидаги Бухоро оппа-осон бўйсунган ҳолда, Дабусия ён бермай, жангу жадални мардона давом эттиргани жаҳонгир қонини қайнатади. Қалъани яқин-орада қилич билан забт этишига кўзи етмагач, ахийри, ҳеч балодан қайтмас жазо гуруҳини ишга солади.

Бир кеча теварақдаги қишлоғу овуллардан юзлаб беғуноҳ эркагу аёл, бўйнилариға гул урилиб, қалъа бўсағасига ҳайдаб келинган ва барчасини дорга тортиш учун хоқон томонидан фармон берилгани неча бор жар солинган. Тонгга яқин мингдан зиёд дабусиялик ҳимоя-

чи номигагина қўйилган йигирматача қўриқчини қириб ташлаб, маҳкумларни ошиғич тарзда ичкарига киритишади. Улар орасида махсус таълим олган, жаҳаннамдан ҳам чўчимас қанчадир хуфия-навкар борлигини, зиммаларига тонгдаёқ темир дарвозалардан бирини очиб бериш вазифаси юклатилганини ким ҳам ўйлабди дейсиз...

Ўша аломат ҳодиса ўзи шоҳидлигида, шундоқ рўпарасида рўй бергандек, Соҳибқирон секин бош чайқади. Қойил қолмай илож йўқ: очиги, унақаси камданкам бўлади. Энди, дўппи тор келганда, ўзи ҳам ғамини ейиши керак, ахир, чиндан ҳам Оллоҳ таоло ақду идрок ва фаҳму фаросатни нечун бермиш, шундай кезларда ишга солиш учун эмасми?

Туёқлар дупуридан хаёли бўлинди, беихтиёр ўгирилиб қараса, боғинг тоабда кўкаргур Муҳаммад Султон, бир қўлида тизгин, ихлос билан тавозе сақламиш қошида. Офтобда сокин товланаётган зирҳли либоси, қини сийму зар билан зийнатланган шамшири салобатига тагин ҳам салобат қўшганди. Тим қора пайваста қошлари остидан тик боқувчи тубсиз-ўйчан кўзлари шижоат ёлқинидан мунаввар, лабларига ингичка бир табассум инган...

— Биров сўроқлайдир сизни, олампадох, — деди у дўриллаган товушда. — Махфий сўзи бор эрмиш!..

Ҳаял ўтмай икки хос мулозим юпқа камзул кийиб, бўйнига тумор осган гўлабир кимсани рўпара қилди. Ажабо, у, ўзига ортиқ бино қўйганми ёки ўлимига розими, буткул хотиржам бўлиб, ҳатто чечак изи қолган энли бетида ҳаволаниш аломати зуҳурланган эди.

Кутилмаган ғалати меҳмон, паст товушда, ён-верига тез-тез аланглаб, Саодат баҳодир номидан гапирди. Очиги, Соҳибқирон эшитганига дарҳол ишона қолмади, ахир, пихини ёрган ганим тузоқ қўяётган бўлиши мумкин-да. Муҳр босилган мактубни ўқигандан кейингина чехраси нурланиб, таваккал қилишни лозим топди.

Қоронғулик қуюқлашгач, ёнига Идику баҳодир бошлиқ илғор дастанни олди-да, гирдини пишқириб оқаётган тўлқин юваётган тепаликка сузиб ўтди. Ўнқир-ўнқир сўқмоқдан йигирма қадамча юрмай, баҳайбат қоялар биқинида оғзи қорайиб турган горни кўрди ва машғала тутган хос мулозимлар ортидан ичкарига шошилди.

Соҳибқирон гоҳ кенгайиб, гоҳ тораядиган горнинг иккинчи тарафидан бир амаллаб чиққанда қайсидир ўзаро ёндош қўшалоқ чўққи ораллиғида эндигина тўлиша бошлаган ой юзаётганди. Қаршисида — катта-кичик қоялар қоплаган кенгликда, дарахтзор қияликларда Қалъайи Сафид бемалол ястаниб ётарди. Бир четини тупроқ кўмган, бир томони тик тушган ясси тошда нафас ростлаб ўтирганда, тонг ёришиб, уфқдан таралаётган гулобий ёғду ўзаро уйғун миноралар ва гумбазлар сийнасига юмшоқ-юмшоқ санчилди.

Салдан кейин қуйироқда дубулға-совут кийган, анчайин қорувли ва ўктам суворий кўринди. Суворий қимматбаҳо эгар-афзал урилган бедовини қичаб ҳайдар, йирик-йирик кўзлари субҳидам шуъласида ўзгача чарақлар эди. Ниҳоят, ора яқин қолганда, у ғалати ҳовлиқиб, бирдан жиловни тортди, гавдасини ерга отиб, шоҳи жаҳон этагини қайта-қайта ўпди-да, ўзини Саодат баҳодир деб таништирди. Сўнг терлаб-пишиб, хиёл тутилиб, хатидан кенг ўрин эгаллаган тилагини бир бошидан баён қила кетди. Сўзи охирида, Соҳибқиронни яна ҳам ҳайрон қилиб, Шоҳ Мансур қилмишларидан нолиди, борингки, унақа ношуду нотавон ҳукмдордан Ажам аллақачон безган эмиш!

Чошгоҳда қалъанинг энг баланд минораси узра уч ҳалқа тасвири туширилган Ҳумоюн байроқ ҳилпиради...

Ажабо, Соҳибқирон қутилмаган қалтис ишга қандай журъат этди, қандай!? Кучи билагини ёрган амирзодалар ва эҳтиёткор саркардалар йўлини тўсишса-да,

ҳеч бирини эшителишни ҳам истамай, Оллоҳга таваккал қилиб, Саодат баҳодир қошига ўзи боришни лозим топди. Қилич уришдан воз кечиб, Ажам тожу тахтидан умидвор бўлган йигит билан тезроқ учрашиш мақсадига айланди. Музокара пайти жойида турмай ўйнаётган чоғир кўзларга зимдан тикилди-ю, ўзини Шоҳ Мансур ўрнига қўйиб кўрди. Ногоҳ шунда кўнгли чучмал тортиб, нимадир алам қилиб кетди.

Мана, сулҳ тузилиб, аввал ўйлаганидек, қалъаи қайсар пойига тупроқ каби сочилди. Энди инон-ихтиёри илкида, лекин бу қувончга гўё аллабир тахирлик қўшилганди, шунинг учун недандир қоникмаётган эди. Баҳаво гўшада, оппоқ қорни салла қилиб ўраган пурвиқор чўққи этагида берилган шоҳона зиёфат ҳам татимади. Хушовоз хонадалару нозикбадан раққосалар қизитган базми жамшидда, бир банд билан сўйлашмай, турфа мулоҳаза гирдобига гарқ бўлиб ўтирди. Аввали-охири йўқ хушомадлардан тўйиб, дастурхон ёнидан эрта турди ва ўтовига қамалиб олди.

Соҳибқирон тонг-азонда боши говлаб, юраги ҳовлиқиб уйғонди-да, Бўри тархонни ошиғич чорлаб, Саодат баҳодирни Шоҳ Мансур ихтиёрига йўллаш ҳақида буйруқ берди. Нима қилсин, узоқ ўйласа-да, бундан бошқа чора тополмади.

Тез орада Ажам бўйлаб овоза тарқалди: Шоҳ Мансур тавалло билан бўзлаб, оёғига йиқилган кутволни, аркони давлати гувоҳлигида, қовжираган далада қозиққа ўтқизган, бу билан кифояланмай, молу мулкани мусодара қилдириб, аҳли ҳарамини гумашталарига тортиқ айлаган. Сўнг, жами ажамликни, ёнида мардона туришга чақириб, ҳал қилувчи навбатдаги мухорабада бошига омад қуши қўнажагини таъкидлаган...

Теварақда изғиб юрган устаси фаранг хуфиялар барини оқизмай-томизмай Хумоюн ўрдуга етказишди. Кеча-кундуз тиним билмай, шундоқ ҳам анча толиққан Соҳибқирон оғир-оғир мулоҳазага чўмди. Чин-

дан борини бору йўғини йўқ қиладиган интиҳо яқин: Ажам ҳукмдори дағдағалари ваҳимали туюлар ва дилини ларзага солар эди.

Қалъайи Сафид тиз чўккан кундан зафар нишонли қўшин Работ мавзеи билан Гуйим қалъаси ўртасидаги хавфу хатардан холи сайхонликда нафас ростлаётган эди. Муқаррар ҳамла хабари етган ҳамоно, барча қўшилмалар ва қисмлар жадал суръатда жанговар сафга тизилишди: илғор-манглай, қул-қалб, чап ва ўнг қанот диққат билан қайта-қайта назардан ўтказилди.

Соҳибқирон, ҳадемай кечадиган мухораба ҳайбатини тасаввур қиларкан, яна ташвиши ортиб, қайта-қайта Тангридан мадад тилади. Ҳартугул Яратган эгам инояти билан азалий ва абадий ҳомийларига айланган Муштарий ва Зуҳал бугун ҳам қўллашига ишонарди. Фақат не сабабдандир орага суқулиб кирган Мезон буржи халақит бермаса бўлди. Озми-кўпми шундан хавотир чекади, ахир, сафар оддидан мавлоно Аҳмад фалақда мувозанат бузилганини куйиниб таъкидлаганини ҳамон унутган эмас.

Ногоҳ хаёли йироқларга учди ва Самарқанд кўчаларида юргандек бўлди. Бугун шаҳар ухларди, у эса Кўксарой остидаги ҳужрада китоб варақлаб, бедор ўтирган ҳазрат билан юзма-юз турарди. Ажабо, қировлаган сийрак қошлар ўртасидаги тугун нимани сўйлаётир, ҳа, Қодир эгам, не савдони шарҳ этаётир?

Осмону фалакка, чанг-тўзон булути билан бирга, бурғулар ва ногоралар гумбир-гумбири ўрлаб, Соҳибқирон хаёлини йиғиб олди. Салдан кейин гурас-гурас жанг отлари, ялт-юлт қилаётган сон-саноксиз хунхор найзалару шамширлар, дубулға қўндирилган беҳисоб каллалар кўринди.

Куч-қудрати беадад аламзада Ажам лашкари, довул кўчирган бархандек тўзиб-чийралиб, қахру газаб ёғдирган кўйи ёпирилиб келарди, ажалдан бошқа нарса ваъда қилмай, гўё тўппа-тўғри Амир Темур Кўра-

гон сари умтилар, жисми-жони, йўқ, потирлаб ураётган юрагини босиб-янчиб ўтмоқчи эди.

Ҳар икки тараф бош қўмондонлари қўл силкиб берган ишора бақрайган, ўқрайган ва мўлтираган кўзларда акс этган недир учкунни аланга олдиргани Соҳибқирон эътиборидан четда қолмади. Сўнг, талвасаю таҳлика ичра ўкириб, бир-бирлари сари ташланган ботирлар издиҳомига қўшилиб-аралашиб кетгандек бўлди. Еру самони титратаётган алам-ангиз наъра, қонсираган яроқлар шарақлаши, камон ўқи ёки найза санчилиб қулаётган навкарлар инграниши, эгасиз қолган отларнинг мунгли кишнашлари... бари-бари дили тубида такрор-такрор кечаётган эди. Гоҳо ботиний шовқин-сурон ва акс-садодан ёриламан деган кўксини бошқача бир хавотир босарди-да, Оллоҳдан мадад ва тўзим тиларди. Ахир, қачондан бери ташаббус гоҳ у, гоҳ бу томонга ўтаётир, ҳар жойда либослари алвонранг, афту ангорлари моматалоқ жасадлар уйилиб кетган, ҳатто ҳадсиз-ҳудудсиз уфқ этагини ҳам шафақ эмас, гўё қипқизил қон бўяган...

Савашув қизий-қизий нақд жаҳаннам — ўтли пўртанага эврилди, фақат қандай тугаши номаълум эди. Қалтис ҳолдан диққати ошган Соҳибқирон заҳирадаги қўшилмаларни сафарбар этишни мўлжаллади. Кейин кеч бўлиши мумкинлигини ўйлаб хўрсинаркан, ногоҳ ҳуши бошидан учди. Ўн томонда ястанган қуюқ даҳртзордан тахминан тўрт минг чоғли ганим қуюндек отилиб чиққан эди.

Олдинда ўйноқлаб-пишқириб елаётган тўриқ эгариди бемалол қўнган суворий эътиборини тортди ва чўяндан қуйилгандек қорувли қадду қоматига қизиқсиниб тикилди. Зирҳли либос кийган йигит, думига палос билан ўралган улкан қозон боғланган отини қичаб ҳайдар, талотўмни писанд қилмай, гоҳ чапи, гоҳ ўнгига абжирона қилич дўлғар эди. Ахийри, дуч келган тўсиқларни пайдар-пай даф этиб, баралла ҳайқирганча, Ҳумоюн ўрдуга яқин келганини кўпчилик

сезмай қолди. Гулдираган овози урҳо-ур садолари орасидан алоҳида ажралиб эшитилар, кишида ажаб таассурот уйғотар эди.

— Улуғ амир, ким бўлди бу баҳодир? — сабри чидамай Темур Қутлуғдан сўради Соҳибқирон. — Худо ҳақи, баччагарни ҳавоси жудаям баланд!..

— Олампаноҳ, янглишмасам... Ажамни эгаси, — хушламай жавоб қайтарди Темур Қутлуғ. — Айтишганича бор экан: худди балонинг ўқи-я!..

— Ўзим ҳам Шоҳ Мансур бўлса керак деб ўйловдим.

Мураккаб сафар шарт-шароитида, турли-туман фалокатлар ва нохушликлар олдини олиш ниятида, Ҳумоюн ўрду муҳофазаси асосий вазифалар сирасига киритилган. Махсус топшириққа биноан, Баҳром баҳодир бошлиқ хос навкарлар кечаю кундуз ҳушёрлик билан қўриқчилик қилишади. Алоҳида ҳарбий сабоқ олган, чапдастликда тенги йўқ даста белгилаб қўйилган чегарадан бирон шубҳали банда нари турсин, ҳатто пашшани ҳам ўтказмайди.

Ҳозир эса кутилмаган ҳодиса рўй берди: ҳалига қадар дахлсиз бўлган таомил босар-гусарини билмай келаётган Шоҳ Мансур тарафидан бузилди. Тилаги нелигини таҳликали чақнаётган кўзлари айтаётир: Туронзамин ҳукмдори билан яккама-якка саваш қурмоқчи!..

Мийиғида истехзоли кулгач, Соҳибқирон дарҳол алоҳида нуфуз эгаси саналмиш хос мулозими, жумладан, дубулға-қалқони ва қуроллари асраб-авайлаб олиб юрадиган Пулод найзадорга ўтирилди. Лекин, ёнида ундан ному нишон кўрмай, алаmidан бўғилиблар кетди. Қиёмат-қойимдан қолишмас жангу жадал ҳайбатидан чўчиб, дилида ноумидлик туғилиб, наҳотки ўзини панага тортган бўлса муттаҳам?!

Соҳибқирон афсус чекаркан, олисдан қулоқларига бир нидо чалингандек туюлди: «Олампаноҳ, эҳтиёт бўлинг, Мезон буржи ҳамон бегона ўлчамда!» Ногоҳ бир хил орзиқди ва тасаввурида таниш сиймо жон-



ланди. Ҳануз шашти синмаган Шоҳ Мансур қиличи муборак боши узра вишиллаган чоғда, мавлоно Аҳмад билан хаёлан мусоҳабага киришиб, абжирона чап берди. Галдаги мудҳиш зарба Абдул ахтачи тутган тўғарак қалқонга тегди қарсиллаб! Ҳаял ўтмай Хумори ясовул, Муҳаммад Озод, Тўқал боварчи, сор лочин тезлигида уча келиб, хожаларини ҳалқа солиб ўрашди.

Мана энди Соҳибқирон тепалик гирдидаги ўнғай жойдан барини, ҳам бош чайқаб, ҳам ичи тимдаланиб, паришон алфозда кузатаётир: Шоҳ Мансур тўхтовсиз саваша-саваша қиёмат-қойим кўпаётган майдон ичкарисига чекинди. Кутилмаган жойда тўсатдан ҳозир бўлиб қоларди. Илкида қонсираган қилич яшинвор суръатда ўйноқларди. Қачондир бедови қора кўпикка ботиб, ўзи ҳолдан тойди. Барибир шунда ҳам иложи борича ҳеч кимни яқинига йўлатмас, ҳар қанақа талабгорни аямай, бир зарбда ер тишлатар эди.

Ахийри, борлиқни қоронғилик пардаси қоплаб, мухораба суронлари тинди, ҳалигина даҳшатли талатўп остида титраётган майдон бир маҳзунлик билан қоришиқ сукунат қаърига чўмди. Осудалик узоқ чўзилмай, каллаи саҳарда тагин чок-чокидан сўкилди, тагин чор-атрофни дилларда таҳлика уйғотадиган қийқириқлар ва оҳу ноалар тутиб кетди.

Тун бўйи тайинли мижжа қоқмаган Соҳибқирон кечаги жойда жимгина бўшашиб турар, тобора даҳшатли тус олаётган мухораба сари куюнчаклик билан назар солар эди. Асли вулқон каби қайнаб-тошаётган, қулоқни қоматга келтириб гувиллаётган издиҳом орасидан кеча ҳайратига ҳайрат кўшган Шоҳ Мансурни қидираётганди. Поёнига етиб қолган саваш ичра ўғлон негадир кўринмади, еру кўкни титратган ҳайқириқлар аро наъраси алоҳида ажралиб янграмади.

Навбатдаги ғалаба шарафига бурғу ва ногоралар гумбирлай бошлаган дамда Соҳибқирон кўкси бир бурчини недир гашлик кемираётган эди. Паришон алфозда нари-бери одимлар, нуқул хаёлида Ҳумоюн

ўрду сари ошиққан, ҳатто ўзи билан олишмоқчи бўлган ўғлон гавдаланар эди. Ахийри, чидолмай кетиб, тезда тириги ёки ўлигини топишни буюрди. Эрталаб хос мулозими Кўканай исмли навкар йўқлаётганини айтганда ҳамон дилида ғалати муштоқлик ҳукмрон эди.

Соҳибқирон Кўканай билан аввалдан яхши таниш, ҳатто ўзига садоқати ва ихлоси баланд эканлигидан воқиф, оғир-енгилга бирдек чидаб, жангу жадалда кўрсатган жасорати учун бир неча бор улўфа билан сийлагани ёдида. Ҳозир эса қошида думини ликилла-тиб туриши, қўнғир кўзларини ажабтовур йилтирати-тиб қараётгани нечундир ёқинқирамади. Навкар ер ўпиб, этагини қобоқларига суртгач, лаб-лунжини йиғиштиролмай, хуржунини бир силкувдики, қонталаш бир калла гупиллаб пойига тушди ва нарироққа думалаб кетди.

Соҳибқирон ҳангу манг: рўпарасини гўё ғира-шира сароб пардаси тўсди ва бу парда ортидан элас-элас кўринаётган манзара таърифига тили ожиз. Сираси, наздида, аллақачон яқун топган мухораба яна қайта кўзгалди, йўқ, таг-замини билан силкина бошлаган ер ногаҳон қасирлаб йиқилган осмон гумбази остида қолди...

Соҳибқирон ҳоли-руҳидан беҳабар эмасми, Кўканай, оғзи танобини қочириб, салтанат учун арзигули хизмат қила олганидан мамнун сўйлаётир: қалашик жасадлар орасидан шаҳид инисини қидириб юрганда, Шоҳ Мансурни тасодифан учрати-тиб қолган. Оғир яраланиб, қаттиқ чанқаган подшоҳ ҳуш-беҳуш инграниб ётган экан. Ночор ҳолида насиб этадиган ўлимни иснод санабди, ягона тилаги майдонда савашиб жон таслим қилиш бўлганини айтаркан, ёноқларидан ёш думалаган, ўтинчини инобатга олиб тегмаса, етти пуштига етиб-ортадиган жавоҳир бермоқчи бўлган. Лекин булар барисидан Соҳибқирон меҳрини қозониш авло туюлиб, бирдан шерлиги тутган-да, шартта қилич ялангочлаган Кўканай!..

— Аҳди бузуқ қашқир ер тишлади, — ниҳоят у сўзини якунлади, хожаси этагини яна тавоф қиларкан. — Қайтиб энди тинчингизни бузолмас, олампаноҳ!

— Ҳе, тилинг кесилсин, молфаҳм олчоқ!..

Аллатовур зил-замбил нарса Соҳибқирон дили тубида қоя мисоли ўрнашиб, руҳи-шуури ва жон-жаҳонини сим-сим қақшатиб юбораётган эди. Нима учун бундай ҳол кечаётганига сира ақли етмас, нуқул хаёлида майдонда қилич ўйнатиб, тик туриб ўлишни орзу қилган ўғлон гавдаланар эди.

Орадан кўп ўтмай, улуғ зотлар кафил бўлиш истагини билдиришса-да, Кўканайни дорга тортирди, ҳатто бу билан кифояланмай, уруғ-аймоғини ҳам жазолаш ҳақида туғилиб-ўсган шаҳри мутаваллисига буйруқ йўллади...

## 10

Ажам галвасидан қутилгач, орадан кўп ўтмай, Соҳибқирон Козерунда мудофаа сақлаб турган Умаршайх Мирзони Ҳумоюн ўрду сари чорлади. Ошиғич келиб, ихлос палосини ўпган ҳарбу зарб майдони қарчиғайини бағрига босаркан, чексиз гурур хиёл ҳориган юрагига қувват бағишлади. Амирзода ўзини мулоҳазакор ҳамда оғир-босиқ тутардики, бундан анча-мунча улғайгани, оқу қорани таний бошлагани, тақдир ёзугига тан бериб, меросхўрлик даъвосидан кечгани англашиллар эди. Кечки машварати олий баланд руҳда кечди ва Форс диёрининг «...манъ этиш ва ҳал қилиш ишлари жаҳон амирзодаси Умаршайх Мирзонинг ўткир раъйи ва узоқни кўра билувчи ақлига ҳавола этилсин» қабилида фармони олий содир бўлди.

Хуфтондан кейин шоҳона зиёфат бошланиб, жозиб қўшиғу наволар хушёқар рақслар билан уланди. Ҳамишагидек тўрда кўр тўккан Соҳибқирон диққат-эътиборини кўпроқ диллари не-не орзу-умидлар билан лим-лим амирзодаларга қаратди, салтанат фақат

сиздек қанотларим билан барҳаёт, дея лутфу карам қилганда, олқиш ва ҳамду сано жоладек ёғилди. Холисона эзгу тилаклар оғушида кўкси тоғдек юксалиб борар, чироқ ёқилгандек руҳи ёришар, танидаги чарчоқ ўрнини рағбат ва қатъият эгаллаётган эди.

Энди чиндан ҳар қанча гурурланса, ҳар қанча сархушу сармаст бўлса арзийди, ахир, не-не уқубатли манзиллар қолмади ортида? Фақат ён-верида гирди капалак жигаргўшалари ва ёру биродарлари Ҳумоюн ўрду узра иқбол қуши нечун бу қадар тинмай чарх ураётгани боисини билишармикин? Ич-ичида афсус айтди гўё кимдир — бошқа бир одам! Ва ноҳос юраги чучмал тортди-да, тепасини ўраган баҳри муҳит ойнасида ногоҳ таниш қиёфа жонланди. Сўнг таънали нигоҳ ингичка шуъла каби шитоб яқинлашиб келди-да, шуури қатларида ўрнашди.

Соҳибқирон этагини қайта-қайта тавоф айлаган Умаршайх Мирзони Форс сари кузатиб, ниҳоят, оқ тулпор жиловини Араб Ироқи сари бурган фурсатда ҳам ғойибона таъқиб остида эди. Олисадаги нигоҳ жодусидан бир дам ажрала олмай, галаба ёр қўшин пешида елиб борар, гоҳо кўкси тилимлашиб, Султон Аҳмад билан кечадиган жангни ўйлар эди. Неча кун мобайнида ҳордиқсиз йўл танобини тортган лашкар, ахийри, бир ёгини сурмаранг чўққилар силсиласи тўсган, бир томони жар-чуқурдан иборат яланг-қумлоқ дашт ўртасида тўхтагач, беихтиёр яна мавлоно Аҳмадни эслади. Бир қучоқ оловни эслатадиган қуёш ҳам гўё хотираларидан сўйларди. Қуёш ботгач, чоратроф сув қуйгандек тинчиди. Қоронғулик тушганда ҳар жойда лип-лип ўчаётган гулхан чўғлари милтираб кўринар, гоҳо найза ёки қилич тутган соқчилар гулдирлаши эшитилар эди.

Гирд-тевараги очиқ тепаликда қўндирилган, хос мулозимлар ҳушёрлик билан кўриқлаётган шоҳона ўтовда эса бедорлик ҳукм сураётир. Қош қорайган чоғда бошланган олий машварат, вақт катта саҳардан ошган

бўлса ҳамки, қизгин паллада. Тўрда салобат билан чор-дона қурган Соҳибқирон ранг-рўйида недир ҳасрат акс этган: ҳуш-хаёли бир тарафдан саркардалар ўртага ташлаётган фикр-мулоҳазада бўлса, бир жиҳатдан олис сарҳадлар оша термилиб турган ҳазрат нигоҳида. Тинмаган жон қизгин баҳсга шунгиган даврани гуё анчадан бери кузатади, ҳатто гоҳо бирдан тортишувга қўшилиб, қайсидир таклиф ёки истакни қизгин маъқулласа, бошқа бирини рад этади...

— Жаноблар, қилични қиндан суғуриш энг охири чора саналур, ҳали имкон бор экан, тадбир чекайликки, иложи бўлса қон тўкилмасин, — мажлис аҳлига бирин-сирин разм солди Соҳибқирон. — Мурсаи мадора йўли ҳар иккала томон учун ҳам ўнғайдур.

— Ҳақсиз, олампаноҳ, сулҳдин маъқул чора йўқтур, — деди Темур Қутлуг узиб. — Билагимиз кучини кўрсатишга ҳамиша улгураимиз!..

— Аълоҳазрат, Султон Аҳмад Оқбуға барлосни дорга тортгани етмай, жаноби Мир Саййид Баракани беҳурмат қилиб қайтарганини наҳотки унутдингиз? — ошкора кесатди Жоку барлос дўриллаб. — Фақирга қолса, раҳму шафқатдин оғиз очмай, аждарни тезроқ бир ёқди қилиш керак!

— Улуғ амир, қизишмоқ бефойдадур. Пири калон яна бир элчилик қилсунлар, зора энди Султон Аҳмад юрагини қоплаган музни эритишга муяссар бўлсалар!..

Эрталаб муҳтарам узтоз олиб жўнайдиган олий нишонли мактубда Султон Аҳмад сарвари олам — Амир Темур Кўрагонни валинеъматини ўрнида кўриши, пойтахтида унинг номини эъзозлаб хутбаи муборақ ўқитиши, Самарқанд газнасига вақти-соатида мунтазам божу хирож тўлаб туриши, ниҳоят, элида жабру зулми чеклаши лозимлиги муҳтасар битилди. Оқбуға барлос хунига зомин бўлгани, катта-кичик тижорат карвонларини талаш, ҳажни ихтиёр айлаган мўминларни қул қилиб сотиш учун ижозат бергани

сабабли алоҳида товон тўлаши зарурлиги қайд этилди. Агар, хомхаёлга берилмай, ушбу шартларга кўнса, бўйнига итоат ҳалқасини сола келиб палос ўпса, барча қаторида афуга сазавор бўлажак, тожу тахти, молу мулки, аҳли аёли тасарруфида қолур...

Орада кечган ўн кун бир неча йилга татир эди, буни бутун вужуди билан туйган Соҳибқирон Мир Саййид Барака хайрли мужда билан қайтишини жуда-жуда истарди. Асли пири комил бугун ҳузурли муборақда ҳозир бўлиши лозим. Мўлжалдаги ишини вақтида битиролмаган шекилли — кечикаётир. Ана шу боис алағдалиги тобора ортмоқда, ҳаргиз кўзлари нигорон. Ким билсин, бекор овора қилдимиз кекса одамни, ахир, Султон Аҳмад аввалгидай қамаб ташласа не кечади ҳоли?

Афсус, қуёш мағриб сари оғди ҳамки, Мир Саййид Барака дараги бўлмади. Энди Соҳибқирон хавотиру шубҳаси тагин ҳам кучайиб, бир жойда ўтиролмай қолди. Ниҳоят, сал-пал овуниш илинжида, димиққан ўтовдан узилди. Ҳамон яланглиқда нафас ростлаётган лашкар қанотларини пиёда айланаркан, яна хаёлини эртанги мухорабани бор ёки йўқ қиладиган суҳ ташвиши эгаллади.

Тим қизил улкан гумбазга ўхшаб қолган қуёш фалакка елка тираган чўққилар ортига, кулранг тусли поёнсиз бўшлиққа оҳиста чўкиб борарди. Кечки шафақ яллиғи дала-дашт этагини кесиб ўтган дарё сатҳида сокин жилваланар, бафуржа одимлаётган фотиҳи жаҳон ҳавасини қўзғар эди. Майда баргли алафлар ва қалашиқ тошларни ювиб, бир маромда шовуллаб оқаётган шошқалоқ мавжларга суқланиб тикилди-да, чўмилиси келди.

Ҳали-ҳамон эсида, ўт-олов ёшлигида, эрта баҳордан то кеч кузга қадар, дарадан ҳайқириб, қирғоқларини ювиб тушадиган Хожа Илғор сойи гумидан чиқмасди. Уззу-кун офтоб тигида чўяндек қорайиб, завқ-шавқдан кўзлари чақнаб, чайир ва елвагай тенгқурлари би-

лан сузгани-сузган эди. Айни туш қиёмида сағриси мой суртилгандек ялтироқ, қулоқлари чимирилган жийрон қашқасини етаклаб келадиган падари Амир Тарағай баҳодир жилмайганча: «Балиқ бўлиб кет-ей, улим!» — дея ҳазил отганда лаб-лунжини йигиштиролмай қоларди. Кейин бирпас мириқиб ҳангома қилишар, хандон ташлаб қула-кула, бедовни баҳамжиҳат етаклаб сувга туширишар ва диркиллаган баданини обдон ишқалай-ишқалай ювинтиришар эди.

Чарх неча бор айланди-я ўшандан бери, ҳайҳотки, бу кунда дилида тоабад улуғ орзулар чирогини ёққан валинеъмат охират тупроғи остида тоабад осуда ётибди...

Ногаҳон орқа тарафдан бир енгил, бир беозор шовур эшитилиб, хаёли бўлинди. Чамаси, шу орада биров эҳтиёткорлик билан яшириниб, пойлоқчилик қилаётган эди. Қўриқчи йигит бўлса керак, деб қўйди ичида. Ахир, бошқа ким ҳам журъат эта олади ён-атрофида ўралашиб юришга?

Ниҳоят, қизиқиши ортиб, аста ўтирилди.

Ишонини қийин: бир учи чўзила келиб дарёга туташган ва туя ўрқачидек дўмпайган кўкиш қоя биқинида кўркам соқолли қотмагина чол маънос кулимсираб турарди.

Соҳибқирон беихтиёр кўзларини юмиб-очди, аммо энди ҳеч ким кўринмади, таажжуб билан елка қисиб, қум-шағал босган қирғоқ бўйлаб дилгирона илгарилай бошлади. Йигирма қадамча босган эдики, шундоқ рўпарасида, қат-қат сароб пардаси ичра ҳалиги сиймо яна бир кўриниб йўқолди.

Ажабо, ким бўлди бу одам, ким?

Қуёш қўноғида яшириниб, қоронғулик қуюқлашганда ҳам Соҳибқирон соқчи-навкарлар назорат қилаётган соҳилда, ҳалиги ғадир-будир қоя четида паршон ўлтирар, гўё хаёли сиёҳ тусли асов тўлқинлар билан қўшилиб олисларга оқар эди.

Ахийри, кўкда бодрокдек сочилган юлдузларни кузата-кузата вақтни белгилади-да, аста қўзғалди, ҳайто-

вур қушуйқу қилиб олгани маъқул, эрта беҳад машаққатли кун бўлиши мумкин...

Соҳибқирон шоҳона ўтов тўрида ҳозирлаб қўйилган юмшоқ тўшакка бемалол чўзилди. Тахминан саҳарга қадар хаёл суриб ётди, ахийри, киприклари юмиларкан, ўзини бир томони чуқур жарлигу бир тарафи яйдоқ адир, хазону тўзон қоплаган бепоён бўзлоқда кўрди. Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган маконда адашиб қолганди ва теварак-атрофда ўзидан бошқа кимса йўқ эди. Ногоҳ шундоқ юксақда бир парча шафақ ингичка чизиқ мисоли тортилди-да, чўзила-чўзила қўйига эниб, мовий бўшлиқда нигоҳ аранг илғайдиган, бир учи қайрилма, бошқа учи тўмтоқ ҳассага айланди. Ҳаял ўтмай у зув келиб, шовурсиз бир тарзда гириллаб, пойида кўндаланг тўхтади.

Соҳибқирон қовжираган ўт-ўлан орасида, не қиларини билмай, гезариб, лол-ҳайрон турар, негадир кўзлари қамашгудек бўлиб ачишар эди. Шуурини недир губор чулғаб, юраги қинидан отилиб чиққудек алфозда безовта тепа бошлади. Сўнг бирдан қизиқиши ортиб, ҳатто андак ҳаяжонланиб, абжирлик билан энгашди. Лекин, қаники, кўкдан тушган матоҳни жойидан сал қимирлатгани қурби етса!?! Бари уриниши зое кетиб, ҳолдан тойган ва жиққа қора терга кўмилган дамда, бир чимдим киноя аралаш овоз чалинди қулоғига!..

— Олампаноҳ, фақат билак кучи бекор-да!

— Во ажаб! Зиндондин ким озод қилмиш сизни, мавлоно?

— Билингки, руҳ қуши ҳамиша озод!..

— Руҳ қуши?

Кигиз қулоҳу кигиз чакмон кийган, озгин-қотма, заъфар юзли, патаклаган соч-соқоли қулоғигача кўмган чол энди жавоб қилишни хоҳламади. Чол бир неча соат тинмай, ҳордиқ олмай югурган одам каби ҳанси-рарди. Ботиқ кўзлари недандир огоҳ этиб, хиёл маъюсона чақнарди. Салдан кейин мийиғида юмшоқ ку-



либ, ҳассани бемалол қўлтигига қистирди-да, илдам қир ортига ўтиб кетди...

Соҳибқирон, тонг-азонда, уфқ гардиши ёришмай, бомдодни якунлар экан, беихтиёр гаройиб тушини эслади ва тасавурида мавлоно Аҳмад қадди-басти жонланди. Сўнг... осмону фалақдан айлана-айлана учиб келган ҳассани хотирлади. Не боисдан ўша савилни жойидан қўзғата олмади? Бу аломат ҳодиса нимага ишора, ҳей, тавба? Тўсатдан пайдо бўлган ҳазрат боқишида недир истехзо ва надомат акс этганда, нақадар бўшашиб, нақадар изза чекди. Дарвоқе, сафар арафасида, оёқ-қўлига кишан урилган кунда ҳам, қиёфасини шу хил ифодалар қопламаган эдимми?! Ажабо, орадан қанча вақт ўтибди-ю, ҳануз қурту қумурсқага таланиб ётганини бирон марта ўйлаб кўрмабди. Ахир, эрта сафардан қайтса, қандай қарайди бетига? Очиги, ҳали ҳам кеч эмас, тезроқ хатосини тузатиб, айбини ювиши лозим. Иложи бўлса бугун ёки эрта Самарқанд сари чопар жўнатгани маъқул, токи у, шамол каби ела бориб, доруға амир Ҳожи Сайфиддинга алломай замонни зиндондан бўшатиш ҳақида муборак ёрлиқ етказсин!..

Соҳибқирон девон мубошир муншийси ва шахсий котиби мавлоно Шамсиддинни ҳузурига чорлаб, амир Ҳожи Сайфиддин номига соғинчи ва хоҳиш-иродаси нозик ифода этилган мухтасар мактуб ёздирди. Мактуб остига муҳр босаётиб, муаззам пойтахт кўчалари, зумрад тусли боғ-роғлар, маҳобатли арк хиёбонларида кезиб юргандек бўлди. Ҳар қадамда гўё мавлоно Аҳмад пешвоз чиқар, куйиб-пишиб тагдор-тагдор савол ёғдирар, бир қадам ҳам ортидан қолмас эди. Теран сукунат қўйнидан юмшоқ-эзгин товуши элас-элас эшитилар, сирли бир йўсинда сезимларини ишғол қилар эди.

Ланг очиқ эшиқдан Мир Саййид Барака кириб эҳтиром кўрсатаркан, хаёли пардек тўзгиди-да, дорусалтана манзаралари ҳам, ҳазрат жуссаси ҳам рўёдек узоқлашиб кетди. Пири калон Султон Аҳмад, ҳамон

такабурлик отидан тушмай, астойдил тиш қайраётгани ҳақида койиниб, чексиз ташвиш ва надомат билан сўйлади. Кибру ҳаво оғушида эт қўйворган нобакор аллақачон шоҳи жаҳон учун муносиб қароллик жомасини ҳозирлаб қўйганмиш, вақти етган ҳамона эғнига шу либосни ёпиб, етти иқлим бўйлаб ном таратмоқчи эмиш!..

Соҳибқирон ёниб кетаёзди: на чора, энди охирги чорани қўллаш — қилич яланғочлашга тўғри келади. Зафар нишонли қўшин аллақачон имосига маҳтал, иншооллоҳ, бир зарб билан бурни кўтарилиб кетган ганимни кунпая-кун қилиб ташлашига имони комил!..

Кечқурун давлат арконлари, амиру беклар ва амирзодалар Ҳумоюн ўрдуда тўпланишди. Кичикроқ зиёфатдан сўнг, саҳарга қадар, асосий муҳорабани қайси йўсинда олиб бориш масаласи батафсил муҳокама қилинди.

Охири хулоса бўлдики, иложи борича Султон Аҳмад билан кенг-очиқ, яланг майдонда юзма-юз савашиш қулайдир. Эҳтиёт юзасидан барча куч бир йўла сафарбар этилмайди, олдиндан махсус тайёрликни ўтаган қисмлар заҳирада пайт пойлаб туради, суворий қўшилмалардан бир неча бўлаги пистирма ҳосил қилиши лозим. Ниҳоят, ялпи ҳужум пайтида, вазиятдан келиб чиқиб, саркардалар мустақил ҳаракат қилиши алоҳида белгилаб қўйилсин. Зудлик билан Умаршайх Мирзога чопар жўнатилсин, токи у тезроқ мадад кучлар сафарбар этишни таъминласин...

Анчадан бери Форс заминида ибратга молик интизом ва осойишталик ўрнатишга эришган Умаршайх Мирзони эслаган заҳоти Соҳибқирон руҳи қанотланди, айни пайтда, олисдан муттасил боқиб, шуурини эгаллаб турган нигоҳ маъюслангани ва безовтаҳол ёниб ўчганини сезди.

Баҳонада яна ҳуш-хаёли Кўксарой остидаги ним қоронғи ҳужра билан боғланди-да, ўзидан ранжиди. Ҳалиги мактубни тезроқ амир Ҳожи Сайфиддин ил-

кига етказишни ўйлай бошлаганда хос мулозим кириб, Самарқанддан чопар борлигини айтди. Эшиқдан букилиб кирган ва ўзини пойига отган Ултой қарчигайни аста тургазиб, бағрига тортди.

Муаззам пойтахт ва бутун Мовароуннаҳр нафасини теран ҳис қилган Соҳибқирон, терисига сигмай, савол устига савол ёғдирди, фақат амалдору зодагонлар эмас, ҳатто олиму уламолар, зироат ва ҳунар аҳли турмуши қай аҳволда кечаётгани билан ҳам астойдил қизиқди. Сўнг доруға йўллаган сўргичли мактуб қатига қистирувли бир парча гижим қоғоз эътиборини тортди. Секин тахини очаркан, мавлоно Аҳмад ҳусни хатини таниб, шошиб қолди. Офарин, ҳазрат бемалол юрагини бўшатибди:

*«Олампаҳо, дуойи саломдан кейин, муборақ хотирингизга маълум қилайки, фақир эрта-кеч сиз билан алоқадамен, таъбир жойиз эрса, ҳамкору ҳамнафасмен, ҳатто ҳар босган қадамингиз ва ҳар неки ўй-фикрингиз қувваи ҳофизамга мудом аёндур.*

*Сиз ҳам фақирни кўп эслайсиз чоғи, каромат рўй бериб, ҳамиша ёнимга келиб-кетгандек бўласиз, нафасингиз доим танимни иситиб турганидин шодмен.*

*Эй, қилич пайғамбари, фақир билиб-билмай сизни анчайин ранжитдим, Қодир эгам кўнглимга йўқ ердаги шубҳаларни солгани боис, дабдурустдан сиз учун бегона ва дардисар одамга айландим. Ҳамон беадаг ғашлик ва андуҳ ичра ич-этимни еб ётганимни яширмасмен. Зиндон ва ёлғизлик азобидан эмас, эрта баъзи бир тахминим ҳақ бўлиб чиқишидан қўрқамен.*

*На чора, пешонам шунақа шўр экан, охиригача корингизга ярамадим, қанотингизда муқим туролмадим, аксинча, нафратга лойиқ беқарорлик кўчасида адашдим.*

*Аълоҳазрат, минг шукрим, энди Мезон буржи ўз ўлчамига қайтибдур. Фақат, йўлига кетар олди, Зухра билан Муштарийни туташтирган қатламда кемтик пайдо қилғон кўринадур ва шу далилни ҳар он инобатда тутгайсиз. Кемтик қачон битиб, қачон йўқоли-*

*ши ҳозирча маълум эмас. Элчи фаришталар нечундир бу борада сукут сақлайдулар...»*

Соҳибқирон мактубни яна берилиб ўқиғач, бир маъюслик оғушида шивирлади: «Ажабо, не экан баъзи бир тахмини? Аввал айтмагон эрди-ку!» Номмаълум нуқтага тикиларкан, елкасига гўё оғир юк ортилдида, қизиб бораётган миясини пароканда ўйлар чулғади. Ҳаял ўтмай шоҳона ўтов эшигидан гўё биров шовурсиз мўралади. Уриниққан кигиз чакмонга ўралган нимжон жусса парпарондек айланарди атрофида. Сўнг томирлари бўртиқ ориқ қўллар бўйнидан авайлаб қучгандек, патак соқол кўмган илимсиқ лаблар пешонасига аста босилгандек туюлдики, бундан тамом ҳайратда!..

Соҳибқирон Самарқанд хаёли ва мавлоно Аҳмад ёди билан мутаассир бўлиб, амир Ҳожи Сайфиддин мактубини деярли унутган эди. Ҳузури муборакни тарк этиш учун Ултой қарчиғай тавозе-ла ижозат сўрагач, бирдан уни эслади ва дарҳол қўлига олди. Кўпни кўрган доруға баён айлаган хабар ағдар-тўнтар қилиб ташлади бутун вужудини!

Ҳайҳотки, Қундузча жангида қуйруқ тутқизмаган Тўхтамиш ўғлон, қайтадан сон-саного йўқ черик жамлаб, Турон заминини горат қилмоқчи бўлаётгани пойтахти азим ва теварак-атрофдаги музофотларда овоза эмиш!..

Узоқ мулоҳаза юритгач, Соҳибқирон ҳозирча бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликни маъқул топди. Элдан бурун ваҳима кўтариш ҳозирги қалтис вазиятни янада таранг қилиб, бутун жамоада озми-кўп таҳлика уйғотиши мумкин. Муқаррар ғалаба эса кўпинча хотиржамлик билан боғлиқ...

Каллаи саҳарда Ултой қарчиғай, мавлоно Аҳмадни ҳибсдан бўшатиш ҳақидаги олий нишонли ёрлиқни олиб, Самарқанд сари ошиғич жўнади. Йўл азобини назар-писанд қилмайдиган абжир чопар ортидан Соҳибқирон алабир хомушлик билан тикилиб қолди.

Салдан кейин, фармони олийга кўра, зафар нишонли қўшин қўналгадан довулдек кўчди. Еру кўкни гурс-гурс қадам товушлари, қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурон, бурғу ва ногора садолари кўмиб юборди...

11

Аввал Форс ва Ажам билан иттифоқ тузиб, кейин лафзини бузгани сабабли Султон Аҳмад боши берк кўчага кириб қолганини Амир Темур Кўрагон аллақачон пайқаган. Аммо, қуни битаётганини сезиб тургани ҳолда, муросаи мадора йўлини қидирмай, аксинча, элчиси Мир Саййид Баракани тагин беиззат қилиб қайтаргани таажжубга молик. Илон ёғи ялаган подшоҳ очиқ майдонда саваш қуришдан рўй-рост бош тортгани ҳам бир жумбоқ...

Зафар нишонли қўшин Бағдод бўсағасига қадар ҳеч бир талафотсиз, уринмай-суринмай, дадил етиб борди. Ҳар қадамда муросасиз олишувларни кутган навкарлар ва саркардалар бу ҳолдан бир қувонишса, бир хавотир чекишди. Ҳатто Соҳибқирон ичига ҳам чигил тушди. Ахир, Султон Аҳмад ҳийлаи найранг бобида пихини ёрган: бир балони ўйлагани ва пана-пастқамда пистирма қўйгани эҳтимолдан холи эмас. Орқа ва олддан илкис бошланадиган ўрама ҳужум белни синдиради. Илгари кўп синовдан ўтган шу усул орқали ҳатто ўзи неча марта душманни осонгина тавбасига таянтирган.

Йўқ, хайриятки, ҳеч қандай пистирма учрамади.

Қолаверса, Бағдод кимсан Амир Темур Кўрагон каби кифти ер искамаган паҳлавон қўмондонни кутаётган ва уруш ҳолатида турган шаҳарга сира ўхшамасди. Йил-ўн икки ой мобайнида ҳаёт булоқдек қайнаб-тошадиган бозорлари, майдонлари ва кўчалари ушбу паллада ҳувиллаб қолмиш: гўё фуқаро ўзидан ҳам, кундалик эрмакларидан ҳам адашиб, ғафлат уйқусига

77

чўмган ва ноумидлик гирдобига гарқ. Ҳатто бог-роғлар ва дов-дарахтлар ранг-равишини йўқотган каби бефайз, қачондир суви зилол бўлган ҳовузлар кўлмакка айланган, қут-барака ариган хонадонларда ваҳима ҳукм сураётир, бош-охир тошдан тикланган маҳобатли мудофаа деворлари беун инграмоқда...

Бутун жамоани ҳайратга солиб, Соҳибқирон қамални бекор қилди ва узоқроққа чекинишни буюрди. Зафар нишонли қўшин кунботарда ястанган, қўй-қўзилар маъраши, тўрғайлар нолиши тутган, этагидан кичикроқ дарё оқиб ўтадиган баҳаво яйловда ўрнашди.

Фавқулодда қалтис тадбир кутилмаган оғир оқибатларга гирифторм этиши мумкин эди. Шундан хавотирга тушган айрим тажрибали ва эҳтиёткор саркардалар, ошкора эмас-у, пинҳона норози бўлишди.

Барини сезса-да, Соҳибқирон пинагини бузмади, фақат шунчаки ҳамлага ҳозир у нозир туришни буюриб, бедови жиловини Пўлод найзадорга тутқазди. Шоҳона ўтовга кириб, тўкин дастурхон ёнида бафуржа чўкканда, очлик ичакларини тирнаб-тирнаб қўяётганди, шунга қарамай, томоғидан овқат ўтмади.

Соҳибқирон тўлишган ой ёритган тунни, хос кўриқчилари билан бирга, шаҳар бўсағасида бедору беҳаловат кечирди. Тонг ёришар-ёришмас шарқий дарвоза шарақлаб очилди-ю, беихтиёр мийиғида кулди. Ҳадемай рўпарада қирғоғидан тошган уммонни эслатадиган олатасир оломон кўринди.

Тош-шағал тўкилган, икки тарафида терагу тол саф тортган кенггина кўчадан мункиллаган чоллару кампирлар, гўдакларини бағрига босган чачвонли аёллар, кўзлари маъюс жовдираган ўсмир йигит-қизлар, салаларини бўй-бастларига қафан қилиб ўраган уламо-лару ашрофлар, косиблару ҳунармандлар бўзлай-бўзлай ўрмалаб келишарди.

— Эй, сарвари олам, маълумингизким, сизга не-не умид билан мактуб битган эрдик. Шунини инобатга тутиб, бир қошиқ қонимиздин кечгайсиз, — ер қучиб

ётган қавмдошлари номидан сўйлади журъатлироқ қариялардан бири. — Токи, қиёматга қадар дуойи жонингизни қилайлик!..

— Султон Аҳмад қаёқда? — сўради Соҳибқирон хотиржам.

— Худо ҳақи, қайдалигидин хабаримиз йўқ, — соқолини юлгудек бир ҳолда нола чекди чол. — Биз ҳимоясиз қолган етим бечоралармиз.

— Шундоқ, олампаноҳ! — ногоҳ гувиллади халойиқ. — Жабру жафодин дийдаларимиз қон!..

Орадан кўп ўтмай отлиқ жарчилар, кўчама-кўча елиб, афу ҳақидаги фармони олийни жар солишди. Бутун пойтахтни қамраб олган шоду хуррамлик баҳона Соҳибқирон дили ҳадсиз шукуҳ билан тўлди. Кейин чор тарафдан ёғилаётган олқишу қутловларни бир хайрихоҳ нидо босиб кетгандек туюлиб, яна тасаввурда мавлоно Аҳмад жонланди. Ҳазрат алоҳида ихлос билан ёзган номани эсларкан, Мезон буржи билан боғлиқ мулоҳазалари чарх ура кетди хаёлида!..

Соҳибқирон ўша куни тушдан кейин пойтахт марказида қад ростлаган кошинкорий сарой олдидаги майдонда тўпланган халойиқ қошида мамлакат бўйлаб ўрнатилмак тартиб-интизом ҳақида қисқа ваъз айтди. Ваъзини ҳамма итоат қулоғи билан тинглагани учун қаноат ҳосил қилиб, хиёбон бўйлаб бир неча қадам босувдики, ранг-рўйи ва кийинишидан сарой хизматкори эканлиги сезилиб турган барваста киши икки букилиб қоғоз узатди.

Урушда қўлим шол бўлса ҳам,  
Қочишда оёғим чўлоқ эмас...

Султон Аҳмад тарафидан ожизлик қалами билан битилган байт маъносини тушунган Соҳибқирон беихтиёр мийиғида истеҳзоли кулди.

Ҳайҳот, худди шу палла, атай қилгандек, қачонлардир тигдан лат еган ўнг оёғи қақшаб-ачишиб оғриди-

ки, ногоҳ инграб юбораёзди. Аммо ҳоли-руҳини ҳеч кимга сездирмай, тишини тишига босди. Орадан неча йил ўтган эса-да, не-не ҳакиму ҳозиқ даволаганига қарамай, қуриб кетгур жароҳати ҳануз тўласинча тузалган эмас: гоҳ кундузи, гоҳ кечаси жонини қийнагани-қийнаган. Эҳтиётини қилмай, ношуду нотавонларга ортиқ ишониб, шундай азоб-уқубат орттирганини тоабад унутмаса керак.

— Қиблагоҳим, муборак хотирингиз жам бўлсин, — деди Муҳаммад Султон, байтни товушсиз ижирганиб ўқигач. — Ул доғули ҳаром тукингизга ҳам арзимас!

— Тўғри айтасиз, амирзодам, Султон Аҳмад бор-йўғи тулки наслидин эркан, ваҳоланки, биз мудом арслон овлаганмиз!..

Офарин сизга, шаҳаншоҳим!..

— Фармони олийким, Султон Аҳмад тез суръатда таъқиб қилинсин, токи, бугун-эрта ўлиги ё тиригидин хабар топай!

Соҳибқирон ҳувиллаб ётган эгасиз сарой пештоқига надомат билан кўз югуртирди. Сўнг, нимадандир гумонсирадими, бошқа сабабданми, ҳартугул ичкарига оёғи тортмади. Ахийри, кўп иккиланмай, саркардалар, амирзодалар ва ўзи учун истиқомат жойи сифатида, шаҳар четидаги темир панжаралар билан ўралган чорбоғни танлади. Қўшалоқ сарҳовузи, фавворалари ва бир нечта муҳташам иморати бўлган хилват-осуда маскан дидига анча маъқул тушган эди...

Соҳибқирон Ҳумоюн ўрду ва ўғруқни қўриқлашга энг чапдаст навкарларни жалб этиш, хусусан, ғалаба ёр қўшин қанотларида ҳушёрлик ва фаолликни кучайтириш бўйича алоҳида кўрсатма берди.

Ахир, ҳали шарт-шароит оғир, аламзада Султон Аҳмад чалғитиш учун шунчаки чекингани, мавридини тошган ҳамоно яширинган қавагидан чиқиб, кутилмаган зарбалар бериши эҳтимолдан холи эмас.

Соҳибқирон қаттиқ толиққани сабабли тун бўйи мириқиб ухлади, тонг отган ҳамоно, галдаги ғалаба



муносабати билан шоҳона зиёфат уюштиришни буюрди. Баҳонада ўзи ҳам кўнгли чигилини ёзмоқчи, йўл азобини унутиб, долзарб вазифаларни хотиржам белгилаб олмақчи бўлди.

Мана энди чорбоғ ўртасида тушган сарҳовуз бўйида ҳозир нозир қилинган тўкин-сочин дастурхон ёнида, амирзодалар ва улуғлар даврасида бемалол кўр тўккан. Лашкаргоҳ тарафда янграётган бурғу ва чилдирма садоларини эшитмасди, ақлу идроки бошқача ёришиб бораётир, дилини бошқача орзиқиш чулғанган.

Баъзан мавлоно Аҳмад нигоҳи зув келади-да, вужудининг алақайси нуқтасига санчилиб, ёғдудек сизасиза хужайраларига кўчади. Шу асно ҳазрат ҳамон тутқунлиги, ғам-андуҳ билан олишиб ётгани ёдига тушади. Эрта-индин Ултой қарчигай Самарқанд бўсағасига қадам босажак, садоқатли доруға зуддик билан буйруғини адо этиши муқаррар!..

Ногаҳон шуурида нимадир ялт ёнди, зумда давра қаёққадир чекиниб, ҳарир парда оша муаззам Кўксарой дарвозаси кўзга ташланди. Дарвоза икки ёнида зирҳли либосларга ўралган норгул соқчилар таёқдек қотиб қолишган. Майдон четроғида, чинорлар соясида Соҳибқирон қимматбаҳо нарса йўқотган киши каби олазарак туради. Ҳадемай сал нарида ранг-рўйи заъфарон мавлоно Аҳмад пайдо бўлади. Бор дунёни ва ҳатто ўзини унутгандек, қайрилма дастали ҳассасини дўқирлатиб, ер сузиб одимлайди ва ёнидан чурқ этмай ўтиб кетади. Йўғ-а, илқис қайрилиб, қорувли қадду қоматини аста қоқсуяк бағрига босади, киртайган кўзларини ёшлаб, хўрсина-хўрсина узоқлашади.

Бирдан янграган кучли қаҳ-қаҳа Соҳибқиронни Самарқанд тупроғидан даврага қайтарди. Улуғ зотлар андишани бир ёққа қўйиб, Султон Аҳмад байти баҳона, ҳазил-мутойиба пойгасини бошлаб юборишганди, ҳатто баъзан тортинмай, хожаларини ҳам нишли-нишли учуриқлар билан сийлашарди. Мавриди билан у

ҳам муносиб жавоблар берди, сўнг ўзини тийиб, Араб Ироқи эртасини ўйлаб кетди.

Худди шу пайт соқол-мўрти қировлаган кексароқ хос мулозим қулогига энгашди. Муҳим хабар айтилди чоғи, қизгин даврани тарк этиб, машғалалар чарогон қилган хиёбон бўйлаб ошиқди. Эллик-олтмиш қадамча юриб, қайсидир дарахт шохида Ултой қарчиғайнинг қонга беланган бошини кўрди-ю, ҳол-беҳол бўзариб қолди.

Соҳибқирон дарҳол қоровуллар сонини кўпайтирди. Бутун ғалаба ёр қўшинни, яна бир маротаба муқаррар хавф-хатардан огоҳ этиб, ҳар сония сафарбар ҳолатда ҳушёр ва мардона туришга ундади.

Йилдек узун туюлган, бағрида кўп таҳликани яширган тунда мижжа қоқмай, тонг отишини минг бир азобда, ўз ёғига ўзи қоврилиб кутди. Баъзан хобгоҳдан чиқиб, тўлишган ой нур сепаётган сокин хиёбон бўйлаб кезинаркан, олислардаги хилват гўшада, титилган бўйрада мук тушган мавлоно Аҳмад ҳам ҳозир ўзи каби бедорлигини ҳис этади. Ажабо, энди ҳазрат нигоҳида тушуниш маҳол неча-неча савол намоён! Ана шулар кўксини недир шубҳа билан лим-лим тўлғазади ва Ултой қарчиғай қисмати изма-из келадиган бошқа мусибатлар дебчасига айланишини сезгандек бўлади.

## 12

Соҳибқирон тун бўйи неча марта мавлоно Аҳмад билан ғойибона алоқага киришди. Ҳар гал ҳаяжонли онларда нуроний сиймони бемалол кўриб турар, недир сархушлик оғушида ўзини ҳам, дунёни дунни ҳам унутар эди.

Ҳатто бу эрта бомдодни ботинан бирга адо этиш бахти насиб айлади. Ибодатдан кейин хуш-фикри Самарқанд билан шу қадар боғланган эдики, остонада қўл қовуштирган Бўри тархон мурожаатини эшитма-

ди. Кейин билса, қандайдир отлиқ тўда бир қанча соқчини ер тишлатиб, уйқуда ётган қўшин бир қанотида чопқин уюштирган-у, пойтахт сари йўламай, ҳувиллаган жимжит даралар сари ура қочган...

Соҳибқирон қутилмаган йўқотиш учун кимни жазолашни билмай, ахийри, яна бир фармойишга имзо чеқди. Ўша куниеқ лашкаргоҳ бўйлаб, хавфсизлик бўйича барча тегишли тадбир чекилди. Лекин уринишлар тузукли наф бермади. Кун ора, асосан зимзиё кечада, тўсатдан пайдо бўладиган суворийлар қон қақшатиб кетишарди. Лаънатилар учун муқаррар ажал писанд эмас: бўридек қўналгага оралаб, жон-жаҳдлари билан савашиб, кўпчилик ёстигини қуритишадида, жуфтак ростлашади. Қайси бири асирга тушиб қолгудай бўлса, ногоҳ бўғзига ханжар тортиб юборар ва Оллоҳ таоло номини айтиб йиқилар эди.

— Улуғ амир, бу не иснод? Наҳот сезмайсиз Султон Аҳмад пичоқ қайраётганини?! — Соҳибқирон машварати олийда сукут сақлаб ўтирган Қутлуғ Темурни тергади. — Гурурингиз олови наҳотки сўнибдур?

— Қиблагоҳим, балага учрагур Султон Аҳмад изи топилмиш, — деди Қутлуғ Темур, хижолатини яширишга уриниб. — Нобакор зафар нишонли қўшинга чап бериб, Дажладан кечиб ўтган ва Машҳад ул-имом, яъни Карбало шаҳридин паноҳ топган. Миср подшоси бўлмиш Абу Саййид Барқуқ Малик аз-Зоҳир билан учрашмоқчи эмиш!..

— Таажжуб, кўп таажжуб! Хўш, улуғ амир, унда Бағдод музофотида ва ҳатто лашкаргоҳ атрофида изгиб юрган ўлаксахўр қузгунлар раҳнамоси ким?

Энди тайинли жавоб тополмай, Темур Қутлуғ чорночор кўзларини олиб қочди. Оқибат мажлис путури кетиб, фотиҳи жаҳон тажанглаша бошлади. Ҳатто кимсан Идику баҳодир, амир Отламиш, амир Худойдод ва Севинчак баҳодир каби кўқдан юлдуз узиб олишга қодир сардорлар ҳам ушбу паллада тил боғлаб туришгани кўп нашъали эди.

— Олампаноҳ, ижозатингиз билан баён этайин, — чўзила бошлаган жимликни бузишга журъат этди Бўри тархон. — Фақир аниқлашича, бузуқбошлар сардори Мордин қалъаси мутаваллиси Моалик Зоҳир эрур!

— Нима, ҳалига қадар Мордин бизга тобе эрмасму? — ногоҳ гулдираб кетди Амир Темур Кўрагон овози. — Анинг олинганини аллақачон эшитганмиз!..

— Афсуски, шошилиб бермишлар хабарни, — ер ўпди Бўри тархон. — Малик Зоҳир, бўйсунмиш нари турсин, мамлакат тахтига эгалик қилиш ниятида эрмиш. Ул гумроҳ Алинжак волийси Алтун, Тақрийт мутаваллиси Ҳасан ибн Бултумур билан тил бириктиргани овоза!..

— Шунақами ҳали?

— Худди шундоғ, олампаноҳ.

— Қайсарлик жабҳасинда, айниқса, Алтун шайтонга дарс бераркан. Алтун Султон Аҳмад ишончини қозонган, шу боис у ўғли Султон Тоҳирни, аҳли аёли, хусусан, малика Қамар Нигор бегимни ва хазинаси бир бўлагини Алинжақда қолдириб кетган!..

— Улуғ амир, Муҳаммад Султон, Мироншоҳ ва Пир Муҳаммадни қанотингизга олинг-да, гумроҳдар шохини тезроқ қайиринг, — деди Соҳибқирон, суяк-суягига қадар зирқираб кетганини сездирмай, Темур Қутлуғ сари юзланаркан. — Иложи борича аввал сулҳ тузиш чорасини изланг, натижа чиқмаса, ҳар учала қалъа кулини кўкка совургайсиз!

— Амрингиз вожиб бўлур, олампаноҳ!..

Ҳарбу зарб бобида Темур Қутлуғ ҳар ким ҳавас қилса арзийдиган тажриба тўплаганди. Ҳар қанақа тутунни ечиш ҳадисини пухта эгаллаган бўлиб, ҳалига қадар Соҳибқирон ёки зафар нишонли қўшинга зигирча панд берган эмас. Ганим кучлари ва ниятини олдиндан аниқлаш, турли ёшдаги навкарлар билан тил топишиш, қалтис дамларда ҳал қилувчи ҳужум уюштиришда суяги йўқ эди. Қурултой ёки мажлисларда мудом узиб-узиб сўйлар,

иккиюзламачи касларни аямас, маслаҳат бериш ва йўл кўрсатишда деярли адашмас, энг муҳими, бошига қилич келса-да, ёлгон қўлламас, лафзида қойим турар эди.

Қачондир у Тўхтамиш билан оға-ини бўлиб, ораларидан қил ҳам ўтмасди. Бироқ Худо буни кўп кўрди. Узоқни кўзлаган Соҳибқирон муруввати ила, баланд мартабага эришган хон, ичган тузини унутиб, қасамини бузгач, низолашиб қолди ва Кунча ўғлон, Идику баҳодир билан бирга, Турон ҳукмдори паноҳига келди. Шу-шу қанотидан бир қадам жилган эмас, ҳар доим ёнида камарбаста, ҳатто бир имоси билан азиз жонини фидо қилишга ҳам тайёр!..

Чинакам ишонч ва ҳурматга сазовор Қутлуғ Темур тез орада зафар қозониб, ҳар учала қалъа узра зафар байроғини тикишига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Аллақачон Миср сафари устида бош қотираётган Соҳибқирон ҳам шундан умидвор эди. Ҳатто баъзан сабрсизлик билан элчиси йўлига кўз тикарди. Лекин ана-мана бир ой ўтди ҳамки, галаба ҳануз насия, ҳамиша сўзи билан иши бир бўлган саркарда негадир сукут сақламоқда. Махсус хизмат буюрилган айғоқчилар эса кун ора гоҳ Алинжак, гоҳ Такрийт, гоҳ Мордин тарафдан нохуш хабарлар етказишаётир.

Соҳибқирон бир нарсадан ҳайрон: негадир хуфиялар ерлик аҳоли Қора бургут деб атайдиган Алтун хусусида кўпроқ гап ташишарди. Аввал энсаси қотиб, аллатовур гашланиб, тузукли эътибор бермади, кейин турли овозаларни қизиқиб тинглайдиган бўлди.

Тавба, Алинжак волийси шундоқ кўз ўнгида ақл бовар қилмас ишларга қодир ўғлон қиёфасида юксалиб борарди. Қайси куни ҳатто Темур Қутлуғдек омилкор ва дасти узун зотни танг аҳволга солиб қўяётгани қулогига чалинди. Ҳали бу ҳаммаси эмасди, бинобарин, майдонда бир неча марта Муҳаммад Султон билан тўқнашган, падар қусур ҳар гал қуйруқ тутқизмай, чап бериб кетган. Бир гал оғишмай найза улоқтириб, унча-мунча азаматни хасча билмайдиган Мироншоҳни отдан қула-

тишига сал қолган, ҳамон амирзода кучли зарбдан қаварган елкасига малҳам босаётган экан...

Алқисса, вазият айтгулик ҳам, эшитгулик ҳам эмас: кун сайин издан чиқиб, камон ипи каби таранглашиб борар, ғалаба соати яқинлашиш ўрнига, тобора узоқлашар эди.

Охир-оқибат Умаршайх Мирзо ёрдам учун жўнатган қирқ минг кишилик сара қўшин ҳам Темур Қутлуғ тасарруфига берилди. Энди мувозанат тикланиб, тез орада қамал якун топишига умид боғласа бўларди. Лекин, омад қайтган эдими, акси рўй берди. Жанг оғирлашган пайтда, ногоҳ Алтун узган ўқ Темур Қутлуғ бўйнини ялаб ўтгач, саросима бошланди. Табиблар ҳар қанча куйиб-пишиб даволашса-да, садоқатли амир фано даштидан бақо гулшанига кўчди.

Нохуш хабарни эшитган Соҳибқирон аламда қоврилди. Ҳайҳот, қандай балойи азим, қандай дарди-бедаво офат бу лаънати Қора бургут?! Мана шу қўллари билан бўйнини шарт узиб ташламаса, юрган экан ёруғ дунёда!

Ортиқ толиққан Соҳибқирон мизгиган бўлди ва ногоҳ вужудини юпқа-ҳарир парда ўради. Бутун борлиқ тепадан ёғилаётган тип-тиниқ нурда симобий тусда товланарди. Ҳаял ўтмай рўпарадан муаззам иморат, сўнг торгина ҳужра юзиб чиқди, қараса, ҳазрат жинчироқ ёруғида мук тушганча, қизил бахмал муқовали китоб варақлаётир. Нигоҳи ҳорғин, қировлаган сийрак қошлари ўртаси тугунли, юпқа-рангсиз лаблари қуруқшаб ёрилган. Аҳён-аҳёнда, недир луқма таъмини тотаётгандек, хиёл тамшаниб, тутила-тутила сўйланар: «Эй, олампаноҳ, борини-ку кўрибсиз, йўғини-чи!?» Олисда, рутубат қоплаган ним қоронғи ҳужрада нидо бирам оҳанраболи янградик, бутун эс-хушини ўғирлатди. Нидо нам сирқиб мағорлаган гумгурс деворга урилиб эмас, дили туб-тубида акс-садо бергандек бўлди.

Соҳибқирон қоқ ярим кечада терлаб-пишиб, бада ни мисдек қизиб, ғаш тортиб уйғонди, тушида танбех

аралаш берилган савол, миясини аёвсиз пармалаб, уй-қусидан адаштирди. Тонгга қадар ибодат билан овунди-да, қуёш эндигина уфқ гардишига лаб теккизганда, оқ тулпор белига қўниб, шитоб билан йўл танобини тортди. Изидан заҳира қисмларни эргаштириб, ҳеч қаерда тўхтамай, яшин тезлигида юра-юра, ниҳоят, бир кеч ҳайбати фалакни тутган Мордин сари юзланди.

Манжанақлар, ўтсочар қуроллар ва камонлар ишга солинган фурсатда, Соҳибқирон ола-бужир қоялар ёнида қовоғидан қор ёғдириб турарди. Ажал нафасини уфураётган ўқ ёмғирларини писанд қилмай савашаётган эркаклар ва аёлларни қизиқсиниб кузатмоқда. Ахир, қойил қолмасинми, алар шижоат ва матонат бобида навкарларидан кам эмас. Ҳарқалай нима бўлган тақдирда ҳам муқаррар ғалаба соати яқин, бинобарин, Алтун билан Ҳасан ибн Бултумурни йўлдан оздириб, икки оёғи бир этикка тикилиб қолган Малик Зоҳир ҳозир пушаймон ўтида куйиб-ёниб ётгани аниқ. Эс-ҳуши борида этагини йигиб олмабдими, энди муттаҳам ўзидан кўрсин, бас, бутун ё эрта, худбинлик жазаваси ўраган беиззат боши жаллод кундасида чопилур, молу мулки мусодара этилиб, элу элати ясоғи қаттолга тортилур!..

Бино бўлгандан бери не-не иссиғу совуқни кечирган Мордин охир-оқибат буткул ҳолдан тойиб, тинкаи мадори қуриди. Шу ҳолида ҳам ён беришни истамай, кун бўйи муттасил такрорланиб турган даҳшатли ҳамлаларни бир амаллаб қайтараверди. Самарасиз ҳужумлар яна қанча муддат давом этишини бир жон айтолмасди.

Сабр косаси тўлиблар кетган Соҳибқирон, ахийри, қайси бир эрта, қўшинни ўзи жангга етаклади. Кутилмаган шижоати бутун жамоа рағбатига рағбат қўшди. Дастлаб Муҳаммад Султон тасарруфида бўлган манглай қуюн мисоли гувиллаб, нарвонлар орқали мудофаа деворларига кўтарилди ва ашаддий камонбозу найзабозларни чумоли галалари сингари йўқлик

қаърига супуриб ташлади. Худди шундай олға умтилган баронғору жавонғор ичкарида олиб борган саваш ҳатто осмон фаришталарини ҳам ёқа ушлашга мажбур айлаган бўлса ажабмас. Ниҳоят, қалъа байроғи қиймаланиб, гулханга ташланди. Энди тезроқ имонини пуллаган ҳокимни тутиш, исёнчилар қолган-қутганини тигдан ўтказиш ва қалъа кулини кўкка совуриш керак.

Фармони олий ижросига киришмоқ учун ҳозирланиб туришган эдики, этак томонда қора кўпикка ботган бедовини шамолдек елдириб келаётган чопар кўринди. Ёшгина суворий сал нарида ўзини эгардан отиб, эҳтиром билан ер ўпгач, қувончли хабар айтди. Боши кўкка етиб, чиройи очилган Соҳибқирон йигитни тилла танга тўла ҳамён ва зарбоф тўн билан сийлашни буюрди. Салдан кейин эса жар ёқасида қатор турғазиб қўйилган кимсаларга қахру газаб нигоҳини қадаган амир Отламишга ўтирилди:

— Улуғ амир, шаҳзодаи жувонбахт Шохруҳ Мирзо ўғиллик бўлибдур. Шу муносабат билан Мординга омонлик берилсин ва қатли ом тўхтатилсин!..

Ўғриқ билан анчадан бери Султонияда қўним топган Катта малика сўргичланган заррин ҳошияли мактубида Амир Темур Кўрагонни ҳароратли ва нозик лутфлар билан муборакбод айлаган, бахту тахти бутунлиги сезилиб турган гўдакни астойдил дуо қилишини ва унга яхшилик ато қилгувчи муносиб исм қўйиб беришини сўраган эди.

Бундан боши кўкларга етган фотиҳи жаҳон зудлик билан жавоб мактуби битишни лозим топди. Ялтироқ ипак қоғозга қуйидаги жумлани нақш этаркан, йирик-йирик тубсиз кўзлари чақнаб кетди: «Илоё, нуридийдамиз кенг феъли, кетмас давлати билан туғилган бўлсин, ўғлонни ота-боболари хотираси ҳурмати учун Муҳаммад Тарағай баҳодир атадим!»

Соҳибқирон чехраси нурланди: ушбу ном эндигина ёруғ дунё юзини кўрган зуриёдига ярашиб тушга-



нига бутунлай амин бўлди. Буни мамнун қиёфада эътироф этаркан, бир олам завқу шавққа чулғанди. Фақат пой-қадами қутлуғ меҳмон келгусида хайрли ишлари давомчиси бўлишини, чала қоладиган кўпгина эзгу орзуларини поёнига етказиб, Мирзо Улуғбек нисбаси билан етти иқлимга танилишини билмас эди...

Орадан кўп ўтмай, мухораба суронлари тингач, дағдағ учаётган Малик Зоҳир дарвозадан кафанга ўралиб чиқди ва аранг эмаклаб келиб оёқларини қучди...

### 13

Улуғ афу насиб этганидан терисига сигмай қолган Малик Зоҳир беҳисоб қимматбаҳо инъомлар ва мисли кўрилмаган улкан базми жамшид билан шоҳи жаҳон кўнглини хушлади. Шодиёна дастурхонини тўлдирган турфа хил нозу неъматлар неча кун мобайнида тайинли туз тотинмай қилич урган аскарларни ҳам тўйгазди.

Шундай қилиб, кўпдан-кўп йўқотишлар эвазига, мудҳиш занжир қуриган бовлиқ каби питраб кетди. Ҳайтовур у анчадан бери Миср тупроғида ўрнашган Султон Аҳмад ҳомийлигида кучлангани сир эмас.

Чап бериб юрган ҳукмдорни эслаб, Соҳибқирон қовоқ соларкан, йироқдан бир оҳ эшитилгандек бўлди. Тоғу тош оша элас-элас келаётган нолишда бир мунг жамланган эди. Буни яққол ҳис қилиб, хиёл кўнгли чўқди, шунга қарамай, Малик Зоҳирни ёнига олди-да, яна ошиғич йўл танобини тортди. Ҳали Мордин каби Такрийт ҳам найза ўқталса керак, илож қанча, яна жанг, яна талафот!..

Хайрият, хавотири бекор экан: Малик Зоҳир қисматидан тегишли хулоса чиқариб, муқаррар ҳалокатни олдиндан кўрган чоғи, Ҳасан ибн Бултурмури отила келиб оёғига йиқилди. Ҳар ҳолда бир оз дили ёришиб, ҳоким пешонасини силади, қалъа аҳолисига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатгач, жадал суръатда юришини давом эттирди.

Ахийри, қайси куни, қуёш қиёмга етганда, поёнсиз мовий бўшлиқда, жимирлаган сароб қўйнида, муаллақ осилиб турган Алинжак бор салобати билан кўзга ташланди.

Супасимон яхлит улугвор қояга пайвандланган маҳобатли мудофаа деворлари гўё азал-абад сиру асроридан бир ажаб ривоят айтаётир. Бутун гирд-атроф тубсиз жар-чуқур ва ҳувиллаган ўнгирлардан иборат, ичкари билан ташқарини туташтирган осма кўприк арава шотисидек кўтариб қўйилган, алқисса, шунақа дарди-бедаво макон эдики, этагидан илон ўрмалаб чиқолмагани каби, тепасидан ҳатто қуш ҳам учиб ўтиши даргумон!..

Илгари Соҳибқирон ақл бовар қилмас даражада мустаҳкам қанча-қанча истеҳкомларни кўрган ва барчасини бир зарбда тавбасига таянтирган. Лекин Тангри таолога қасамки, бунақа мўъжизавий хилқатни ҳеч қачон учратмаган. Ҳатто номи неча марта тилга тушган Қалъайи Сафид ҳам бунинг ҳайбати олдида ҳеч нарса эмас.

Соҳибқирон лол-ҳайрон бош чайқади ва дарҳол учлари кумушдек ялтироқ чўққилар этаги — уфққа қадар чўзилиб кетган кенгликни қўналга қилди.

Шому хуфтон орасида Ҳумоюн ўрдуда бошланиб, қизгин баҳс ва мунозара туғдирган машварати олий ниҳоят ярим тунда якунланди.

Тонг отмай, зафар нишонли қўшин бўйлаб, қамални шиддатли тус олдириш ва Алинжакни узоғи билан уч-тўрт кунда тиз чўқдириш ҳақидаги фармони олий тарқатилди. Миср тупроғида Султон Аҳмад билан Абу Саййид Барқуқ, Дашти Қипчоқ томонда Тўхтамиш ўғлон жиддий хавф солаётгани учун ҳам шошилиш зарур — имиллаш бефойда!..

Имони комилки, ҳар доимгидек аскарлар кайфияти аъло даражада, сардорлар шахту шижоати барқарор, сафар аввалидан ёнида камарбаста амирзодалардан мингдан-минг рози, жасорат бобида айниқса Му-

ҳаммад Султон билан бўйлашадиган баҳодир топил-маса керак.

Айтганча, кўзи нури, бели қуввати Умаршайх Мирзо тунов кун ошиғич жўнатилган муборак хатини қобоқларига суртиб ўқиш шарафига эришгандир.

Шаҳзодаи жувонбахт тез орада Форсни қўриқлаб турган лашкарнинг асосий илғори билан ҳузури муборагига етиб келиши лозим. Охир-оқибат Алинжак тиз чўкиб, Алтун муносиб жазо олгач, баҳамжиҳат Миср сари юради. Лекин нима учундир кечикаётир, шу сабабли безовта, сезадик, ғойибдан мутгасил боқаетган ҳазрат нигоҳи ҳам безовта!..

Илож қанча, янглишибди: уч-тўрт кун нари турсин, ҳатто бир ҳафта ўтди ҳамки, қамал поёнига етмади. Алинжак баланд қоя кафтида ўрнашгани боис манжанақлар, ўтсочар қуроллар ва нарвонлар ҳамиша ҳам наф бермасди, камон ўқлари кўпинча нишонга етмай, ярим йўлда қолиб кетарди. Талафот эса кун эмас, соат сайин ортиб бораётир. Аксига олиб, гоҳ кундузи, гоҳ кечаси қандайдир гуруҳ қутирган қашқир тўдаси мисол тўсатдан қийқириб ҳамла қилгани қилган. Қисқа фурсатли олатасир жангдан кейин, ерга кирадим, осмонга учадим, бирдан елдек зув йўқолади. Ҳатто олғир хуфиялар из тополмай гарангсираб қолишади.

Ахийри, пичоқ Соҳибқирон суягига қадалди. Сардорлар ва амирзодалар билан аччиқлашди. Ҳаммадан кўпроқ ношудлик қилаётган Бўри тархонни айниқса қаттиқ изза қилди: мавриди бўлса жазога торгарди баттолни.

Лекин ҳозир чалғимай, жаҳлга ортиқ эрк бермай, жумбоқни ечадиган муҳимроқ тадбир устида қайғуриши керак. Қалава учини топмагунча қўймайди. Бу оқшом айниқса ороми бузилиб, соқчиларни назорат қилиб юрганда, нобакорлар яна тўсатдан ёпирила келиб, солиша-солиша жуфтак ростлаб қолишдики, беихтиёр ёқа

ушлади. Сўнг узун-узун арқонларга осилиб, зимзиё жарга тушиб кетишганини пайқади.

Рост экан тахмини: қалъа сари элтадиган қандайдир ер ости йўли бор, демак, шайтон малайларини гумдон қилиш учун дастлаб ўшани йўқотиш лозим...

Тонг отиб улгурмай, лаънати хуфия камар оғзи тошу шағал билан кўмиб ташланди. Қани энди нобакорлар қора бериб кўришсин-чи? Энди бутун жамоа енгил нафас олиб, бемалол жанг қилса бўлади. Лашкаргоҳ бўйлаб хотиржамлик атиги бир кеча-кундуз ҳукм сурди. Нимасини айтасиз, навбатдаги шабихун баридан ошиб тушди.

Ҳар ерда чўзилиб ётган жасадаларни кўрган Соҳибқирон афсус билан бош чайқади. Бас, иложини топиб, Алтун билан тезроқ ярашиб олмоғи лозим. Дўппи тор келган бунақа қалтис пайтда сулҳдан бошқаси бекор, адашмаса, бу иш унча қийин ҳам эмас, агар Султон Аҳмад сабил қолдирган тожу тахтни инъом айлашини етказса борми, иншооллоҳ, очлик жонидан ўтган мушук каби, шитоб эмаклаб келур қошига. Фақат Алтун савлати ва обрў-эътиборига муносиб элчи топиши лозим. Кўпдан бери соясига ўлиб-тирилиб кўрпача тўшаётган Малик Зоҳирни жўнатса, айни муддао бўлар.

Соҳибқирон миз ёнида тиззалаган мавлоно Шамсиддинни ер остидан бирров кузатгач, хоҳиш-иродасини қисқагина шарҳлади ва эрта Бағдодда ким ҳукмфармо бўлажаги ҳақидаги хулосасига алоҳида ургу беришни сўради. Сўнг, мактубини қизиқиб ўқиган Алтун, мийиғида мамнун кулиб, қилич дастаси қавартирган кафтларини бир-бирига ишқаб, телбавор қийқириб юборишини дилидан кечирди.

Кутилмаган хизматдан боши кўкларга етган Малик Зоҳир Алинжак сари қанот боғлаб учганда ҳам энг тўғри йўлни танлаганига амин эди, кўнгли осмонини недир умид ойдек ёритиб турарди. Қачонки, у, ношуду нотавон элчи, сувга тушган латтадек бўша-

шиб қайтгач, надомат оғушида қолиб, таъби хуфтон бўлди.

Ахир, Қора бургут муборак нафаси теккан олий нишонли хатини, истар-истамас назардан ўтказгач, масхараомуз хо-холаб кулгани, шартта-шартта йиртиб, сочиб ташлагани бориб турган бедодлик эмасми!?

Эртаси куни пешинда Соҳибқирон калава учини қандай топишни ўйлаб ўтирганда эшикоға туя келбатли бир кекса ҳабашни етаклаб кирди. Ола-бужир матоҳни салла ўрнида ўраган меҳмон сийрак қошлари остидаги киприксиз юмалоқ кўзлари билан ён-верига олазарак боқарди. Бафуржа тиззалаб, ажинли тор пешонасини гиламга босгач, қўйнидан найчасимон сўрғичли мактуб олиб узатди. Мактуб аввалида нақш этилган унвон тантанавор эди: *«Алинжак қалъаси волийси Алтун амири баҳодир сўзум!..»*

Ногоҳ бетига лов этиб олов урилгандек, Соҳибқирон хушёр тортди: оббо, баччағар-ей, нима бало, осмону фалакни ушлаб турибдими қўлида, намунча шашти баланд?

Йирик-йирик ҳарфда, совуққонлик билан, қинғирқийшиқ ёзилган битик қисқагина эди, аммо териб-териб ишлатилган ҳар бир калом мушоҳада юритишга чорлар, қонни қайнатиб, руҳда гавғо кўзғар эди. Ушбу қочирим нақд камонга жойлаб отилган ўқдан кам эмас:

*«Эй, оламгир, охир-оқибат найзангиз, Алинжак мудофаа деворлари билан бир қаторда, танимни порадора қилишини билсам-да, аҳду қароримни бузмасман. Ахир, найзангиз ҳар қанча қудратли бўлмасин, кўкрагимда юксалиб турган қўрғонни фатҳ этмакка қодир эрмас. Ҳар ким ҳам кўролмайдиган ва ҳар ким ҳам етолмайдиган ўша қўрғон олдида ҳатто Искандари соний ҳам ноилож қолганигин хабарингиз бордир...»*

Соҳибқирон мактубни қайта-қайта синчиклаб ўқиди ва анча вақт номаълум нуқтадан нигоҳ узолмай қолди. Ахир, нақадар таажжубга молик, ҳалига қадар, не-не

зўрлар устидан ҳукм юргизса-да, бу борада бирон марта ҳам жиддийроқ мулоҳаза юритмаган экан!..

14

Соҳибқирон каллаи саҳарда, бомдодни адо этгач, Алинжак сари шошиларкан, фикри-зикрини ҳалиги мактубда баён этилган кесатиқ эгаллаб олганди. Нимадир ачитиб нашъа қилар, нимадир сийнасини сездирмайгина тилимлар эди. Шомга қадар бир дам тўхтамай давом этган мухораба самарасиз тугаганидан росяам бўғилиб кетди. Шундоқ қалъа пойида, чуқурликда тепадан ағдариб юборилган нарвонлар синиб-букланиб ётарди, тагин қанчадан-қанча жасад устма-уст қалашиқ, чор-атрофни ярадорлар инграниши ва оху фарёди тутган!..

Соҳибқирон жар гирдидан саросар узоқлашаркан, беихтиёр хаёлан доруссалтана сари учди. Киндик қони томган тупроқ меҳри тортаётган эди. Бир залворли согинч қамраб олди борлигини ва тасавурида зиндон ругубати асорат қолдирган сиймо жонланди.

Имони комилки, айна дамда омади чопмай довдираб қолгани, не-не билагии чўнг ўғлонлар тупроққа қўйилгани ҳазрат дилидан кечаёттир. Аниқроғи, олислардан бари-барини билиб турибди ва ҳар неки борйўгини ипидан-игнасигача қолдирмай тарозига солаёттир. Ҳеч нарса назаридан қочиб қутулолмас, ҳатто масофа ҳам, вақт ҳам ақлу идроки олдида ожиз. Умуман, қора чироқ ғира-шира ёритган ҳужрасида мудраганча, бир қадам босмай — зиғирча ҳам қийналмай курраи арз бўйлаб айланиб юрса не ажаб?

Эҳтимол, ҳазрат ушбу паллада поёни йўқ яланг-тақир дашт ўртасидан қуюндек елиб келаётган, сийрак соқол қоплаган бети бўғриқиб кетган суворийни ҳам кўраётгандир. Ёки устма-уст тушаётган қамчи зарбидан сағриси кўпчиган бедов туёқлари дўпирлашини ҳам бемалол эшитаётгандир.

94

Ёпирай, чопар тахминан йигирма қадамча нарида, кўзлари хонасидан отилиб чиққудек алфозда, гавдасини бор оғирлиги билан эгардан ташлади. Ва сомон тикилган тап-гаранг қоқдек бир-икки думалаб, ниҳоят, қовжираган ўт-ўлан орасида қилт этмай қолди. Кимдир пўнғиллаб силкилади, кимдир аямай биқинига қайта-қайта тепди, кимдир устидан бир челақ совуқ сув ағдарди. Ахийри, шўрлик сал-пал ҳушини ўнглаб, кўрқинчли туш кўргандек дағ-дағ қалтираб, недир талваса ва недир қайғу ичра теварагига аланглади...

— Ҳей, нобакор, соқовмусен?

— Бир қошиқ қонимдин кечгайсиз, аълоҳазрат!..

— Кечдим!

— Эй, сарвари олам!..

— Ажалинг етмасдин бурун сўйла, муттаҳам!..

— Ҳей дариг! — ўкраб юборди ниҳоят чопар, боши янчилган илон мисоли тўлганиб. — Умаршайх Мирзо... Йўқ, яхшиси, кесиб ташланг падар лаънати тилимни!..

Ҳайҳот, қай ерда пайт пойлаб ётган экан бу надомат?

Соҳибқирон ҳангу манг: аввал аъзои бадани музлади, кейин товонидан тирноғига қадар лағча-лағча чўғга айланди-да, бутун ақлу идроки ва шуури хиралашди, юраги тепмай қўйди, ҳалигина томирлари бўйлаб кўпириб-тошаётган қон тўхтаб, кўкси тамом бўшаб-ҳувиллаб қолди. Ҳалигина зумраду қаҳрабо янглиғ яшнаб турган борлиқ қаёққадир чекиниб, ўрнини жаҳаннамдан қолишмас ола-байдоқ туманли воҳа эгаллади, офтоб нурлари остида жилва қилаётган чечаклар жозибаси, шабада тебратаётган дов-дарахтлар салобати путурдан кетди. Ҳар жойда қўниб мўлтираётган тўрғайлар, кўкни тўлдириб учаётган қанотлари оппоқ кабутарлар, бир-бирларига суйканиб турган бедовлар сукутда! Қисқаси, ҳамма-ҳамма нарса — тириклик ҳам, шуҳрат ҳам, орзу-умид ҳам, шодлигу қувонч ҳам маза-матрасини йўқотди зумда!..

Ҳамон гоҳ музлаб, гоҳ ёнаётган Соҳибқирон ногоҳ ўзини гўё поёнсиз самонинг қоқ ўртасида кўрди, гўё азалий ва абадий ҳомийлари бўлмиш Зухра билан Муштарий оралигида ҳуш-беҳуш юзиб борарди. Тинкаи мадори қуриган бир пайтда кўмирдек қорайиб турган туйнукка дуч келди, йўқ, у қанақадир ўпқонга ўхшар, аждар оғзини эслатар эди. Фаҳмича, мавлоно Аҳмад хатида мана шуни ёзган бўлса керак...

Соҳибқирон безиллаб қолди, ахир, эртаю кеч кўз олдида ўша туйнук гавдаланади, кўпинча бор бўйи билан унинг тубига шўнғигандек бўлади ва хаёлини Умаршайх Мирзо ёди... тийғи қотил санчилган ва чорночор тўлғанаётган гавдаси, шам каби аста-секин сўниб бораётган, не-не армону не-не умид чўккан қароқлари босиб келади. Ва даҳшат оғушида, юраги қинидан отилиб чиққудек алфозда, тўлғана-тўлғана ўкраб юборади, лекин қаники сазо беролса! Ахийри, ташқарига чиқолмаган товуши ичида, дили тубида ногоҳ ҳайқириққа айланади-да, ойсиз кечадай зимзиё шуурида таниш нигоҳ чўғланади.

Ҳаял ўтмай муаззам Самарқанд, арк марказини эгаллаган Кўксарой шундоқ рўпарасида қад ростлайди. Ажаб бир орзиқиш билан улкан иморат остига шошилиб, жимжит ҳужра эшигидан астагина мўралайди.

Ана, қайрилма дастали ҳасса ҳамон мағор босган бурчақда суёвли, чирий-чирий титилган бўйрада тиззалаб, бафуржа тасбеҳ ўгираётган мавлоно Аҳмад, мушоҳада ва мулоҳаза уммонига гарқ, бир қўли билан кўпдан бери қайчи тегмаган соқолини тутамлаб олган, киртайган ҳорғин-намли кўзлари таъна аралаш гинао-муз боқаётир, қуруқшаб пўст бойлаган ва тарс-тарс ёрилган лабларида шивир:

— Эй, олампаноҳ, пушаймон сут айламас!..

Кечаю кундузни бедор кечириб, зиндон ва ёлғизлик билан олишавериб чарчаган, букилгану синмаган ҳазрат, нимадандир чўчигандек, астагина сўйланади.



Лекин, таажжубки, Соҳибқирон наздида, товуши гулдирак мисоли янграб, гумгурс деворни титратиб юборади. Бирдан у сергак тортади, ним қоронғи торгина хужра ва ажин тилимлаган сиймо кўз олдидан рўёдек чекинади. Сўнг ҳамон бағрида тинимсиз акс-садо бераётган ўкирик бўғзини қаламшир каби ловуллатадида, ҳаял ўтмай шашқатор жолага айланиб, жимир-жимир юва бошлайди кўпчиб кетган ёноқларини!..

— Ҳазратим, Худо илойим сизга тўзим ва сабру қаноат берсин, — шивирлайди Катта малика, ҳўл киприкларини пирпиратиб. — На чорамиз борки, шаҳзодаи жувонбахт сигмади пешонамизга!..

— Валинеъматим! Во дариг! — мунгли жавдираб хитоб қилади Муҳаммад Султон. — Жигарим камина жигарини ҳам ўйиб кетди тоабда!..

— Эй, шоҳи жаҳон, сезибмен, хиёнат ўқи тўлдирмиш ўғлон паймонасини! — кўкси ўпирилгудек бир ҳолда хўрсинади Бўри тархон. — Токи тирик эканмен, сиру савдо тагига етурмен, акс ҳолда... фақирни айгир думига бойлаб чўлга ҳайданг!

Ҳамон Соҳибқирон қарахт: дунёйи дунни унутган, боқиши маъносиз, пайваст қошлари ўртаси тугунли... Яқинлари таскини вужудини аёвсиз эзаётган гуссани, сал-пал энгиллатиш нари турсин, баттар аланга олдираётир. Не қилса босилур аламу армони? Рўпарасида қўл қовуштирган, елкалари силкина-силкина беун йиғлаётган Пир Муҳаммадга кўзи тушгандан кейин айниқса батамом сигмай қолади кенг жаҳонга! Ҳайҳот, суюкли набираси атиги ўн олти ёшида, ҳали ҳаёт аччиқ-чучугини тузукроқ тотиб улгурмай, етимлик жафосига йўлиқмиш! Энди ўғлон тарбияси билан жиддийроқ машғул бўлиши, ҳар қадамда падари ўрнини босиши керак, токи эрта бирон нарсадан ўксимасин...

Эсида, қайси йили тўнғич фарзанди — суянган тоғи ва ишонган боғи Жаҳонгир Мирзо бемаврид сўлиб, бахту саодат гулшанини тарк этганда ҳам мана шундай

гангиган, пешона ёзуғи Оллоҳ тааоло иродаси эканлигини билса-да, ақл бовар қилмас даражада жизганак бўлиб куйган. Ҳатто салтанат ташвишидан юз ўгириб, тириклик яхши-ёмонига қўл силтаб, бир неча кун тайинли туз тотинмай, кўксини захдан кўтармаган!..

Ҳайҳот, энди қандай йўл тутсин, яна чинордек қадини дол айлаб, узлат сари чекиниб, кеча-кундуз надомат ўтида қоврилиб ётсинми?

Билади, неча кундан бери Ҳумоюн ўрду мислсиз мотам оғушида эзилаётир, зафар нишонли қўшинни чексиз қайғу юки босган, қолаверса, бутун заминуну замон фиғон чекаётир, ер юзида тирик жон борки, бариси ўзи билан баравар кўксини чокламоқда.

Худо ҳақи, мана шу ҳол ҳам дардини бот-бот янгилайди, кеч тушгач, шоҳона ўтовда ўтиролмай, хилват дашт сайрини ихтиёр қилади. Қонталаш уфқ этагига қадар чўзилган гира-шира кенглик бўйлаб, ўйдим-чүқур сўқмоқдан судрала-судрала, бир хил бўшашиб одимларкан, беихтиёр дилидан ушбу байт кечади:

Доду фарёд вақти эрмас, эй, тажрибасиз дил,  
Замона жафосига кўниккину тан бергил...

Соҳибқирон изидан қўрқа-пуса келаётган кўриқчиларни қўл силтаб ортга қайтаради, сўнг бошини ҳам қилиб, ўша байтни такрорлаб, номаълум томонга кетаверади. Ахийри, қовжираган ўт-ўлан қоплаган қайси бир тепаликка кўтарилиб, ногоҳ фалакка кўз ташлайди-да, баттар ўртаниб кетади.

Ахир, салтанат суянчи, бахту иқболи тожи Умаршайх Мирзо самовотнинг ашаддий ошифтаси эмасмиди, поёнсиз баҳри муҳит маликаси бўлмиш соҳибжамол тўлин ой, унинг атрофида парвона сон-саноксиз юдузлар билан ошна тутиниб, улар иштирокида гойибона анжуманлар қуриб, орзу-умидларини шарҳлаб, кўнгли чигилини ёзмасмиди!?

Зуккотаъб ўғлон вақти-соати етса Самарқанд тупроғида масжид ва мадраса бунёд қилишни тиларди, баҳонада фалакиёт илми, хусусан, мунажжимлик сиру синоатини қайта мукаммал ўрганиш, ҳатто таниқли мударрислардан чуқурроқ сабоқ олишни кўнглига тугиб қўйганди.

Кўп афсус, қандоғ чидасинки, энди нуридидаси ҳар қанақа эзгу ният, ҳар қанақа завқу шавқдан бебаҳра, ҳатто хайр-хўш айтгани улгурмай, охират мамлакати фуқаросига айланмиш!..

## 15

Бугун Соҳибқирон хуфтонни узоқ ўқиди, бадани аллатовур увишиб, бўшашиб бораётгани сабабли жойнамоздан қимирлагиси келмас ва кўнгли нима тусаётганини аниқ билмас эди.

Сўнг ҳар доимгидек бадар кетиб, хилват гўшаларда ёлғиз истироҳат қилишни истади. Атрофида ўралашаётган қўриқчи аскарларга эътибор бермай, илгарилаб бораркан, ногоҳ олисда элас-элас ҳалиги нидо янгради: «Эй, олампаноҳ, пушаймон сут айламас!» Нидо қулоқлари остида бир хил эшилиб, ниманидир эслатар, нимагадир ундар эди. Салдан кейин у тинди-да, атрофни дилни авайлаб-авайлаб қитиқловчи ипақдай майин муסיқий оҳанглар босиб кетди.

Соҳибқирон мийиғида синиқ кулди, адашмаса, ҳаммаша йўлига интиғу интизор кўз тикиб ўтирадиган, биргина нозли қарашли борлигини остин-устин қилиб юборадиган Чулпон Мулк ого эзиб-эзиб танбур чертаётир, соғинчи ва дарду ҳасратини чолғу тили билан сўйлаётир.

Бу палла фақат Ҳумоюн ўрду ёки ўғруқ эмас, бутун еру кўк чўғли-чўғли наволар жодусидан масту масрур ва Соҳибқирон ҳам бутунлай бой берди инонихтиёрини, аммо ҳатто ўликка жон бахш этадиган тароналар кашф қилишга қодир дилдорни кўпдан бери унутиб қўйгани ниманинг нишонаси, ҳей, дариг!?

Қир-адирлар узра юмшоқ-юмшоқ таралаётган куй сеҳридан дийдаси юмшаган Соҳибқирон ўғруқ сари боргиси, бўғзидан тутган ғам-андуҳ ва ташвишни унутганча, тунни кенжа малика оғушида шоду хуррам ўтказгиси келди. Ростдан у шунчалар меҳри дарё офатижонки, атрофида гирди капалак бўлиб, нозик адо боқишлари ва лутфу эҳсонлари билан бемалол руҳини кўтара олади, аллақачон кўксида газаклаб улгурган ярага даво бўлгучи малҳам боса олади...

Чўлпон Мулк оғонинг сарв қомати, нақш олмани эслатувчи ёноқлари, узун-қайрилма киприклар қуршо-видаги шаҳдолари қайта-қайта ҳуш-хаёлини ўғирлади ва недир куч оҳанрабо каби ўғруқ томон судради.

Ҳадемай насиб этадиган шукуҳли лаҳзаларни ўйлаб жадал бораркан, хос навкарлар қўриқлаётган ўтов кўринди-ю, илкис фикри ўзгарди, кўкси ҳувиллаб, ҳалигина тугаётган чексиз завқу шавқидан ному нишон қолмади.

Соҳибқирон изига бурилиб, машъала-фонуслар гира-шира ёритган лашкаргоҳ сари жилди ва четроқда сардорлар билан суҳбатлашиб турган Муҳаммад Султонни кўрди. Чехрасида анчайин ҳорғинлик ифодаланган амирзода сўзини бўлишни истамай, ичи ғалати тимдаланиб, бошқа томонга бурилди.

Эрталаб отини жадал йўрттириб, Алинжак рўпарасига борганда кўёш эндигина бир аргамчи бўйи кўтарилган, жанг эса негадир тўхтаган эди. Қурол-яроқларини созлаётган ҳорғин қиёфали навкарлар, ҳар жойда чўзилиб ётган ярадорлар бош ирғаб салом беришарди.

Кимдир югура келиб жиловни ушловдики, қалъа томонда норозилик ифода этувчи қийқириқлар янгради ва кўтилмаган ола-тасир тўполон бошланди. Салдан кейин жимлик чўкиб, баҳайбат темир дарвоза шарақлаб очилди-да, зил-замбил осма кўприк гусир-гусир туширилди.

Тез орада қалъа бўсағасида қадди-баста келишган — қорувли ва бўйчан, дўнг пешонали, ихчам соқол кўйган, қийғир қарашли йигит кўринди.

Вужудидан фақат шижоату қатъият эмас, қаҳру газаб ҳам ёғилаётган суворий қирқни қоралаган бўлиб, жангу жадал олови ичра пўлатдек тоблангани англашилар эди.

Фақат ҳозир на дубулға, на совут кийган, на яроқ таққан, шунчаки учига бир парча оқ мато боғланган калтагина чўпни боши узра тутиб олган эди. Ҳайратини яширолмайд қолган Соҳибқирон сари елиб келаркан, қалин қошлари остидан тик боқаётган йирик-йирик кўзлари оловланар эди. Гоҳо қулоқлари чимирилган ёли бўлиқ бедовини бепарво ниқтаб-ниқтаб қўярди, баъзан жарангдор товушда нимадир деб гўдранаркан, дўрдоқ лабларини аллатовур киноя қоплар эди.

Барчада ғалати таассурот уйғотган чавандоз, орада тахминан ўн беш-йигирма қадам масофа қолгач, заррин ҳошияли тизгинни тортди. Ана шунда анчайин энли ва сергўшт бетида недир виқор, недир қатъият намоён бўлди: тавозе сақлаш ёки ер ўпиш нари турсин, ҳатто турфа хил асл тошлар билан зийнатланган эгардан тушишни ҳам истамади.

— Кимсен? Тилагинг недур? — ниҳоят диққати ошиб сўради Соҳибқирон. — Элчимусен? Хўш, хўш?..

— Камина Алинжак волийси Алтун бўламен, — деди суворий дуриллаб, туркча-арабчани аралаштириб. — Сизни бир кўрмоқни ният қилдим.

— Оҳ-ҳо, Қора бургут сен экансен-да?

— Ҳа! — тасдиқлади Алтун.

— Йўлга чиқар пайтинг қафас кўринмадимиз кўзингга, нобакор?

— Кўринса-да, келавердим.

Соҳибқирон Алтун ёзган мактубни хотирлади, сўнг ҳалига қадар ҳеч бир жаҳонгир ишғол этолмаган, ҳар ким ҳам эътибор бермайдиган қўрғонни тасаввур қилишга уринди.

— Муродим... таъзия изҳор этишдур, — туғни қўлтиғига қистирди Алтун. — Шафқат тилаш ёки юкуниш тилагида эмасмен!

Мунаққаш эгарда бир оғриниб, бир орзиқиб ўтирган шоҳи жаҳон илкис ўтирилди. Шундоқ ҳам қизиб-живирлаб турган бадани бўйлаб гўё беҳисоб чумоли ўрмалади.

Ахир, келиб-келиб бўғзига ботган тиғи қаттол саналмиш ганим аламу қайғусини бўлишиш ихтиёрини қилгани ақлга сиғарканми?

Аксинча, баттол кўксида тоабад ўрнашган ярани аёвсиз тирнаш, ўлгани устига чиқиб тепкилаш ва шу йўл билан хуморини босиш муддаосида қадам ранжида қилган бўлса керак.

Фақат бунини тилёғмалик ва сурлик билан хаспўш-лаб, чўп суқаётир кўзига. Қадди дол, бағри бирён бўлиб турганда бундай зарбани кўтариши осон эмас. Худо ҳақи, тўлиб кетди, ҳозир паққос ёрилади, ҳозир қулайди эгардан!..

— Янглишмасам, Умаршайх ўққа учгандан бери тинчингизни йўқотгансиз, негаки, ўғлон белингиз қуввати, кўзингиз нури эрди, — энди бир қадар эзгин янгради Алтун овози. — Оғир мусибат тушуптур бошингизга!

— Бас қил, Алтун! — деди Соҳибқирон тутақиб. — Ҳар сўзинг ханжардек ўймоқда бағримни! Сенга ишонгандан кўра, шайтони лаъинга ишонганим яхшироқ!

— Ҳа, ҳа, тушунарли... Фақир ганим эрурмен, тилу жағим ҳам ганим! — деди Алтун авзойи ўзгариб. — Хўш, сиз... сиз ким бўлурсиз?

— Билмасанг бил, гофил: соябонинг бўлур, — Соҳибқирон ўрнида ошиқиб жавоб берди амир Отламиш. — Оллоҳ таолонинг ердаги вакили, яъни, сен каби дини исломни оёқости қилаётган шаккоқлар эгнига инсофу диёнат хирқасини кийгизувчи улуғ ва музаффар зот!..

— Анов киши эски ашула айтадур, — фотиҳи жаҳондан нигоҳ узмай давом этди Алтун. — Оғир ботсада, мен ҳам ичимда борини тўкиб қолай: Умаршайх

Мирзо жони азизу бошқа шаҳид кетганлар жони на-  
хотки азиз саналмас?

— Олампаноҳ, мақсади шумлик эрур, — ҳайқирди  
Муҳаммад Султон, оёқларини тилла узангига тираб. —  
Ижозат беринг, ақлу фаросатдин Мосуво калласини  
сапчадек узай!..

— Қўйинг, ўғлим, жазосини Худо берсун, — Со-  
ҳибқирон бир муддат сукут сақлагач, Алтун сари юз-  
ланди. — Ўғлон, биродаринг Малик Зоҳир таклифим-  
ни етказган экан. Нима учун маъқул топмадинг? Ҳали  
ҳам кеч эмас, тананга тузукроқ ўйла. Кейин бу им-  
кон тушинга ҳам кирмас!..

— Шукр, фақир Саодат баҳодир эмас, Қора бур-  
гутмен!..

Ногоҳ Алтун ичида тошган туғён билан кўшилиб  
янграган хитоб чўққидан қулаган қоя қалдирашини  
эслатар, гўё ҳавони ҳам тебратиб юборган эди. Чама-  
си, буни ўзи ҳам сизди, кафтини кўксига босган бўлиб,  
туғни яна боши узра кўтарди-да, бедовини ниқтай-  
ниқтай олислаб кетди. Осма кўприқдан ўтаётиб, тагин  
нимадир демоқни истадими, бошқа мақсаддами, ҳар-  
тугур бир қайрилиб қаради.

Тавба, қийғир боқишли кўзларидан сачраган уч-  
қун гўё Соҳибқирон кўксига жизиллаб тегди-да, гаш-  
лик аралаш яна бир ҳайрат туйди. Адашмаса, тасо-  
дифий учрашув калавани баттар чувалатишдан бош-  
қасига ярамайди. Зафар нишонли кўшин тинкаи  
мадорини қуритаёзган лаънати қамал яна чўзили-  
ши билиниб қолди. Темирни қизигида босмас экан,  
ботмон-ботмон юк ортилган аравага қўшилган қир-  
чанғи каби, бир жойда шунақа депсиниб туравера-  
ди.

Бас, сопини ўзидан чиқариш — яна Малик Зоҳир-  
ни ишга солишдан бошқа чораси йўқ, ҳа, эртагаёқ у  
ҳалиги ваъдаси қуюкроқ ҳамда ишончлироқ шарҳлан-  
ган мактубни қўйнига солиб, ошиғич тарзда Алинжак  
сари жўнасин, ҳар эҳтимолга қарши, амир Отламиш  
ёки Идику баҳодирни ҳамроҳ қилиб олсин...

Кечқурун Соҳибқирон шоҳона ўтовда қамални тезроқ поёнига етказишни ўйлаб паришон ўтирганда ланг очиқ эшиқдан афту башараси кўпчиган Бўри тархон мўралади. Беихтиёр ҳушёр тортар экан, хуфиялар сардори муҳим хабар топиб келганини сезди. Чиндан ҳам у бир неча кун муқаддам берган ваъдаси устидан чиқиб, бутун Ҳумоюн ўрду ва зафар нишонли қўшинни титратган мусибат сабабчиларини аниқлабди.

Ақл бовар қилмас: Шероз билан Бағдод ўртасида, баланд тоғ этагидаги Хормату деган хушманзара мавзеда ёлғиз истироҳат қилиб юрган Умаршайх Мирзони нишонга олган мерган Ҳасан ибн Бултурмур тарафидан ёлланган экан. Ҳайҳотки, бу ишда илон ёғи ялаган волий якка бўлмаган, бинобарин, ҳамон Ироқ тожу тахтидан умид узмай пайт пойлаётган Султон Аҳмад фатвосига кўра, қайсидир аламзада қабила билан бекитиқча узоқ музокара юритган, қисқаси, қанча-қанча тилла сарфлаб, мудҳиш ниятига эришган!..

Афсус, кўп афсус, бир неча ой аввал, Ҳасан ибн Бултурмур инидан кафанга ўралиб чиқмовдимми, амалдорлар ва оқсоқоллар шоҳидлигида хоку пойини ўпмовдимми? Тоабад содиқ қулингиз бўлайин, эй, сарвари олам, дея ёлвориб, бир қошиқ қонини тилаб олмовдимми?

Ўшанда барча сўзига ишонди, гуноҳидан ўтиб, ҳатто қайта ҳокимлик рутбаси билан сийлади. Мана нобакордан кўрган меҳру оқибати! Ичган қасамини унутиб, бетига оёқ босгани қандай ҳадди сигди экан?

Суюк-суюгигача зирқираётган Соҳибқирон хос мулозим алақачон ҳозирлаб қўйган юмшоққина жойга истар-истамас чўзилди. Аммо қаники уйқу жонивор кела қолса, келиб, ҳорғин руҳига ором бағишласа! Кўзига қайта-қайта ўқ еб йиқилаётган ва оҳ айтолмай узилган шаҳзодаи жувонбахт кўринар, кўкси аллатовур хувиллаб, тез-тез бир ёнидан иккинчи ёнига ағдарилар эди. Сўнг аста-секин осуда тортиб, вужудидан



огриқлар хуружи чекинди-да, ўзини ва бор дунёни унутди. Шуурини чулғаган ингичка нурлар элас-элас кўрина бошлаган таниш манзаралар шукуҳи ва жозибаси билан бирлашиб кетди.

Қараса, тангача офтоб тушмайдиган баҳаво-сўлим чорбоғда ўзича неларнидир сўйланиб, куймаланиб юрибди — атрофини патлари ранго-ранг товуслар ва баданлари диркиллаган жайронлар подаси ўраган.

Тавба, яна бир қараса, деразаларига ҳарир парда тутилган муаззам хобгоҳни безаган, сокин товланаётган мунаққаш тахтда хомушу ҳоргин чўккан. Сал қуйироқда, чўғдек қизил афғоний патгиламда, қордек оқ соқолини силай-силаё мавлоно Аҳмад қад ростлаган. Чоли тушгур, доимий ҳамроҳига айланган оддийгина қайрилма дастали ҳассасига суяниб олган кўйи, киртайган кўзларини жилдиратиб сокин кулаётир. Боқишида акс этган ифодалар маъносини англаш маҳол...

— Аълоҳазрат, исталмас нимарсани истаманг!..

Ҳамон пойгақда жилмайиб турган мавлоно Аҳмад, кесатиқ аралаш шивирларкан, ҳассасини енгилгина силкиб қўяди, сўнг хиёл эгилиб хайрлашади-да, имиллаб эшик сари юради.

Ахийри, Соҳибқирон, ярим кечада уйқуси қочиб, аста киприкларини кўтарсаки, тушида янграган ҳалиги сўзлар, шууридами ёки қулоқлари остида, бир енгил, бир залворли акс-садо бераётир. Юраги қафасдаги қуш каби потирлаб тепмоқда, хиёл ажин тилимлаган, анчайин энли-чўзиқ, қон томгудек тиниқ бетига мувофиқ тушган кенг пешонасини реза-реза қайноқ тер қоплаган, томоғи — тахир ва қуруқшаган!..

Эрталаб, бомдоддан кейин, Хумоюн ўрдуда бошланган машварати олий баҳона, Соҳибқирон тушини унутди, улуғлар билан кенгшиб олгач, Алинжак остонасида Муҳаммад Султон билан амир Отламишни қолдирди ва ўзи алоҳида илғор қисм билан Такрийт сари учди. Поёнсиз дашт йўлидан оқ тулпорда елиб бораркан, тез-тез

олисдаги нигоҳ таъқибини ҳис этар, шунинг баробарида, гўё недир махлуқ ўткир тирноқлари билан ичини аёвсиз тимдалар эди. Гоҳо оҳиста бош чайқаб, муштини тошдек тугиб, алам-ангиз шивирлайди:

— Не ҳолки, исталмасни истар дилим!..

Кеча, Бўри тархон билан суҳбат чоғида, дафъатан дилида тугилган тугун даҳшатли йўсинда бутун борлигини жунбишга келтираётир, кўксида шундоғ ҳам мадда бойлаб ётган ярани тобора газак олдираётир. Сўнгсиз армон айниқса жонини яна ҳам ўртаб кетганини айтмайсизми?

Ана шулар боис кўкўпар чўққилар этагида, сароб пардаси қўйнида Тақрийт намоён бўлган заҳоти хўрсиниб, ҳатто ўпкаси тўлиб, муштларини тугди. Тўғриси, ҳозир ҳеч нарса: фалак сари умтилган кунгираддор тош деворлар ҳам, шинаклардан ваҳимали чиқиб турган попукли найзалар ҳам, тақдир томонидан тубсиз чоҳга маҳқум этилганидан беҳабар исёнчилар рафторини қоплаган қаҳр ёки қатъият ҳам писанд эмас...

Соҳибқирон гижинглаётган оқ тулпор жиловини рўпарада кўндаланг тушган, бир учи чўзила-чўзила дашт ичкарисига кириб кетган ола-байдоқ дўнглик сари бурди. Қиймга етган қуёш жазирамасида лоҳасланиб, соат сайин шиддатли тус олаётган мухорабани, бир қониқиб, бир қониқмай, кўзлари чақнаб қузата бошлади. Мағрибдан эсаётган қайноқ шамол жазавадор урҳо-ур садолари, палахмонлардан отилаётган тошлар гувиллаши, камон ўқлари чийиллаши, яраланган сарбозлар оҳу воҳларини узлуксиз учириб келар, қўшила-қўшила аллатовур тўлқин ҳосил қилган товушлар гўё сезимлари бўйлаб чопар эди.

Ахийри, Тангри таоло мададқор бўлиб, эртаси куни шом арафасида, камал поёнига етди, ҳадемай бурғулар ва ноғоралар тантанавор суратда тилга кириб, ғалабадан дарак берди. Чор тарафдан ёғилаётган қутловлар Соҳибқирон кўнглини чироқдек ёриштирар, ўзи ҳам сардорлар ва навкарлар шаънини кўкларга кўтарувчи муборақбод сўзлари айтар эди.

Айни пайтда ҳали нимадандир кўнгли тўлмагани, қовоқ очмай қалъа ўртасидаги майдондан ўтиб бораркан, қаршисида кафанга ўралган Ҳасан ибн Бултурмур пайдо бўлди. Рафторидан чексиз пушаймон ўтида қоврилаётгани сезилиб турган кутвол елкалари силкина-силкина оёқларини қучганда, беихтиёр юзини ўгирди.

— Гуноҳинг нималигини биласенму?

— Йўлдин адашибмен!

— Эҳтимол, тўғри йўлни охиратдин топурсен!

— Қиблагоҳим!..

— Яхшилаб эшит: кун ора бир турланиб, думини бурадургон сендек гофил банда Олоҳ таоло қарғишидин бошқасига лойиқ эмасдур.

— Олампаноҳ, Худо ҳақи, яна бир имкон беринг, тобад қанотингизда жанг қилиб, гуноҳимни қоним билан ювай!

— Қайси тулкимижоз кимса майдонда қачон ярабдурки, сен ярайдурсен? Сен фақат орқадан разолат ханжарини санчишда моҳир экансен!

Кескин жаранлаган сўзлар залвори Ҳасан ибн Бултурмур умидларини барбод айлади. Ноилож қалтироқ кўлларини неча бор кўкка дўлаб, ҳувиллаган даштда оч-наҳор адашган қашқир мисоли чўзиб-чўзиб, энтикиб-энтикиб ув тортди.

Салдан кейин анчагина гавжум гузар чеккасида, шовдираган хас-хашак ичра ғужанак бўлиб, тили оғзига сигмай, чўзилиб ётарди. Таг-замини шўрлаган, лойсомон аралаш тошқалов девор бор оғирлиги билан гурсилаб, чор атрофга чанг-тўзон тарқатиб, устига йиқиларкан, кўзлари қинидан отилиб чиққудек бир олайди ва ингранишлари анчагача эшитилиб турди...

Соҳибқирон бу кеча ҳам тузукли ухлолмади, қум тикилган каби ачишаётган кўзларини юмар-юммас, ўзини доруссалтана заминида, аниқроғи, Кўксарой

остидаги гўшада, мутолаа билан машгул мавлоно Аҳмад қошида кўрарди.

Катта саҳарда сал-пал мизгиган бўлди. Лекин кунчиқар оқарганда босинқираб, боши ари инидек гувиллаб, томоғи қақраб уйғонди. Ҳали олдинда ҳал қилувчи мухораба кутаётганини чамалаб, тузаб қўйилган дастурхонга қайрилиб қарамай, Алинжак сари шошилди.

Чор атрофни каллаи саҳарда бошланган жанг суронлари қоплаган: навкарлар мудофаа деворига ўрнатилган нарвонлар билан қўшилиб қуламоқда, эгасиз қолган ва эгар-жабдуқлари оғиб тушган отлар ҳорғин кишнаётир, хандақ гирдида ёнма-ён қўндирилган улкан палахмонлар ва манжанақлар оғизларини очиб муттасил гувиллар, ҳавода сон-саноқсиз камон ўқлари илондек вишиллар эди.

Бутун қалъа таҳлика-ташвиш оғушида, айрим қорин қўйган оқсуяк зотлар томошабин бўлиб туришса-да, жомакор кийган кўпгина ёшлар ва қари-қартанг кишилар тобора қутуриб, кўкка бўй чўзаётган алангаи оташ шашгини қайтариш пайида: челақ ёки кўза билан, йиғи-сиғи аралаш сўйлаша-сўйлаша, ҳовуз-ариқ ва булоқдан сув ташимоқдалар...

Ўнғайроқ жойда отини тўхтатган Соҳибқирон ҳужум яна самарасиз тутаганини билди ва ҳамияти симиллаб кетди. Нима қилсин, хаёл етмас балаңд қояни эгаллаб олган қалъа осонликча жон бермайди чоғи, сираси, уни ҳамма жойда ҳозир у нозир Қора бургут қанотлари остида асраб-авайлаб келмоқда.

Ахийри, Соҳибқирон илгари атайлаб ҳордиқ берилган ва қўналғада нафас ростлаётган заҳира қисмларни сафарбар этишни лозим топди. Муносиб тадбир туфайли устунлик бутунлай зафар нишонли қўшин томонига ўтди. Энди чамаси қалъа ортиқ қаршилиқ кўрсатиши маҳол эди. Лекин тахмин тахминлигича қолди яна: ғалабадан дарак бўлмай, қиёматқойим олишув давом этаверди.

Аввал пишитиб қўйилган режага кўра, қайси куни, Малик Зоҳир, амир Отламиш билан бирга, яна Алинжак сари элчи қилиб юборилди. Ҳумоюн ўрду муҳри босилган муборак мактубда, тузилажак сулҳ баҳона, Алтун бошига иқбол қуши қўнажаги алоҳида эслатиб ўтилганди. Муросаи мадора ҳақидаги таклиф яна инобатга олинмаса, Алинжак муқаррар туби йўқ уммон қаърига қулайди, ахир, тақдир довул-тўлқини хуружи пайтида, мўъжаз қоя нари турсин, ҳатто бир-бирини суяган не-не баҳайбат тоғлар ҳам дош беролмаган. Мана шу нарса нималигини Қора бургут охир-оқибат тушуниши керак.

Ҳайтовур Алтун ортиқ кўкка сапчимаё, тезроқ қайсарлик отидан тушса, оқилона йўл тутган бўлади. Қовушмаган жангни мавридида тўхтатиши ғолиблик билан тенгдир.

Аммо у яна билганидан қолмай, ҳаддидан ошибди: Малик Зоҳирдан бериб юборган жавоб хати курақда турмас зарда-пичинг ва пўписа билан тўлиб-тошган эди.

— Оббо, намунча ўчакишмаса!? — деди Соҳибқирон кескин бош чайқаб. — Гумроҳ лашкарим билан ортга қайтишимни истайдур, шундай қилсам Яратган эгам мағфиратини қозонар эмишмен!..

— Бир қоп эканми муттаҳамни юраги!? — деди ҳамишагидек пишиллаб Идику баҳодир. — Туронзамин қўшини қачон чекинган эканки, энди чекинсин!?

— Фақир илгари ҳам, бугун ҳам Алтун билан ошқатиқ бўлмадим, — эҳтиёткорлик билан думини ликиллабди Малик Зоҳир. — Лекин ул кўрнамак шайтони лаъинга ҳам фириб бера олишини билурмен!..

Зилдек жимлик чўкканидан фойдаланган амир Отламиш тавозе сақлаган ҳолда сўз сўради. Ҳар ҳолда у, Малик Зоҳирдан фарқли ўлароқ, чўғ устида ўтиргандек типирчилаётган хожаси кўнглини кўтаришга тиришди.

Умуман, бугун турли миш-мишлар урчишига сабаб бўлган Алинжак аҳволи айтгулик эмас, бинобарин,

қилич тутишга ярайдиган билаги чўнг фуқароси деярли қолмаган. Қалъада бир нечта йирик-йирик чашма шарофати билан сув етарли бўлса-да, егулик тори алақачон тортилган, боқувдаги туяси ва бияси, эчки-улоғи ва кўй-қўзисини бир бошидан сўйиб еб битирган фуқаро ўртасида очлик ваҳимаси тарқалган. Бари-ни кўриб-билиб турган Алтун баҳодир, сир бой бермай, бетига ниқоб тортиб олган. Таъбир жойиз бўлса, олдада ягона йўл қолган: улуси, жони, аҳли аёли ва мол-мулки борасида жиддий қайгуриш ва охир-оқибат таслим бўлиш! Сабр-бардош билан кутилса, шаксиз, эрта-индин бўйнига итоат ҳалқасини солиб келур!..

Кўрган-кечирганини амир Отламиш узиб-узиб, Соҳибқирон кўзидан кўзини олмай, дангал-дадил сўйлади, алқисса, ҳарбу зарб майдонида чиниққан омилкор саркарда хулосаси ва маслаҳати Ҳумоюн ўрдуда тузилган режани бутунлай ўзгартирди: Алинжак остонасида Муҳаммад Султон ва амир Отламиш бошлиқ икки қўшилма қолиши назарда тутилди, асосий кучлар эса, Идику баҳодир ва бошқа саркардалар раҳнамолигида, бутуноқ Миср сари жўнаб кетиши, ўнғай манзилда қўниб, Абу Саййид Барқуқ билан Султон Аҳмад кўнглига ғулгула солиб туриши керак.

Амир Отламиш янглишмаган чоғи: тез орада Алинжак мудофаачилари қораси бутунлай ўчди, шинаклардан камалак ўқлари визиллаб учмай қўйди. Ҳатто неча аср муқаддам алоҳида мураккаб лойиҳа асосида, мрамару гранитдан тикланган ҳимоя деворлари ва маҳобатли иморатлар нураб-емирилиб бораётгандек туюларди...

Зафар нишонли қўшин белгиланган манзил сари шитоб отлангач, охир-оқибат тинкаи мадорни қуритаёзган қамал якун топиши ва тезда сулҳ имзоланиши тилдан тушмай қолди. Ҳатто Соҳибқон ҳам буни ўзича тасдиқлар — бошқалар каби эринмай кун санар эди.

Бутун чошгоҳга яқин баҳайбат темир дарвоза шарақлаб очилганда, ҳозироқ орзуси ушалиб, кўнгли хо-

тиржам тортадигандек, беихтиёр чехраси ёришди. Аммо осма кўприқдан елиб ўтган, қадду бастидан шижоат ёғилаётган чавандозни элчига ўхшатмади. Диққат билан син солиб, Алтун баҳодирни таниди-да, хушламай елка қисди.

Ёпирай, бугун Алтун тамом бошқача, тунов кун кўриниш берган ўғлон эмас: кўкўпар чўққи кифтидан қуйига, ўлжаси сари қанотларини кенг ёзиб шўнғиган чангали дов жангари куш дейсиз. Мунаққаш эгарда адл қўнган, хиёл қимтилган қалин лаблари кинояомуз ним табассумга мойил, дилида тошаётган недир галаён энлигина чўзинчоқ бетига кўчган, зирҳли дубулға-совути, юмалоқ пўлат қалқони, исфаҳоний қиличи ва камони бўй-бастига аллатовур сирлилик бағишлаган. Ортидан чанг-тўзон кўтариб ола-тасир илгари босаётган тахминан минг чоғли суворий шахту шижоати ҳам уникадан қолишмасди, бари алп келбатли, бари яхшигина қуролланган — жанговар ҳолатда.

Ногоҳ Алтун тилла узангига оёқларини тираб, қаддини бемалол ростлаб, нимадир дея ҳайқирганда, шериклари ҳам баралла жўр бўлишди ва баравар қилич яланғочлашди.

Тангри таоло шоҳид: Алинжак дарвозасидан дафъатан отилиб чиққан тўда зумда ўт ва сувни бирдек маҳв этишга қодир қуюнга айланди-да, сулҳни кутаётган навкарлар сафини бир неча бўлакка бўлиб ташлади. Атроф-борлиқни даҳшатли урҳо-ур гулдириси, бир-бирларини аямай тишлаётган отларнинг ғазабнок кишнашлари ва туёқлар остига қулаган ярадорлар ингранишлари тутиб кетди. Тинч ва осуда қўналгани қиёмат-қойим комига тортган эди.

Аранг жаҳлини босаётган Соҳибқирон амрига кўра, жадал тарзда қават-қават тўсиқлардан иборат ҳалқа — ҳал қилувчи зарба берувчи тезкор издиҳом вужудга келтирилди. Узун-узун попуқдор найзалар учида, совуқ ялтираётган шамширу шоплар дамида сувратланган ажал ваҳимаси қошида Алинжак йигитлари ан-

чайин саросимага тушиб, муқаррар ҳалокат ёқасига бориб қолишди. Ҳозироқ улар ўлат теккан чигиртка галасидек қирилиб кетишларига шубҳа қилмаса ҳам бўларди.

Соҳибқирон истеҳзоли кулимсиради: Алтун охирги марта талваса билан олишаётгани, ётиб қолгунча отиб қолиш учун шунчаки бел боғлаганига амин эди. Яна бир қадам, ҳа, атиги бир қадам ташланса, кўпдан бери интиғу интизор айлаган ғалаба нақд! Йўқ, чучварани хом санаган экан. Салдан кейин майдон мувозанати ўзгарди, руҳини губор чулғаб, ҳали дилида уйғонган умид учқуни аста-секин сўна борди.

Иложи қанча, қарийб ҳолдан тойиб, тинкаи мадори қуриган эса-да, кичик қўшин ён беришни истамади, бир тану бир жон мисоли солишиб, мисли кўрилмаган шиддат билан ҳалқани ёриб ўтди-да, қалъа сари йўламай, поёнсиз дашт ичкарасида зув йўқолди...

## 18

Кичик қўшин қайси овлоқда, қайси ўнгир ёки дарада жон сақлаганини Худо билмаса, бандаси билмайди. Орада анча вақт кўринмай кетди-да, ахийри, бир куни намози асрдан кейин кутилмаганда яшиндек пайдо бўлди. Жангу жадал қизигандан қизиб, айни шиддатли тус олган дамда бир бўлаги билинтирмай чекинди, кутилмаган урҳо-ур сабабли ҳимоясиз қолган чегарани яшин тезлигида кесиб ўтди ва Ҳумоюн ўрду сари ташланди.

Айёрона ҳамда моҳирона қўлланган усулдан, фақат амир Отламиш билан Муҳаммад Султон эмас, ҳатто Баҳром баҳодир ҳам ғофил қолди. Зиммасида мислсиз оғир ва шарафли вазифа бўлган сардор ниҳоят сергак тортиб, хос навкарларни сафарбар этганда, жиққа қора терга ботган ва кўзлари қизарган Алтун Соҳибқирон рўпарасида қилич дўлғаб, от ўйнатиб, жонжаҳди билан наъра тортаётган эди.



— Кўп ҳовлиқма, Қора бургут! Мард бўлсанг, кел, мана мен билан саваш! Мендин маъқулроқ кушанда топишинг душвор!..

Баҳром баҳодир йигитлари пешида учиб келган Муҳаммад Султон дўриллаган овозда қилган хитоб Соҳибқирон дилини чексиз ғурур билан тўлғазди.

Барака топгур амирзода ҳар доим мана шундай ёнида камарбаста, умуман, майдоннинг энг қалтис, энг хатарли жойида ҳамиша ҳозир у нозир! Айниқса, Қалъайи Сафидни олишда кўрсатган шижоатлари таҳсинга лойиқ, ҳатто Алтун каби Ҳумоюн ўрдуни оёқ ости қилмоқ учун қасдланган, қиличбозлик борасида ҳеч кимдан панд емаган Шоҳ Мансур билан неча марта талаб басма-бас олишгани сира эсидан чиқмаса керак.

Соҳибқирон ўшанда Шоҳ Мансур энаси қорнидан орият майдонига муносиб шаҳсувор бўлиб тушганини чин дилдан эътироф этди. Шу боис у кўзига бошқача кўринди, айниқса, ўзи сари қилич билан юзланганда, аллатовур рағбатдан кўкси юксалди. Аммо омади чопмади, капанг ёнгур Пўлод найзадор ишни бузди қалтис дамда!..

— Улуғ амир, ўғлонга айтинг, манглайни тартибга солсин тезроқ! — қичқирди Соҳибқирон, тепалиқдан знаётиб. — Алтун баҳодирни холи кўйсин, адашмасам у фақирга талабгор!

— Олампаноҳ, биз бормиз қанотингизда! — норозиланиб гудранди амир Отламиш. — Сиздек зот ҳимоясида жон таслим қилиш хусусан фақир учун шараф!..

— Сўзимни етказинг шаҳзодага, улуғ амир!

Яна ҳам кескин хитоб қилган Соҳибқирон Муҳаммад Султон истиқболига ошиққан сардорни унутиб, ёнма-ён елиб келаётган Пўлод найзадор қўлидан қиличини жаҳд билан юлиб олди, оларкан, кўзлари зимзиё тун пардасини чок-чокидан сўкиб юборган чақмоқ каби порлаб кетди.

Соҳибқирон фил суягидан ясалган нафис сонни қисиб ушлаган чоғда, пайдор-чайир бармоқлари қисирлаб, томирларида қон тошди, бўртиб-ўйноқлаб, таптаранг тортилди мушаклари ва Алтун чехрасига зимдан нигоҳ қадади. Алтун ҳам совуқ назари билан ўқрайиб қараётган эди ва туйқус ҳаволанган шамшири илон тилига ўхшарди. Рад жавобини кечикиброқ берди, бундан усталик билан фойдаланган рақиб устма-уст хужум қилдики, гўё довул аралаш ёғаётган дўлга дуч келди.

Соҳибқирон ноилож тинмай асабий пишқираётган оқ тулпор бошини ортга қайирди, майдон четида икки-уч дақиқа нафас ростлаб, хаёлан неларнидир чамалагач, ҳайқирган кўйи жиловни бўшатди.

Куч-қувватини аяб-аяб сарфлаётган Алтун қалқони панасида бемалол жон сақлар, айни вақтда, мароми билан моҳирона ҳамла қилар эди. Яна бир ногаҳоний зарб берганда қиличи гўё хужум тадорикини чекаётган Соҳибқирон дубулғаси ўнг ёнини чилпиб юборди. Бунақасини у кутмаганди, мияси чайқалиб, кўз олди тинди-да, озгина қолди эгардан умбалоқ ошиб тушишига.

Қай маҳалдир ғира-шира парда ортидан истехзоли боқаётган нигоҳни ҳис қилди, ажабо, гоҳ хира тортиб, гоҳ тиниқ чақнаётган нигоҳ гўё шундоққина нотинч тепаётган юраги боғига санчилиб турарди. Аллабир интиқлик билан астагина куйишаётган кўксини силаб-сийпалади, сўнг орзиқиб: «Оҳ, ҳазрат!» — дея шивирлар экан, тагин ҳам даҳшатлироқ зарб сўл чеккасига чунон қарсилаб тегди.

Нима бўлган тақдирда ҳам йиқилмаслиги керак: гавдасини хавфу хатарни сезиб тисарилган бедови ёнига ташлаб, бир аҳволда ихраниб турар, боши тинимсиз гувилаб айланар, муздек совуқ терга ботган эди.

Йўқ, бор бўй-басти билан чирпирак бўлиб, шиддатли йўсинда айлана-айлана, гўё тубсиз жарлик қаърига

шўнгиб борарди. Баҳайбат ялпоқ қояга урилай-урилай деганда, бирдан атроф ёришиб, таниш овоз эшитилди. «Олампадох, борини кўрибсиз, йўгини-чи?» Шу заҳоти гўё бутун борлиқни шу сўров замирида пинҳон залвор уммондек босди, ниҳоят, кўнглида жаранглаб аксадо берди-ю, бир ихраниб қаддини ростлади. Худо ҳақи, кўзларига ишонмас, ахир, қўлидаги нарса наҳотки ҳасса бўлса?

Ола-говур, тўс-тўполон ичра не ҳол кечганини Соҳибқирон тузук-қуруқ билмасди, фақат... ҳушини ўнглаган чоғда, қайрилма дастали ҳасса кўриниб кетди кўзига. Назарида, боши узра қайта-қайта билтанглаган муқаррар кулфат саналмиш қилич дамига бир ҳолатда ўшани тутиб улгурди, сўнг мавриди туғилган ҳамоно, ўша билан бир неча марта жавоб қайтарди.

Бунақаси камдан-кам учрайди, ахир, не сирки, ҳалидан бери Алтун илкида эмин-эркин ҳаракат қилаётган исфаҳоний қилич ўртасидан қоқ иккига бўлинди, ҳатто буниси камдек, остида бемалол гижинглаб, кўкка сапчиётган бедов мункиб, гавдасини ўнгаролмай, гурсиллаб қумлоққа ағдарилди. Паққос эгардан учиб кетган Алтун хору хас мисоли тупроққа қоришиб ётар, бутун борлиғидан қора тер қуйилар, намли қорачиқларини чексиз афсус-надомат сояси чуллаган эди.

Одатда ҳар бир имосини бемалол тушунадиган садоқатли оқ тулпор мағрурона кишнади, жонивор товушида жамланган беадад сурур ва шодлик еру кўкка татигулик эди.

Беихтиёр чехраси нурланиб, кўкси юксалган Соҳибқирон бир бошини чангаллаб олган Алтунга, бир хиёл титранаётган қўлида сокин жило сочаётган дандон сопли қиличига қаради.

Охир-оқибат еру кўкни тутиб кетган олқиш ва ҳамду сано гулдирози кулоқларига етиб борди. Сўнг хаёли жангни ғойибдан кузатган, масофа билмас нигоҳи орқали дилида мудраб ётган арслонни уйғотиб юборган сиймо сари оғди. Ҳамон мунг чекиб ўлтир-

ган Алтунга яна бир қур қарагач, қиличини аста қинига солди-да, жиловни Ҳумоюн ўрду сари бурди...

19

Атроф-борлиқ тобора қуюқлашиб бораётган қоронгулик ва теран сукунат оғушида... Якка чўнқайма харсанг биқинида фалакни кузатиб турган Соҳибқирон вужудида ҳорғинлик аралаш бир завқ, бир шукуҳ хукмрон. Ўсмирлик давридаги ашаддий хаёлпарастлиги ёдига тушиб, мийиғида сокин қулди ва ногоҳ учгиси келди юксақларда сочилган оламга, ҳа, қаники, қушдек парвоз қилиб борса-да, шон-шуҳрати тимсоли бўлмиш Зуҳра билан Муштарий ўртасида аста қўнса, алар жамолига тўйиб-тўйиб боқса! Сўнг шитоб Мезон буржи сари юзланса! Ҳомийлари оромини бузиб, ўртада кемтик пайдо қилган шу хилқат билан қачон танишиб оларкин тузукроқ? Ахир, у йўлини ўзгартиргани сабабини ҳалигача билмас, фаҳмича, кўпгина алломалар калласини ғовлатган сиру савдо ечими фақат мавлоно Аҳмад дилида пинҳон!..

Соҳибқирон узоқ сайр қилди, шоҳона ўтовга қайтганда ҳам коинотни безаган ёритқичлар хусусида мушоҳада юритишдан бўшамаган эди. Бугунги жангда қаттиқ чарчагани боис, эртароқ ухлади, бир пайт қараса, думи кесилган жанг отида яйдоқ дашт аро чуваланган сўқмоқ бўйлаб йўртиб бораётир.

Соҳибқирон тип-тиниқ жимирлаётган симобий парда ортида нилий-ложувард гумбазлар ва миноралар кўринганда беихтиёр орзиқди. Салдан кейин анвойи гуллар барқ уриб очилган, тўрида деворлари оқ мрамр билан зийнатланган муаззам сарой, ўртасида фавворали сарҳовуз тушган жимжит чорбоғ адоғида саросар турарди. Дарахтлар шоҳида турфа қушлар тинимсиз хониш қилаётир, икки ёни майсазор хиёбонларда товуслар хиромон кезишмоқда, ҳув хилватда жайронлар бир аҳиллик билан анжуман қуришган.

116

Шабнам чайган япроқ шодалари орасидан сизиб ўтаётган ҳовуч-ҳовуч нур эътиборини тортди, нур оқими билан қўшилиб жимитигина кумуш тусли кабутар бир маромда шовурсиз юзаётир. Гирдларига оч нопормон ҳошия тортилган қанотлари ипак каби майин-майин товланмоқда. Жонивор ногоҳ кўздан йўқолгач, енгил қадам товушлари эшитилди-да, ёғоч ҳассасини дўқирлатганча, шошилмай одимлаётган озгин қария кўринди...

— Мавлоно, биламен, ҳамон танингиз азобда.

— Тан қийноғи чикора, руҳ қийноғидин Худо ас-расин.

— То ҳануз йўқни кўролмадим, йўқни дунё камига ямоқ ҳам қилолмадим.

— Тузатса бўлар бу ишкални, олампаноҳ.

— Во ажаб, фақат борни кўриб туришликни фази-лат билибмен. Сиз баҳона очилмиш идроким кўзи!..

— Нимагаки етишибсиз... шукр қилгайсиз.

— Беадад шукр. Лекин қандоқ одами оқилменки, давру даврон фотиҳлиги омонату дил фотиҳлиги боқий эканлигини эътироф этмасам!?

Чол қировлаган сийрак қошларини чимириб, патаклаган соқолини авайлабгина тутамлар экан, ажин тилимлаган қотма бетини тушунуксиз ифодалар чулғади. Ниманидир бир дам мушоҳада қилгач, ҳассаси билан майдон марказида, оқимтир қумда кенггина доира чизди, сўнг бошқа сўз қотмай, хиёбон бўйлаб хотиржам йўл тортди. Салдан кейин ҳассасини қўлтигига қистирди-да, оёқлари ерга тегиб-тегмай, юксаклардан шовуллаб тўкилаётган исмсиз рангларга қўшилиб кетди.

Ўша заҳоти дарахтлар узра, мовий бўшлиқда, кумуш тусли жимити кабутар пирпираб кўзга ташланди. Кабутар дафъатан қуйига шўнғиб, оҳулар ва товуслар тепасида бир неча бор чарх ургач, бир эзгин сайради-ю, само тоқига ўрлади.

Жонивор, ниҳоят, эриган кўрғошин каби чайқалаётган поёнсиз баҳри муҳитда илғаш маҳол нуқтага

айланди. Ўша нуқта чўғдек товлана бошлаган дамда Соҳибқирон ҳалиги доира ичра не қиларини билмай паришон турар, нажот истаб теварагига аланглар эди...

Ажабо, бу не жумбоқ, не сиру савдо? Нималар кечаётир шундоқ ҳам толиққан ҳоли-жонида? Чорбогдаги учрашув тушида эмас, ҳушида рўй берган каби, тонг-азонда жойнамозда орзиқиб ўтирар, нотинч тепаётган юрагини Самарқанд... муаззам пойтахт соғинчи ўраб-чирмаган эди.

Соҳибқирон беихтиёр хўрсинаркан, хаёлига гўё илкис ўша кабутар сезилар-сезилмас шарпа янглиг учиб кирди. Шу баҳонада озиб-тўзган жуссани эслади, қайрилма дастали ҳасса билан қумда чизилган доирани, доира ичида довдираган кўйи ҳорғин туриб қолганини эслади. Ахийри, калласи ғовлаб, туш таъбиридан бутунлай узоқлашди-да, бомдодни адогига еткизгач, машварати олийга ҳозирланди. Сираси, бугун Ҳумоюн ўрдуда, давлат арконлари, амирлар, нўёнлар ва амирзодалар иштирокида, бир нечта муҳим жумбоқ ечимини топиши керак.

Соҳибқирон аввало Миср ва Шом сари отланган асосий қисмлар билан тез орада бирлашиш ва баҳамжиҳат ҳаракат қилиш лозимлигини уқтирди. Охири тақдирига тан берган Алинжак масаласини кўтарганда барча беихтиёр сергакланди. Куни кеча бўлган олишувдан кейин, ер юзидан бутунлай супуриб ташлашни мўлжаллаб қўйганига қарамай, қалъани авф этишни лозим топганини эълон қилганда қовоқлар солинди. Ҳатто бугундан кечиктирмай, очлик ва юпунлик гирдобида қолган фуқарони заҳирадаги озиқ-овқат ҳамда кийим-кечак билан таъминлашни буюраркан, айрим улуғлар чидолмай, ошкора норозилик билан тўнғиллашди.

Соҳибқирон бундай хулосага келгани сабабини туншунтириб ўтиришни истамади, мийиғида сокин кулиб, мавзуни чечанлик билан Бағдод сари кўчирди. Фақат эҳтиёткорлик юзасидан ҳозирча бош мақсадини пинҳон тутди. Ахир, кечадан бери Ироқ тожу тах-

ти инон-ихтиёрини Алтун баҳодир илкига топширишни чамалаётир, бинобарин, мажлис олдидан аҳду қарорини бутунлай пишитиб улгурди. Алинжак волийси султонлик рутбасини кийса, чиндан ҳам ярашади, саркардалик лаёқати айниқса эътиборга молик, демак, у билан биродарлик риштасини боғлаб, иттифоқ тузишга эришса, имони комилки, Миср ва Шомни осонроқ жиловлайди.

Мажлис тарқаган ҳамоно, Соҳибқирон Алтун билан ёлғиз учрашиб, суҳбат қилишни тилади. Ахир, вақт ганимат, шундай экан, ҳозироқ ўй-режасини маълум қилиши лозим. Эрта чарх қай йўсин айланишини ким билади.

Орадан кўп ўтмай Бўри тархон кириб, Алтун аҳволини шарҳлар экан, хаёли қочди. Сўнг аллатовур тўлиқиб, ташқарига ошиқди, йўлбарс ёки шер қамаб қўйиладиган ёғоч қафасда қўнишиб олган волийни аранг таниди-да, кўкси бир сирқираб қўйди...

Ишониш қийин: наъраси тоғу тошни гулдиратган йигит атиги бир оқшомда чолдек чўккан, қадуу қома-тида аввалги шахту шижоатдан ному нишон йўқ! Кечагина дилларга ўт қалаб порлаган кўзлари хиралашган, алҳол, надомат пардаси билан қопланган, жазира-мада қолган япроқ каби қовжираган бетини беадад армону ҳасрат билан йўғрилган ғусса кўланкаси кўмиб юборган!..

— Амир Отламиш, Алтун баҳодир ҳозироқ ҳибсдан бўшатилсин! Алинжак қалъаси фармонбардори сифатида барча шоҳона иззат-икром билан сийлансин!..

Соҳибқирон буйруғини эшитиб, Алтун беихтиёр ўмровини кўтарди. Тип-тиниқ осмонда яшин чақса, эҳтимол, шунча ажабланмас эди. Ахир, бундай бўлишини эмас, тириклай териси шилиниши, дорга тортилиши ёки боши жаллод кундасига қўйилишини кутаётган эмасмиди? Мана энди омади чошиб, бахти кулган экан, ҳар қанча қувонса, ҳар қанча ифтихор туйса арзийди.

Зудлик билан йўгон танба туширилиб, қафас эшикчаси ланг очилгач, Алтун назарида олам бош-қача ёришиб-кенгайиб кетди. Фақат, буни сезмаган-билмагандек, нигоҳини номаълум нуқтага қадаб, тут-дек тўкилиб ўлтирар, тишлай-тишлай лабларини қонатиб юборган эди. Анчайин қўрс хос мулозим найза билан елкасига туртгандан кейин, истар-иста-мас ташқарига олди ўзини, бир неча қадам босиб-босмай ўкраб, амир Отламиш билан Муҳаммад Султон пешида қад ростлаган Соҳибқирон оёғига йиқилди.

— Олампаноҳ, Худо ҳақи айтинг, яхшиси юрагим-ни юлиб қузғунларга ташлашсин. Ёки жодида таним-ни тилка-пора қилишсин, тилка-пора!..

Алтун бўғзидан отилиб чиққан илтижони чўлдан ҳуриллаб эсаётган илимсиқ шабада узоқларга учириб кетди. Тилаги инобатга олинмагач, яна ҳам тел-баваш қиёфага кирди: қайноқ қумда мук тушиб, қайта-қайта оҳ чекар ва тўхтовсиз бошига муш-лар эди.

— Тур, тура қол, ўғлон, фойдаси йўқ, — деди Соҳибқирон насиҳатомуз, товуши хиёл ўзгариб. — Тан бердик: Алинжак аҳли суянган тоғ экансен!

— О, кошки!..

Алтун титранаётган қовариқ кафтларини недир оғриқдан бужмайиб, оташга тикилган пўлатдек қип-қизариб кетган бетига босган кўйи жим қолди. Аста-секин гўё пойида ўзи каби беун бўзлай бошлаган ер қаъриги чўкиб борарди.

Саддан кейин Алтун атрофига бир назар солгач, барчани лол-ҳайрон қилиб, нарироқда маъюсланиб турган амир Отламиш белидаги ханжарга ёпишди. Юксак қоя узра қўнган Алинжак сари юзланиб: «Ал-видо!» — дея ҳайқирди-да, қонсираган яроқни қорни-га тиради. Аммо ниятига етолмади, ҳар бир ҳаракати-ни синчковлик билан қузатаётган Соҳибқирон била-гидан илдам тутиб қолди...



Дудама ханжар билчиллаган қумга чирс санчилди, Алтун унга бир зум хўмрайганча тикилиб тургач, ёғоч қафас ёнидан ошиғич ўтди-да, тап-тақир ёлғиз-оёқ йўлга бурилди. Ҳадемай бошини солинтирган кўйи, қалъа гирд-теварагини ўраган, тубсиздек туюладиган ўнгиру хандақларни мўлжаллаб борарди. Қуёш пуркаётган жазирама селини писанд қилмай, тобора жадалроқ одимлар, ранг-рўйи дунёдан тўйган, тириклик яхши-ёмонига этак силкиган одам қиёфасини эслатарди.

Соҳибқирон ниманидир сизди, қўли билан енгил ишора берган ҳамоно, Бўри тархон бир нечта хос навар билан ўша томон лўкиллай кетди. Аллақачон жар лабига яқинлашиб қолган Алтун эса улар койинишига парво қилмади. Қонталаш кўзларини юксак қояда кўкрак кериб турган қалъадан узмай, эзгин товушда видо айтди-да, қулочини ёзганча, муқаррар ажал комига илқис шўнғиди.

Кечга яқин дабдала бўлиб кетган жасадини баҳайбат харсанглар орасидан топишди. Бир амаллаб юқорига кўтариб чиқишганда хириллаб аранг нафас олар, орачорада ичида нимадир узилаётгандек оғир-оғир ингра-нар, нуқул бир каломни такрорлар эди: «Алинжак!..»

Қанча-қанча хасталар ва ярадорларни ажал чангалидан қутқариб қолган мулла Содик Кеший ҳозир бўлганда, фотиҳи жаҳон Алтуннинг шишиб кетган моматалоқ бетига жимгина термилиб ўлтирарди.

Тажрибали ва нозиктаъб ҳакими ҳозиқ Қора бургут Турон қўшини йўлида ғовлар ташлаб, кимсан Амир Темур Кўрагон билан ошкора довлашганидан воқиф эди. Охир-оқибат у, дор оғочи остида, бўйнига надомат сиртмоги илинганда, ақлу ҳушини таниб, тавбатазарру палосини ўпишини ҳам ўзича чамаи чўт қиларди. Ҳайтовур барча қатори нобакорни Оллоҳ қарғишига лойиқ санаб, ундан нафратланар эди.

Тунов куні рўй берган яккама-якка олишув вазиятни буткул ўзгартириб юборганидан эса ҳайратда: шунақаси ҳам бўлиши мумкин экан-да. Бир неча соат муқаддам Ҳумоюн ўрдуда овоза этилган афу ҳақидаги фармони олийни эшитгач, тагин ёқа ушлади. Мана энди чодирда афтодаҳол ётган Алтун қошида хожасини бир аҳволда кўриб, кўнглидан охирги шубҳа губорини ҳайдади-да, энг шимариб муолажага киришди.

Тангри таоло асрабди: бадани эзилиб, пайлари чўзилганини айтмаса, Алтун жиддий шикаст топмаган, муҳими, бирон-бир суюги синмаган экан. Шу боис дори-дармонлар самараси тезда билинди ва бир ҳафта нари-берисида сиҳати анча ўнгланди.

Кун ора Соҳибқирон бемор ҳолидан хабар олиб, муолажа қандай бораётгани билан мунтазам қизиқди. Ҳатто баъзан биргалиқда нонушта ёки тушлик қилар, шунда кўпинча чархи каж савдолари устида мунозара бошлаб қолар, гоҳо ботирлар ҳаётидан латифанамо ҳангомалар, ибрат бўладиган ҳикоятлар сўйлар эди.

Сухбат чоғида йигит иложи борича сукут сақлар, ҳар қандай саволга фақат ҳа ёки йўқ деб жавоб қайтарар, сираси, ҳар қанақа баҳс-кулги ва завқу шавқдан буткул йироқ эди. Нима бўлганда ҳам дарду армонлари, ўй-мулоҳазалари, истаклари ва туйғуларини ўлиб-тирилиб яширар эди.

Алтун дунё кўриб, одам таниган саркардаларга хос теран ақлу заковат, салобат ва вазминлик нишонлари ифодаланган қиёфага тик боқолмасди. Мабодо нигоҳи шижоат ва қатъият мавж урган кўзларга дуч келиб қолса, дафъатан ўзини йўқотиб қўяр, аҳволини пардалаш истагида, ёлғондакам қулимсирар эди. Сўнг жимгина ҳузури муборакни тарк этар, қўриқчи навкарларни четлаб, саргайган тепаликка кўтарилар, мовий бўшлиқда муаллақ қотган Алинжакка тикила-тикила хаёлга толар эди.

Соҳибқирон зимдан барини сезарди, сезаркан, дилида недир муддао тобора чуқурроқ илдиз отар, не-

дир иштиёқдан тобора руҳи қанотланар эди. Иложи борича ҳар кун Қора бургут билан учрашиб, дилини ёргиси, уни турли жиддий машваратлар ва кўнгило-чар давраларга фаолроқ тортгиси келарди. Шунинг учун ҳам муолажа поёнига етганини билгач, дарҳол Ҳумоюн ўрдуда шоҳона зиёфат тайин қилди.

Намози асрдан кейин улуғлар қаторида ҳузури му-боракка ташриф буюрган Алтун анграйди: эртақларда таърифу тавсиф этилган афсонавий саройлардан қолишмас маҳобатли ўтов жиҳозлари, нақшинкор миз-да уйиб ташланган нозу неъматлар ҳайратга молик эди.

Ажабо, беадад бойлик ва фавқулодда саховатдан кўзлари қувнаса-да, нимадандир қоникмасди, шер таъ-қибига учраган жайрондек қисиниб-қимтиниб жовди-рар, тобора иштаҳаси бўғилар, янграётган ҳар бир ка-ломни, хусусан, созандалар ва хонандалар эшилиб ижро этаётган жозибадор куй-қўшиқларни бегона тутар эди.

Бир косадан қирмизий шароб нўш қилингач, чеҳ-ралар гулдек очилиб, сийнада мағор босиб ётган ту-гунлар дафъатан ечилиб кетди. Бутун даврани қамра-ган шодийна авж пардаларга кўтарилди. Дунёга тати-гулик қувонч ва завқу шавқ фақат Алтунга татимасди, гўё у кимсан Амир Темур Кўрагон ўзини шарафлаш тилагида уюштирган базми жамшидда эмас, қандай-дир мотам маросимида ўлтирар эди. Котиби хос мав-лоно Шамсиддин сал илгари имзо чекилган фармони олийни овоз чиқариб ўқигандан кейингина чиройи хиёл ёришди.

— Баҳодир, Алинжак фақат сеники эрур. Иншоол-лоҳ, эрта бутун Ироқ ҳам илкинга ўтиши тайин. Ҳар қандоғ рақибинг куйиб адо бўлур ўшанда!..

— Қуллуқ, олампаноҳ, — деди Алтун палос ўпиб, фотиҳи жаҳон илқидан ёрлиқни оларкан. — Ҳушу тушимда йўқ ишлар шоҳидимен!

— Эй, баҳодир, яхшилаб тинглагил, бутундан ўғлим қаторида ўғлимсен. Энди мудом қанотимда турмоғинг

жойиз, камина ҳам ўзимни сендин йироқ олмасмен. Тоабад омадинг кулиб, иқбол қуши ҳамиша ёринг бўлсин!

Алтун сўзидан адашиб, инон-ихтиёрини бой берди, бирдан ўпкаси тўлди-да, мижжалари намланиб, ўтовни тарк этганини билмай қолди. Давра аҳли билан бирга Соҳибқирон изидан чиққанда, гужум ва тераклар соя ташлаган майдончада энтикиб турар, чоғир-тубсиз кўзлари ва қалин лаблари билинар-билимас табассумга мойил эди.

Худди шу пайт мош-гуруч соқоли норғул сайис ўтов рўпарасига узангиси тилла, мунаққаш эгар урилган қилпоча ва ингичкабел саман бедов етаклай келиб, алоҳида бир эҳтиром билан жиловини тутқазди.

Яна ҳам боши кўкка етган Алтун беихтиёр Соҳибқирон сари ўтирибди ва илк бора кўзларига тик боқа олди. Салдан кейин забардаст қоматини астойдил бағрига босиб, қайта-қайта ташаккур айтди-да, сароб ичра жимирлаётган қалъа сари елиб кетди.

Алтун баҳодир ҳар қандай чавандоз ҳавас қилса арзийдиган тулпорни йўрттириб, чарх аллақачон битиб қўйган ёзуғини қидириб бораётгани Соҳибқирон ҳуши-тушида йўқ... Ҳозиргина оқ фотиҳа бериб, туғишганидек кузатиб қўйгани учун фахр тўймоқда ва кўкси эзгу тилаклар билан лиммо-лим. Келгусида у оғир-енгилига яраб, қайғуси-қувончини бўлишиб, ишончини қозониши, нону тузини оқлашига имони комил!..

Алтун келаси жума куни, намози аср чоғи, Алинжақда номи хутбаи муборакка қўшиб ўқилиши учун тўла-тўкис розилик билдиргани кўнглини гина-гидир ва гумондан бутунлай холи қилди. Улкан сайилга айланиб кетадиган маросимда бутун Ҳумоюн ўрду жамоаси билан иштирок этиб, алоҳида ваъз айтиши ва қалъа аҳли дилига умид чироғини ёқиши керак. Кейин ёзлик қароргоҳда, уч кунлик базми жамшидда ҳордиқ ёзади. Алинжак муаммоси ечимини топганига

тўла ишонч ҳосил қилгач, зафар нишонли қўшин ор-  
тидан Миср ва Шом сари шошилади.

Ҳануз Абу Саййид Барқуқ қўйинини пуч ёнғоққа  
тўлдириб ётган Султон Аҳмад — шайтони лаъин ҳамто-  
воғи билан алоҳида ҳисоб-китоб қилмагунча тинчимаса  
керак. Кўзи нури, бели қуввати Умаршайх Мирзо ўша  
доғули тузоғига илинганини ўйласа, ҳамон жон ришта-  
си қақшаб, бутунлай сифмай кетади ёруғ жаҳонга!..

Соҳибқирон шоҳона ўтовда тез орада юз беражак  
тагин ҳам ҳайбатли мухораба ташвишини ўйлаб ўтир-  
ганда, нечундир туйқус юраги кўкрагини ёриб чиққу-  
дек потирлай кетди. Сал ўтмай ажаб безовталиқ  
руҳига кўчди-да, тасаввури кўзгусини ғойибдан синч-  
ковлик билан боқаётган мавлоно Аҳмад эгаллади.

Бари аниқ-тиниқ намоён: қиров қўнган сийрак қош-  
лар ўртаси тугунли, теварагини майда-майда ажин  
босган ботиқ кўзлар маъюс, қуруқшаган юпқа лаблар-  
да ботиний тиловат шуқуҳи акс этган, энгил титра-  
наётган чўпдек ингичка бармоқлар тасбеҳ ўгириш  
билан машғул!..

Ростдан ҳам Соҳибқирон қора-қура кигиз чакмон-  
га ўралган озгин жуссани бемалол кўраётир. Сўнг шу  
жуссада ниҳон дил билан ҳаргиз ғойибона ҳамқору  
ҳамнафас эканлигини мулоҳаза қиларкан, анчайин  
енгил тортди. Кейин эса... ногоҳ елкасидан гўё оғир  
юк босиб тушди. Нуқул ўзини ўйлаб, фақат сафар ва  
галаба ташвишини чекиб, ҳазрат зиндонда чийралиб  
ётганини бутунлай унутибди-ку. Ана бепарволик! Ахир,  
Ултой қарчигаё омади қайтиб, топширигини адо этол-  
маган экан, бошқа бир чапдастроқ чопарни сафарбар  
этса бўлмасмиди?

Соҳибқирон аста бош тебратаркан, кўнглини не-  
дир умид ёритиб ўтгандек бўлди. Ҳали ҳам кеч эмас,  
бирон чора топиш мумкин. Айтганча, ҳадемай махсус  
карвон Умаршайх Мирзо жасадини Шероздаги мувақ-  
қат дахмадан олиб, Кеш сари жўнайди. Муҳофазакор  
даста сарқори қилиб тайинланган Учқаро баҳодир лаф-

зи ҳалол ишончли одам — бир ишора берса, муҳри босилган ёрлиқни Самарқандга етказиб, амир Ҳожи Сайфиддин илкига топширажак...

Ёдида, бир неча кун муқаддам хуфиялар беҳад ташвишли мужда етказишди: катта қўшин тўплаб улгурган Султон Аҳмад шаҳзодаи жувонбахтни орадан кўтаргани бежиз эмас, Бағдодни қайтариб олишни мўлжаллагани етмай, ҳатто Форс тупроғини кўз остига бостириб қўйган эмиш! Агар шунақа қўл қовуштириб ўтирса, шубҳасиз, Форсдан ажралиб қолур, тезроқ уни ишончли одами ихтиёрига топшириши керак.

Сал илгари кечган бир кенгашда Мир Сайид Барака ва Катта малика аллақачон мўйлаби сабзалаб қолган Пир Муҳаммад номзодини хайрихоҳлик билан ёқлашган эди. Чиндан ҳам агар суюклилар қаторида суюкли бўлган шу набирасини қўлласа, нур устига — аъло нур-да, яна ҳам муҳим жиҳати, Умаршайх Мирзо арвоҳи шодланур.

Шукр, ҳозирча ҳеч бир тобуткаши ва чироқёқарини унутиб қўйган эмас, бари муттасил назорати остида, бари хазинаси ганжлари билан бирга, меҳру муҳаббати, билиму тажрибаси дурларидан тўласинча баҳраманд! Ахир, шажараси бўрону довул қўпорулмас бақувват ва қудратли дарахтга айланишини қанчалар истайди, ўша дарахт илдири давру даврон бағри ва юраклар тубига шу қадар чуқур кетсинки, эрта дўст билан душман бирдек ҳайрат чекиб, бирдек таҳсину тасанно ёғдирсин!..

Соҳибқирон жума тонгини шу хил ўй-мулоҳаза оғушида муштоқлик билан кутди. Ниҳоят, уфқ гардишини алвон ҳошия беаганда, Ҳумоюн ўрдуни эргаштириб, Алинжак сари жадал елиб бораркан, маҳобатли қалъа остонасида, карнай ва сурнайлар садо-

лари остида, Алтун баҳодир бошлиқ издиҳом нон-туз билан кутиб олишини ўйлаб жилмаяр эди. Айниқса, устоз Мир Саййид Барака имомлигида ўқиладиган аср намозида муборак исми-шарифи янграшини тасаввур қилса, гўё шуурида офтоб бўй беради. Қизиқ, ҳатто Мозандарон, Шероз ёки Бағдодда шундай шараф насиб этганда бунча орзиқиб, бунча ифтихор туймаган!..

Қамал кезлари бағрида не-не сиру савдони яширган Алинжак меъморий қиёфасини неча марталаб лолу ҳайрон томоша қилган, шунга қарамай, ҳозир яна гаройиб миноралари ва гумбазларини, илк бор кўраётган сайёҳ каби, маҳлиё бўлиб кузатди. Сўнг тақатқ ёпиқ дарвозага, кўтариб қўйилган осма кўприкка нигоҳи тушаркан, юраги шувиллаб кетди.

Остонада қимирлаган бир жон йўқ, ҳайҳотки, атрофни қабристон сукунати қучган, тубсиз хандақлар оғзини очган кўйи ҳувиллаб ётар, учбурчак шинаклардан чиқиб турган қўша-қўша попукдор найзалар недир хавотирдан огоҳ қилар эди.

— Алтунни наҳотки шайтон йўлдин оздирмиш? — илкис жиловни тортди Соҳибқирон. — Кимга ишонишимни билмай доғдамен, жаноблар!..

— Аъло ҳазрат, Алтун фириб беришини билардим, — деди Малик Зоҳир бўйнини чўзиб. — Қора бургут деб бекор айтмаслар суллоҳни!..

— Сиз не фикрдасиз, улуғ амир?

— Фириб бердимикан? Ундай қилмас-ов! — чайналди амир Отламиш. — Яна билмадим. Бандаси хом сут эмган!..

— Фитна ҳиди анқийдур фаҳми ожизимча, — орага суқилди Бўри тархон, башорат қилишга ошиқиб. — Қаранглар, бало теккандек қалъа бошқача хўмрайиб олмиш!

— Гап сотма-да, хуфияларингни ишга сол! Уқдингми?

Кутилмаган ҳодиса Соҳибқирон борлигини остинустин қилиб юборди. Анчагача ўзини ўнгломай, ўй-

фикри хазондек сочилиб, недир оташда қоврилди. Агар иложи топилса, лаънати алвастилар уясини, ҳозироқ пойдевори билан қўшиб, кунпаякун қилиб ташларди.

Қизиқ, ахир, Қора бургут тунов куни илқидан волийлик ёрлиғини олаётиб, ўпкасини босолмай этагини ўпган, абадий содиқ қули бўлиш учун онт ичган, Тангри таоло номидан қуюқ ваъдалар берганди-ку!

Иложи қанча, яна адашди, ортиқ ишониб, ихлос боғлаган одами девор ушлатиб кетишда устаси фаранг муттаҳамлар қавмидан экан. Ана энди пешонасидан кўрсин, мабодо қўлига тушса, фасод босган калласини жаллод кундасида сапчадек уздиргай, Алинжак кулини кўкка совуриб, етти яшардан етмиш яшаргача жами фуқаросини чўлга бадарга қилур!..

Соҳибқирон бир қадар совугач, бундай шароитда ҳамла уюштиришни телбаликка қиёслади-да, мурсаи мадора йўлини афзал санади. Лекин белгилаган тадбири аввалгидек бирон тайинли самара бермади. Зиммаларига юклатилган вазифани адо этиш мақсадида ошиқиб борган амир Отламишни ҳам, Малик Зоҳирни ҳам, Мир Саййид Баракани ҳам ҳатто дарвоза сари йўлатишмади. Кимдир, Султон Аҳмад ёки Абу Саййид Барқуқ бўлса керак, мавридини топиб, тузуккина кўмак юборган шекилли, авзойидан қалъа куч-қувватга тўлгани, жангу жадални яна бемалол давом эттириш учун қодир эканлиги англашилаётган эди.

Соҳибқирон мийиғида заҳаролуд кулди, ахир, икки оёғи бир этикка тиқилиб қолган экан, бунга бошқа биров эмас, фақат ўзи сабабчи-ку!

Агар ўша куни, тайсаллаб ўтирмай, Алтунни нимталаб ташласа, олам гулистон бўлиб, баридан қутиларди-ку! Недир хаёлда шуни раво билмади, дилини ёритиб турган аллатовур ёғду даъвати билан қиличи шаштини қайтарди. Бугун ана шу қилмиши беҳад қимматга тушаётир, пушаймони шу қадар чексизки, таърифига калом кучи етмас.



Чиндан ҳам энди қандайдир кенгликда чайқалиб ётган гирдобга тушиб қолган-у, қайси томонга сузишни билмасди. Умид уйғотадиган бирон нажот белгиси кўринмаётир, этак силкиб кетади чамаси барига.

Мабодо таваккал тузоқ қўйса ва ҳаддидан ошганига ақли етмаётган Алтунни тумшугидан илинтирса-чи! Лекин қайда тайёр турибди ўша савил? Яна денг, Алинжак Худо урган туйнуксиз бир истеҳком эканлигини билмаса экан, қуриб кетгур ҳеч бир ҳийлага йўл бермас.

Бас, ошқора ҳужумга ўтади. Бошқа ишонарли чора қолмади адашмаса, фақат ҳолдан тойган оз сонли қўшилмалар билан нимага ҳам эришади, одам йўқотгани қолади. Етарли миқдорда ёрдамчи кучлар керак, шундай экан, бугуноқ Идику баҳодир ортидан чопар жўнатсин.

Бу аҳду қарори қалтислиги ва ҳатто қимматга туншажаги кундай равшан, айниқса, йўлдан қайтиш беҳосият — кутилмаган бошқа муаммолар пайдо қилиши мумкин...

Шундай бўлса ҳам эрталаб Ҳумоюн ўрдуда машварати олий чақирди. Давлат арконлари, нўёнлар, бектўралар ва амирзодалар чойшаб ёпилган миз ёнида одоб сақлаб тиззалашгач, кўнглида борини тўқди. Сўнг мавлоно Шамсиддин шай тутган патқаламдан нигоҳ узмай, Идику баҳодирга етказилажак хат мазмунини чамалай бошлади. Фикрлари қовушмай тургани боис ичи тирналаётир, яккам-дуккам ажин тилимлаган кенг-япалоқ пешонаси терчилаган, тим қора пайваста қошлари ўртаси тугунли, хиёл қалин оч қизил лаблари ним табассум ва ним кинояга мойил...

Соҳибқирон диққати ошиб узоқ ўй сурди, ахийри, эндигина даромадини айтгани чоғланган эдики, ногоҳ ланг очиқ эшиқдан юрак ҳовучлаб Бўри тархон мўралади.

Тавба, нима жин урди баҳодирни, тўйиб май ичволган кишидек, кўзлари ола-кула бўлиб гулдираётир,

ёпирай, оғзидан бодраётган ҳар бир калом камондан узилган ўқ каби қаттол!..

— Нелар деб алжирайсен, гумроҳ? — аста ўмганини кўтарди Соҳибқирон, қувониши ёки қайғуришини билмай. — Алтун осонликча жон берадиган нодон эмас-ку!..

— Аъло ҳазрат, муборак хотирингизга аёнки, хиёнат қошида нодон ҳам, оқил ҳам бирдек ожиз!..

Бўри тархон ҳақ: Соҳибқирон хиёнат нақадар мудҳиш эканини беш қўлдек билади, ҳатто у дунёни остин-устин қилиб, жаннат билан дўзахни қўшиб юборишга қодирлигини ҳам билади. Ахир, неча марталаб кучини синади, неча марталаб буқаламун каби тез ўзгаришига тан берди.

Ҳозир савил қолгур мўралаган жозиб боғ ҳатто тиканзорга айланишини ўйларкан, юраги санчиб, ақлу идроки ва шуури қатларида гўё довул қўзғалди-ю, ташқарига отилди.

Худо ҳақи, ишонмаётир кўзларига, ахир, наҳотки, йигирма қадамча нарида мунгли-мунгли кишнаб, мунгайиб-мўлтираб турган саман бедов думига ўраб-чирмаб боғланган жасад Алтун баҳодирники бўлса!?

— И-и-ииммм! Ҳей, Яратган эгам!..

Аллатовур оғир ва маҳзун янграган товуши ҳатто ўзига ҳам бегона туюлди-да, недир армон оғушида, қўлларини фалакка узатди, қалампир тиқилгандек бўғзи ачишиб, туёқлар из солган ола-бужир қумда, йўқ, қумда эмас, гўё хирмондек уйилган чўғда оҳиста тиз чўқди.

Шу заҳоти гўё тамом мажақланиб, ўз қонида ювилган, илғаш маҳол кафанга ўралган жасад ёруғ дунёни тамомила тўсиб қўйди. Тунов кунини не-не умиду шодлик, не-не тилаклар билан лим-лим тўлган, энди эса шам каби сўниқ қароқлар неларни сўйлаётир, неларни?

Орадан бирон соат вақт ўтди ҳамки, Соҳибқирон ҳамон Алтун баҳодир қошида ёғочдек қотиб турар, ўпкасини босолмай бот-бот ўксинар, ёноқлари оша иссиқ-шўртак томчилар дувиллаб тўкилар эди...

Ахийри, ақлу ҳушини ўнглаган Соҳибқирон, темирни қизигида босиб, бари-барини ипидан-игнасиғача билишни истаб қолди. Бас, тезроқ кор-қол тагига етиб, юрагини ёқаётган ўтга сув сепиши керак. Шундай азаматни жувонмарг қилган нобакор илоё Тангри таоло қарғишига учрасин.

Аксига олиб, Бўри тархон, ҳали айтган ярим-ёрти гапларини такрорлашдан нари ўтмай, ҳафсаласини пир қилди. Илгари ерга урса кўкка сапчийдиган баҳодир ниҳоят қартайиб, оғир-енгилига тузуклироқ ярамай қўйганидан ранжиди.

Хайрият, Яратган эгам оху зорини чамаси эшитибди, орадан кўп ўтмай, шому хуфтон оралиғида, фақат ўзи билан мунтазам алоқа боғлаб турадиган айғоқчи — Кўктози ҳозир бўлиб, бошини қотираётган тилсим қулфини очиб-сочиб ташлади.

Ўша кунни эҳтиёт чорасини кўрмай, пасту баландни тўғри баҳоламай, гафлатда қолгани учун ўзини ҳеч қачон кечирмаса керак. Сираси, кўпдан бери Султон Тоҳир панада ўргимчак мисоли тўр тўқиб, пайт пойлаб ётганини қаёқдан билсин. Нима бўлганда ҳам Алтунни ёлғиз жўнатмай, ёнига сара йигитлардан қўшса, вазият бу қадар таранглашиб, мусибат рўй бермаслиги мумкин экан...

Чархи каж ўйинини қарангки, Алтун йўқ ердан Ҳумоюн ўрдуда иззат-икром топгани кўпчиликка ёқмаган. Бундан айниқса Султон Тоҳир қаттиқ гашланган, тунлари уйқуси қочиб, оромини йўқотган, эрта-индин Амир Темур Кўраган ҳомийлигида, Алтун Ироқ тахтига миниши муқаррар эканлигини тахминлагач, отаси билан ошиғич алоқа ўрнатган. Отаси фатво бергач, дарҳол волийлик рутбасини кийиб, қамал боис тинкаи мадори қуриган фуқаролар устидан ҳукм юргиза бошлаган, бинобарин, Мисрдан жўнатилган ҳарбий ва моддий ёрдамга суяниб, Алинжакни ҳимоя қилиш учун бел боғлаган.

Султон Тоҳир бу орада фотиҳи жаҳон инъом айлаган тулпорда елиб келган Алтунни дарвозадан киритмай, дала-дашт сари бадарга қилиш хусусида буйруқ беради. Ҳатто, бу билан қаноатланмай, унинг катта-кичик ҳурматини қозонган укаси Музробни, қилмишларини ёқламагани боис, зиндонда азоблаб қатл эттиради. Яна бир важи, Музроб, йўлида тўғаноқ бўлгани етмай, Бағдод маликалари ичра энг ардоқлиси, энг кўзга яқини ҳисобланган онаси — Қамар Нигор бегим билан донлашган эмиш!..

Соҳибқирон Алинжак мудофаа деворидан улоқтирилган Музроб танаси тошларга урила-урила бурдаланиб кетганини ва бу ҳодисани кўрган Алтун қай аҳволга тушганини элас-элас тасаввур қилиб тез-тез хўрсинарди.

Ҳали тим қора соқоли киндигига тушган Кўктози тинимсиз бидирлаб, ён-верига аланглаб сўйлаган ҳикоя қулоқлари остида қайта-қайта жарангларди. Сўнг бари яна ва яна дили орқали кечиб, ўзи ҳам бор-йўгини бой берган йигит ёнида, қайсидир қоронғу ўнгирда тунаб қолгандек бўларди.

Алтун туғишган инисидек қадрдони Алинжак аж-дарҳо янглиғ оғзидан ўт пуркаб қаршилагани сабабини охир-оқибат тушунади. Сир бой бермаслик учун ҳарчанд уринмасин, барибир кўкси увалади, кўзларидан ёш эмас, қон оқизиб, кимсасиз гўшалар сари бадар кетади, хувиллаган бир ғорни макон, изғиб юрган кийикларни ошно тутаяди. Ёлғизлик жон-жонидан ўтгандан кейин эса, ниҳоят, фотиҳи жаҳон ҳузури муборагига қайтишни мўлжаллайди.

Қайси бир эрта Алтун, тонг ёришар-ёришмас, ўрқачсимон қир-адирлар этагидан илдам бораркан, рўпарасидан шошилмай келаётган, боғичли яп-янги чориқ, оҳори тўқилмаган кигиз хирқа, учли қалпоқ кийган, силлиқ йўнилган узун таёқ тутган басавлат йўловчи диққатини тортади. Салом-алиқдан кейин у Моранд волийси ёллаган вакил эканлигини билгач, боши кўкка етади, зигирча ҳам иккиланмай, Шаҳобиддин Дўғлат қошига ошиқади.

Чиндан ҳам кўп йиллик дўсту қадрдони қулочини кенг ёзиб, очиқ чехра ва лутфи карамлар билан қаршилайди, пойида бир нечта қўчқор сўйдириб, ҳар кимга ҳам насиб этмайдиган катта зиёфат беради. Ҳатто Султон Тоҳирдан Алинжакни тортиб олиши учун ҳар қандай кўмакни дариг тутмаслигини қулоғига қуяди. Армони эртасиёқ ушалишига ишонган Алтун барига лаққа учади. Аммо атроф-жавонибни зимзиё тун пардаси ва осудалиги қоплаб, майи ноб таъсири аралаш уйқуга чўмганда... кўзлари қонга тўлган бир барзанги шарпадек судралиб келади-да, кураги остига тиг санчади!..

Алтун баҳодир охирги лаҳзаларни нақадар қийноқ оғушида кечирганини чамалаган Соҳибқирон яна хўрсинаркан, бўғзидан гўё олов узилди, олов!

Қани ҳозир шайтони лаъин сабоғини олган Султон Тоҳир билан Шаҳобиддин Дўғлат рўпарасида титраб-қақшаб турган бўлса-ю, анчадан бери қинида димиқиб ётган шамшири билан ҳар иккаласининг макру хийла балосига мубтало, иззату икромдан маҳрум каллаларини танидан жудо айласа!?

Йўқ, дангали фаҳму фаросатдан қисилган нобакорлар учун бундай жазо муносиб эмас, иложи топилса, қулоқ-бурунларини тагидан кесдиради-да, тўқимсиз эшакка тескари миндириб, сазойи қилдиради, сазойи!..

Еру осмонни тим қора парда билан туташтирган тунни Соҳибқирон бедор кечирди, мабодо киприклари юмилса, ўша заҳоти тасаввурини Алинжак остонасида хўрлик ютган Алтун эгаллайди, ҳаял ўтмай у қаёққадир чекиниб, ўрнини бурчагида ҳасса суёвли турган торгина хужра, хиёл титранаётган озгин жусса эгаллайди.

Соҳибқирон қат-қат ажин бужмайтирган заҳил чехрада ифодаланган ҳорғинлик аралаш надоматни ҳис этаркан, недир рағбат билан ғойибона мулоқотга киришади. Ушбу мусибатни ҳам ҳазрат гўё уйғоқ сезимлари билан алақачон сезган, зимзиё гўшада якка ўзи пинҳона мотам тутаетир, бағри бирёну дили чексиз ғам-ғусса билан лиммо-лим!..

Эрталаб, бомдоди муборакдан кейин, марҳумни иззат-икром билан дафн этишни буюрди. Бу хошиш-иродасини Мир Саййид Барака маъқуллаб дуо қиларкан, ҳамон зим-зиё бўлиб турган кўнгли тола нур тушгандек сал ёришди.

Ингичка мўйлов қўйган ёшгина чопар, Ҳумоюн ўрду ва қўналга бўйлаб, аср намози пайтида жанозаи савоб ўқилишини жар солиб юрганда, шоҳона ўтов олдида амир Отламиш ва Муҳаммад Султон билан суҳбатлашиб турарди. Хаёли бот-бот Самарқанд сари оғарди, гоҳо сафар хануз поёнига етмагани, гоҳо Мезон буржи бошқа ўлчамга юз бургани, гоҳо Алтун кўксини Умаршайх Мирзо янглиғ ўйиб-ўпириб кетганини ўйлар эди.

Намози асрга ҳали анча вақт бор, шунга қарамай, давлат арконлари ва навкарлар сал муқаддам Алинжак қаршисидаги қияликда пайдо бўлган шаҳидлар қабристонини этагида тўплана бошлашди.

Энли-узун гилам ўртасида қўйилган тобутда Алтун баҳодир осуда ётибди. Тобутни улкан издиҳом ўраган, мўлтираётган нигоҳларда дафъатан пайқаш қийин бўлган бир мунг, бир ҳасрат акс этган, бутун борлиқ-жавонибни қучган зил-замбил сукунат гўё юракларни ҳам ишғол айлаганди.

Мир Саййид Барака ёнида одимлаётган Соҳибқирон жамоа сари зимдан нигоҳ отди, орқадош-дўстлари хошиш-иродасини оғринмай, ихлос билан мўътабар тутаётганини сизди. Кейин эса издиҳом бўйлаб ҳукм сураётган эзгин кайфият аста-секин дилига кўчди, тобутни мўлжал олиб илгари босди-ю, кичикроқ давра четида қўл қовуштириб турган, ихчамгина кумуш тусли соқоли энсиз бетига мувофиқ тушган, дастаси қайрилма ҳассага суянган чолни кўрди.

Ажабо, қария ҳам ўзини зимдан кузатаётир, ҳа, ўгринча термила-термила, бутун вужуди билан берилиб, ҳатто бир хил энтикиб, паришон кузатмоқда.

Қайси бир лаҳзада, илкис ўткир-чўғли нигоҳи билан нигоҳи тўқнашди-ю, юраги ўйноқлаб кетди, ҳа,

юраги темирчи босқонидек гупиллаб, ўзини йўқотиб кўяёзди. Недир ўйда Мир Саййид Баракага ўгирилди, бир сўз айтгани ҳоли етмай, яна тезгина ҳалиги давра томон қаради. Лекин энди мўйсафид жойида йўқ эди, издихом ичкарисига уриб кетган бўлса керак.

Баҳонада Соҳибқирон доруссалтана нафасини туйгандек бўлди. Ҳатто атиги бир сония ичида гўё барча салобатли кошинкорий иморатларини назардан кечириб, жами ола-говур кўчалари, бозорлари, ям-яшил дарахтлар зеб берган сўлим хиёбонлари ва боғу роғларини кезиб чиқди, кезиб!..

Соҳибқирон астагина уф тортди, муаззам пойтахт хаёлидан бўшамай, ниҳоят, майит узра жимгина бош эгаркан, қаёқдандир намози асрга чорловчи азон товуши эшитилди. Сўнг ҳаял ўтмай янграган гумбирлаш муаззин чорловини босиб, ҳатто еру кукни тигратиб юборди.

Ақл бовар қилмас: ҳалигина қилт этмай турган Алинжак энди бирдан жунбишга келмиш, гўё бутун таг-замини, бутун танаси билан кўчиб-қўзғалиб, даҳшат солиб, маҳобат билан силкинаётир.

Ланг очилган дарвозадан аллакимлар тўс-тўполон билан отилиб чиқишганини кўрган улуглар ҳам, аскарлар ҳам беихтиёр ёқа ушлашди. Пўртанани эслатадиган издихом бир учи хандақ гирдига тиралган кўприкни лопиллата-лопиллата пала-партиш олға босар, осмону фалакни бошига кўтариб, тинмай шовқин-сурон солар эди.

Таажжубки, олдинда анчайин бўйчан, соч-соқоли устарада қиртишланган, қўллари чилвир билан чирмаб боғланган кўкси яланг банди туртина-суртина лўкилар, ҳар замонда телбаваш алфозда сўкинар эди. Мабодо у юрмай тихирлик қилса, бирдан тепкилашар, ҳатто тошбўрон қилишар, бесўнақай оёқларидан ушлаб, сомон тиқилган қопдек судрашар эди.

Орадан кўп ўтмай, элик қадамча нарида, оломон тўлқин каби бир чайқалиб тўхтади, недир тилак ва таҳлика ифодаланган кўзлар жаноза тадорикини чека-

ётган жамоа сари тикилди. Шу асно боши узра оппоқ туғ тутган қорувли-ўктам йигит жадал илгарилаб, ҳайрат оғушида турган Соҳибқирон қаршисида тиззалади.

— Олампаноҳ, фақир Алтун баҳодир ноиб ва дўсти Элдош ўғлон бўламен, — деди кейин йўгон товушда. — Қавму қариндош биргалашиб арзга келдик.

— Хўш, — бош ирғади Соҳибқирон, — мақсадингиз недур?

— Қора бургут уруғ-аймоғини учишга ўргатмиш, ушбу ҳиммати тоабад хотирамизда сақланур. Ондин ҳали кўп нарса умидвор эрдик. Лекин шўримиз қисиб қолибдур, тиригиданки жудо бўлибмиз, ўлигига эгаллик қилсак. Худо ҳақи, жасадини қайтариб беринг, ўзимиз дафн этурмиз. Эвазига Алинжак юзини ерга қаратган Султон Тоҳирни олурсиз!..

— Ростми сўзинг, йигит?

— Тангри ҳақиға қасамки, рост!..


Соҳибқирон эҳтиром сақлаб бемалол сўйлаётган, овозида озору эзгинлик, қадди-бастиди гайрату шижоат зуҳурланган Элдош ўғлондан нигоҳ узолмай қолди. Йигит қуйиб қўйгандек Алтунга ўхшардики, бундан тагин ажабланди, ҳатто зафар нишонли кўшин Алинжак остонасида ҳануз депсиниб тургани боисини энди теранроқ англагандек бўлди.

Салдан кейин қалт-қалт учаётган Султон Тоҳирни гуп эткизиб пойига улоқтиришди, негадир унга эътибор беришни хоҳламай, издиҳомдан жимгина узоқлашди.

Соҳибқирон Ҳумоюн ўрдуни мўлжалаб борар, хаёли ҳаргиз пароканда, кўкси негадир бўм-бўш эди. Гоҳо шундоқ тепасида сон-саноксиз тўрғайлар ва қалдирғочлар ўз тилларида неларнидир эзгин-эзгин чуғурлайди, аҳён-аҳёнда Алинжак тарафдан айтишув ва йиғи-сиғи эшитилади. Тепалиқда кўндирилган шоҳона ўтов бўсағасидан ногоҳ ўтирилиб кўз қирини ташлаганда, алвон бахмал ўралган тобутни елкалаган оломон қий-чув билан эндигина кўприқдан ўтган ва дарвозадан кираётган эди...



# ШЕРДОР



Самарқандда осойишталик ҳукм сураётган кунлар...

Ҳижрий минг қирқ тўртинчи сана кўклами Зарафшон соҳиллари ёқалаб сездирмай кириб келгандан кейин шаҳристон жамоли гулдек очилиб кетди. Кўклам қушлари чор-атрофни ҳалқадек ўраган, жаҳонгир Амир Темур замонидаёқ маълуму машҳур бўлган боғу роғларга жон ато қилди. Боғу роғлар билан туташ қирлар, сойлар, ўнгирларда қиш бўйи уйилиб ётган қорлар эрий-эрий бўтанаю шалолага айланди.

Бениҳоя чўзилган қаҳратон оғушида мудраган Афросиёб харобалари уйқуси қочди. Сокин тепаликлар узра қалдирғочлар хушнуд чуғурлайди. Офтоб илитган кўҳна деворлар қолдиқлари бўйлаб из солган кумурсқалар лашкари нари-бери тинимсиз гивирлагани-гивирлаган...

Наврўз шабадаси Обираҳмат ва Сиёб қиргоқларида нишлаган пидина, исмалоқ исларини хонадонлар сари етказишга ошиқади. Баъзан кундузлар марварид тусли йирик-йирик ёмғир савалаб, сабззорлар қўйнида роҳат қилаётган шаҳристон ҳавосини губордан фориг айлар, ҳаял ўтмай тиниб, сийраклашган булутлар орасидан қуёш мўралар эди.

Шаҳри муаззамда алоҳида ўрин тутган муҳандис-меъморлар маҳалласи ўртасидаги ҳовли-боғ навбаҳорни бир соғинч билан қаршилабди. Аллақачон яшил либос кийган дов-дарахт ёмғирда чўмилиб яна ҳам яшнаган, райҳон-жамбил ва турфа гуллар чор-атрофни муаттар бўйларга ғарқ айлаган, ҳар жойда ийманибгина очилган қизғалдоқлар қизариб кўринар эди.

Ҳовлига кунботардаги қўш табақали ўймакор дарвоза ёки унинг биқинида ўрнатилган дарча орқали кирилади. Шундоқ ўнг қанотда энлигина сайисхона тушибди, чапда эса анчайин ҳашамат билан болохонали ва пешайвонли баланд уй солинган бўлиб, барча устунлари, эшиклари беихтиёр киши эътиборини тортадиган ислимий, лола-мадоҳил, занжира нақшлари билан безатилган эди.

Хоналарни теран сукунат қамраган...

Ора-чорада мусичалар ку-кулаши эшитилиб қолади.

Ганчкорий усулда нақш чекилган катта даҳлизда, гулдор панжарали дереза олдида ҳорғин-паришон турган йигит — Муҳаммад Аваз Самарқандий, жимликка тамом ихтиёрини берганми ёки бошқа сабабга кўрами, замин у замонни уйғотган кўклам нашъу намосидан буткул хорижда эди. Келишимли тик қадди-қомагида куч-қувват, думалоқ-оқиш бетида қатъият зоҳир бўлса ҳам, нечундир ҳаракатлари паришон эди. Бу аҳволини ўзи ҳам сезди чоғи, ниҳоят, бир хил гашланиб, огрина бошлади. Ҳовли адоғидаги дарахт шохлари оралаб сизган қуёш нурлари панжарага санчилганда хаёли Регистонга уланди. Йўғ-а, у гўё бирдан дилига бор салобати билан ёпирилиб келди.

Ажабо, дўппини бир айлантириб қўйгунча, орадан ўн беш йилдан зиёдроқ вақт ўтибди-я! Ҳамон ягона мадраса тарҳу амали билан овора бўлишади. Нечун? Дастлари шунча ҳам калтами ёки салтанат ожиз? Агар бу сўз бирор мажлис ёки маърақада оғизга олинса борми, Ялангтўшбий Баҳодирнинг ҳар мўйи найзага айланса керак!..

Мадраса ҳаддан зиёда забардастлиги ҳақидаги мулоҳаза алланечук безовта кўнглига бир нав таскин берди. Шаҳристон чиройига ярашиб тушажаги хусусида беҳисоб башоратлар қилинган бино тамалига илк гиштни меъмору муҳандислар пири саналмиш Мулла Абдуҷаббор Самарқандий, не-не машаққатли жанглардан кейин ҳокимлик тожини кийган Абу Карим

Бойҳожии ўгли Ялангтўшбий Баҳодир пок ният билан қўйган эди. Ўша масъуд онлар — Регистонда азонлаб карнай-сурнай садолари янграгани, беҳисоб халойиқ тўплангани, устод билан ҳукмдор чоркунжак гишталарни қўлларида тутганча тамал сари одимлашгани сира-сира ёдидан кўтарилмайди.

Муҳаммад Аваз одамзот вақтга тобелигини мана энди теранроқ англаб турибди. Во дариғ, саховатпеша бўлишни касб қилган устод не-не уқубатли довондан ошибди ва охир-оқибат қарилик табаррук қўлларига асо тутқазмиш! Бинобарин, ўзининг умридан ҳам қанчаси ўтди-кетди. Агар ул зот бўлмаса нимага эришарди-ю, не кечарди ҳоли?

Ҳукмдорлар шавкатини кўкларга кўтармоқ ниятида не-не муаззам иморатлар солиб, ўзи қилча шуҳрат ва обрў тама қилмаган устод беш йилча бурун ўзига мубошир меъморлик ёрлигини топширганини эслганда кўнгли алланечук қалқиб кетди.

Муҳаммад Аваз баҳор хуш бўйлар билан тўлдирган ҳовлидан узилди, анча гавжум кўча муюлишида, саҳар севалаган ёмғир яшнатган садақайрағоч тагида ўзини кутаётган уста Самандар билан уста Пўлатни кўргач, чехраси ёришди.

— Муборак!.. Муборак бўлгай!..

Қушдек енгил тортган Муҳаммад Аваз ҳам қутлов сўзлари айтиб дўстларини сийлади. Сўнг Наврўз фазилатлари хусусида қизгин мусоҳаба юритган ҳолда Регистон сари қадам босишди.

Майдон тўс-тўполон бўлса ҳам жозибаси ва файзу шукуҳини йўқотмаган эди. Баҳор таровати айниқса турфа обидалар бўёқларини тагин ҳам жонлантириб юборганди. Замонида қилич урмак билан эмас, илм туғини баланд кўтаришда кўпроқ ном таратган Мирзо Улуғбек мадрасасининг залворли пештоқи қуёшда ажаб тусли ярқирар эди. Пештоқдаги жилвакор юлдузлар шундоққина самодан узиб олиниб зарб этилган каби ҳайратомуз туюлади.

Ҳануз илм-фан арбоблари ва толиблари макони бўлиб турган муаззам мадраса қаршисида худди эги-заги каби яна бир салобатли иморат қад ростлаган бўлиб, қачондан бери Муҳаммад Аваз фикри-зикри-ни банд айлагани бежиз эмасди. Янги бино пештоқи ҳали яланғоч, фақат миноралари, гумбазлари, ён деворлари ва ички тарафи эндигина кошинкорий қиёфа ола бошлаган эди.

Чала иморатга қизиқиш билан қарай-қарай кенггина тошлоқ кўчага ўтишди. Икки тарафига савдо расталари жойлашган бу кўча Бибихоним мадрасаси, Ҳазрати Хизр масжидини ёнлаб, Афросиёб харобалари, кейин эса Сиёб ва Обираҳмат ариқлари билан боғланади. Қадам босиш қийин, ер ёрилиб одам чиққан дейсиз. Жамалак таққан шўх-шаддот қизалоқлар, гулдор бахмал дўппи ва беқасам тўн кийган ўғил болалар, паранжи-чачвон ёпинган келинчаклар, гижингланган от минган кувёв тўралару аслзодалар, мункиллаган чол-кампирлар вағир-вуғир билан сайилгоҳ тараф шошилишади.

Гумбазлари зумрад янглиғ ёнаётган Шоҳизинда силсиласи сари элтадиган кўча айниқса тирбанд эди. Кўпириб-тошаётган зиёратчиларга назар ташлаган Муҳаммад Аваз ногоҳ Кеш тўқнашувида яраланган падари бузруквори Бобо Миршароф жонини омон сақлаб қолишни сўрамоқ ниятида онаси билан Шоҳизинда паноҳига бўзчининг моксидек қатнаганларини эслади. Ўшанда, чинакам мўъжиза рўй бериб, осори-атиқаларга шу қадар қаттиқ боғланиб қолдики, дилининг аллақайси бурчидаги илинж ишончга айланди.

Аммо ҳақиму ҳозиқ Абдулмалик Давоий, кунлардан бир кун азон чоғи, Шоҳизинда сари отланган онаболани йўлдан тўхтатиб, Бобо Миршарофни қийнаган дард ва жароҳат қошида ожизлик қилгани учун қайта-қайта афу сўради.

Оқу қорани тузукроқ танимаган ўғлонни, Мовароуннаҳрда пешқадам табиб ҳисобланган зот муолажа-

лари бекор кетганидан кўра, кўпроқ Шоҳизиндадан нажот сўраб қилган илтижолари наф бермагани ҳайратга солди. Ахир, улар астойдил пок ният билан тиловат қилишмаган эдимиз? Етти қават ер остидаги тиррик шоҳ нечун ёлворишларига қулоқ тутмади?

Назокатбону кўз очиб кўрган кишиси ўлимидан кейин ҳам Шоҳизинда остонасини тарк этмади. Муҳаммад Аваз ҳам бўталоқ каби волидаси изидан қолмади. Она-бола қиёфаларида недир умид акс этган турфа тоифали зиёратчиларга заррача эътибор бермай, хиёл ачқимтир ҳаво ўрнашиб қолган ним қоронғи салқин хонага оҳиста кириб боришар эди. Муҳаммад жийда гулидай нозик нақшлар ўйилган бағдодий эшикка, қулоқ етмайдиган кўп қиррали забардаст устунларга, энг тўрдаги бўлманинг ложувард тусда товланувчи шифтига ҳайратланиб тикиларди. Шифтда бўёқлар ва нақшлар шу қадар уйғунликка киришганки, шу қадар теран жозоба кашф этганки, у осмон кўёши, ойи, юлдузлари билан бунда жо бўлганини мурғак тасавбури орқали эътироф этарди. Ҳар гал бу ерга келганда енгил тортар, кўзлари қамашар, гўё ранглар ҳосил қилган буржларга сингиб йўқолар эди.

Онаизор ўзи билан ўзи овора бўлгани сабабли ўгли аҳволини сезмайди, ҳатто уни унутади. Ним қоронғи хона жанубидаги гулдор панжара орқали кўриниб турган қабртош эътиборини ўғирлайди. Сўнг тимирскиланган кўйи бурчақда шам ёқиб, дуога қўл очади.

Муҳаммад шўрлик онасига ачинарди, бинобарин, чарх йўриқларигами ёки меҳрибони жон-жаҳди билан ёпишган эътиқодгами, хуллас, нимага қаттиқроқ суянишни билмасди. Номлари тарих варақларида битилган машоъихлар саргузаштлари аста-секин уни сира қизиқтирмай қўйди. Бора-бора дилида бошқа истак уйғонди. Шаҳар чиройини очган турли осори-атиқаларни якка ўзи бориб кўрадиган, якка ўзи улар қошида соатлаб ўй сурадиган бўлди. Амир Темур, Бибиҳоним, Ишратхона ва Оқсарой каби гаройиб обидалар ёнидан кўпинча қуёш

ботгунча жилмас, кун давомида тусини бир неча бор ўзгартирадиган бўёқлар асирига айланар эди.

Ахийри, Назокатбону фарзанди қандайдир одамови, хиёл мунис, хиёл тажанг бўлиб ўсаётганини пайқади ва кўрқиб кетди. Калаваси учини йўқотган онаизор нима қиларини билмай боши қотди. Агар устод Мулла Абдужаббор пайшанба кунларидан бирида марҳум эри хотирасига дуойи фотиҳа ўқиш учун ташриф буюрмаганда биттаю битта чироқёқари тақдири келгусида не кечиши қоронги эди.

Дуойи фотиҳадан сўнг у ногоҳ, устод эри билан тутинган оға-ини эканини ёдлаб, кўзларини ёшлаганча, ҳасрат қилиб қолди. Меъмор қадди букилаёзган мушфиқ аёл дардларини тинглагач, пойгақда хомуш чўк тушган, ранг-рўйи синиққан Муҳаммадга зимдан нигоҳ отди. Бир зум хаёл сургач, ўғлон тарбиясини эртадан зиммасига олажагини билдириб, онаизорни хотиржам қилди.

Зуккотаъб устоднинг ўша лаҳзадаги ҳолати — паришонлик ва ўкинч ифодаланган қиёфаси Муҳаммад Аваз хаёлида ажаб бир тарзда нурланиб жонланди.

Айни чоғда у уста Самандар ва уста Пўлатдан орқада қолмай, илдам-илдам одимларкан, умрининг ҳар дақиқасини гишту кошин сайқаллаш, иморатларга такрор билмас шаклу шамоийл бағишлаш билан кечирган Мулла Абдужабборга ҳурмати қанчалар баландлигини туйди.

Ортларида асов отлар кишнади ва ҳаял ўтмай дубулга-совут кийган найзабардор сарбозлар жиловларни бўшатганча қичқириб ўтишди:

— Хе-е-ей, пў-ў-шт! Йўл бўшат, халойиқ!..

Бибихоним мадрасасининг ғарбий тарафидаги тор кўчадан бўй-бастлари бир хил қирқ канизак оққушлар янглиғ тизилишиб чиққандан кейин Самарқанд ҳокими Ялангтўшбий Баҳодирнинг кенжа қизи Моҳбону сайил ихтиёр қилганини Муҳаммад Аваз тушунди. Аслзода амирлар, беклар юрагини ёққан опаси

Иқлима падарини қўллаб юрган пири калон Хожа Ҳошимнинг ўғли Муҳаммад Қосим Даҳбедийга уза-тилгандан кейин Моҳбону саройда ўзини эркин куш-дек тута бошлаганидан озми-кўп хабардор эди. Асли-да эса у, эркалик қилиб эмас, анча-мунча шаддотлик билан ота-онаси устидан ҳукм юргизмоқчи бўлар эди. Малоҳатда тенги йўқ кенжа қизи туфайли тагин ҳам катта обру қозониш, беҳисоб бойликка эга бўлишни Ялангтўш анчадан бери орзу қиларди. Шу сабабли Моҳбону билан ҳисоблашар, у нимаики истаса, бари-ни бекаму кўст адо этарди. Масалан, ҳар йили Наврўз сайли билан овуниши, юзига ҳарир парда тутганча, канизақлари қуршовида чорбоғлар ва сабзорларни яёв кезиши, шаҳристон кўчалари, расталарини айла-ниши, осори-атиқаларни зиёрат қилишига розилик билдирар эди. Бутун вилоятда, хусусан, Афросиёб ялангликлари, Сиёб ва Обираҳмат бўйларида кўнгило-чар томошалар уюштириш ҳақида фармон бергач, кўпинча ўзи ҳам Моҳбонудек пари-пайкарни дунёга келтирган катта малика Хуршидаоим билан истиро-ҳатга ошиқарди...

Муҳаммад Аваз бир томонини сел ювган тепалик биқинида шарпадек жонсиз туриб қолди. Марғило-ний саккиз тепки атлас кўйлак кийиб, қўшқават ҳарир ридо ёпинган Моҳбону, атру бўйлар таратиб, шундоқ-қина ёнидан ўтиб кетди. Атрофида сулув ва қувноқ канизақлар соллона-соллона одимлашар, йигитлар ни-гоҳини туйиб, энтикиш билан бир-бирларини аста туртишар, чимчилашар, қиқир-қиқир кулишар эди.

Ногоҳ нимадир Муҳаммад Авазнинг потирлаган юрагига гўё чўғдек жизиллаб тегди. Сираси, Моҳбону рўпарасидан гул-гул яшнаб, бутун кўрку камолини намоиш этиб ўтаётганда чиммати четини эҳтиётко-рона кўтаргандай, ўзига ҳам сирли, ҳам ғамзали нигоҳ отгандай, ширингина жилмайиш ҳады этгандай бўлди.

Ё раб! Наҳотки, мўру малаҳдек одам орасидан ма-лика уни кўрди? Йўқ, қаёқдан кўрсин, орзиқишлари



беҳуда, қачондан бери дилида яшай бошлаган умид саробга ўхшаб чалғитди, холос. Ҳаргиз малак чиммати четини кўтаргани ҳам, қиялатиб қарагани ҳам, маъноли кулгани ҳам ёлгон!..

\* \* \*

Тақдир инояти чексиз экан!..

Бултур ёз адоқларида сарой фариштаси билан илк бор юзлашган фурсатда шундай фикр хаёлидан кечди. Ўшанда гўё у ҳақиқий мўъжиза — иккинчи офтобга дуч келди. Рўпарасида тўсатдан пайдо бўлган рухсор кўзларини шу қадар қамаштириб юбордики, қаттиқ гангиб, анчагача ҳушини ўнглолмай юрди.

Анчадан бери, Ялангтўш Баҳодир фармойишига кўра, вақт пугурдан кеткизган сарой таъмири Муҳаммад Аваз гарданида эди. У, янги мадраса қурилишидан узилиб, шогирдлари Аҳмад Валихон ва Абдуллоҳ Завқий кўмагида, ҳукмдор хоҳишини адо этиш билан машғул эди.

Қашқар, Афғон, Шарқий Эрон, Туркистон, Тибет ўлкалари ва қозоқ, қирғиз, туркман элатларидан беҳисоб совға-салом билан муттасил элчилару меҳмонлар келиб турувчи сершовқин хобгоҳда мураккаб юмуш — кошинкорий безаклар, ганч нақшлар ва заррин гуллар зарб этиш осон эмасди. Келди-кетдидан бўшамайдиган саломхона қўлдан чиқиб, беҳад кенг, баланд шифтли узун хонага ўтишгач, сал енгил нафас олишди ҳамда ишлари осонроқ кўча бошлади. Бениҳоя хилват, осойишта ушбу бўлмада Моҳбонунни тез-тез кўрадиган бўлди.

Тақдир кулиб боққан ўша куни Моҳбону муваққат ёғоч ҳавозадан берироқда одатдагидан узокроқ туриб қолди. Шу фароғатли лаҳзада Муҳаммад Аваз илк дафъа латиф овозини эшитди ва кўксини недир чўг кўйдирди.

— Меъмор жаноблари, — малика беихтиёр ҳарир пардасини кўтарди, энди бутун вужудига нақд олов

туташган Муҳаммад Аваз унга ҳадик аралаш кўз қирини ташлади, — нечун ислимий гуллар бу устунда ингичка-ю, бунисида йўғонлашган?

Муҳаммад Аваз кеча қурилиш аҳволидан хабар олмоқ мақсадида бориб тутилиб қолди ва саройга келолмади. Шогирдлари бекорчиликни эп билмай, бир устунга ислимий зарблашибди. Гуллар дағаллигини дарҳол пайқаган, анча-мунча ранжиган, бироқ эндигина хунар кўчасига мўралаган йигитлар кўнглини оғритишни хоҳламай индамаган эди. Улар хатосини ётиги билан тушунтириш, тарҳга зид безакларни кўчириб ташлаш ва бошқатдан тиклаш хусусида фикр юритаётган пайтда берилган саволдан рўйи-рост довдиради. Аҳмад Валихон билан Абдуллоҳ Завқий шапалоқ еган каби бир-бирларига эсанкираб қарашди.

— Маликам кечиргайлар, — деди йигит, — бу қусур камина кўзидин қочибдир. Иншооллоҳ, эртагаёқ тузатурмиз.

Моҳбону табассум билан мамнун бош ирғади.

Ўша қисқа суҳбатдан кейин, негадир, малика бир ҳафтача кўринмади. Парда ичида чақнаган кўзлар, дудоқлар латофатини чандон оширган майин табассумни у кечаси ҳам, кундузи ҳам унутолмади. Ажабо, шу маҳалгача сокинликка маҳкум бўлган кўнгли энди қафасдаги қушдек безовта, оқшомлар ойга тикилса, ногоҳ кўз ўнгида ўша тиниқ ёноқлар жонланарди-да, еру кўкка сигмай тўлғонар эди.

Тақдир инояти оддида тамомила ҳушдан ажраган Муҳаммад Аваз ўзи сезмаган ҳолда йўл қарайдиган, қайдалиги, не юмуш билан машғуллигини унутиб, ўзи билан ўзи тортишадиган бўлди. Кўпинча кимгадир муштоқлигини ҳатто ўзидан яширар, таъмир икир-чикирларига астойдил шўнгиб, чалғиш ва овунишга уринар эди. Ҳаракатлари беҳуда кетгач, шогирдларини ҳайратга солиб, ҳаво-за пояси ёки бурчақда соатлаб хомуш ўлтирар эди.

Ҳафта ўтгандан кейин Моҳбону кўқдан тушган фа-ришта каби тўсатдан пайдо бўлди. Кунчиқар тараф де-

разаси гирдларини бегаётган Муҳаммад Аваз яқинлашиб келган енгил қадамлар шовурини дафъатан сезмади. Тунука тоғорадаги ганч қоришмасига энгашиган чоғдагина ажаб назокат билан нурланаётган чехрага кўзи тушди. Малика астойдил ҳол сўрар экан, ёқимли овоз, кулгига мойил қирмизий дудоқлар, чақин сачратган серкиприк кўзлар яна борлигини сеҳрлади, ўзини зўрга тутиб олиб саломлашди-да, жимгина ишига берилди.

— Меъмор жаноблари, сиз устозлар устози Муҳаммад Дарвеш Самарқандий шогирди бўлурсизми? — жимликни бузишга журъат этди Моҳбону. — Эшитишимча, аломат суратлар иншо этармисиз?

— Бул менинг гуноҳим! — дея ўтирилди йигит.

— Гуноҳ?..

— Шуңдоғ, маликам! Замона зайлига кўра, жонлуг сувратини қоғоз ёқим матога тортган гумроҳ банда деворга бостирилмоғи ёқим минора тепасидан ташланмоғидин бегабармисиз?

— Сиз ўлимдан қўрқасизми?

— Ўлимдан? Йўқ! — деди Муҳаммад Аваз дадил. — Оллоҳ шоҳидки, ҳеч нарсадан қўрқмасмен. Фақат ҳали улусга нафи тегмаган ҳунарим хоки тупроқ бўлиб кетмоғидан қўрқамен. Ҳазрат Алишер Навоий байтини эслармисиз?

— Ҳар нечук устод Муҳаммад Дарвешга қўл берганингиздан тонасизми?

— Икки дунёда ҳам тонмасмен. Аммо меъмори замон Мулла Абдужаббор ҳазратлари ҳам камина бошида соябон эрур.

— Биламен, сиз меъморлик ила наққошликка кўпроқ топинурсиз.

— Меъморлигу наққошлик мусаввирлик билан эгизакдир.

— Хўп топиб сўзладингиз. Акс ҳолда сиз жонсиз деворларга бу каби жон ато этолмас эдингиз.

— Гоҳо мусаввирлик ҳушимни ўғирлайдир. Кайфиятим алланеук тортиб, гоҳ завқ, гоҳ маъюслик ор-

қасида қўлимга қилқалам тутганимни сезмай қоламан.

Муҳаммад Аваз, яна арзи-ҳол қилиб, кўнглида борини тўкиш, қолаверса, нечундир адо этган юмушларидан қониқмай келаётганини билдириб қўйиш тилагида эди, лекин одоб юзасидан тилини тишлади.

Малика эса сирли қиёфа олган кўйи орзиқиб турар, ҳар калимаси маънодору қўли гул йигитга ҳавас қилаётгани англашилар эди.

— Каминани афв этгайсиз, — деди Моҳбону, тушунуксиз бир маҳзунлик билан, — сарой қошида пайдо бўлганингиз ҳамоно кўнглимда сиздан бир кўмак сўраш истаги туғилмиш!

— Бир бечораҳол кимсадин маликам қандоқ кўмак тилайдилар?

— Ҳозир баридан воқиф бўласиз!

Бир неча сониядан кейин Моҳбону Муҳаммад Авазни арк хосхоналари сари элтадиган сокин йўлак бўйлаб бемалол эргаштириб борар эди. Ҳеч нарсани тушунмаган йигит саросима оғушида жимгина одимлар, гоҳо ён-верига ҳадиксираб аланглар эди. Дадил илгари бо-саётган Моҳбону қуёнюрак эканлигига шама қилиб куларкан, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқлигини таъкидлаб қўйди.

Ичма-ич қурилган бир нечта баҳаво, ним қоронғу хонадан ўтишди. Ажабки, чўғдек безатилган, токчалари ва тахмонларига ганч нақшлар ўйилган, панжарали деразаларига пардалар тутилган бўлмалар бўм-бўш эди. Бағдодий эшик орқали яна бир узун йўлакка чиқишди. Оёқ остида узунасига ял-ял товланувчан пояндозлар тўшалган, токчаларда қатор-қатор хитойи гулдор чинни идишлар, зар юритилган сандиқчалар, бўйни ингичка сопол кўзачалар терилган, доира шаклидаги майдончаларда бежирим курсилар, хонтахталар, улкан хумлар қўйилган эди.

Малика, ортига бир қарагач, энг адоқдаги баланд ўймакор эшик қаршисида тўхтади. Кўксини таранг

тортиб турган, гавҳару ёқут қадалган қирмизи бахмал нимчаси чўнтагидан калит олди ва шиқирлатиб қулфни очди.

Муҳаммад Аваз, остона ҳатлаган ҳамоно, қачондан бери ўзига таниш турли бўёқ ҳиди тутган кенгина айлана хонага шоша-пиша кўз югуртирди. Ва етти ухлаб тушга кирмайдиган ғаройиб масканга келиб қолган одам ҳолига тушди. Шошгани шунчаки, неча мартаба кўзларини юмиб-очса ҳамки, манзара ўзгармади: деворга номаълум мусаввир бутун истеъдодини сарфлаб чизган суратлар илинган эди. Яна бир қанчаси ўртадаги чорқирра устунларга суяб қўйилмиш!..

Муҳаммад Аваз жилмайиб турган Моҳбону чеҳрасига илк бор узоқ, ҳа, бениҳоя узоқ термилди. Гўё шу билан мислсиз ҳайрат чоҳига қулаганини ифодалади. Ажабки, ҳамон тили айланмас, вужуди карахт, ўй-фикри пароканда эди. Ахийри, сал ўзини ўнглаб, вазмин одимлар билан тўрга ўтди. Ўнг қўлдаги суратга яқинлашаётиб, кўкимтир бўёқ солинган сопол идишга тўқишди. Ёғоч шокосадаги сувга солиб қўйилган қилқалам ҳисобига етиб бўлмасди. Тавба, бу гўшада мусаввирлар жамоаси ижод ила машгулми?

Ҳамон сўз қотишга ожизлик қилаётган Муҳаммад Аваз ҳайрат ва завқ оғушида дуч келган биринчи суратни назардан кечира бошлади. Қорабайир отлар уюри тасвирланган матодан нигоҳ узолмай қолди. Тўғри, ранглар кенглик ифодасида бир қадар ожизлик қилганди, шунга қарамай, ҳар бир чизикда аллақандай шиддат ва кўркамлик бўртиб турар эди.

— Бул Ҳабибаники! — деди Моҳбону кулимсираб.

— Ул ким?

— Маним канизагим. Ҳалиги... дугонам!

— Ё ажаб! Худо ҳақи, кўзларимга ишонмасмен!..

Кўксиде ажабтовур туғён туйган Муҳаммад Аваз яна томоша билан машгул бўлди. Мана бу сурат ҳажман кичикроқ бўлса ҳамки, кенглик жозибасини тегран ифодалаган эди. Кутилмаган сирни ранглардан

қидирди: адоғи кўринмас яйдоқ дашт ўртасида якка қайрағоч мунғайиб туради. Олисда, тоғ этакларида кўзгалган бўрон қайрағоч сари шиддат билан ёпирилиб келади. Якка дарахт қисмати ногоҳ кўксини ачитиб, хаёлини қаёқларгадир адаштириб кетди.

— Бу фожиага ким жон бермиш?

— Камина! — Моҳбонунинг саф тортган узун-қалин киприклари оҳиста эгилди, сал ўтиб у тўрдаги матога ишора қилди: — Ушбуни ҳам кўринг. Нима дейсиз, бўёқлари Зарафшон шовқинини тиклаганми?

Йўнилган чорчўпга тортилган оппоқ матодаги манзара шундоқ Зарафшон соҳилидан кўчирилгандек эди. Қоятошларни юваётган мавжлар, ёввойи жийда буталари, қумлоқда нишлаган ялпиз, терак шохида қўнган қалдирғочлар — бари-бариси ўз ранги, ўз қиёфасини топган эди. Салобатли тоғ, кўза кўтариб сувга келаётган дуркун қизлар, уларни нақшинкор дарвоза олди-дан маъсланиб кузатаётган зулфлари гажак, қошлари камон келинчак айниқса эътиборни тортар эди..

— Ажаб бўстон! — деди Муҳаммад Аваз, хона бўйлаб томошасини охирига етказгач. — Аммо булар сизга фароғат эмас, фақат қайғу келтиражагини қандоғ тушунтирай?

— Бунини тушунтирмакка ҳожат йўқдир. Сиз баён қилган хатардан оз бўлса ҳам воқифман! — Моҳбону нигоҳи қатъиятли порлади. — Камина сизни, булардаги қусурларни англатар, деган илинж билан бошлаб келган эрдим.

— Маликам, алар андоғ нафис чизилмишки, ҳарчанд уринсам-да, ҳеч биридан қусур тополмадим. Фақат, ўтинаман, бир сирни фош айланг. Қайси бахтиёр зотни устоз билурсиз?

— Замонамиз Беҳзоди саналмиш пири комил Муҳаммад Дарвеш Самарқандий жанобларини! — Моҳбону киприкларини пирпиратганча ифтихорини ошкор қилди. — Сиздек соҳиби истеъдод хусусинда даставвал ўша муҳтарам зотдан эшитиб эрдим.

— Устод мушкул вазифани чўчимай бўйнига олганидан ҳайратдамен.

— Волидам ўтинчини инобатга тутдилар. Негаки, қон оғишмаган қариндош бўлурлар.

— Волидангиз сизни оқибати қаролиғ юмушдан қайтармоқ ўрнига нечун рағбатлантирур?

— Меъмор жаноблари, меҳрибоним ёшлик чоғларида мусаввирлик ҳунарига обдон қизиққан эканлар. Аммо ёшлари ўтиши билан негадир совиганлар. Бир баҳонаи сабаб билан сандиқдан қилқаламлари ва хомакиларини топиб олдим.

— Кейин-чи? — шошилиб савол берди Муҳаммад Аваз.

— Кейин иккимиз хилватроқ хона танлаб бекитиқча шуғулландик. Тўғриси, волидамни ҳоли-жонига қўймадим. Камина билан ярим йилча машғул бўлдилар, инжиқлигим бадларига урди чоғи, тагин юз бурдилар. Қилқалам билан бўёқларни ўйлаб кечалари уйқум қочарди. Тузукроқ нарса иншо этолмай ўзимни ўзим қийнардим. Охири волидам аҳволимни тушундилар ва мушқулимни осон қилмоқ пайига тушдилар. Падари бузрукворимни безори жон қилиб, Улугбек мадрасасида мударрислик ила машғул устои комилни сарой арбоблари сафига олдирдилар. Ҳазрат тез орада кўзимни очиб, қўлимни ўнгладилар. Надоматким, қувончим узоққа бормади, устод валинеъматим билан келишолмай, кетиб қолдилар. Ўшандан буён тагин чорасиз ожизаман. Энди сиз мурувватингизни дариг тутмагайсиз!..

— Камина сиздан мурувватимни дариг тутмаймен, — деди Муҳаммад Аваз хаёлдан бўшамай. — Фақат, бул мураккаб жабҳага тишим унчалик ўтмаслигини айтиб қўяй!

— Ёшурмай айтинг. Қўрқасизми?

— Маликам, балки қўрқаётганим ростдир! — Муҳаммад Аваз эшик сари йўналди. — Иккиламчи, оёққўлим боғланган, ташвишим бошимдан ошиб ётадир.

— Шошманг! Камина дилингизга озор еткармоқчи эмасдим.

— Дилим унча-мунчада озор топмас, маликам.

— Унда сўзларимга қулоқ беринг. Камина шу кунларда бир хомаки устида куйинаман. Қиёмига етгач, ани кўздан кечирмак ниятида келгаймусиз?

Муҳаммад Аваз малика овозидан шуни илғадики, у мудом бир яқин суҳбатдошга интиқ, доим ҳунарини кимгадир кўз-кўз қилиб, юрагини тўкишни иштайди. Қилқалам нурлантирган суратларини фаҳму фаросатли кишига кўрсатиб, ундан олқиш эшитса, ана шундагина жони ором топади, ўзини саодатманд сезади. Минг афсус, бу гўшада, ичини ёрса қил чиқмайдиган каслар тўпланган деворлар ичида, ким у билан баҳсу мунозара ихтиёр этарди?!

Сарой таъмири ҳали чўзилиши тайин эди. Ана шу қулай имкониятни назарда тутган Муҳаммад Аваз хомаки битгандан кейин келиб кўриш ва хулосасини айтиш учун тайёр эканини билдирди. Бу аҳду қароридан Моҳбону беҳад севингани, дилида миннатдорлик туйғуси жўш ургангани туйиб, ўйчан қиёфада остонадан узоқлашди...

\* \* \*

Кўклам қуёши тиккага кўтарилгани сайин Самарқанд заминини яна ҳам улкан қувонч, таърифи йўқ бир файз чулғаб борар эди. Бир-бири билан уланиб кетган кўчалар ва ҳатто қиру адирлар шовқин-суронга тўла эди. Айниқса, суви шишадек зилол Сиёб бўйи — сайилгоҳ тирбанд бўлиб, каттаю кичик ҳамон боштириб келар эди.

Ёшараётган олам шоду хуррамлигини дилларига жойлаган сайилчилар ҳар жой-ҳар жойда давра қуриб ўтиришар, кимдир қўшиқ-алёр айтса, кимдир рақсга тушар, кимдир дутор ёки танбур чертар эди.



Азалий русумга кўра, беклар-амирлар, бойлар, савдогарлар бир тараф, ўртаҳол тоифа бир тараф, олиму фузало бир тараф, ҳунарманду косиблар бир тараф, деҳқонлару чоракорлар бир тараф, бева-бечоралар бир тараф эди.

Айрим дин пешволари ва уламолар ўзларини дуч келган мажлисга уришиб, фоний дунё, охират ҳақида, пайғамбарлар ва авлиё-анбиёлар кароматлари хусусида ибратли ҳикоятлар сўйлашар эди.

Этакроқда жуддур кийинган, бошларига учлик кигиз қалпоқ қўндирган озгин-бўйчан дарвешлар, гоҳо яланг кўкракларига уриб, гоҳо эгри-бугри асоларини силкитиб, тинмай зикр тушишар, баъзи ёш-яланг уларни маҳлиё бўлиб кузатар эди.

Сиёб соҳилида қўпган ола-тасир манзара Муҳаммад Аваз учун янгилик эмасди. Ҳар йили баҳор аввалида у бундай сертўполон шодиёнага албатта гувоҳ ўтарди. Дўстларини икки ёнига олиб, мамнун қиёфада келаркан, Мирзо Улуғбек мадрасаси мударрислари — табиблар пешвоси, кимёгарлар пири Абдулмалик ибн Мулла Шаҳобиддин Давоий Самарқандий, ҳандаса илмида беназир олим Дўстий Самарқандий, Ялангтўш аркони давлати сафидан муносиб ўрин топган шоир мавлоно Имомиддин Шерхўжа Самарқандий жанобларини анча олисдан таниди. Мовароуннаҳр доврўгини олам аро ёйган бу муҳтарам зотлар давраси кўринишда оддий бўлса ҳам назокат ва малоҳат бобида етук эди. Илм билан назмга қизиққан кимсалар улар саховатидан баҳра олиш иштиёқи билан шошилишар эди. Давра ҳуснига зеб берган мавлоно Дўстий оқ оралаган қалин соқолини оҳиста силаб, янги йил кирганда фалак буржларида юз берадиган ўзгаришлар, Мирзо Улуғбек томонидан кашф этилган юлдузлар жойлашуви, Зижжи Кўрагоний жадвалидаги башарни лол қолдирган фалакиёт илмига тегишли хулосалар ҳақида мулоҳаза юритди. Мударрис фикрларини бошқалар камоли эҳтиром билан тинглашди. Сўнг та-

библар пири Абдулмалик Давоий бу айём тошга айланган юракларда ҳам гул ўстира олишини, дийдаларда тўпланган мағорларни абри найсон суви билан ювиб, ҳар бандани саодатга мушарраф айлашини тавсиф этди. Шоир мавлоно Имомиддин маликул-калом Алишер Навоий бисотидан бурро-бурро қилиб ўқиди:

Мувофиқ кийдилар бўлмиш магар Наврўз ила байрам,  
Чаман сарви яшил хилъат менинг сарви равоним ҳам.

Нуктадон устодлар суҳбати Муҳаммад Аваз руҳини чарагон айлади. У айниқса билагонлиги ва камсуқумлиги билан танилган, давралар гули бўлиб ўтирадиган мавлоно Дўстий ўйчан бир алфозда изҳор этган сабоқларни қизиқиб тинглади. Қачондир у Мулла Абдужабборга шогирд тушиб, таҳсил олмоқ ниятида Мирзо Улуғбек мадрасасига қатнаган кезлар бу нозиктаъб инсон жонфидалиги ва эътиқодда собитлигига кўп марта гувоҳ бўлган эди. Мусаввирлик жабаҳасида устози — айни кунда дорилшифоия ҳужраларидан бирини хилват билиб ижодиётга берилган Муҳаммад Дарвеш Самарқандий мавлоно Дўстий билан ҳамфикр ва ҳаммаслак эканлиги куч ва рағбат берган эди.

Муҳаммад Аваз хонанишинликни ихтиёр этган, қариллик остонасида лиқиллаб турган устодни эслаб маъюс тортди. Бугун ўз майли-хоҳиши билан овора бўлиб, аҳволдан хабар ололмагани учун ўзидан ранжиди. Эртагаёқ албатта Наврўз билан қутлаш учун ҳужрасига қадам ранжида қилишни ўйлаб, мавлоно Давоийга юзланди.

— Табиб жаноблари, устод аҳволлари нечук?

— Ҳазор марта шукрим, аҳволлари тузук. Эгамдин имон ила саломатлик тилаб ётадилар. Аммо не боис, билмадим, кейинги кунларда камина муолажасига ишонмаслар.

— Сабаби не эркан?

— Адашмасам, ҳар уволу ҳар савоб, ҳар мавлуду ҳар қазо, ҳар роҳату ҳар азоб ўзидин эркан, бандаси аларни бир ёқли қилмоқликка ожиздир, деган фикрга ёпишиб олмишлар. Зоти шариф хулосалари Ҳақ нури ила табаррук бўлса ҳам, бандаси кўкка термилиб ўти-ра беришини ножоиз ҳисоблармен. Ҳазрат Нақшбанд ўтит айтмишларки, дил ба ёру даст ба кор!

— Илло, фақир ҳам сиз тарафда!..

— Ўғлим, ишончдан ажралсак яшамақда бирон-бир маъно қолмас.

— Тушунаман. Сизу биз умидланиш ила тирик-миз.

— Баракалло сизга!..

Табиблар пиридан олқиш олиб бир қадар ҳаяжонланган ва руҳи юксалган Муҳаммад Аваз қўлини кўксига қўйганча эҳтиром кўрсатди. Қон тепчиган бетига ярашиб тушган, ихчам кузалган тим қора соқолини силай-силаё, пича сукут сақлагач, қўзғалиш учун одоб билан ижозат сўради.

Муваққат расталарда бу ёғи Ҳиндистон, бу ёғи Хитой, бу ёғи Ўрисиё, бу ёғи Эрон, бу ёғи Арабистондан келтирилган қимматбаҳо газмол, пойабзал, қандолат хирмон-хирмон уйилган эди. Тижорат аҳли молини осмону фалакка кўтариб мақташ баробарида нарҳини оширса, харидор аҳли ҳар қанақа зўр матоҳни сўзамоллик билан камситар ва баҳосини ерга урар эди.

Муҳаммад Аваз бунақа «жанг»га тоқат қилолмасди, шу боис мийиғида кула-кула расталардан тез узоқлашди. Бир неча қадам босган заҳоти димоғига қирғоқда ўрнатилган маърака қозонларда пишаётган мазали таомлар иси урилди. Думба ёғи, жувоз ёғига дамланган паловхонтўра, ял-ял чўғда жиз-биз бўлаётган барра кабобу жигар кабоб, биқирлаб қайнаётган нўхат шўрва, ҳил-ҳил пишган калла-поча нақд сўлакайини оқизди.

Иштаҳаси карнай бўлиб кетган Муҳаммад Аваз атрофига аланглаб уста Пўлат билан уста Самандарни

кўрмади. Ариқ ёқалаб юқориларкан, аллақачон кур-  
таклаган толу тераклар тагида қатор тизилган, кўкрак-  
лари олмадеккина бўртган жамалакли қизлар эътибо-  
рини тортди. Сал ўтиб, ўзаро маъноли кўз уриштир-  
ганча, улар Наврўз лапарини айта бошлашди:

Жон сўрайсан, Наврўзим,  
Сенга жонлар садага...

Яйдоқ қир этагидаги кенг майдонда гулдор кигиз-  
лар тўшалган, оппоқ соқолли кайвони чоллар, мўйлаб-  
лари сабза урган чайир йигитлар, кийик каби аб-  
жир ўсмирлар даврани кенг олиб кураш тушаётган  
эдилар.

Наврўз сеҳри ва жозибасини янада чуқурроқ туя  
бошлаган Муҳаммад Аваз урина-сурина ям-яшил қир  
биқинига келиб қолди. Недир қизиқиш билан қирни  
айланиб, кунботар томонга ўтди. Баланд дорларда  
Самарқанду Бухоронинг кўкни қучишга қодир дор-  
бозлари тараф-тараф томоша кўрсатишмоқда. Яна бир  
томонда афту башараларини бўяб, ола-қуроқ кийин-  
ган қизиқчи ва масхарабозлар кулги ва ҳажв гулхани-  
ни ёқишаётган эди. Яна бошқа жойда муғаннийлар  
берилиб соз чалишади, хонандалар эшилиб хониш  
қилишади, уқпар таққан раққосалар олача гиламлар  
устида капалақдек пириллаб айланишади.

Қир нишабидаги супа тахлит майдончада, канизак-  
лари қуршовида, Моҳбону аломат томошаларни жим-  
гина суқланиб кузатар, сарвни эслатувчи нозик адо  
қадди-қоматида, кўклам нашидасини жо қилган кўзла-  
рида бир жозоба намоён эди.

Муҳаммад Аваз маликани эгнидаги бичими бе-  
ниҳоя нозик ва кўримли атлас кўйлагидан таниди,  
бир ҳаприқди-да, ўша томон талпинди. Тинмагур са-  
йилчилар орасидан аранг йўл очиб бораётиб, ногоҳ  
нарироқда Ялангтўш бош вазири Бобоҳўжа Муслим  
ибн Салоҳиддинхўжа ўғли, яқинда қурилиш молия  
мирзаси этиб тайинланган Набихўжа билан тўқнаш-

ди. Нукул қир сари тикилаётган Набихўжа довдираб кетди-да, гудраниб қаёққадир йўқолди. Нимадир йигит ичини аёвсиз тимдалади. Во ажаб, нобакор намунча пишқирмаса, ҳуш-хаёлини қайси малакка ўғирлатди экан?

Салдан кейин кўрдик, Набихўжа бўлиқ майсазорда қантарувли, заррин ҳошияли ёпқилар ёпилган, нақшли эгар урилган, кумуш узангили тўриқ сари юрди. Кўп ўтмай у бедов белида қаққайиб ўтирар, совуқ чақнаётган нигоҳини тагин майдончада чуғурлашаётган пари-пайкарларга қадаган эди.

Қиш рутубати чарчатган диллардан ҳорғинлик ва гам-гуссани аритган ажаб томошалар кечга яқин тугади. Сайилгоҳда одам сийраклашиб, ҳар жой-ҳар жойда кўнгилочар ўйинлардан шунчаки излар қолди, холос. Қари-қартанг, ёш-яланг шаҳарга ошиқа бошлаган палада Моҳбону ва канизаклар истироҳати ҳам ниҳоя топди.

Мана, улар бахмал билан безатилган, гижинглаган жийрон отлар қўшилган араваларга қўнишди-да, оламини муаттар исларга ғарқ айлаб, ҳазилу кулги билан соҳил ёқалаб жўнашди.

Муҳаммад Аваз бир неча кун муқаддам атай текисланган йўлдан бир маромда елиб бораётган аравалар ортидан юраги тўкилгудек бўлиб тикилар, бутун вужудини ажаб бир ташналик қамраган эди.

Қуёш уфққа чўкканда у Шоҳизинда ёни билан шошилмай одимлар, негадир ўкинар, хаёли пароканда эди. Сўнг Бибиҳоним мадрасаси биқинидан, ўзини ўзи тергаб, бўйнига йўқ ердаги айбларни осиб, паришон алфозда ўтди. Муҳандис-меъморлар маҳалласига етгунча учраган ошналари, таниш-билишлари билан тугузли сўрашмай, ҳар бирини доғда қолдирди. Жимжит ҳовлига кириб, гиштин йўлак орқали айвонга яқинлашганда, кимдир дарвозани авайлабгина тақиллатди. Шоша бориб зулфинни туширди-ю, остонада узун нимпушти кўйлаги, зарли нимчаси қадди-бастии-

га ярашган ўрта бўй хонимни кўрди. У чимматини кўтарди-да, йигитга сурмали кўзларини қадади:

— Ушбунни маликам бериб юбормишлар!

Тоза сурфга ўроғли тугунчани узатиб аёл изига бурилди.

На илож, Муҳаммад Аваз анграйиб қолаверди.

Моҳбону йўлаган ҳадя беихтиёр кишини ром этадиган ҳаворанг шоҳи палак эди. Орасидан ҳиндий ёки арабий атир сепилган хат чиқди-ю, юраги қафасдаги қушдек потирлаб ура бошлади. Сўнг, қизиқсиниш билан палакка тикиларкан, шундоқ кўз ўнгида яшин ярқ этгандек, йўқ, яшиндан-да кучли нарса чақнагандек бўлди.

Муҳаммад Аваз Самарқандни шунча кезгани, қанча-қанча моҳир чеварларни таниганига қарамай, ҳалига қадар бунақа палакни учратмаган эди. Таҳсинки, гирди сийму зар билан ҳошиялангани устига, бурчларида ингичка тилла чизиқлар тортилган, муҳими, улар уйғун тарзда бирлаша-бирлаша ислимий гуллар пайдо қилган эди. Бундан ташқари, иплар бир ажаб манзарани бир нозик ифодалаган бўлиб, унинг қошида кўп нарса бекор!..

Ажабо, икки адад шер, икки адад кийик!..

Қудратли арслонлар билан нозик-ниҳол оҳулар қиёфасидаги ҳадик ва ҳурковичликни ипак қусурсиз англагани Муҳаммад Авазни ҳайрон қолдириб, бутун шуури-онгини алғов-далғов қилиб ташлади. Ёруғ дунёда мавжуд кўпдан-кўп кашфиётлардан қолишмайдиган тасвир замирида ниҳон маънога ақли етмай, узоқ хаёл сурди. Ниҳоят, аста хонтахта ёнига чўкиб, тўрт букланган мактубни очди:

*«Меъмор жаноблари, сиздек фақат ўз кўнглига суяниб яшайдиган зотни хаёлимга Наврўзи олам билан бот-бот қутлаганимни ушбу битик изҳор айласин. Сиз ўзига яқин-у, дунё ҳою ҳавасига узоқ оғамсиз. Шунини кашф этганим боис қачондан бери руҳим қанотланур.*

*Ҳар неки тилагингиз пешонангизда чарақлаган офтоби шаън ўлғай!..»*

Кўкси илиқ ҳислар билан тўлган Муҳаммад Аваз бир ҳазин оҳ чекди, хатни буклаб қўйнига соларкан, ҳозироқ Моҳбону қошига парвоз қилгиси, алақачон дилини ишғол қилган париваш пойига йиқилганча, бор дарду ҳасратини тўкиб-солгиси келди. Омонат дунё кун сайин дилини умид нури ва ҳаёт нашидаси билан тўлдираётганини парилар парисига тўлиб-тошиб айтиши керак. Ҳайҳот, кошки бунинг иложи бўлса, ахир, не-не олгир каслар кечаю кундуз бедор қўриқлайдиган ўша маконга кириш осон эканми?

Муҳаммад Аваз бўлмага сизмай қолди. Анчадан кейин ўзидан ўтганини ўзи билиб, палакни хонтахтада авайлаб ёзди ва бошқатдан томоша қилди. Ҳайратига яна ҳайрат қўшилиб, қибла сари деворга осиб қўйди. Эшиқдан кирганда жонлуғлар ногаҳон тириқдай кўринар, хона юзасига сакрай тушиб, ирғишлаб қочадигандай туюлар эди.

Ажаб совға! Не сирни пинҳон тутмиш ботинида?

Муҳаммад Аваз, тун бўйи яхши ухламай, Моҳбону кўп илмдан воқифлиги, палак у кеча-кундуз чеккан захмат меваси эканлиги хусусида узоқ ва қизгин мушоҳада юритди, ҳатто эрталаб Регистон сари отланганда ҳам шу ҳақда ифтихор билан хаёл сураб ва ўзича кулимсирар эди.

\* \* \*

Мирзо Улуғбек мадрасаси қаршисидаги кошинкорий либос кия бошлаган, ҳатто шаҳардаги бошқа оғалари билан рақобатга киришган иморат чиндан ҳам салобатли эди. Икки гумбази билан икки минораси нақд кўк тоқига тиралган, аниқроғи, самони устун каби кўтариб турар, ҳали яна юксалиб, юлдузлар ошёнига етадигандек эди.

Муҳаммад Аваз шошилмай Мирзо Улуғбек мадрасаси томон бурилди, майда ислимий нақшлар чекилган дарвозадан кирар экан, беихтиёр чехраси нурланди. Мудом эрталаб ишни бошлашдан олдин мударрис-алломалар қошига келар, ҳар бири билан қуюқ саломлашиб, ҳар биридан кўнгил сўраб, оқ фотиҳа олгач, хотиржам изига қайтар эди.

Бутун дастлаб мавлоно Дўстий Самарқандий билан (у шоирликка ҳам ҳавасманд) дийдорлашди. Элу юрт фойдасини чўтлайдиган меъмору муҳандислар ҳақида битилган, сиёҳи қуримаган рубоийсини эшитиб кўнгли тоғдек ўсди. Ширин суҳбатни мударрислардан Мулла Охунд, Мулла Қози Соқий Зоминий ташрифи яна ҳам обод қилди. Хусусан Мулла Қози суҳбатидан баҳрамаңд бўлгани туфайли беҳад руҳланди.

У асли зоминлик бўлиб, бутун Самарқанд музофоти ва саройда алоҳида нуфуз соҳиби эди. Дунёвий ва руҳоний илмларни пухта эгаллагани сабабли, Ялангтўш тенгсиз ҳурматга лойиқ топди. Имони бутунлигига ишонч ҳосил қилгач, шаҳар қозилиги ва Мирзо Улуғбек мадрасаси мударрислигига тайинлади. Кейинроқ у, сўлим гўшада мадраса тиклагач, улус орасида тагин ҳам юксак обрў ортгирди. Пок ниятли кишилар таърифига тушган илму урфон уйида турли фанлардан ўзи сабоқ бера бошлагани айниқса савоб устига савоб бўлди.

Айни чоғда Мулла Охунд ушбу маълум ва машҳур илм даргоҳидан ҳам қадамини узмас, салоҳиятли муллавачаларга ҳикмат, ҳуқуқ ва мантиқдан сабоқ улашар, айниқса, араб тили бўйича ўтадиган дарслари қизгин тортишувлар туғдирар эди.

— Қадамларига ҳасанот, — деди мавлоно Дўстий, очик чехра билан. — Нимадан қуруқ қолдингизки, бунча югурадирсиз?

— Мавлоно, назм ва бадиият борасинда мунозара белгилаган эрдик, — деди Мулла Охунд. — Аксига олиб кечикдим. Шу боис шошилган жойим!..



— Асл талабалик устодни кутмоқликдир.

— Алҳол, узр, фикримча, асл талабалик илм сарҳадларига интилиш демақдир. Қолган ҳар неки уришишлар қанотсиз парвоз қилиш ташвишини чекиш билан баробар!..

Устод Мулла Охунд айтган ўткир мулоҳазага тан берган мавлоно Дўстий мулоийим жилмайди ва ҳурмат юзасидан енгил таъзим қилди. Ўша заҳоти талабалар орасида зеҳни-фикри тиниқ йигитлар анча кўплиги шукроналар билан эътироф этилди ва суҳбат Ялангтўшбий Баҳодир саховатпешалиқда салафларидан қолишмаслиги хусусидаги хулосага бориб тақалди.

Мадраса ҳовлиси ўртасида қўйилган, адрасу кимхоб кўрпачалар тўшалган чорпояда андиша-одоб доирасида кечаётган гурунг Муҳаммад Авазга ғоят маъқул бўлган, зеро устозлар дийдоридан кўнгил узолмай ўлтирар эди. Ахийри, ноилож узр сўраб, зарур юмушлар кутаётганини айтди-да, тез-тез одимлаб дарвозадан чиқди. Тўс-тўполон майдон чеккароғида Мулла Абдужабборни учратди. Жомакор кийган, бети-соқолига чанг қўнган, анчайин касалванд туюладиган устодни Наврўз айёми билан қутлагач, елкасидан тоғ қулагандек бўлди.

Устод фотиҳасини олгандан кейин Муҳаммад Аваз ёғоч ҳавоза зиналаридан жанубий гумбаз учига кўтарилиб, усталар билан ёнма-ён гишткорлик қилди. Пешинга яқин ички зинали йўлақдан шимолий минорга чиқиб, уста Фармон Кеший билан шогирдлари сафида муқарнас шарафаларини зарб этиш билан шуғулланди.

Тушлиқдан кейин Регистонда шовқин-сурон, тала-тўп авжига минган бўлиб, барча ғайрат-шижоат кўрсатиш учун интилар, зимдан ўзаро мусобақа қилар эди. Иморат айланасида ўрнатилган пасту баланд ҳавозаларни қуллар ва мардикорлар лопиллатиб одимлар, бир-бирларига далда бўлиш, бир-бирларини қўллаш учун: «Бўл,

ҳо-о, бўл!» — дейишиб, юқорига обаки гишт ва тайёр кошинбуруш бўлаklarини ташир эдилар.

Майдонда оёқ қўйгани жой топилмайди. Ҳавозалар тагида сиркор кошинлар тўдаланган, яроқли-яроқсиз буюмлар, арча, чинор ва терак пайрахалари, мармар синиқлари сочилиб ётар эди.

Афросиёбда азалдан мавжуд хумдонларда пиширилган гишт ва кошин тўлдирилган кажавалар, қамиш кашшуклар ортилган қўш ўрқачли туялар, хачирлар майдон сари тўхтовсиз қатнаб туради. Ора-сира устидаги тоғдай юкни писанд қилмай солланиб келаётган филлар кўзга чалинади. Туябонлару филбонларнинг жаҳл билан қичқириб сўкинишлари қулоқни қоматга келтиради.

Муҳаммад Аваз уста Фармон Кеший билан шогирдлари санъатига таҳсин ўқиб пастга тушди ва тинмай нари-берига югураётган кимсалар оқимига аралашди. Таниш-нотанишлар унга парво ҳам қилмас, ким қандай юмуш билан машғул эканлигини икки дунёда ҳам билиш маҳол эди. Атрофни қоплаган жонсарақликни хомуш кузатган қўйи равоқ тагида туриб қолди. Шу пайт ёнига ранг-қути учган уста Пўлат келиб, қулоғига ниманидир шивирлади. Ўша заҳоти босиқ оҳангда: «Устод билан маслаҳатлашмоқ даркор!» — дея мадраса ҳовлиси томон жилди.

Мулла Абдужаббор тахбин — теп-текис махсус супада шогирдлари билан ичкари пештоқ кошинбурушини тераётган эди. Белбоғига икки тарафи ҳам ўткир теша, қулоғига учи йўнилган қалам қистирган, оппоқ яктак кийиб, печи калта ипак салла ўраган устод шогидлари узатган кошинларни синчиклаб текширар, сўнг аста тарҳда белгиланган жойига қўяр, заррача шошилмас, хотиржам эди.

— Кошинбуруш пештоқ зийнатиدير, — деди у жимликни бузиб. — Бул юмушга уннамоқдин аввал пештоқ ўлчамларини пухта билмоқ жоиз.

Муҳаммад Аваз бир маҳаллар устод бу сўзларни ўзига ҳам қайта-қайта ўқтирганини эслади, эсларкан,

қат-қат ажинли бети, тиришиқ пешонаси, қавариб буришган кафтларига ҳам афсус билан, ҳам меҳри ийиб тикилди. Нетонг, кошин тўдасига суяб қўйилган эгрибугри ҳасса устод қарилик остонаси сари юзланганини таъкидлаган каби мунғайиб турарди.

— Нечун хомушсиз, ўғлим? — сўради у, бир муддат юмушидан чалғиб. — Бирон кор-ҳол бўлдимми?

— Шукр, осойишталик.

— Унда не маломат қайғусини чекурсиз?

— Камина қайғуси соябонимга аёндир.

— Қайғунгиз бисёр. Қай бири хусусинда сўзлайсиз?

— Камина бунда кун сайин бебошлик илкени тута бошлаган тартибни айтамен. Сезишимча, усталар девон мирзаси Набихўжа жанобларидин норози ва кўплари ишдан совимишлар.

— Боис?

— Боиским, уч ойдин буён маош тўланмас. Бу аҳволда яна ўн беш йил қону зардоб ютмоғимиз таяин. Устод, ахир, мадрасаи Улуғбек атиги беш йилда бино бўлган.

Қировлаган ўсиқ қошлари ўртасига тугун тушган Мулла Абдужаббор хомушланган кўйи сукутга толди. Ботиқ кўзларида ботини бўйлаб кечаётган эврилишлар ифодаланган эди.

— Ўғлим, бирламчи, бу гумроҳликдин Ялангтўшбий Баҳодир беҳабар бўлса керак, — деди бир оздан кейин хўрсиниб. — Иккиламчи, Мирзо Улуғбек боғлаган камар Ялангтўшга тўғри келмас. Шуни англайсизми?

— Англаймен. Аммо Баҳодир куч-қувватда ҳам, хазинаи салоҳиятда ҳам ўзини ҳеч бир подшоҳдин кам санамас.

— Биллоҳ, бунда ҳақиқат бор, ўғлим, — Мулла Абдужаббор кузалган кўркама соқолини авайлаб силаган бўлди. — Очиғи, ул зот қурилишдан ҳеч нарсани аяган эмас. Тилла-кумушми, донми ёки бошқа нарса, қисинмайди. Ҳатто минг қулини ихтиёримизга бериб

қўймиш. Набиҳўжа каби кимсалар қилмиши эса ишимиз белига тепмоқда. Боз устига, чамамда, ўзимиз андак ношудмиз, жидду жаҳдимиз сўникроқ!..

«Ўзимиз?..» Муҳаммад Аваз хиёл оғринди, ҳатто устодга сездирмай ботинан қизишдики, мияси чатнаб ёрилгудек бўлди. Ҳалига қадар ношудлиги ёки уddaбуронлиги хусусида жиддийроқ ўйлаб кўрмабди.

Дабдурустдан ўзини гуноҳи азимга ботган кимса сифатида тасаввур қилди, ахир, усталар бошини тузукли қовуштира олмаганини Худодан яширмаган экан, бандасидан қандоғ яширсин!?

Ҳайҳотки, одамзот фаҳми калталиги ёки журъати суст эканлигини ҳар доим ҳам сезмайди, гоҳо сезган тақдирда ҳам сир бой бермайди. Бировлар соясида сурғалиб юришни касб қилиб олишдан маъқулроғи йўқ, иложи топилса-ю, сурлик башарага ниқоб қилиб тортилса яна яхши!..

Муҳаммад Аваз хаёлдан бўшаб, енгил хўрсиндида, устод ўғитларига интиқ турган шогирдлар ёнига қўшилгиси, улар билан елкама-елка бўлиб тер тўккиси келди. Ер остида илон қимирласа биладиган устод муддаосини фаҳмлаган каби юмшоқ қулди. Хиёл захил, ажинлар тилимлаган ёноқларига нозик истеҳзо билан омухта хайрихоҳлик қўнди.

— Ўғлим, беҳуда куюнмак нафсиз. Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайдир. Худойим сизга сабртоқат берсин!..

Мулла Абдужаббор тахбин сари юрди, шогидлари билан кўз уриштириб эгиларкан, ҳаракатида йигитларники каби тетиклик бор эди. Кошинбуруш пири саналган бу одам, улкан тажриба тўплаганига қарамай, ҳамон ўз ишидан қоникмасликни одат қилган, бирор жойда тарҳ ёки сифат талаби сал бўзилса, эринмай ҳаммасини қайтадан бошлар эди. Ҳозир шогирдлар анча таъби бузилган устодни юракларини ҳовучлаб кузатишар, ҳар бири жаримага тушиш ёки жазога тортилиш-

дан чўчиётгани англашилар эди. Ниҳоят, устод ёғоч тоғорадаги дўғоб — оппоқ ганч қоришмага кўз қири билан ишора қилиб: «Шошилинг. Қотиб қолмасин!» — деб буюргач, енгил тортиб, чехралари ёришди.

Муҳаммад Аваз яна шамолдек елиб ўтган ёшлигини, мана шу йигитчалар каби устод атрофида парвона бўлиб юрган дамларини хотиридан кечирди. Кўп масъуд, кўп саодатли дамларни аллақачон бой берибди, надоматки, буни ҳатто сезмай ҳам қолибди. Эртасини эмас, кўнглини, ҳатто орзу-умидларини ҳам чарогон айлаган ўша фаслни ҳеч қачон унутмаса керак.

У суви ярим тоғорага эланган ганч сепи бошлаган шогидларни, дўғобни қандай қориштириш лозимлигини ҳафсала билан тушунтира бошлаган устодни яна бирпас кузатгандан кейин дарвоза сари шошилди.

Рости, ҳали гумроҳона фикрлабди. Ҳали устод кексалик бўсағасидан йироқ! Давру даврон бўҳронларидан эсон-омон ўтиб келган ҳунар кишини ҳадеганда қаритмас!..

Ола-говур майдон билан юзлашаркан, яна бир қарзини эслади. Кеча Сиёб бўйида, сайру томоша пайтида, дорилшифоия сари бориб, ранг ва мўйқалам афсунгари саналмиш Муҳаммад Дарвеш Самарқандий дийдорига тўймоқни ният қилган эди. Йўл-йўлакай қуш сутидан бўлак ҳамма нарса сотиладиган Сиёб бозорига оралаб, турфа нозу неъматлар харид қилди-да, жадал Обираҳмат сари жўнади.

\* \* \*

Кўклам иссиғида лоҳасланган Муҳаммад Аваз Шоҳизиндага ёндош кўча билан шарқ томон анча ошиқиб юргандан кейин кошинкорий айлана бино — дорилшифоия ярақлаб кўзга ташланди. Ислимий нақшлар чекилган дарвоза олдида тўпланган, ичкари кириш-кирмасликни билмай саросималаниб турган мижозлар билан саломлашиб, илгари босаркан, негадир мийиғида кулди.

Саховатли баҳор бу гўшадаги дарахтлару сабзаларга ҳам жон бағишлаган, тепада қалдирғочлар чуғурлашар, ҳовли ўртасидаги шишадек ярқираётган ҳовузда зангори осмон, бинонинг деворий нақшлари, улғайиб қолган қайрағочлар акси тушган эди. Бино ичкараси айлана айвон бўлиб, гул чекилган устунлари икки қатор саф тортган, бағдодий эшиклар орқали баҳаво хоналарга кирилар эди. Бетоб кимсалар учун мўлжалланган ушбу бўлмалар мадраса ҳужраларини эслатар, бариси ганч билан сидирга сувалган ва турли жиҳозлар билан безатилган эди.

Ҳовуз бўйидаги бежирим ишланган чорпояда қадду қоматларидан шижоат, ранг-рўйларидан ақлу идрок нури ёғилиб турган тўрт чол гурунглашиб ўтирибди. Чамаси, шайхур-раис Абу Али ибн Синодан мерос қолган «Тиб қонунлари» китоби устида мурасасиз баҳс борар, қоматини хиёл букиб олган бош ҳаким жаноблари — Абдулмалик Давоий андақ қизишиб ваъз айтар эди.

Муҳаммад Аваз муқаррар қиёмига етган суҳбатни бўлгиси келмай, недир истиҳола билан айвонда тўхтади. Ташрифи ҳақида югурдак хабар етказиш учун ошиққанидан хушнуд бўлди. Суҳбатни боқий қилган бош ҳаким истиқболига шошилиб келганда улус корига яраётган ушбу маскан Ялингтўш ташаббуси билан қурилганини ўйлаб турар эди.

— Қаранг-а, мавлоно, бу эрта сизни қўмсаб, эсланган эдим. Хизрни йўқласам бўларкан!

— Қуллуқ! — деди у мутаассир бўлиб. — Устод саломатмилар?

— Шукрки, бугун пийрим суяклари енгилдир.

— Наврўз қадами қутлуғ келибдир-да.

— Шундоғ, мавлоно, шундоғ! Биласиз, ҳакимлар султони Ибн Сино, ажаб эрмаски, Наврўз нафасидин улук тирилса, деб башорат қилганлар.

Абдулмалик Давоий ҳазратлари, фақат ўқиб-билганлари эмас, кўрган-кечирганлари асосида фикр юриштишга одатланган кимса эди. Ёшлиқ фаслини жами

илмларни, хусусан тиббиёт билан кимёни эгаллаш машаққатига бағишлаган бўлиб, ҳатто назм санъатидан ҳам баҳра топгувчи эди.

Тибга оид дастлабки сабоқни Бухоро мадрасасида, мударрис Қори Мирёқуб ибн Салоҳиддин қанотида олгач, бирдан саёҳат ихтиёр айлади. Мақсади ер юзини кўриш, илму урфонга бўлган ташналигини тўлароқ қондириш, яхши-ёмонни пухтароқ ажратиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат эди. Падали бузруквори Шаҳобиддин ал-Розийдан оқ фотиҳа олиб, олис сафарга жўнади-да, фалак гардиши билан, савдогарлик ниқоби остида, Хуросон, Ҳинд, Руму Арабистон, ҳатто Фарангда бўлди.

Тақдирни қарангки, Арабистон сафари чоғида, омадан айри тушиб, дарду дунёси қоронғилашиб юрганда бобирийлар авлодидан бўлган Мирзо Азиз исми зодагон билан учрашиб қолди. Мирзо Азиз даврининг Абу Али ибн Синоси даражасига етган, ҳатто шоирлик билан ном қозонган Абдулмалик Давоийни Акбаршоҳ саройига таклиф қилди. Ҳиндистон каби афсонавий мамлакатга бориб, олимлари билан танишиш, табиблари беморларни қандай даволаши, дориворларни қандай тайёрлаши сирларини ўрганиш орзусини аввалроқ дилига тугиб қўйган жаҳонгашта йигит учун бу чорлов айни муддао бўлди.

Дастлабки учрашувдаёқ Акбаршоҳ кўзлари завқу шавқ билан ёниб турган, орзулари мўл ватандоши фазилатларини юқори баҳолади, ҳатто айрим огизга тушган кашфиётлари билан танишгач, унга нисбатан кўнглида меҳр ва муҳаббат илдириб олди.

— Жаноб Абдулмалик, фаҳмингиз ва фаросатингиз чандон ўткирлигини сезаман, — деди у муҳташам саройда кечган бир суҳбат чоғида. — Вақтингиз билан билимингизни аямай, сиҳатга қалқон бўлгувчи бир пурмаъно рисола битсангиз, анда гиёҳдар ва овқатларнинг нодир хусусиятларини таъриф этсангиз. Шундоғ рисолага муҳтожлик сезамиз.

Абдулмалик Давоий Акбаршоҳ мударрасини рӯёбга чиқариш ҳамда саройда эътибор қозониш учун қарийб уч йил вақт сарфлаб, мувашшаҳ усули билан, тиббиётга доир назмий китоб битди. Ҳижрий 1004 сана, милодий 1597 йилда уни Акбаршоҳга тақдим этди, хурмат юзасидан унга ном топиб беришини сўради. Нозик мулозимат бобурий ҳукмдор кўнглига хуш ёқди, рисолаи мириқиб ўқиғач: «Мавлоно, хўб бўлибдир, Ибн Сино достони ила бемалол беллашур, номи «Фавоийил ал-инсон», бўлғай»\*, — деди жилмайиб, сўнг, парвоначинини чақириб, назм тили билан алломаликни адо этолган муҳтарам зотга зарбоф тўн ёпишни буюрди.

Индалло, айна қирчиллама пайти, қирқни қоралаганда тақдир Абдулмаликка шундай кулиб боққан эди. Дунё бири кам эмасми, кутилмаганда фалокат келди: бобурийлар сулоласининг энг иқтидорли вакилларида бири саналмиш Акбаршоҳ ёруғ дунё билан видолашиб, тахтни ўғли Жаҳонгир Мирзо эгалади. Улуғ бобоси ва падарига садоқатини исботламоқчи бўлган Жаҳонгир турли ислоҳларга шўнғиб кетди, айна пайтда, жини суймаган кўпгина аъёнлар қаторида, баланд мартабага интилиб турган Абдулмаликни саройдан четлаштирди. Рухи чўккан йигит ноилож Ҳиндистонни тарк этди ва Мовароуннаҳр тупроғига қадам босди. Бахтига шу кунларда эски ошнаси — муаррих аллома, мусаввир ва шоир Муҳаммад Дарвеш Самарқандий Улуғбек мадрасасида бош мударрис эди. У номи етти иқлимга таралган табибни кучоқ очиб қаршилади, Ялангтўшбий билан маслаҳатлашиб, унга мударрислик рутбасини кийдирди...

— Табиб жаноблари, қани, энди каминани устод хузурига бошланг, — хиёл чўзилган жимликни бузди Муҳаммад Аваз. — Тоқатим тоқ бўлиб борадир.

Чехраси ва нигоҳида жиддийлик зуҳурланган Абдулмалик Давоий, жоним билан, деган маънода қўлини кўксига қўйиб, йўл тортди. Салдан кейин ўртароқ:

---

\* «Инсонларга фойдалар».



даги бағдодий эшикка рўпара бўлишди. Эшикдан киришганда Муҳаммад Дарвеш жимжит бўлмада, дөреза тагида тўшалган кўшқават адрас кўрпачада ёнбошлаганча, Ҳазрат Алишер Навоий «Чор девон»ини мутолаа қилаётган эди. Ногоҳ киртайган кўзлари чақнади: кутилмаган ташрифдан чироқ ёқилгандек дили ёришгани, кўкси тоғдек кўтарилгани, ниҳоят, бу дунёда ҳали ўрни ва қадрни борлигини эътироф этгани англашилди.

— Омонмисиз, устоз? — Муҳаммад Аваз чўккан жуссани бағрига босганча орзиқди. — Қошингизга фақирни интизорлик етаклаб келмиш. Яна... Наврўз! Муборак бўлсин!

— Қуллуқ, ўғлим! Хуш келибсиз! — Муҳаммад Дарвеш инқиллаганча аста жойига чўқди. — Фақат каминани қиёфасида Наврўзга ярашадиган ҳеч вақо қолмаган-да!

— Устоз, сиз битаётган ғазаллар нафақат Наврўз, бутун заминга ярашиб тушгай. Тасвир бобида айниқса беназирсиз.

— Кажрафтор фалак жисму жонимни эрта қаритганидан нечун сўзламайсиз? — истеҳзо билан юмшоқ кулди чол. — На чора, фақир эъюзлаган ҳунар бошимга ғавғолар солмиш!

— Локин қадрингиз чандон баланд!..

— Хайриятким, сиз каби оқибатли ёру ошнолардан бенасиб эрмасмен.

— Камина сиз чизган сувратлар ошифтасимен.

— Кўп яшанг, — деди устод фахрланиб.

— Бекор ётмай... юмуш битирган кўринасиз.

— Янги девонимга нуқта чекибмен.

— Муборак бўлгай, пири комил!

— Қуллуқ, ўғлим. Хуш... ани Дўстмуҳаммад ибн Мулла Муҳаммад\*, илкига кўчириш учун топширсангиз. Битириб берса охират сафарига беармон кетурмен.

---

\*XVII асрда яшаган машҳур хаттот.

— Амрингиз вожиб, устод, — деди Муҳаммад Аваз, хиёл бош эгиб. — Ижозат этсангиз, ҳошия безакларини камина солурмен.

— Кўп маъқул, ўғлим. Сизнинг ғайратингиз ва дингизга инонурмен.

Заҳил тортган қотма бетидан касалвандлиги сезилиб турган Муҳаммад Дарвеш шогирдига миннатдорлик билан зимдан кўз ташлади ва нафасини ростламоқчи бўлган каби теран сукутга толди. Муҳаммад Аваз устози толиққанини пайқаб хижолат чека бошлади. Айни пайтда бисотидан таскин ва нажот бахш этувчи сўз қидирар, эй, фалак, қарилик кўргилик эканда, деган фикр миясида чарх урар эди.

Ҳалидан бери Абдулмалик Давоий устод билан шогирд ўртасида кечаётган илиқ суҳбатни жимгина тинглар, кўнгли бир четида ҳавас ўти ёнар, алланечук сархушликка чулганиб борар эди. Тиз чўккан кўйи тавозе сақлаган йигитнинг чўғдек чақнаётган кўзлари, кенг пешонаси, бақувват елкаларига тикилиб, шундай ўғлонни қанотига тортган киши нақадар бахтиёр бўлишлигини ўйлар эди.

— Ўғлим, Мулла Абдужаббор саломатмилар? — ниҳоят яна сўз қотди Муҳаммад Дарвеш. — Ул муҳтарам зот ҳам энди мен каби ожизу нотавонлар қаторида!

— Ҳали қариликни тан олганларича йўқ! — мамнун жилмайди Муҳаммад Аваз. — Ҳануз эртадан қаро кечгача қимирласалар ҳам чарчамаслар. Иморат деворига суйканмаган куним беморман, деганлари қулогимда.

— Ҳа, ўғлим, ҳар ким суйганига суйканур.

— Ошнангиз, қўйиб берсалар, ҳовли-жойларини унутиб, ҳавозалар тагида ухлайдирлар. Ёстиқлари — гишт ёким болор!..

Чехраси хиёл қизилланган Муҳаммад Дарвеш Мирзо Улуғбек мадрасасида мударрислик қилган чоғларини хотирлар экан, Мулла Абдужаббор диди ўтқир муҳандис эканлигини, наққошлик ва меъморлик илмини

сув қилиб ичганини, ҳар қандай мурид дастлабки учрашувдаёқ феъл-атворини ёқтириб қолажагини тавсифлай кетди. Улкан илм даргоҳидан айри тушгани учун афсус чекди-да, қисқа сукут сақлагач, Ялангтўшбий Баҳодир қурдираётган иморат аҳволини суриштирди.

Ногаҳон яраси тирналган Муҳаммад Аваз бутун шаҳар аҳли нигоҳида турган улкан қурилиш беҳад чўзилиб кетганидан нолишга тушди, анча қизишгани боис, пешонаси терчилаб, ҳатто томоғи қуруқшаб қолди.

— Ҳукмдор чамаси хайрли ишдан совиган, — суҳбатга аралашди Абдулмалик Давоий.

— Бунга ишонгим келмас, — деди Муҳаммад Дарвеш, қатъий тарзда. — Ялангтўш унча-мунчада совимас. Билагида кучигина эмас, калласида ақли ҳам бисёр эрур. Минг афсуски, гоҳида ҳар не имконини ёнидагилар измига бериб қўядир.

— Анинг тегирмонига сув қуймоқ пайида бўладирлар! — яна қизишди Муҳаммад Аваз. — Ҳукмдор буни билиб билмасликка оладир, негаки, бундан ўзи ҳам манфаатдор!

— Ана энди хўб фикрладингиз, ўғлим, — Муҳаммад Дарвеш нигоҳида бир ташвиш ёнди. — Ҳукмдор тегирмонини юргизиб туришни касб қилиб олганлар беҳисоб топилур. Алардин бири бош вазир Бобоҳўжадир. Муридлари дини исломни манфаатига қалқон айлаган бул кимсани бошларида тутадирлар, неки луқма топсалар анинг ўпқон каби ўйилғон оғзига соладирлар.

— Алҳазар, алҳазар! — деб бош тебратди табиб.

— Индалло, вилоятда Бобоҳўжа Муслим нуфузи ортгандин ортиб борадир. Ҳукмдор не қилсин, шундай дасти узун кимсалардан тиргак излаш ва алар хоҳиши билан ҳисоблашишга мажбур!

— Локин улус ани ёқтирмайди-ку! — деди Муҳаммад Аваз.

— Улус кўнгилчан, нафратини ичида сақлашдан нарига ўтмас, — салмоқ билан давом этди устод Муҳаммад Дарвеш. — Фикри ожизимча, сарой бўрила-

ридан Шайх Ҳошим бирламчи кушандаси, ҳартугур ўша Бобоҳўжа пайини қирқмоқ тилагида эрмиш!..

— Ҳайҳот, Бобоҳўжа Муслим бий бурнига бурун-дук солгани рост шекилли? — деди афсус билан Абдулмалик Давоий. — Агар рост бўлса, бундин фақат фуқаро жабр тортадир.

— Биродари азиз, ёлғони йўқ, саройда ўралашиб юрганимда барини кўрдим. Ялангтўшга ачинамен!..

— Устод, узр, ачиниб бекор қиласиз, — таъзим бажо қилди Муҳаммад Аваз. — Ялангтўшбий ҳам биз каби ожиз банда саналур. Гоҳо адашса адашар. Лекин, имоним комилки, тожу тахтини асраш йўлида Бобоҳўжага ўхшаган туллак кимсалардан лак-лакини тупроққа қориштириб ташлагай!..

— Ўғлим, тасаввур қилингки, лочин биттагина, ёлғиз! Зоғлар эса минглаб, ҳатто беҳисоб! Шўрлик лочинни, чор тарафдин ўртага олиб, кўзларини ўймоқ қасдида уринадирлар, ўткир тумшуклари билан тинимсиз чўқилашгани-чўқилашган!..

Муҳаммад Аваз бу мудҳиш манзарани сал-пал кўз ўнгида гавдалантирди, шунда ҳам барибир Ялангтўш тулкифеъл кимсалар илкида осонликча жон бериши мумкинлигини сира ҳазм қилолмади. Наздида, қачондир Соҳибқирон Амир Темур меҳр берган тупроққа эгалик қилиб турган Баҳодир селу тошқин кўчиrol-майдиган қоя эди.

Муҳаммад Аваз кекса қадрдонлари билан кўнгил узолмай хайрлашди, яна тез орада дийдор насиб этишидан умидвор эканлигини қайта-қайта таъкидлаб, дорилшифоия заминини тарк этди.

\* \* \*

Қош қоронғиси билан Регистондан қайтаётган Муҳаммад Аваз Сиёб соҳилида кечган хурсандчилик ортда қолгани, орадан ана-мана бир ҳафта ўтиб кетганини ўйлаб ғашланди. Ҳовлига кириб келганда буткул

ҳолдан тойган, тинкаи мадори қуриган эди. Онаси келтирган бир коса шўрвани туширгач, аста-секин уйку элитди. Эрта кечикмай аркка бориб, таъмирни давом эттириши кераклигини эслади-да, барвақтроқ ётди. Тонг-азонда онаси секин чақириб уйготганда, уйкуга тўймагани учунми ёки бошқа сабабданми, боши тинимсиз ғувиллар, аъзои бадани карахт, хаёли парижон эди. Бомдодни адо этиб, ул-бул тамадди қилгач, шошилганча ҳовлидан узилди ва кўп юрмай теваарак-атрофда аллабир таҳлика ҳукм сураётганини ҳис этди. Ҳатто арк рўпарасида кўзларида недир ваҳима акс этган турли тоифали каслар олазарак ўралашиб юришар, гоҳо улар тўдалашиб, бир-бирлари билан неларнидир шивирлашар эди.

Муҳаммад Аваз қалинлиги қулочдан ошадиган, тепасидан калхат ҳам учиб ўтолмайдиган мудофаа деворини кузатганча, жимгина одимларди. Ногоҳ учбурчак шинаклар эътиборини тортди, хаёлга берилиб кетгани боис қоровулликда турган аскарлар кўксига найза тираганини сезмади. Тиш-тирноғига қадар қуролланган басавлат сарбоз таниб қолди-ю, тиши оқини кўрсатиб илжайди, сўнг дарвозани очинглар маъносида ишора берди.

Ялангтўшбий Баҳодир фармойиши билан яқинда қайтадан ҳар тарафлама зийнат топган арк салобати ҳар қандай кишини ҳайрат гирдобига улоқтирар эди. Айниқса, ичкари таърифига қалам ожиз: бир неча таноиб келадиган боғ ўртасида мармар билан ишлов берилган улкан сарҳовуз бўлиб, тўрт томонида тўрт нақшинкор шийпонча тикланган эди; сокин хиёбонлар бўйлаб қора кўз оҳулар соллона-соллона юрар, четларида турфа гуллар очилиб ётар эди.

Дарвозадан кирилганда икки тарафда деворга қапиштириб қурилган пастқам иморатлар эса ҳовли, умуман, арк чиройига бир қадар путур етказган кўйи қўнғайиб турарди. Ёнларида зиналари бўлган бу уйларда хос мулозимлар, дарвозабонлар, сайислар, бако-

вуллар, жориялар ва бошқа ҳар хил хизматчилар яшардилар.

Дарвозадан беш юз қадамча ичкарида, навқирон чинорлар қуршовида пешгоқига кошин зарбланган ҳашаматли кошона бўй чўзганди. Обаки гишт билан чоркунжак алфозда солинган сарой олди-орқасида бағдодий эшиклар ўрнатилганди. Олдиндагилари аркони давлат, бойлар ва зодагонлар, элчиларга, кетиндагилари ҳарам аҳли — Ялангтўш хотинлари, канизаклар, хизматкорлар ва ошпазлар учун мўлжалланган эди.

Муҳаммад Аваз ланг очик турган қайсидир эшикдан ганчкорий узун ва тор бўлмага кирди, пича тарадудлангач, ўнгга бурилиб, бошқа йирик долонга ўтди. Таъмири ҳали чала бўлса ҳам долон қиёфаси беҳад очилиб кетган эди. Деворлар ва шифтдаги қабарик нақшлар, белбоғ ҳошиясидек нозик заррин чизиқлар, шарафа ўйилган ойнадек силлиқ устунлар жаннатий бир улугворликни эслатарди.

Беихтиёр чексиз ҳайрат тўйган Муҳаммад Аваз бу гўшада ўзи юмуш адо этаётганига негадир ишонмади. Шогирдлар йўлига кўз тутиб, паришон турганда адоқдаги эшикдан ногоҳ қалдирғочлар янглиғ вижирлашиб канизаклар кириб келишди. Одатдагидек улар бир хил кийинишган, юзлари очик, дудоқлари кулгига мойил, сурмали кўзлари довдираган йигит кўксини ғамза ўқлари билан яралар эди. Ёноқлари лола мисол ёнаётган Ҳабибани танигандан кейин сал ўзини тутиб олди. Ҳабиба ҳам таъмир ташвиши билан ташриф буюрган меҳмонни таниди ва ҳамроҳлари сари ўтирилиб ниманидир шивирлади. Канизаклар бир-бирларига сирлисирли боқишиб, яна чуғурлаша-чуғурлаша, ташқарига қанот қоқдилар.

— Меъмор жаноблари, — деди Ҳабиба, сийнаси бир кўтарилиб тушар экан, — маликам сизни интизор кутаётир!

— Боис? — деди Муҳаммад Аваз, ўзини атай гўлликка солиб.

— Хомакини битирибдир. Ҳозироқ бориб кўрар экансиз. Берган ваъдангиз эсингиздами?

— Эсимда. Фақат бир истиҳоладин қийноқдамен.

— Гам емангиз. Бугун хобгоҳ сукунатда, — айёрлик билан кулимсиради Ҳабиба. — Наврўз ҳам жумай муборак шарофати билан Ургут беги ҳукмдоримизни зиёфатга чорлаган. Катта маликамитиз Хуршида-ойим эса Хожа Ҳошим оталиқ ҳазратлари завжаи ҳалоли Зайнабхон ая кўнглини овлаш пайидадирлар.

Энди Муҳаммад Аваз анча тетиклашди, ҳатто Моҳбону дийдори насиб этажагини ўйларкан, кўкси бир тотли сирқираб қўйди.

Салдан кейин улар ичма-ич шинам-сокин хоналар, ял-ял товланувчи пояндозлар тўшалган йўлаклардан ўтиб, таниш бағдодий эшик қаршисида тўхташди. Муҳаммад Аваз билан бирров кўз уриштириб олган Ҳабиба шам ёғдусида ялтираётган кумуш занжирни аста шиқирлатди. Ўша заҳоти эшик товушсиз очилди: остонада ўнг қўлида қилқалам тутган, одмигина гулоби чит кўйлак кийган, юпқа матодан бўлган пешонабанди хиёл қалам тегизилган ингичка қошларини ёпиб-ёпмаган малак сирли табассум ҳады қилиб турарди.

Ақлу ҳушидан айрилаёзган Муҳаммад Аваз Моҳбону қадду қоматига тикилиб тўймас, лаҳза сайин юраги кўксини ёриб чиққудек бўлиб тепар эди. Ёпирай, тушим и ёки ўнги? Ишонгиси келмас, наҳотки, бу шоҳона либосларга ўралиб юрадиган ўша санам?

Ахийри, ҳамон довдираган кўйи, масту масрур алфозда ичкарига қадам босди. Хонада ҳеч нарса ўзгармабди. Дашт сукунати ҳукм сураб, бўёқ ҳиди анқир эди.

— Маликам саломатмилар?

— Оллоҳга шукр, соппа-соғман.

— Қилқалам нозик қўлларингизни қабартирмасми?

— Агар кўнгил қабармаса, қўл қабаргани нимага арзига?

— Сиздек ҳусн ва истеъдод соҳибаси кўнглини қабартиришга қандоғ шаккок кимса журъат этаркин?

— Афсус, шундоғ журъатни сизда, сиздек меъмор и яктода кўрамен, — Муҳаммад Аваз ўнгайсиз аҳволда қолганини сезмаган каби малика давом этди: — Кўпдан қорангизни кўрсатмай қўйганингиз шу каби гуноҳингиз белгиси эмасми?

— Афу этгайсиз! — деди аранг Муҳаммад Аваз. — Тангри фаросатдин қисган бўлса иложим қанча, маликам!

— Не қилдик, Ҳабиба, кечирамизми? Яна аразга араз ила жавоб айлаб изларига бурилмасинлар!

Кесатиқ аралаш нозик ҳазил орада ҳукм сураётган нохуш ҳолатни орадан кўтарди. Ўзини тийолмай қолган Муҳаммад Аваз кулиб юборди ва қушдек енгил тортди.

— Ҳадянгизни олганимдан буён бошим кўкда. Мана, энди қиёмига етган асарингизни томоша айламоқ умиди билан ошиқамен. Сиз эса ани кўрсатмоққа негадир шошилмайсиз.

— Нималар деяпсиз? Ул нарса қаршингизда-ку! — деди Моҳбону, товуши чиннидек жаранглаб. — Фақат шира босган кўзларингиз ани кўрмоқдин ожиздирлар.

— Андоғ эмас, кўзларим...

Ҳаяжонини босолмай қолган йигит: «Кўзларим жамолингиз нурига тоб беролмай хиралаңдилар!» — деб хитоб қилишига бир баҳя қолди. Ногаҳон остонадан берирокда ҳам ҳавас, ҳам армон билан қисиниб-қимтиниб турган Ҳабибага нигоҳи тушди-ю, тилини тишлади. Лекин дилидан кечиб, бўғзида қолган гап малика билан канизакка бирдек англашилди.

Хиёл қизаринган, юраги гуп-гуп ура бошлаган Моҳбону Муҳаммад Авазга қиялатиб бир қаради, сўнг шошилмай тўрға одимлади ва рандаланган чорчўпга тортилган мато устидан бўз ёпқини туширди.

Муҳаммад Аваз наздида гўё шу палла кўкдан, осмону фалак қаватларидан бўлмага илоҳий бир шарпа,



аниқроғи, илоҳий бир шарора кириб келди. Унча кенг бўлмаган, малика ва канизаклар орзу-умидларини яширган хилқат қиёфаси илкис ўзгарди, зеро ҳар қаричини алланечук сеҳру жоду ўраб-чирмаб, ақл бовар қилмас бир тошқин қамраб олди.

Ажабо, бу не сиру савдо? Ахир, тунов куни ҳадя қилиб юборгани палақдаги аломат лавҳа эмасми? Малика каштадўзлик билан бир қаторда, мўйқалам юри-тишда ҳам шунчалар моҳир экан-да!..

Муҳаммад Аваз аста суратга яқинлашди. Ва ногоҳ юзига бир аланга урилгандек туюлди. Офтоб, шер ва оҳу қиёфаси ажаб уйғунлик касб этган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, мажозий маъно ташир эди. Ҳар бир бўёқ замирида ниҳон мантиқ айниқса кишини бефарқ қолдирмас, баҳсу мунозарага чорлар эди.

Муҳаммад Аваз ана шу мантиқ тубига етолмай ичичидан ожизона хўрсинди. Ҳар замонда Моҳбонуга кўз қирини ташлаб кўяётган йигитни айниқса икки бурчдаги одам қиёфаи қуёшлар сеҳри кўпроқ ҳайратга солаётган эди.

Фалак буржларидан кучлангани сезилиб турган қуёшлар ажиб гулзорни симобий шарорага буркаб порлайди. Шерлар катта очилган оғизларидан ваҳшат сачратиб, гўё борлиқни бошларига кўтариб ўкиради. Оҳулар вужудлари куч-қувватга тўла баҳайбат махлуқларга ҳадик ила тикилишади, жовдирашади ва ҳатто қорачиқлари тубидаги таҳлика учқунларигача йилти-раб кўринади. Шерлар қиёфасида шахт ва салобат қанча кучайтирилган бўлса, оҳулар сиймосида беозорлик шунча майин иншо этилган эди.

Муҳаммад Аваз бир сўз айтишга ожиз, музлаган каби тили айланмас, ҳайратини яширолмаб орзиқар, гоҳо нимадир бўғзини чўғдек куйдирар эди. Қилқалам билан бўёқлар шу қадар қудратли бўлиши мумкинлигини, қаҳр ила шафқат аталмиш бири-биридан бениҳоя олис икки туйғуни қай йўсинда бу қадар аниқ ифода-лай олганлигини ақлига сиғдиролмай саросимада эди.

— Меъмор жаноблари, уйқуга кетибсизми? — ниҳоят юмшоқ кесатди Моҳбону. — Андоғ бўлса тезроқ уйғонинг, камина фикрингизга муштоқмен.

— Маликам, афу этгайсиз, — аранг ўзини ўнглади Муҳаммад Аваз. — Тўғриси, фикр билдирмоққа ҳолим йўқ!..

— Ёлғон сизга ярашмас эркан.

— Айтмоқчи бўлдимки, бул нарса мақтовдин баланд!..

— Камина мақтовга зор эмасмен, — деди малика, қовоғини солинтириб. — Шундоқ ҳам Ҳабиба хушомадлари жонимдин тўйдирган. Қусурини топ десам, ўлгур нуқул йўқни бор қилиб оширгани-оширган. Сиз ҳам шундай йўл тутмоқчисиз.

— Маликам, унда сабр билан эшитинг, фақат дилингиз оғримасин, — Муҳаммад Аваз ўй-фикрини бир жойда тўплаб оларкан, нигоҳини тасвирга қаратди. — Оҳулар бир қадар ночор эрурлар. Аларга бир чимдим шиддат бағишланса зарар қилмас.

— Шундай денг? — ингичка қошларини чимирди малика.

— Боғда кенглик, ҳаво етишмас. Оқибат чечаклар тикилиб қолмишлар. Ранглари қовушмаган. Қизил чизиқлар ҳаддан зиёд ортиб кетмиш!..

— Буни ўзим ҳам сезамен. Аммо иложсиз қолдим.

— Маликам, губордан холи само ё уфқни хаёлга келтирсангиз жумбоқ осон ечиладир. Мўйқаламни бўғиқ ҳамда хира бўёқлар ёнига йўлатмаган маъқул!

Моҳбону, бегараз сўзлаётган Муҳаммад Авазни зимдан кузатаркан, ичида ўзини-ўзи танбеҳлади. Ахир, устод Муҳаммад Дарвеш табаррук пойқадами билан боргоҳни обод қилиб юрганда ҳар неки тасвиротнинг бўёғи бўлур, зарур чоғи ён-атрофни кузатмоқ ила топасиз, дея сабоқ бергани ҳозиргидай эсида-ку! Бу ҳикматга мудом оғишмай амал қиларди. Аммо нечун мана бу иншосида манзарани тўлиқроқ очадиган уйғун рангларни назардан қочирди?

— Маликам, бир қалам тегирмоқ билан жойига тушадиган жузъий хато ҳечам хато саналмас, — бўшашиб қолган Моҳбонуга далда беришни лозим топди йигит. — Муҳими, нишонни аниқ олгансиз.

— Нуқсони жузъий эмас! — юпқа лабларини ноз билан буриб қўйди Моҳбону. — Андава тортмай қўя қолинг.

— Ие, жаҳл қиласизми? Талабингиз билан фикр айтиб бошим балога қолмаса!

— Бу тарафидан чўчиманг, — кулган бўлди малика.— Илож қанча, айб ўзимда. Хом нарсани кўрсатдим. Ҳали кўп уринмагим лозим экан.

— Ихтиёр сизда, — Муҳаммад Аваз қаттиқ кетганини сезиб тургани учун иложи борича овозини юмшатди.— Сир бўлмаса айтсангиз, бу сурат маъноси қандоғ? Палақда ҳам шу хил лавҳани кўриб бошим қотган эрди.

— Ҳозироқ борини айтишим мумкин. Лекин қизиғи бўлмас. Ҳар кишики, бирор жумбоққа ечим изласа ва оқибат ўзи унга етишса, бу — ўлчаксиз лаззат!..

— Тушунарли, маликам. Камина бу лаззатдан бебаҳра қолмайин. Мабодо ақли қосирлигим боис ниятимга етолмасам, ўзингиз ёрдам бергайсиз.

Муҳаммад Аваз, Самарқанд орифлари пешволаридан бири бўлган ҳолда, ўзини бу қадар хокисор тутиши Моҳбону дилига чироқ ёқди ва розиман маъносида жон олгувчи жилмайиш билан жавоб қайтарди.

Шундан сўнг Ҳабиба чизган суратлар сари юзландилар ҳамда уларнинг шаклу шамойили ва мазмуни устида узундан-узоқ баҳслашдилар.

\* \* \*

Таъмир ташвишлари, ҳамон маошдан қисилган усталар арзу додлари ҳоритганига қарамай Муҳаммад

Аваз гавжум кўчалардан илдам ва хушнуд ўтди. Наздида, азалий ва абадий олам бошқача турланарди: ўз дарду дунёси билан банд одамларни кузатиб қувонар, шовуллаётган ям-яшил дарахтлар, қатор тушган кўркам иморатлар, жимлик ҳукм сураётган сўлим хиёбонлар шаҳар кўрки эканлигини туйиб завқи ортар эди.

Айвонда қуроқ кўрпачага пахта солаётган Назокатбону ўглини хомуш қаршилади. Ишини қўйди-да, баттар қовоғини уйиб ўтирди. Чурқ этмай, ўчоқ тараф юрди ва бир оздан кейин гирдига зарҳал юритилган чинни коса кўтариб қайтди.

— Нечун паришонсиз, онажон? — недир хавотир билан сўради Муҳаммад Аваз. — Биров хафа қилдими?

— Овқатга қара, қорнингни тўйгаз, — ҳамон қовоғини очмай гудранди Назокатбону. — Сендан бошқа ким журъат этарди мени хафа қилишга!..

— Ие, онажон, шунақаям ҳазил бўладими?

— Ўзингни гўлликка солма, шайтонгина! Барини билиб юрибсен.

— Қизиқ, кўп қизиқ! Нимани билиб юрган эканмен?

— Чамаси, сен тенгидан ёлғиз Пирназар сўққабош эрди, — ниҳоят ёрилди онаизор. — У ҳам уйланишга қарор берибдир. Тўйга айтиб кетди.

— Э-э, хўп бўлибдир. Расулбойни қизигами?

— Ҳе, нодон, ўзинг муродингга етган каби қувонасен.

— Жўрам муроди каминаники эрур.

— Ундан кўра умринг зое кетаётганини ўйлагин.

— Ўйлаганим бўлсин, — ёғоч қошиқ билан совиб қолган гўжани ковлай бошлади Муҳаммад Аваз. — Каминага ҳам буюргани бордир-да.

— Не-не қизлар изингдин термилишларини сезамен.

— Нечун фақир сезмасмен.

— Сен гумроҳ сўқирсен-да!..

Энди Муҳаммад Аваз лаб-лунжини йиғиштира олмаи пиқирлаб кулди, кейин ногоҳ жиддий тортиб, иштаҳаси йўқлигини баҳона қилди-да, аста қўзғалди. Даҳлиз орқали хонаи хосига кирар экан, қибла деворида осилган ва сокин товланиб турган палакка кўзи тушди.

Ажабо, не маъно пинҳон? Не фикр келмиш малика ақлига?

Хонаи хос анчагина кенг-мўл, шинам: ислимий-ҳандасавий нақшлар, ҳаворанг дераза панжаралари, оч пушти ҳарир дарпардалар, тахмонда ўрнатилган кумуш қопламали сандиқлар, токчалардаги хитойи чинни идишлар ингичка нафислик пайдо қилган эди. Жавонларда эса зар юритилган қалин жилдли китоблар терилган, ўртада қўйилган бахмал ёпқили мизда довот, патқалам, қоғоз ва бир нечта дафтар турарди. Дераза ёнидаги энли-узун хонтахтада эса Регистонда қад кўтараётган мадраса тарҳининг бир бўлаги очиқ ётар, шундоқ бурчақда ҳар турли муҳандислик ва чизмакашлик ускуналари тахланган эди.

Волидаси пичинглари боис кўнглидан ҳамон нохушлик аримаган Муҳаммад Аваз аста тарҳга эгилди. Юрагига қил сигмаса ҳам бир-биридан мураккаб чизиқлар, нафис маъно ташийдиган ўлчамлар, алланечук завқ қўзғовчи кўкиш белгиларни синчиклаб қайта-қайта текширди. Бир қадар жузъий тузатишлар қилгандан сўнг, тарҳни тахлаб, китоблар устига олиб қўйди.

Муҳаммад Аваз ҳорғин қиёфада миз ёнига чўкиб, ажаб бир қизиқсиниш билан палакка термилди, шоҳи матони эгаллаб олган ғаройиб манзара, ўзаро қувлашаётган шерлар ва оҳулар, беихтиёр кўнглига кўчгандек туюлди-ю, хаёли алғов-далғов бўлиб кетди. Салдан кейин шундоқ кўз ўнгида Моҳбону гавдаланиб, онаси илтижоларини эслади.

Неча бор тақдир савдоларига рўпара бўлган, пешонаси деворга урилавериб юрак олдирган онаси эртаю

кеч шу тахлит хархаша қилади, нолаю нолишлар билан, гоҳо кўзларидан шашқатор ёш оқизиб ёқасига ёпишади: кўнглингдагини айт ёки маним топганимга розилик билдир, деб ҳоли-жонига қўймайди. Кулолон маҳалласида ота тарафидан узоқроқ қариндошлари яшарди. Ўша кас хонадонида исми-жисмига монанд Сулув исми қиз бўй етгач, Назокатбону оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди. Кўпдан-кўп йигитлар оғиз солаётган шу пари-пайкарни келин қилиб тушириш учун елиб-югурди. Аммо илм денгизига шўнгиб, нақ-қошлигу мусаввирлик сеҳрига ихтиёрини топшириб, чиндан ҳам сўқирлик даражасига етган кўзининг оқу қораси пинак бузмади. Иложи қанча, у, ўй-хаёлига кўмилиб, араз-ўраз қилиб, ўз ёғига ўзи қоврилиб қолаверди.

Уруғ-аймоқчилик русумини тутиб, Сулувнинг ота-онаси бир йилча кутишди. Ахир, улар Назокатбону аҳволини қаёқдан ҳам билишсин, ундан иссиқлик чиқавермагач, ноилож қизларини камбағалроқ кулол йигитга узатишди. Шубҳасиз, бундан у қаттиқ ранжиди, лекин сир бой бермади. Айб ўғлидан ўтганини ўйласа бирдан куйиб кетар, лекин аламини кимдан олишни билмас эди.

Охири онаизор бир куни қуруқ ўтин каби гуриллаб ёнди, тўнини тамом тесқари кийиб, қаҳрини росаям тўқди: «Энди ўзингдан кўр, ҳозир маҳаллага чиқаман-у, дуч келган хонадондаги бўй етган қизни унаштираман!..»

Тўгриси, ҳар нимани кутган бўлса-да, бунақа бедодликни кутмаган Муҳаммад Аваз шунақа каловланиб қолдики, ранг-қути учиб, томоғи қақраб кетди. Ялиниши бефойда: онаизори жаҳл билан бир ишга киришса, унча-мунчада паст тушмас, ўша мақсадига етишмагунча тинчимас эди. Шунини ўйлаб, нима қиларини билмай, саросима оғушида юрганда, кутилмаган воқеа жонига ора кирди.

Регистонда қурила бошланган муаззам мадраса тарҳу амалини адоғигача рўёбга чиқариш Мулла Абду-

жаббор учун тоғ кўчириш билан баробар туюларди. Ахир, ўн йилдан ортиқ қаддини букиб ишлади, яъни мубошир меъморлик аравасини тортди, яна чидагани сабру қарори етишмаслигини чамалагач, ушбу оғир вазифани шогирди Муҳаммад Аваз зиммасига юклашни лозим топди. Ҳукмдор билан кенгаш қилган дамда кўнглида борини очиқ баён этди:

— Воҳиди замон, камина қариб, ҳассасага суяниб қолдим. Шу боис ўрнимни қанотимда етилган бир шогирдимга топшириш тилагидамен. Ул зот вилоятимизда Муҳаммад Аваз ибн Бобо Миршароф исми-шарифи ила танилган. Салоҳиятда тенгини кўрмадим. Қувваи ҳофизаси парвози яшин кабидирки, фалакни макон тутган бургутлар аросатда қолурлар!..

Устоди калон ҳар кимга ҳам насиб этмайдиган амалдан ўз ихтиёри билан воз кечаётгани бийни ўйга толдирди. Сухандонлик билан қилинган арзу ҳол ва таклиф эса нозик жойига жизиллаб тегди-да, бир тўхтама келишини тезлаштирди.

Кўздан бери эл назарида турган Муҳаммад Аваз Бобо Миршароф фарзанди эканлигини ва отаси чироғини ўчирмай келаётганини Баҳодир билар эди. Мулла Абдужаббор иштирокида у билан неча бор мунозара қилган, ҳатто яккама-якка мулоқотга киришиб, соғлом фикрларидан қониққан, ҳар гал таҳсину тасанно айтган эди.

Ҳукмдор, дилида илдиз отган эътиқод сабабли, дарҳол Муҳаммад Аваз изидан одам юборди, хобгоҳда кечган мажлиси олийда, аркони давлат гувоҳлигида, улкан қурилиш мубошир меъмори бўлганини эълон қилиб, эғнига зарбоф тўн ёптирди.

Алқисса, Мулла Абдужаббор хоҳиш-иродаси ва икки оғиз сўзи билан, кутилмаганда, баъзи калондимоғ аъёнлару боёнлар фикрича, гўрлик сиртмоғидан қутилиб улгурмаган йигит бошига ҳумо қуши кўнди. Оқибат, орадан кўп ўтмай, Самарқанд жамоаси ҳамда сарой аҳли ўртасида нуфузи кучайиб кетди.

Ўгли амалидан бошқача таскин излаган Назокат-бону вақтни бой бермай кўхна муддаосидан гап очди. Лекин у ҳамишагидек мийиғида кулганча ўйга толди.

— Ортиқ ҳеч сўзингиз ерда қолмас! — деди кейин нигоҳини қайга яширишни билмай. — Аммо озгина сабр қилгайсиз. Қурилиш чўзилиб турган фурсатда кўнгил майлини қилсам фисқу фасодга йўл очилур. Сарой олдида ҳам маъқул келмас!..

Оқилона фикр онаизорга маъқул тушди, жигарбанди кўзига чўп тушишини истамади. Шўрликкина энди у эс-ҳушини тўла йиғиб олиши, оила-рўзгор ва бола-чақа ташвишини чекишига ишонарди.

Лекин сал вақт орасида умиди яна чиппакка чиқиб, фиғони фалак ошди. Бир ташвиши минг бўлган жигарпораси Регистон заминидан бери келмай куйдира бошлади. Ярамагур уйда фақат кечқурунлари бўлар, қаттиқ толиққанидан тезда пишиллаб ухлаб қолар, эрталаб бемалол суҳбатлашишни истамас, вақтини қизгангани боис шарпадек ғойиб бўлар эди.

Дарду ҳасратини ичига ютавериб, охири, яна Назокатбону сабр косаси тўлди. Аввал бир неча бор ётиги билан арзу ҳол қилди, қулоғини том босган ўгли сукут сақлашдан нарига ўтмагач, йиғлаб ёпишди:

— Эрта-индин қоронғи гўрига думалаб кетадиган нотапон волиданга шафқат қилмайсенми? Мен ҳам мундоғ келин тушириб, орзу-ҳавас кўрсам, омонатимни оёғимни бемалол узатиб топширсам дейман. Ўжарликдин фойда недир? Ҳали пушаймон қиласен, афсус, унда суг айламагай!

— Шошилманг, онажон, — ҳамишагидек бепарво жавоб қайтарди Муҳаммад Аваз. — Бир келин бўлса етишурсиз.

— Э, бўлди-е! — зарда қилди алам суяк-суягидан ўтиб кетган онаизор. — Шунча кутганим етар! Сен билан ади-бади айтишиб ўтираменми? Эртагаёқ Раҳматулла мисгарникига совчиликка борамен!..



— Бекор қиласиз. Каминадек фақирул ҳақирга мисгардек кўқдан ойни узиб олишга қодир кимсанинг кўзи учиб тургани йўқтур!..

Назокатбону, кўпни кўрган бўлса-да, мана шу тарафни ўйламаган экан, беихтиёр тайсаллаб қолди. Чиндан ҳам Раҳматулла мисгар тўплаган бойлик Ялангтўш хазинаси билан тенглаша олиши эл оғзида эди. Бундан ташқари у обрў-эътиборда ҳам манаман деган амалдорлар билан бемалол беллашар, ҳеч кимга сўзини бермас эди. Тили ва дасти узун шундай киши эшигига боришнинг ўзи бўлмасди, аниқроғи, совчиликка у билан тенгма-тенг ҳарбу зарб айтишадиган валломатни топиш лозим эди.

Назокатбону шу хил мулоҳазалар оғушида ўн кундан зиёдроқ вақтни ўтказди, бир эрта эса мисгар соҳибжамол қизини бутун юртда нуфузи баланд бир савдогарга узатганини эшитди. Бечора она сувга тушган латтадек бўшашиб, ичини ит тирнаб, эл орасида бош кўтариб юролмай қолди. Ўшанда Муҳаммадни умрида бир мартагина қарғади, тошбағирлик илойим болачақангдан қайтсин, деб нола чеқди. Келин тушириш ҳақида эса оғиз очмай қўйди.

Муҳаммад Аваз қулоғи бутунлай тинчиб қолгани учун бир ажабланса, бир севинар эди. Гоҳо зимдан кузатиб, онаси дилида ушалмаган армон тошдай чўкиб ётганини пайқар, гуноҳга ботганини ўйлаб эзилар эди...

Ҳамон миз ёнида паришон ўлтирган Муҳаммад Аваз бир куни: «Онажон, кўп куймай тўйни бошланг, розимен!» — деб юборишига сал қолганини, журъати етмай тил тишлаганини эслади ва кўнгли бир хил бўлиб палакка термилди.

Шу он хаёлида сарвдек келишган қадуу қомат, сутга чайилган каби тиниқ ва беғубор чеҳра жонланиб, юраги темирчи босқонидек гуп-гуп ура кетди.

Недир тилақда гўё малика у томон соллона-соллона юриб келади, сафга бирдек тизилган киприклари мисоли ўқ, мулойим боқишлари эса дардига малҳам, қирмизий лабларига қўнган иболи табассуми эртанги кунга

интиқ яшаш айрича хушбахтлик эканлигидан огоҳ этаётгандек туюлади.

Қачондан бери волидаси дили ардоғидаги гулни билмак тилагида жон койитади. У, худбинми ёки қўрқоқ, ҳарнечук ундан хабар бергани шошилмайди. Мабодо сирдан воқиф этса, ўша санамни қўйнига солмоқ удасидан чиқармикин?

Муҳаммад Аваз уйқу ихтиёр этди, оромини ўғирлаган малакни хаёлидан қувлаб, сал-пал ҳордиқ олмоқни истади. Аммо ҳарчанд урингани бефойда кетгани кўп ажаб иш бўлди: у рўпарасидан шарпа янглиғ жилмас эди.

Кошки энди малак хаёлини ҳеч қачон тарк этмаса, ҳар лаҳза ёнидан қимирламаса, ҳар неки оғиру енгил юмушни бир тану бир жон бўлиб адо этса, яъни, ҳам-қору ҳамнафас ўқиса, қизса, қурса!..

Муҳаммад Аваз мамнун жилмаяр экан, беихтиёр токчадан Алишер Навоий девонини олди. Ўша заҳоти, Моҳбону хаёлидан бўшамай, оташ нафасли сатрлар аро ғарқ бўлди. Васлга зор шоир кўксига ҳажр тиги ботганидан шикоят айларди:

Санчилган ажал хори ишқ учраса билгайсен,,  
Ким жонга бало нешин ҳажр ўзгачарак санчар.

\* \* \*

Эй, мурувватли Қодир эгам, мана шу кунларда содиқ қулинг Муҳаммад Аваз ҳоли-руҳини яхшироқ сўргил, ундан шафқатингни дариг тутмагил! Хўш, не чораи тадбир мушкул савдосини осон қилиб, дилига озгина таскин бағишлар? Мабодо дардига даво топилмаса, бошини қайси тоғ тошига уриб ёрсин? Энди наҳотки боши берк кўчада саросар адашди ва ҳолига маймунлар аза тутса?

Кун қандай кечганини билмай, хуфтон арафасида, шу тахлит ўйлар гирдобида Регистондан қайтаётган эди. Ўзи билан ўзи овора бўлгани боис кўча мую-

лишида қад ростлаган сада қайрағоч тагидан соядек лип этиб чиққан чимматли аёлни кўрмади. Аёл эҳтиёт-корлик билан шовурсиз одимларди. Ёнидан бегона йўловчи сингари ўтаётиб, абжирлик билан қўлига букланган қоғоз қистирди. «Маликам жавоб кутадирлар. Эрта кеч шу маҳалда яна шу ерда ҳозир бўлурмен!» — дея шивирлашга ҳам улгурди.

Кўча ўртасида кўз очиб-юмгунчалик фурсатда рўй берган ҳодиса ҳушидан айираёзди. Шу қадар гангидики, бекитиқча мактуб олганини кимдир кўргандек, тезда улусга маълум қиладигандек, ҳовлисига кириб, дарвоза ёнидаги дарчани ёпганда ҳам юраги дукирлаши тинмади. Қолаверса, Ҳабибани танигани учун беҳад орзиқаетган эди, канизакка раҳмат айтгани ярамагани сабабли хижолат чекарди.

Жимжит хонаи хосида қамалиб олди-ю, анча маҳалгача ҳаяжонланиб, мактубни очишга журъат этмади. Хиёл сирқираб турган миясида: «Моҳбону неларни битдийкин?» — деган ўй чарх урарди. Ҳозироқ эшикдан онаси кириши ва сири фош бўлиши эҳтимолини ўйласа ногоҳ кўрқиб кетарди. Хайриятки, онаси недир зарур юмуш билан қўшнилари ҳовлисига чиққан, ҳали қайтмаса керак. Эҳтиётини қилиб деразадан бир-икки маротаба мўралагач, ниҳоят, хатта кўз югуртирди:

*«Мавлоно!*

*Ушбу дуойи салом қатига жону жаҳоним ҳам эш бўлганини билдиргум келур. Тушунмагим душвор гарг каминани боши берк кўчага етаклагани сизга қоронғу. Эрта ёки кеч кўнглим ойнасида ҳозир бўлурсиз. Борини ошкора айлаб, гуноҳ устина гуноҳ содир этганим учун, ўтинамен, кечиргайсиз.*

*Илму фунундан кўра кўпроқ нақшлар, алаҳусус, қилқалам эсу ҳушимни кўпроқ олгани боис сиздек мусаввиру наққош зийнатлаган иморатларни лол-ҳайрон томошалаб, сизни ғойибона ҳурмат қилар эрдим. Во ажабки, хаёлимда суратингизни қандоғ чизибмен, қошимга ўшандоғ келдингиз. Сарой таъмирини бошла-*

ган кунингиздан буён камина ёруғ дунёга бошқача қарайдиган бўлдим, бинобарин, қўлингиз теккан нақшлар ҳамроҳимга айланиб қолмишлар.

*Мавлоно, камина азалдин сиз ҳатто хаёл қилмакдин оғринадиган тилла қафас ихтиёридамен. Энди ул кўргиликдан мушкулроқ савдо борлиғимни ўртайдир. Худодан эртаю кеч ёлбориб тилаганим — ўша қафасдан ташқарига беминнат, эмину эркин кечадиган фақирона ҳаёт!..»*

Муҳаммад Аваз бир ҳадик ва орзиқиш билан жимгина мактубга тикилди-да, бемалол кўнглини тўкишга журъат этган Моҳбону аҳволи ҳақида мулоҳаза қилишга киришди.

Ахир, сарой аҳли беадад бахту беадад фароғатга гарқ эмасми? Кун ҳам, ой ҳам ўшалар учун туғмасми? Ажабо, зебу зийнат ва жавохиротга кўмилган, егани олдидаю емагани кетида бўлган малика шу қадар оғриниб оҳ урганда, арк билан ҳарамга ипсиз боғланган, қувонч нималигини алақачон унутган ожизалар алами қанчайкин?!

Муҳаммад Аваз, сарой ва ҳарамда тез-тез рўй берадиган можароларни хаёлидан кечирган кўйи, жавоб битиш учун секин довогга юзланди. Патқаламни сиёҳдонга ботириб, қоғоз бурчига тегизар экан, тасаввурда юпқа дудоқлару хуморваш кўзлар жонланди-да, фикрлари хазон янглиғ сочилди. Сўзлар ҳадеганда тизгин тутқазавермагач, ахийри, лоҳас тортиб ухлаб қолди.

Муҳаммад Аваз алоғ-чалоғ туш кўрганига қарамай, каллаи саҳарда анча тиниқиб, куч-қувватга тўлиб уйғонди. Ва ҳар каломи юраги тубида акс-садо берган мактубни эслади, таҳорат олиб, бомдодни адо қилган ҳамано ёзиш иштиёқи туғилди.

Кеча оқшом бўйсуннишни истамаган патқалам, субҳидам нашидасидан илҳомланган каби, анчадан бери кўксини банд этган армонларини қоғозга осонгина туширди:

*«Маликам!*

*Мендек фақирга шунча мурувват қилишингиз ҳушу тушимда йўқ эрди. Бошимни кўкларга еткардингиз. Ушбу айёмда хаёлимда жамолингиз шуъласидан ўзга нарса йўқдир. Сиздек бедаво дардга гирифтормен, алҳол, дилимга тушган учқун ўчмоғи гумонлиғ алангаи оташга айланиб борадир.*

*Яна букум, камина сиз бино айлаган ажиб гулшан асири бўлдим. Қўлингиз дард кўрмасун. Эгам сизгагина раво кўрган санъатни хаёлимда муттасил тасаннолар ўқиш ила улуғлаб юрганимни етказишдин хушбахтдирмен.*

*Маликам, бизни тақдир юзлаштиради, эрта не кечини иккимиз ҳам билмаймиз. Фақат, айтинг-чи, қадру қийматни хор қиладиган фақироналик сизга не керак?!*

*Машойихлар демилки: одамзоғ таназзулга қул бўлгандан кўра, ўз кўнглига қул бўлсин. Эгам таназзул азобини сиз каби очилмаган ғунчаи насринга тоабараво кўрмасун. Шундоғ ҳам мамлакатда ситам шароубига тўйган муслиму муслималар кўпдир.*

*Азалдин камина қўли калта бандаи ожизмен. Аммо энди сизни сунъич санганим боис, вужудимда туганмас бир куч уйғонди. Ишора берсангиз бас, ҳар не хизматингизни бажаришга ҳозир нозирмен.*

*Сизга умрини бағишлаш ниятини кўнглига тугиб қолувчи*

Муҳаммад Аваз САМАРҚАНДИЙ».

Қисқагина хаёл сургач, мактубни шошилганча қайта-қайта ўқиди, қайсидир жойидан қониқиб, қайсидир жойидан қониқмай, ҳуснихат билан оққа қайта кўчирар экан, ўзини Моҳбонунни йиртқич чангалидан қутқариб олувчи алпа қиёсларди. Тинмай йўл пойлаётган малика номани қўлга олганда қандай аҳволга тушишини гира-шира тасаввур қилар ва мамнун жилмаяр эди.

Эртаси куни Ҳабиба ҳалиги кўча четидаги қайрағоч тагига айтган маҳалида келди. Чурқ этмай Муҳаммад Аваз қўлидан мактубни абжирона илиб кетди. Қиздирилган тандир ёнида тургандек, қайноқ терга ботган йигит канизак изидан пича судралиб борди, бир гап тайинламоқчи эди — улгурмади, тўғриси, айтадиганини унутди-да, аввалгидек анграйиб қолаверди.

Икки кундан кейин Ҳабиба яна ўша қайрағоч тагида таманно билан жилмайиб қаршилади. Чиммати остидан бир қиё боқди-да, гулобий шоҳи рўмолчага ўралган хат берди. Заррин гуллар билан безатилган рўмолча атир ва мушку анбар бўйига беланган эди.

\* \* \*

Муҳаммад Аваз хаёлан буткул Ялангтўш саройига боғланиб қолди, бинобарин, Моҳбону пайдар-пай жўнатаётган битиклар завқи билан яшар эди. Кўнгил майлига шу қадар берилдики, ҳар кун кечқурун, Ҳабиба учрашувга келса-келмаса, қайрағоч тагида ҳайкалдек қотиб турадиган бўлди.

Мана, бу кеч ҳам ўша жойда бетоқат йўл қараётир, ниҳоят Ҳабиба кўриниб, юзига табассум югурди. Анча муддат юзма-юз туриб қолишди. Канизак негадир шошилмас, нима учун келганини унутгандек, соддадил ва хушқомат йигитга жимгина термилар эди. Ахийри, ёрилди: «Мавлоно, маликамга совчилар келур!» Бўғзи куйишаётгандек бир ҳолда пичирлар экан, ним қоронғуда қорачиқлари сирли ялтираб кетди.

— Совчилар дейсизми? — ўзини йўқотиб гўлдиради йигит.

— Ҳа, шундоғ. Маликам безовталар!..

Энди Муҳаммад Аваз орага чўккан нохуш жимликка дахл қилгани ботинмади. Ҳатто нари томонда шарпа пайдо бўлганини ҳам сезмади, Ҳабиба эса ногаҳон сергак тортиб, аста чимматини туширди-да, пананга ўтди.

Ҳамон қарахтлиги тарқамаган Муҳаммад Аваз, канизак изидан бир зум тикилгач, бош чайқаганча илгари юрди, кўчани тўсган пахса девор ёқалаб бораркан, ногоҳ рўпарада турган онасини кўриб гангиди. Иложи қанча, ўзини сўқир каби тутиб, дуч келган томонга уриб кетди. Наҳотки меҳрибони эринмай изидан кузатмақда?

Шубҳасида жон бор: ўлиб-тирилиб яшираётган сиридан бир баҳона билан Назокатбону аллақачон воқиф бўлганди. Қайси куни хонаи хосини йиғиштираётиб, Алишер Навоий китоби қатидан Моҳбону битган мактублардан бирини топиб олди ва бўшашган кўйи ўтириб қолди.

Рости, кўпдан бери Муҳаммад Аваз таниб бўлмас даражада ўзгарган: хиёл тажанг, хиёл қўрс одамга айлангани устига, бемор каби ранг-рўйи синикиб борар эди.

Илгари барини чарчоққа йўйган Назокатбону энди ўгли не боисдан бу кўйга тушганини билар, ўз ихтиёри билан ёрилишини бетоқат кутар эди. Лекин кесакдан сазо чиқади-ю, бу қайсардан сас чиқмайдиган кўрилади. Яна озгина сабр қилади, борини айтса айтди, оззига талқон солиб юраверса, хашагини ўзи очиб ташлайди.

Муҳаммад Аваз ўша кундан қайрағоч остига бутунлай йўламай кўйди. Энди Ҳабиба билан Бибихоним масжиди яқинидаги харобазорда учрашар, изида одам борлигини айтиб кулимсирар, қўлга тушиб қолмайлик, дея шоша-пиша жилар эди.

Бугун ёмғир ювган пахса девор биқинида шом қоронғиси аралаш пайдо бўлганда анчайин ғаш эди. Лекин ҳарнечук Ҳабибага ўзини хушнуд кўрсатишга тиришди, тун бўйи ухламай битган мактубини узатар экан, кечки сукунатни бузиб кимдир томоқ қирди, юраги қинидан отилиб чиққудек аҳволда ўтирилсаки, сал нарида онаизори мўлтираб турибди. Ҳабиба қаёққадир йўрғалаб қолди, аммо у не қиларини бил-

май тахтадек қотган, бир сўз айтгани тили айланмас эди.

Мана, вайрона ортда қолди. Ҳамон ораларида нохуш жимлик ҳукм сураб эди. Ҳоли забун бўлган Муҳаммад Аваз на кулиши, на куйишини биледи. Ҳовлига киришгандан кейин айниқса аҳволи оғирлашди, негаки, онаси шунақа тутатдики, ўзини қайга қўйишни билмасди.

— Ҳай, нодонгина, қайси гўрда сангийсен?

— Нечун сангир эканмен? Бир зарил юмуш билан юрган эрдим!

— Юмуш Оллоҳ қарғиши теккан чалдеворда не қилсин, гумроҳ?

— Ўша жойдин шошиб ўтаётсам...

— Шошиб? — яна кесатди онаизор. — Яширганингдай фойда йўқ: анов ожизани истаб боргансен!

— Бўлмаган гапни қўйинг, онажон.

— Кўпдин ҳаловатинг бузилганини кошки сезмасам!

— Ҳаловатим жойидадир.

— Ёлғонлама! — овозини яна баянлаётди кампир, даҳлизга киришгач. — Бу қилиқ сендек иззатли бандлага ярашмас. Агар оғринаётган эрсанг, ўзим айтамен. Учрашган аёлинг Моҳбону элчиси бўлур.

— Тавба қилдим-ей, фол очасизми?

Бундай топқирликни кутмаган Муҳаммад Аваз бўлмади бошига кўтаргудек алфозда қаҳ-қаҳа отди. Хиёл оғринган Назокатбону бирдан чимирилди. «Ҳа, фол очамен. Хўш, ушбу недир?» — деди кейин тоқати тугаб ва девон қатидан чиққан мактубни тумшугига тутди.

Ногоҳ хатни таниган Муҳаммад Аваз чор-ночор бош эгди. Шу билан гўё барини тан олган, ич-ичида йўқ ердаги дард тобора газаклаб, бутун борлигини ўртаётганини баён айлаган эди.

Энди Назокатбону ўғлига ачиниб, аллабир ҳасрат билан тикилди, жаҳл юрагини қалампирдек ачитиб ўтди, шунга қарамай: «Сенингдек гўдакни мубошир



меъмор қилиб кўтарганларига қуяман!» — дея пичинг отишдан тийила олмади...

\* \* \*

«Оҳ, меҳрибоним, фақирга осон тутманг!..»

Муҳаммад Аваз шу ўйда, кўкси увалиб, хомуш турган онасини кучди, аста деразага ўтирилар экан, дилида кўпдан бери тошдек ўрнашган армон бирдан кўзга-либ кетди. Азиздан азиз кишисини қийноқлар гирдобига ташлаб келаётгани, умрининг анча-мунчасини арзимас қувончлару ташвишлар, тайинсиз истақлар билан ўткаргани учун ўкинди. Сўнг, Ялангтўш эшигига совчилар ёғилганини, бундан Моҳбону ҳаловатини йўқотиб, мактуб устига мактуб битаётганини эслади. Энди инсоф билан айтганда, дардини ниқоблашга уриниши беҳуда, аниқроғи, бунинг иложи қолмаган эди.

Она-бола саҳаргача ухламай кенгаш қурди. Ҳали тонг юлдузи сўнмай, маслаҳатга кўра, йигит Мулла Абдуҷаббор ҳузурига жўнади.

Устод маҳалла гарбий тарафида, зарур чоғи анқо уругини ҳам топиб беришга қодир савдогар Масиҳо Самарқандий қурдирган кўш ошёнали дангиллама иморатга туташ ҳовлида, бир даҳлизу бир меҳмонхонали ўйда ёлғиз истиқомат қилар эди.

На иложки, у тирноққа зор ўтаётган дили яримта инсон эди, лекин бу борада нолиганини биров билмасди, барини Тангри таолодан кўриб, шукрни бир сония тилидан қўймасди. Охир-оқибат тақдир раво кўрган ачиқ-чучукка кўниккан бўлиб, хусусан, уч йилча бурун қиш чилласида кампири қазо қилгандан буён ёлғизлик балосига мубтало эди.

Муҳаммад Аваз ёндарига зўрга илиниб турган пас-так дарчани аста итарди. Ҳамиша сокин бўладиган бу хонадонга кўпдан бери қатнаса ҳам ҳануз кўнглини тортинчоқликка ўхшаш бир нарса тарк этмасди, ажаб-

маски, устод ҳурмати осмон қадар юксаклиги боис, ҳар келганда қайтадан шогирдлик қиёфасини олса!..

Муҳаммад Аваз зулфини бир умр солинмаган, бир умр кулф нималигини билмаган омонат дарчадан кирганда Мулла Абдужаббор оқ сурф жойнамозда бомдод қарзини узиш учун чўккалаган эди. Устод охири оятни тугаллаб, юзига дуойи фотиҳа тортгунча пойгакда чўккан қўйи қўл боғлаб турди.

«Эй, Яратган эгам, камина бул зот доврӯғи мағрибдан машриққа қадар ёйилганига кафилмен. Аммо, имонимни тикиб қасам ичаменки, бунингдек хокисорлигини кўрган нотаниш кимсалар бунга сира ишонмаслар!»

Устод қўзғалган ҳамоно шошилиб салом берди.

— Келинг, ўғлим. Тинч-омонмисиз?

— Худога шукр, — деди йигит босиқлик билан. — Фақат шаккоклигим учун кечиргайсиз. Бемаврид келиб, оромингизни буздим.

— Йўқ, ўғлим, мавридли келдингиз. Субҳи муборақ ила баравар кириб келдингиз, — деди устод, япалоқ юзига муносиб тушган соқолини сийпалаб. — Тушимда аён бўлиб эрди. Энди бақамти нонушта қилурмиз.

— Қуллуқ, — деди Муҳаммад Аваз фахр туйиб, — фақат сиз оёқ узатиб ўлтиурсиз. Камина сизга атаб ўз қўлим билан аччиққина чой дамлаймен. Анчадин буён хизматингизни бегона билибмен.

— Меҳмонга юмуш буюрмак одобсизлик эрур.

— Нечукким, фақирни меҳмонлар қаторига қўшсангиз. Сизга ўзимни фарзанд санаганим, сиз ўғлингиз каби пешонамни силаганингиз бундай мулоҳазани орадан кўтарадир.

— Офарин, мавлоно!..

— Фақир сиздин қарзимни умр бўйи узолмасам керак.

— Ўғлим, фақир ҳам устоз кўрганмен. Аломат кимса эрди раҳматли. Баъзан гурунг баҳона айтарди: бир-

ламчи, каминадин ўрганган ҳунарни хор қилма, ик-киламчи, кўзим юмилаётганда тепамда тургайсен. Шунда неки қарзинг бўлса узилур.

Муҳаммад Аваз устод тагдор гап қилганини, зеро бениҳоя эҳтиёткорлик билан зиммасидаги бурчни эслатиб қўйганини эътироф этди.

— Пирим, бу не аҳвол? — деди у нонушта устида, чакка ўтган шифтга ишора қиларкан. — Йигитлар билан биргалиқда номингизга лойиқ иморат қурсак!..

Чамаси, кутилмаган илтифот Мулла Абдужаббор суягига унча ўтиришмади, сон-саноксиз ажин тилимлаган юзи бирдан жиддийлашиб, ўй суриб қолди.

— Кампирим омонатини топширгандан кейин ҳар нарсанин қўлимни ювиб қўлтиғимга артдим, — деди ниҳоят. — Сиз айтган ташвиш ким учун энди? Фақирга кўриб турганингиз ушбу кулбаи вайрона ҳам ортиқча!..

— Йўқ, устод, қариган чоғингизда роҳатни ҳам сал ўйланг.

— Қадимда қоронғи ғорни макон тутган уч юз ёшли чолдан неча йиллик умри қолганини сўрашган. Чол, Аршдин келган ваҳийга кўра, яна камида юз йил яшашини маълум қилган. Ҳайрат бармоғини тишлаган одамлар чолни тузукроқ бошпана солиб, роҳатда яшашга ундашган. Ана шунда у: «Бу ёғи ҳам бир киприк қоқмасимдин ўтиб кетадир, шундай экан, ўшанча катта ташвиш чекиш нодонлик эмасми?» — деб бош чайқаган экан...

Ривоят мағзини чақиш учун Муҳаммад Аваз жимгина мулоҳаза юрита бошлади. Мулла Абдужаббор ҳамон теран сукутга толиб, вазмин қиёфада чой ҳўплаб ўтирар, шогирди қандай хулоса чиқарганини билгиси келаётган эди.

— Хўш, ўғлим, энди айтинг-чи, иккала оёғи ҳам гўр лабига бориб қолган қария жой-жалол ясатмоғида не маъно бор?

— Одамзод ўзини ўзи хўрламоғи гуноҳи азим эрур.

— Камина ўзимни хўрланган санамасмен. Юрагим қонини қўшиб тиклаган иморатларим бунга шоҳид-дирлар. Ёки сиз бундин тонасиими?

— Имони бутун ҳеч бир кимса тонмас.

— Баракалло сизга, хўп ўғилча гап! — Мулла Абду-жаббор мийиғида кулди ва қисқа жимликдан кейин сўради: — Хўш, мавлоно, сиз ўзига туппа кесмаган бошқага угра кесади, деган нақлдин хабардорсиз-а?

— Шубҳасиз, устод.

— Шу қабилда йўл тутасизки, кулгим қистайди. Тавба, сиз тариқат ва охиратдин бошқа ташвиши қолмаган бедаво чол қайғусини чекурсиз. Аммо волидангиз не гамдалигини ҳеч замонда ўйлаганмисиз? Ўзингиз тан-ҳолик домида умрни шамолга совурасиз, хўш, бунчи?

Муҳаммад Аваз гап нишаби қай тараф олинганини дарҳол пайқади. Айилботар пичингдан хиёл огринган бўлса-да, ногоҳ баҳонада кўнглини очиши учун қулай вазият етилганидан севиңди. Бундай фурсат қайта насиб этмоғи душвор эканлигини фаҳмлаган ҳолда, темирни қизигида босиш учун аҳланди.

— Пирим, бул хусусда маслаҳатга муҳтожмен.

— Сиз маслаҳат сўраганда камина ўзимни азиз қилмагум.

Анча руҳланган Муҳаммад Аваз дилини ёқаётган жамики дардини — саройга ипсиз боғланиб қолгани, чорасизлик домида қийналаётгани, чиндан ҳам онаси ўз ёғига ўзи қоврилиб ётганини оқизмай-томизмай сўзлади.

Мулла Абдужаббор лавлагиси чиқиб кетган, тили базўр айланаётган шогирдини тоқатсизлик билан лолу хайрон тинглар ва ҳар замонда хўрсинар эди.

— Чиқмаган жондан умид демишлар, — масала қалтис эканини яна ҳам теранроқ туйди йигит. — Сиздек пийри комил совчилик ихтиёр этса ҳукмдор оз бўлса ҳам паст тушар ва адолат қилгай!..

— Маъкул, ўғлим. Чиндан ҳам Ялангтўш каминани кафтида кўтаргани боис тоҳануз бир сўзимни ерда қолдирган эмас! — деди Мулла Абдужаббор анчайин тетиклашиб. — Айтганча, ҳукмдор падарингиз Бобо Миршароф сардор билан қиёматли дўст тутинган эрди. Алар мажлисига кўп марта қўшилганмен. Зора Баҳодир ўша онларни эсласа, зора ўша ёру биродарлик ҳурмати боис дийдаси эриса!..

— Иншооллоҳ, устод!

Қуёш поёнсиз уфқни тўсган қир-адирлар, дов-дарахтлар ва иморатлар оша мўралаб, бутун шаҳарни қулоқни қоматга келтирадиган шовқин-сурон тўлдирганда улар етаклашганча гавжум кўчага чиқишди ва Регистон тарафга равона бўлишди.

Кечқурун Муҳаммад Аваз кун бўйи шогирдлари билан кошинбуруш зарб қилиб анча чарчаган Мулла Абдужабборни ҳовлисига эргаштириб келди. Якка ўзи қулоқ-бурнини кесгандай хомушланиб ўтирган Назокатбону бирдан терисига сигмай қувониб кетди, жигарбанди қўл берган пири комилни ўтқизгани жой тополмай қолди.

Сабр косаси тўлган онаизор, истиҳолани бир четга йиғиштириб қўйди-да, анчадан бери келин тушириш ташвишида юргани, аммо уриниши зое кетгани, аксига олиб, нуридийдаси баланд дорга осилаётганидан зорланди, сўнг томоғига қалампирдек аччиқ хўрсиниқ тиқилиб: «Сиздан бошқа кимга ҳам суянар эрдим!» — деди-ю, кўзларидан шашқатор ёш оқизди.

Муҳаммад Аваз қовоқ солганча, на чора, устод, ожизалар ҳар не ғусса, ҳар не қувончни оби-дийда билан аён этурлар, деган фикрни кўнглидан кечириб паришон ўтирар, суҳбатга аралаша олмаётгани сабабли хижолат чекар эди.

— Боши берк кўчадан қандоқ чиқурмиз? — ҳўл ёноқларини енги учи билан артди Назокатбону. — Эрта ҳукмдор газабига учрамасак!

— Бону, биламен, мушкул савдо кўндаланг бўлибдир, — деди Мулла Абдужаббор салмоқ билан. — Аммо бир замонлар Бобо Миршароф сарой устуни бўлганини ёдда тутгайсиз.

Мулла Абдужаббор урғу берган фикр онаизор хотираларини кўзгаб юборди. Аммо у зигирча таскин топмади, ҳайҳотки, марварид томчилар яна қайтадан ажин босган ёноқларини юва бошлади.

— Дадил бўлгайсиз, бону.

— Лекин биз билган тераклар кесилиб кетган-да.

— Тўғри. Энди ҳукмдор ҳам кўр, ҳам кар! — овозини бир парда кўтарди Мулла Абдужаббор. — Ило-йим, Тангри кўзларига нур ато қилиб, қулоқлари пардасини очсин. Ана шунда ўзи қизини нуридийдангиз қўйнига солиши тайин!

— Лекин, улус оғзида гапки, у мудом жаҳолат тоғида қашқир овлашга ишқибоз!

Муҳаммад Аваз гоҳ устози, гоҳ волидасига кўз ташлар, ўртада кечаётган тортишувдан ғашланар, тез-тез хаёли Моҳбону сари оғар эди. Сўнг, Моҳбону фақат сарой аҳлини эмас, бутун улусни оғзига қаратган падари Ялангтўш измидан чиқиши гумонлигини ўйлади-да, негадир бирдан юраги орқасига тортиб кетди. Салдан кейин хаёлида бийнинг шоҳона либосларга ўралган қорувли қадди-басти гавдаланди-ю, анча илгари хобгоҳда кечган, баъзи аёнлар учун нақд азага айланган мажлисларни хотирлади...

\* \* \*

Бугун ҳакиму ҳозиқ Абдулмалик Давоий Самарқандий қўли остида ишлаб турган дорилшифоия қурилиши ўшанда эндигина поёнига етган, бир неча йил тинмай захмат чеккан усталар ҳали нафас ростлаб улгуришмаган эди. Орзуси ушалгани учун севиниб, фақат меъмор ва қурувчилар эмас, бутун музофот аҳли

га катта ош берган Ялангтўш кутилмаганда Мулла Абдужабборни ҳузурига чорлади. Устод, одатдагидек, Муҳаммад Аваз ҳамроҳлигида қадам ранжида қилди.

Нозик дид билан безатилган хобгоҳда вазирлар ва аъёнлару боёнлар алақачон тўпланишиб, олий даражали кенгаш бошланишини сабрсизлик билан кутишар эди.

Қалтис жойики, соқол босган заҳил-дағал башараларда ифодаланган безовталиқ аста-секин Баҳодир ҳоли-руҳига ҳам юққан бўлиб, у ял-ял товланаётган гилам узра тез-тез одимлай бошлаган эди.

Ҳукмдор ҳар замонда пири Шайх Хожа Ҳошим, бош вазир Бобоҳўжа Муслим, фузало ва уламо пешвоси Мулла Охундга асабий тарзда қараб-қараб кўяр эди. Қалин қовоқлар қуршаган қисик кўзларида мислсиз шахту шижоат ёнарди. Агар ким диққат қилсагина, асабийлашуви замирида муқим бир хотиржамлик пинҳон эканлигини илгар эди.

Ана шу икки ҳолат табиатида омихта бўлиб кетганлиги учун ҳам ҳаракати ва кайфиятини бошқаларга сездирмай ўзгартира олар ва ҳар қандай рақиб кўнглини бемалол ишғол қилар эди. Муҳими, томирлари бўртиб чиққан беҳад йўгон бўйни, чертса қон томгудек қип-қизил юзи, чинор танаси янглиғ бақувват танаси кишида кучли таассурот уйғотар эди.

Устод ва шогирд остонада эҳтиром сақлаганда, ўнг қўли билан зар камарга қистирилган исфаҳоний ханжари дастасини қисиб ушлаган кўйи, тахт олдида магрур турар, тубсиз кўзлари қувларча боқар эди.

— Анжумани олийга хуш келибсиз!..

— Маҳтал қўйганимиз учун афу этгайсиз, марҳаматли қиблагоҳ!— деди Мулла Абдужаббор, таъзим бажо айлаб.

— Сиздек зотларни афу этмақдин бошқа иложимиз йўқ!..

Сарой интизомини назарга илмай, ўз хоҳишларича иш тутган меъморлар Ялангтўш газабига йўли-

қишини тахмин қилаётган аъёнлару боёнлар бу хитобни эшитганлари ҳамоно попуқларини пасайтиришди.

Кўча-кўйда биров таниса, биров танимайдиган девонафеъл кимсаларни Эрону Турон ўртасида шуҳрат топган ва осмону фалақдан юлдузни узиб олишга қодир Ялангтўшбий Баҳодир бунча ардоқламаса!?

— Мажлисни бошласак, — ниҳоят аркони давлатга юзланди Ялангтўш. — Бир тилагим бор. Бу ҳақда сал илгари Мулла Абдужаббор ва Муҳаммад Аваз жаноблари билан маслаҳат қилган эрдим.

Оғирлигини бир оёғидан иккинчисига ортаётган Бобохўжа Муслим, ичи тирналса-да, ўзини буткул бепарволикка урди. Ахир, ҳукмдор манови ялангоёқларга муддаосини билдирган экан, шу етмасми? Тавба, шунча обрўли, бадавлат кишилар шу иккаловича эмас, токи қаролари остонада пайдо бўлмагунча қовоқ осиб, мум тишлаб ўтирди.

— Бир жиддият сабабли тинчлигим бузилмиш, пирим, — деб Ялангтўш Хожа Ҳошимга юзланди. — Замин сайқали бўлган шаҳримиз қиёфасидан ташвишдамен. Айниқса, Регистон бир ҳолдаки, тоқат қилиш қийин. Улуғбек мадрасаси атрофидаги харобаларни кўрмайсизми?

— Ўғлим, кўп куйинманг, — деди Хожа Ҳошим бафуржа. — Самарқанд камини Амир Темур ҳам тўлдира олмаган.

— Темурбекни қўйинг, гўрида тинч ётсин! — деб узди Ялангтўш. — Биз ўз қадримизни билайлик.

— Улуғ бий, ташвишингиз ноўрин! — Хожа Ҳошим одатига кўра яна ҳам дадилроқ сўзлай бошлади. — Шукр, сиз ҳокимлик тожини кийгандан бери шаҳарда Миржон Вафо, Мир Тархон, Аҳмадхўжа, Қози Соқий, Қози Абдуғаффор каби иниларимиз бинойидек мадрасалар тиклашди.

— Пирим ҳақ! — илжайганча бош эгди Бобохўжа Муслим. — Самарқанд сояйи давлатингиз остида ка-



молга етаётир. Сиз қурдирган шифо уйи, ажаб эрмаски, Бағдоди муборақда ҳам йўқ эрса!..

— Андоғ шифо маскани яккаш Бухоройи шарифда мавжуд эрур, — деди шоир мавлоно Имомиддин Шерхўжа. — Аммо сизники андин чандон зиёдадир.

— Хўш, энди қаноат қилаверсак ярашурми? — Ялангтўш саволига жавоб кутди, ҳеч ким сазо бермагач, сал қизишди: — Йўқ, оғалар, бу борада қаноат сизу бизга ҳаромдир. Сиз санаган иморатлар кўрқда ҳам, камолотда ҳам ҳийла пачақдир. Алар кўнглимга ўтиришмас, завқимни ҳам қўзғамас!..

Даврада савлат тўкиб турган Қози Соқий Зоминий кесатиқ аралаш айтилган сўзларни ҳазм қилолмай, асабий қиёфада томоқ қирди. Ахир, Ялангтўш яхши билан ёмон устидан бирдек қора чизиқ тортаётгани инсофдан эмас-да. Шахсан ўзи беҳисоб ақча сарфлаб тиклаган мадраса қурилишида энг зўр усталар тер тўкишгани, шаклу шамойили расо бўлиши учун бор ҳунарларини ишга солишгани аҳли мўминга аён-ку. Тарҳини ҳатто кимсан Мулла Абдужаббор тайёрлаб, қурилиш ёнидан бир қадам жилмай, қўлидан нимаики келса, барини адо қилган. Шоирлар тилида дoston бўлган шу обида ҳам нописандлик билан ерга урилиши бориб турган бедодлик!..

— Бугун турса, эрта турмайдиган кўримсиз бинолар қуриш билан вақт ўтказдик, — йирик-йирик кўзларини чақнатганча давом этди Ялангтўш. — Энди бу хил ношудлик бас! Агар Мулла Абдужаббор сайқал берган дорилшифоияни айтмаса, ҳали маним давримда арзигули иморат солинган эмас. Бунинг боиси недир?

Узун банорас тўнларга ўралган кўйи оқ оралаган энлихчам соқолларини, ипак саллалари печини силаш, кўзларини лўқ қилганча тасбеҳ ўтириш билан машгул аёнлару боёнлар сазо беришмади. Ҳукмдор нигоҳига нишон бўлган Мулла Абдужаббор ҳам чуқур сукутга кетган, беғубор чехраси сокин нурланар, тик боқишларидан бирор маъно уқиш маҳол эди. Аммо ҳукмдор мулоҳаза-

лари эндигина оқу қорани таний бошлаган Муҳаммад Аваз кўнглининг нозик жойларига жизиллаб теккан ва борлигида нимадир жунбишга келган эди.

Ялангтўшбий Баҳодир нақадар ҳақ: рўйи замин сайқали бўлган, айниқса, Соҳибқирон Амир Темур даврида куч-қувватга тўлиб, қуёш билан ҳусн талашган Самарқанд энди кекса киши қиёфасини олмиш!..

— Бир қошиқ қонимдан кечинг! — деди у туйқус жарангдор товушда, хиёл таъзим қилиб илгари босар экан. — Икки оғиз арзим бор!

Ўша он Ялангтўш тахтдан бир неча қадам нарида тўхтаган Муҳаммад Авазнинг ёшлик куч-ғайрати ва заковати ёғилаётган хипча-ўктам қадди-бастига бош-охир хайрихоҳлик билан суқланиб тикилди. Аллақачон сабзалик давридан ўтган мўйлаби дағал тортган, қарич етмас даражада пешонаси кенг, тим қора кўзлари қийғирники каби ўткир йигит истараси шунчалар иссиқ эдики, кўксини сўнгсиз бир ҳавас чулғади.

— Кечдим, биродар, сўзлагайсиз!..

— Қадимда аждодлар дасти узун бўлгани, савоб юмушдин борини аямагани аҳли мўминга аёндир.

— Жаҳонгир Амир Темурга ишорат берурсизми?

— Қиблагоҳим, илм тожини шоҳлик тожидин аъло санаган Мирзо Улугбек ҳазратларини ҳам назарда тутурмен! — Муҳаммад Аваз овозидаги гурур оҳангини ҳамма сизди. — Афсуски, замон зайли билан темурийлар ҳам инқирозга юзланмиш! Шу ҳол ҳалига қадар тўхтаганича йўқ!..

— Мавлоно, афсуски темурийлар онадин қайта тугилмаслар, — дея мунозара бошлади Ялангтўш, суҳбатдоши эндигина ўн саккизни тўлдирганини хаёлига келтирмай. — Камина эса ўзимни аларнинг ҳеч биридан кам санамасмен!

— Офарин! — бирдан вағирлади аҳли мажлис.

— Қиблагоҳим, фикри ожизимча, пойтахт аввал Ҳирот, кейин Бухорога кўчирилгани Самарқанд шуҳратини таназзулга маҳкум айламиш! — Муҳаммад Аваз

ҳамон сукут сақлаётган Мулла Абдужаббор билан кўз уриштирди. — Мовароуннаҳрни шайбонийлардан кейин қўлга киритган аштархонийлар ҳар неки топсалар қўйинларига тиқиш пайидадирлар. Хўш, улус Боқи Муҳаммаддин не яхшилик кўрган? Бу кун Вали Муҳаммаддин тожу тахтни тортиб олган Имомқулихон бошимизда ханжар ўйнатиб тургани ёлғонми?

Қўрқув ичра юрак ҳовучлаган аъёнлару боёнлар ногоҳ тош суратига кирдилар. Ҳар ким мусоҳаба арқони таранг тортилиши туфайли туғилган мушкулот фақат жаллод қиличи ила ечилиши мумкинлигига заррача шубҳа қилмай қўйди. Ҳушёр тортган Мулла Абдужаббор шогирди гўрлик орқасида қовун туширгани учун астойдил куйиниб, Ялангтўш билан Хожа Ҳошимга Худодан инсофу диёнат тилади.

Ахир, Ялангтўшбий Баҳодир аштархонийлар сулоласининг кўпгина вакилларида чексиз меҳру мурувват кўрганини ким рад этади. Худо тўкис лаёқат бергани сабабли, у атиги ўн икки ёшида ҳарбий хизматга киради. Тожу тахт учун Балх шаҳрида бўлган қиёмат-қойим жангда очиқ қўкрак билан қиличбозликка киришиб, Ялангтўш лақабини орттиради. Ва подшоҳ саройида катта нуфузга эга бўлган пири Шайх Хожа Ҳошим кўмаги билан Самарқанд ҳокимлигини эгаллайди.

Орада, бир баҳонаи сабаб-ла, Хожа Ҳошим Вали Муҳаммад билан келишолмай қолади. Ичкарида пинҳона илдиз отган можаро Хожа Ҳошим фатвоси туфайли ташқарига чиқади ва Вали Муҳаммадга қарши исёнга айланади. Галаён тўлқинини тўхтатишга қурби етмаган подшоҳ Эрон сари йўл олади. Тахтга юдузни бенарвон урадиган жияни Имомқулихон ўтиради. Тўғрироғи, Хожа Ҳошим бир сўзини икки қилмайдиган, каттаю кичикка фириб беришда устаси фаранг ўғлонга олий даражали амал рутбасини кийдириш учун бор илму амалини сафарбар этади.

Қўни-қўшниларини зир титратиб турган Эрон шоҳи Аббос билан тил бириктириб улгурган Вали

Муҳаммад қиргин-барот жангу жадал ва босқинлардан тинкаси қуриган Мовароуннаҳрга узоқдан дағдага қила бошлайди. Ахийри, Самарқанду Бухоро тарафларга тиш-тирногигача қуролланган улкан лашкар бошлаб келади. Аммо у Тангри таоло қарғишига учраганди — омади чопмайди. Имомқулихон фармойиши билан саркардалиқ рутбасини кийган Ялангтўш уни тиз чўктириш учун онт ичади.

У, аввало, атрофига ҳарбу зарб кўрган, ҳар жиҳатдан чиниққан ёвқур-содиқ йигитларни тўплайди, сўнг, мамлакат тўрт тарафига жарчи йўлаб, аҳолини оёққа турғазади. Ҳайқириб оқадиган Зарафшон дарёси соҳили, хусусан, қудратли мудофаа девори билан ўралган Каттақўрғон шаҳри теварагида кечган даҳшатли мухорабада эронийлар енгилиб, тум-тарақай қочишади. Абгор бўлган Вали Муҳаммад ҳимоясиз қолиб асир тушади. Шухрат отини жиловлаган Ялангтўш эса қирқ минг кишилиқ жанговар қўшин билан ганимини Шарқий Эронгача қувлаб боради ва, карнай-сурнай садолари остида, беҳисоб ўлжа билан юртига қайтади. Тез орада Вали Муҳаммад оламдан ўтади. Баъзи хуфия хабарларга қараганда, ўлимига Шайх Хожа Ҳошим зимдан берган фатво сабабчи эмиш...

Сарбозлик уқубатларини бошидан кечириб, мардлиги ва тадбиркорлиги туфайли сардорлигу ҳокимлик даражасига етган Ялангтўш ҳукуматга тил тегизган ҳар қандай бандани кечириши душвор эди.

Мана шунинг учун ҳам аркони давлат иззат-нафси оғриган ҳукмдор жаллод чақириб, ақли калтаю тили узун йигит бошини кундада сапчадек уздиришини кута бошлади.

Аммо у шошилмади, гўрлик билан айтилган, нишонга тегиб-тегмаган пойма-пой сўзлар ақлу хушини ўғирлаб қўйган эди. Хотиржам алфозда ўғлон сари борар экан, қиёфасида қаҳр ёки нафратдан кўра хайрихоҳлик ифодаси устунлиги барчани ҳайратга солди.

— Мавлоно, тилим бесуюяк деб алжираш яхшими?

— Афү этгайсиз, олампаноҳ.

— Имомқулихон ҳазратлари тутган ханжар адолат қасрини қўриқлагувчи қудратдир, — Ялангтўш қисқа сукутдан кейин Мулла Абдужабборга ўтирилди. — Уста, изоҳ беринг, она сути оғзидан кетмаган бу йигит муддаоси нимадир?

— Улуғ бий, худо ҳақи, анинг учун узримни қабул қилинг, — деди Мулла Абдужаббор хижолатини яширолмай. — Шогирдим густоҳлик қилмиш!

— Оқсоқол, сизу биз бу ерда Бухоро салтанати оқу қорасини тафтиш этиш муддаосида тўпланмадик!

— Маъкул айтдингиз.

— Агар сиз қўлласангиз, бошқалар қанотимда турса, камина шаҳарни чалдеворлар исканжасидин қутқарамен!..

— Аъло ниятингиз муборак бўлғай!

— Камина дастим фалак тоқига ҳам етишини ганимларимга кўрсатурмен. Афсус, минг афсуски, лоқайдлик сизу бизни ҳибс айлаган. Энди элу элат англасун, келгуси бу каби кечмас, энди бу каби тутум барчага бегона! Фикримни англадингизми, аҳли идрок?

— Уқдик, олампаноҳ, — барчадан аввал ниҳол каби букилди Бобоҳўжа Муслим. — Фақат камина бир суханингиз мағзини чақолмадим.

— Қайси суханимни айтасиз, вазири аъзам?

— Шаҳарни чалдеворлар исканжасидин қандай қутқариш мумкин? Кўп ўйладим-у, ушбу жумбоқ ечимини тополмадим!

Қайси йили Ялангтўшбий Баҳодир оталиғи Шайх Хожа Ҳошим даъвати билан Бобоҳўжа Муслимни саройга олиб, бош вазирлик мартабасига ўтқизди, алҳол, улар ўртасида жуда эрта бошланган ошначиликдан воқиф бўлгани сабабли шундай йўл тутди. Афсуски, Бобоҳўжа саройда муқим ўрнашгач, тоб ташлай бошлади, яъни, гоҳ хазинага кўз олайтирса, гоҳ улус чўнтагини шилар эди.

— Вазир жаноблари, бу тадбир нималигини сиз бошқалардан яхшироқ билишингиз лозим эрди, — деди ҳукмдор кесатиқ аралаш. — Ёки атай ўзингизни гофилликка соласизми?

— Йўғ-е! — деди Бобохўжа бўшашиб.

— Ким айтади, — дея Баҳодир мажлис аҳлига бирин-кетин кўз ташлади, — шаҳристонни чалдеворлардин фориг айламак чораси недир?

Саройда яна аввалгидек оғир жимлик чўқди.

— Аъло ҳазрат, бир қошиқ қонимдин кечинг.

Муҳаммад Аваз товушидан хаёли бўлинган Мулла Абдужаббор баданига сон-саноқсиз чумоли ўрмалагандек туюлди. Шогирди ҳалигина таъзирини еганига қарамай, яна бундай ўзини ўртага уриши уни адои тамом қилаёзди.

— Кечдим, сўзланг.

— Қулингиз фаҳмича, улугсифат иморатлар қурмак шаҳарни чалдеворлар исканжасидин қутқармак демакдир.

Дераза олдида қовоқ солиб турган Ялангтўшбий Баҳодир мамнун жилмайганини кўргандан кейингина Мулла Абдужаббор енгил тортди. Аъёнлару боёнлар хотиржам қўл боғлаб турган йигитга совуқ назар билан разм солишаётган эди.

— Эшитдингизми? — ўқрайганча бош вазирга юзланди Баҳодир. — Сиздек давру даврон эгаси фаҳлмаган нарсани бу норасида фаҳмлабдир.

Бобохўжа Муслим чурқ этолмай олазарак нигоҳини олиб қочди.

— Шундоғ, жаноблар, гап улугсифат иморатлар устида борадир. Кўпдин камина дорилшифоия сингари улус важига ярайдиган яна бир маскан тикламоқни Эгамдан тилаймен.

— Кўнгиллари мадраса ёким масжидга кетибдир.

— Яна топдингиз, мавлоно, — Муҳаммад Аваз елкасига қоқиб қўйди Баҳодир. — Белимизни етти жойидин маҳкам боғлаб, Мирзо Улуғбек мадрасаси-

дин камлиги бўлмаган мадраса қурилишига киришамиз

— Жидду жаҳдингизга офарин! — деди Хожа Ҳошим.

— Хазинам эшиги меъморлар учун ҳамиша очиқ!..

— Қуллуқ, ҳазратим! — Мулла Абдужаббор севинчини изҳор этди. — Давлатингиз яна ҳам зиёда, умрингиз боқий бўлсин!

— Самарқандни дунёга танитган ўзбекдир. Бунга тирноқча шубҳа йўқ! — Ялангтўш аста тахтга суянди ва устоддан нигоҳ узмай давом этди: — Ани неча марта хоки туроб айлашди, ҳар гал ярасига ўзбек малҳам босди. Биз ҳам дунёдин кўзи юмуқ ўтмай, бирон кор-ҳолига ярайлик!..

\* \* \*

Муаззам саройда кечган ўша мажлисдан кейин авжи ёз палласи Ялангтўшбий Баҳодир кутилмаганда Муҳаммад Аваз дийдорини кўриш иштиёқига тушиб қолди. Муҳаммад Аваз Мирзо Улуғбек мадрасаси ичкарасида, мубошир меъмор учун ажратилган ҳужрада устод Мулла Абдужаббор билан бўлгуси иморат тарҳу амали устида бош қотираётган эди. Белларига қилич осган мулозимлар шоҳона безатилган аравада уни аркка келтиришди. Икки тарафида ям-яшил сарвлар қад ростлаган жимжит йўлак орқали Боғи Эрамни эслатувчи гўша сари бораркан, вужудини енгил бир ҳаяжон қамраган эди. Турли дарахтлар безаган чорбоғ адоғи кўринмасди. Ўртада, улус таъбири билан айтганда, кавсар сувига тўлғазилган шишадай тиниқ сарҳовуз бўлиб, атрофини қуршаган турфа гуллар розини тинглар, чор-атрофга салқин ҳаво уфураётгани ва файзли ҳаёт бағишлаётганини мавжлар тили билан шивирлаб айтар эди.

Раъною наргис, атиргуллар, райҳону жамбиллар атру бўйларига ғарқ хиёбонларда сон-саноксиз товуслар қанотларини ёза-ёза хиромон айланар, қатор-қатор

сарвлар оралигида кўзлари мунис жайронлар анжумани авжига чиққан эди.

Муҳаммад Аваз жозиб манзарага дахл қилишдан чўчиган каби, оёқ учида шошилмай одимларди. Барибир, ҳарчанд эҳтиёт бўлмасин, сезгир кийиклар қулоқларини динг қилишди, келгувчи бегона эмаслигини пайқашгач, яна мажлис шавқига берилишди.

Сарҳовуз бўйидаги атрофи ўймакор панжара билан ўралган шинамгина шийпонга кўзи тушганда Муҳаммад Аваз беихтиёр тараддудланди.

Теварақда анвойи чечаклар бир-бирларидан қолишмасликка аҳдлашган каби, баравар барқ уриб очилган, ганчкорий шийпон ифорий ислар оғушида товланиб турар, тепада ошуфта кабутарлар чарх уриб ўйнашар, хиёбонда сайр қилиб юрган товусларга рашк қилгандек, гоҳо маҳзун оҳангда сайрашар эди.

Самарқанд вилояти ҳокими, аштархонийлар сулоласининг кучу қудратда тенгсиз устунларидан саналган Абу Карим Бойҳожидин ўғли Ялангтўшбий Баҳодир ҳазратлари ана шу дилбар гўшада якка ўзи ҳордиқ олаётган эди.

Ҳамон ақлу хушини йиғиштириб улгурмаган Муҳаммад Аваз, тиззалари қалтираган ҳолда, мрамар йўлак ва мрамар зина орқали шийон саҳнига чиқди ва қават-қават адрас-кимхоб кўрпачалару парқув болишларга кўмилиб ўтирган салтанат эгаси қошида қаддини букди.

Ялангтўшбий Баҳодир пинак бузмади, бир оздан кейин ўтириш учун ишора бераркан, кўркам соқол яна ҳам салобат берган энли бетини недир учқун ёритиб ўтди. Рўпарасида одоб билан чўккан йигитнинг келишган қадди-бастини зимдан кузатди-да, оғир хўрсинди, шунда нечукким қояни эслатувчи гавдаси бир кўтарилиб тушди.

— Мавлоно, сизни бемаҳал безовта қилдим, албатта сабабини билмайсиз, — ниҳоят чўзилган жимликни бузди у. — Бу ишим дилингизга оғир ботмасин.

— Аъло ҳазрат, нечун оғринай? — деди Муҳаммад Аваз самимий оҳангда. — Аксинча, бошим кўқда!..



— Ҳа, бале! — давом этди ҳукмдор, йигит фаросатига ичида таҳсин ўқиб. — Ўтган оқшом Бобо Миршароф тушимга кирди. Баҳонада дийдорингизни кумсадим. Тўғриси, сизни ҳар кўрганда падарингизни кўргандек бўламен.

Сухбат валинеъматига Бобо Миршароф устида кечилини сира кутмаган Муҳаммад Аваз борлиги ногоҳ алғов-далғов бўлиб кетди. Ахир, ҳаётдан не-не армон билан, айниқса, жуфти ҳалоллини куйдириб, бемаврид кетган қадрдон кишисини эслаши нақадар азоб!..

— Тавба, сардор жийрон қашқада қийшайиб ўтирарди, — деб яна сулиш олди ҳукмдор. — Соч-соқоли оппоқ. Тавба, соч-соқоли қора эди-ку, дейман ажабланиб. Гангиб қолганимга эътибор бермай, отига миндирди. Регистонга етганимизда бехосдан уйғондим.

Сираси, Бобо Миршароф ёлгон дунёдан чин дунёга сафар қилганда Муҳаммад Аваз ҳали эсини таниб улгурмаганди. Шу боис отасини тўласинча тасаввур қилолмас, онаизори сўзлари асосида эшлашга уринар эди. Ҳозир нечукким ҳаёлида жангу жадалда юраве-риб тобланган суворий қиёфасини тиклашга уринди, аммо кўз ўнгида тўшақда қийналиб, ажал билан олишиб ётган қоқсуяк кимса жонланди-да, бўғзига аччиқ йиғи тиқилди.

Шу пайт сарой русумига мувофиқ кийинган баковуллар ва хизматкорлар попукли шоҳи дастурхон тўшалган хонтахтада Ялангтўш суйиб тановул қиладиган ноз-неъматларни муҳайё айлашди. Осийи нон, майиз, pista-бодом, ҳар хил доривор кўкатлар, димлаб пиширилган каклик гўшти билан бирга, арча шохчаси аралаш зира-мурчга тўйдирилган кабобдан ҳар хили тортилди.

Нихоят, нафис безаклар билан зийнатланган майкўза кўтариб ёшгина хушрўй соқий келди. Соқий икки букилиб таъзим адо қилгач, ишга киришди. Қирмизий шароб кўпирган кумуш аёқларни бирин-кетин

узатаркан, юмшоқ товущда: «Асал бўлгай!» — деб лутф қилишни унутмади.

— Сиз бўшсиз, — деди салдан кейин Ялангтўш, бош ирғаб, — хизматни ўзимиз адо этурмиз.

Хушрўй косагул, яна эгилиб таъзим бажо келтиргандан кейин, зинапоягача тисарилиб боргач, илдам бурилиб гулзорга тушиб кетди.

— Қани, мавлоно, олинг, — деди ҳукмдор, қадам товущлари тингач. — Сиз ила дардлашгим келади. Саҳарда туш кўриб уйғонганимдан буён кўҳна хотиралар тинчлик бермаётир.

Муҳаммад Аваз майда аксини кўрди, лабларидаги синиқ табассуми, нигоҳларида ифодаланган ўйчанлик қирмизийликни тагин ҳам жилолантириб юборгандек эди. Аёқ май эмас, сеҳру жоду билан лиммо-лим эканлигини ўйларкан, уни аста буғланиб турган кабоб ёнига қўйди.

— Аъло ҳазрат, маъзур тутгайсиз, камина ҳали ушбу кўчадин ўтмадим. Гуноҳга ботмасменми?

— Ҳай-ҳай, мавлоно, зинҳор-базинҳор ундай деманг. Бул неъмат, кам-кам олинса, гуноҳга ботирмас, аксинча, гуноҳни гард мисол ювгай!

— Қизиқ, кўп қизиқ! — кулимсиради Муҳаммад Аваз.

— Таажжубга ўрин йўқ, мавлоно!

— Май билан покланиш... Э, йўқ, ишонмадим!

— Улуғ шоирлар бодани Оллоҳ тимсоли деб билурлар. Бунга не дейсиз, мавлоно? Нима, меъмор аҳди газал сеҳридин бенасиб эрурми?

— Менимча, бода сурурини Оллоҳ таоло меҳри билан қиёслаш бошқа-ю, майпарастлик қилиб имонни хароб айлаш бутунлай бошқа! — ортга чекинишни истамади йигит. — Подошоҳларга келсак, улар гуноҳни гуноҳ билан ювишни хушласалар керак.

Номаълум нуқтага тикилиб ўтирган Ялангтўшбий Баҳодир искис ўтирилди, нетонгки, тишига тош теккан каби башараси бужмайиб кетган эди. Аммо тезда

ўзини ўнглади, безовта дилидан, кўп закий, фақат тилига эрк бергани чатоқ, деган фикрни кечирди-да, жилмайишга уринди.

— Сиз баҳсу жиддия қилмоқчимисиз?

— Асло, олампаноҳ. Афу этгайсиз.

— Ундай бўлса, мавлоно, ўзингиз тўлдириб қуйинг, сиздек ўғлон қўлидан шароб нўш айламоқ фароғат!..

Муҳаммад Аваз бу вазифадан бениҳоя узоқлигини ўйлаб гангиди, йўқ, оғринди. Аммо кимсан Ялангтўш бунориб турганда қандай бўйин товласин? Сир бой бермай жимгина майкузага узалди, лекин ҳалиги соқийга тақлид қилмай, ўтирган жойида шароб сузди. Хиҷолат ичра яна иккилана бошлаганда Ялангтўш ўзи жонига ора кирди, аёқни шартта кўтариб, бир зарбда бўшатди.

— Кўнглим мусиқа тусайдир, — аста ёнбошига ёстиқ тортди ҳукмдор. — Ичимда ҳаргиз бир газак борки, мудом уни ё май, ё мусиқа даф қилур.

— Тушунмадим, олампаноҳ.

— Кўпинча фалаки буқаламун, яъни, бевафо дунё саодатидин май саодати авло кўринур. Тожу тахт ёки шуҳрат кўнглимни ёритиш нари турсин, зулатта гирифтор қилганини қандоғ тушунтирай?

— Ахир, аъло ҳазрат, ҳокими мутлақ бўлиш учун интилмабсизми?

— Тўғри, интилганман. Оллоҳ иродаси билан кучлилар ожизларга раҳнамолик қилиши бор гап-да!

— Камина ҳеч қачон тожу тахт ҳавасини тиламас эрдим.

— Аслида тож кийиб, тахтга қўниш ҳам ҳунар, мавлоно. Сиз кабилар бундин бенасиб бўлиб, биз кабиларни калтабинликда айблаб кун кечирадилар.

— Бундай айблов ноўрин эканлигини ҳар ҳолда билсангиз керак.

— Биламен, мавлоно, — Баҳодир чордона қуриб ўтирганча косагуллик қилишга киришди. — Фақат ҳақиқат қиличидин қўрқмай, бошни доим яланг тутиб берган афзал!

— Ҳақиқат улус ҳукмидин иборатдир.  
— Айтинг-чи, мавлоно, улус нечун, ҳукмдор борки, барини бирдек лойга белаيدир?  
— Боиским, алар кирдикорлари ўзаро ўхшаш!  
— Йўқ, улус омий, яхшилик ила ёмонлик фарқига бормас.

— Ўша яхшиликка оғу қўшилган бўлса-чи?

Ялангтўш яна ўзини босди-да, рўпарасида ўтирган йигит устози пандларини пухта ўзлаштириб, кўп китоб ўқиганини, оқу қорани туппа-тузук танишини, ҳатто тожу тахт хусусида балодай фикр юрита олишини эътироф этди. «Агарки, тарбияси қиёмига етса, андин зап фозил етишур!» — деб қўйди ичида ва атай ҳалиги саволни жавобсиз қолдирди. Анча чўзилган жимликдан кейин суҳбат жilовини бошқа мавзуга бурди.

— Мулла Абдужаббор кайфияти созми?

— Шукр, создир. Ул зоти шариф ҳам дуойи жонингизни қиладир, ҳам иморат тарху амали бобида тинмай куч сарфлайдир.

— Умидимки, янги фунун ва илоҳиёт қароргоҳи Самарқанд қиёфасига шоҳона безак бўлур.

— Каминага қолса, қиблагоҳ, ани бир сўз билан дорилфунун деб атар эрдим.

— Дорилфунун? Ҳа-ҳа, кўп маъқул, дорилфунун деб атамоқ керак. Хўш, бул қурилиш қимматга тушарми?

— Сизни сарфу харажат ташвишга солибди-да. Андоғ ҳолда ютқазурмиз. Аждодлар хайрли юмуш ижросида сармойани аямаганлар

— Мавлоно, меъморлар учун хазинам эшиги доим очик, деган эрдим. Нима, унутдингизми?

— Илм билан санъат қурбон сўрайдир. Шундан чўчимаган халқимиз меъморлик обидалари билан қаноат қилмай, курраи арз ҳали уйқудалик пайтида, расад қуриб, фалак тоқига оёқ қўймиш!

— Ушбу маълумотни кимга сўзлайсиз? — ҳузурланиб мийиғида кулди Баҳодир. — Наҳотки булардин хабарсиз бўлсам?

— Хабардорсиз. Буларни ҳали улус омийлигига ишорат берганингиз боис эсладим, — недир учкун ёнди Муҳаммад Аваз нигоҳида. — Ахир, замин сайқалига айланган шаҳар қурган, кўп илмларни сув қилиб ичган халқ пешонасига қаро тамға босиш инсофданми!?

— Кўксимни пора-пора қилмақдасиз.

— Ҳазратим, зиғирча ҳам азият чекманг. Наздингизда ўққа айланган бул сўзлар ҳақиқий эгаларини топурақлар.

Ялангтўш майкўзага узалиб, чинни аёққа кўпиртириб шароб қуяркан, баданига енгил титроқ кирганини пайқади, шаробни бир томчи ҳам қолдирмай сипқорди-да, зимдан Муҳаммад Авазга нигоҳ юборди.

Ахир, қачондир кўп мушкул дамларда суяган қадрдон биродари фарзанди тизгинини бу тахлит бўш қўйиши қанчалар маъқул? Аниқроғи, бу кетишда эрта у бутунлай тепасига чиқиб олмаса, ҳамма ёқни ағдартўнтар қилиб, бошига турли-туман ғалвалар орттирмаса? Қолаверса, бу замонда ҳеч кимга ишонч йўқ, ҳар ким ўз кўмачига кул тортади, ё фалаксан-ей!..

Ялангтўш беихтиёр тушини эслади, яна зимдан Муҳаммад Авазга тикилиб: «Келбати оз-моз отасига тортган!» — деган фикрни дилидан кечирди. Кечадан бери Бобо Миршарофнинг забардаст қадди-басти хаёлини банд айлаган эди. Ҳозир ҳам ўша қадрдон сиймони кўз олдида жонлантирар экан, беихтиёр қони тошиб, бағри илиди.

Охирги кунларда у негадир ўзини ҳимоясиз сезади, ёнида бир ҳамдард, суянса бўладиган валломат кимса кўрмайди. Бобохўжа Муслим нари турсин, ҳатто Хожа Ҳошим билан ҳам сирлашолмас, унинг аввалги журъати ва ҳомийлик лаёқати қолмаганини қадамда ҳис этиб бўғилар эди.

— Мавлоно, ёлғизлик азобидан воқифмисиз? — Муҳаммад Аваз елка қисгач, у давом этди: — Ҳамма хушомад билан кўнглимни овласа-да, танҳолик домидамен.

- Қисматдан қочиб қутулиш қийин.
- Илгари бор эрди ишонган ҳабибим!..
- Ул зот ким эрди?
- Бобо Миршароф!..

Муҳаммад Аваз падари бузруквори Ялангтўшбий Баҳодир ҳурматини қозонгани, саройда ва эл орасида нуфузи кундан-кун ортиб, катта қўшинни тасарруфида тутганини онасидан кўп эшитган эди.

Таажжубки, волидаси қизиқарли воқеаларни тўлиб-тошиб сўйлар экан, ногоҳ кафтлари билан бетини ёпиб ёки кўрпага бошини буркаб бирдан хўнграб юборар эди. Бунини ўзича тушунган Муҳаммад Аваз шўрликни ўз ҳолига қўяр, бир оғиз ортиқча гап сўрамай, аста жуфтасини ростлар эди.

— Бобо Миршарофни эсласам куйиб кетамен, — жимликни бузди Баҳодир. — Юрагим оловини мана шу сабил қолгур сал ўчириши мумкин.

- Афсус қиламен, ҳазратим.
- Бағримда бир кемтик бор, мавлоно.
- Ёруғ дунёдин бағри бутун одам топилмас.
- Ҳақсиз. Чархдин совидим.
- Нима гап ўзи, сизни илгари ҳечам бу аҳволда кўрмаганмен.

— Келгусида ҳам кўрмайсиз, — деди Баҳодир, овози яна ҳам ўзгариб. — Пайти етибдими, билиб олинг, падарингиз маним ўрнимда қурбон бўлган!

— Фақирни ҳайрон қилурсиз, аъло ҳазрат, — деди Муҳаммад Аваз, қулоқларига ишонмай. — Адашмасам, бу сўзларингиз сархушлик мевасидир.

- Йўқ, мавлоно, ундай эмас.
- Сир бўлса, сирлигича қолгани маъқул!

— Энди ўйласам, сардор каминани бир умрлик қарздор қилиб кетган экан. Бу қарзни қандай узишни ўйласам тунлари уйқум қочадир. Кеча оқшом тулпорда тушимда аён бўлгани таъбирини билолмадим.

— Аҳли қубур — ўликлар қарз талаб қилмас, яъни, талаб қилолмас, қиблагоҳ!..

Шийпон кунботаридаги гирдларида тут ва хурмо ниҳоллари экилган гулзор оҳиста шитирлади. Бўй-бас-ти бир хил бир нечта жайрон эпкинда чайқалаётган раъною наргис пуштасида беозор мўлтираб турарди. Бежирим киприклар қуршовида чақнаётган кўзларида алвон гуллар япроқларидан кўчган шафақнамо ранг аксланган эди.

Жонлуғларни томоша қила-қила Муҳаммад Аваз кўнглида тушунуксиз бир кайфият уйғотган суҳбатни унутди, шошилмай шийпондан узоқлашар экан, беихтиёр ортига ўтирилди. Тожу тахт қайғусидан тамомила фориг бўлганига имон ўгирган каби, Ялангтўшбий Баҳодир пар болишларга бош қўйиб осуда ётар эди...

\* \* \*

Ажабо, Назокатбону совчилик масъулиятидан чўчигани сайин, Муҳаммад Аваз дарди тобора зўраяр, кўзига умидсизлик гирдоби яққолроқ кўринар эди.

Яхшики, Мулла Абдужаббор бир сўзда турди. Устод тезроқ Ялангтўш кўнглига қўл солиб кўришни хоҳларди. Шу билан бирга, Назокатбону ҳузурига қатнар, таклифини қайта-қайта таъкидлаб, уни ҳоли-жонига қўймас эди. Ахийри, сергак тортган кампир, дилида журъат майсаси битиб, олий даргоҳдан келин тушириш иштиёқи билан ёна бошлади.

Бибихоним масжидида пешин қарзини узган намозхонлар бозор, раста-дўконлар, кўчалару маҳалларга тарқалган маҳалда улар узун-қисқа бўлиб арк сари боришар эди.

Соқчилар оҳорли либослар кийган Мулла Абдужабборни кўрганлари ҳамоно тавозе билан йўл бўшатишди, у билан ёнма-ён пилдираб келаётган очиқ чехрали кампирни ҳам бемалол қўйворишди.

Улар қизил қум тўшалган, икки ёни гулзору сабззор кенг ва сокин йўлақдан бафуржа илгарилашар экан,

муҳташам бино эшиги олдида тагин зирҳга ўралиб, қалқону найза тутган, қовоқлари солинган сарбозларга йўлиқишди. «Э, тавба, бул тириқтовонлар нимани қўриқлайдир?» — дея Назокатбону гудранаркан, ус-тод беихтиёр жилмайди.

Эшикоға, кутилмаган меҳмонларни даҳлизда тўхта-тиб, ўзи бағдодий эшиқдан саломхона сари йўрғалади. Мислсиз тиниқ ранглар ва ингичка нақшларга чулганган хонада улар анча диққат бўлишди. Айниқса, Назокатбону, юраги безовта тешиб, Худодан сабр-тоқат ва омад тилар эди. Ҳаяллаб кетган эшикоға қайтиб чиққанда у тутдек тўкилаёзган, ўзини сарой бўсағасига бош уриш учун мажбур қилган бебошвоқ ўғлини ичида юмшоқ-юмшоқ қарғай бошлаган эди.

Хосхона ҳашамати ва малоҳати Назокатбону ақлу хушини ўғирлади, ўзаро уйғун турфа ранглар жилоси гўё борлигини занжирбанд айлаган, ҳеч бир таърифга сизмас маъвога улоқтириб ташлаган эди. Эҳтимол, шу боис тўрдаги сийму зар, қимматбаҳо тошлар билан безатилган балаңд тахтни, унда бургут каби қўниб ўтирган басавлат соҳиби давронни дафъатан кўрмади.

Ялангтўшбий Баҳодир, хаёл уммонига гарқмиди, қовоғи солиқмиди, англаш ҳайтовур мушкул, чап қўли тиззасида, ўнг қўли билан исфаҳоний ханжари дандон сопини ушлаган, нигоҳи номаълум нуқтага миҳланган эди. Пайваста қошлари, қалин қовоқлари ва япасқироқ бурни кенг пешонаси билан уйғунлик адо этган, туртиб чиққан ёноқларидан қон томгудек эди.

— Қадамларига ҳасанот, меъмори замон!

— Худо қўласин сизни!..

— Бир муслимай мўминани етаклаб келмишлар.

— Бул муслимай мўмина музаффар қўшинингиз сардори раҳматли Бобо Миршароф завжаи ҳалоли, яъниким, мубошир меъморингиз Муҳаммад Авазнинг волидаи муҳтарамаси бўлур.

— Офарин! Андоқ демайсизми, устод? Хобгоҳи муборакка хуш келибсиз, Назокатбону! — деди ҳукм-



дор, ногаҳон чехраси ёришиб. — Камина сиз билан ҳалигача учрашмадим, аммо сиз ҳақингизда кўп нарса биламен.

— Қуллуқ! — деди Назокатбону хиёл эгилиб.

— Ҳар гал ибодат чоғи Бобо Миршарофни ёд олиб, анга Тангри шафоатини тилаймен. Раҳматли, илойим жойи жаннатда бўлсун, каминага чексиз садоқат кўргузган жасур лашкарбоши эрди. Ҳей, дариг, умрдан қисган экан.

— Иложим қанча, қиблайи олам, — киприк намлади кампир. — Пешонамга сиғмади-да!

— Афсус, афсус! — Ялангтўш қисқа сукут сақлагач, Мулла Абдужабборга юзланди: — Хўш, мавлоно, каминага қандай хизмат буюрасиз?

— Баҳодир жаноблари, — бирдан тетиклашиб ўмганини кўтарди устод, — бул ожиза ила даргоҳингизга юкуниб келганимни не муддаога йўймоқдасиз?

— Аминменки, каминадин кўнгил сўраш ниятида ташриф буюргансиз, — деди ҳукмдор узиб. — Нияти холис оғалар ҳамиша яхшилик тилаб юкунадирлар.

— Ташаккур, топдингиз. Фақат яна бир эзгу мақсад билан келганмиз. Бир қошиқ қонимдин кечсангиз, ани ҳам баён қилар эрдим.

— Кечганим бўлсун, тақсир.

Мулла Абдужаббор ял-ял ёнаётган афғоний гилам бир бурчида жон ҳовучлаб турган, кўзлари тубида недир иштибоҳ чайқалаётган Назокатбону сари бир қараб олгач, дадиллик билан Ялангтўшга ўгирилди.

— Қулоғимга етибдирким, сиздек улуғ зот парвариш қилган гулшанда бир гул битибдир ва бул муслимаю мўмина чироқёқари ўша гул асири бўлмиш! Алар сиздан ҳам нажот, ҳам мурувват кутадира.

Мулла Абдужаббор нутқини тугатгунча шундоқ ҳам бўлари бўлиб турган Назокатбону ич-этини еб, бадани увишиб, нафаси қийилди ва гиламга беҳуш қулаёзди.

Ҳайҳотки, ушбу паллада, Ялангтўш Баҳодир, фаҳри-қувончи ҳисобланган мунаққаш тахтда эмас, гўё

бир ҳовуч чўғ устида ўтирарди, яна чатоғи, ҳалигина бутун қиёфасини нурлантириб турган ифтихордан асар ҳам қолмаганди. Аммо у, ҳоли-руҳини сездирмай, тахтдан тушиб, Мулла Абдужаббор рўпарасига борди.

— Бекор уринибсиз-да, мавлоно!

— Нечун, олампаноҳ?

— Андиша унутилган фурсатда сийлов қилич бўлишини унутибсиз.

— Элчига ўлим йўқдир.

— Аммо, орага совуқчилик тушса, оқибати ёмон бўлур!

Чамаси, Ялангтўш Баҳодир ана шу кесатиклар билан суҳбатга яқун ясаб, барига нуқта қўйиш тилагида эди. Буни англаган Мулла Абдужаббор яна ҳужумга ўтмоқчи бўлди. Аммо ногоҳ миясига қайноқ қон урилиб, юраги хуруж қилди-ди, сўз қотгани мажоли етмади.

— Қиблагоҳ, муборак даргоҳингизга адолат истаб келдик, — охири орага суқилди Назокатбону, устод ҳолини сезгач.

— Каминадин адолату элатимдин шаккокликми?

— Ишонинг, ниятимиз холис.

— Холис ниятда бўлсангиз, нечун дилимни оғри-тишга журъат этибсиз? Биласиз-ку, Эгам ҳар ким ўз тенги билан топишсин деб буюрган!

— Оғайи шариф, ўғлимда не нуқсон кўрасиз? — астойдил ранжиди Назокатбону. — Ҳазор шукр, у ҳеч бир тенгқуридин кам эрмас!

— Ҳунарини пеш қиласизми?

— Тангрига қасамки, ҳунари пеш қилмоққа чандон арзигай, — Назокатбону ўрнига кўксини аста-аста силаётган устод жавоб қилди. — Анинг санъати эвазига курраи арзнинг жамийки мулки, жамийки ганжинасини тортиқ қилса ҳам кам эрур!

Нохуш сукунат қаърига чўккан хобгоҳни ногоҳ жаранглаган кулги тутди. Нафсонияти яна ҳам симиллаб кетган Баҳодир масхараомуз хохолар эди. Сўнг

бирдан жим бўлиб, намланган қалин қовоқларига шоҳи қўлрўмолини боса-боса, тахт сари йўрғалади.

— Оббо, сиз-ей, шундоғ денг!? Хўш, ҳунаридин бўлак пичоққа илинадиган яна нимаси бор?

— Кишики, ҳунар тахтига эришибдир, ҳар неки эзгу нарсага етишибдир.

— Оширасиз, устод. Фақат ҳунар билан киши муроди ҳосил бўлмас! — яна кесатди Ялангтўш. — Наҳотки, Самарқанддек юртни сўраб турган мендек зот шу қадар нодон?

— Йўқ, олампаҳо, сиз донолар доноси бўлурусиз.

— Шундай экан, Моҳбонуни минишга ҳатто оти бўлмаган ялангоёққа узатишимга ишонасизми?

— Муҳаммад Аваз ялангоёқ эрмас! Могу давлати ўзига етгулик! Падаридин тузуккина мерос қолган!..

Одатига хилоф равишда анчайин тутаққан, ичида нимадир чирс этиб синган Мулла Абдужаббор таъзимга чоғи келмай эшик сари юрди.

Назокатбону эса аста оҳ тортди, сўнг, номаълум нуқтага тикилганча, кимки шўрпешона бўлса, ўйламай-нетмай сарой деворига суйкансин, деган фикрни дилидан кечирди.

— Оғайи шариф, нуридийдамни нечун бунчалар ерга урдингиз? Палаги тоза инсон эканлигини биласиз-ку. Ҳатто ҳозиргина падари қандай киши бўлганини ўзингиз айтдингиз.

Шамшир зарбидан минг чандон оғир бўлган бундай зарбни кутмаган Ялангтўш бир ҳолда сукут сақлади. Аллатовур кўпчиб кетган авзойидан ич-ичида недир ғалаён тошаётгани, нимадир юрагини тилимлаётгани англашилар эди.

— Камина ўша зот юз-хотирини қилганим сабабли сизлар билан мулоқотда бўлдим. Ҳар қанақа бошқа шохдорни хобгоҳи муборакка йўлатмас эрдим.

— Шунақами? Бечора сардор сиздек кимса учун азиз бошини тикканига ўкинамен!

— Анинг арвоҳини тинч қўйинг. Анга бўлган ҳур-матимни бўйнимга сиртмоқ қилиб солманг. Ҳукм бундирким, эшигимга бундай ният билан бошқа қадам босмагайсиз!..

Юраги тўхтаб қолаётган Назокатбону саройингни елкаминг чуқури кўрсин маъносида бир дарғазаб чимирилди, телбаларча гавдасини тахтга отган Ялангтўшни бир зум хушламай кузатиб турди-да, шошилиб даҳлизга чиқди. Даҳлиз қуйироғидаги курсида хомуш ўтирган ва маҳзун хаёлларга чўмган Мулла Абдужаборга кўзи тушиб, истехзо билан шивирлади:

— Юртни шу кимса қўлига топшириб қўйган Худо-йимдин ўргилай!..

\* \* \*

Ялангтўш гўё бир зилзила оғушида қолди, оқибат, номаълум куч борлигини хасдек чирпирак қилиб ташлади. Мана, энди шуурида доим ҳукмронлик қиладиган илиқ нур сўнган, тахтда жонсиздек ўлтирар, ҳали ортиқ даражада ҳаволангани учун ичидан зил кетар эди.

Бул недир, сарой бошига келган фалокатми? Сира ақл бовар қилмас! Афсус, аларни хафа қилди. Устод айниқса ёмон ранжиди. Энди не бўлур? Эл ичида гап ётмас, эрта-индин бутун улусга тарқалади. Бир гадо совчи қўйиб, саройни оёқости қилгани устидан тўйгунча куладилар. Рост, у Тангри қаргаган гадодан қолишмас, дарвешлиги ҳам бор, топганини кўча-кўйда сочармиш, учраган касга тарқатар эрмиш. Ҳали Моҳбону тоза аччиқланса керак. Не-не аслзодаларни назарга илмаган малика бир гумроҳни бошига ёстиқ қиладими?

Кўнглини хуфтон қилиб кетган совчилар аламини кимдан олишни билмай, Ялангтўшбий Баҳодир яна анча вақт ўзи билан ўзи олишди, умид уйғотадиган анча-мунча режа тузди. Сал хотиржам тортгандан кейин кафтларини бир-бирига урди. Мовут чопон ки-

йиб, ихчам ипак салла ўраган эшикоға кириб, остонада ниҳолдек букилди.

— Май келтиришсин. Ҳа, айтганча, катта маликани чорланг. Бошқа биров йўламасин.

Кучу қудратда тенгсиз Ялангтўш бахту иқболи осмонида порлаган юлдуз саналмиш Хуршидаойим қадам ранжида қилган ҳамоно хобгоҳ ёришиб кетгандек бўлди.

Аллақачон хуморбосди қилишга улгурган Ялангтўш тахтда сархуш ўлтирар, йирик-йирик кўзлари мулоийим боқар, бояги аламзадалиқ губоридан фориғ бўлган вужудини ажаб бир масрурлик эгаллаган эди.

Малика ҳамишагидек ҳафсала билан ясан-тусан қилмиш: мовий шоҳи пешонабанди, марғилоний саккизтепки атлас кўйлаги нозик қадду қоматига муносиб бўлиб, тилла-кумуш тақинчоқлар ҳусни малоҳатини кечагина чимилдиққа кирган келинчакники каби очиб юборган эди. Думалоқдан келган юзи ҳавзи кавсар сувига ювилган каби беғубор, сирли жилмайишга мойил дудоқлари гул япроғидек юпқа, офатижон кўзлари олов сочар эди.

Ҳайтовур муддаоси ушалди: дунёни оёқлари остида кўришни омад билган ҳукмдор, сал кам йигирма икки йилдан бери ўзи билан бир ёстиққа бош қўйиб келаётган малакни илк марта кўриб турган каби, сурагдек қотиб қолди.

— Хуршида, бул ўзингизми? — деди у эҳтирос йўғрилган товуш билан. — Во ажаб, кўқдан тушган фаришга кабисиз.

— Қарилиғ остонасига етибман, — жилмайганча ўгринча қараш қилди малика, — тавба, ҳануз бошим хушомадингиздин чиқмас!

— Энди ўн гулингиздин бири очилмиш!

— Не мақсадда чорладингиз?

— Чехрангизга тўйиб-тўйиб боқмоқчи бўлдим.

— Ҳашаматли хосхона жойи эмасдир.

Нозик пичинг маъносини тушуниб етган Ялангтўшбий Баҳодир хиёл довдиради. Ахир, қачондан бери,

бирламчи, беадад юмушга ботгани, иккиламчи, кўп вақтини бошқа сулувлар қўйнида кечиргани сабабли, бул пари зулфи райҳонлари бўйдан бебахра қолиб келади. Насиб қилса, навбатдаги кечани унинг ёнида ўтказди ва тонгга қадар ухламай кўнглини овлайди.

— Маликам, хосхона ҳашамати муҳаббатимни ҳеч қачон чекламас. Негаки, хосхона тугур, кўҳна дунё бору йўғи билан бир қарашингизга арзимагай!

— Йигит фаслингиздаги ҳазиллардин қилурсиз.

— Ҳамон қирчиллаган фаслимдир.

— Бўлса бордир. Лекин мен бечора узун тунларни юрагим эзилиб ёлғиз ўтказаман, — Хуршидаойим ахийри дардини ошкора айтаркан, киприклари паришон эгилди. — Бул хусусда нечун индамайсиз?

— Бу кеча кутинг, маликам!..

Ялангтўш юзини мубҳам бир кўланка қоплаганини, овози хиёл совуқ янграганини пайқаган Хуршидаойим бирдан ноқулай аҳволга тушди. Ичида бемаврид, ҳатто ортиқча нозу карашма қилганини эътироф этаркан, айбини ювиш учун ёқимли кулди ва атру ифрларини таратиб эгилди.

— Афу этгайсиз, ҳазратим.

— Қайси гуноҳингиз учун афу этай?

— Ҳануз тилагингизни билолмадим.

— Хўш, маликам, камина сизни олчин бекларидин тортиб олганим ва хилват кечада тўриқ отга мингашиб қочганимиз ёдингиздами?

— Ёдимда, — деди малика ажабланиб.

— Ўша кезлар ҳовлимизни қароқчилар талаб, падарим кўли калта келиб қолгани, барини била туриб, сизнинг падарингиз биздан юз ўгиргани ва авлодимизни ялангоёқлар тоифасига қўшгани ҳам ёдингиздами?

— Ўтганига саловат, бегим.

— Ҳа, саловат, — сўлиш олди ҳукмдор. — Фақат шуни англангки, бугун киши билан отга мингашиб кетиш навбати қизимизга етибдир.

— Моҳбону таърифини қиласизми?  
— Шундоғ, маликам.  
— Моҳбону андоғ кўчаларга қиё ҳам боқмас.  
— Сиз қиё боққан эрдингиз.  
— Маним йўригим бўлак. Падарим бўлгуси куёвни дарбадар санаганини ҳозир ўзингиз эслатдингиз.  
— Энди ўшал каби калтак ўз бошимизда синмоғи мумкин.

— Аниқроқ сўйланг, ҳозир тарс ёриламен!..  
— Раҳматли Бобо Миршароф бевасини танисангиз керак.

— Ҳа. Олчин уругидин.

— Бобо Миршароф олчиндин, Назокатбону темурийларга туташадир, барлос оиласидин тушган. Ўша кампир бугун Мулла Абдужаббор билан совчилик ихтиёр этибдир, арзанда ўғли Муҳаммадга маликани унаштирмақ ниятида. Олдиларига похол солиб жўнатдим.

Сал илгарироқ Хуршидаойим арк чорбоғи ва сарой йўлагига таъмир билан машғул Муҳаммад Авазни бир-икки маротаба учратган, келишган қадди-қомати, ёқимли муомаласи ва ақду заковатига мафтун бўлган эди. Ҳозир суҳбат маромидан ўша йигит қизига кўнгил қўйганини тахмин қилди (бекорга совчи юбормагандир!) ва бир орзиқиб тушди. Айна пайтда, фақат ўз хоҳиш-иродаси билан иш тутишни хушлайдиган ҳукмдор унга хайрихоҳ эмаслигини ҳам пайқаб улгурди.

— Боплабсиз, аъло ҳазрат — деди у ниҳоят, шубҳаларини яширишга уриниб, — тўғри йўл тутганингизга ожизангиз ҳам кафил!..

— Муҳаммад Аваз отаси билан ўртамизда нозик муносабат бўлганидан яхшигина хабардор, кўрнамак шуни дастак қилмоқчи шекилли! Аввалги тераклар кесилиб кетганини билмайди-да!..

Ялангтўшбий Баҳодир катта малика билан фикри бир жойдан чиққани учун анча енгил тортди. Жимжит хобгоҳда ёлғиз қолгач, кейинги кунларда саройга

пайдар-пай элчилар жўнатаётган беклар, амирлар ва бошқа турли тоифа зодагонларни кўз олдидан ўтказа бошлади. Уларни бирин-сирин Муҳаммад Аваз билан солиштирар экан, негадир қоникқмас, ичи тирналиб, тажанглиги ортар эди.

Ахийри, у, ҳовлиқиши — иккиланишу гумонсираши, ўзини ўзи қийноқ гирдобига отиши бефойда эканлигини, масалани яна ҳам чигаллаштириб, шармисорлик билан тенг аросатга рўбарў қилиши мумкинлигини кўнглидан ўтказди. Қодир эгам, сўз умр савдоси устида экан, шошиб қайга боради, нима бўлганда ҳам арқонни узунроқ ташлаб қўйгани яхши!..

\* \* \*

Аллақачон бой-бадавлат ошиқлар ўртасида хуфийёна талаш бўлаётганидан беҳабар Моҳбону ширин хаёллар ва эрта ёди билан машгул эди. Саройда азалу абад ҳукмрон совуқ сукунат, жимжит бўлмалар ичра беиз йўқоладиган кунлар, рўёбга чиқиши душвор орзулар бағрини эзарди. Ахийри, ҳалиги хонада ёлғиз қамалиб, кўнглининг яккаю ягона ҳамдами ҳисобланмиш қилқалам билан сирлашар эди.

Моҳбону, гоҳо ўзига сигмай, недир истак билан чорбоғда ҳозир бўларди, ҳашаматли кўшк рўпарасида канизақлар давра қуриб рақс тушишса, лапар ёки алёр айтишса, ғазалхонлик қилишса бир оз овунар эди.

Аммо кўпинча чеккароқдаги жимжит гулзор ёки майсазорда паришон чўкиб, бир ажаб ўйларга толади, тинмай гулдан гулга қўнаётган капалакларни кузатар экан, хаёлида ўша сиймо жонланади. Лекин у олисда, қадам етмас номаълум маконда!..

Баъзан Моҳбону ситамгарига оху зорини еткизмаса бир бало бўлиб қоладигандек типирчилар, ўз аҳволи устидан ўзи аламангиз пиқирлаб кулар, сўнг жимгина қаламу қоғоз қошида юкунар эди. Ҳей, тавба,



арзи-ҳоли, дарди-қувончи, ўпка-гинаси намуноча кўп, намуноча! Ҳайҳотки, қоғозга тушиб улгурмаганлари ногоҳ жолага айланар, нақш олмадек тап-таранг ёноқларини дув-дув ювар эди.

Моҳбону негадир бора-бора ўй-хаёлини очиқ-ойдин ифода этишдан чўчийдиган бўлди. Барини иложи борича ҳатто ўзидан ҳам пинҳон тутгиси келар, лекин кўпинча бунинг уддасидан чиқолмас эди. Базан сарой ҳаёти бир хил кечиши, қар ва соқов чор девор нолаю афғонини тингламаслиги, ортидан аллакимлар узлуксиз таъқиб қилиши, ҳатто онаси Хуршидаойим билан ҳам суҳбати қовушмаслигидан зорланар эди. Охириги хатини айниқса қуйиниб ёзди:

*«Мавлоно! Саломат бормисиз?»*

*Бошим қандоғ маломатлар домуда қолганини таърифлагани ожизмен. Камина қилқалам билан ошно тутинганимни ҳазрат отам сезибди. Важоҳати кейинги кунларда булут қоплаган кўк каби эрур. Агар ҳалиги суратлар қўлига тушса, шубҳасиз, худди теримга сомон тиқади. Шўрлик Ҳабиба ҳам калтак остида қолажак. Сиз билган хонани танбалаб, яқинига йўламасликка аҳду қарор қилдик. Ажаб ҳодисаларни иншо этиш тилагида эрдим. Ҳозирча тийилмакка тўғри келади.*

*Мавлоно! Сарой таъмирини тугатибсиз. Эшитдим-му ғаш тортдим. Бир баҳоналар билан чўзиб турмабсиз. Энди кўришмак насиб этармикин?»*

Моҳбону бугун шу битик жавобини кутаётган эди. Бахтига қарши ўлгур Ҳабиба кечикди. «Бирови билан қўл ушлашиб кетдими, нима бало?» — дея ўзича шивирлар экан, юрагига қил сиғмай турса-да, юзини кулги қоплади. Кечки салқин чоғи боққа чиқиб, падари хушлайдиган баҳаво шийпонда хиёбон оша дарвозага термилиб ўтирди. Қош қорая бошлади ҳамки, канизак дараксиз эди.

Қоронгилик аста-секин қуюқлашиб, уфқ узра Зухра элас-элас милдирай бошлагач, Моҳбону яна ҳам бе-

зовталанди. Устида дубулға-совут кийган, елкаларига камону ўқдон осган, қиличу найза тутган сарбозлар юрган шинакли қалин девор таги билан дарвозагача борди, нима учун бундай қилганини тушунмай, бир ҳолда ортига бурилди.

Моҳбону бутун арк, қолаверса, сарой оқшомлари ажабтовур маҳобатли кўринишини тан олди. Саройни одатдагидек дашт сукунати қучганди. Сокин ёнаётган сон-саноқсиз шамлар ёритган узундан-уzun йўлақдан ихтиёрсиз одимлар экан, ажабтовур ваҳм туяр эди. Дид билан жиҳозланган ётоғига кириб хўрсинди ва ўзини пар кўрпа-кўрпача, пар лўла-болишлар оғушига ташлади.

«Оҳ, маним жиловсиз телбалигим! Оҳ, маним ҳад билмаган шаддотлигим! Сиздек фаросат ва малоҳат соҳибига нечук ўтурушаркин? Тақдир пешонамга наҳотки шўришлар битмиш?»

Моҳбону тўлиб-ўртаниб турганда, ногоҳ бағдодий эшик очилди-ю, хаёли бўлинди, остонада гуноҳкоро-на қўл қовуштирган Ҳабибага кўзи тушгач, тузоқдан қутилган қушдек потирлаб қўзғалди. Чиммати ва ҳарир ридосини кўтариб қўйган канизак ўзини дунёбеҳабар одам каби тутаётгани тоқатини тоқ қилиб юборди.

— Ул зоти шарифни кўзинг билан кўрдингми, жоним Ҳабиба?

— Кўрдим, маликам, кўрдим, — ҳадик аралаш шивирлади канизак. — Фаҳмимча, юриш-туришлари бошқача, ранг-рўйлари маҳзун!..

— Нечун, Ҳабиба? Қон қилмай тезроқ гапирсангчи!

— Сабабини сўрасам, сукут ила жавоб қилдилар.

— Хўш, хўш! Яна озгина имиласанг пойингда жон берамен.

— Жон бергали шошманг, маликам, — деди Ҳабиба, нигоҳи сирли порлаб. — Мана бу сизга. Каминага ҳам ўқиб берурсиз.

— Ўйлаб кўрамен, шумгина дугонам.

— Жўнар пайтимда, маликам хоҳиш-иродаси камина учун эзгудир, билганича иш тутсин, дедики, ҳеч нарса тушунмадим.

Моҳбону буқланган бир парча қоғозни, қимматбаҳо буюм каби, авайлаб бағрига босганча, шоша-пиша ўринга чўқди. Сўнг, аллатовур орзиқиб, унга кўз ташларкан, бирдан канизакка жовдираб қаради ва карахт бўлиб қолаёзди.

«Ажабо, совчилар қувилган?»

Ҳайҳотки, Моҳбону ўзи қилган нидони ўзи эшитмади, ҳаял ўтмай нимадир кўксини ловуллайтиб, бутун борлигини поёнсиз оғриқ исқанжага тортди-да, қуюқ киприқлар соясидаги жон ўртовчи кўзларида ёш ҳалқаланди.

Қандайдир нохушликни сезган Ҳабиба не қиларини билмай чор-ночор тураркан, остонада Хуршидаойим кўринди. Шоҳона либосларга ўралиб, тилла-кумуш тақинчоқларга кўмилган катта малика нигоҳи сирли-сирли чақнаётган эди.

Ҳабиба эгилиб салом бергач, қўл қовуштириб бўсага сари тисарилди. Тўлиб кетган Моҳбону бўртган юзини пар ёстикқа босиб, ўксина-ўксина йиғлаётган эди.

— Қаймоғим, дарёйи ашк нечун?

Энди Хуршидаойим қадди-бастини бир енгил титроқ босган, қиёфасини хавотир-қўрқув ифодаси қоплаган, юпқа дудоқларига эса недир истеҳзо қўнган эди. Ноилож яна савдойиларча йиғи боисини сўради, қизи яна ҳатто қайрилиб қарашни истамагач, малол билан яқинроғига суридди. Паришон ёйилган қирқ кокилини силаб, ҳўл ёноқларини артар экан, ёстик ёнида унутилган мактубни кўрди. Аввал истар-истамас, сўнг ютоқиб ўқиди.

«Эвоҳ, бу не кўргилик?»

Хуршидаойим ҳамон бўзлаётган Моҳбонуга тикилган кўйи бўзариб қолди, шунинг билан бирга, борлигини аллабир ғалаён жунбишга келтирди-да, чурқ этмай ташқарига юрди.

Хуршидаойим саросима билан шошилиб кирганда Ялангтўш хосхонада, дераза биқинида қўйилган курсида ёлғиз мутолаа қилиб ўлтирар, китоб завқу шавқига чўмгани боис, бор дунёдан хорижда эди. Остонада жимгина эгилиб турган, ранг-рўйи оқариб кетган малика сари юзланар экан, ирғиб турди ва бир-бир босиб қошига борди.

— Нечун бу қадар ғамгинсиз, маликам?

— Бегим, сиз башорат қилибсиз?

— Нечук башорат? Эсимда йўқ!

— Мубошир меъморингиз бузук ниятли кас экан. Ул туз кўр қилгур аввал маликани йўлдан уриб, кейин эшигимизга элчиларини жўнатган!

— Узунқулоқ гапни қайдин илаштирдингиз?

Энди Хуршидаойим индамай Моҳбону кўз ёшлари томиб хўл бўлган мактубни узатди. Бир парча қоғозда ифода этилган бир олам дарду ҳасрат Ялангтўш бағрини ўйиб ташлаёзди. Лекин у сир бой бергиси келмай, шошилмай бориб тахтта чўқди.

— Ғам еманг, маликам, бугуноқ юз-хотирни унутган ул нобакорни зиндон қилурмен.

— Андоғ шошилманг, ҳазратим, анга маликанинг ҳам кўнгли бор чоғи, ранг-рўйи афтода, йиғиси устидин чиқдим.

— Қўл қовуштириб ўтираверайми? Эшигимизни оёқ ости қилган номард салтанатни тинч қўярми?

— Маълумингизким, мубошир меъмор хосу авом иззатида. Андоғ кишига бирдан чанг солсангиз, шаксиз уётга қолурсиз, каттаю кичик назарида ёмонотлуғ бўлурсиз. Шундоғ эркан, шошилмақдин фойда йўқ!..

Ялангтўш маъқул маъносида бош ирғади, аммо ҳали ичига тушган учқун ҳаловатини бузган, бутун борлигини бир аланга чулғаб борар эди. Катта маликага ижозат берди-да, эшикоғани чорлаб, май сўради. Қис-

қаси, хосхонадан жилмай, тун бўйи ўткир шароб билан овунди ва фақат тонг арафасида озгина мизғиб олди.

Одатда Ялангтўш ҳар кун эрталаб алоҳида бўлмада мириқиб нонушта қилар, бир неча хил лаззатли таомдан тотинмагунча нафси қоникмас, ҳар қанақа зарур юмушни унутар эди. Аммо бугун томоғидан қил ҳам ўтмади, тўкин дастурхонни безаб турган егуликлар иштаҳасини қўзғай олмади, оғир-оғир қадамлар билан хобгоҳга кирди-ю, кафтини кафтига урди. Ўша заҳоти ҳозир бўлган эшикогага ҳеч кимни ёнига йўлатмасликни буюрди, сўнг, тахтда ястанганча, кейинги кунларда эшигини бузган совчиларни хаёлидан ўтказа бошлади.

Ялангтўш, ахийри, Имомқулихон саройини эгаллаган ёру ошнасига умид боғлашдан зигирча фойда йўқлигини афсус билан эътироф этди. Айни пайтда Самарқандда истиқомат қиладиган не-не олий табақали зотлардан ҳеч бири дидини олмаслигини англади. Фақат ўнг қўл вазири Бобоҳўжа Муслим ваколоти бир қадар нуфузли туюлди. Саройда улуг вазифани адо этиш баробарида, Бобоҳўжа дин арбобларига раҳнамолик қилиши Ялангтўш учун сирли туюларди. Шу боис мураккаб вазиятларда баъзан унга суянишни лозим топарди. Бултур кузда юзидан ўтолмай ўғли Набихўжани мадраса қурилишига таъминот мирзаси қилиб тайинлагани бежиз эмасди.

Ялангтўш кўрсатган биргина арзимас мурувват туфайли Набихўжа бирдан ўзгариб, шаҳристон йиғитлари пешқадами бўлиб олди. Энди у зарбоф тўн кийиб, тилла камар боғлаб, ихчам ипак салла ўраб давралар тўрини бермайдди, эрта ё кеч шаҳристон кўчаларидан жийрон отда савлат тўкиб ўтади. Не-не казо-казолар соясига салом бергани ошиқади.

Ўғлига аввал амал-обрў тилаб олган Бобоҳўжа Муслим андак вақтдан кейин Ялангтўш билан қуда-анда тутиниш иштиёқига тушди. Очиғи, унинг бу қадар сурбетлиги из-

зат-нафсини оғритиб, уйқусини қочирди, шу боис бирон тайинли жавоб айтиш учун шошилмади. Ҳануз дардини ичига ютиб юрарди. Мана, энди Муҳаммад Аваздан ўтган беҳаёлик ва нонкўрлик, ташвишини оширганидан ташқари, ҳал қилувчи битимни тезлатиши учун яхшигина баҳона бўлди.

Бўй етган қиз бошини мавридида боғламоқ ва жойига кечиктирмай узатмоқ афзал эрур. Акс ҳолда хонадон шайтон уясига айланадир. Бобоҳўжа кўпам ноинсоф эрмас, сарой обрўсини ерга урмас, ҳар ҳолда суянадиган одами эрур. Ўғли ҳам аслзодалар даврасида яхши ўрнашибдир!..

Ялангтўш хиёл енгил тортди, миясидан охирги шубҳасини ҳам ҳайдаб, эшикогага кечиктирмай Хуршидаойимни чорлаш ҳақида амр этди. Ошиқиб кирган маликани мамнун қиёфада қаршилади-ю, аммо яна ичига чигил тушиб, мулоҳаза гирдобига шўнғиди.

— Тинчликми? — деди малика безовталаниб. — Ҳузури муборагингизга чорлашга чорлаб, нечун сукут сақлайсиз?

— Камина қийноқдамен, қолаверса, бу қийноқ сизга ҳам бегона эрмас.

— Тушундим, ҳазратим, — рўпарадаги курсига беҳол чўқди малика. — Ўша кундин бери еган-ичганимни билмасмен, оромим йўқолган!

— Совчилардан чарчадим. Боз устига, Моҳбону бебошлиги кўшилди. Хўп десангиз... узатурмиз.

— Саройга муносиб кимса эрса розимен.

— Фаҳмимча, саройга муносиб кимса Бобоҳўжа Муслим жанобларининг ўғли Набиҳўжа эрур. Анинг элчилигини қабул қилсам!

— Аҳду қарорлари муборак бўлгай!

Хуршидаойим сира камлик кўрмай улғайган, анчайин эркалиги билан танилган соҳибжамол қизи бошига кўнажак бахт қушини тасаввур қилиб севинди. Ҳануз ниманингдир ғамини чекиб иккиланаётган

ҳукмдорни яна қутлади-да, хушхабарни маликага етказиш учун ошиқди...

\* \* \*

Совчилар қувилганини эшитгандан бери бир дақиқа маҳзун хаёлдан бўшамаган Моҳбону боғда, канизалар ихотасида сайр қилиб юрар эди. Кейинги вақтларда у ҳеч ким, ҳатто қадрдони Ҳабиба билан ҳам очилиб суҳбатлашмас, вақтини ёлғиз китоб мутолаа қилиш билан кечирар, гоҳо яширинча газал машқ қилиш билан шуғулланар эди. Баъзан ётоғига қамалиб Муҳаммад Авазни эслаб йиғлар, арзу ҳолини қоғозга тўкар, аммо куйиб-ёниб ёзганларини ўша заҳоти бурдалаб ташлар эди.

Ҳозир Моҳбону соллона-соллона босиб келаётган волидаи муҳтарамасини олисдан кўрди, аммо қувониш ўрнига қовоғини солди-да, аллабир шахт билан боғ тўрига юрди, қарасаки, онаси ортидан қолмай одимламоқда.

— Моҳбону, тўхта! Қаёққа шошасен? — хансираб шошиларди Хуршидаойим. — Мендин шунчаям бездингми?

— Нечун безайин? — деди Моҳбону совуққина, хуркиб чекинган кийикларга тикилиб.

— Барини жилдираган кўзларинг айтадир. Оқ сунтим бор-а ўртада!

— Ҳа, ўртада оқ сунтингиз бор!..

— Илоё, шуни унутмагил!

— Унутмасмен. Шу қаторда... маним ҳақимга адо этган ишингиз ҳам тоабад бағримга жо бўлмиш!

— Ҳа, шайтонгина! — ўсмали ингичка қошларини чимирди Хуршидаойим. — Ўша галамисни кўнглингдан чиқариб ташлагин, у тенгинг эрмас!..

— Ким экан тенгим?

Хуршидаойим ўксиниш билан истехзоли савол берган қизини, билагидан аста ушлаб, ҳовуз ёқасидаги шийпон сари етаклади. Ўй-фикрини жамлашга уринаркан,

унинг томир уриши тезлашиб кетганини пайқади. Ҳар ҳолда даромадни узоқдан бошлади: орага валинеъмати адолат ҳимоясида собит турган ва узоқни кўра оладиган саховатпеша зот эканлигини қистиришни унутмади

— Бахтинг очилди, қизим! — деди кейин, овозини яна ҳам юмшатиб.

Моҳбону қулоқларига ишонмай мўлтиради, онаси фахр билан Набихўжа номини тилга олгач, алланарса кўксини гижимлади-да, шийпон панжарасини ушлаб-ушламай йиқилди.

— Вой, ман ўлай, кўзим қароси!..

Бунингдек нохушлик юз беришини кутмаган, юраги қинидан отилиб чиқаёзган Хуршидаойим йўлакда қилт этмай ётган Моҳбонуни шоша-пиша бағрига тортиди, авайлаб кўтара келиб, қават-қават кўрпачага ётқизди. Жон ҳалпида, гоҳ ўзини, гоҳ аллакимларни қаргаб, бетига сув сепди-да, елкасидан ушлаб тез-тез силкилади, натижа бўлмагач, нари-бери чопа-чопа, чинқириб юборди. Қўрқиб кетган канизақлар рангида-ранг қолмаган Моҳбонуни ўраб олишди.

— Эвоҳ, ким бу аҳволга солди дугонамни, опоқ-ойи? — йигламсираб сўради Ҳабиба.

Хуршидаойим жавоб қилишга ожиз: қизи ёнида сочлари тўзғиб ўтирар, ҳалигина ўт сочаётган нигоҳлари сўлгин, ҳалигина нурланиб турган ёноқлари жозибасини йўқотган эди.

Салдан кейин у, яна ҳам тўлиб-ўртаниб, Моҳбону бошини авайлабгина тиззасига олди, унга шафқат қилишни тилаб, Худога астойдил ёлбора бошлади. Хайрият, оҳу зорини Яратган эгам эшитиб, Моҳбону бир ингранди — қимирлади, юраги тубидан чиқариб хўрсинди-да, киприкларини кўтарди.

Ҳей, дариг, узоқ муддат беморлик тўшагида афтодаҳол ётган каби, нигоҳида ақл бовар қилмас беадад мунг, йўк, таърифга сигмас армон суврати қотиб қолганди. Тепасида бўзлаётган онасига бир қараб олгач, томоғи ачишиб шивирлади:



— Отажонимга айтинг, ё заҳар ичамен, ёки арк томидин ўзимни ташлаймен. Каминадин рози бўлсинлар!..

\* \* \*

Моҳбону икки кундан бери ётоғида кўрпа-тўшак қилиб ётгани, иситмада ёнаётгани, тунлари алаҳлаб чиқаётгани, туз тотмаётгани ва йиғи-сигидан бўшамай қолгани тўғрисида Ялангтўшга хабар келди. Ўша фурсатда у шаҳар ўртасидаги чорбоғда, тўкин дастурхон атрофида Бухоройи шарифдан ташриф буюрган нуфузли меҳмонлар билан кайфу сафо қилиб ўтирар эди. Базму жамшид татимай қолди, дунё кўзига қоронги кўришиб, саройга шошилди, дуч келган хизматкорга бош табибни топиб келишни буюрар экан, кейинги кунларда тез-тез оёғи остидан фалокат чиқаётганини ўйлар эди.

Шошилишча етиб келган Абдулмалик Давоий ҳазратлари қилт этмай ётган Моҳбону ёнида хотиржам чўкиб, томир уришини синчиклаб текширди. «Қарчиғайдек соппа-соғ! Фақат недандир оғринган, қаттиқ изтиробда!» Табиблар пири, мийиғида қулимсираб, суюқ кўкиш дори берди, уч маҳал қанда қилмай ичишни тайинлади. Шундан сўнг, хобгоҳга ўтиб, ичи сидирилиб турган Ялангтўшга рўпара бўлди. Шубҳасизки, ҳукмдорни қизи қандай касалга чалингани қизиқтирар ва ҳозир бунини тажрибали ҳаким оғзидан эшитиш умидида эди. Давоий эса, кўнгли гул япроғи каби нозик маликани ночор аҳволга солган дарди бедаво нималигини билган бўлсада, бу ҳақда чурқ этмади, мижозидан бир оз совуқлик голиб келганини, эрта-индин бутунлай тузалиб кетишини шунчаки таъкидлаб қўя қолди.

— Айтганча, сал толиққан. Иложи бориша холи кўйинг, ортиқча тергаманг, токи ўзи билан ўзи бўлсин.

Ялангтўш муолажа қилиш, ташхис қўйиш бобида шуҳрат топган Давоийнинг аввалги хулосасидан бир

оз хотиржам тортган эди, аммо кейинги фикрини эшитгач, елкасидан оғир юк босгандек, бирдан типирчилаб қолди. Ҳар ҳолда алами ичида томир отди, фақат нияти буткул холис эканлигини билдириб қўйгиси келиб, кун ора Моҳбону ётоғига мўралар, ҳар гал қизи суҳбатлашишни истамай қовоғини уйганда, шунчаки қулган бўлар ва тишини тишига босганча ортига қайтар эди.

Ялангтўш амри билан Давоий, ўртада бўзчининг моксидек қатнаб, астойдил муолажа билан шуғулланса ҳамки, Моҳбону аҳволи ўнганмади, аксинча, тобора ёноқлари сўлгинлашиб борар, кун бўйи ётоғидан чиқмас, кўпинча бир бурчакда мук тушиб, номаълум нуқтага тикилиб ўтирар, аввалгидек боғда кийиклар билан қувлашмас, хиёбонларни хандон кулгилари тутмас эди.

Анчадан бери бутун саройда мотам руҳи кезар, бу ҳол айниқса Ялангтўшни ташвишга солар, ўйлаб ўйи тагига етолмас эди. Ахийри, ўзига ҳам, хобгоҳга ҳам сигмай қолиб, кўнгли ов ёки сайру саёҳат тусади. Озмоз бўлса ҳам таскин-тасалли ато қиладиган хилват гўшаларга чиқиб кетгиси, бирон хушманзара манзилда ўтов тикиб, ёру биродарлари билан базми жамшид қургиси келди.

Таажжубки, Ялангтўш эрталаб нечундир бу фикридан айниб, аркони давлатини йиғди-да, Регистон сари отланиш ҳақида фармони олий берди.

Гувиллаганча бутун арк қўзғалди. Баланд темир дарвоза шарақлаб очилди. Зирҳга ўралган, қурол-яроқ таққан серсоқол сарбозлар, ҳар қандай имога шай ҳолда, тош ётқизилган кўча икки четида саф тортишди. Тун бўйи тинмай уйқудан қолган сайислар, қовоқларини уқалай-уқалай, тўнғиллаганча отхоналар томон югуришди. Бойловдаги хипчабел, қилпоча бедовлар сувлиқ чайнашар, баҳаво кенгликларни соғиниб қолишганини изҳор этган каби, гувранганча депсинишар ва ингичка оҳангда кишнашар эди.

Шарқий Эронга юриш пайтида тоғлик бир амир жа-вохирли юган-абзали, тилла узангиси билан туҳфа қил-ган оқ отни, попукли ипак ёпқилар билан безатишиб, айил-пуштанини маҳкам тортишиб, бўсағада ўнгаришди. Юлузни кўзлагудек гижинглаб турган тулпор бағдодий эшиқдан шаҳдам одимлар билан гурсиллаб чиқиб келган алпқомат соҳибини кўрган ҳамано келиштириб бир киш-нади, соҳиби гавдасини заррин қошли мунаққаш эгарга олган ҳамано, чўл кийиги каби елиб кетди.

Кўкламнинг охирги кунларини кечираётган шаҳ-ристон келинчаги истиқболига ошиқаётган куёв каби масту масрур эди. Атроф-жавонибни қоплаган яшил-лик аллақачон уфқдан бош кўтарган куёш ёйиб таш-лаган ёғдулар остида бир жозибали товланар, ҳаргиз кўнгилларни оламга татигулик завқу шавқ билан тўлди-рар эди.

Эгарда муқим ўтиролмай тўлғонаётган Ялангтўш табиат қиёфасида рўй берган ўзгаришни қизиқсиниб, галати орзиқиб кузатар, оламни ёшартирган илоҳий жозоба қудратли ва боқий эканини, инсон бу нарса олдида нақадар ожизлигини, умр билан ҳаёт пасту баландини тузуклироқ англаб улгурмай, хас мисоли зув ёниши ва зув ўчишини дилидан кечирар эди.

Баҳор нафаси уфураётган майдонга юзлангач, Ялангтўш пароканда ўйлардан бир қадар чалғиди. Қора терга ботган усталар чиқиб-тушаётган баланд ҳавоза рўпарасида илкис жиловни тортди. Ҳамон елиб келаёт-ган бедов бир кишнаб тўхтади-да, бутун кучини ке-йинги оёқларига жамлаб, кўкка сапчилади.

Жонивор шундай алфозда эркаланиб меҳр изҳор қилишини ҳукмдор бениҳоя ёқтирарди. Ҳозир ҳам чексиз бир қувончдан руҳи қанотланди, қўлтигидан олиш учун шошилган хос мулозимга руйхушлик бер-май, ўзи эгардан сакраб тушди.

Саройдан аллақачон хабар етказилгани боис, ул-кан иморат қурилишида тер тўкаётган жамоа Самар-қанд тожу тахти эгасини иззат-икром билан кутиб

олиш учун шай турарди. Издиҳомга кўзи тушган Ялангтўш ҳар ҳолда қониқиш туйди, аммо қовоқ очмай, фақат Муҳаммад Аваз билан қўл узатиб кўришди ва атрофига виқор билан назар ташлади.

— Мавлоно, кайфиятингиз созми?

— Худога шукр!..

Муҳаммад Аваз кесатиқ аралаш савол берган Ялангтўш Баҳодир зоҳиран хотиржам-у, ботинан нотинч эканлигини дарҳол пайқади. Кўксини нимадир ачи-тиб ўтди, ахир, тунов куни ҳукмдор аҳдидан воқиф бўлганда қанчалар афсус чекмади, аркони давлатга ўзини зуккотаъб қилиб кўрсатиш учун минг хилда турланадиган соҳиби тож чертиб-чертиб танлаган куёв буткул ҳафсаласини пир қилган, оқибат, бағри чоку чок бўлиб, туз тотинмай, бировга қорасини кўрсатмай, хилватда мотам тутиб ётган эди. «Наҳотки, гунчадай нозик малика пешонасига шул тўнка битибдир?» — деган фикр ҳар сония миясини аёвсиз кемирар, дарди-дунёсини зим-зиё қилиб юборар эди.

Ялангтўш қурилиш ҳолати, хусусан, бир вақтлар ўзи тасдиқлаган тарҳ ижросига обдон қизиқди, ҳеч бир икирчикир назаридан четда қолмади. Ҳар неки сўровига, аламини кимдан олишни билмай юрганига қарамай, Муҳаммад Аваз очиқ чеҳра билан жавоб қайтарди.

— Демак, бариси жойида, шундоғми?

— Шундоғ!

— Яширмасдин сўзланг, мавлоно.

— Нимани ҳам яширар эрдим. Ҳа, айтганча, ижозатингиз билан бир кичик арзимиз бор.

— Сўзланг, мавлоно.

— Бир тоифа усталар юмушларидин оғринадирлар.

— Боис?

— Боиским, таъминот мирзаси Набихўжа уч ойдин буён маошдин қисган!..

Ола-говур ичра денгиздек чайқалиб турган майдон бирдан шу қадар тинчиб қолдики, ҳатто учиб ўтаёт-

ган қалдирғоч қанотлари шовури эшитилгудек эди. Аммо теран сукунат юракларни титрагудек бир ваҳима билан қоришиқ бўлиб, зеро бу жимликни ким буза олиши ҳам англашилиб турар, барча нигоҳлар ўша зотга қадалган эди.

— Нечун бу каби ўзбошимчалик?

Ниҳоят, арслон ўкиригини эслатадиган ҳайқириқ янгради ва бутун майдон қайтадан шовқин-суронга тўлди. Усталар билан шогирдлар гивирлаб қолишди. Бой-боёнлар уларни пинак бузмай кузатишар эди. Фақат ҳалигина издиҳом олдида гердаиб турган Бобоҳўжа Муслим энди гўё тариқ каби сочилган, рангрўйи кесак тусини олган, совуқ йилтираётган олазрак нигоҳини қайга яширишни билмас эди.

— Қиблагоҳим, ўғлим гўрлик қилибдир, — деди у тили аранг айланиб. — Бир қошиқ қонидин кечгайсиз!..

Улуғбек мадрасаси тарафда қовоқлари шишган, бетида аллатовур ҳавойилик ва кўрқув акс этган Набиҳўжа кўринди. Нобакор ҳаллослай келиб, зарбоф чопонга ўралган барваста гавдасини гупиллатиб ерга отди. Хумдек бошидан учиб тушган кўкимтир салласи чуваланиб кетганига аҳамият бермай, қаҳрини аранг бошиб турган ҳукмдор этагини ўпа кетди.

Ялангтўш атай бир зум сабр қилди, сўнг, этагини силтаб тортиб олди-да, пойида бўғзига пичоқ тортилган қўй каби титраниб ётган гавдага ётсираб тикилди.

Ажабо, дўсту душман ҳар босган қадамини кузатиб, ҳар каломи мағзини чақиш билан машғул бўлиб турганда зап куёв топибдими? Яратган эгам, бу турқи совуқнинг нимасига учинди экан? Кўрлик қилмиш, кўрлик!..

— Пушти паноҳ, афу этгайсиз, ҳисоб-китобда жиндай чалкашлик бор эрди, — гудранди Набиҳўжа. — Шу боис маошни тўхтатиб турибмен.

— Чалкашликни нечун тезроқ бартараф этмадинг, муттаҳам?

— Бир кун муҳлат берсангиз.

— Муҳлатинг битди! — Ялангтўш сафда қад ростлаган Соқий Зоминийга юзланди. — Муҳтарам зот, айтинг-чи, биз тарафдин буюрилган вазифани уdda этолмаган ношуд кимсага не жазо лойиқ? — Бобохўжа Муслим юз-хотирини қилиб, қозикалон сазо бермагач, бехосдан ҳукмини ўзи айтди: — Қирқ дарра ва олти ойлик зиндон!..

Бобохўжа Муслим тошдек қотди, энди у Ялангтўшдан шафқат тилашни ҳатто ўйламас, ҳозир унга ҳеч қандай ўтинч ва тавба-тазарру кор қилмаслигини англаб турар, бўзарган кўйи саргайган тишларини гичирлатар эди. Аини пайтда нигоҳини хомуш ўй сураётган Муҳаммад Авазга тикандек санчдики, буни биров сезса, биров сезмади.

Сарбозлар эс-хушидан ажралган Набихўжани майдон ўртасига судрадилар, елкасини ялангочлаб, юз тубан ётқиздилар, жун босган қўлларини бир-бирига чирмаштирилган йўғон-йўғон ходаларга боғладилар.

Набихўжа ҳолига кимдир бош чайқаб ачинар, кимдир, бу кунингдан бадтар бўл, номард, дея афтини буриштирар, кимдир баралла истеҳзоли кулар эди.

Тасавури хиралашган Бобохўжа Муслим эса қаршисида тупроққа қоришиб ётган, елкаси мўматалоқ бўлиб кетган, оғриқ азобига чидолмай зорланаётган банда нуридийдаси эканлигига ишонмас, дарра ҳавода ҳар гал тўлганиб визиллаганда кўзларини чирт юмар эди.

Тахминан ярим соатдан кейин тавбасига таяниб, қип-қизил қонига бўялган Набихўжани ўлик янглиг замбилда зиндон сари олиб кетдилар.

Ялангтўш кўпчиликни ҳушёр тортирган жазо маросими тугагандан кейин таъминот мирзасини ўзгартиришдан бошқа чора йўқлигини эълон қилди. Муҳаммад Аваз тавсиясига кўра, бу вазифани Мирзо Улғубек мадрасасида кўп йил сабру бардош билан сабоқ олиб, мустақилликка етишган ва бир қанча табиий фанларни мукамал эгаллаган Воҳидбек исмли йигит зиммасига юклади. Ўша заҳоти Муҳаммад Аваз билан яна

кенгашиб, уч ой маошдан қисилган усталар ва шогирдлар ҳақини икки ҳисса ортиқ миқдорда тилла танга ҳисобида қоплаш ҳақида фармойиш берди. Сўнг, анча хотиржам тортиб, бино пештоқи сари одимлади...

\* \* \*

Аллақачон қад ростлаган, лекин ҳали безак ишлари ниҳоясига етмаган иморат салобат билан сокин турар, вақт ўтгани сайин чиройи очилиб, қирчиллама йигитдек куч-қувватга тўлиб бораётгани англашилар эди.

Ялангтўш забардаст деворларга зарб қилинган нақшлардан нигоҳини узмас, недир фахр оғушида ўзини Мулла Абдужаббор ёки Муҳаммад Аваз каби моҳирлар раҳнамолигида тер тўкаётган каслар ёнида кўрар эди, шунинг билан бирга, чекига шундай улугвор кошона тиклашга бош-қош бўлишдек вазифа тушганини ўйлаб жилмаяр эди.

Ҳавозалар қуршаган пештоқ ўмровидан ўсиб чиққан икки гумбаз ва икки минора ҳавода муаллақ қотган, аниқроғи, поёни йўқ фалак болишига бемалол бош қўйган эди. Миноралар қиёфаси гўё осмон туси билан уйғунлашиб боради, қўзиқорин салласини эслатувчи гуддасталари камалақдай ёнар, дилларда ажиб ҳислар уйғотар эди. Аллақачон пештоқ четки сарҳадлари ҳам кошинлар тили билан сўзлай бошлаган, турли буржларда ислимий-мадоҳил гуллар, бурама морпеч\*, сокин нурланар эди.

Ялангтўш бино ичкарасига қадам босар чоғи беихтиёр ялангоч пештоққа разм солди, нималарнидир муоҳаза қилиб, аста бош чайқаб қўйди.

— Нечундир энг муҳимига шошмапсиз, мавлоно!

— Ҳазратим, маълумингизким, пештоқ тарҳи беш йилча бурун тузилмиш, — тавозе сақлаганча изох

---

\*Пештоқ ва равоқни бирлаштирувчи безак.

берди Муҳаммад Аваз. — Яқинда баъзи сакталикни, яъни, кесмалар ўрнига тушмаганини аниқладим. Ани қайта бошдин тузмоқ ниятидамен.

Ялангтўш шунчаки бош иргаб олға босди-ю, беш-ўн қадам юрмай, беихтиёр тўхтади: жийда гулидай майда-нозик ўймакорий нақшлари ўзаро баҳс бойлашган, уч-тўрт қорувли йигит жойига қўндираётган қўш табақали дарвоза эътиборини тортган эди.

— Мавлоно, ушбу жавоҳир кимга тегишли?

Муҳаммад Аваз жавоб ўрнига юмшоқ кулди.

— Ани мубошир меъморимиз безамишлар! — деди кимдир.

— Шунақами? Кўп офарин, мавлоно. Оллоҳ буюрган бўлса керакки, шундоғ кашфиёт қилибсиз, қўлингиз дард кўрмасин.

Ялангтўш, шу сўзларни айтар экан, Моҳбону қадди-бастини хаёлида жонлантириб, сарой оҳуси ҳисобланмиш қизи мубошир меъморга меҳр қўйиб қолгани бежиз эмаслигини, ўзи эса ўртада девор каби туриб олганини эътироф этди.

Сўнг Ялангтўш, ҳовли ўртасида қад ростлаб, орқа ва олд манзарани кузатаркан, энди тугилган иморатга эҳтиёткорона зарб этилаётган рангин-нафис кошинлар тириклик ришталарига туташ эканлигини, ўзаро ёндош шакллар осмон буржлари билан бирлаша-бирлаша салобат касб этганини яққол ҳис қилди ва кўнгли яна ҳам ёришди.

— Во ажаб, ишонгинг келмас. Бул не синоатки, кошинлар ададсиз сарҳад яратадир, ададсиз чизиқларга тортиладир, ададсиз гул ва нақшларга айланадир.

Ялангтўш ифтихорини гўё Муҳаммад Аваз сезмади.

— Нечун индамайсиз, мавлоно? — киноя аралаш сўради Ялангтўш. — Камина сизни хафа қилганмен. Шу баҳона сукут сақлайсиз чоғи?

— Йўғ-е, ҳазратим, — ютинди йигит. — Мен сиз каби ҳайратга молик нарса кўрмаганим учун хижолатмен.



— Кўрмаётирсиз? Э, ажабо! — Ялангтўш ич-ичида нимадир тошди. — Ярашмаган камтарликни қўйинг, мавлоно. Хўш, шошманг, хужралар нечта эрди?

— Қирқ иккита, аъло ҳазрат.

— Ёруғлик қандоғ тушадир?

— Етарли тўйнуқлар қўйганмиз.

— Талабалар қишда совқотмасми?

— Асло. Хужралар қишда иссиқ, ёзда салқин тугтур.

— Ажаб фазилат!..

Ялангтўш, гўё афсонавий Боғи Эрам кошоналари аро истироҳатда юргандек, яна сархуш бўлди. Гоҳо зимдан ёнма-ён одимлаётган Муҳаммад Авазга кўз қирини ташласа, беихтиёр хаёл олиб қочар эди.

Қодир эгам, қадди-қомати келишган, қувваи ҳофизаси тиниқ, фаҳм-фаросатли, лекин камбағал ва соддадил шу йигит Моҳбонуга уйланса, аввало, сарой, қолаверса, хонадони тақдири қай хил ўзанга тушиб кетаркин?

Афсус, кўп афсуски, Муҳаммад Аваз, салоҳият бобида беназир бўлса-да, Моҳбону тенги эмас. Худди шу аччиқ ҳақиқат ўрталарига раҳна солмасми? Лекин ҳукмдор муроса йўлини топиши керак, бинобарин, бир жиҳатдан кўнглини вайрон айлабдими, бошқа тарафдан кўнглини обод қилиши лозим. Ахир, эрта ушбу фунун уйи битгач, майдон шимолида янгисини бошламоқчи, агар у ёнида камарбаста бўлиб турмаса, ҳеч қачон нияти ушалмайди.

Хайрлашар чоғи, бир баҳонада, Ялангтўш Баҳодир Мулла Абдужабборни эслади. Ҳа, ҳомуза тортиб, шунчаки эслади, ҳеч қанақа ўпка-гинани аралаштирмай!

Ногаҳон маънос тортган Муҳаммад Аваз устодни қурилиш оғир-енгили ёки тирикчилик ғами эмас, сарой ҳавоси поймол қилган гурур йиқитганини айтиш учун чоғланди-ю, лекин шайтонга ҳай берди...

Муҳаммад Аваз белбогига қистирилган теша дастасини қисиб ушларкан, нимадир ичини тимдалар, нимадир бўғзини куйдирар эди. Аркони давлатни эргаштирганча, елиб бораётган Ялангтўш ортидан узоқ паришон тикилиб турди, кўнглидан: «Шул зот наҳотки ёзуғим устидан чизиқ тортадир?» — деган фикрни ўтказди-да, бафуржа Улуғбек мадрасаси томон йўналди ва ҳовли тўридаги қадрдон бағдодий эшикли хужрага кирди.

Муҳаммад Аваз ганч билан сувалган бўлма ўртасида бир муддат тараддуд чеккач, тоқчадан ўрама оппоқ қоғоз олди. Қоғоз қатини очиб, ундаги ўзаро кесишган рангли чизиқларга паришон тикилди.

Катта-кичик равоқлар тарҳини устоз маъқуллаган, ҳар ҳолда ундан кўнгли тўқ эди. Аммо қачондан бери бош пештоқ тарҳи чала-чулпа — нимасидир кам, нимасидир ортиқ! Яратган эгам мурувват айлаб, кўмагини дариг тутмаса, барини ўзгартириш ниятида. Таъби бошқача, ҳа, бошқача, замону маконни ортда қолдириб кетадиган ва ҳайрат дунёсида яшаб қоладиган ифодаларни тусайди. Шундай бўлсинки, аввало, ўзи ҳузур топсин, қолаверса, жамики улус қониқсин! Муҳими, Ялангтўш қош-қовоғи эмас, муҳими — кўнгли!..

Хаёлдан бир зум бўшамай, Муҳаммад Аваз қоғозда анча нозик нақш этилган, турфа маънолар ташийдиган чизиқларни ўзича узоқ муҳокама қилди, ахийри, толиқди чоғи, қоғозни ўраб жойига қўйди-да, ит эгасини танимайдиган ола-говур майдонга келди, бир оздан кейин қўли-қўлига тегмай ишлаётган усталар ва шогирдлар кўзини шамғалат қилиб Регистондан узилди.

Шаҳристон жавзо офтоби ёғдираётган жазирама аро сокин мудрайди. Хиёбонлар, кўчалар, расталарда эмас, бозорларда ҳам одам сийрак, эртадан қаро кечгача тўрт кўз билан харидор кутадиган савдогарлар, заргару мис-

гарлар, хунарманд-косиблар савдо-сотик араваси тортмаётгани қолиб, нафасни қайтарадиган иссиқдан кўпроқ нолишар эди.

Тепасидан ҳатто қуш ҳам учиб ўтолмайдиган маҳобатли аркни айниқса теран сукунат қучган, базми жамшид ёки нуфузли элчи-меҳмонлар ташрифидан дарак берувчи карнай-сурнай садолари, баковулар ва жарчилар қичқириғи, бойловдаги бедовлар кишнаши эшитилмайди. Негаки, қуёш жавзо буржигга кирган кунлардаёқ Ялангтуш тўрт хотини, бола-бақраси ва хос мулозимлари билан шаҳар четидаги жаннатмонанд гўша — Даҳбед қишлоғида жойлашган ёзлик мулкига кўчган эди.

Муҳаммад Аваз жимжит ҳовлисига қадам босар экан, ана шу сафар жонини нақадар қийноққа солиб, алами устига алам қўшганини тасаввур қилди, ахир, қачондан бери Моҳбонудан мактуб олмади. Ҳей, фалак, юрак қўри, кўз нури ва бармоқлари ҳарорати билан йўгрилган битикларига нақадар ўрганиб қолган экан!

Муҳаммад Аваз, малика хаёли билан машғул бўлгани туфайли, айвондаги чорпояда тиззаларини қучиб, маҳзун қиёфада ўтирган волидасини дафъатан кўрмади. Назокатбону сўқир каби одимлаётган ўғлини жимгина кузатаркан, унинг бағрида тошдек ўрнашган, орзу-умидини хазон айлаган армонни бор залвори билан ҳис этиб ўқинди.

— Тинчликми, онажон? — деди Муҳаммад Аваз, чорпоя сари келаркан. — Намунча қайгуга ботибсиз?

— Барини биласан-у, яна сўрайсан-а! — деди Назокатбону ҳасратидан чанг чиқиб. — Мен шўрлик қайгуга ботмай, ким ботсин!

— Ҳа, тушунарли... Фақир азиятини чекурсиз.

— Пешонам шўр экан-да. Кўз очиб кўрганам тиррик бўлса бунча хўрланмасмидим. Тизгининг таранг тортилганда сен шайтон ҳам бунақа ўзбошимча бўлиб ўсмасмидинг.

— Сизни кўп қийнадим, кўп азобга солдим. Афу этгайсиз.

— Қачон афу сўрашдан нари ўтурсен, гумроҳ? — тутақди Назокатбону, киприклари намланиб. — Қошимда бўй эгиб турасен-да, нари кетиб билганингдин қолмайсен! Қани, сўйла, манимдек бечорани тоқайгача куйдирасен?

Дарҳақиқат, Муҳаммад Аваз бир одат ҳадисини олган: онаси қарчигайдек чарх уриб жоврай бошласа, ё илжайибгина кечирим сўраш, ё нигоҳини яширганча сукут сақлаш билан ўзини ҳимоя қилади, баъзан, жуда жонидан ўтса, бирон арзимаган юмушни баҳоналаб жуфтагини ростлайди.

Ҳозир Муҳаммад Аваз лаҳза сайин фиғони фалак ошаётган онаизорини салгина чалғитиш учун роса куйиб-пишди: ҳатто ёлгон билан ростни аралаштиришга мажбур бўлди, жамики уриниши зое кетгач, ноилож ётоғи сари шошилди.

Муҳаммад Аваз кажфеъл чархга тамом қўл силтаб, турмуш ғалваларидан кечиб, ҳозироқ узлатни ихтиёр қилиш — ибодат билан овуниш ёки бағрини чоклаб ётиш учун тайёр эди.

Аммо бутун Самарқанд аҳли, қолаверса, Ялангтўшбий Баҳодир бошлиқ аркони давлат назарида турган қурилишни чала ташлаб кетишни кўзи қиймас, мабодо беқарорлик қилиб чекинса, бу қилмиши пешонасига тавқу лаънат тамғаси бўлиб босилишини билар эди.

Қолаверса, эндиликда ҳар жиҳатдан ишончни оқлаш, сабру тоқат қилиш, аҳду қарорни қаттиқ тутишга ундайдиган яна ҳам муҳим, яна ҳам эътиборли куч пайдо бўлди ўртада! Иложи қанча, не-не армон ва умид билан қоришиқ ушбу куч алақачон бутун борлиги ва шуурини эгаллаб олганини эртаю кеч ўйлагани-ўйлаган!..

Муҳаммад Аваз беихтиёр Моҳбону қадду қомати ва ойдек юзини хаёлида жонлантирар экан, чўғ тек-

кан каби юраги жиз этди, бир орзиқиш туйганча, пештоқ тарҳи билан шуғуллана бошлади.

Турфа чизиклар ва шакллар ҳуш-фикрини олгани боис, вақт саҳарга яқин борганини сезмади. Сиру синопта тўла ғаройиб дунёда, таажжубки, гўё Моҳбону билан учрашиб турарди. Гўё рўпарасида қад ростлаб, мулойим кулаётган малак нигоҳидан алабир маънолар ўғирламоқчи бўларди, йўқ, у билан қачондир дилада уйғонган нияти устида тортишар, мамнун ҳолда уни нимагадир ишонтиришга уринар эди.

Муҳаммад Аваз теран жимлик чўккан хонаи хосда ўзича гоҳ шивирлаб, гоҳ жилмаяр экан, волидаси эшикдан безовта мўралаб қўяётганини сезмасди. Очиғи, феъл-атвори ва ҳоли-руҳидаги ғалати ўзгариш анчадан бери Назокатбонуга аён эди. Онаизор кўпинча ўғли тарҳ устига мук тушиб, минғир-минғир қилиб ўтиргани устидан чиқар, ёнғудек бир аҳволда: «Сен, гумроҳ, девоналиғ сари юз бураётирсен!» — дея пичинг отар эди.

Эшик гичирлаб ёпилган дамда Муҳаммад Аваз илкис ўзига келди, яна онасига томоша бўлганини билиб кулди. Хонаи хос яна сув қуйгандек бўлиб қолди, яна рўпарасида хаёлий малак табассум ҳадя этиб турибди. Энди тагин қувончини у билан бўлиша бошлайди ва эзгу нияти ногоҳ кўнгли тубида акс-садо бермиш: «Маликам, розилик бергайсиз. Ушбу катакларда оху кўзлари! Ушбу катакларда эса арслон кўзлари! Ё раб! Нечун юрагим паққос ёрилмаётир!»

Муҳаммад Аваз уфқ оқарганда ҳам бир зайилда, мизни эгаллаган қоғозда акс этган тарҳ қораламасидан нигоҳ узгиси келмай, мулоҳаза қилиб ўтирар, тинкаи мадори қуриганига қарамай, юрагини азоблаб келган жумбоқ ечимини ниҳоят топганидан мамнун эди.

Муҳаммад Аваз ҳали хом-хатала туюлаётган тарҳни қиёмига еткизмагунча шаҳристон кўчалари, ҳатто Регистон майдонига қадам босмасликка қасд қилди. Лекин ўйлагани бўлмади, бир кун эндигина тушлик

қилиб, катакларнинг живир-живир уммонига шўнғи-  
ган чоғда, бедовини елдириб келган чопар дарвозани  
қоқди. Ажабо, не зарурат чиқибдики, Ялангтўш ёзлик  
мулкига чорлабди. Бирдан дилида узоқдан бўлса ҳам  
Моҳбонуни кўриш умиди туғилиб севинди. Бошқа та-  
рафдан маънос тортиб қолди. Вақти нақадар тигиз, ахир,  
усталар қачондан бери тарҳни кутишмоқда.

Муҳаммад Аваз айтилган муддатда етиб бормаса  
Ялангтўш ғазабига учраши муқаррар эканлигини ўйлаб,  
бултур кузда бир баҳона билан Мулла Абдужаббор тор-  
тиқ қилган қашқа жийронда йўлга тушди.

Даҳбедадаги ёзлик мулк атрофи баланд пахса де-  
вор билан ихоталанган, боғбонлар ва соқчилар томо-  
нидан йил-ўн икки ой кўриқланадиган юз танобдан  
зиёдроғ чорбоғни ичига олади. Баҳор ташриф қилган  
ҳамоно ям-яшил либосга бурканиб, қушлар чуғурига  
тўладиган бу масканда ҳашаматли кўшклар, шинам  
хосхоналар, меҳмонхоналар барпо қилинган бўлиб,  
бари Мулла Абдужаббор ва Муҳаммад Аваз ҳунари  
орқасида зийнат топган эди.

Чорбоғдан бир неча юз қадам нарида тевараги гиш-  
тин деворли кичикроқ қабристон кўзга ташланади.  
Ялангтўш пири бўлмиш Шайх Хожа Ҳошим ҳазратлари  
бобокалони — сўфий олим ва авлиё Маҳдуми Аъзам  
Хожа Аҳмад Саййид Жалолиддин Косоний шу ерда  
осуда ётади. Хожа ёлгон дунёдан чин дунёга кўчиб ўтган-  
да,\* муридлари, «олам таянчи кетди», дея ёқа йиртиб  
бўзлашган. Қиличи қудрати ҳамда Шайх Хожа Ҳошим  
кўмаги билан Самарқанд тахтига минган Ялангтўш Мулла  
Абдужаббор бошлиқ меъмору қурувчиларни сафарбар  
этиб, аввало, пири ҳурмати, иккиламчи, пири бобока-  
лони хотираси учун қабристон ёнида улкан хонақоҳ қур-  
дирди. Эндиликда ушбу даргоҳ мудом гавжумдир.

Муҳаммад Аваз эҳтиром билан қаршилаган хос  
мулозимга бедови тизгинини тутқазгач, баҳайбат чи-

---

\*Ҳижрий 949 йил муҳаррам ойининг йигирма биринчисида.

нор остида қад ростлаган хонақоҳ сари йўналди, ибодат билан машғул сўфий қаландарлар ва муридларга хайру эҳсонлар қилгандан кейин чорбоғ дарвозасига юзланди.

Чорбоғда осудалик билан барабар сирли бир улғворлик ҳукм сурарди. Қайдадир отлар мастона кишнар, қушлар тинмай чуғурлашар, у ёқ-бу ёққа ўтаётган хизматчилар ва баковуллар қиёфасида недир қатъият ифодаси бор эди. Қуёш ҳали дарахтлар орасидан мўралаб турган бўлса ҳам, тўрдаги салобатли марказий кўшк айвони билан ичкарисида, тилла-биллур қандилларда сон-саноксиз шамлар ёқиб қўйилган эди.

Муҳаммад Аваз икки тарафида турфа гуллар очилган текис йўлак бўйлаб илгарилади ва салқин-кўркам айвонда, оҳорли пар тўшақда бесўнақай оёқларини узатган кўйи ёнбошлаб ётган Ялангтўш қошида тавозе сақлади.

Баҳодир, тезгина қаддини ростлаб, нозу неъматга тўла миз ёнида чордона қуриб ўтирар экан, иложи борича ўзини хотиржам тутишга уринаётган меҳмонига ер остидан кўз қирини юборди.

- Аҳволингиз нечук, мавлоно?
- Давлатлари соясидан аълодир, қиблагоҳим.
- Хўш, қурилиш-чи?
- Тангрига шукрим, бари маромида.
- Андоғ эрмас чоғи?
- Англамадим. Нимадин шубҳадасиз?
- Сиз совиган эмишсиз.
- Ёлгон айтибдирлар.
- Кошки ёлгон бўлса. Ўзим ҳам сезамен, — нимадир соя солди Ялангтўш қиёфасига. — Сиз каминадин хафасиз, гина бор ичингизда!..
- Олампаноҳ, фақирни хижолатга қўйманг.
- Нима, совчиларингиз ноумид қайтгани сизга бефарқми?

— Алар не кўйга тушган бўлишса, бари Яратган эгамдин, — кўксини тикроқ тутди Муҳаммад Аваз. — Қурилиш масаласига келсак, яна айтамен, бари маро-

мида борур. Сизга содиқ жамоа кеча-кундуз тиним нималигини билмас.

— Кимки содиқ, ани тақдирлаймиз.

— Қуллуқ саховатларига.

— Хўш, не етишмас? Шундин сўйланг!

— Нафис ҳам пишиқ кошин.

— Тадбирини ўйладингизми?

— Ўйламай иложим йўқдир. Кошинпаз биродарларни инсофу диёнатга чақиргандин ташқари, Афросиёбда тагин икки хумдон барпо қилмоққа муборак номингиздин таклиф айтдим.

— Кўп маъқул, мавлоно.

— Тез орада ниятингиз ушалур.

— Бошимни кўкларга етказдингиз. Баҳонада мириқиб бодахўрлик қилсак арзигаЙ!

— Шу ишни хушим товламас, билурсиз.

— Май тановул қилмаган йигит йигит саналмас. Ўткинчи дунё лаззатидин бебахра кетгандин кўра туғилмаган авлодир.

— Одамзот фақат лаззат учун туғилмас.

— Шундай денг? Хўш, унда одамзот ёруғ дунёга нечун келур?

— Яшамоқлик мақсадида.

— Ақлингизга балли, мавлоно. Яшамоқ учун туғилган инсон нечукким майи ноб каби неъмат борлигинин гофил ўтса?

— Ҳазратим!..

— Охир-оқибат кўзни каттарақ очмоғингиз лозим. Бугун сиз билан базми жамшид қургаЙмиз. Нозанин раққосалар хизматда бўлур. Алардан ёққанини танларсиз ва кеча бўйи қўйнингизда олиб ётурсиз.

Хижолат ичра Муҳаммад Аваз синиқ кулди.

— Маъзур тутгаЙсиз, қиблагоҳим!..

— Не-не казо-казолар камина билан бир маротаба бўлсаям бир дастурхон атрофида гурунг қилмоқни истаЙдирлар. Сиз эса нописандсиз. Падарингиз камтарликни касб қилган эрди.



— Ўтинамен, ярамни тирнаманг.  
— Сиз наққошлик санъатини чунон ҳам мукаммал эгаллагансиз-у, аммо кўнгил овлаш ҳунаридин беҳабарсиз. Бу борада ҳам жидду жаҳд кўрсатсангиз, иншооллоҳ, эрта-индин саройга олурмен.

— Каминани мансаб қизиқтирмас.

— Нечун? — деди Ялангтўш, тез-тез соқоли учини силаб.

— Нечукким, сарой кишиларини тушуниш мушкул. Бири сиз эрсангиз, ҳазратим, ўзгалардин садоқат талаб қиласиз-у, ўзингиз кўнглингизга келган ҳар недин тортинмайсиз.

— Ўйлаб сўзланг, мавлоно. Ҳали бари маромида, юмушдин совиганим йўқ, деб кўкрак керган эрдингиз. Энди бирдан маломат қилурсиз.

Бир муддат тек қотган Муҳаммад Аваз ушбу сўзи ҳали айтган сўзи билан мувофиқ эмаслигини ич-ичида ноилож эътироф этди, айна пайтда, бўлгани бўлиб, бўёғи синди қабилида иш юритишдан бошқа чораси йўқ эди.

— Ўйлаб кўрсам... мубошир меъморлик юкини кўтаришга ҳам фақир ожизмен. Ижозатингиз билан... эртадин қурилишда гишт ташувчи бўлиб ишласам!

— Қўрқитасизми, мавлоно?

— Андоғ бад ниятдин Эгам ўзи асрасин!

— Бас, майни мунтазир қилдингиз.

— Ҳазратим, бошқа талабингиз бўлмаса, мурувват қилиб ижозат берсангиз. Бемаҳалда қолмай шаҳристонга отланмоғим лозим.

— Айтдимки, бу оқшом базми жамшид қургаймиз.

Муҳаммад Аваз ҳали бир оз қизишгани сабабли хижолат чекар, айна пайтда, юрагини тўкиш учун баҳона топилганидан анчайин мамнун эди. Сираси, Ялангтўш неча бор таклиф этган хурсандчилик татимаслигини билиб турар, шу боис рўйхушлик бергиси келмас эди. Ахийри, ҳукмдор, ҳафсаласи пир бўлиб, якка ўзи қадаҳ кўтарди. Буни ижозат маъносида туншунган йигит шошилмай айвондан узоқлашди.

Муҳаммад Аваз жийрон отда Даҳбеда сари елиб келлаётганда ҳам, ўзини фалак устуни ҳисоблайдиган Ялангтўш билан юзма-юз баҳслашганда ҳам фақат бир муддао — узоқдан ёки яқиндан Моҳбонуни бир кўриш, жилла қурса жарангдор овози ёки кулгисини бир эшитиш тилаги билан ёнди.

Мана, ҳозир ҳукмдор ҳузуридан бўшашиб қайтаркан, яна хаёлини Моҳбону эгаллади ва кўкси тилимланди. Агар иложини топса, ҳозироқ қошига югурарди, афсуски, бу имкондан буткул Мосуво!

Муҳаммад Аваз қачондир падари бузруквори қўшинида садоқат билан хизмат қилган, жангу жадалда кўп жасоратлар кўрсатган, бу кунда сарой хизматига бел боғлаган, той танлаш ва тарбиялашда моҳирлиги билан танилган синчи-сайис — Аҳад чўлоқ чорбоғ дарвозаси олдида жийронини ўнглаб турганини кўрди.

— Оға, — деди у жиддий, — йўлга бемаҳал чиқяпсиз чамамда.

— На чора, мулла ака.

— Самарқанд билан Даҳбеда ўртасида кечалари йўлтўсарлар изғиб юрармиш. Азиз бошингизни хавотирга қўйманг. Агар ҳоким кўшкидин бир кечалик жой топилмаган бўлса, фақир кулбасидин топилаур.

Қароқчиликни касб қилган муттаҳамлар қилмишидан яхши воқиф бўлган Муҳаммад Аваз розилик беришдан бошқа чораси йўқлигини англади.

Самарқанд салтанати ва бутун вилоятда нуфузи баланд мубошир меъмор сазосини синдирмагани учун Аҳад чўлоқ боши кўкка етгудек севинди, жийронни қантаргач, азиз меҳмонини чорбоғ этагида қўнқайган кулбаи вайронасига етаклади.

— Мулла ака, — деди Муҳаммад Аваз, ямоқи кўрпачада кўр тўкиб, юзига фотиҳа тортгач, — бола-чақадин борми?

— Тақсир, эликни уриб қўйсақ-да, ҳануз бўйдоқ-миз, — Аҳад чўлоқ сопол пиёлада чой узатди. — Бул ёғоч оёқни қайси ожиза назарга иларди?

— Бор гап шунда эмасдир. Кўнгил бутунми?

— Кўнгил бутун-у, чарх каж-да! — деди мезбон хиёл оғриниб.

Хукмдор ҳузурида кечган баҳсу мунозара залвори ва малика ҳақидаги толгин хаёллардан бўшамаган Муҳаммад Аваз ўринсиз савол ташлаганини анча кеч тушунди.

— Камина падарингиз Бобо Миршароф тан берган сарбоз эрдим, — тўхтаб қолган суҳбатни давом эттиришга киришди Аҳад чўлоқ. — Лекин, вақти етиб, омаддин жудо бўлишимни қаёқдин билибмен.

— Омад омонат нарса!..

— Илло, рост айтасиз. Бари фақир учун Кеш қўшини билан бўлган солишувда бошланмиш!..

— Э, кечирасиз, сиз ўша мухорабада қатнашганмисиз, мулла ака?

— Шундай, оға. Раҳматли отангиз ёнида қилич урганмен. Ул зот каминани хос навкарлар сафига қўшиб эрди.

— Қизиқ, кўп қизиқ!..

— Падарингиз бинойи зот эрди, — Аҳад чўлоқ қисқа сукут сақлагач, суҳбатга жон бағишламоқчи бўлди чоғи, овозини кўтарди. — Умрим бино бўлиб унақа тантини бошқа учратмадим.

Муҳаммад Аваз чексиз фахр оғушида хомуш ўлтирар, отаси қадди-бастини хаёлида жонлантиришга уринар, бутун вужудини қулоққа айлантирган эди.

— Эсимда, биз дастлаб кешликлар билан Омонқўтон тоғи этакларида тўқнашдик. Қиёмат-қойим бўлувди-я. Жанг қизиганда сардор ўнг қўлига дайди ўқ санчилмиш, камина эса тиззамдин яраладим.

Ўша манзарани тасаввур қилган Муҳаммад Аваз дили тубидан чиқариб хўрсинди, мана, тақдир тақозоси билан валинеъматни қанчалар ақл бовар қилмас азоб чангалида қолган экан...

— Исёнчи... Кеш ҳоқими Қулзамон ўлгудай қайсар эди. Ҳатто у Ялангтўшни яккама-якка жангга чорламиш. Шартга кўра, агар Ялангтўш бой берса ёки олишмай рад жавоби айтса, қўшини енгилган саналарди. Бул ўлимдан оғирроқ эрди. Жойинг жаннатда бўлгур сардор нима қилди денг? Самарқандда айшини сураётган биродарини тинч қўйиб, Қулзамонга ўзи талабгор эканлигини мактуб орқали маълум қилди.

Очиқ эшиқдан кимдир мўралаб суҳбат бўлинди, қора берган одам башараси шу қадар совуқ эдики, Муҳаммад Аваз изига айғоқчи тушганини, ҳозироқ ҳар бир босган қадамидан Ялангтўш хабар топишини тахминлади.

— Қуриб кетгур битик сардор учун қимматга тушган эрди, оға, — давом этди Аҳад чўлоқ. — Минг лаънат ўша соатга! Сардор совуққонлик билан даббоғ\*, кийди, ярадор қўлини тахтакачлаб, даббоғ ичкарисидан белига боғлаб қўйди. Чап қўл билан савашмоқ осон эрканми?

— Ёпирай, чап қўл билан дейсизми?

— Қулзамон ҳарбу зарбда моҳирлигини билардик. Рақиб ҳолини кўриб, кинояли кулди. Кейин ҳамлага ўтиб, чунон қилич урдик, сардор қийма-қийма бўлди, деб оҳ тортдик. Худога шукрим, ўзини четга олган экан. Бир пайт Қулзамон еру кўкни бошига кўтариб чинқирди. Қилич қаншарини қоқ ёриб юбормиш!..

Нафаси қийилган каби Аҳад чўлоқ ютинди.

— Тақдир-да, мавлоно, фақир дафнда бўлолмадим. Қуриб кетгур тиззам йиринглаб, қимирлатмай қўймиш. Агар Худо ярлақагур ҳақиму ҳозиқ Давоий жаноблари кечаю кундуз ёнимда бўлмаса, шаксиз, уйим куярди. У жарроҳлик илму амали билан каминани ажал чангалидан қутқарди, яъни, сонимдан қуйисини кесиб ташлади.

Қорачироқ милтираб зўрға ёритаётган хонани теран сукунат босди. Афту ангорини ажин шудгорлаган отбоқар хотираларидан ўзгача кайфиятга берилган Муҳам-

---

\*Сигир терисидан қопа ўхшатиб тикилган, камон ўқи ўтмайдиган кийим.

мад Авазни хаёл бир лаҳза гамбода кечган болалик фасли томон судради.

Жимжит даҳлизда бирламчи Оллоҳ таолодан нажот кутиб ётган падарининг гоҳ бетоқат ингранишлари, гоҳ ўтдек ёниб алаҳсирашлари қулоқлари остида қайта жанглагандек туюлди. Дарвоқе, ўшанда отаси, сал ўзига келганда, довруғи етти иқлимга тарқалган Абдулмалик Давоийга умидвор тикилар, фақирни бунингдек дўзах азобидан қутқаринг, деб тинимсиз ёлборар эди. Жони қил устида қолган бандаи мўмин, шаксиз, кўнгилчан табиб чорасизлик сиртмоғида чорасиз эканини сезмасди. Давоий ҳозиргина Шоҳизиндани зиёрат қилиб қайтган она-бола билан ҳам, сардор билан ҳам қандай муомала қилишни билмас, гоҳо бир ҳадик билан ширин жон азалу абад Оллоҳ омонати эканлигини таъкидлаб қўяр эди, холос.

Ҳайҳотки, бу орада, чарх неча бор айланиб, қанча-қанча сув оқиб кетди, алҳол, Муҳаммад Аваз даври даврон тўзонлари ичра кўп тентиради, ахийри, Мулла Абдужаббор билан Муҳаммад Дарवेशга шогирд тушди-ю, сал-пал дунё таниди, тириклик ғалваларидан баландроқ туришни ўрганди. Ва қутлуғ бир кунда падари қабрига шинамгина сағана қурди, сағана сиртини кошинкорий нақшлар билан безади. Муҳими, Худонинг бермиш куни, волидаси билан етаклашиб келарди-да, ўша мўъжаз обида қошида тиз чўкар ва қуръон тиловат қилар эди. Аммо кейинча ташвиши бошидан ошиб кетди-ю, бу одатини тарк қилди.

Ҳозир Муҳаммад Аваз, билиб-билмай шуҳрат изидан қуваётганини ўйларкан, ич-ичидан бениҳоя ўкинди, ногаҳон бағри юмшаб, Аҳад чўлоққа ҳурмат ҳисси билан тикилди, уни қучоқлаб ўпгиси, илиқ сўзлар билан сийлаб, бошига кўтаргиси келди...

\* \* \*

Муҳаммад Аваз бир вақтлар абжир сарбоз бўлган, энди қариб-қаримай кунидан қолаёзган Аҳад чўлоқ падари бузруквори ҳақида яна тўлиб-тошиб сўзлаши-

ни хоҳлар эди. Аммо у ёстикқа тирсак қўйганча миз-гиганини кўргач, хонада ўтиролмай, секин ташқарига чиқди. Жавзонинг тип-тиниқ осмонини қоплаган ва тилла тангалар каби ялтираётган беҳисоб юлдузларга термилар экан, кўнглида бошқача бир истак уйғонди. Эҳтиёткорлик билан бир неча қадам илгари босгач, ўрмондан қолишмайдиган дарахтлар ортида кимдир гимирлаб юргандек, жимгина ўзини кузатаётгандек туюлди-ю, бир сесканди. Қандингни ур, мулла йигит, чумчуқ пир этса, юрагинг шир этадиган бўпти-ку, дея кулди ичида...

Муҳаммад Аваз олий насабли хонадон бахти-қувончи саналмиш Моҳбону учун пишиқ гиштдан атайлаб тикланган, алоҳида тарҳга кўра, ичи-ташига бетакрор жило берилган кўшкни яхши биларди.

Ушбу дамда, райҳону наргису раънолар бўйини туйганча, ўша тарафни мўлжаллаб бораркан, юраги қафасдаги қушдек потирлаб урар, шармандаи шармисор бўлишдан асрагил, деб Худога қайта-қайта ёлборар эди.

Мана ўша таниш баҳайбат ёнғоқ!..

Ҳалигина шом еб чиққан тўлин ой чор-атрофни, шунинг билан бирга, сал этакроқда тушган кўшкнинг кошинкорий деворларини ёритиб юборган эди. Айри шохлар кўшк айвони томон эгилган бўлиб, барглар орасидан ичкарини бемалол кузатиш мумкин эди.

Аммо ҳалидан бери юрак ҳовучлаб турган йигит бунга журъат этмай, гул пуштасига ҳорғин чўзилди-да, осмону фалак буржларини кузата бошлади. Қай маҳалдир ўзича: «Ажабо, излаганим осмондамас, ердаяку!» — дер экан, сапчиб тургани ва ёнғоққа тирмашиганини билмай қолди.

Муҳаммад Аваз, айрига бемалол кўнгач, бутун диққатини кўшк томонга қаратди: зар-биллур қандилларга ўрнатилган беҳисоб шамлар баланд ва кўркам айвонни кундузгидек чароғон қилган, пушти-ложувард нақшлар, тилла суви юритилган ўймакорий устунларни ажиб жилога белаган эди.

Не сирки, Муҳаммад Аваз қачондир, устод Мулла Абдужаббор билан биргалиқда, ўзи сайқал берган ушбу жозиблага тамом ақлу ҳушини ўғирлатди, эҳтимол, шу боис айвонда шоҳона либосда пайдо бўлган Моҳбонуни дафъатан кўрмади, қачонки у товус каби хиромон бўлиб, ҳовлига тушгандан кейин оҳ деганча кўксини ушлади.

— Маликам, — деди шивирлаб, — Моҳбону!..

Эҳтиросли товушни таниган малак беихтиёр ўзини йўқотиб кўяёзди. Тўлин ой ёруғида сокин товланиб оқаётган ариқчадан нарироқда тўхтар экан, ногоҳ кўзлари чақнади. Ниҳоят, айрида илжайиб ўтирган, бутун борлиғида меҳр, нигоҳида интизорлик ва ўтинчифодаланган йигитни кўргач, сал ўзини босиб олди, бир-бир босиб ёнғоқ остига келди-да, кулгисини аранг тийганча, ёлғондакам дўқ урди:

— Жўнаб қолинг, соқчини чақиргум!

— Моҳбону, соқчига бало борми?

— Жосусга ўхшаб юрманг-да.

— Афу этинг, фақир жосусликка ярамасмен.

— Ие, унда не ваҳдин бу ёқларда адашибсиз?

— Ҳазрат чорламиш. Шу баҳонада адашибмен.

Ногоҳон Моҳбону, юмшоққина оҳанраболи товушда, юраги тубидан чиқариб кулди, ажаб эмаски, ушбу палла нурланиб кетган кўрки камоли қошида фалак маликаси саналмиш ой рашқдан кўксини чоклаган бўлса!..

Муҳаммад Аваз эса кўнглига Моҳбонунинг ушбу шукуҳли фурсатдаги сувратини муҳрлаш завқи билан ёнар ва пинҳоний анжуман тонгга қадар чўзилмоғини истар эди.

— Маликам, агар янглишмасам бир хатда қиблагонингиз таъқибини баён қилган эрдингиз.

Энди Моҳбону паришон ўй суриб қолди, ҳаргиз кўқда бемалол сайр этиб, суҳбати жононни ими-жим тинглаётган ой ёруғида киприклари паришон эгилгани ва қош-қовоғи солингани англашилди.

— Меъмор жаноблари, вақтида мусаввирлик гуноҳи азим саналишини, шу сабабли қилқаламни эҳтиётлаш лозимлигини писанда қилиб эрдингиз, — жимликни бузди у охири. — Аммо камина бепарво бўлдим. Энди пушаймоним бир дунё!..

— Нимадин пушаймон қиласиз?

— Дорилбақода малоикалар ҳар неки жонлуғ суврати жонини сўрашларидан энди буткул таҳликадамен.

— Ғам еманг, маликам, сиз ҳусн ато қилган ўша жонлуғлар олдида ҳар нарса бекор!..

— Беҳуда оширасиз. Энди бари топталди.

— Камина ўша лавҳа томошасида бир шошган бўлсам, анинг маъносини топганимда икки шошдим, маликам, — Муҳаммад Аваз овози чексиз ғурур билан янгради. — Камина сиздек идроки ва фаҳми гул очган малак қошида тобад таъзимдамен.

— Ҳар нечук маъносига етишдингизми?

— Шундоғ, маликам. Заковатингиз таҳсинга лойиқ!

— Лофни қоф қилурсиз.

— Асло! — деди Муҳаммад Аваз, бафуржа айридан сирғалиб тушаркан. — Дарвоқе, бари топталди, деган писандангизни қай маънода тушунай?

— Падарим жами хомакимни ёқиб юборишни буюрдилар.

— Ё раб! Ахир, ундай қилиш увол-ку! — деди Муҳаммад Аваз, овози титраб. — Наҳотки, ул зот гуноҳи азимдин кўрқмас!?

Моҳбону жавоб бермай, рўпарасида адои тамом бўлиб турган йигит кўзларини излаб топди, топаркан, гира-шира қоронғида сирли чақнаётган бу кўзлар тубида кўнглига яқин армон чўкиб ётганини ҳис қилди.

Моҳбону ёзлик мулкка кўчишдан сал илгари юз берган нохушликни эсласа, ҳамон жони ўртаниб, томирлари қақшаб кетади.

Ўша кунни у негадир ғаш эди, ҳатто қўли ишга бормай хонада тентирар, тасавурида нуқул Муҳаммад Аваз



гавдаланар эди. Қачондир Ҳабиба билан янги иш учун бўёқ танлар экан, эшик шиддат билан очилиб, остонада кўзлари ола-кула бўлиб кетган ҳукмдор пайдо бўлди.

Малика падари бузрукворини илгари сира бунақа ҳовлиққан ҳолатда кўрмаганди. Чиндан ҳам у, босар-тусарини билмай, ҳаял ичида хонани гириллаб айланиб чиқди. Туйқус жонлуғлар тириқдай акс эттирилган ва чорчўпга тортилган мато қаршисида ҳўрпайиб тўхтади ва ўйламай-нетмай тасвир қоқ ўртасига ханжар урди.

Шамлар ёруғида совуқдан-совуқ ялтираган ханжар, малика наздида, ё шер, ё оху юрагига санчилди ва жонивор жисмидан иссиқ қон тизиллаб отилди-да, гиламни бўяди. Шу манзара бир зумда ақлу ҳушини буткул ишғол қилди, кейин ногоҳ шуури қоронғилашиб, бариси аралашиб кетди, ҳатто падари бошқа суратларни ҳам қиймалаб ташлаганини кўрмади...

— Падарим ундан кўра танимни бурда-бурда қилсалар авло эрди, — деди Моҳбону ниҳоят маҳзун хаёлдан бўшаб. — Маним учун шўрлик волидам азият чеккани айниқса ортиқча!

— Хафа бўлманг, ҳали...

Малика меҳр билан сайқал берган, киши инон-ихтиёрини олиб қўядиган аломат сувратлар умри қисқа бўлгани учун астойдил қайғу чекаётган Муҳаммад Аваз гапи бўғзида қолди. Қаёқдандир гурра-гурра бостириб келган, ясан-тусан қилган қақажон канизаклар айвонда қий-чув кўтаришди, сўнг, оққушлар янглиғ саросима огушида турган Моҳбону сари учишди.

— Ҳай, парилар париси, не бўлди, нечун бу қадар беҳолсиз? — деди Ҳабиба шўхлиги тутиб, аста белидан қучаркан. — Бирон нарсадин кўрқдингизми? Ёки шаҳарда қолган мавлонога муштоқмисиз?

Аллақачон ўзини ёнғоқ панасига тортган Муҳаммад Аваз малика жавобини эшитмади. Қувончли сониялар бир зумда ортда қолгани учун гашланиб, зеро малика билан яна юзлашув умиди йўқлигидан ўртаниб, кулба томон судралиб кетди.

Муҳаммад Аваз бемалол хуррак тортаётган Аҳад чўлоқ ёнига ўзини таппа ташлади, қаттиқ чарчаган бўлса-да, анчагача мижжа қоқолмай, Моҳбонуни уйлаб ётди. Гоҳо бир хил ўксиниб, ўзи билан ўзи сўйлашар, у ёнидан бу ёнига ағдарилар, Худодан сабр-тоқат ва меҳр-шафқат тилар эди. Тахминан катта саҳарда мизгиб, ахийри, қотиб ухлади. Аммо тонг-азонда хизматкорлар гўнгир-гўнгири ва тартибсиз қадам товушларидан уйғониб кетди.

Муҳаммад Аваз аста кўзларини очаркан, Ялангтўш бу кеча чорбоғда қолганини билган бўлса, жазо муқаррар эканини яна тахмин қилди. Айни пайтда, Моҳбону дийдори насиб этганини қувониб эсларкан, беихтиёр дилидан: «Тилагим ушалди-ку. Энди калламни уздирса ҳам розимен!» — деган фикр кечди. Салдан кейин Аҳад чўлоқ аллақачон эгар-абзалини созлаб кўйган жийронни минди ва жиловни бўшатди.

Муҳаммад Аваз Афросиёб харобаларига туташ дарахтзорни кесиб ўтган тошлоқ йўл билан бораётганда куёш пешонадан ура бошлаган эди. Шаҳар дарвозасига яқинлашган ҳамоно кўнгли недир таҳдикани сезди. Тиш-тирноғигача қуролланган сарбозлар қовоғи солиқ эди. Ҳамишагидек ола-говурга тўла Сиёб бозори олдида бир танишидан уста Пўлат, уста Самандар ва яна беш нафар меъмор-қурувчи зиңдонга солинганини эшитди, ажойиб ҳунар соҳиби бўлишса-да, косалари оқармай, аранг кун кечирадиган бу кимсалар кулфатга дучор этилгани боисини тушунолмай боши ғовлади.

Не кўз билан кўрсинки, қурилишда бошбошдоқлик юзага келган эди. Суяги оғир меҳнатда қотган, ҳеч қачон мураккаб ишига яраша катта ҳақ-маош талаб қилмаган усталар, шогирдлари билан ҳар жойда тўпланишиб, оёқ остидан чиққан фалокатни ўзларича муҳокама этишар, ҳатто айрим тили ботирроқлари сарой шаънини ерга уришаётган эди.

Муҳаммад Аваз бедовни сайисга топширар экан, оғиру енгил кунда қанотидан жилмаган ёру биродарлари кўзига тик боқолмади. Шуниси айниқса оғир эдики, зиндон комида азобланиб ётган қадрдонлар айби нималигини ҳеч ким аниқ билмасди.

Ажабо, манфаати тақозо этганда етти ўлчаб бир кесадиған ҳукмдор нечун дабдурустдан бундай қалтис қадам ташлади? Ахир, иш кўзини пухта биладиған, ҳатто тошни ҳам тилга кирита оладиган ўша мўмин бандаларсиз қурилишдан файзу барака қочишига ақли етарди-ку! Наҳотки, кимнингдир фисқу фасоди ва қутқусига учған бўлса?

Муҳаммад Аваз ботинан қасос истагида ёнаётган усталарни сабр қилишга ундаб, айна пайтда, ўзи мушкул аҳволда қолганини ётиғи билан тушунтирди. Шубҳасиз, вақти-соати билан Ялангтўш қошига бориб, масалага ойдинлик киритади, яъни, тутқунларни тезроқ озодликка чиқариш чорасини кўради.

Усталар сал-пал жаҳддан тушишди, шогирдларини ёнларига олишиб, юмуш билан машғул бўла бошладди. Бир оз хотиржам тортган Муҳаммад Аваз ҳам ишга берилди, ҳар замонда зимдан марказий пештоққа кўз ташлар, кўнглида тошдек чўкиб ётган армон кўзғалиб кетар эди.

Ҳамон бир тоифа уста-шогирдлар бино салобати ва жамолини тўлароқ намоён этувчи мана шу сарҳада наққошлик ишлари бошланишини сабрсизлик билан кутишар, мубошир меъмор тарҳни, тезроқ битказиш ўрнига, йўқ ердаги баҳоналар билан чўзиб келаётгани учун ҳайрон бўлишар эди.

Гап шундаки, у ҳамон аросатда: гоҳ уйдаги хосхонасида, гоҳ Мирзо Улуғбек мадрасасидаги хужрасида қон-зардоб ютиб ишлар, чизаётганлари таъбиға астойдил ўтиришмас, жиддийроқ бош қотирганда, энг муҳим нуқталарда нимадир етишмаётганини англаб, худди ўша нарсани жидду жаҳд билан излар эди.

Ахийри, тунов кунни, Мулла Абдужаббор билан мас-лаҳат қилди, қачондан бери қалам билан қоғоз бўйсун-нишни истамай қўйганини, бундай омадсизлик тобора руҳини чўктираётганини куйиниб-ўртаниб сўзлади.

Мулла Абдужаббор марказий пештоқ билан боғ-лиқ вазифа гужала бўлиб турганидан воқиф эди. Ечим тўласинча Муҳаммад Авазга боғлиқ эканлигини, аммо у ўзини олиб қочаётганини ҳам биларди. Қачонки, йигит тарҳни буткул ўзгартириш устида бош қоти-раётганидан хабар топгач, бирдан қовоғини солин-тирди.

— Ўғлим, асло бундай қилманг, — деди кейин, ха-вотирини яширмай. — Ялангтўш қаҳрига учраймиз.

Очиғи, Муҳаммад Аваз ўзи ҳам масала қалтис эка-нини тушунарди, кўра-била туриб оловга бош тикқан эди. Аммо ҳатто устод огоҳ этгандан кейин ҳам аҳду қароридан қайтмади, маслаҳат ва дуо олиш ниятида иккинчи соябони — мусаввирлар пири саналмиш Муҳаммад Дарвешни сўроқлаб борди.

Муҳаммад Аваз Наврўз айёмидан бери Муҳаммад Дарвеш қошида бўлмаган, ҳоли-руҳидан гофил эди. Минг афсуски, ҳануз Абдулмалик Давоий қарамоғида турган пири комил кўзига бениҳоя ҳорғин кўринди. Чиндан ҳам у буткул куч-қувватдан қолган, ичига бот-ган кўзлари хиралашиб, тафаккурини маъно қушла-ри тарк эта бошлаган эди.

Шу сабаб сеvimли шогирди мақсад-муддаосини тузукли идрок этолмади, нима деса шунчаки бош сил-китиб, кўрпалаган соқолини силаб ўтирди.

Ўша он Муҳаммад Аваз ҳазратнинг чархи каж сав-долари қат-қат из солган заъфарон бетини зимдан ку-затиб кўкси ачишган, эрта умр ўзига ҳам вафо қил-маслигини ўйлаб, бутун вужудини титроқ босган эди.

Мана энди у ҳибсдаги усталар, зийнатини топма-ган пештоқ ташвишини чекиб, ношуду нотавонлик қилаётгани боис ўзидан нафратланиб, гишту кошин тўдалари аро тентираб юрибди.

Во ажаб, журъати шунчалар ночорми, дадилроқ бўлиш ўрнига, нечун нуқул сувга тушган латтадек шалвирайди? Агар ўша режаси амалга ошса, бир мўъжиза тугилмасми? Ҳайҳотки, Мулла Абдужаббор нимагадир истиҳола огушида, Ялангтўш Баҳодир хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашишга ундайди. Чиндан ҳам ҳукмдор, давру даврон эгаси, нима деркин, қаҳру газабга эрк бермасми? Бас, таваккал қилар эканми, ҳар қанақа муносабати фарқсиз, пештоқ хўп ва зап ўлса кифоя, ислимий ва ҳандасавий нақшлардан кўра, ул безак — тасвирий кошинбуриш чандон афзал эрур. Ахир, кўпинча салафлар ҳам пештоққа илмий муаммоларни, фалак буржлари билан боғлиқ файласуфона мантиқ ва мазмунни зарблашган-ку! Мадрасаи Мирзо Улугбек қиёфаси бунга гувоҳлик берур. Анинг пешонасидаги тасвир шунчаки зийнат эрмас, илму нужум сеҳрини ифода этувчи, яъни, юлдузлар баҳри маъвода қандай жойлашганини англатувчи ажиб жадвал эрур!..

Муҳаммад Аваз пароканда ўйлардан бир зум бўшамай, кўксида сирли тўлқинлар мавжланиб, уйи томон шамол каби елиб кетди. Шошгани сабабли, гижинглаётган отини қантариб ўтирмай, ҳовли этагига ҳайдаб юборди, шитоб хосхонасига кирди-да, токчадан ҳалиги самарқанди қоғозни олиб, миз устида очиб кўяркан, кўз ўнгида чала қолган тарҳ намоён бўлди.

Хомаки ҳали ишловга муҳтож бўлса-да, ўзаро кесишган чизиқлар нозик маънолар англатар эди. Яхши эсида, шуурни бойитадиган жозоба, дилни қувнатадиган фикр рангда ниҳон бўлишини илгари Мулла Абдужаббор билан Муҳаммад Дарвеш кўп таъкидларди. Шу сабоқ тоабат қалбига ўрнашган ва ўзи ҳам изидан эргашган ёш-ялангга уқтирадики, кошинкорлик, хусусан тасвирий кошинбуруш сиру синоати — бўёқда, ўша нарса топилсагина мазмун ва қиёфа жонланур!..

Муҳаммад Аваз неча кунлик уқубатлари ва изтироблари меваси саналмиш хомаки билан Моҳбону туҳ-

фа қилган палакни узоқ солиштирди, улар ўзаро мувофиқ эканлигига тўла ишонч ҳосил қилгач, юраги сурурга тўлди-да, ўша заҳоти чехраси ёришди.

Не қувончки, бирида жонлуғлар қиёфасини нафис ипак иплар, бировида эса дилга ором бахш этадиган рангин бўёқлар иншо айламиш! Эрта муаззам пештоқда ушбу вазифани жилвагар кошинлар ижро этса не тонг!

Муҳаммад Аваз мўйқалам учини пешонасига тегишиб, яна қоғоз узра энгашар экан, ногоҳ кўз ўнгида ойни уялтиргувчи чехра жонланди. Агар ўша соҳибжамол, қачондан бери оромини ўгирлаган малак, ҳозир ёнида бўлса, шубҳасиз, нажоткор бўёқларни ўзи топиб, ўзи ҳар неки қиёфага жон бахш этарди. Сўнг ҳунаридан чексиз завқ туйиб, бирдан мана бундай хитоб қилармиди: «Ушбу катакларда оҳу кўзлари! Буларида арслон кўзлари!..»

\* \* \*

Қудратли шерлар ва нозик-ниҳол оҳулар нигоҳи ўт ва сув каби тўқнашмоғи лозим. Акс ҳолда, тасвир жонсиз қолиб, мақсад аён бўлмас!..

Дабдурустдан шу хулосага келган Муҳаммад Аваз хомаки тарҳ билан палакни яна солиштирди, Моҳбону дидига яна бир бор қойил қолган ҳолда, ўзи адо этган юмуш энди бир қадар гариб ва сийқа туюлди. Ҳаргиз буни теранроқ англагани сари ўзидан нафратлана борди, ниҳоят, хомакини бир четга қўйди-да, бошқа қоғоз олиб хонтахтада ёзди.

Иложи қанча, мўйқалам бениҳоя қайсар — ҳаргиз бўйсунини истамас эди, аммо Муҳаммад Аваз бу борада ундан қолишмаслигини исботлаш учун бўш келмасликка аҳду қарор берган эди.

«Ушбу катакларда!..» Муҳаммад Аваз пичирлаган ҳамоно таниш кулги жаранглагандек бўлди. Ёпирай, гўё шундоқ ёнгинасида хаёлий малак жилмайиб ту-

рар, кўмак учун ошиқиб келгандек эди. Ҳамон омади чопмай ўртанаётган йигит бирдан руҳланди ва малакнинг тубсиз қароқларида интиқлик билан излаётгани ялт ёнганини кўрди. Шунда у бир муддат қотиб қолди, кейин эса севинганидан қийқириб юбораёзди.

Ҳей, фалак! Малика оҳу кўзларини эмас, ўз кўзларини чизган экан-да?! Ақли қосирлик қурсин, буни шу маҳалга қадар нечун сезмабди, нечун?! Алар жами сиру синоатни зоҳир этмақдалар-ку!..

Елкасидан тоғ ағдарилган каби енгил тортган Муҳаммад Аваз, Моҳбону билан ғойибона тортишган кўйи, алоҳида жидду жаҳд билан миз узра мук тушди. Таажжубки, энди мўйқалам аввалгидек ўжарлик қилмас, хоҳиш-иродасига осонгина бўй бераётган эди. Бундан яна ҳам ҳайратланган йигит тонг отгунча мижжа қоқмай, кутганидан кўпроқ ва сифатлироқ иш бажаргани учун боши кўкка етди.

Хомакини қўлтиғига қистириб олган Муҳаммад Аваз алақачон ур-тўполон бошланган Регистон майдонига қадам қўйганда кайфияти янада аъло эди. Бугун тушлиқдан кейин Даҳбед сари бориб, Ялангтўш Баҳодирдан ҳибсдагиларни афу этишни сўрамоқчи бўлганини эслади. Марказий пештоқ остида уймаллашиб турган усталар ва шогирдлар билан қуюқ саломлашди, тарҳ битай деб қолганини айтаркан, молия мирзаси Воҳидбек шошилинич саройга ташриф буюриши лозимлигини маълум қилди.

Ажабо, боягина дилини ишғол этиб турган қувончдан асар ҳам қолмади, ҳукмдор истироҳатни нечун бунча тез бекор қилди экан, деган ўйдан ороми бузилди. Ичи сидирила бошлаганини бировга сездирмай, йўл тортар экан, хаёлида гоҳ устозлари, гоҳ Моҳбону, гоҳ қоғозга аниқ-тиниқ кўча бошлаган жонлуғлар жонланар эди.

Яқиндагина таъмирланган саломхонада зил-замбил жимлик ҳукм сурарди, зеро кўпинча бу жимлик бирон-бир ғалвага уланиб кетишини яхши билган Му-

ҳаммад Аваз жимгина остонада қўл боғлади ва ён-верига назар солди.

Кўрдик, аркони давлат аллақачон ҳозир нозир: ҳар қанақа каттаю кичик мажлисда иштирок этадиган Шайх Хожа Ҳошим оталиқ, бош вазир Бобоҳўжа Муслим, қози Соқий Зоминий, шоир мавлоно Имомиддин Шерхўжа, шунингдек, турли мартабалардаги беклар, тўралар, сардорлар, уламолар ва мунажжимлар ҳукмдор қошида мамнуният билан эҳтиром сақлашаётган эди.

Нечундир Ялангтўш Баҳодир одатдагига қараганда тажанг ва тўнд эди, қалин қошлари тез-тез пасту баланд бўлар, тубсиз қорачиқлари бир кенгайса, бир тораяр эди. Чамаси, у кўнглидаги бўронни, фақат бошқалардан эмас, ҳатто ўзидан ҳам яширишга уринар, афсуски, буни эпломаетган эди. Қачондир у пойгакда одоб сақлаб турган мубошир меъморга разм солди, аммо кўзи кўзи билан тўқнаш келишидан чўчиди чоғи, бирдан башарасини ўгирди.

— Меъмор жаноблари, — ногоҳ жимликни бузди Бобоҳўжа Муслим, — давлатпаноҳимиз қизлари, яъни, маликаи мукаррамага оғиз солганингиз ростми?

Нимадир дафъатан Муҳаммад Аваз ич-ичини музлатиб юборди.

— Тушунарли, — деди бош вазир, саволига жавоб ололмагани учун оғриниб. — Хўш, темурийлик даъво айлаган эмишсиз. Буни қандоғ тушундик?

— Даъво айламак на ҳожат? — деди йигит, яна ҳам таъби хуфтон бўлиб. — Камина темурий эканлигим ҳеч кимга ниҳон эрмас!

— Хўш, темурий қонингиз жўшиб, тахти муборакка раҳна солмоқ пайига тушганингизни қандоғ изоҳлайсиз?

Энди у гўё бус-бутунича ях қояга айланган, дарду дунёси қоронғилашиб, ҳувиллаган чоҳга қулагандек эди. Аранг эс-хушини йиғиб оларкан, кетма-кет ilmoқли савол бераётган бош вазирга нафратли нигоҳ



отди, қани энди иложи бўлса-ю, бу мурдорни оёқлари остига олиб тепкиласа!

Ҳайтовур охиригача сабр қилишдан бошқа чораи тадбири йўқ эди. Ҳамон тахтда тажанглашиб ўтирган Ялангтўшга нигоҳ юбораркан, тунов кеча Даҳбедаги сўлим чорбоғда, Моҳбону дийдорини кўриш учун интиқланиб юрганда, бир шарпа таъқиб қилганини хотирлади ва аста бош чайқади.

Бу орада ўзига сизмай кетган Ялангтўш тахтдан отилиб тушди, баданида қўзғалган зилзилани ҳарчанд бо-солмай, ял-ял товланаётган гилам бўйлаб, нари-бери одимлай бошлади.

— Мавлоно, ақлдан оздингизми? Самарқанд тахти фақат темурийларга муносиб демишсиз! Хўш, айтингчи, камина темурий эмасменми? Соҳибқирон ўзбекининг барлосидин эрса, камина олчинидин бўламен! Сиздек оқу қорани ажратишга қодир зот уруг-аймоқ суриштиргани, қон айирганига қуямен!..

— Ҳазратим!..

— Бас! — Ялангтўш кескин хитоб қилдики, Муҳаммад Аваз нафас ютишга мажбур бўлди. — Ёки, мавлоно, андоғ айиришлар жонимизга чиққан чипқон эканлигини хабарингиз йўқми?

— Қаёқдан хабари бўлсин, аъло ҳазрат, — кесатди Хожа Ҳошим. — Эсу ҳуши бошқа ёқда!

— Галамислик билан машғул! — Хожани маъқулади қозондек салла ўраган бир амалдор. — Локин димоғи баланд!..

— Димоғидин ўргилдук! — гудранди яна кимдир.

Алқисса, ҳар ёқдан маломат тошлари пайдар-пай ёғилар, наҳотки буқаламун сиёқли шу кимсалар салтанат устунлари эрур, деган ўйдан мутаассир бўлган Муҳаммад Аваз чор-ночор жовдирар эди.

Фақат Бобоҳўжа Муслим бошлаб берган ажабтовур пойгада қози Соқий Зоминий иштирок этмай турар, ичида аллабир норозилик тошаётгани англашилар, лекин ўй-фикрини изҳор этгани шошилмаётган эди.

— Олампаноҳ, қачондан бери саройда тухмат билан ҳақиқат фарқ қилинмас? — дадил сўради Муҳаммад Аваз, қаддини тик тутаркан. — Ҳукм жиноят фош қилингандан кейин ўқилмасми?

— Мавлоно, яна шаккоклик қиладирсиз, — деди ҳукмдор ачитиб. — Мен не дейман-у, қўбизим нени сайрайдир.

— Фақирни беҳуда ерга урадирлар.

— Мавлоно, зиңдон қилинган бир тўда беандиша уста билан тил бириктириб, устимизга от қўймоқчи бўлибсиз. Демак, малика кўнглини овлаш баробарида, асли тожу тахтга кўз тиккансиз.

— Ҳазратим, бундай ният ҳуш-хаёлимда йўқдир.

— Мавлоно, Давоий жаноблари дорилшифоияни ғаламислар масканига айлантиргани ҳам тушингизга кирмагандир? Хабар беринг-чи, кунора ул тараф от қўйиб бориб не қилурсиз?

— Усталарни йўлдин урганим ҳам, дорилшифоия ғаламислар маконига айлантирилгани ҳам ёлғон!

— Наҳотки?

— Давоий жаноблари фақат улус ғами билан яшайдиган хокисор банда!

— Ҳа, балли, улус ғамига яқин, сарой манфаатидан йироқ!

— Ҳар неки амрингизга мунтазир!..

— Ишонмасмен. Теварагига беш-ўн сўқир мулла-ваччани тўплаган. Алар билан кун ўтқарадир.

— Тиб илмини тарғиб этур!..

Ялангтўш қип-қизариб кетди, бир муддат хурпайганча сукут сақлагач, шаҳдам қадамлар билан Муҳаммад Авазга яқинлашди ва унга тик боқди.

— Шарт шу: Давоий билан бугундин алоқани узасиз, эл-улус ичида бузғунчилик билан машғул усталарни тартибга чорлайсиз. Агар бунга кўнмасангиз, оқабати ёмон бўлур! — Ялангтўш ортига қайтаётиб қўшимча қилди: — Кимки ҳаддидан ошиб, Самарқанд тахтига осилса, ифлос қўлини эмас, хиёнат ин қўйган бошини ҳам чопиб ташлаймен!..

Мана энди Муҳаммад Аваз ушбу ошиғич кенгаш сабабини бир қадар англади. Кўпдан бери Самарқанд заминида зимдан етилаётган исён нафаси ҳукмдор бетига олов каби урилган ва бундан у тинчини йўқотган эди. Мана шу кулфат бевосита Муҳаммад Аваз саъй-ҳаракати билан кунба-кун газаклаётгани аллаким томонидан тарқатилганига заррача ҳам шубҳа қилмас бўлади. Тахминича, бу вазифани Бобоҳўжа Муслим маромига етказиб бажарган, ахир, бир вақтлар ўғли Набихўжа не боис жазога тортилганини ҳали бери унутмаса керак.

Мовароуннаҳр табиблари султони Абдулмалик Давоий ва аранг рўзғор тебратадиган меъмору муҳандислар хусусида тагин бирор илиқ гап айтиш тилагида Муҳаммад Аваз Ялангтўш сари ўгирилди, ўгирилди-ю, ногоҳ кенгайган қорачиқларида таърифлаш маҳол бир чақмоқ кўриб, унсиз бўзарди-қолди.

Салдан кейин Муҳаммад Аваз бу чақин қорачиқлар тубида чўкиб ётган тушунуксиз ифодалар билан қоришиқ эканлигини қайта-қайта идрок этди. Яна ҳам муҳими, ақл бовар қилмас мўъжиза кашф этганига имон ўгирган ҳолда, хаёли остин-устин бўлиб, истехзоли шивирлади:

— Ажаб... арслон кўзлари!

\* \* \*

Арк дарвозасидан эзилиб чиққан Муҳаммад Аваз хуш-беҳуш одимлар, ўзини тутмоқчи бўлгани сайин бўшашар, қулоқлари остида бетўхтов Ялангтўш таъналари жаранглар эди. Агар элда овоза фитнада зигирча иштироки бўлганда бунча куймас, бунча ўртанмас эди.

Асаби бузилгани сабабли Муҳаммад Аваз бу кеча тарҳ билан машғул бўла олмади, аксига уйқуни ҳам ёлчитмай, қоронғилик чўккан ҳовлида айланиб юрди. Қуёш бир арғамчи бўйи кўтарилганда Регистонда

ҳозир бўлди. Бир қарашдаёқ бугун ҳам иш унмаслигини пайқади, негаки ҳалига қадар кўпгина усталардан дарак йўқ эди. Пештоқ остида афсус билан бош чайқаб турганда пешвоз келаётган ва ранг-рўйи қув учган Воҳидбекни кўрди.

— Мавлоно, — деди у ғамгин, — тагин кўргилик!

— Сўзланг, Воҳидбек!

— Мирзо Улуғбек мадрасаси талабаларига тибдан сабоқ бериш учун келган Давоий жанобларини ҳозиргина Набихўжа бошлиқ сарбозлар кишанадилар.

Муҳаммад Аваз бўшашганча туриб қолди.

Набихўжа жазо муддатининг атиги бир ойини ўтаб-ўтамай қутилиб чиққанини эшитганда, ҳайрат бармогини тишлаб, кўп афсус чеккан эди. Пешонасида мудҳиш тамға ярқираб турган банди гумроҳ яна баланд мартабага илиниб олгани алам устига алам! Қолаверса, унга Абдулмалик Давоий сингари элпарвар зотни хору хас айлаш кафолати берилиши замондан путур кетгани нишонаси эмасми!?

— Устодни саройга олиб кетишдими?

— Йўқ, мавлоно, зиндонга элтсалар керак.

Муҳаммад Аваз, дунё кўзига тору зимзиё кўринди-ю, нажот истаб теварагига аланглади, аммо қайси жўмард ҳозир озгина таскин беришга қодир, ким озурда дилини зулмат чангалидан қутқара олади?

Нечун жавоб бермайсан, эй, Қодир эгам?

Аллақачон Воҳидбекни унутган Муҳаммад Аваз, бир жойда анча қотиб тургач, барини Оллоҳга солдида, баланд ҳавоза сари ўктамона одимлади.

Недир илинж билан бу оқшом мадрасадаги хужрасида қолди ва пештоқ тарҳи билан машғул бўлди. Тонг арафасида қушуйку қилиб уйғонганда чор-атрофни аллақачон ола-ғовур тутган, ҳар ким ўз ташвиши билан банд эди. Фақат айрим ишёқмас қуллар ва мардикорлар ҳар жойда ҳазил-мутойиба қилиб, валақлаб туришар эди. Усталар ишини кузатиб, турли маслаҳатлар бера бошлаган мубошир меъмори кўриб, улар бирдан

типирчилаб қолишди. Саланглаб юрган назоратчилар белларига қистирилган қамчинларига ёпишишди. Туя-бонлар мудраганча кавш қайтараётган туяларини кўзгаб, Афросиёб хумдонлари томон ҳайдаб кетишди.

Муҳаммад Аваз Аму нари томонидан атай Самарқандда ишлаш учун келган уста Воқиф Ҳиротий тасаруфида бўлган ўнг минора учига кўтарилар экан, тагин ҳибсга тушган Давоийни ўйлаб маъюсланди.

Тахминан бирон соатдан кейин алоҳида қизиқиш билан чап минора сари юзланди. Шериги каби кўкни болиш қилган ушбу минорани етмишга кириб ҳам қарилекка бўй бермаган уста Фармон Кеший беаётган эди.

Келишувга биноан, тарҳга кўра, қобурғасимон коштинбуруш зарбланажак гумбазлар машаққати Мулла Абдужаббор гарданида эди. Устод оғриб қолгандан бери бу жабҳада юмуш хиёл сустланди. Ёрдам учун Муҳаммад Аваз бошқа кучларни ташлашга мажбур бўлди, ҳатто ўзи ҳам мунтазам гумбазлар ташвиши билан шуғулланди.

Керак чоғида рўзгори ва бола-чақаси ташвишидан ҳам кечишга тайёр уста Самандар, хумдон юмушларида бош-қош бўлиш билан бирга, кўпинча кун бўйи ички-ташқи деворларга коштин зарбларди.

Айнан шу хил мураккаб вазифани уста Пўлат ҳам кунт ва сабр-тоқат билан бажарарди, аниқроғи, ҳунарига шу қадар қаттиқ боғланмишки, иложини топса, гиштни ёстиқ қилиб, шу атрофда ухлаб қолишдан ҳам тоймасди.

Қолаверса, бир-бири билан қиёматлик ошна тутинган бу икки хокисор инсон кўпчилик бошини қовуштириш йўлини пухта билар, бинобарин, улар бор жойда иш унуми ва сифати бошқача бўлар эди. Ҳозир эса ҳар қадамда улар ўрни билиниб турарди, айниқса, чор тарафга сочилиб кетган шогирдларига қадрлари беҳад ўтганини англаб олиш қийин эмасди.

Муҳаммад Аваз беихтиёр Мирзо Улуғбек мадрасаси сари нигоҳ ташлади. Самога қадалган нилий мино-

ралар, малоҳат ва салобат касб этган пештоқу равоқлар бӯёқлари ўзаро мутаносиб товланар, руҳни чарагон айлаб, дилни ҳайрат гирдобига солар эди.

— Муқарнас дандонаси чакки эрмас, — деди у уста Фармон Кешийга қарата, Мирзо Улуғбек мадрасаси атиги беш йил орасида қурилганини эслаб. — Биль-акс бӯшашманг.

— Иншооллоҳ, бӯшашмасмиз, — мамнун жавоб қайтарди уста Фармон Кеший. — Қолгани фақат кошин сифатига боғлиқдир.

— Кошинпазлар юзимизни ерга қаратмас.

— Аттанг, улар орасида уста Самандар йўқ-да.

— Уста Пўлат-чи?

Яна қайғуга чулганган Муҳаммад Аваз уста Фармон Кеший ва шогирдлари билан хушлашиб пастлади. Тамом чанг-тўзон қоплаган майдонда бўлҳо-бўл авжига минган эди. Марказий пештоқ биқинидаги йўлак айниқса тирбанд, қадам қўйгани жой топилмас, қора терга ботган қуллар кошин тўлдирилган ғалтакларни ҳавозалар оралиғидан инқиллаб-синқиллаб суриб ўтишар эди. Бир бурчақда қийиқча тангиган йигитлар бош кўтармай дандона учун гишт тарошлайди, сал нарида аллакимлар ганч элаб, ганчхок тайёрлашади.

Муҳаммад Аваз катта равоқ нақшларини боғлаётган усталар ишини кузатиш мақсадида эндигина ҳавоза поясига қадам босувдики, ёшгина мулозим волидаси ташриф буюрганини билдирди. Ошиғич илгари босаркан, гуноҳи бўйнида эканини ноилож тан олди, тугунчак кўтарган онаси дарди-дунёси қоронғи эканлигини узоқданоқ пайқаб, алланечук ўкиниб кетди.

— Нечун қорангни кўрсатмайсен? — гапини гиналашдан бошлади Назокатбону. — Танглайингни бағритош кампир кўтарган экан-да.

— Қулоғимгача ташвишга кўмилибман, онажон! — кўп бора синовдан яхши ўтган баҳонасини рўкач қилди йигит. — Хавотир чекишингиз ўринсиз.

— Айтишга осон... Бир саф усталар ёнида Давоий жаноблари ҳам зиндон қилинибдир. Сенингча, уйда қўл қовуштириб ўтирайки? Нима гап ўзи, болам?

— Тилим кесилмиш!..

— Астағфирулло! Гуноҳлари не эркан?

— Фаҳмимча алар гуноҳи нелигини Баҳодир ўзи ҳам билмас, — кинояли янгради Муҳаммад Аваз товуши. — Эмишки, камина Давоий жаноблари ҳомийлигида тожу тахт даъвосига киришиб, шифо уйини фитнахона қилибмен, бир қанча ошна-оғайнимни сарой устига гиж-гижлабмен!

— Эй, Қодир эгам, қандоғ кунларга қолдик? — ён-атрофда елиб-югураётган кишиларни ҳайратга солганча, фарёд чекди Назокатбону. — Бул тўхматни қайси худобехабар кимса ўйлаб топибдир?

— Ким ўйлаб топгани каминага қоронғидир, фақат Бобоҳўжа Муслимдин гумон қиламен.

— Ул гумроҳ жазосини Худойим берсун, — деди Назокатбону яна ҳам ташвишланиб. — Энди борини билибмен, сен гўдаккина димоғига амал ҳавоси кирган бандалар содир этган можаролар комидасен. Аҳволингга бир қара: лабларинг гезарган, бурнинг сўппайган.

— Сизни сарсонлиғ кўчасига солган ношуд ўғилни кечиринг.

— Машойихлар демишким, оно кўнгли болада, бола кўнгли далада.

— Топиб сўйламиш машойихлар, — илжайди Муҳаммад Аваз.

— Сен муғомбирни пичинг отишга қўйса, — онаизор ҳам кулган бўлди. — Овқат келтирдим, еб олгин.

Муҳаммад Аваз маъқул ишораси бериб, волидасини Мирзо Улугбек мадрасаси сари етаклади. Шифти қуббасимон ганчсувоқ ҳужрага киришганда, йигит анча енгил тортган эди. Қалашик қоғоз-дафтарларни эҳтиёткорлик билан бурчакка олиб қўйгандан кейин хонтахта узра тугунчакни очди, ўша заҳоти димоғига седана сепилган ширмой кулча ва зира-мурч иси урилди.

— Қачон одам бўласен-а, қачон? Ахир, эрта-индин ўттиз бешни урасен-ку! — Назокатбону оби-дийдасини тўхтаган жойидан бошлади. — Тавба, кўзингга таомилдан ташқари савдолар кўпроқ хуш кўринур. Оқибат, ўзинг беҳаловат, камина нотинч! Бошқалар волидасидек қачон оёғимни бемалол уза-а-атиб ётамен?

— Ҳадеб қуяверманг, — гўшт чайнай туриб гўлдиради Муҳаммад Аваз. — Вақти-соати билан Тангри ўзи сизни роҳату фароғатга еткаргай!

— Тилгинангга асал, нуридийдам. Илоё, ўша кунлар тезроқ насиб қилсин. Айтганча, бугун чўзилиб юрмай барвақтроқ қайтгин. Маслаҳат қилурмиз.

— Не маслаҳат? Айта қолинг.

— Майли, айтсам айтай, йўқса боргунингча ёрилиб ўлишим тайин, — Назокатбону унга меҳрибонлик билан кўз ташлаб, давом этди: — Файзуллабой қизини кўзим остига олибмен. Хотини кўнглига қўл солувдим, розилиги бордек туюлди.

— Юзимни қаро қилмоққа чоғланибсиз-да.

— Йўқ, болам, юзинг ёруғ бўлғай, агар билсанг, Файзулла таниқли тижорат аҳлидин, бу музофотда ундан тили ҳам, дасти ҳам узун киши йўқдир. Шаҳарда тиклаган иморати Баҳодир саройидин кам эрмас.

— Онажон, камина молу дунёга қизиқмасмен.

— Нечун унда саройга интилурсен?

— Боиси сизга аён эрур.

— Сен соддаи нотавон Ялангтўш аҳлидин беҳабар қолибсен чоғи? Эшитишимча, Моҳбонуни Имомқулихон ўнг қўл вазири Шайх Қиёмхон Бухорий ўғлига узатармиш. Ишни пиширган Хожа Ҳошим эрмиш!..

— Волидаи меҳрибон, узунқулоқ гапларга ишонманг, барака топмайсиз, — деди Муҳаммад Аваз, юрагида бир санчиқ туйиб. — Қолаверса, камина учун Ялангтўш эрмас, Моҳбону аҳди инобатли эрур.

— Болажоним, шунчаям дарди бедавомисен? Охир-оқибат сўқирлигинг бошингга кулфат келтирмаса деб қўрқамен!..



Ахийри, чидолмай кетган, ич-ичига чўккан кўзларида ёш ҳалқаланган онаизор, юрагида борини койина-койина тўкиб-солгач, қўл силкиб турди-да, тўнғиллаганча эшик сари шошилди.

— Меҳрибоним!

Қаники Назокатбону қулоғига илтижо кирса!..

Иштаҳаси гиппа бўғилган Муҳаммад Аваз, бош-охирини йўқ ўкинчлар ичра, жимжит хужра ўртасида тўкилиб ўтирар, хаёли бир бурчини сутга чайилгандек покиза чехра, бир бурчини муаззам пештоқ банд қилган эди.

\* \* \*

Ёлғиз қолган Муҳаммад Аваз қоғоз-дафтарларини пешига тортди, ҳаял ичида бор дунёни унутди-да, пештоқ тарҳининг алжабр ва ҳандасага оид ҳисоб-китобига шўнғиди, баъзи жузъий ноаниқликларни барта-раф этиш учун кечга қадар жойидан қимирламади.

Ахийри, толиққан қовоқларини уқалай-уқалай ташқарига чиққанда қуёш уфқда пар-пар бўлиб порлар, оламини қизғиш-пушти нурларга ғарқ айлаган эди. Зиндон комида азоб ютиб ётган биродарлари ёдига тушиб бир хўрсинди-да, рўпара келган Воҳидбекка мақсадини айтди ва арк сари юрди. Жон койитиб бекор келибди, негаки попукли узун найза тутган соқчилар ичкари кириштирмади. Ҳукмдор Хуросондан ташриф буюрган элчиларни қабул қилиш билан машғул бўлиб, хобгоҳга бир зогни ҳам йўлатмаслик ҳақида фармойиш берган экан...

Муҳаммад Аваз арк остонасидан бўшашиб қайтди ва кун бўйи усталар ёнида тер тўқди. Чатоғи, онаси қошу қовоғига бардош беролмаслигини ўйлаб, уй сари оёғи тортмади ва яна хужрада тунашни маъқул топди. Тонгга қадар мижжа қоқмай, тарҳ устида куйманиш баробарида, хаёлан Моҳбону билан суҳбат қурди. Уфқ оқарган ҳамоно, таҳорат олиб, бомдодни туширгач, дарҳол арк дарвозаси олдида пайдо бўлди.

Бир амаллаб хобгоҳга кирганда Ялангтўш тахтда бир қадар хомуш ўлтирар, хиёл кўпчиган бетиде кеча азиз меҳмонлар билан биргалиқда ичилган май хумори аксанган, қалин лабларига эса недир истеҳзо кўнган эди.

— Аъло ҳазрат, камина ташрифиде боисини балки билурсиз?

— Шубҳасиз, мавлоно.

Муҳаммад Аваз қачондир Ялангтўш Баҳодир — Самарқанд музофоти ҳукмдори, алҳол, кимсан Имомқулихон ҳазратлари меҳр кўйган ва ишонган мана шу зотни ўзига нақадар яқин тутганини, эндиликда эса ундан тобора узоқлашиб бораётганини дилидан ўтказди.

Бинобарин, ҳозир заҳаролуд хитоб қилган Ялангтўш шундай ўқрайиб турардики, у бир сесканиб тушди, айни пайтда, тубсиз қорачиқлари ёлқинига эътибор бераркан, аста шивирлаганини билмай қолди: «Булариде арслон кўзлари!..»

— Алар уволига қолманг, олампаноҳ!

Ялангтўш қовоқ солганча ўтирилди.

Муҳаммад Аваз суҳбат боқий бўлганини, аниқроғи, ҳар қачон ўзиникини маъқул биладиган мана шу алпқомат кимсани эритишдан кўра тошни сув қилмоқ осон эканлигини фаҳмлади ва саройга бошқа қадам босмаслик аҳди билан нақшинкор эшикни қарс ёпди.

Ўша кундан эътиборан Муҳаммад Аваз ўзини ҳам тутқун қилишларини юрак ҳовучлаб кута бошлади. Анчадан бери тўнини тескари кийган Ялангтўш бир қарорга келганини сезарди, фақат у арқонни узун ташлаб кўйганга ўхшайди. Майли, бир гап бўлар, ахир, ёзуғиде борини кўради-да. Яхшиси, руҳини чўктирмай, тезроқ тарҳни тугатсин!..

Ногаҳон эшик секин гичирлаб очилди ва эгри-бугри тол ҳасса тутган, ранг-рўйи синиққан Мулла Абдужаббор имилаб кирди. Тоби қочиб ётиб қолгандан бери, устодни атиги бир марта бориб кўрди. Адашмаса, икки ҳафтадан ошди, кулбасига қадам босган эмас.

Мана энди, қаники, ер ёрилса-ю, қаърига бир тошдек қуласа! Ҳайҳот, этагини кўзларига тутиё қилиб, минг илтижо билан афу тиласа-да, нима ўзгаради, нима?

— Ўғлим, сиз бунда ўз гамингиз билан оворасиз, — деди устод босиқлик билан, кўрпачада омонат чўкиб, кафтларини бетига суртар экан. — У ёқда усталар гам-бода. Сабаби сизга аёнми?

— Аён, устод, — деди у ўкиниб.

— Нечун тадбир чекмабсиз?

— Қўлим калтадир. Лўндасики, Ялангтўш ўтинчим-ни сариқ чақача билмади. Саройдин эгасиз ит каби қувилдим.

— Аттанг, яхши бўлмабдир, — ўсиқ қошларини чимирди Мулла Абдужаббор. — Ўғлим, сувни лойқалатаётган Бобохўжа Муслим бўлмасин.

— Ҳа, устод, кўрнамак хумордан чиқади.

Муҳаммад Аваз қирқ дарра остида жон талвасаси билан тўлғонган, зиндон сари судрашганда, ялиниб-ёлбориб ҳўнграган Набихўжани хотирлаб, бир нуқтага тикилиб қолди.

Мулла Абдужаббор эса ночор аҳволда ўзича чархи каж бевафолигидан нолиётган эди. Сўнг, оғир хўрсиниб, шогирдини ўргимчак тўрига илинган жонзотга қиёсларкан, мизда сочилган чизмаларга кўзи тушди.

— Ўғлим, кўҳна тарҳни не қилурсиз?

— Кўҳна тарҳ бекор бўлур.

Шогирди шундай жавоб қайтаришини билган Мулла Абдужаббор аста бош чайқади, ниҳоят, аллабир қизиқиш билан нигоҳини тарҳга кўчирди-да, жимгина мулоҳазага чўмди.

Ақлу заковат ва салоҳиятда беназир пири комил, етмиш остонасига етгунча, наққошлигу меъморлик хунарини астойдил эъзозлаб, мукамаллик ва нафислик бобида тенги йўқ не-не безаклар кашф этди, аммо бўёқ ва қоғоз бу қадар сеҳргар бўлишини, бу қадар бийрон тил билан сўзламоққа қодирлигини биринчи маротаба кўриб турарди.

— Ўғлим, дидингиз таҳсинга лойиқ, — деди ниҳоят устод ўгирилиб. — Фақат... бошингиз ғавгога қолмас!

— Пирим, ҳар не хатардин чўчимасмен, — деди узиб Дарвеш Муҳаммад. — Пештоқ қиёфаси шу тахлит бўлишини тиладим.

— Вақт борида пишиқроқ ўйланг, мавлоно.

— Кўп ўйладим, охири англадимки, шул тарҳни пештоққа зарб қилиш насиб этмаса, ёруғ дунёдин армон билан ўтурмен!..

Чамаси, кутилмаган хитоб Мулла Абдужаббор юрагида бошқача акс-садо берди, ногоҳ тиниб-тинчиманган шогирди бир дард билан яшаётганини ва бу дард айнан шу тарҳга алоқадор эканлигини пайқади.

Устод бисотидан илиқ сўз қидираётган дамда Воҳидбек кириб, жамики юмушдан бош тортган усталар бир жойда гуж тўпланишганини, дарғазаб бўлиб, тоқатсизлик билан Муҳаммад Авазни чорлашаётганини маълум қилди.

Регистонда илгари бу қадар кўп одам йиғилганини биров эслолмайди. Оға-инилари зиндон қилинган муҳандис-меъморлар, наққошлару кошинпазлар, дурадгорлар, кулоллар ва сўзангарлар тўхтовсиз оқиб келишар, сафлар тобора тигизлашар, ўзаро таҳдидди шивир-шивир кучайиб борар, гоҳо бақириб-чақирешлар ва сўкинишлар эшитилар эди.

Ҳавозаларда ҳаракат бутунлай тўхтаганини кўрган Муҳаммад Аваз тажанглашди. Одамлар орасида ҳамма айбни бепўшт-пўшт унга тўнкаётганлар ҳам кўпчилик эди. Бир пайт Ялангтўшни адолатга чорловчи хитоблар янгради. Галаёндан қолишмайдиган тўполон яна бошқа фалокат келтириб чиқариши мумкинлигини ўйлаб қўрқиб кетди, гишт уюмига кўтарилди-да, барчани зудлик билан тарқалишга даъват этди.

— Мавлоно, билингки, биродарларимиз озод бўлмагунча тарқалмаймиз, — бирдан кекирдагига зўр берди

уста Фармон Кеший. — Яхшиси, бизни саройга бошланг, Ялангтўш билан ўзимиз келишамиз.

— Мавлоно, Ялангтўшдин тилингиз қисикми?

— Қўрқмасангиз оддимизга тушинг!..

— Биламиз, саройга сотилгансиз!..

Шовқин-сурон осмону фалакка ўрлаб, Муҳаммад Аваз қулогини қоматга келтирди. Нафрат ва қаҳру газаб акс этган башараларга зимдан разм соларкан, рўпарасида икки йўл пайдо бўлганини, бирини танлаб, таваккал қилишдан бошқа иложи йўқлигини англади. Гишт уюмидан индамай тушиб, бафуржа илгари босган ҳамонно, ортидан оломон бархан кўчгандек кўзгалди.

Бош вазир Бобохўжа Муслим топшириғи билан қаландар кийимида изғиб юрган хуфиялар ўша заҳоти саройга ҳамма машмашани оқизмай-томизмай етказишди. Индалло, ҳибсда ётганларни озод қилишни сўраш учун бораётганлар охири ҳали майдондан узилмай, рўпарадан елиб келаётган қуроли суворийлар кўринди. Сардор оқ от белида бургутдек кўниб ўтирган Ялангтўш Баҳодир ўзи бўлиб, ҳар замонда атрофига аланглаб наъра тортар ва ўрма қамчинини ҳавода ўйнатар эди...

Оломон пешида одимлаётган Муҳаммад Аваз олисолидан кенгайиб кетган қорачиқларда мавж ураётган ўша совуқ чақинни туйди. Ва ундан бир лаҳза нигоҳ узмай: «Буларида арслон кўзлари!» — дея шивирлар экан, хаёли пештоқ тарҳига оғди.

Бу орада таҳлика-таҳдид ила қиличлар қинидан суғурилди, бунни кутмаган оломон ваҳима ичра тўрт тарафга тирқираб кетди. Гўё эрмак учун бир нечта уста чопиб ташланди. Ола-була чопон кийган қизгимтир соқолли миқти навкар мункиллаган бир кошинпазни оти ёни билан туртиб, елкасига найза санчганда Муҳаммад Аваз сабр косаси тўлди ва ярамасни отдан тортиб йиқитиш учун ташланди, аммо ниятига етолмади. Қаёқдандир пайдо бўлган Набихўжа, узангига оёқларини тиради-да, шамшири орқаси билан бошига туширди.

Муҳаммад Аваз бир оғриқ аъзои бадани бўйлаб ёйила бошлаганини сезиб-сезмай, тақир ер эмас, гўё зулмат қаърига қулади, қуларкан, кўкарган лаблари унсиз шивирлар эди.

— Буларида арслон кўзлари!...

\* \* \*

Зах жойда тиззаларини қучиб ўтирган Муҳаммад Аваз ҳеч нарсани кўрмас, фақат ертўла анча кенг ва чуқур эканлигини элас-элас тасаввур қилар эди.

Номинг ўчгур айлана шаклида бўлиб, гумгурс соқов девори қисиб келаётгандек туюлар, сичқону каламуш ҳидига қўшилиб анқийётган турли бўйлар кўнглини ағдарар эди.

Бундан икки йилча муқаддам бир сарбозни пойтеша билан бир уриб сулайтириб қўйган уста Мирҳабибдан ҳол сўраш баҳонасида қора-қура босган зилзамбил темир эшигига юзланган, одамзод ўзини ўзи хўрлаш учун ҳар нарсани бино қилиш ва ҳар нарсага қўл уришдан эринмаслигини ўйлаб, қаттиқ қайгурган эди. Фақат тақдир бир кунмас бир кун ўзини ҳам зулмат балоси нима эканлигини яхшироқ англатиш учун бу гўшага етаклаб келишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.

Мана энди у ҳатто қимирлагани кўрқади, лекин бир жойда қилт этмай ўтиравериш азоб устига азоб эди. Қай маҳалдир жон ҳовучлаб, сал ўрнидан жилар экан, титранаётган оёғи ногоҳ нимагадир тегди. Енгил зарбдан ҳалиги нарса шиқирлаб кетди ва дағ-дағ уча бошлади, сўнг: «Наҳотки, одам суяги?» — деган ўй миясига урилди-ю, юраги қинидан отилгудек бўлиб, жон ҳолатда тисарилди.

Муҳаммад Аваз кўзлари қоронғиликка сал-пал кўниккандан кейингина алоҳида шаккок бандалар учун мўлжалланган ўрада турганини англади ва афтини буриштириб кулди. Ахир, ёруғ дунёда не-не эзгу ниятлар

билан яшаётган эди. Аттанг, энди ҳаммаси забун: мадрасани битиролмади, аламлиси, минг азобда ҳозир қилган тарҳини муаззам пештоққа зарблаш насиб этмади.

Сал фурсатдан кейин волидасини эслаб, юраги эзилди ва беҳол чўккалади. Мил тортилгандек сўқир бўлиб қолаёзган кўзларидан дувиллаб ёш тўкилди. Ногоҳ бир инграш эшитилиб, бутун вужудини қулоққа айлантирди. Эй, расули ризо, бул ваҳшатгоҳда ўзидан бўлак ҳам тирик жон борми? Қайда, каламуш ёки сичқон чийиллаган бўлса керак. Моҳбону ҳақ; юракдан Худо берган!...

Муҳаммад Аваз ўзини чалгитиш учун уринар экан, ногоҳ хаёли Даҳбед сари учди, ўша куни жаннат монандли чорбоғда Моҳбону билан бўлган учрашув тасавурида жонлана бошлаганда бояги ҳазин товуш яна сукунатни бузди. Ё раб, не кўргилик, ўнг томонида биров чўзилиб ётар, ҳар замонда жони узилаётгандек инқиллар эди.

Муҳаммад Аваз қўрқа-пуса ўша тараф юриб, кимса устига энгашди. Кўзлари чирт юмуқ, соч-соқоли патак, чўпдек озгин кимса ерга ботиб кетгандек эди. Шоша-пиша кўксига қўлини қўяр экан, қуруқшаган лаблари бир умид билан тамшанди.

— Су-у-ув!..

Муҳаммад Аваз ҳаёт нишонасидан мосуво гўшада қачондан бери афтодаҳол ётгани номаълум маҳкум юзи билан пешонасини бир аҳволда силаб-сийпалай бошлади ва беихтиёр сесканди.

Ахир, наҳотки, ақлу ҳушини йўқотаёзган, эти бориб устихонига ёпишган ва охират билан юзлашиб турган шу инсон кимсан Мовароуннаҳрдан Хуросону Ҳиндистонга қадар довруғи ёйилган Абдулмалик Давоий жаноблари бўлса?!

— Ҳазратим, — деди инграниб, — кўзингизни очинг.

— Су-у-уув! — деди яна чатнаган лаблар аранг.

— Пирим, пирим!..

Пўст бойлаб ёрилган, азобу оташга чулганган жонсиз лаблардан тагин ҳалиги илтижо узилди. Чамаси, табиб сўнаётган муҳам тасаввурида қолган энг сўнги тушунчани бир амаллаб тилига кўчираётган эди.

Муҳаммад Аваз мурувватли Тангри таолодан сабару бардош ва шафқат тилади. Ахир, иложи қанча, шу экан ёзуғи: охирги соатда у ҳам барча нарсани тамоман унутади — фарзанд доғи адойи тамом қилаёзган волидаи муҳтарамаси ҳам, сарой деворлари ичра ранги саргайган Моҳбону ҳам, битмай қолган обида ҳам, жамики касбдошлари ҳам ёдидан кўтарилади. Губор қоплаган миясининг аллақайси нуқтасида биттаю битта тушунча чарх уради: сув! Бир ҳовуч, ҳа, атиги бир ҳовучгина сув ўша лаҳза унга ҳамма нарса — роҳат ҳам, азоб ҳам, умид ҳам бўлиб кўринади.

Туйқус хаёлида Моҳбону бор-йўқ ҳунарини ишга солиб тасвирлаган манзара гавдаланди: қирғоқларини ювиб-емириб оқаётган Зарафшон, ям-яшил соҳил бўйлаб, бўлиқ ўт-ўланлар оралаганча, кўза кўтариб бораётган жамалакли дуркун қизлар, олисда, айвонда туриб уларни ҳавас билан кузатаётган зулфлари гажак келинчак! Дарё тўла сув, идишлар тўла сув!..

— Пирим, кўзингизни очинг, камина қошингизда ожизу нотавон турган Муҳаммадмен!..

Яна алам-ангиз шивирлар экан, наздида, тамом ақлу ҳушни ўғирлаб, юракни чим-чилт музлатиб юборадиган, ҳатто олис мозийни, бугун ёки эртани ҳам ўз ҳукми остига ўтказган сукунат чўқди. Ажабки, у гўё зулмат пардаси билан бирлашиб, яна ҳам ваҳимали туюлар, ҳатто ирода ва идрокни ҳам бемалол бошқарар эди. Кутилмаган бу ҳолатни қайта-қайта ҳис қилишга мажбур бўлди, эҳтимол, шунинг учун ҳам тепада темир эшик қийиллаб очилганига аҳамият бермай, устод тепасида жимгина мук тушиб тураверди.

— Мавлоно тирикмилар? Сув ва нон туширдик!.

Қулоғига масхараомуз мингирлаш чалингандан кейингина ногоҳ сергак тортди, тиззалари билан судра-



ла бориб, жун ип учидан тунука дўлча ва бўз тугунчакни ечиб олди. Ўша заҳоти қайтиб, дўлчани табиб оғзига тутди. Елимланган каби бир-бирига чиппа ёпишган лаблар сув нафасини ҳатто сезмагач, ўзини ерга отди-да, юқорига дағдага қилди:

— Ҳой, ким бор? Инсофли кимса борми шу дунёда?!

Жавоб йўқ — олам ному нишонсиз йўқолгандек!..

Ноилож устод ёнида гужанак бўлиб ётди.

Мана энди, не ёзуққи, қанча вақт кечди, ухлармиди ёки бедор — сира билмас, ҳатто қайдалигини унутгандек эди. Қачонки кўзларини очаркан, ногоҳ кўкси тилимланиб, томоғини қалампирдек нарса ачитди. Орзуси ушалмаган шўрлик волидасини, армон ўтида ёнаётган Моҳбонуни, жон қадар азиз Регистонни қанчалар соғинмиш, қаники, мана бу деворни пора-пора қилса-да, бир қуш каби осмону фалакка парвоз айласа!..

Муҳаммад Аваз гулдек ҳунари, зиғирча қадр топиш нари турсин, туфроқ билан тенг бўлгани, кечакундуз ҳаловат билмай қилган машаққатли меҳнати елга соврилганини ўйлаб кўпроқ ўқинар, айниқса, муаззам пештоққа кўчиб улгурмаган тарҳни эсласа юракбағри симиллаб кетар эди.

— Меъмор жаноблари тирикмилар?

Муҳаммад Аваз тунов қуни нон ва сув келтирган зиңдонбон овозини эшитиб бир хўрсинди, сўнг бир аҳволда зимистон аро липиллаб турган арқонга ёпишди. Ташқарида кўзларини оқ мато билан боғлашар экан, ташналик жонига чанг солиб турганини имо-ишора билан тушунтирди, зиңдонбон имоси билан кимдир тутган толтовоқдаги сувни ютоқиб симирдики, умри бино бўлиб бу қадар хузур қилмаган эди.

У қуроли сарбозлар ихотасида ланг очиқ дарвозадан чиққан чоғда, бўсагадан сал нарироқда, баланд гиштин девор тагида, муштдай бўлиб Назокатбону ўлтирар эди. Чаккалари кўкарган, уст-боши қон, кўзлари боғли ўғли-

ни кўргач, нолиш билан отилиб турди ва қулочини ёзганча пилдирай кетди. Аммо беш-ўн қадам босиб-босмай йиқилди. Кимдир шўрликни деворга суяб қўйди.

Кажфеъл чарх яна не савдоларга дучор этишини ўйлаб бораётган Муҳаммад Аваз хаста овозни таниди ва беихтиёр йўл ўртасида ҳайкал бўлиб қолди.

— Онажон!..

Қайси бир сарбоз елкасига найза тираб, тўхташ мумкин эмаслигини, эрталабдан бери ҳукмдор кутиб турганини, шу боис шошилиш лозимлигини таъкидлади. Аммо у ҳар қанча жадал юришга уринса ҳам қадами унмас, бетоб одам каби ҳолсиз гандираклар, йиқилмаслик учун тиришар, изидан волидаси судралиб келаётганига имони комил эди.

Ҳашаматли хобгоҳ, одатдагидек, теран сукутда, ўймакорий эшиклар олдида қоровуллар зинграйиб туришар, гилам тўшалган йўлаклар бўйлаб мулозимлар, мирзалар ва канизақлар недир хавотир билан шовурсиз одимлашар эди.

Балаңд тахтда қўнишиб ўтирган Ялангтўш ҳам, тахт икки тарафида лавозимига қараб тизилган аъёнлару боёнлар ҳам ёқавайрон, кўйлакчан, афту башараси дабдала мубошир меъморни зўрға танишди

— Мавлоно, — деди Баҳодир, — сиздек зотни бунингдек аҳволда кўрганимдин афсусдамен.

— Аҳволим афсус чекиш учун арзимас.

— Гумроҳлар сизни зиндон қилганларини кеч эшитибмен.

— Абадиян эшитмаган чоғингизда ҳам не дер эдим?

— Ҳазратим мурувват айладилар, — деди Бобоҳўжа Муслим, бетига заҳархандали кулги югуриб. — Асли, волоҳи аълам, мурувват қайда, жазои олийга лойиқ эрдингиз.

— Вазир жаноблари, камина бўйнига маломат юкламақдин ҳамон чарчамабсиз! — деди Муҳаммад Аваз ҳам кесатиб. — Зеро, мудом шу хил юмуш билан машгулсиз, бошқа юмуш илкингиздин келмас!

— Мавлоно, имоми замон билан муомалада иззату икром сақланг, — деди Ялангтўш мурсо оҳангида.

— Давлатпаноҳ, бу кимса имоми замон бўлиши учун етти қовун пишиғи бордир.

— Бетавфиқ, — афтини ўтирди бош вазир. — Бул шаккок бандага фақат зиндон муносибдир. Фақат ўша жойдин товуши чиқмас.

— Кимга нима муносиблиги ёлғиз Худога аён, — бўш келмади Муҳаммад Аваз. — Филҳақиқат, камина ўзимни сиз каби тутгандин кўра, зиндонда чиримакни афзал билурмен.

Кутилмаган пичинг нуқул йўгон бўйнини чўзиб ҳужумга ўтаётган Бобоҳўжа Муслимни эрмас, мунозарага жимгина қулоқ тутаётган бошқа амалдорларни ҳам қаттиқ мулзам қилди, ҳатто Ялангтўш нафсониятини ҳам сирқиратиб юборди.

— Ҳадеб газаб сочмай, қилмишингиздин ҳам ҳисоб беринг.

— Иншооллоҳ, каминани зиндон жазосига тортганлар ҳали уёлурлар

— Оббо, мавлоно, тожу тахт илинжида имондин қайтган густоҳлар тўдасини сарой сари қайраб келганингиздин тонасизми? Айтинг, исёндин тонасизми?

— Ҳазратим, исёнга югурик тилингиз сабабкор бўлгани ҳолда, каминани айблайсиз.

Энди Ялангтўш, бетига қон тепчиб, тахтида муқим ўтиролмай қолди, қовоғидан қор ёғдираётган Бобоҳўжа Муслим билан зимдан кўз уриштирди-да, даргазаб қиёфада бош чайқади.

— Тангрига қасамки, тутқунлар гуноҳини сўраб олишдин бошқа тилагимиз йўқ эрди.

— Мавлоно, янглишмасам мунофиқлик қиласиз, — деди ниҳоят ҳукмдор. — Агар орада Бобо Миршароф арвоҳи бўлмаса эрди, ҳозироқ бошингизни жаллод кундасига қўйдирардим.

Муҳаммад Аваз гезарган кўйи ҳукмдорга разм солди.

«Буларида арслон кўзлари!..»

— Қиблагоҳ, зиндон ҳам, жаллод кундаси ҳам камина парвойига келмас. Камина бир кўргилик, бинобарин, бошланган юмуш чала қолмоғи ва улус тавқи лаънатига дучор бўлмоқдин кўрқамен.

— Шундоғми, мавлоно?

— Шундоғ! — деди Муҳаммад Аваз хотиржамлик билан. — Қурилиш битсин. Кейин дорга торттирсангиз ҳам розимен!

— Рости, иту мушук бўлишдек нодонлиқдин камина ҳам тўйдим, — деди Ялангтўш ўйчан алфозда. — Хусумат, орани бузгани, хайрли ишни ортга сургани устига, дилимни йўқ ердаги губорлар билан тўлдирмиш!

— Фақир ўзимдин ўтганини ўзим билурмен.

— Бас, сулҳ тузамиз, мавлоно. Камина саройда тартиб ўрнатайин, сиз мадраса қурилишини изга солинг. Аҳил бўлишга нима етсин!..

— Олампаноҳ, ҳар не амрингизни беминнат адо этурмен, — хиёл эгилди Муҳаммад Аваз. — Малол бўлмаса, фақирнинг ҳам бир ўтинчи бордир.

— Аҳли тутқун гуноҳидин кечишимни сўрайсизда. Тўғрими, мавлоно? — Ялангтўш иккиланган кўйи гилам бўйлаб тез-тез кезинди. — Жуда соз. Фақат алар учун кафил ўтасиз. Ана шунда ҳатто Давоий офтоб жамолидин баҳраманд бўладир.

— Минг афсуски, ул зот учун энди офтоб жамолидин наф йўқдир, — деди Муҳаммад Аваз, кўкси ўпирилгудек бўлиб. — Азиз жонлари аллақачон танлари ила ҳибсхонани тарк айлаб, Арши аъло сари парвоз қилмиш!

Хобгоҳни яна юракларни увиштирувчи теран сукунат қамради. Ёлғондакам ачиниш ифодалари чулган бетларга нописандлик билан фотиҳа тортилди. Фақат нечукким Ялангтўш астойдил афсус билан дуога қўл очди. Айни пайтда, у, шубҳали кишилар зиндонбанд қилингандан кейин, енгил нафас олиши нари турсин, қайта ҳаловати баттар бузилгани, кечалари

мижжа қоқмай ажриққа ағанаб чиқишни одат қилганини ҳам хаёлидан ўтказди.

Ажабо, бир вақтлар беҳисоб лашкар билан не-не ўлкаларни забт этиб, не-не қайсар тождорларни тиз чўқдириб, энди қиличим дамани ҳеч ким қайиролмас, деган ўйга борганда нималарга бунча ишонган экан?

— Қиблагох, менимча ҳибсдаги нобакорларни бўшатишга шошилмаслик керак, негаки алар яна фитна кўзгашлари мумкин. Иморатда чала қолган юмушларни мубошир меъмор бошқалар билан бирга бемалол удалай олур.

Бобоҳўжа Муслим овозида ниҳон ғайирликни илқис пайқаган Ялангтўш дилида бир ранж уйғонди. Ажабо, қачондан бери бу бандани қанотида авайлаб келади, оғир-енгилига ярашидан мудом умидвор, аммо, у, Тангри ғазабига учрагур, нуқул улус билан орасини бузишдек бедодлик билан машғул!..

— Хўш, аъло ҳазрат, — давом этди Бобоҳўжа Муслим, — камина муддаоси сизга маъқулми ёким бул хусусда беморлиғ тўшагида қўним топган Хожа Ҳошим ҳазратлари билан ҳам кенгашасизми?

— Вазир жаноблари, бир мадрасани ўн беш йилдин зиёдроқ вақтдан бери битказолмай фуқаро қошида уётлиман, — чуқур тин олди Баҳодир. — Энди, бас, ҳар нима бўлганда ҳам ишни жадаллатиб, тезроқ савоби азимга етишмоқ лозим.

Муҳаммад Аваз кўнглига нур тушгандек бўлди.

— Зудлик билан зиндонбонга хабар берилсун, ҳибсдагилар бугундин қолдирилмай озод этилулар. Иккиламчи, девонбеги эшитсунки, зиндонда кечган муддат учун аларга икки ҳисса ҳақ тўланур. Келгусида маош фақат тилла ҳисобида бўлур!

Авзойи ўзгарган Бобоҳўжа Муслим нафас ютганча букилиб таъзим қилди, фармони олий ижросини таъминлаш учун нақшинкор эшиқдан жадал чиқаркан, нечукким ҳукмдор энгил нафас олди.

Ялангтўш Самарқандни домига тортиб турган исён сабаблари ҳақида узоқ куйиниб сўзлагач, аркони дав-

латга ижозат берди. Аммо тинкаи мадори қуриган ва онаизори дийдорига ошиқаётган Муҳаммад Аваз-ни тутиб қолди. Ҳар ҳолда йигитни орада кўндаланг тушган нохушликни унутишга даъват этиш ниятида эди. Аммо негадир кўнглидагини айтолмай, қачондир бир ота-онадан туғилгандай апоқ-чапоқ бўлишганини, энди кўнгиллари ойнаси дарз еганини, ямаган билан унда барибир из қолишини ўйларкан, афсус чекди.

— Мавлоно, кўп қайгурманг, — деди ниҳоят, хаёли бутунлай бошқа томонга оғиб, — бандаси шу экан: қадамида гоҳ тикан, гоҳ гул унадир!..

Муҳаммад Аваз жавоб қилмай, аниқроғи, тилига бирон калом келмай, минг истиҳола, минг шубҳа оғушида, хобгоҳдан узилди...

\* \* \*

Аркнинг ҳашаматли дарвозаси рўпарасида, кўча ёқасида кўзлари нигорон турган онаизорини кўрган ҳамоно Муҳаммад Аваз гўё қанот боғлаб учди. Бутун вужуди зиндон асорати исканжасида бўлса-да, ногаҳон қони гупириб, недир кучдан руҳланиб, олға талпинди. Сочлари оқи кўпайган, пешонаси ажинлари қалинлашиб, чўпу устихонга айланган волидасини оҳиста кучаркан, кажрафтор чархни ҳам, ажалдан дарак берган уқубатларни ҳам унутди.

— Қўлим ўша Худодин қайтган бағритошлар ёқасида, бўталогим, — деди Назокатбону, ўгли кўксига бош қўйганча пиқирлаб. — У дунё-бу дунё ўшаларни қаргаймен.

— Қўйинг, койинманг, фойдасиз.

Она-бола гоҳ ҳасратлашиб, гоҳ афтодаҳол сукут сақлаб, охирлаб қолган ёз жазирамаси димиқтирган муҳандис-меъморлар маҳалласига қадам босишганда, вақт пешиндан ўтган эди

Терисига сифмай кетган Назокатбону дарвоза биқинидаги дарчани ўзи шошиб-энтикиб очди, «Кира қол, болагинам», дея каловланиб турган ўгли елкасига аста қоқиб қўйди. Юраги дов бермади чоғи, у зиндонда бошидан кечирган савдоларни суриштирмади, аниқроғи, аввалги келбатидан асар ҳам қолмаган суянчигига илк бор нигоҳи тушган дамдаёқ барисини англаган ва тасаввур қилган эди.

Чиндан ҳам йигит ҳоли айтгулик-сўрагулик эмас: эт ташлаган, ранг-рўйи синиқиб, кўзлари киртайган, ҳаммасидан ёмони, қилич жароҳати йиринглай бошлаган эди. Фақат тубсиз қароқлари тубида ўрнашган қатъият учқуни ҳамон бир маромда чақнаб турар, зеро уни тажовузкор зулмат ўчиришга ожизлик қилган эди.

Муҳаммад Аваз атиги бир пиёла қайноқ сув ичди, шу баҳона хиёл терлаб, хиёл роҳатланди, аммо тева-ракка қарагани чоғи келмай, юмшоқ-қалин кўрпачада чўзилиб ётди. Онаси қозон остига ўт қалаб, қўй гўштидан шўрва қайнатиш тараддудини бошлаганда киприк-лари илинди. Намозшомга қадар тош қотиб ухлади, бир оз тиниқиб уйғонгач, тепасида мук тушиб ўтирган меҳрибонини кўрди.

— Болам, уйқунгда кўп безовта бўлдинг, — деди кампир ташвишли оҳангда, авайлабгина пешонасига кафтини босиб. — Иситманг бордир. Тура қол, овқат совиди, иситиб келай, икки қошиққина ичгил.

Очлик жонига чанг солиб турган бўлса ҳам зира-мурчли аччиққина шўрвадан тузукли тотинмади, атрофида гирди-капалак бўлаётган, ҳануз ич-ичини недир армон куйдираётган онаизор илтижолари бекор кетди.

Шаҳристон қоронғилик қўйнига кириб, чор-атрофга осойишталик чўккач, яна алланечук оромбахш куч киприкларини забт этди. Қайси бир паллада ногоҳ шуури ёришиб, ўзини нимаси биландир дилига яқин бўлиб қолган ганчсувоқ ҳужрада кўрди. Бутун борли-

гини ажаб иштиёқ қамраганди. Хонтахта узра эгилиб, эндигина самарқанди қоғозни ёзганда, ўймакорий эшик қия очилиб бир малак мўралади.

— Кўп таажжуб, хилватда ёлғиз не юмуш билан машғулсиз, мавлоно?

— Катаklar сарҳадини излармен, маликам.

— Катаklar сарҳадини не қилурсиз?

— Аларга оху кўзларини чизурмен.

— Арслон кўзларини-чи?

Тавба, нима бўлди, нафаси қийилдими, тили музладими ёки гангиб қолдими, Моҳбону қувлик билан берган кейинги саволга жавоб қайтаролмади. Бу ҳоли гўё маликани ҳайратга солди, у бир нозли қараш қилди-да, қия очиқ эшик сари юриб, шарпадек ғойиб бўлди..

Бир пайт беадад аламу армон жамланган хўрсиниқ эшитди ва онаси бор меҳрини бергудек бўлиб эркалаётгани, бир дардини минг қилиб, тепасида ўтирганини пайқади, «Нечун бедорсиз?» — дея шивирлар экан, яна ногоҳ хаёлини Моҳбону чехраси банд қилди.

Онаизор, шошилмай ёстигини тўғрилагач, пешонасига ҳўл латта босиб, «ухлайвер» деб қўйди. Ажабки, бу сўз гўё жуда олисдан эшитилди. Яна киприклари қовушиб, шуури ва дилида осудалик ҳукмронлик қила бошлади. Аммо кўп ўтмай бари ўзгарди. Энди у хужрада юмуш билан машғул эмас, бир аҳволда тезоқар дарё соҳилида тентираб юрарди. Нарн томондан бир даста чинни гул кўтариб олган, сочлари шамолда тўзгиган Моҳбону ошиқиб келаётганини кўриб, энтикиб кетибди. Аммо малика ўша заҳоти йўқолиб қолибди, ўзи эса, салқин ва сўлим қирғоқдан узоқлашиб, сароб босган тап-тақир саҳро сари югуриб бораётган эмиш. Лаблари чатнаб, бағри ёнармиш-да, нуқул сув сўрармиш!..

— Болагинам, мана сув,— деди шошиб Назокатбону.



Аъзои баданидан қайноқ тер қуйилаётган Муҳаммад Аваз ногоҳ сергак тортиб атрофига аланглади. Айвон тоқчасидаги шамдонда милтираб ёнаётган шамдан нигоҳ узмай, онаси тутган косани нари итарди.

Йигит яна бир кечани алаҳсираш билан қийноқ оғушида кечирди, ниҳоят, бу эрта анча тетик алфозда жойини тарк этди. Севиниб қолган Назокатбону дарҳол йўлга отланиб, Сиёб бозоридан танингга дармон бўладиган гиёҳлар харид қилиб келаман, дер экан, у хижолатини яширолмай қовоқ солди. Аммо онаизор алақачон кўча бўйлаб шошилиб борар, шафқатини дариг тутмаган Тангри таолога шукроналар айтар эди.

Муҳаммад Аваз ёлғиз ўзи учун ҳар сонияда минг ўлиб, минг тириладиган чароғбонидан тоабад қарздор эканини ўйлаб хомуш турганда дарчадан ийманибгина бир жувон кирди. Бетидан чачвонини бемалол кўтариб ташлаган Ҳабибани орзиқиш билан қаршилади.

— Маликам оламча дуойи салом йўлади.

— Ташаккур. Ул муҳтарама сиҳати созми?

— Шукр. Фақат сиздан ташвишда. Саройда турфа гийбат тарқалган. Борини билиш учун келибман.

— Фақир Тангри раҳму шафқатидин баҳраманд бўлдим.

— Бир айтганингиз бор эркан-да..

— Зиндон азоби қашқирга ҳам равомас.

— Ишонамен, — деди Ҳабиба хўрсиниб. — Маликам зинҳор сизга етказмасликни ўтинган бир муждани сўзламай иложим йўқдир.

— Бажонидил эшитамен.

— Тезроқ ўртага тушинг деб неча бора волидасига ёлвормиш.

— Кўп азият чекибдир-ку.

— Хуршидаойим ҳар гал рад жавоби олиб қайтди.

— Бошқача бўлур эрдими?

— Бир кун хилватини топиб яна онаси оёғига йиқилганини кўрдим, агар отам ул бегуноҳ бандани банддин бўшатмаса, ушбу қутичадаги нарсани ютаман,

рози бўлинглар, дегани қулоғимга чалинди. Ҳушдин айрилиб қолаёзибман. Қарасам, катта малика ҳам ҳолсиз, қизини тинчитиш ҳаракатида...

Канизак ҳикояси Муҳаммад Аваз кўнглида ажаб кечинмалар уйғотди, сираси, малика журъатига қойил қолди, аммо салдан кейин нечундир маъсланиб, истехзоли кулди.

— Бошига бахт қуши қўнган эмиш-ку!

— Инонманг, — деди Ҳабиба, ҳарир ридо остидан киприк ўқларини отиб. — Бир ойча бурун Имомқулихон бош вазиридин совчи келганидин воқифмен. Малика феълдан чўчиган ҳукмдор алар жавобига шошилмаган.

— Камина маликага олқиш ва салом йўллаймен!..

Ҳабиба одоб билан қуллуқ қилгандан кейин шошилмай паранжисини ёпинди ва илгари юрди. Остонага етганда негадир беихтиёр ўгирилди, чамаси, қачондан бери изҳор этолмай келаётган қандайдир дардини айтмоқчи бўлди, аммо саросималанган кўйи индамай дарчадан чиқди...

\* \* \*

Орадан кўп ўтмай қуёш нурига ғарқ айвон пешида Мулла Абдужаббор кўринди. Чўккан кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш айланган устод, қўлида тол асо, эгнида оҳори тўкилмаган оқ яктак, маъюс келиб шогирдига бағрини берди Анчагача нафас чиқармай тургач, бафуржа сихати ва аҳволини сўраб-суриштирди. Дийдаси юмшаган йигит, астойдил қуллуқ қилар экан, унинг қадди-басти янада чўккани, соч-соқоли оқи тагин ҳам қаюқлашганини пайқади.

— Пири комил, соғ-омон бормисиз?

Устод Оллоҳ таоло муруввати боис тупроқдан ташқарида юрганини вазминлик билан изоҳдай бошлаганда ҳовлини уста Воқиф Ҳиротий, уста Пўлат, уста Самандар, уста Фармон Кеший, Аҳмад Валихон, Аб-

дуллоҳ Завқий, Воҳидбек ва ҳали мустақиллик пояси-дан кўтарилиб улгурмаган сабза мўйловли йигитлар тўлдиришди.

Назокатбону елиб-югуриб супада жой ҳозирлади.

Азиз меҳмонлар қўшқават кўрпачаларда иззат-икром билан бемалол чўкканларидан кейин Муҳаммад Авазни ҳар хил саволга кўмиб ташлашди. Зеро уларни Абдулмалик Давоий ҳазратлари тақдири кўпроқ қизиқтирар эди. Шогирдлар ёнида тиз чўккан Муҳаммад Аваз ҳакиму ҳозиқ зиндонда қийналиб жон берганини айтиб хўрсинаркан, давра аҳли қиёфасини беадад афсусу надомат қоплади.

— Ўғлим, илож қанча, тақдирга тан берурмиз, — зил-замбил жимликни бузишга журъат этди Мулла Абдужаббор. — Яратган эгам хусусан сизга сабру қаноат ато қилсин. Белингизни ғайрат камари билан маҳкам боғлангки, бу кунда жамики устаю устазода сизга умид кўзини тиккан.

— Қуллуқ, пийри комил, ишончингизни оқлай олсам ёруғ дунёдин беармон кетурмен, — деб кафтини кўксига босди Муҳаммад Аваз. — Сизга ёлғону фақирга чин: зиндонда ҳам неча марта туш кўрдим чала иморатни!

— Ҳануз бош пештоқ яланғочдир, ҳар гал кўзим тушса, бир олам афсус чекамен.

— Устод, хотиржам бўлгайсиз, тезда бари оби-тобига келур.

— Биламен, сиз бошқа тарҳ тузгансиз. Локин ани амалиётга кўчирмак нақадар мушкул эканлигини ҳам ҳеч ўйладингизми?

Чиндан ҳам кейинги тарҳ беҳад мураккаб, мазмуни ва моҳиятини ҳар ким ҳам идрок этолмасди, демак, уни зарблаш ақл бовар қилмайдиган даражада азоб!

Лекин асосий гап бунда эмас, энг чатоғи, устод аввалроқ таъкидлаганидек, эрта, бирон жойи ёқмаса, Ялангтўш қаҳру газабига учраши мумкин. Шу боис

саройга бориб, бир назаридан ўтказиб олса олам гулистон, аммо розилик беришига икки дунёда ҳам ишонмас эди.

Қисқаси, барисини ўзи устоддан кўра яхшироқ тушуниб турарди, шунга қарамай, бошига минг қулфат келса ҳам, аҳду қароридан қайтмоқчи эмас. Умри бино бўлиб, бир марта таваккал қилса қилибди-да, осмон узилиб тушмаса керак.

— Устод, сизу биз адо этган юмушдин қайси бири осон кўчган? — хаёлдан бўшаб Мулла Абдужабборга мурожаат қилди Муҳаммад Аваз. — Ҳеч бири! Тўғри-ми? Шундай экан, чўчимоқ бефойда!

— Тўғри айтасиз, ўғлим. Сизга Худодин куч-қувват ва тўзим тилармен!..

Чехраси ёришган Мулла Абдужаббор: «Сўздин қайтишни ор санайдир!» — деб қўйди ичида... Ва шундай ақли расо, қобил ва зийрак шогирд насиб этганидан фахр туйиб, Тангри таолога шукрона айтди.

Ўша лаҳзада эса Муҳаммад Аваз Мулла Абдужаббор каби саховатпеша, узоқни кўра оладиган, ҳам қаттиққўл, ҳам талабчан устод этагини ушламаса саҳрода қолган ниҳолдек хазон бўлиши ва чарх сўқмоқларида ному нишонсиз кетиши мумкинлигини ўйлаб руҳи юксалар эди.

Муҳаммад Аваз яна бир марта интиҳо ўзи саъй-ҳаракати билан узвий боғлиқ эканлигини эътироф этди. Агар юрагида томир отган ўша орзуси ушалмаса, тупроқ босиб юришида бир қатра ҳам маза-матра қолмайди, гўё ҳатто чарх ҳаракатдан тўхтайтиди. Ахир, баҳона ёки иккиланиш қачон бир хайрли қору ҳолга ярабдики, энди ярасин?

Бас, бугуноқ боради Регистонга, тўғри, ҳали тузукроқ мадорга энмаган, шундай бўлса-да, меҳмонлар билан биргаллашиб жўнайди ва вақтни бой бермай ишга киришади.

Муҳаммад Аваз, онаизори ҳай-ҳайлаб тўсқинлик қилганига қарамай, жомакорини кийди-да, устод ор-

тидан кўча сари шошилди. Анчадан бери сукунат чўккан Регистонга ошиқиб келганда анча тетик эди. Илдам қадамлар билан иморат атрофидан бир айланди, ниҳоят, майдон ўртасидан пештоққа нигоҳ ташлар экан, мийиғида ҳузур қилиб кулди.

— Ҳа, бул пештоққа ўша тасвир ярашадир, — деди у ўзи билан ўзи сўзлашгандай. — Одмиёна ислимий безаклардин ўша афзал эрур!

Сал нарироқда алланарсани чама қилаётган, эҳтимол, эрта Ялангтўш газаби муқаррар эканлигини яна бир бор дилидан кечираётган Мулла Абдужаббор кўп маъқул маъносида бош ирғаб қўйди...

\* \* \*

Муҳаммад Аваз бир ҳафтача кечаю кундуз ором билмай тер тўккандан кейин ахийри тарҳ тайёр бўлди. Бундан энг аввал Мулла Абдужаббор хабар топди ва ўша куниеқ амал ташвиши бошланди. Воҳидбек воситасида, хазинадан кераклича маблағ ундирилгач, алоҳида буюртмага биноан, Афросиёбдаги маълуму машҳур хумдонларда, отлар ва хачирлар туёқлари остида сақичдек обдон пишитилган лойдан, турфа рангли, турфа ҳажмли сиркорий кошинлар пиширилди. Сўнг, кошинбуруш теришдек мураккаб ва нозик юмушга, Мулла Абдужаббордан ташқари, яна бир қанча донғи кетган қўли гул уста жалб этилди.

— Устод, — деди у бир куни, — ижозатингиз билан борини пинҳон бажарамиз.

— Хўш, нимани назарда тутурсиз, мавлоно?

— Пештоқни мато билан ёпсак!..

Сир тагига етган Мулла Абдужаббор ҳузур қилиб мийиғида кулди.

Дастлабки кунданоқ кошинбуруш оппоқ бўз панасида зарбланадиган бўлди. Агар бир кунда тахминан беш ёки ўн қарич жой сайқалдан чиқса, мато ўша масофа бўйлаб сездирилмай суриб қўйилар эди. Ва бего-

на кўзлар пештоққа қандай безак берилаётганини билмасди. Бу ҳодиса тез орада бутун шаҳарга ёйилди ва улус ўртасида ҳар хил шов-шув кўзгади.

Муҳаммад Аваз ҳал қилувчи фурсат келганини, агар сал ношудлик ўтса уволу савоб бир пул бўлишини билгани учун тамом ҳаловатини йўқотди. Ҳар дақиқада ё Мулла Абдуҷаббор, ё уста Фармон Кеший, ё уста Пўлат билан кенгашар эди, ҳар бир кошин ўз ўрнига тушиши, ҳар бир чизиқ ёки шакл аниқ бўлиши учун жон койитар, кимки адашса, танбеҳ берар, ҳатто ишдан четлатишдек оғир жазо қўллар эди.

Одатдагидек бир эрта тирикчилик ташвишига шўнгиган жонсарак фуқаро мадраса пештоқида, у қиррасидан бу қирраси ва пастидан тепасига қадар, узунэнли мато лопиллаб турганини кўрди ва лолу ҳайрон ёқа ушлади.

Кўпдан бери биринчи маротаба мириқиб ухлаган ва ўша кун атай кеч уйғонган Муҳаммад Аваз илк суюнчини волидаи муҳтарамасидан ундирди, сўнг арк томон ошиқар экан, хаёлида гоҳ Ялангтўш, гоҳ Моҳбону жонланар, ёруғ дунёдаги жамики шодлигу хурамликка етишган каби масрур эди.

Мана, омади кулиб боққани шудирки, муҳташам хобгоҳда кечаётган олий даражали мажлисда охиरोқибат машаққатлар поёнига етгани ҳамда илму фунун уйи битганини ёруғ юз билан эълон қилиб турибди. Қутлуғ даргоҳ Самарқанд тожу тахти эгаси, қолаверса, бутун аркони давлат, хосу авом пойқадамига мунтазир эканлигини айтаркан, янада чексиз фахр туйди ва ногоҳ ўзини Ялангтўш қучоғида кўрди. Боши кўкларга етган ҳукмдор эгнига зарбоф тўн ёпишларини буюрди.

— Мавлоно, сарупо муборак бўлсин, — деди Баҳодир жилмайиб, парвоначи вазифасини зўр ҳафсала билан адо этгандан кейин. — Буни қаранг, мадраса айни вақтида ниҳоя топибдир. Яъни, кўп йиллик хизматим учун Имомқулихон ҳазратлари Панжакент ви-

лояти билан Сирнинг чап қирғоғидаги кентларни камина тасарруфига ўтказибдир. Шу муносабат билан ўша вилоятлар элчилари гувоҳлигида камина номига янги мадрасада хутба ўқитурмиз!..

Муҳаммад Аваз таъзим билан беҳад мамнун эканлигини билдирди. Ҳамон қиёфаси нурланиб турган Ялангтўш, маслаҳат сўраган бўлиб, аркони давлатга юзланди, барча аҳду қарорини бир овоздан маъқуллагач, мадраса зиёрати ва хутбаи муборак жума куни пешин намозидан кейинга белгиланди. Шу куни каллаи саҳарда тўрт тараф отлиқ чопарлар учиб, хушхабарни бутун вилоятга маълум қилиши лозим эди.

Муҳаммад Аваз саройдан узилар экан, Моҳбонуни шу қадар кўргиси келдики, бирдан ўзига сизмай қолди. Ахир, орзуси ушалганини, ушбу якун иккаласига бирдек тегишли эканини энг аввало унга етказиши лозим эмасмиди?! Эрта шодиёнага келмай қолиши мумкинлигини ўйлаб, қўрқиб кетди-да, бир йўл билан Ҳабибани огоҳлантириб қўйишни чамалади.

Жумагача ўртада атиги уч кун бор эди, шу қисқа вақтни ўтказгунча бўлари бўлаёзди, ҳар сония имиллаб ўтгани сайин диққати ошар эди. Навбатдаги тун айниқса узун туюлди, тузукли мижжа қоқмагани устига, уфқ оқармай турди, бомдодни адо қилгач, михдан оҳори тўкилмаган оқ яктагини олиб кийди.

— Бугун пешинда Регистонга қадам ранжида қилинг,— деди ҳалидан бери ўзини безовта кузатаётган онасига. — Жамоа йигини бўлур. Ҳукмдор мадрасани кўргани келадир.

— Гўдаксен, болам. Иморатни битирганинг учун терингга сизмай қувонасенми ёки ҳукмдор иморатни кўрмакни ихтиёр этганигами?

Волидаси хафагазақлиги боисини яхши билган Муҳаммад Аваз индамай қўя қолди. На чора, Ялангтўш устида сўз борса, ҳар гал у волидаси кўзига тик боқолмас, кўпинча писандаларига дош беролмай, жуфтак ростлар эди. Бироқ онаизори нигоҳидан яшири-

ниш йўлини қилса-да, аввало, ўзидан, қолаверса, кўпдан бери кўксиди газаклаб ётган яра санчиғидан қочиб қутилиши душвор эканини қадам-бақадам тушунди. Гоҳо башқа нарса ортиқча нашға қилади, ахир, ёшлик фаслининг энг беғубор ва бетакрор онларини Ялангтўш хоҳиш-иродаси тимсоли саналган иморатга ўғирлатганидан қандай кўз юмсин? Бундан бир амаллаб ўзи тонсин, борингки, ёру биродарлари ҳам тонсин, аммо ҳақиқат отлиғ ҳукми қаттол фаришта-чи?!

Муҳаммад Аваз аллақачон майдонни тўлғазган ҳангоматалаб оломон оқимини ёриб илгарилар экан, ногоҳ гўё шовқин-сурон тиниб, қулоқлари остида онаси товуши янгради: «Эй, соддаи нотавон, чеккан захматинг учун Тангри раҳматидин бошқа нарса кутма!» Ҳайҳотки, кеча оқшом, дастурхон устида кечган суҳбат чоғида айтилган ушбу хитоб иззат-нафсини қанчалар оғритган бўлса, ҳозир ҳам шунчалар сирқиратиб юборди, истехзо билан паришонҳол кулди-да: «Ҳей, меҳрибоним, бандасига Яратган эгам раҳматидин ўзгаси на ҳожат!» — деб қўйди ичида...

Муҳаммад Аваз қадим замонлардан бери шуҳратини йўқотмай келаётган, мўйсафид ёшида ҳам қирчиллама йигитни эслатадиган Регистон қиёфасида илгари кўрилмаган ажаб бир ўзгариш, бинобарин, таърифга сизмас улуғворлик намоён бўлганини эътироф этди.

Олис уфқдан оҳиста бош кўтарган қуёш ҳозиргина тугилган чақалоқ каби покиза иморатга иссиқ лабларини босган эди. Салобатли деворлару гумбазлар, пурвиқор миноралару равоқларга бетакрор жило берган тип-тиниқ ложувард бўёқлар кўк оғушида кўк гулхан каби сокин ловулар, бутун олам уйини яшнатгудек сеҳру жодуга эга эдилар.

Не сирки, чарх ҳукми, замон зайли билан юзма-юз туриб қолган икки улуғвор кошона тақдир савдолари ва илму урфон жумбоқлари устида бемалол тортишаётган алломалар каби ўйчан ва мулоҳазакор эди.



Бошқача айтанда, улар кўпдан бери ўзаро майдон талаб қилган, ахийри, енг шимариб, тўшларини очиб, куч синашиш учун ҳужумга шайланаётган, кифти ер искамаган паҳлавонларни ҳам эслатар эди.

Муҳаммад Аваз муаззам пештоқни ёпган бўз парда эл қизиқишини бир неча баробар кучайтириб юборганини сезди, ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмаган ғаройиб тадбир мақсадини тўласинча рўёбга чиқарганини ўйлаб мамнун жилмайди. Ногоҳ хаёлидан: «Ажабо, маросимга Моҳбону келармикин?» — деган ўй кечди-ю, хиёл хомуш тортди. Сўнг Шайбонийлар даҳмаси тарафда Мулла Абдужабборни кўриб, ошиғич пешвоз юрди. Ҳассасини кимгадир тутқазган устод шогирдини худди ўғлини соғинган отадек меҳр билан бағрига босди.

— Хайрли кунга етқарганига шукр. Шундай иморатга жон ато қилган сиз каби фарзандим билан фахрланамен!..

Муҳаммад Аваз устод ҳурмати учун иккинчи бор таъзим қилганда, арк дарвозасидан чиққан отлиқ жарчилар Регистон сари ўқдек учиб кела бошладилар. Еру кўкни, туёқлар дупури билан бирга, ҳайқириқ тугтиб кетди:

— Ҳо-о-ҳее-еей, мусулмонлар! Улуғ саркарда, қиблагоҳимиз Ялангтўшбий Баҳодир ўзлари ҳотамтойлик кўргузиб қурдирган мадраса пойини табаррук айламак муддаосида ташриф буюрмақдалар! Жамоа йигинида олий насабли зотлар тарафидин алар номига хутбаи муборак ўқилур! Ҳо-о-ҳе-ее-ей, эшитмадим дема, халойиқ!..

\* \* \*

Сал кам ўн олти йил мобайнидан тикланган муаззам мадрасани кўриш ва зиёрат қилиш учун бунча кўп одам ҳозир бўлишини Муҳаммад Аваз ҳам, Мул-

ла Абдужаббор ҳам, бошқа усталар ҳам кутишмаган эди.

Кўплаб салафлари қатори етти иқлимни титратган Имомқулихон бош вазири Шайх Қиёмхон Бухорий, девон ҳисобчиси мирза Акбархон, мадраса мударриси қози Сайфулла ибни Қосимбек Бухорий неча кундан бери Самарқандда меҳмон бўлиб туришар ва бу оқшом аркнинг алоҳида бўлмаларидан бирида берилган катта зиёфатда тонггача майхўрлик, кабобхўрлик қилиб бўқишларига сал қолган эди.

Мана энди улар улкан йиғинга файзу тароват бағишлаб, кимсан Имомқулихон каби дасти узун зот қошида Ялангтўш обрў-эътибори беқиёс баланд эканлигини намоёйиш этишмоқда.

Бундан ташқари, Самарқанд элу элати билан бирга, Насаф, Кеш, Панжакент, Ургут шаҳарлари, Сир бўйи кентлари ва овулларида келган нуфузли элчилару меҳмонлар алақачон жой-жойларини эгаллаб, ўзларини кўз-кўз қилишу ҳар замонда бир-бирларига ҳазил-мутойиба ташлаб қўйиш билан машғул эдилар.

Арк тарафдан Ялангтўш ва аъёнлару боёнлар минган бахмалу кимхоб ёпқили отлар, сўнгра маликалар ва канизаклар тушган зар қўнғироқчалар тақилган соябонли аравалар кўринган заҳоти карнай-сурнай ва ногоралар садоси осмону фалакка ўрлади.

Қимматбаҳо либосларга ўралган сарой хос кишилари мўру малахдек ёпирилиб келган кулоллару заргарлар, чиннипазлару мисгарлар, косиблару деҳқонларни бепарво кузатишар ва тавба айтишар эди. Сираси, Мирзо Улуғбек мадрасаси рўпарасида салобат билан қад ростлаган иморатга истар-истамас қараб қўйишар, кўпчилик интизор кутаётган нарсанинг улар учун сариқ чақачалик аҳамияти йўқдек эди.

Қачонки, Ялангтўш гижинглаётган оқ бедови тизгинини мулозимга топшириб, ўзи мухораба кўрган чина-

кам саркардаларга хос қадамлар билан олдинга ўтгандан кейин, улар барабар гивирлаб қолишди. Баҳодир илгари бу ерга ҳафта-ойда бир келиб, бино нақшлари ва бўёқларини қайта-қайта назардан кечирганига қарамай, барисини қайтадан кўриш учун ошиқди.

— Зап нафис зарбланган-а, шундайми? — деди ниҳоят аркони давлат фикрини билишга қизиқиб.

— Ҳазратимиз башорат айладилар! — деди улар жўровоз бўлишиб.

Ялангтўш ҳайратини яширолмас, мамнунлик билан бош тебратар, кўнглини нурлантирган завқу шавқни бошқалар билан бўлишгиси келар эди. Аммо суврати ва сийратида рўй берган ажабтовур ўзгариш Бобоҳўжа Муслим жанобларини юмшатмади. Бесўнақай кўлларини бир алфозда икки ёнига осилтирган бош вазир, мақсад-муддаоси нотайин издиҳомга дуч келган каби, бир ёнда таёқдек жонсиз ва лисонсиз турар эди.

Ялангтўш бино ичкари ҳовлисини бир неча бор эринмай айланди, ташқари манзарасини ҳам қайтадан томоша қилишни мўлжаллаб турганда, симобий сала ўраб, зарбоф тўни остидан зар тўғали камар боғлаган барваста киши — Бадриддин девонбеги аста юқорига ишора берди. Бирдан пештоқни яширган оппоқ бўз матони кўрди-ю, ҳангу манг бўлганча теварагига аланглади.

— Мавлоно, бу не сиру савдо? — илдам ёнига келган Муҳаммад Аваздан сўради Ялангтўш. — Англагтайсиз!

— Ҳозир, аъло ҳазрат, ҳозир!..

Муҳаммад Аваз шундай дея ошиғич нари жиларкан, ногоҳ юраги шиф этди, ахир, энг муҳим имтиҳон бошланишига атиги бир неча дақиқа қолмадими? На чора, у, тез орада ўз устидан чиқарилажак ҳукмдан мутлақо ғофил ҳолда, сўнгсиз бир ифтихор туйганча, пештоқ устида имосига маҳтал турган шогирдлари сари кўл ишораси берди. Ўша заҳоти миҳларга боғланган ипак иплар ечилди ва мато ҳавода муаллақ тебрана-тебрана сирғалиб тушди.

Майдон, гүё дашт сукунати қаърига чўқди-да, сўнг ногоҳ довул каби гувиллай кетди. Ё, Қодир эгам! Не маъно пинҳон бу хилқатда? Ҳайрат, ҳа, чексиз-чегарасиз ҳайрат ифодаланган нигоҳлар ақл бовар қилмас сирли оламни эслатадиган пештоққа миҳдек қадалмиш, ёпирай, бу не манзараки, барчани баравар ром айлабди — турли тоифа кишилар билан бирга, ҳатто ҳалигина ўзларини гарангликка солаётган аъёнлару боёнларни ҳам!

Ялангтўш ҳоли-руҳи бошқалар ҳоли-руҳидан буткул фарқ қиларди, тўғрироғи, кўнглига ҳовуч-ҳовуч чўғ тушганди, чўғ! Ахир, мана бу пештоқ шу дамгача кўрган-билган обидалари пештоқига қараганда нақадар улугвор ва нақадар мўъжизавий! Лекин энг муҳими бу эмасди, муҳими шуки, бу гаройиб манзарани илгари қайдадир кўрган эди. Во ажабо, қайда? Йўғон панжаларини лабларига тегизиб, хаёл сулар экан, бошига гүё гурзи тушди-ю, бутун борлиғига даҳшатли оғриқ ёйилиб, ногаҳон: «Моҳбону! Моҳбону!» — дея унсиз шивирлаганини билмай қолди.

Ялангтўш хуфия ва хилват хонага ҳар хил бўлмагур миш-мишлардан кейин бостириб кирганини ниҳоят хотирлади. Рости, ўшанда кўзларига ишонмовди, қолаверса, бир ёқдан малика салоҳияти кўнглини ёриштирган бўлса, бошқа тарафдан газабини қўзгаган эди. Бир муддат ўртада саросар тургач, гуноҳқорона жовдираётган қизига ўшқиргани ҳозиргидай эсида. Шайтон йўлдан оздирмиш, Худо қарғишига учрайсан, деб кўрқитганини ҳам унутган эмас. Охири бирдан ҳовлиқиб, қинидан ханжарини суғургани, одам қиёфали кўёшларга бирма-бир санчгани, оҳулар билан шерларни бурдалаб ташлагани... Эҳ, нақадар даҳшат бўлувди, даҳшат!. Ва Моҳбону қайси бир канизак елкасига бошини қўйганча, алланарсаларни ҳасрат қила-қила, ҳўнг-ҳўнг йиғлагани-чи!

Ажабо, кейин ушбу суврат шундоқ кўз ўнгида охирги бўлагигача ёнган ва кули кўкка совурилган эмасми-

ди? Ақл бовар қилмас: самандар каби ўтни писанд қилмай, қайта тирилибди ва ўзгача жозоба билан муаззам пештоққа ўрнашибди.

Пештоқ табиат теран мулоҳаза ва тадбиркорлик билан яратган хаёлий гулшанга ўхшайди. Аниқроғи, ақлу ҳушни ром этадиган ногаҳоний тўқнашув гўшасидир.

Ана, қачондир ханжар ва олов ҳалок этган одам қиёфали қуёшлар нафис ёғдулар сочиб, турфа безаклар қуршовидаги буржлардан жилмайиб боқади. Беозор жондорларга ташланаётган шерлар панжаларида жам қудрат гўё фалакка сигмайди. Кийиклар эса шерлар човутига илинмаслик тилагида, талваса ичра бог тўрига чопишади.

Халойиқ усталар шаънига олқиш ёғдирди.

Бир чеккада қисиниб олган Муҳаммад Аваз мақтовларни хаёлан устози Мулла Абдужаббор, уқубатли дамларда камарбаста бўлган ҳамкасблари ва шогирдларига бағишлаётган эди. Ва бу иш дебочаси саналган, Моҳбону қўли билан тикилган шоҳи палакни эслар, мийигида кулар, кўнгида ажаб тотли кечинмалар булоқдек жўш урар эди. Ногоҳ Ялангтўш ўзи сари зимдан тикилиб турганини пайқаб қолди, нигоҳида бир хайрихоҳлик туйиб, хиёл енгил тортди.

Чиндан ҳам энди Ялангтўш маҳобатли издиҳом олдида шишиниб турар, олқишлар нуқул ўзига аталгандек, дилдан ҳузур қилаётган эди.

— Ҳазратим, кўнгиллар ашъор тилайдир, — деди баралма овозда Бадриддин девонбеги. — Ижозат берсангиз.

Ялангтўш бош ирғагач, фақат сарой эмас, бутун Мовароуннаҳр обрўли шоирларидан саналган мавлоно Имомиддин Шерхўжа Самарқандий дадил олдинга чиқди. Барчага бирдек таъзим қилгач, қўйнидан ўроғли қоғоз олди ва бир кечани бедор ўтказиб ёзган қасидасини қироат билан ўқиди:

Ер нуқтасин осмон авжидин авфо  
Кўтариб мадраса эттирди бино.  
Еру кўк зийнатин бўлди ялови,  
Тоқиси — камолот, ақл ўлчови.  
Кўп тиришиб, илмдин боғлаб ҳам қанот,  
Ақлнинг лочини етолмас, ҳайҳот!  
Минора учига ташлаб ҳам каманд,  
Фикрнинг дорвози чиқолмас ҳарчанд.  
Тоқига муҳандис берганда орой,  
*Осмон бармоқ тишлаб гегу: «Янги ой!»*

Шубҳасиз, бир неча сония муқаддам Ялангтўш Муҳаммад Аваз пештоқни бунингдек безаш билан ўзи ва Моҳбонуни боғлаб турган риштага ишора берганини англаб етган эди. Лекин буни тан олишни истамади, мабодо тан олса, ботинан ўзини ўзи ерга уриб, гурурини поймол қилган бўлар эди. Мавлоно Имомиддин қасидаси эса қитиқ патига ёқимли тегиб, кўнгли ғуборини сал бўлса ҳам ювиб кетди. Англадики, бу ўринда муҳими мубошир меъмор кашфиёти эмас, муҳими, қисинмай-қизганмай шундай иморат қурдиргани, нафақат бугунги кун одамлари, келгуси насллар дилида ҳам яшаб қолиши!..

Ялангтўш ҳозиржавоблик билан ибратомуз ашъор айтган нозик дидли зот — мавлоно Имомиддиндан беҳад миннатдор бўлди. Ушбу муаззам иморатни тиклаш йўлида чексиз захмат чеккан усталар ва устазодалар каби, шоир ҳам таҳсинга кўмилди, алқисса, бутун майдонни ажаб шукуҳ ва шоду хуррамлик қамраб борар эди.

Фақат Бобохўжа Муслим мотамга келган каби ҳамон тунд ва маънос эди, ёшу қари билан баробар Ялангтўш туюётган мислсиз ҳузур унга татимаётган эди. Ҳатто мавлоно Имомиддин қасидаси ҳам бағрини илитмади, аксинча, ичини бадтар музлатди. Бўёқлар сеҳри билан тирикдек туюлаётган жонлуғлар сари нигоҳ ташларкан, во ажаб, улар ҳозироқ устига сакрайдигандек бир сесканиб тушди.

— Воҳиди замон, бир қошиқ қонимдан кечинг,  
— ахийри ҳукмдорга юзланди бош вазир. — Сиз шодсиз, камина эса бир ранж исканжасида қолиб-мен.

— Сўйланг! — деди Ялангтўш. — Не ранж эрур?

— Афсуским, сиз маъқуллаётган, халойиқ ҳамду саносидин титрай бошлаган ушбу обида қиёфасида икки қусур кўрамен.

— Қусур?

— Шундоғ, қиблагоҳ! Шариатда жонлуғ сувратини иншо этмак гуноҳи азимдир ва шу боис тақиқ эти-лур. Бош меъмор атай андин кўз юмган, яъни имора-тингиз пештоқи муборагини буллаган!..

— Эвоҳ! — деб юборди авзойи ўзгарган Ялангтўш, пештоқ тарҳи бошқача бўлганини хотирлаб. — Ахир, буни камина ҳам беш қўлдек биламен-ку. Ҳе, тавба, била-туриб фаромуш бўлибман-а!

— Дини ислом ақидалари топталган жойда Парвар-дигор суйган сиздек улуг зот шарафига хутбаи мубо-рак ўқилиши ножоиз саналур. Воллоҳи аълам, сизга эътиқод қўйиб, ихлос боғлаган ҳар қандай имони ба-соламат мусулмон бунга ризо эмасдир.

— Минг афсус! — Ялангтўш бўшашганча ёнма-ён турган Мулла Абдужаббор билан Муҳаммад Авазга ер остидан ўқрайди. — Бошимизда шу савдо ҳам бор экан-да?!

— На илож, Бобоҳўжа Муслим жаноблари ҳақиқат-ни баён этдилар, — орага суқилди Имомқулихон бош вазири Шайх Қиёмхон. — Тариқат ва шариат аҳли бу каби бедодликка йўл қўймагай!..

— Қулингиз тагин шуни илғадики, — давом этди Бобоҳўжа Муслим, ишончли суянчиқ топилганидан руҳланиб, — Муҳаммад Аваз жаноблари пештоқда бир киноя яширмиш!..

— Киноя? Хўш, хўш?

— Маъноси будир: ул нодону ноқобил мазлумлар-ни оҳуга, сиз каби дасти узун ҳукмдорларни шерга

менгзаган, яъниким, улус шер чангалида жон таслим қиладиган оҳу демак бўладир.

— Ё алҳазар! — Ялангтўш қорачиқларида Муҳаммад Авазга таниш ҳатто тошни ёргудек қаҳр чақмоғи ялт ёнди. — Бул чинми, меъмор жаноблари?

— Вазири аъзам донолик қилдилар, — деди Муҳаммад Аваз оҳиста эгилиб.

— Сиз дастлабки тарҳни нечун менсимадингиз?

— Халойиққа ҳақиқатни кўргизмакни ният қилдим.

— Тилингизга ҳушёр бўлинг!

— Камина тилимга ҳушёрмен.

— Мавлоно!..

— Очиғи, ҳазратим, пештоққа бундин зиёдароқ фазилат бағишламоқ гумондир. Ягона имконни бой бериш яхшимиди?

— Сиз атрофингизда аҳли бетавфиқни тўплаб, ўзбошимчалик қилмишсиз.

— Йўқ, аҳли бетавфиқни ёнига тўплаган сиздек зоти олийдир. Камина эрса ақли расолар ва тантилари даврасида юмуш адо этдим. Магар, алар ичида икки гумроҳ бўлса биримен, битта бўлсаям, ўша ўзиммен.

— Тавба! — деб ёқа ушлади Бобоҳўжа Муслим.

— Нақл эшитибменки, аъло ҳазрат, нодонлар ичра доно бўлгандан кўра, донолар ичра нодон бўлган афзалдир.

Залворли янграган сўзларни безовтаҳол тинглаб, кўкси оғир қалққан Ялангтўш чурқ этолмай қолди, аста-секин баданини совуқ тер босди-да, исфаҳоний ханжар дастасидан ажралмайдиган забардаст қўли оғир зона титраб кетди. Теварагида мавжуд жамики нарса кўзига бадбин ва хунук кўринди, агар ҳозир Аршу аълодан ваҳий келиб, пештоқ қулаб тушса, етти қават ер тагига кириб гойиб бўлса, енгил нафас олар эди. Даста юлдузга етган тақдирда ҳам бу истаги мустажоб бўлмайди. Сехри, жозибаси ва қудрати билан нигоҳларни қамаштирган Шердор алақачон бекатсиз олис сафарга отланган эди.



Ялангтўш яна қаҳрли нигоҳини, ҳеч нарса рўй бермаган каби, ўзини хотиржам тутаётган Муҳаммад Авазга қадаб, ботинан тутақди. Ахир, одам шунча ҳам қайсар бўладими? Қизига огиз солиб обрўсини тўқди, падари бузруквори арвоҳини ҳурматлаб индамади. Йўқ ердан фитна кўзгаб, худбинлик билан тахтга кўз олайтирди, тагин кечирди, илло, топилмас истеъдодини аяди. Мана энди бошига бу кўргиликни солди, иззатини бир неча баробар балаңд кўтарувчи хутбаи муборақдан бенасиб айлади. Нохушликка бухоролик мартабаси улуғ меҳмонлар, чор тарафдан келган элчилар, аслзодалару камбағал-қашшоқлар гувоҳ ўтаётгани айнқса аламли, қаники ер ёрилса-ю, қаърига тушиб кетса!..

— Меъмор жаноблари, ниятингиз аён! — бирдан пишқирди Ялангтўш. — Камина ҳам эшитганим бир нақлни айтай: букрини гўр тузатадир! Фаҳмимча, сизга дордан бошқаси кор қилмас!

— Эҳтимол, — деди пўнгиллаб Муҳаммад Аваз.

— Ясавулбоши, жаллодни чорланг!..

Энди кутилмаган наъра майдон узра даҳшатли гумбирлаб эшитилди ва бир муддат акс-садо бериб турди. Наъра тинган ҳамоно чор-атрофни шу қадар теран, шу қадар мудҳиш жимлик қамрадики, гўё еру осмонни ақл бовар қилмас беадад гирдоб ютиб юборган эди.

— Валинеъматим!..

Ҳаммани аросат жари ёқасига келтириб қўйган сукунат ногаҳон чок-чокидан сўкилди, хосу авом таажжуб билан хитоб эгасини қидирди, инон-ихтиёрини жаллод илкига топшириш учун ҳозирлана бошлаган Муҳаммад Аваз бирдан хушёр тортди, кўнгли бир хил бўлиб ўгирилди ва ҳарир ридо ичида нурланган тиниқ чехра жодусини бутун идроки қуввати билан туйди.

— Валинеъматим, — отаси рўпарасига келиб таъзим қилди Моҳбону, — бир қошиқ қонимдан кечгайсиз!

— Не гап ўзи, қизим? — деди ҳукмдор бетоқат бўлиб.

Моҳбону бир муддат сокин товланаётган муаззам пештоқдан нигоҳ узолмай қолди, сўнг орзиқиб турган Муҳаммад Авазга зимдан қараб кулимсиради. Безовта дилини ажаб сирли кечинмалар илитаётган эди.

Ахир, қачондир бир баҳонада баҳоли-қудрат шунчаки адо этган, арзимас ҳисоблаган, тагин устига, қисмат кўргилиги билан зеру забар қилинган ва ўтга улоқтирилган чизмалари бунингдек мўъжизага асос бўлажаги етти ухлаб тушига кирганмиди?

— Падари бузруквор, ўтинамен, маним каби ожизани шаккокликда айбламанг, — деди ниҳоят Моҳбону, қатъий бир йўсинда. — Айтмасам бўлмас: вазири аъзам сиздек улуг зот ва улус кўзини бўяб, донолик даъво қиладир.

— Ё Парвардигор, — деди Бобоҳўжа Муслим, қўллари кўкка чўзаркан, — бемаврид ўлимингу бемаврид тухматингдин асрагайсен!

— Қиблагоҳим, сира ақлим етмас, — Моҳбону бош вазир илтижосига аҳамият бермади. — Тариқат ва шариат Беҳзод сингари улуг аждодимиз мўйқаламини тақиқламаган экан, нечун сизнинг қўл остингизда юмуш адо қилган зотлар ҳунарини тақиқлашин?!

— Қизим, Беҳзод қисмати биз учун қоронғу, лекин, шу нарса аниқки, шариат қонунларини бузиш даҳрийлик ҳисобланур!

— Фикри ожизимча, уламолар ҳунар умр зийнати эканлигини таъкидлайдир.

Қовоғи солинган Ялангтўш ҳали тилини тиймагани учун ўзини лаънатлай бошлаган Бобоҳўжа Муслим билан кўз уриштирди.

— Қолаверса, пештоқ тасвири вазирингиз изоҳлаган каби эмас, бошқача маъно англатадир! — ниҳолдек оҳиста эгилди Моҳбону, ногоҳ овози ўзгача жа-

ранглаб. — Ёруғ дунёда оқни қаро демоқ ҳеч кимга манзур бўлмас!

— Таажжуб, сенингча маъноси не эркан?

— Пештоқда икки фалак буржи тимсоллар орқали иншо этилмиш, қиблагоҳим!

— Ёпирай, фалак буржи? — деди Ялангтўш, ҳайрати устига ҳайрат қўшилиб. — Очиқроқ сўзлагил, қизим!

— Жоним билан, бузруквор! — дарҳол мамнунлик билан рози бўлди Моҳбону. — Пештоқ икки бурчагини эгаллаган икки шамс қуёш йилига ишоратдир.

Тўғриси, илоҳий сир очилгандек, издиҳом аҳли бирдан завқу шавққа тўлиб, таҳсину тасанно айтди, айниқса, Муҳаммад Аваз ортиқ ҳаяжонланар, ўткир мусаллас нўш қилган каби масту масрур эди.

— Сизга яхши аёнким, ҳазратим, қуёш йил бўйи ўз чизигида жойлашган ўн икки юлдузлар туркумини — ўн икки буржни босиб ўтадир. Илми нўжум соҳиблари йиллар баробарида фалак буржларини ҳам ҳайвонларга менгзаганлар. Ана шунга биноан, бешинчи ой асад, яъни шер, ўнинчи ой жаддий, яъни тоғ эчкиси ёким кийик қиёфасида тасаввур қилинадир. Муаззам пештоққа шулар кошинкорий бўлибдирки, бу фақат таҳсинга лойиқ!..

— Эй, кўнглимиз офтоби, маликам не даъводалар, каминага мутлақо маълум эмас, — деди Бобоҳўжа Муслим бўзариб — Биллоҳ, у жон койитиб айтган тафсилотлар мубошир меъмор айбини ёполмас!

Ялангтўш икки ўт ўртасида қолди, аммо Моҳбону онаси ва қанизақлар ёнига қайтгандан кейин, бош вазир жон-жаҳди билан саройга ён босаётганини ноилож эътироф этди. Нима бўлганда ҳам унинг фикри билан ҳисоблашмоғи мақсадга мувофиқдир, токи эрта аттанг бармоғини тишлаб қолмасин!..

— Ясавулбоши, шариятни тепкилаган, ножўя юмуш билан Самарқанд музофоти соҳибини хут-

баи муборақдан маҳрум айлаган кофир дорга тор-  
тилсин!..

Бобоҳўжа Муслим юз-хотиридан ўтолмаган Ялангтуш  
жиддий тусда берган фармойишни эшитмаган каби,  
Муҳаммад Аваз пинак бузмади, бир мўйини қимирлат-  
май, кўксини адл кўтариб турди. Ҳатто қилич яланғоч-  
лаган Набиҳўжа бир нечта ҳабаш қиёфали сарбоз билан  
ёнига югура келиб, илжайганча қўлларини орқасига қа-  
йирганда ҳам юз ифодасини заррача ўзгартирмади.

Довулдан кейинги уммон янглиғ майдон тинчиди  
ва шу осудалик аро, атрофни ларзага солиб, ногаҳон  
аёл киши додлади. Ҳайҳот, бу нолаю нолиш шу қадар  
дардди, ғамзада эдики, палапонидан айрилган қуш фар-  
ёдига ўхшаб кетар эди.

Онаси овозини таниган Муҳаммад Аваз энди бир-  
дан талвасага тушиб қолди, юз-кўзи ёниб, нажот ис-  
таб, теварагига бесаранжом аланглади.

Шу асно тўзгиган сочлари кўксида ёйилган Назо-  
катбону имилаб, саросар, кўзларидан шашқатор ёш  
оқизиб, оломон орасидан олдинга ўтди, ўтди-ю, қово-  
ғидан қор ёғдираётган Ялангтуш пойига етар-етмай  
хушсиз йиқилди.

Ҳалидан бери ичи сидирилиб сукут сақлаётган Мул-  
ла Абдужаббор онаизор аҳволини кўргандан кейин  
бирдан тутаб кетди, тақдир савдолари буккан қадди-  
ни ҳукмдор қаршисида яна букишга мажбур бўлди.

— Муҳтарам зот, мубошир меъморингиз истеъдо-  
дини Эгам ўзи берган, ўзи берган-у, ўзи ҳайратда, —  
деди устод, бирдан йигитлардек жўшиб. — Ани увол  
қилманг, акс ҳолда келгуси наслар нафратига йўли-  
қасиз!

— Устод, эртанги қисмат хусусинда камина аллақа-  
чон ҳукм чиқарибмен!..

— Андоғ шошилибсиз. Эрта бари бўлакча бўлиб,  
ҳақиқий ажримни вақт битадир. Сиздек мартабали  
зот бурни остидан нарини кўролмаслиги афсусга ло-  
йиқ!..

Бўғзи алланечук куйишиб кетган устод назарида майдон гирди ғалати тарзда шитоб кенгайди, бора-бора уфқ гардишига тегди, тегди-да, бир ёмон силкинди. Айна пайтда, ёнидан алақандай қуюқ соя кўкка ўрлагандек туюлиб, дабдурустдан гандираклаб кетди. Агар чаққонроқ бир шогирд илкис қўлтиғидан ушламаса, юзтубан қуларди.

Набихўжа бошлиқ қуролли соқчилар томонидан ихотага олинган Муҳаммад Аваз волидаси ва устод сари чопқиллаб боргиси, бундай хорликка ўзи туфайли гирифтор бўлишгани учун улар пойига йиқилгиси, ҳар биридан қайта-қайта узр сўрагиси келди.

Ялангтўш мубошир меъмор нигоҳида аксланган ёлқинга дош беролмай, афтини ўгирди, аммо беихтёр кўзи пештоқ манзарасига тушди-ю, инон-ихтиёри қўлдан кетди, бор дунёни унутди-да, мавлоно Имомиддин таърифлаган, тоқига ақл лочини ҳам етолмайдиган мадрасаи муаззам билан якка ўзи юзма-юз қолди.

Худди шу пайт, Оллоҳдан ваҳий келган каби, хаёлий гулшан жонланиб, яшнаб кетди, гуё сокин сарҳадлар аро сарин шабада эсди, чақнаб чиққан қуёш ёғдуси фақат обида эмас, курраи арз жамолини ҳам ёритди. Борлиқ узра тўлқинланган нур шарораси шерлар ва оҳуларга жон улашди. Улар гул ва ниҳоллар чирмаган сўқмоқ орқали ҳукмдор ёнига туша келиб, атрофида парвона бўла бошлашди.

— Бари сиз учун бахшида-ку! — тинимсиз шивирлайди жонлуғлар, пириллаб айланишар экан. — Увол эмасми! Ҳай-ҳай!..

— Ясавулбоши, амримни эшитинг, — ҳаммани танг қолдириб қичқирди Ялангтўш. — Умримда илк бор ўз фармонимдин ўзим тонурмен. Дор бекор қилинсин. Тирикки қолар экан, юртдин бадарга айланг, токи қайтиб кўзларимиз тўқнашмасун!..

Илож қанча, видолашув учун бир сония ҳам фурсат берилмади, бундан яна ҳам қадди дол, бағри хун,

дили гирён бўлган Муҳаммад Аваз, тиш-тирноғигача қуролланган бадқовоқ соқчилар ихотасида гандирак-лаб йўлга тушди.

Ялангтўш бошлиқ аркони давлат, меҳмонлар ва оломон бирин-сирин тарқала бошлаганда, у, хаёлан бору йўғини бағишлагани мадрасаи муаззам билан, висоли чашмасидан абадул-абад бебехра қолгани малика билан, ғам ва танҳолик адои тамом қилган онаизори билан, энг оғир лаҳзаларда суяган устози билан, чархи каж маломатидан чарчаган усталару устазодалар билан хушлаша-хушлаша, қадим Регистон майдони сарҳадидан узоқлашиб борар эди...

## ХОТИМА

Муҳандис-меъморлар маҳалласида ҳафта ичида икки жаноза бўлди: Регистонда ўтган жамоа йиғинида ҳолдан тойган Мулла Абдужаббор пайшанба куни туш қиёмида, жони-дили фарзанди билан кетган Назокатбону шанбаи субҳи содиқда омонатларини топширишди.

Муҳаммад Авазни Мовароуннаҳр сарҳадидан чиқариб юборган икки сарбоз ўзларини негадир гуноҳкор сезишар, гоҳо афсус билан бош чайқашар эди. Улар сафар таассуротларини Ялангтўшга сўзлашар экан, йигит ҳаж ихтиёр этганини гап орасига қистириб ўтишди.

Хос мулозимлар хобгоҳни тарк этган ҳамоно, Ялангтўш оғир қоматини дабдурустдан тахтга ташлади ва нигоҳи бир нуқтада маъносиз қотди, ажабо, пичадан кейин дона-дона ёш ёноқлари оша сизиб, қалин соқоли орасига сингиди.

Эндиликда ҳукмдор, ўзи таъриф этгани каби, фақат майи ноб сеҳри билангина саодатмандликка етишарди. Охир-оқибат ўткир шаробга беҳад ружу қўйди, куну тун майкўзани ёнидан жилдирмас, гўё у энг ишончли ҳамроҳи эди.

Қиш ўрталарида пири Шайх Хожа Ҳошим бандаликни бажо келтиргани ҳақидаги хабарни етказишганда ҳам, у жимлик чўккан хосхонасида сархуш ўлтирар, бода денгизда сузиб, чарх кажлиги, роҳату фароғати, азобу уқубати ҳақида мубҳам мулоҳаза юритар эди.

Ялангтўш Хожани падаридек кўргани боис, ҳурматини жойига қўйди: шаҳарда уч кунлик мотам эълон қилиб, жасадни Шердор мадрасаси саҳнида дафн этиш тўғрисида фармони олий берди.

Хожанинг қирқи ўтгандан кейин бодадан айри тушиб, сал ҳушини ўнглаган Баҳодир хобгоҳда аркони давлати иштирокида кенгаш қилди-да, Шердордан қолишмайдиган яна бир обида қуриш тилагида эканлигини билдирди, эрта азондаёқ барча устани Регистонда тўплашни буюрди.

Аммо хос мулозимлар ва чопарлар топшириқ ижросини пайсалга солишди, негаки муҳандис-меъморлар маҳалласидаги кўп ҳовлилар эгасиз бўлиб, кўп уй-жойлар бузилган, хароба ҳолига келган, чойхона, кўча-кўй ва хиёбонларда мункиллаган чол-кампирилардан бўлак зоғ учрамас эди.

Бу муждани эшитган Ялангтўш аввал аччиқ кулди, кейин роса тутатди, усталарни ер остидан бўлса ҳам топинглар, йўқса, бошларинг кундада-ю, молларинг талонда, деб дўқ урди. Ҳеч бир натижа бўлмагач, ичи тирналиб, ҳафта-ўн кунда ранг-рўйини олдирди. Кечалари иситмалаб, алоғ-чалоғ тушлар кўрадиган бўлди. Ажабо, киприклари илинган заҳоти рўпарасида калта соқол қўйган хушсуврат йигит қад ростлар, гоҳ заҳархандали кулиб, гоҳ таъна тошлари отиб, тўсатдан йўқолар эди.

Охири Ялангтўш чор-атрофга чопар йўллади.

Орадан кўп вақт ўтмай Бухоро, Шош, Панжакент, Насаф, Кеш, Ҳирот шаҳарларидан йигирмага яқин таниқли ҳам уқувли уста келди, анча мамнун бўлган Баҳодир эриб кетиб, уларга дангиллама уй-жой, мулк, тилла ваъда қилди.

Ялангтўш олти ойча Регистонга мунтазам қатнади, аммо кейин бу одати бадига урди, аниқроғи, ўзида аввалги гайрат ва иштиёқни кўрмас, ёмони, оқшом яқинлашса ранги узилар, ётган жойида беҳузур бўлар эди. Энди гўё кимдир гойибдан ҳар бир ҳаракатини мунтазам кузатади. Ажабо, у ким, билмасди ёки билса ҳам ўзини анқовликка солар эди. Кўпинча бари ғаму ташвишини, хусусан, ўша таъқиб этувчини унутиш учун ташналик билан майкўзага ёпишар эди.

Вақт ўтиши билан майи ноб сеҳри ҳам кунига ярамай қолди ва тўшакка михланди. Аҳволи кун эмас, соат сайин оғирлашиб борар, Абдулмалик Давоий тирик бўлса дардимга даво топармиди, деган ўйдан ўртанар эди. Ахийри, дунё кўзига тору қоронғи бўлавергач, амалини Бухоро мадрасасида неча йил сабоқ олиб, яқинда саройга қайтган ўғли Султонқулига юклашни ният қилди ва Имомқулихонга нома билан элчи юборди.

Чор тарафда хуфиялари тозидек изғиб юрадиган хон ишончли саркардаси Ялангтўшбий Баҳодир соғлиги тўсатдан ёмонлашгани сабабли давлат ишларига аралашолмай қолганидан воқиф эди. Шу боис, кўп иккиланмай, илтимосини қабул қилди. Тез орада вилоятнинг ҳамма бурчакларида ёш ҳоким номига хутба ўқилди.

Кутилмаганда Самарқанд тахтига минган Султонқули қадду қоматда отасига тортган бўлса ҳам, фахму фаросат ва илму амал бобида анчайин ночор эди.

У дастлабки кунларданок катта тажриба, беқиёс қудрат соҳиби бўлган, ўрнида ақду идрокини ҳам ишга сола билган падари насихатларини ўйламай-нетмай топтади, вилоятда адолат ўрнатиш ўрнига, зулм занжирини мустаҳкамлади, ҳамон ясовулбошилиқ туғини тутган Набихўжа хоҳиш-иродаси билан бегуноҳ бандаларни аёвсиз жазолади: дорга тортди, зиндонга солди, бадарга қилди.

Шундоқ ҳам сабр косаси тўлиб, ғазабланиб юрган фуқаро ахийри бир кун жонига суиқасд уюштирди, у



тасодиф кўмаги билан омон қолиб, отаси маслаҳатига кўра, шаҳарни вақтинча тарк этди...

\* \* \*

Чарх, Султонқулини мартабадан бенасиб айлагач, ҳамон Муҳаммад Аваз қисматига ботиний қайғу чекаётган Моҳбонуни қўллаб юборди, яъни, Хуршида-ойим саъй-ҳаракати, Ялангтўш Баҳодир Имомқулихонга ҳотамтойлик билан жўнатган икки туя қимматбаҳо ҳадя, эҳтиром билан битган мактуб туфайли у Самарқанд тожу тахтига етишди.

Падари бузрукворидан оқ фотиҳа олиб, мунаққаш тахту равонда ўтирган Моҳбону дастлаб хайрихоҳлик билан адо этган юмуш арзимаган важлар туфайли зиндонбанд қилинган кимсаларни бўшатгани бўлди. Айни пайтда минг танга эвазига сичқон инини ижарага олган Набихўжани содиқ сарбозлар орқали топтирди, қози Соқий Зоминий билан кенгашиб, зиндон комига ташлаттирди. Бу кўргиликка чидолмаган Бобохўжа Муслим саройдан аразлади. Садқаи сар, деди малика ва ўша кун мавлоно Имомиддинни бош вазирликка тайинлади.

Саройда, эл-улус ўртасида мавқеини мустаҳкамлаб олган Моҳбону шаҳар ҳаётини изга солиш, шунингдек, Регистонда олиб борилаётган қурилишни тезлаштириш тадбирини чека бошлади.

Моҳбону ҳар эрта аъёнлар ва боёнларни Регистон сари ўзи бошлар, гоҳо кун бўйи ўша ерда қолиб кетар, тарҳ ила амал устида муҳандис-меъморлар билан баҳс-лашар, ҳар кичик нуқсон олдида аёвсиз эди.

Бир кун чошгоҳда у, хотиралар уммонига чўмганча, Ҳабиба ҳамроҳлигида, Шердор мадрасасини илк бор кўргандек завқланиб томоша қилаётганда, кулоху яктак кийган дарвешнамо бир кимса рўпарасида тўхтаб таъзим қилди.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, маликам.

- Мақсадингиз недир, дарвеш?
- Камина олис элдин элчидирмен.
- Унда нечун саройга бормадингиз?
- Бу ахволим билан дарвозага йўлатмадилар.

Ноўрин савол ташлагани учун Моҳбону бир қадар ўнғайсизланди ва дарвешга бош-оёқ разм солди. Сал дадил тортган дарвеш дарҳол кўйнидан найча қилиб ўралган мактуб чиқариб узатди ва нари жила туриб: «Керак бўлсам шу атрофдан топарсиз!» — дейишни унутмади.

Ажабо, ўзини ҳарчанд бепарволикка урмасин, Моҳбону кўпдан бери интизор кутаётган одами билан учрашгандек галати орзиқар, юраги нотинч тепар эди. Чўғдек кўринаётган қоғозни бағрига босганча, Ҳабибага ҳам кўрсатгиси келмай, Шердор мадрасаси сари шошилди, қайси бир бурчақда паналади-да, азалдан таниш ҳуснихатга кўз югуртирди:

*«Маликам, жони жаҳоним, дуойи саломдин сўнг маълумингиз бўлсинким, камина Мовароуннаҳр заминидан беҳаг йироқдамен, фироқ масофа қиёфасида орамизда кўндаланг эрур, алҳол, анлангким, ҳарчанд олисда бўлишимга қарамай, кўнглим сизга қошу қобоқ орасидек яқиндир.*

*Офарин, бул кунда бахт қуши йўлдошингиз бўлганидин хабар топдим. Сизни чин гулдан муборақбоғ этурмен ва тақдир зиммангизга оғир мажбурият юклаганини эслатиб қўйишни ҳам бурчим санаймен.*

*Камина тағин эшитдимки, сиз тожу тахт ихтиёрини олган ҳамоно, вилоятда адолату фароғат ўрнатиш мугдаосида қаттиқ бел боғлабсиз. Бул каби саъй-ҳаракатга киришган сиздек оқилани Яратган эгам илоё ёмон кўзлардин асрасун.*

*Ҳожатбарор зот масъуд онларимда камина этагини тутган шогирд Абдуллоҳ Завқийдир. У, жигдий мулоҳазадан сўнг, ота-онаси билан гийдор кўришишни муддао билиб, Самарқанд сари жўнади. Йигит шижоати камина учун ғоят қўл келди, саломнома битиб, ани сизга етказишни ўтиндим.*

*Камина бул кунда Ҳирот отлиғ шахри азимда ғариблик гаргу аламини ютмакдамен, таассуфки, ҳар лаҳза соғинч дилимга илинж солиб, она юрт томон суграйдир.*

*Икки йилча муқаддам Самарқанд фуқароси бўлмиш бир таниш кулолни учратдим. Анинг барини кўзларимга тўтиё қилиб суртар эканмен, гурунг қилиб билдимки, шўрлик волидам, устози қадргонларим Муҳаммад Дарвеш, Мулла Абдужаббор дорилбақо сари рихлат қилмишлар. Шунда ҳудудсиз дунё қафасдек тор кўринди, кўҳна очунда бирор яқиним қолмаганини ўйлаб ўқиндим, чўқдим. Фақат сиз учун аталган меҳрим чарх хўрликларидин устун келиш, жабру жафоларни босиб ўтишга ундайдир.*

*Маликам, инонинг, бул фурсатда камина ягона тилак билан тирикмен: гийдорингизга бир боқсам ва Самарқанд заминидин икки газлик паноҳ топсам!»*

Мактуб адоғида шер ва оҳу сурати моҳирона иншо этилган эди.

Тақдирдан бу хил мурувват кутмаган Моҳбону ўзини йўқотар даражада гангиди, кўкси аллатовур жўшиб, бир мактубга, бир изидан келган Ҳабибага ҳайрон-ҳайрон кўз ташлади, сўнг канизакни аста қучиб, елкалари силкина-силкина баралла йиғлаб юборди.

Кечки пайт сабру қарори чидамаган Моҳбону бир кўриниб йўқолган Абдуллоҳ Завқийга чопар жўнатди ва сабрсизлик билан эшикка термилиб ўтирди.

Олис Ҳиротдан келган дарвеш қиёфаи элчи Мирзо Улуғбек мадрасаси ҳужраларидан бирида хурракни уриб ётган фурсатда қўлга тушди ва зумда ўзини муаззам арк бўсағасида кўрди. Махсус ходимлар аввал ҳаммомга солишди, қарийб кўрпалаган соч-соқолини текислашиб, озода кийинтиришгач, жадал суръатда Моҳбону ҳузурига олиб боришди.

Малика ранг-рўйидан хушфеъллиги ва тийраклиги сезилиб турган йигитдан Муҳаммад Аваз аҳволини қайта-қайта суриштирди, суҳбат охирлагач, ҳам кўнгли бир хил юмшаб, ҳам ҳадди сиғиб деди:

— Мавлоно, малол билмасангиз, камина ҳам сизга юмуш юкламакчимен, яъни энди Ҳирот сари, устингиз қошига сарой номидин элчи бўлиб борурсиз!

Абдуллоҳ Завқий камоли эҳтиром билан розилик изҳор этиб, эшиқдан тезгина тисарилиб чиққач, Моҳбону жимжит хобгоҳда ёлғиз қолди, тунни бедор ўтказиб узундан-узун мактуб битди.

Мактубни қизгин дуойи салом айтиш ва орзу-армонини баён этиш билан бошлади, сўнг Муҳаммад Авазни гиналарни унутишга чорлаб, тезроқ Самарқанд сари қайтишини, Регистонда бошланган муаззам обида қурилишида қатнашмоғини ўтиниб сўради, охирида падари кўпдан бери уйқусизлик касалига чалинганини, баъзан кечалари унинг номини айта-айта алаҳсираб чиқишини тавсиф этишни ҳам лозим топди.

Моҳбону тонг бўзарганда мактубни тугатиб, энгил нафас олди, уйқу тарк этган кўзларини юмганча, бир зум ўй сургандан кейин, маъюс кулди-да, битик тагига шер ва оҳу қиёфасини нозик қилиб чизди...

*1985—1986*

# МУЛК



## I

Ботаётган куз қуёши тилла баркашдек ялтирайди, тарам-тарам қизғиш нурлари бутун шаҳарни кўмган, мовий бўшлиқда муаллақ улкан гумбазлар ва миноралар кифтида ялт-юлт синади. Регистон майдонида қад ростлаган уч муаззам обида ҳам фалак султони билан хайрлашмоқда. Рангин кошинкорий либос кийган Шердор мадрасаси билан бўйлашган ёғоч ҳавоза пояларидан бирида кечки манзарани қизиқсиниб кузатаётган, эндигина мўйлаби сабза урган Шамсиддин ажаб бир туйғулардан масрур; шундоқ тепада юзаёган сонсиз кабутарлар билан бирга қанот қоқиб ўйнашгиси, қайси бир номаълум томонларга учиб кетгиси келади...

Шердор мадрасаси пойида отаси уста Жамшиддин уйларига отлана бошлаган ёрдамчи-шоғирдлар қуршо-вида не мавзудадир баҳс юритмоқда, ҳар замонда юқорига кўз қирини юбориб, туша қол маъносида ишора беради. Аммо у қимирламайди, аниқроғи, майдон манзараси ва бўёқлар сеҳрига боғланиб қолгандек лол-хайрон тураверади, сўнг пештоққа ўтирилади, охуга чанг солмоқчи бўлаётган баҳайбат шер баданини оҳиста силайди.

Бир пайт Шамсиддин қараса, падари аллақачон барчага ижозат берибди, сал нарида хиёл қовоқ уйиб, калта кузалган бежирим соқолини силай-силаё сукутга толибди. Бир ҳузур қилиб ичида қулди ва бутун шоири калон Собир Қамарий тузадиган амри маъруфда иштирок этишлари лозимлигини эслади. Мабодо кечикиб қолишса ҳайтовур одобдан эмас.

Энди Шамсиддин ошиқиб пастлади, отаси ёнида терлаб-пишиб одимлар экан, бугун давра беҳад кенг олиниб, ваъзхонлик ва қироатхонлик бўлишини, ниҳоят, мусиқа-кўшиқ базми билан якун топишини ўйлаб орзиқар эди.

Худда шундай мулоҳаза анча толиққан уста Жамшиддин дилидан ҳам кечар, бутун борлигини ажаб бир рағбат чулғаб, руҳи шодланар эди. Ахир, дил чигилини ёзиш бобида амру маъруфдан маъқулроқ тадбир бор эканми ёруғ дунёда, қолаверса, ўғли билан бирга ошналари ҳам шунақа фикрда!..

Ана, кўёш ботиб, борлиқ оқшом пардасига ўралди, кечки шуъла ота-бола кўнглига шарора мисоли кўйилди. Сўнг маълум ва машҳур Оймаржон маҳалласига етиб-етмай бир хавотир туйишди. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит, кўча-кўйда бир зог кўринмас, бир шовур эшитилмас, ҳатто одатда қулоқни қоматга келтириб вовуллайдиган итлар ҳам сазо бермас эди. Хокисор инсон қози Муҳаммад Валихон қурдирган кўш ошёнали гиштин иморат — бугунги амру маъруф ўтажак хонадон эгаси кўчиб кетгандек ҳувиллаб ётарди; Тангри таоло назари теккан ва фалак фаришталари қадами аримайдиган даргоҳ бунақа аҳволга тушгани, бутун туриш-турмушида недир таҳлика акс этгани таажжубга молик эди.

Бунақа бўлишини кутмаган ота-бола не қилишу қаён боришни билмай қоп-қоронғи ғордан қолишмас кўча муюлишида саросар тўхташди; гўё тилла тангадек сочилган ва сокин живирлаётган сонсиз юлдузларни бағрига босган кўк уларга ачиниб боқаётганди. Шу ҳолда қанча туришди — билишмайди, шу дам тарвақайлаб ўсган баҳайбат тут панасидан кимдир ён-верига аланглаб шитоб узилди, тозидек зипиллаб келди-да, уста Жамшиддин қулоғига шивирлади:

— Тақсир, Қуръонни тезроқ пана қилинг!..

Ҳамон каловланиб турган устоз жуддир кийиниб, бошига дарвешларникига ўхшаш учлик қалпоқ кўндирган, нафаси қисилиб ҳансираётган Собир Қамарийни аранг

таниди. Телбаваш қиёфа олган шоир ўз дарвозаси қолиб бошқа дарвозага уриб кетгани янаям ғалати туюлди.

Кейин нима учундир уста Жамшиддин бутун шаҳарда отнинг қашқасидек таниқли Шариф урфон ва яна аллакимлар гўрига гишт қалади; шу-шу кунчиқар томонда, ёзин-қишин бирдек тўлиб оқадиган анҳор нафаси уриб турадиган анжирзор боғ билан Умар чол тегирмони ўртасида жойлашган уйига етиб, ойнаванд ва нақшинкор жавон қўйилган шинам бўлмага киргунча чурқ этмади. Жавондан кўк бахмал муқоваси гирдлари зарҳал билан ҳошияланган Қуръони каримни олиб ўпди-да, мўлтираб қараётган хотини Ойдинбиби ва ўғли Шамсиддинга нажот истаб тикилди.

Сўнг уста Жамшиддин беихтиёр Каломуллони авайлаб бағрига босди, босаркан, вужудига сурур бахш этувчи ёқимли ҳарорат югургандек бўлди. Ногоҳ кўнгли ёришди-да, Оллоҳ китобининг бутун шаҳри муаззамда яккаю ягона нусхаси қўлида турганини ўйлаб чексиз ифтихор туйди. Ана шу жавоҳир қози Муҳаммад Валихон қироатхонаси тўрида сақланар эди. Қандай азиз меҳмон ташриф буюрса, шубҳасиз, уни бир кўриш учун ошиқар, ихлос билан тавоф қилар эди. Бир ойча муқаддам устоз гард теккизмай асрашга ваъда бериб, Собир Қамарийдан сўраб олувди, бинобарин, ўшандан бери Шамсиддин кўпинча кечалари боши остига қўйиб ётар, табаррук суралар ва оятларни ёдлаш билан машғул эди...

Энди наҳотки шундай бойликдан жудо бўлишса?

Нимадир кўксини тилиб ўтгандек уста Жамшиддин беихтиёр хўрсинди. Шундоқ ҳам йўқ ердаги тўполонлардан толиққан шаҳарни тутган миш-мишлар баҳона ўзи ҳам сезувди — Қуръон изидан одам тушган, аниқроғи, хуфия маҳқама Каломуллони йўқотиш пайида бўлса керак. Маҳалла чойхонаси ва қайси бир клубда кечган йигинларда афту башараси маъносиз, тили бир қарич нотиклардан шунақа маза-матрасиз гаплар эшитдики, тепа сочи тикка бўлиб кетди. Бош-охир тухматдан иборат сафсаталар замирида пинҳон мақсад-муддао даҳшатли эди.



Хуфия маҳқама чиндан ҳам энг ичида иш юритаётгани Собир Қамарий огоҳ этгандан кейин яна ҳам ойдинлашди. Нима бўлган тақдирда ҳам мудҳиш режани барбод қилиш, маҳкамани доғда қолдириш лозим, бинобарин, вақтни ганимат билиб, Қуръони каримни тезроқ кўз тушмас овлоқда бекитиш мақсадга мувофиқдир. Лекин шошганда лаббай топилмас: хавфу хатардан холи шундай ишончли жой қаерда? Ҳар қадамда пойлоқчи гумроҳлар този итлар каби изғиб-искаланиб юришибди.

Узоқ ўйлаш, иккиланиш учун вақт ҳам, имкон ҳам, шароит ҳам йўқ эди. Имилаб ўтирмай, таваккал қилишга тўғри келади. Ва ногоҳ хаёлида кутилмаган фикр чақнади, ахир, шаҳар шарқи жанубидаги Ашаратхона обида-си Оллоҳ таоло китоби учун мустаҳкам паноҳ бўлолмай-дими?! Соҳибқирон Амир Темур қурдирган, кўп шодиёналар шоҳиди бўлган мазкур иморат бу кунда унутилган, тугдек тўкилиб ётибди. Баъзи қўналгадан Мосуво дарвешларни айтмаса, яқинига бир одам қадам босмайди. Фақат буржлари, ҳужраларини ёввойи кабутарлар ва мушук-кучуклар макон айлаган. Бас, остида чуқурроқ хандақ қазилиб кўмилса кифоя — Қуръон дахлсиз бўлади.

Уста Жамшиддин эртаси куни барвақт юраги аллатовур ўйноқлаганча Ашаратхона томон ўтди, киши билмас обида ён-верини синчиклаб кўздан кечирди, бундан бошқа ўнғайроқ жой топиш амри-маҳол эканлигига яна бир марта имон ўтирди-да, Шамсиддин билан бирга, ярим кечада ошланган мол терисига ўралган Каломуллони олиб келди.

Бениҳоя ҳаяжонланаётган ота-бола катта саҳаргача бир сония ҳам тинмай тер тўкишди, иш битгач, энгил тортиб, бир оғиз ҳам сўзлашмай, ҳовлига қайтишди. Ўша кеча уйқу бўлмади, айвондаги чорпояда, сопол шамдонда липиллаб ёнаётган шам ёруғида пасту баланддан суҳбатлашиб ўтиришди. Ҳар замонда маъноли кўз уриштириб жилмайиб қўйишарди, ахир, энди улар дилида бирон-бир зоғ билиши мумкин бўлмаган сир ўрнашдики, бундан ҳар қанча фахр туйишса арзийди.

Эргалаб ота-бола Регистон сари ошиқиб бораркан, нечундир юраклари безовта тепарди. Аллакимлар ортларидан таъқиб қилиб юргандек туюларди. Муюлишларда, дарахтлар остида, дўконлар биқинида валақлашиб турган кимсалардан айниқса уста Жамшиддин хавотир чекарди. Ахир, улар сувни лойқалатиш ёки олисдан ҳид олишда нақадар устаси фаранг. Битта-яримтаси Ашаратхонада хазина кўмишганини кўриб қолган бўлса — тамом-да. Асли мана шулар сабабли бутун шаҳарни аста-секин кўз илгамас губор домига тортмоқда; кўчалар ва маҳаллалар, расталар ва бозорлар, ҳатто турфа бинолар шаклу шамойилини билдирмай ўзгартириб юбораётган тўзон нималигини каттаю кичик, жумладан, Ойдинбиби билан Шамсиддин унча англамас-да, уста Жамшиддин борича сезиб-билиб турар, кун сайин кўкси ўпирилгудек ҳолда ташвиши-хавотири ортиб борар ва ноилож ўзини хотиржам тутар эди.

Оқу қорани таниган ва алақачон устозлик мақомига етишган падари бузруквор кўнглида ажриқлаган ғам-андух Шамсиддинга ҳам юқмай қолмади. Азалдан игна билан қудуқ қазишдек мураккаб ҳунар орқали тирикчилик қилган шажаранинг энг кенжаси — эндигина ўн бешни қоралаган йигитча билиб-билмай ҳаловатидан айрилди. Ўша омад юришмаган оқшомдан бошлаб доим ниманингдир ташвишини чекиб, нимадандир койиниб-ўксиниб юришга одатланди. Бутун шаҳар ҳаётини чулғаб бораётган шарпа сезимлари орқали юрагига сингийтганини ҳис этар ва кўпинча тунлари ухلامасди. Айни пайтда умид қилишдан чарчамай, хайрли дамларни зориқиб, бетоқат кута бошлади; илгари ҳамиша бир ёқадан бош чиқариб иш тутган ёру биродарлар ҳар қаёққа тарқаб кетишгани учун ранжиди, неча марта қисиниб-қимтиниб шундоқ ҳам гуссага ботиб юрган отасини тергади ва охири нияти ушаладиган бўлди.

Уста Жамшиддин ташаббусига биноан, навбатдаги амри маъруф келар шанба куни — шом билан хуфтон

оралиғига тайин қилинди. Бу хабарни эшитган заҳоти Шамсиддин қанот боғлаб, боши кўкларга етгудек севинди, сўнг ўша муддат бениҳоя олисдек, ҳали-бери етиб келмайдигандек туюлиб, янада ғалати аҳволга тушди.

Сир бой бермаса-да, асли уста Жамшиддин ҳам анчайин тажанг ва бетоқат эди, қизиғи, шу ишга бош қўшганидан бери, вақт имиллаб ўтишидан биринчи марта озор чекди.

Шанба куни тонгида лағча-лағча чўғдек ланғиллаган кўёш олис уфқдан эмас, гўё пориллаб ота-бола юраклари тубидан чиқди. Фалак бўйлаб эринмай юзган кўёшни ота-бола охири мағриб сари мамнун кузатиб қўйишди. Дарҳол ишни тўхтатиб, Оймаржон маҳалласи сари ошиқишар экан, айрича ҳаяжон оғушида барабар энтикишар ва барабар қувонишар эди.

Ахир, бу оқшом Собир Қамарий хонадони улфатлар пойқадами билан янада шукуҳли бўлади, ҳадемай кўр оладиган жонон суҳбат субҳидамга қадар давом этади ва баҳонада ҳар бири дил чигилини ёзишга эришади...

Навбатдаги амри маъруф турли жабҳа рукнларини қизгин муқокама этадиган ажиб маъракага айланиб кетишидан ота-бола ҳозирданок умидвор эди. Айниқса, қироатхонлик ва мусиқа базми авжига минишини ўйлашса, беихтиёр руҳлари ёришарди. Хаёлга толганча шошилиб одимлашаётгани сабабли бу кеч ҳам Оймаржон маҳалласи нотинчлигига дафъатан эътибор беришмади. Чор тарафдан гўё жаҳаннам нафаси уфурарди, ҳозироқ ажал фариштаси йўлни тўсиб жон сўрайдиганга ўхшайди. Илож қанча, савил қолгур омад яна тесқари қайтиб, иш яна бузилган кўринади. Тузоққа илинмасдан бурун жуфтакни ростлаш керак.

Жиғи-бийрон ҳолда, эҳтиёткорона одимлаб, ота-бола ҳалиги муюлишдан ўтишаётганда тунов кунгидек аломат либосга ўралган Собир Қамарий кўкқисдан олдиларини тўсди. Паст товушда афу сўрагач, бошқа чурқ этмай, жин кўчалардан айлантира-айлантира, охири этакдаги хуфия дарча орқали ҳовлисига чорлади. Ҳамиша

ораста-файзли ва оп-ойдин бўладиган даргоҳда фавқу-лодда қуюқ зулмат чўккан эди, қуйи-юқори қаватлар умр бўйи нур тегмаган чалдеворни эслатар, деразалар бего-насираб боқар, томда телба шамол ниманидир қалдира-тиб ўйнатар эди. Одатда кеча-кундуз жағи тинмай ҳура-диган Олапар неғадир сукутда — катагига қамал қўйил-ган, қўноқдаги товуқлар карахт каби қу-қуқламас, ошхонадаги ўчоққа ўт ёқилмаган эди...

Ҳамон Собир Қамарий ўзини гунгдек тутмоқда, кўзлари ҳамон олма-кесак тераётир. Нечундир шоир бор-йўқ журъатини бой бериб қўйгандек паришон эди. Айвонда ниҳоят секин Қуръони каримни суриш-тирди; хавотир чекманг қабалида жавоб олгач, йўрға-лай бориб дерезани чертди. Сал ўтмай завжаи ҳалоли Ҳилола отин эскироқ фонус узатди.

Қирқни қоралаган, шоҳи рўмол тангиган, бодом қовоқди аёл нигоҳидаги ташвиш ота-болани яна таҳ-ликага солди. Яна ҳар ёқдан недир хатар хуруж қила-ётгандек туюлди. Айни пайтда фонус ёруғи дилларига оз-моз умид бағишлади, мезбон изидан чўғдек товла-нувчан эроний гиламлар, оҳорли адрас-кимхоб кўрпа-чалар тўшалган хонага киришаркан, кўзлари қадрдон жамоа аъзоларига тушди. Фақат улар озчил, аввалги мажлисларни гуллатган қадрдон дўстлардан кўпчили-ги кўринмас эди; давра тароватини йўқотган боғни эслатар, гурунг қовушмай турар, ҳар бир қиёфада таҳ-лика аралаш недир шубҳа акс этган эди...

— Нимага бунингдек мотам тутурсиз? — салом-алик-дан кейин илмоқди савол ташлади уста Жамшиддин. — Яхши эмас. Чакки қилурсиз. Чарх савдолари қошида дадил кўкрак кериб, қўлни-қўлга бермоғимиз лозим.

Қачондан бери таҳлика-хавотир оғушида оғир-оғир мушоҳада юритаётган карахт ва афтодаҳол бўлган давра ушбу даъватдан кейин сал жонланди: кўзларга нур эниб, ёноқларга қон югурди.

Анча тетик тортган соҳиби хонадон Собир Қамарий ташаббусни қўлга олиш пайига тушди. Аввал пайдар-

пай улуг салафлари, сўнг ўзи бисотидан оҳангга солиб газал ва рубоий ўқиди; қисқа танаффусдан кейин, унча эпломаса-да, латифагўйликка кўчди. Раҳматли падари бузруквори қози Муҳаммад Валихон (Оллоҳ илоё жаннат боғларидан жой ато айласин) ҳазил-мутойибага бениҳоя ўч дали-гули одам бўлганини таъкидлагач, унинг ҳаётидан қизиқ-қизиқ ҳангомалар сўйлади...

— Устоз, илоё уйингиз буғдойга тўлсин, — сўз қотди саллали басавлат киши, жимлик чўкканидан фойдаланиб. — Ҳамон куфий ва сулс таъмири билан машгулсиз чоғимда?

— Шундоғ, уста Қурбон, — мийиғида кулиб нигоҳини яширди уста Жамшиддин. — Чунонам нозик ва муракккаб экан. Юрак қонини қўшиб ётиппиз!

— Тузук, фақат... бекор жон койитасиз-ов, — салласи пешини елкаси оша ташлади уста Қурбон. — Арабийни четга суриб, лотинини таомилга киргазиш пайидалар-ку.

Шаҳарда бошлаб юборилган, ҳали нималиги номаълум ислоҳ овозаси устоз қулоғига текканди, шундай эсада, ҳозир юраги боғига тиг урилгандек бир сесканди. Бу борада аллакимлар, етти ўлчаб бир кесиш ўрнига, ортиқча шошаётганини ўйларкан, ногоҳ Шариф урфонни эслади.

Биродари Нозим новвойнинг тўнғич ўғли кечагина мадраса эшигидан чиқиб келган бўлиб, Мўлиён тарафдаги кичик бир мачитда имомлик қиларди; қуръон тиловатида қироати чакки эмасди, ҳатто амру маъруф мунозараларига ишқибоз эди, даврада муҳим масалалар бўйича дадил тортишар, айрим суралар ва ҳадислар мазмунини балодек шарҳлаб берарди. Кейин бир думалаб янги мактаб муаллими бўлиб олди-да, бари билганидан бир йўла кечди, ҳатто амру маъруф йиғинларидан оёғини тийди, мабодо давра аҳлини кўрса, ўзини панага уриб кетадиган бўлди. Сўнгроқ биров билса — биров билмас маҳкама одамига айланди ва ташвиқотчилик фаолиятини бошлаб юборди. Ҳаммаси гўрга, яқинда «Заррин» гази-

тида кетма-кет бир нечта мақола бостирдики, мана шуниси айниқса ҳаммасидан ошиб тушди; уларда эски ёзма манбаларни ер билан битта қилиб янчгани етмай, кўҳна обидаларни, хусусан, куфий, сулс ёки настаълиқ сингари деворий ёзувлар таъмирини тўхтатиш керак, деган фикрни тўласинча ёқлаб чиқди...

— Жамши, ўв, жигарим, — яна илиб кетди уста Қурбон, — шоир газитдан аразлаганидан хабарингиз борми?

— Аразлаган эмас, думини тутишган, — кесатди муҳандислар пешвоси уста Мирсайд. — Бир газали Фаттоҳ Обидий иззат-нафсига теккан эмиш!

— Тилинг кесилгур Шарип урпон чаққан бўлса керак, — уф тортди мулла Аҳмад. — «Заррин» газити фаоли-да. Тумшугини тикмаган тешик йўғ-а, тавба!..

— Оғалар, масала жиддийроқ, — надомат оҳангида давом этди уста Қўрбон. — Шоиримиз Шарип урпон тақдим этган битикларни мағзавага қиёслаган ва қайтариб башарасига отган!

— Оббо! — деди хўрсиниб уста Жамшиддин.

— Энди кўпдан бери иши терговда, — нимадир соя солди уста Қурбон чехрасига. — Тавбангдан кетай, таҳририят аравасини биргалашиб тортган ошналари ур калтагу сур калтак қилиб ётишганмиш. Кун ора муҳокама баҳона терисини тириклай шилиб олишларига озгина қопти.

— Айби нима, уста Қурбон, — сўради уста Жамшиддин, тоқати тоқ бўлиб, — Шарип урпонни тузлаганими?

— Айбик, зарарли нарсаларни ҳимоя қилаётган учига чиққан жоҳил ва қўпоровчи эмиш! Ислоҳлар билан келиша олмайдиган ёт унсур эмиш! Шўям гап бўлдим, а, тавба?!

— Азизлар, эски ашулани қўяйлик, вақт тигиз, — орага суқилди ниҳоят Собир Қамарий. — Бунақа ланж гуруннга яраша камина ҳам дастурхонга ошни ланж қилиб тортаманми!?

— Шоир оғам, ҳозир томоқдан қил ўтмайди-ю, ош ўтармиди, — бош чайқади уста Қурбон. — Тўғрими, Жамши жўра?

Яна хомушланиб, яна ҳам ўксинган устоз хаёлидан Шариф урфон башарасини қувишга уринди, қарши-сида суҳбатга аралашмай ўтирган муғанний ва ҳофиз мулла Аҳмад сари зимдан кўз қирини ташлаб, бунақа мажлислар илгари нақадар гуриллаб ўтишини дилидан кечирди. Ўзи каби маъюсланган Шамсиддин ҳам шу ҳақда ўйлаётганини тахминлади. Чиндан йигитча давра нима учун жонланмаётгани устида бош қотирар, ҳозироқ пойлоқчилар кириб келадигандек эшикка ҳадикли термилар эди.

## II

Уста Жамшиддин ёдида: илгари кўпинча йигинни улус назарига тушган, оқу қорани пухта таниган валинеъматини уста Фазлиддин Латифий бошқарарди. Кейин тақдир тақозоси билан раҳнамо бўлиш навбати ўзига тегди. Бундан алоҳида рағбат туяр ва ошналар бошини қовуштиришни савоби азим санар эди. Кўпинча улар шом билан хуфтон оралиғида Бибиҳоним жоме мачити ёки Шоҳизинда зиёратгоҳида тўпланишарди; ибодатдан кейин кўрланган мунозара гирд-теварагини кузда мўл-кўл ҳосил берадиган анжир, беҳи-олма, шафтоли ва ўрик дарахтлари ўраган ҳовлисида, баъзан жойинг жаннатда бўлгур қози Муқаммад Валихон, гоҳо акобир-олимлар пешвоси саналган акаси мулла Ражаб хонадонидида давом этарди.

Мартабадан кўра маърифатга кўпроқ берилган, отабоблари билан фахрланишни хушлайдиган қози Муҳаммад Валихон, тунлари сармоя исига чулғаниб ётмасида, қўли-феъли очиқ одам эди. Атиги бир чимдим савоб учун ўзини бемалол томдан ташлагани журъат топиши улус тилида дoston эди. Ҳар не топган-гутганини сарфлаб, ҳашаматли қироатхона солдирганда

кимлар алқамади. Илму фунун жавоҳирлари учун мўлжалланган ва дид билан нафис безатилган бир нечта бўлма истиқомат қиладиган иморатининг иккинчи ошёнасини тўласинча эгаллаганди.

Барака топгур Собир Қамарий, падари арвоҳини шод қилиш тилагида, гаройиб хазинани кўз қорачигидек гард қўндирмай асраб келади. Зиммасида улкан бурч тургани, бу бурчни оғишмай-оғринмай адо этаётганидан шоир бахтиёр эди, қолаверса, кеча-кундуз тиним билмай сара-сара китобларни мутолаа қилар, илм ва сўз туби йўқ уммон эканлигига имон ўғирар эди. Асрлар синовидан ўтган ёзма ёдгорликлар меҳри дилида чуқур илдиз отган бўлиб, бу меҳр қаламига мадад бағишлаб келаётгани шубҳасиз. Кейинги «Чашма кўзи» тўпламидан жой эгаллаган сатрлар чўғдек ёниб туриши бежиз эмас.

Асли Собир Қамарий ўпка-гинани деярли билмайди, кўнглида зигирча кири йўқ, лекин сўзни бузган — бўҳтон хизматкорига айлантирган одам билан икки дунёда ҳам келишолмайди. Ана шунақа хурмача қилиғи учун Шариф урфонни ўлгудек ёмон кўриб қолди. Оқибат тунов кунни бош муҳаррир Эсон Мансурий ҳалиги чап қўлда битилган мақолаларини нашрга тайёрлаш юзасидан фармойиш берганда бирдан тўрсайиб: «Биродар, мағзавага қўл уриб ҳаромга ботайми?!» — дея шунақа ҳайқирдики, шифт ва дерезалар зириллаб кетди...

Палов ейилгандан кейин давра аҳли Собир Қамарий изидан шифтига икки улкан биллурий қандил ўрнатилган кенг-мўл хона сари шошилди. Қандилларда бир дона ҳам шам йўқ, фақат бурчақдаги мизда ҳалиги биттаю битта фонус милдираб ёниб турар, девор бўйлаб гир айлантриб қўйилган нақшинкор жавонлар ва уларда тахланган китобларни аранг ёритар эди.

Турли йилларда турли моҳир саҳҳофлар тиккан жозибали жилдлардан ҳар қандай киши соатлаб кўз узолмасди. Мадрасада зеҳнини тузуккина пешлаган уста Жамшиддин бу ерга ҳар гал қадам босганда ажаб тарз-



да дам ўзини йўқотар, дам қайта топарди. Доим атайлаб Шамсиддинни эргаштириб келар, нечундир ўгли қанотида бўлса айрича завқ-шавққа, айрича қониқишга кўмилар эди.

Илм-фанга ишқибозлик ҳам қон сураар эканми, ҳарнечук доврўқ ёйган машойихлар нафаси ва қўли теккан ҳар бир китоб Шамсиддин учун жондек азиз, дунёдек мўътабар эди; қўйиб берсангиз гирдлари-га ингичка нақшлар чекилган ҳар бир варақни авайлаб кўзига суртарди. Қироатхона файзига файз қўшган Қуръони карим жон-дили эди. Асли отаси унинг ўтинчига биноан Собир Қамарийга Оллоҳ китобини уйига олиб кетиш борасида бир неча марта мурожаат қилган ва охири уни кўндирган эди.

Шамсиддин ҳозир айниқса алоҳида фахр-ифтихор, алоҳида қувонч ва хушбахтлик туюётган эди. Ақл бовар қилмас улугвор мўъжиза — тенгсиз хазина қошида энтикиб, тўлиб-тошиб, шерланиб турарди. Айни вақтда ҳар ёқдан йиғилган бунча манбани синчиклаб ўқиб чиқиш, уқиш — мағзини чақиш осон эмаслигини, ҳатто бир одам умри етиши гумонлигини ўйлаб қайгурар эди.

— Огалар, билурсизки, эзгу сўз шуарога доим ҳамнафас бўлган, — деди Собир Қамарий ниҳоят жимликни бузиб. — Туркийда бу шарафга аввал Хожа Аҳмад Яссавий, кейин Амир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратлари муяссар бўлган.

— Шубҳасиз, — деди кимдир юмшоқ оҳангда.

— Хўш, биродарлар, бугун «Девони ҳикмат» устида баҳс қилсак не дейсиз? — Чиройи очилган уста Жамшиддин маъқул маъносида кафтини кўксига босгач, Собир Қамарий мунаққаш жавондон муқоваси тилла суви билан зийнатланган ўртача қалинликдаги жилдни авайлаб олди. — Ушбу жавоҳир хонадонимизга Қуръони карим билан бирга келиб қолган. Бунинг тарихи кўп қизиқ ва кўп ибратли!..

— Шундайми? — деди уста Жамшиддин мулла Аҳмад ва уста Қурбон билан кўз уриштириб. — Қани, эшитайлик-чи!..

Қайси йили кўклам адоғида қози Муҳаммад Валихон тижорат баҳона сайру саёҳат қилиш истагида Бухорои шариф томонларга юз тутуди. Муҳташам саройда кечган нуфузли мажлис тўрида хон билан ёнма-ён ўтиради. Суҳбат асноси таниқли руҳоний мавлоно Мустафо Шофрикониёв Пири Туркистоний саналмаш Қулхожа Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»и фазилатларини шарҳлайди, девон Қўрғони карим укаси эканлигини алоҳида таъкидлагач, ундан ёдаки парчалар ўқийди ва барчани ҳайратга солади. Мағзи тўқ ҳароратли сатрларни қози Муҳаммад Валихон мумдек эриб тинглайди, оромини йўқотади-да, девонни топишга қарор беради. Самарқанд заминига ошиқиб келган ҳамоно, гумашталарини тўрт тарафга чоптиради, афсуски, бундан натижа чиқмайди, улар икки қўлларини бурунларига тиқиб ноумид қайтишади.

Вақт кечгани сайин қози Муҳаммад Валихон ҳузур-ҳаловатини йўқотади, ҳар лаҳза Оллоҳ дийдори ва муҳаббати куйланган ўша китоб иштиёқида куйиб-ёнаваради, муштоқлигу соғинч дийдасини ўртаб-ўртаб юборади. Охир-оқибат дилида Яратган эгам ишқи билан китоб ишқи қўшилиб кетади-да, бойловда масиқиб ётган саманини эгарлаб, қариялардан оқ фотиҳа олиб, йўл танобинини тортади. Дастваб шамол каби елиб Туркистонга боради, улуг муаллиф қабри тупроғини ўпади, айни пайтда излагани изида тузоқ кўяди, уриниши фойда бермагач, иссиғу совуқни писанд қилмай, бедовини елдир-елдира Хуросон орқали Эрону Румга ўтади, омади кулмай, руҳи синиб бедов жиловини ортга буради.

Буни қарангки, қози Муҳаммад Валихон кўнглида бир дунё андуҳ ва армон билан чайқалиб оқаётган Амудан ўтганда карвонга тарғил туя минган, қомати қўлидаги говрондек эгилган, қотма бетини ажин шудгор қилиб ташлаган чол қўшилади.

Шўрлик бетобга ўхшайди, шу боисданми ҳаддан ташқари инжиқ бўлиб, ҳеч кимса яқинига йўламайди, энг орқада, кўзларини чирт юмганча, бир маромда тебрана-тебрана уловини лўкиллашиб боради. Аҳён-аҳёнда, кўпинча ҳордиқ пайтлари, беихтиёр орқаси тутган бахшидек жазавага тушиб, юракка жизиллаб тегадиган қанақадир назмий ўғитларни хиргойи қилади. Дарҳол карвон аҳли атрофини ўрайди, айримлар алоҳида ихлос билан томирлари сарғайган қўлини ўпади, бировлар ҳўнграганча ҳар жойи ямалган чакмони этагини тавоф қилади.

Тез орада авлиёдек обрў-эътибор ва иззат-икром топган кекса йўловчини қози Муҳаммад Валихон ҳам алоҳида қизиқиш ва эҳтиром ҳисси билан кузата бошлайди, ниҳоят билсаки, Мўйсафид қачондан бери ўлиб-тирилиб излаб юргани — «Девони ҳикмат» байтларини куйга солиб айтар ва энг тошпороқ одамни ҳам бўзлатар экан!..

Энди қози Муҳаммад Валихон мурувватли Тангри ёрлақгани ва омади чопганига имон ўтиради, сира иккиланмай қария муридига айланади, бинобарин, ўша бебаҳо жавоҳир хуржунида турганини билгач, бирдан оёғига йиқилади: отагинам, ҳозироқ роппа-роса минг тилла санаб бергум!

Чўккан талғир туяси ёнида нон кавшаганча ҳордиқ олаётган Мўйсафид қировлаган бароқ қошларини уйириб, кўксини қоπλαган қордек оппоқ соқолини силай-силай узоқ сукутга толади. Тароқи хуржундан пойига жиринглаб тўкилаётган жарақ-журуқ тангаларга зигирча эътибор бермай, мийиғида сокин кулади: эй, Тангри суйган йигит, қулоғинга қуйиб олки, сармоя нафсни қондиргай, дил ташналигини босишда ожиздир!..

— Ёппирий! — ёқа ушлади уста Ризо. — Во-оҳ, хувари-я!..

— Э, доим гапни белига тепасиз-да! — оғриниб тўнғиллади уста Жамшиддин. — Ҳимм, кейин-чи?

— Кейин... карвон яна йўлга тушган ва ҳафта нариберисида навбатдаги манзилда қўнган. Хомуш ўтирган

отамни иттифоқо ёшроқ савдогар суроқлаб келган ва жон таслим қилаётган бир мўмин сўраётганини айтган...

Бўлмани зил-замбил жимлик қаърига тортди ва бу жимликни ногаҳон Собир Қамарий бўғзидан узилиб чиққан залвар хўрсиниқ бузди, айна пайтда аста-секин елкалари силкинар, қароқларини жовиллаб ҳалқа-ҳалқа ёш қоплаган эди.

Хонадон соҳибини жунбишга келтирган орзиқиш тафтини бутун давра аҳли, жумладан, уста Жамшиддин ҳам теран туйди ва дили ағдар-тўнтар бўлиб кетди; нуқул «Девони ҳикмат»ни бағрида авайлаб юрган чол гавдаланар эди хаёлида...

Ажабо, шунга ўхшаш ғалати бир эврилиш Шамсиддинда ҳам кечаётган эди. Олисларда қолган манзара гўё шиддатли йўсинда хаёлига ёпирилди: барини аниқтиниқ тасаввур қилиб бошқача руҳланди ва ғойибда — қиру дала оша йўртаётган талғир туя ортидан кезиб юргандек бўлди.

Шамсиддин ҳарир парда ичра ҳаллослаб чопачопа ўлгудек чарчайди, тили оғзига сиғмай, қулоқлари ғувиллаб, аъзои баданидан қора тер қуйилади. Ҳар замонда Мўйсафид бурилиб қарайди, охири раҳми келиб, уни туясига мингаштиради. Не-не манзиллар ортда қолади, лекин чол чурқ этмайди, фаҳат безовта юраги нидо бериб туради. Элас-элас янграётган овоздан ўғлон Мўйсафид ёруғ дунёда ёлғиз яшашини билиб олади.

Чиндан у ёруғ дунёда сўппайиб танҳо умр кечирар, муқим яшайдиган қўналгаси йўқ эди, яхши-ёмон кунида суяб-ардоқлаган туғишганлари ҳамда ёру биродарлари алақачон омонатларини топширишган эди: уларни ҳатто эсламас, сўнгги нафасига қадар жаҳон кезишга бел боғлаган эди.

Мўйсафид ёлғиз эди, ёлғиз яшашга кўниккан мудом, бирдан-бир содиқ ҳамроҳи, жунлари тўкила бошлаган талғир туядан ташқари, Оллоҳ меҳри билан йўғрилган Сўз эди. Муборак Сўз Қодир зот ва Инсон тоабад ҳабиб эканлигидан огоҳ этарди, қолаверса, жо-

нини бало-қазодан асрарди, чорасизликда чора топиб берарди, севинч ёки гурурдан тошганда босиб қўярди, адашса йўл кўрсатарди, ҳатто чанқаганда суви, очиқ-қанда нони, совқотганда олови эди.

Сўз ҳамон қудратли, ҳамон турли азоб-уқубатни кўндаланг қилаётган ҳаёт билан беллашишга қодир эди. Аммо энди у бурунги Мўйсафид эмасди: Худо тарафидан буюрилган йўлда охири қаттиқ толиқди, қариб-чуриб белидан мадор, кўзидан нур ариди. Энди Сўз ёнида қолиб, у билан ҳамкорлик қилишга ярамайди, энди мачит кунжанини эгаллаш, меҳроб пойида тиз чўкиш, беш ракат намоз ўқиб, тинчгина Аршга юкунишдан бўлаги ортиқча туюларди.

Ёруғ дунёдан армон орқалаб кетиш улкан мусибат, буни теран англаган Мўйсафид дарада туясини қантариб, қовжираган майсада мук тушганча, бўзлай-бўзлай Худога ёлборади. Тангри таоло мурувват кўрсатиб, вақтисоатида нияти ушалиши ва охират сафарига хотиржам жўнашига умид боғлайди. Кўп ўтмай илтижоси Фалак соҳибига етади: пойида барваста қоматли, пешонаси кенг, йирик-йирик кўзлари заковат нуридан ойдин йигит—қози Муҳаммад Валихон қўл боғлаганча тиз чўқади...

— Дада, — энтикиб шивирлади Шамсиддин, — олисда кимдир куй чалмоқда!..

### III

Мозийдан ғойибона ташриф буюрган Мўйсафид билан ўғли каби ботиний арзу ҳол қилаётган уста Жамшиддин юмшоқ ва ҳорғин кулди, негаки, шу палла унинг қулогига, куй аралаш, элас-элас карвон қўнғироғи жингир-жингири чалинаётган эди. Бир муддат май тановул қилган каби сархуш ўлтиргач, ўғлидан нигоҳ уздида, навбат сизга маъносида мулла Аҳмадга қаради.

Ҳалидан бери сукут сақлаб, сонсиз жилдлар оламида адашиб юрган мулла Аҳмад бафуржа қаддини

ростлади. Ҳар ҳолда у ҳаётини соз ва навосиз тасаввур қилолмас, мудом бирон янги тарона оғушида овунар эди. Сал илгари Регистон яқинидаги йирик оқартув ўчоғида елиб-югуриб «Шашмақом» уюшмасини тузгани ва атрофида эпли шогирдлар тўплагани бежиз эмас. Ҳатто топган-гутганини аямай уларга ҳомийлик ҳам қиларди; кун ора бўладиган машғулотларда бор билими ва тажрибасини аямай сарфларди

Мулла Аҳмад нигоҳида игна учидек нозик учқун ёнди ва нохун кийдирилган кўрсаткич бармоғи қонун симларидан бирига астагина тегди, тегаркан, жоду аралаш бир нолиш таранг жимликни тилимлаб юборди.

Нозик дид билан ясалган, аввалидан охирига қадар майда-майда садаф зарб қилинган чолғу бийрон эди, росттўй эди, эшила-эшила сўйлардики, эй, инсон, узоқ мозий билан юзлашмоқдан ҳеч қачон чўчима, шундагина юпанасан, жўмардлик ва савоб мангу яшаб қолажанини, мартаба ва шуҳрат эса пуч ёнғоқ тахлит арзимас эканини эътироф этиш учун ўзингда куч топасан!..

Сим-сим ингранаётган куй симиллабгина тинди, давра аҳли билан мусоҳабага киришгани ва дилларни овлаганидан мамнун қонун бўғзидан зарб билан отилиб чиқаётган нола ҳолсизлана-ҳолсизлана хона деворлари ва китоб тахламларига сингиди. Зилдек жимлик чўккан ҳамона олқишлар жоладек ёғилди, мақтовлар орасида устоз таърифи алоҳида жаранглаб эшитилар, ўктамона ва хайрихоҳ овозидаги ишонч барчани икир-чикирларга ўралашиб қолмасликка ундар эди.

— Азизлар, бугун мавриди экан, яна бир нақл эшитинг, — давра аҳлига бирин-сирин нигоҳ юборди мулла Аҳмад. — Қалам қадимда дастлаб оқ қоғозга Худо билан Одам номларини битганини биласиз. Қутлуғ бир айёмда тагин ваҳий келган: «Тарих ёзилсин!» Етмиш минг йиллик сукутдан кейин Қалам ҳарчанд уринса ҳам бир натижага эришолмаган. Энди Тангри ўзи узундан-узоқ ўйлаган ва охири бир нозиктаъб чолғу-созни ишга солган...

— Офарин! — деди уста Жамшиддин, хаёлида озгин Мўйсафид жонланиб. — Худойим карами кенг-да!...

— Хулоса қани, мулла? — нигоҳини олиб қочаркан, илмоқли савол отди уста Ризо. — Ёки мушук еб қўйдими?

— Мунча шошасиз, биродар, онангизни қорнида тўққиз ой қандоғ чидагансиз? — бафуржа кесатди мулла Аҳмад. — Индалло, ўша созанда Тангри таоло амрини сидқи дилдан бажарган. Меҳнати мевасига маҳдиё боқиб, ушбу Қонуни муборак бўлур дея эълон қилган. Мўъжизакор чолгу Қалам билан дийдорлашган ва ҳузурида етти кечаю етти кундуз тинмай нолиш қилган. Ҳар бир куйидан Қалам руҳланган, бир поғона ўсган, куч-қувватга тўлган ва Худо билан Одам тарихини равон ёза бошлаган...

Ҳайрат ва ҳавас оғушида қолган давра аҳли яна олқишу мақтов ёғдирди. Қалам билан Қонуни муборак дўстлиги барча дилларга хушнудлик бағишлаган эди. Қай маҳалдир уста Қурбон тарафидан маълуму машхур «Ёввойи танавор»га талаб тушди. Андак паришон ўтирган мулла Аҳмад кафтини кўксига босганча розилик билдирган ҳамоно эшик тирқишидан кўзлари ола-кула бўлиб кетган Ҳилола отин мўралади:

— Қочингиз, тезроқ қочингиз!..

Кимдир ичкаридан танбаланган дарвозани таёқ билан зўр бериб қоқаётган эди, тўхтовсиз гумбирлаш аксадо бериб баралла эшитилар, аллатовур ваҳимали туюлар эди. Шаҳарда изғиб юрган исковичлар нафасини сезишди. Тўғриси, ҳамма даҳшат ичра тахтадек қотиб қолганди, ҳатто унча-мунча қўрқувни писанд қилмайдиган уста Жамшиддин ҳам ҳайкал сувратида эди. Ташқарида нимадир айрича қарсиллагач (тўшпонча отишди шекилли), устоз хавотири тагин ортди-да, бўздек оқарган Шамсиддинни билагидан ушлаб пастга отилди. Ортидан етиб келган мулла Аҳмад ва бошқа меҳмонлар билан бирга, катагини тарк этган кучук вовуллаши тутган ҳовлини кесиб ўтди ва ошиғич хуфия дарчани очди...

Тахминан ярим соатдан кейин ота-бола, совуқчилик билан поёнига етган мажлисни ўзларича муҳокама қилган кўйи, бир ўринда тез, бир ўринда сокин оқади-ган анҳор ёқалаб одимлар эди. Анҳорда фалакни тўлдирган митти фонуслар, ола-байдоқ булутлар тўдаси ва дарахтлар лашкари акси килкиллаётир. Сал қуйироқда оқшом осудалигини бузиб, қачон қурилгани номаълум кўҳна тегирмон гулдирар, яна қайдадир инидан жудо бўлиб тинчини йўқотган ҳаққуш қичқириғи янграр эди.

Бу мавзеда ягона тегирмон одамлар мушкулани беминнат осон қилгувчи, ризқу насибаларига барака эндирувчи аломат кўрғонга ўхшарди. Вақт саҳарга яқинлашган эса-да, парда тутилмаган тор-кўримсиз деразаси ёришиб турарди, демак, қартайиб қолганига қарамай дунё ҳавасларига тўймаган Умар чол ҳали уйғоқ, жимжит ҳужрасида мук тушиб ё Тангрига юкунмоқда, ёки қироат билан машғул; падари Нусрат ҳожи мадраса мударриси бўлгани туфайли вақтида китобга астойдил боғланиб, дунёвий ва руҳоний билимлар уммонидан имкони борича жавоҳир терган эмасми, эндиликда доим Собир Қамарий қироатхонаси, ора-чорада мулла Ражаб ёки устоз бисотидан ҳар хил мажмуаларни сўраб олар, ҳижжалаб ўқиб чиққандан сўнг, бир ерига гард кўндирмай, дуо қила-қила қайтариб берар эди.

Уста Жамшиддин ибратга молик шу фазилати учун Умар чолни алоҳида ихлос ва иззат-икром билан ўзига яқин тутар — қадрлар эди; кўпинча ишдан қайтишда мамнун қиёфада тегирмон сари бурилар, ярим тунгача ун иси ўтириб қолган кулбада чойхўрлик қилиб, пасту баланддан баҳс ва мунозара юритар эди.

Ҳозир ҳам бир кўнгли тегирмон сари бормоқчи бўлди, лекин тезда фикридан айнаиди. Бирламчи, ҳозир ичи тирналиб, аъзои бадани ғалати увишиб, томирларида недир лоҳаслик ҳукм сураётган эди; иккиламчи, уззу-кун баҳори ёки тирамойи буғдой янчиб, гўзапоя чўғида ширмой нонлар пиширадиган келинлари ва қизларига қарашиб чарчаган қарияни безовта қилишни истамади.



Собир Қамарий хонадонида рўй берган нохушликни ақлига сиғдиролмайд қолган устоз аввал чархдан анча нолиди, кейин бирдан тинчиб, ҳовлига етгунча чурқ этмади. Мияси бир бурчини Мўйсафид билан топишган ва Қуръони карим ҳамда Ҳикмат девонини қўлга киритган қози Муҳаммад Валихон, Қалам тилини бурро айлаган Қонуни муборак, яна бир бурчини пойлоқчилар ташрифидан чўчиб кетган Собир Қамарий ва мулла Аҳмад банд қилган эди.

Ўша кеча устоз тайинли мижжа қоқмади, таажжубки, ярим тунда ҳожат учун чиқиб, айвоннинг нозик нақшлар чекилган устунига омонат суянган кўйи ярақлаб очилган осмон буржларини кузатаётган ўғлини кўрди...

Ҳамиша кечқурун чўзилар-чўзилмас тарашадек қотиб қоладиган Шамсиддин ҳам уйқусидан адашган эди. Отасига ўхшаб нукул гоҳ Мўйсафид, гоҳ Қалам билан Қонуни муборак, гоҳ қози Муҳаммад Валихонни ўйларди, баъзан кўз ўнгидан ногаҳон авзойида нафрат зуҳурланган Собир Қамарий, эс-ҳушидан айрилаётган мулла Аҳмад жилмасди.

Шамсиддин еру кўкка сиғмасди, юраги потирлаб бодроқ-бодроқ юлдузларни томошалаб турганда эшикдан отаси чиқди ва қаён қочарини билмай довираб қолди, отаси нима сабабдан бедорлигини сўраганда ноилож тўқиди: сигирга хашак бермоқчиман. Сўнг оғил сари одимлар экан, ёлғони учун Худодан афу тилади, тонг арафасида онаси солиб қўйган юмшоққина тўшакка қайта киргач, сал мизгиди ва тушида талғир туя минган Мўйсафидни кўрди.

Соч-соқоли қордек оппоқ нуруний қария, боши узра заранг говронини силкита-силкита, юлғуну шувоқ қоплаган, тўрғайлар хониши тўлдирган поёнсиз чўл ора-лаб елади. Фалакни болиш қилган сурмаранг чўққилар этагида ниҳоят талғир туяси-дан тушади ва пешвоз келган хуш қоматли, ранг-рўйи беғубор, боқиши тик йигитга илдам қучоқ очиб буюради: жигарим, кўз қорачигидек асрагайсан Сўзни!..

Жарангдор нидо дала-дашт узра акс-садо беради ва Шамсиддин сачраб кетади, қараса, аллақачон бир аргамчи бўйи кўтарилган қуёш оламни сутдек тоза нурида чаймоқда, ҳовли этагида даканг хўроз ва мокиён товуклар дон таллашиб қу-қуқлаётир, шол рўмол ўраган онаси арқон дорга илинган шолча ва олача гиламни чўп билан тарс-тарс қоқмоқда. Агар яна сал кечикса, бомдодни тушириб, нонушта қилиб улгурган отаси ҳайё-хуйт деб Регистон сари жўнаб қоларкан...

Кеч куз эмасми, муаззам шаҳар асосан заъфарон ва жигарранг либосда, айрим тарвақайлаган дарахтлар шир ялангоч — хиёбонлар ва кўчаларга дув-дув тўкилган хазонлар тўшалган. Ора-чорада оч қашқирдек изгирин увлайди, тўда-тўда ҳайбатли булутлар тўсган осмон саҳнини аргамчи солиб турналар карвони кесиб ўтади; юксаклардан элас-элас келаётган хонишлари алақайси дил ўртовчи куйга ўхшаб кетади, ким билсин, кеча мулла Аҳмад чалган куйгами?

Саёҳатчи қушлар олис уфқда, кумушдек товланаётган сароб пардаси ортида кўздан йўқолган пайтда Шамсиддин Шердор ҳавозаси ёнида паришон турар, хаёлини қўлдан қўлга ўтиб келган Қуръони карим билан Ҳикмат китоби ва Қаламга меҳрини берган Қонуни муборак эгаллаган эди. Бари сирли туюларди, ана шу сир тагига етиш нақадар мушкул эканлигини ўйлаб, гоҳида дили тубидан чиқариб хурсиниб қўяр, сал нарида бугун адо этиладиган юмушни чама қилаётган отаси ўзи сари ажабсиниб тикилаётганини сезмас эди.

Шамсиддин илгари босган чоғда, отаси гавжумлаша бошлаган майдон ўртасида маъюсланиб ўйга чўмганди. Ўша тарафга ошиқиб буриларкан, ногоҳ борлиги чайқалгандек бўлди. Доим шунақа: отаси оғанини обидалар билан ҳасратлаша бошлаганини билдими, бутун жисми-жонида недир ғалаён қўзғалади.

— Ёдингда тут, Тиллакори кўпроқ азият чеккан.

— Нимага, дада? — ажабланди Шамсиддин.

— Ўтган аср охирида бўлган талон пайтида зар нақшларини қиртишлаб олишган!..

— Кимлар, дада?

Бехос тўнини тескари кийган уста Жамшиддин, жавоб беришни истамай тўнғиллади-да, хиёл қаварган ва ёрилган кафтини оғзига босди. Ҳайтовур ичида нимадир оғир-оғир кўчиб, суягига қадар симиллаб кетгани англашилди. Қайроқ тош тўшалган саҳнда афтодаҳол кезинар экан, гоҳо пичирлаб кўкка ёлборар, гоҳо бош тебратиб кўксини ушлаб-ушлаб қўяр эди. Чиндан Худодан нажот тиларди, мана бу обидалар бошини чуллаган, аниқроғи, шаҳарда изғиётган офатни Тангри таоло даф этишига ишонарди.

Уста Жамшиддин мабодо қўрқса, ўз жисми бир ҳовуч кулга эврилишидан эмас, ёлғиз суянгани Шамсиддин ўн гулидан бир гули очилмай сўлишидан қўрқади. Дамбадам хитой деворидан қолишмас девор панасида хуфия кучланаётган довул бутун борлигини ўраётгандек туюлар, шу довул дилида асраб-авайлаб келган ҳамма нарсасини охир-оқибат кунпая-кун қилиб ташлаши мумкинлигини тахминларди. Ҳатто наздида алақачон Қуръони карим, Ҳикмат китоби йўлида тузоқ қўйилган, эзгу сўз ва эзгу амал ҳомийлари саналмиш Қалам билан Қонуни муборак нишонга олинган. Мана шундан барчани огоҳ этиши керак, мусибат нимадан иборат эканини биринчи навбатда Шамсиддин қулоғига қўйиши лозим, токи ўткинчи дунёда яхшилик билан ном қолдириш фазилати, адолат билан ёвузлик ораси бир қадамлиги, пасту баландни ажрим қилиш ва диду фаросатни тарозига қўйишда бобомерос осори-атиқалар асқотиши хусусида теранроқ тушунча ҳосил қилсин.

Дангали, тетапоя бўла бошлаган барча шогирдларини қанотига яқинроқ тортиши қарзу фарздир, жумладан, ўғли билан элакишиб кетган Иброҳимни қайта-қайта тергаши зарур. Кейинги вақтларда ярамагур чап бермоқда, адашмаса, отаси Шариф урфон чизган чизикдан юраётир.

Аллақачон сезді: бугун ҳам қорасани кўрсатмайди ёки кечикиб келади, агар шунақа қилаверса аяб ўтирмай думини тутиб юборгани тузук. Ажойиб ҳунарини мерос қилиб қолдирган уста Фазлиддин Латифий бир суҳбат баҳона, бетига чарм қоплаган шогирддан Худойим ўзи асрасин, деб ёзғиргани ҳамон ёдида...

Уста Жамшиддин торгина ҳужрага кириб, кўнглини ўртаётган ғашликни аранг босиб, қурилиш ва таъмир бобида етакчи муҳандис саналган уста Мирсаид тарҳини кўздан кечирди. Бир қарашдаёқ тарҳ сифати паст арзон қоғозда ёрти-юрим адо этилгани, амал билан мувофиқ эмаслигини билди-да, тўрсайганча бош чайқади; қайси бир қўли ўнглиниб қолган шогирд чизмасидан ҳам қониқмай таъби хира тортди. Бугун уста Мирсаидга жиддийроқ танбеҳ беришни кўнглига тутиб ташқарига ошиқар экан, кўзи ўзаро ҳазиллашганча етаклашиб келаётган камарбаста йигитларга тушди, афсуски, улар орасида Иброҳим йўқ эди.

Шамсиддин ҳалиёқ отаси ортиқча безовта бўлиб койинаётгани сабабини пайқаган, бинобарин, қуриб кетгур жўраси қуюшқондан чиқаётгани учун ўзи айбдордек эзилаётган эди. Ахир, интизом ҳаммага баробарлигини, устоз дилини оғритиш гуноҳи азим эканлигини неча маргалаб айтди, лекин у эшитмайди — қулоғини гўё том босган...

Отаси каби Шамсиддин ҳам Иброҳим инсофга энишидан умидини чилт узганди. Ўйлайвериб хитланиб кетди, ҳатто мавридини топиб орани очиқ қилишни мўлжаллай бошлади. Кўнглига қил сигмай сўкиниб турувдики, айни тушлик пайтида, бўйнидаги айбини унутган жўраси, оғзи қулоғига етиб, босар-тусарини билмай келиб қолди. Худо ҳақи, оёғи ерга тегмасди — қанот боғлаган қарчиғай дейсиз; ёноқлари кўпчиб қизарган, кўзларида бир олам қувонч порлаётир. Ҳатто туппа-тузук ясаниб олганди: кўкиш-тўтарак бахмал дўпписи, зира беқасам чопони, ипак ҳошияли сахтиёний этикчаси тўлагина қоматига ярашиб тушган эди.

Изгиринни назар-писанд қилмай одимлаётган Иброҳим тавозе билан қуюқ салом берди, ҳатто сўрашар чоғи овозини бир парда кўтаришни лозим топди, тушуниш қийин қанақадир чулчутча сўзларни қайта-қайта такрорлаб, қинғир-қийшиқ тишлари оқини кўрсатиб жилмайди. Охирида мийиғида синиқ кулимсираб турган устозни қучоқлади, бичимини келтириб узр сўради-да, кечиккани сабабини орага қистирди.

Маълум бўлдики, эртадан бошлаб аллақачон русумга кирган мактабга қатнаркан, турли-туман илмларни сув қилиб ичган ақли расо кишилар қўлида таълим-тарбия оларкан. Бугун эрталаб мактаб ҳовлисида катта йиғин бўлибди, ана шу йиғинда отаси Шариф урфон ва бошқалар табрик сўзлари айтишибди. Кейин ажойиб ва ғаройиб нутқлар пуфлаб ва чўқиштириб чалинадиган тўқ сариқ тусли темир чолгуларнинг гумбирлаган садоларига уланиб кетган...

— Яқин-орада Шамси иккаловинг роппа-роса ўн бешни урасан, — недир гашлик туйиб сўйлади уста Жамшиддин. — Лекин ҳамон ғўрсанлар, шамол эсишига қараб эгилишларинг мумкин.

— Истамасак-чи?! — илжайди Шамсиддин.

— Бу ишинг яхшику-я, лекин синдиришади-да. Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Асли менга қолса, ўша ислоҳни ўйлаб топган топағонни минордан улоқтирар эдим. Ахир, миямиз ҳам, дилимиз ҳам минг йиллар давомида эскисига мослашган. Гуркираб турган дарахт-ни бошқа жойга кўчириб ўтқазиш бефойда!

— Қанақа дарахт? — деб ғулдиради Иброҳим.

— Э-э, жияним, хў-ўш, хуржун савил бў-ўш!..

Шундай дея, синиқ кулиб, уста Жамшиддин Шердор мадрасаси ичкари саҳни бурчида чоркунжак шаклда тизза бўйи кўтарилган ганчсувоқ супа — кенгина тахбин сари ошиқди.

Теварак-атроф ивирсиган: ҳар ерда катта-кичик, рангли-рангсиз кошинлар тўдаланган, унда-бунда омонат ясалган ёғоч курси, ганч қотишмаси ёпишган то-

гора, дастаси силлиқ теша, ип билан ўралган газчўп ва шовул кўзга чалинади.

Асли амал учун рангин кошинларни кўзи анча очилиб, уқуви пешланган шогирд, кўпинча эса кундалик жараёнда узоқ муддат қобилиятини тоблаган ёрдамчи уста ҳозирлайди. Аввалдан таомилда бўлган бу қоидани устоз чўчимай-қисинмай бузди. Талаб жиловини бўш қўймаган ҳолда, умрида тахбин ёки ганч нималигини тузукли билмаган, теша ёки чархни ушламаган қанчадан-қанча жўжалар учун йўлни бемалол кенг очди.

Эндигина тухумдан чиққан Шамсиддин билан Иброҳим ҳам не-не ниятлар билан шулар қаторига қўшилди; ҳар неки амалда иккиси ҳам устозга тақлид қиларди. Гирдлари шаклга солиниб нафис йўнилган кошинни мураккаб лойиҳа бўйича тахбинда териш бобида Иброҳим анча чапдастга ўхшарди. Буни ўзи ҳам бир қадар сезгани боис ортиқча гурурланар, ҳатто гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона дўстини масхаралар эди.

Кейинча эса, ўзи айтганидек, Иброҳим таомилга кирган янги мактаб ҳаётига бутунлай шўнғиди чоғи, зиммасидаги шогирдлик бурчини деярли унутди, бинобарин, устоз амалиёт билан қўшиб ўтказадиган машгулотларга хоҳласа келиб, хоҳламаса келмади.

Шунинг учун ҳам энди Шамсиддин жўрасини эс-ламасликка уринар, айна пайтда кўнглини ҳавасга ўхшаш бир туйғу чулғаб борарди, бу туйғу кун сайин оғизга тушаётган мактабни бир кўриш истаги эканлигини ҳозирча билмасди.

Баъзан эса кўнглида ногаҳон Иброҳим недир гашлик билан айтган пичинглар жаранглар, шунда ўзини қўйгани жой тополмай бўғилар, мабодо эрта ишончни оқламасам нима бўлади, деган ўйдан қийналар эди. Кейин мийиғида кулади, кўнглидан барча шубҳалар ва хавотирларни ҳайдаб, фавқулодда гайрат-шижоат билан кошин тарошлашга киришади. Ахир, ёруғ дунёда ким мақсадига осон етибдики, у етсин. Наққошлик игна билан қудуқ қазишдек мураккаб ҳунар эканли-

гини тушуниши лозим. Бас, нима бўлса ҳам тишини тишига босиб чидайди — сабру бардошини ишга солади, токи эрта элу элат орасида бобоси ва отаси каби ном қозонсин...

Шамсиддин осори-атиқалар пойида суяги қотган, ҳар бир нақшни кўксига зарб этган отасини тоғдек суянч санарди, олтмишни қоралаган қиблагоҳи эсини танигандан бери мисқоллаб тўплаган обрў-эътибор кўнглини ўстирарди. Айниқса, у бошқариб келаётган амри маъруф давраси довруғи чор атрофга ёйилганини ўйласа, руҳи беҳад юксалади, ахир, ушбу кичик жамоа таъби нозик кишиларни жамлагани нақадар эътиборга молик, муҳими, улар бариси баланд мақомларга эришган ва ҳаётдан ўринларини топишган зотлар — қорин эмас, қадр учун йиғлашади.

Шамсиддин бир ҳолатдан яна ҳам ҳайратда: фақат Самарқанд музофоти эмас, бу ёғи Бухоройи шарифдан то Хоразм тупроғига қадар, бу тарафи Тошкандан Андижону Фарғонага қадар маълуму машҳур валинеъматини жамики ошналари қошида ўзини иложи борича хокисор ва камсуқум тутуди ва улар кўнглини яхшироқ овлаган кунини дунёдаги энг бахтиёр, энг омадди одамга қийёслайди. Падари умуман ҳалимликни одат қилган, шунинг билан бир қаторда, қачон қаҳру ғазаб отига минини яхши билади, аҳдида турмаган ёки тарози палласига қараган кимса билан иккиланмай орани узади...

#### IV

Ўша кунини сонсиз китоб йиғилган қироатхонада жонон суҳбат интиҳосига етмагани боис Шамсиддин ҳамон афсус-надомат ўтида қоврилади, айниқса дилда ажиб ҳислар уйғотадиган «Ёввойи танавор»ни эшитолмай қолганини эсласа, бемаврид эшик қоқиб келган номаълум касларни кўтара қилиб сўқади. Ахир, аломат даврада ақду идрок зиёси ва дил тафтини ту-

йиб, нақадар маза қилиб ўтирарди. Мазмунан бири-бирини тўлдирган қўшалок ҳикоят баҳсу мунозарага алоҳида шукуҳ бағишлаган пайтда бари бузилди, юрагида ўрнашган завқу шавқ ўрнини қўрқув аралаш армон эгаллади. Фақат ўзи эмас, ҳатто отаси ва бошқа меҳмонлар ҳам шошиб қолишганини сезаркан, тамом ваҳимага тушди.

Сабабики, кейинги кунларда шаҳар кунботарида, қайсидир завутга ёндош қад ростлаган, баъзи ҳазилкашлар алвастилар уясига тенг қўядиган маҳкама биносининг каламуш-сичқонлар ҳам туrolмайдиган хужраларига ҳар ким юмалоқ-ёстиқ қилиб тиқиб ташланаётгани ҳақида турли миш-мишлар эшитганди. Ярим кеча ёки тонг арафасида аллакимлар шўри қисган, айби нималигини билмаган одамларни апир-тапир қўнғизнусха машиналарга қопу қанордек босиб, оху воҳини эшитмай олиб кетишаркан, яна чатоғи, ўшалардан кўпчилиги сувга тушган тош каби ими-жим йўқоларкан...

Ҳартугур илкис бошланган тўполондан Шамсиддин эловсираб қолган ва гўё нимадир кўксини қиймалаб юборган эди, тинчини йўқотган ҳовлидан узоқлашиб, отаси изидан интиларкан, ҳар бир ҳужайрасида титраниш сезарди. Умар чол тегирмонини ёнлаб, уйлари бўсағасига етганда ҳам гарангга ўхшар, қалампир тиқилгандек бўғзи ачишар эди. Ногаҳоний изтироб туфайли анча муддат ўзига келолмай юрди, яхши ҳамки кейинча аста-секин жами нохушлик тасаввуридан узоқлашди ва бошқатдан тум-турақай бўлиб кетган файзли давра сари қайтгандек бўлди.

Ёлғиз кезлари Шамсиддин ҳеч кимга кўринмай ўшанда кечган баҳслар барисини, майда-чуйда тафсилотигача, хаёлидан ўтказишга уринади ва ҳар бир эслгани такрори йўқ айрича янгилик бўлиб туюлади. Хусусан Собир Қамарий билан мулла Аҳмад ташаббуси туфайли даврани ажаб шукуҳ қамраганини алоҳида эхтиром ҳисси билан хотирлайди ва ўзини гўё Қалам билан Қонуни муборак ёнида кўради. Кўпинча шундай ажиб кайфият



оғушида ҳавоза орқали Шердор мадрасаси тепасига кўтарилади, бирпас шаҳар манзарасини кузатгач, ғадир-булдир саҳнда чалқанча ётади-да, тирамоҳнинг укпар булутлари пахтадек сочилган фалакка тикилади, хаёлан аввал бургут мисоли боғу роғларга бурканган мовий водийлар бўйлаб тўхтамай учади ва ахийри бутун вужуди билан жимир-жимир товланаётган ложувард-нилий бўёқларга сингиб кетади. Сўнг парвоз қила-қила бирдан қуйига шўнгиб, поёнсиз кенгликдан иборат мамлакат билан юзлашади, бир тарафини теран сукунат қоплаган, бир тарафида довул гувиллаётган бу ғаройиб мамлакатда узоқ кезинади, эринмай ҳар бир қаричини назардан ўтказилади. Ҳар ниманики учратса, ҳар нимагаки ҳавас қўйса, хотирасига ўрнашиб қолади.

Ана, ғойибона суйиб-меҳр қўйиб қолгани — қози Муҳаммад Валихон, юлдузни кўзлаган учқур бедов белида, тилла қошли ва фил дандонли эгарда кўниб, бир маромда тебраниб боради, попуқлари ипак тароқи хуржунида бутун бошли хазина — Қуръони шариф билан биргаликда Ҳикмат китоби!...

Уззу-кун кўкда тинмай тер тўкиб толиққан қуёш қизара-бўзара ётоғи сари энади ҳамки, Шамсиддин муаззам шаҳар безағи ва кўрки саналган, ер қаърига томир отиб кетган обида елкасида мушоҳадага берилганча чўзилиб ётади. Қавснинг изғиринли совуғи жонидан ўтса ҳам, ишини тутатган отаси барча шогирдига ижозат бергани ва ўзини сўроқлай бошлаганини билса ҳам қимир этмайди.

Энди магрибдан ёпирилиб келган шафақ ёғдулари ичра тагин бошқача эврилишлар кечади дилида, ҳатто қони томирларини ёриб чиққудек жўшади, ногоҳ гўё ғойибда истиқомат қилувчи Мўйсафид руҳи нидо бериб, хаёлидан қози Муҳаммад Валихон қиёфаси қаёққадир чекинади ва хаёлида қадимдан ҳам қадим замонда ночорлик қошида ночор қолган Қалам гавдаланади...

Ҳали ўшанда курраи арз эндигина она қорнидан тушган чақалоқ мисоли бокира ва покиза эди, ҳали

нафақат мавжудотлар, ҳатто дарёлар ва уммонлар, тоғлар ва саҳролар, бўёқлар ва оҳанглар ҳам осуда ухлаётган эди. Сўнг бир силкиниб уйғонган ернинг хилват гўшаларидан бирида Одам билан Ҳаво дийдорлашди ва тирикчилик араваси ўнқир-чўнқир йўлдан олис сафарга жўнади.

Энди Арши аъло турмуш тарзи жадал ўзгариб, фалак ва замин қиёфасини нур билан соя қоплади; айнан шу иккилик замирида турли қутблар ва турли унсурлар зухур булди.

Шу боис Олий нишонли тахт соҳиби саҳобалар ва малоикалар орқали жаҳоншумул ҳодиса тарихини ёзиш хусусида ерга ваҳий йўллади. Муборак ваҳий ижроси тагин Қалам зиммасига юклатилди. Илгари, Тангри ва Инсон исми-шарифини иншо этиш вақтида, жами имконини сарфлаб толиққан Қалам энди чорасиз қолиб, ғам-андухга ботди. Кеча-кундуз тинмай чеккан захматлари зое кетди. Ранг-рўйи саргайиб, қаду қомати букилди. Ноилож ҳаётдан бадар кетиш учун қасдланиб турганда, ҳузурига Қонуни муборак ташриф буюрди ва жонига ора кирди.

— Эй, азизим, вужудингда мудраб ётган руҳни уйғотиш тилагида келдим. Бугундан иккимиз ошиқмаъшуқмиз ва саодатли сонияда қовушамиз. Оқибат қирчилама йигитдек ёшарасан, куч-қувватга тўласан, илҳом оташи қонингни қиздириб, раҳмат нури йўлингни ёритгай. Тириклик дунёсида ҳурлик тимсоли бўлиб, истаганча шуҳрат топурсан. Фақат бошқа жиҳатдан қисинасан, очиги, роҳат-фароғат нималигини билмай ўтасан. Худойим қудрати ва Инсон қисматини таърифлай бошлаган онингдан Шайтон изингдан пойлаб, эртаю кеч авраб, дор остига судрайди!..

Бутун борлиқ сукут ичра қотади...

— Эй, Қонуни муборак, ортга йўл йўқдир. Умидимки, сен билан қовушсам фақат руҳим эмас, журъатим ҳам уйғонур. Номуҳимдан муҳимни ажрата олганимдан кейин ҳатто дордан ҳам қўрқмайман. Ҳадигим бошқа

нарсадан: ардоқлаб ўстирадиган фарзандим бўлмиш Сўзни Шайтон ўз маслагига мослаб олмаса!..

Еру кўкни яна жимлик қоплайди ва шу заҳоти Қонуни муборак вужудида нимадир қайнаб-тошади, бўғзидан эзгу ниятлар кулги бўлиб узилади, тез орада бу кулги бир эзгин, бир қувноқ хонишга айланади ва еру кўкни кўклам шабадаси тебратган япроқлар шивирлашини эслатадиган оҳанглар қамрайди. Ипақдан-да майин наволар аста-секин даста-даста нурдек эшила-эшила Қалам жисмига сингийди ва Қалам илҳом билан топишади.

Чиндан куч-ғайратга тўлган Қалам шу кундан бир сония тўхтамади: ёзди, ўчирди, ўчирди, ёзди. Оҳорли қоғоз узра кечган етмиш минг йиллик уқубатли ҳарбу зарб ниҳоясида Сўз камол топди ва бор бўй-бастини кўрсатди. Энди Сўз беҳисоб имкон, беҳисоб тимсолга эга эди; шулардан бири Ҳикмат девони бўлди.

Тез орада у каттаю кичикка танилди; аввало Қуръони карим ёнидан жой олди; сўнг хамсалар ва чордевонлар, дарвешномалар ва шоҳномалар, соқийномалар ва муҳаббатномалар, алпомишномалар ва зарбулмасалар, мухаммас-фахриялар... ва илму урфон мажмуалари қаторида етти иқлимни кезди. Ҳамма жойда дунёни озорлардан холи кўришни орзу қилган инсонга қайишди, жабру жафолардан бағри гирён гадолар ва дарвешлар мушқулини осон қилди.

Ахийри, Ҳикмат девони, қутлуғ бир дақиқада, тарғил туя минган жаҳонгашта дарвеш — Мўйсафид билан ошнолашди. Имон билан Сўз бир бутун нарса эканлигига амин бўлган қария уни жону дилидек азиз билди, Каломулло билан бирга, бағрида жавохирдек асраб юрди.

Вақт чўл кийигидек елиб ўтарди, умр шоми яқин келганини сезган Мўйсафид эса қайғу ютарди. Тамом чўкиб, куч-қувватдан қолган чоғида, Тангри таоло ёрлақаб, қози Муҳаммад Валихонга йўлиқди. Туёғидан ўт чақнайдиган бедов минган, қадди-бастиди ажаб бир шижоат акс этган йигит ниятини билгандан кейин

киприклари намланиб, Яратган эгамга шукрона айтди. Орзиқиб бораётган йигит тилла тўла хуржунини икки букилиб пешкаш қилганда астойдил ранжиди, ақлу идрокни уйғотадиган Сўз баҳоси йўқлигига ишора берди, то қиёматга қадар уни гард юқтирмай асраш одамзод учун бирламчи вазифа эканлигини такрор-такрор уқтирди...

— Ўғлон, ниятинг поклигига инондим, шу боис фақат Ҳикмат девони эмас, Қуръони каримни ҳам ихтиёринга бергум, — деди кейин қатъий йўсинда. — Шунин билки, булар оға-инидир, булар қиёматга қадар бирга бўлиши, соғу саломат қолиши керак.

Бирдан омади кулиб, орзуидаги мулкдан ҳам зиёда-роқ мулкка етишган қози Муҳаммад Валихон олдида кўндаланг бўлган бурчдан тонмади, аксинча, Мўйсафид ўғитидан рағбатланиб, Қуръони карим ва Ҳикмат девони ёнига ер юзидаги бошқа кўпгина дурдоналарни ҳам битталаб йиғди. Бу ишни тўқис-туғал битириш тилагида ихтиёрида бор жами тиллаю кумушни аямай сарфлади, етмай қолган пайтда қарз-қавола олишдан чўчимади.

Ахийри, жонини жабборга бериб тиклаган гаройиб кутубхонаси шаҳар кўрки ва фахрига айланди. Савоб файзи бўлакча экан: ундан баҳраманд бўлиш шарафига эришган каттаю кичик миннатдорлик туйғуси билан ҳақиқа дуолар қилур эди...

Ҳақ рост: улкан қироатхона бўсағасидан қишин-ёзин одам аримасди, оғизга тушган маърифат ўчоғи барчани оҳанрабодек ўзига тортарди; ёшу қари эркаклар ва ҳатто паранжи ёпинган қиз-жувонлар эртдан қаро кечгача гурас-гурас ёпирилиб келарди.

Шулар қаторига бўйи анча чўзилиб, мўйлаби сабзалаб, чеҳрасида жиддийлик акс этган Шамсиддин ҳам қўшилган эди. Вақт топган заҳоти, кўпинча ишдан кейин, ҳамма учун бирдек очиқ дарвозадан албатта мўралар, чеҳрасидан табассум аримайдиган Ҳилола отиндан қизиққан китобини сўраб олар, ўқиб битирган заҳоти тагин ҳозир нозир бўлар эди. Мутолаа ола-

мига шўнғигани сари руҳида бир инқилоб сезар, кўнгли ўсар, борлигини баҳорги шарора мисоли тиниқ туйғулар чулғар, ён-верига бошқача нигоҳ билан боқар, турли рангларга меҳри ортар эди.

Шаҳар жанубидаги Оймаржон маҳалласида жойлашган, баҳайбат ёғоч дарвозасига ингичка нақшлар ўйилган, деворлари кошинкорий қўш ошёнали иморат олисдан жимирлаб кўринади. Ҳавоза орқали Шердорга кўтарилган Шамсиддин аломат бинони шундоқ кафтда жилоланиб турган, моҳир усталар қўли билан тарошланган ранго-ранг олмос қояга ўхшатади. Чор тарафида анвойи гуллар барқ уриб очилиб ётадиган ҳовлини, ўртадаги сўрида чўккалаганча хотини Ҳилола отинга аталган газалини ўқиётган Собир Қамарийни кўз олдига келтириб қулимсирайди. Ва шу сония тасавурини жазирама селига кўмилган поёни йўқ дашт, қора кўпикка пишган талғир туя белида тебраниб ўтирган Мўйсафид эгаллайди. Ажин тилимлаган бетидан нур ёғилаётган чол гўё қачондир дилидан чиқариб айтган васиятини қози Муқаммад Валихон ва унинг вориси Собир Қамарий қандай адо этаётганини билиш учун олисдан елиб келади. Негадир вазмин боқишида аллабир хавотир ва ғусса сояси бордек туюлади. Чиндан ҳам у нимадандир безовта, лекин нимадан?

Кейинги вақтларда отаси қанотида бўйи баробар таъмир ташвишига кўмилган ўғлон қироатхона бўсағасидан бир оз йироқлашди. Тунов куни рўй берган можаро ҳам бир жихатдан оёғига тушов урган, дилини зада қилиб қўйган эди.

Қайси куни Собир Қамарий Регистон сари ёшурунча қадам ранжида айлаб, отасини Фаттоҳ Обидий гумашталари қироатхона эшигини қулфлаб-муҳрлаб кетишганидан огоҳ этганда ранг-рўйи бўздек оқариб, бўзлаб юбораёзди. Эндиликда шоир кетида жулдир кийинган қулоқчилар борлигини, ҳатто афту башарасини соқол босган дарвеш сиёқли кимсалар идораси атрофида тозидек изғиб юришини сезади ва тобора

хавотирга тушади. Хонадони, яъни қироатхона хуфия тарзда кеча-кундуз назоратда эдики, буни ўйласа нимадир бўғзига суяқдек тиқилади.

Шамсиддин одатдагидек ҳар эрта, куёш уфқдан бош кўтариб улгурмай, аввалги қувноқлигидан асар ҳам қолмаган отаси ортидан Регистон сари лўкиллаб йўл тортади, кечқурун ўлгудек ҳориб-чарчаб ўша йўлдан изига қайтади; кўнгли чироқ ёқса ёришмасди.

Бу эрта отаси дабдурустдан келар шанбада намози асрдан кейин мулла Аҳмад давра тузишини қулогига шивирлаб айтганда терисига сиғмай қувонди. Ахир, қачондан бери «Ёввойи танавор»ни эшитиш иштиёқида эди, фақат ҳалигача мавридини тополмади. Баъзан тўлиб кетиб, пойлоқчи касларга нафрат ёғдирар, Худодан уларни ер юзидан бутунлай супуриб ташлашни сўрар эди. Негаки, бутун шаҳар ари инига айланиб, турмуш бошқача ўзанга тушгани ўшалар билан боғлиқ эканлигини алақачон англаган эди.

Мана энди умид туғилди ва мулла Аҳмадга нисбатан яна ҳам меҳри товланди. Тез орада орзуси ушалишини ўйласа боши кўкларга етар, олдида катта байрам тургандек энтикар эди. Илгари ҳеч қачон бу қадар муштоқлик туймаган, бу қадар ҳовлиқмаган эди. Бу ҳолига ҳатто ўзи ҳам ажабсинарди.

Тобора ўзига сиғмаётган Шамсиддин бир гурунг орасида сирни Иброҳимга айтиб қўйди. Кутилмаган хабардан негадир дўсти шошиб қолди-да, бунақа даврани атиги бир марта бўлса ҳам кўриш истаги юрагини ёқа бошлаганини яширмади. Ҳатто бир баҳонаи сабаб билан мақомчилар даврасида бўлганини, ўша кундан бери куй-қўшиқ оромини ўғирлаганини айтаркан, ҳаяжондан энтикиб кетди.

Шу заҳоти жўралар маслаҳат пишитишди. Мавридини топганда Шамсиддин отаси ижозатини сўрайди-ган бўлди. Ҳали ўртада икки кундан зиёд вақт бор — шунгача амаллаб кўнглини топади. Ҳарнечук отаси оёқ тирамаса керак: хунардан совуган эса-да, барибир

Иброҳим ҳам суюкли шогирди, ёнида бўлса қайта кўнгли ўсади. Кечиримли бўлишга нима етсин.

Тахмини тўғри чиқди, отаси осонгина кўнди. Лекин вақтни нима қилсин, қуриб кетгур вақт бирам оғир кечардики, бир дақиқаси йилга татигулик эди. Қаники, ўша дам тезроқ келса, дунёдаги энг таъби нозик машшоқ билан тезроқ дийдор кўришса, у қонун ёки танбур, дутор ёки удда қойиллатиб ижро этадиган нағмаларни жон қулоғи билан мириқиб тингласа!..

Зориқиб кутилган тонг отганда алақачон турволган ва намхуш куз ҳавосидан симира-симира ҳовлида айланиб юрган Шамсиддин кўкси қалқиб-қалқиб кетаётган эди. Нимага бунча орзиқаётганини билгани боис мийиғида кулар, муғанний хонадонига ҳозироқ қушдек парвоз қилгудек бўлар, гоҳо дили тубида Қалам билан Қонуни муборак ўртасида кечган мусоҳаба акс-садо берар эди. Иккалови ўртасида пайдо бўлган муҳаббат сеҳрини ажаб тарзда тебранаётган сезгилари орқали теран туяр, бу муҳаббат илоҳий ва барҳаёт эканлигига чин дилдан имон ўтирар эди.

Онаизори ҳар қанча қистамасин, Шамсиддин меҳмонхона ўртасидаги мизда тузалган дастурхонга йўламади, оч-наҳор бўлса ҳам иштаҳаси бўғилган эди. Ҳушфигри бошқа нарсада, бинобарин, ўша нарса — бутун кечадиган учрашув завқи ҳалитдан юрагини чўғдек куйдириб ўтаётган эди.

Алақачон тонгни қаршилаб, ҳар кунги ташвишига шўнғиган Регистонда бошқачароқ ҳолат туйди: кўкси бир енгил қалқиб, руҳи тиниқлашди-да, шундоқ кўкка елка тираган тоғлардан нарида, сокин жимирлаётган оппоқ парда ортида талғир туя минган Мўйсафид пайдо бўлди.

Кўксини қировлаган кўркам соқол қоплаган қария гўё чўлни чангитганча ҳайқириб келар, Ҳикмат девонидан севикли байтларини бурро-бурро ёд айтар ва ориқ-серпай қўлларини алабир муштоқлик билан кўкка чўзар эди. Анчайин дўриллаган овози поёни йўқ

чўл осудалигини чоку чок айлаб, ниҳоят, гулдираб кела-кела Регистон узра янграр, ҳатто куз шамолига тўшини очган шаҳар бўйлаб акс-садо берар эди.

Наҳот Мўйсафид мулла Аҳмад хонадонига оши-қаётгир?

Ногаҳон Шамсиддин дилидан шундай мулоҳаза кечди ва мамнун кулимсиради; айни пайтда катта усталарга хос хотиржамлик билан берилиб кошин тарошлар экан, Иброҳим йўлига тез-тез қараб қўяр эди.

Вақт пешиндан оғди, намози асрга яқинлашди ҳамки, қадрдон жўраси қора бермади. Атрофда гирашира қоронғилик қўнди ва отаси ҳам бир неча марта шогирдини суриштирди. Анча сокин тортиб қолган Регистондан узоқлашиб боришар экан, Шамсиддин уни ўйлаб беҳуда бош қотирар ва тез-тез хўрсинар эди. Майда нақшлар ўйилган баланц дарвоза бўсағасида ним табассум билан қўл қовуштирган бўйчан кишига нигоҳи тушди-ю, пароканда хаёлдан сал чалғиди. Барча меҳмондан кейин ичкари юраркан, сердахт ҳовлини қувноқ-эзгин оҳанглар тутгандек туюлди. Хаёлан талғир туя минган Мўйсафид ана-мана пайдо бўлишидан умидланди-да, яна Иброҳим шундай гаштли айёмдан бенасиб қолаётганига ўкинди.

Салдан кейин Шамсиддин ўзини тўридан қўйисига қадар супа кўтарилган ганчкорий шинам хонада кўрди, фавқулодда ажойиб оламга рўпара бўлгандек ҳайрат огушида эди...

Равоқлари нақшинкор токчаларда нафис гул-битиклар ва асл тошлар зарбланган нехтадир чолғу тизилган; сафда бели нозанинлар белидек ингичка дутору гижжақдан тортиб танбургача, не-не асрлар оша дилларни ром этиб келаётган нозикбадан уду руд ва қонун, пардалари остида жоду яширган баргоҳу чағона ва дилрабо жамул-жам эди ҳамда улар ҳар бири соҳиби хонадон истеъдоди беназир эканидан далолат берарди.

— Хўш, қани, дастурхонга марҳамат, — қисқа фотиҳадан кейин манзират қилишга ўтди мулла Аҳмад,



бичими келишган оқ-сарик бетига уйғун, яккам-дуккам оқ оралаган соқолини тутамлаб. — Оббо сиз-ей, зап кебсиз-да, Шамсибой. Уялмай олиб ўтиринг.

— Шамсибой келмаганда кўярмиди, — ҳозиргина тандирдан узилган жиззали қатпатирни «бисмиллоҳ» деб синдирди уста Жамшиддин. — Адашмасам, биродар, энг содиқ мухлисингиз ана шу йигит, унга шаҳар бердик.

— Бале, бале! — деди мулла Аҳмад мамнун.

— Хўш... Кўп интиқ қилманг-да, тезроқ амалга кўча қолинг, — уста Қурбонга бекитиқча кўз қисди уста Жамшиддин. — Биламиз, ҳофизлик бобида ҳам биров олдингизда ип эшолмас.

— Унчамас-е. Локин майл бор савил, — хайрихоҳ жилмайди мулла Аҳмад, токчаларда навбат кутаётган-дек мунгайган асбобларга термиларкан. — Ҳимм... Шу денг сиз аҳли мўминдан суюнчи ундирсам: қонунга мослаб оҳорли куй басталадим.

— Э-э, шундоғми? — деди уста Жамшиддин, ораси очиқ қошлари остида чақнаб турган кўзлари янада чарақлаб. — Умрингиздан барака топинг.

— Фақат, ўтинчим шуки, ҳамма жам бўлгач, яъни мулла Ражаб, уста Ризо ва Қамарий ташриф буюрган-дан кейин чалсам. Буям бир ирими-да.

— Бугун ҳақиқий байрам қиларканмиз.

— Иншооллоҳ, тақсир! — гурурини яширолмади мулла Аҳмад. — Кўпдан кўнглимга тутиб қўйгандим-у, аммо эплотмай юрувдим. Шу ҳафта мобайнида хилватда машгул бўлдим ва Тангри таоло иродаси билан «Қасидаи падар» туғилди.

— Зап терлапсиз-да, — кўшқават адрас кўрпачада бемалол тиззалади уста Жамшиддин. — Шошманг, шошманг, нима учун бундай номладингиз?

— Э, устоз, сиз бемаврид омонатини топширган падаримни яхши танирдингиз, — ўйчан қиёфа олди мулла Аҳмад. — Раҳматли борини элдан аяган эмас, жумладан, каминага кўп ноёб ҳунар тортиқ қилди. Шундай экан, хотирасига бир эмас, юз куй атамоғим жойиз эмасми?

Давра аҳли сукутга толди: во ажаб, «Қасидаи падар» қай хил мўъжиза бўлса? Ушбу савол устида мулоҳаза юритиш чинакамига мароқли туюла бошлади; ахир, ҳали мулла Аҳмад дилида эҳтирослар билан кўшилиб пинҳона яшаётган ва оламни ишғол этиб улгурмаган оҳанглар ғойибона тарзда барчани ошифта қилиб кўйганди. Ҳар бир меҳмон ўзича муштоқ ва интизор бўлиб, ҳатто муғаннийни қисталанг қилиш истагида; ирим ўз йўлига, кечикиб одобсизлик қилганлар келган заҳоти қайта бошлайсиз, тўхтаган жойидан улаб кетасиз, шу билан олам гулистон, демоқда ўткир нигоҳлар...

— Жа қизиқ, мунақа кечикадиган одатлари йўқ эдику, — мулла Аҳмад ниҳоят тоқчадан қонунни олдида, шошилмай қайтиб жойига қўнди. — Сизларни зериктириб гуноҳга ботмай, «Ёввойи танавор»ни бошлаб турай-чи, кейин бир гап бўлар.

Сим-сим эзиб ётган ёмғирдан кейин қуёш порлаб додарахт яшнагани каби, давра бирдан жонланди. Ҳамма қатори интиқлик оғушида ўтирган Шамсиддин боядан бери мулла Аҳмадни зимдан кузатаётган эди; ҳаяллаган ошналаридан кўнгил узолмай, қонунга узалган пайтдаёқ муғанний чехраси илкис нурлангани, ажинлари ечилиб кетгани, борлигини недир иштиёқ тўлқини чулғганини пайқади, бетоқат алфозда лабларини қимтиганча бир қимирлаб қўйди.

Худди шу пайт аллабир енгил зарб билан йўғрилган майин оҳанг янграб, хонани қамраган зилдек сукунат чекинди. Сеҳрланган давра аҳли эндигина тебрана бошлаган эдики, ҳовли этагида, бостирма олдида бойловли ит нари-берига ташланиб ҳура кетди. Ҳалидан бери айвонда ҳар эҳтимолга қарши қоровул турган, муғанний кенжа ўғли Рамазон ранг-қути учиб кирди.

— Пойлоқчилар... Ҳид олишган чоғи!..

— Худойим, ўзинг қўллагайсан! — деди уста Жамшиддин, юзини недир кўланка қопларкан. — Оббо, баттоллар ҳид олишни намунча боплашмаса!

Шу орада дарвоза устма-уст қоқилди ва мулла Аҳмад ноилож машқни тўхтатди. Қонунни аста деворга суяб қўйгач, нимадир деб Худога ёлборди-да, ташқарига ошиқди. Энди кучукнинг занжирни узгудек бўлиб ириллашига гангир-гунгир овозлар қўшилди, кейин жимлик чўкиб, бир дақиқа ўтар-ўтмас айвон бўйлаб олатасир қадам товушлари яқинлашди...

## V

Шундоқ ҳам нохушлик ва сукунат чуллаган хонага пасту баланд бўйли икки нотаниш кимса гўё ўзлари билан қаҳратон совуғини ола кирди, на салом, на алик, остонада оёқларини кериб, қўлларини белларига тираганча ўқрайиб туришди.

Орқада ола-була қуёнтери телпак, хиёл кулранг узун макентош плаш кийган, қалингина қизгимтир чарм папка қўлтиқлаган олазарақ киши — Шариф урфон кўринди, ниҳоят, энг кетинда бояғи завқу шавқидан ному нишон қолмаган, лаблари қўқарган мулла Аҳмад пайдо бўлди.

Ҳамон зил-замбил сокинлик ҳукм сураётган бўлмада кўкимтир йўловчи пашша визиллаб учиб қолди, асаби таранг тортилган уста Жамшиддин зимдан тутақа бошлади ва нечундир бесабр жонзотни бир ҳамлада тутгиси, қанотчаларини битта-битта юлиб ташлагиси келди.

Ярамас ахийри дөреза ойнасига урила-урила тинган маҳалда чақирилмаган меҳмонлардан бўйчанроғи — шаҳарда Фаттоҳ Обидий нисбаси билан таниқли нозир жадал илгари босди.

Мундоғ олганда у қадду қомати ва ранг-рафтори билан мақтанса арзийди: буғдойрангга мойил ажинсиз юзи келишимли — қўнғир тусли кўзлари юмшоқ боқади, хиёл чўзиқ ияғи билан ёноқлари ва учи тик бурни уйғун тушган, фақат тикрайма саргимтир қошлари ранг-рўйига бегонадек; эгнидаги қора чарм курт-каси, текис дазмол урилган қора шими, бўйнига ёпи-

шиб турган тугуни майда катак гулли пушти-саргиш галстуги савлатига савлат қўшган эди.

Син солиб қарашидан ичимдагини топ хилидан эканлиги сезилиб турган иккинчи қўноқ ҳам дарозгина, бироқ инсоф билан айтса, бу борада шеригига тенглаша олмасди. Шериги олдида уни бемалол пакана деса ҳам ярашади. Ҳартугур у торгинмай туппа-тузук эт қўйворган, жонивор қорни мундайроқ саватдек осилган, камзули торлик қилиб қолгандай тутмалари қадалмаган эди. Нафас олганда ҳаво етишмагандек пишқириб қўяр, ёғоч қошиқдай ясси бурни катаклари торайиб-кенгаяр, дўмпайган елкалари оғир-оғир кўтарилиб тушар эди.

— Хўш, Аҳмадвой тўро, манов ашёлар хусусинда тўлиқ маълумот берсинла-чи, — деди ниҳоят Фаттоҳ Обидий амирона. — Сиз уларни қайси гў-ўўрдан олгонсиз?

— Булар отамерос, — деди мулла Аҳмад гурурланиб, юрагида қўзғалган санчиқни аранг босиб. — Ёруғ дунёда бундан бошқа арзийдиган нарсам йўқ!..

— Ай-ай! Адашмасам оталари даққи одам бўгон, сиз эса ундан қогон лаш-лушга сиғинопсиз.

— Илож қанча, биродар, қисматим шу экан!..

— Манави нимаикан?

— Қонун!..

— Апус, апус!.. Шу савил қогур илгари замонда саройи беаганидан беҳабармисиз? Ихм!.. Ёки юртти эзиш ва кайпу саподан бўшамаган очопат хон кўнглини овлаганидан-чи? — Мулла Аҳмад жавоб қилишни истамай аста қўл силтагач, Фаттоҳ Обидий хотиржам Пакана сари утирилди. — Токай бунга тоқат қиламиз, токай?

Тош қотган ва ичи сидирила бошлаган Шамсиддин элас-элас илғади: бирдан Пакана босар-тусарини билмай қайсидир токчага яқинлашди, қўлига илинган нозик бадан танбурни чунон ерга тоблаб урдик, бўғиқ бир фарёд хона тугур бутун заминни титратди. Кейин бир дутор, бир қонун, бир чағона зеру забар бўлди. Бариси тутдек тўкилди; тоҳануз бағирларида ниҳон бўлган наволар титрана-титрана сўнди...

Ақл бовар қилмас томоша қошида ошналар гангиб-довдираб қолишган, карахт каби қилт этишмас, сазо беришмас эди. Табиатан оғир-босиқ бўлган устоз тўрсайиб, хиёл думалоқ бетига мувофиқ тушган ихчам соқолини силай-силаё, анчайин қалин лабларини қимтиб ўтирарди. Шу асно ич-ичида нимадир лов ёниб, нигоҳи чақнади-да, ишқириб ҳаво симирди, мулла Аҳмад ва Шамсиддин билан кўз уриштиргач, совуқ нигоҳини яна бир чолғуга қадаган Пакана устига отидди. Муттаҳамни шартта бўғиб, қўлтиғидан даст кўтариб улоқтирганда ва у сомон тиқилган қопдек бўсағага гурсиллаб тушганда Шамсиддин кулгисини тийолмади. Ҳамон хумори босилмаган устоз Фаттоҳ Обидийни ҳам шу аҳволга солиш учун хезланди. Аммо мулла Аҳмад қўймади. Ортиқча чиранишдан фойда йўқлигини ўзи ҳам сезди чоғи, ҳоврини аранг босиб, бир нарса демай ҳовлидан узилди...

Уста Жамшиддин ўзидан ўтганини ўзи билиб, зимзиё тор кўча ўртасидан гўдранганча лапанглаб борарди. Беҳад жаҳли қўзигани туфайли ўзи тутур, ўғлини ва ҳатто бор дунёни унутган эди. Ҳалидан бери дилини бир шубҳа ўртамоқда. Ахир, наҳотки бугун мулла Аҳмад хонадониде мажлис бўлишини Иброҳим отасига еткизган бўлса!? Бу хусусда ҳеч бир бандага чурқ этмагин-а, деб қайта-қайта тайинлаган эди-ку! Гуллаб қўйибди-да нобакор! Энди қатикни ҳам пуфлаб ичиши керак, йўқса чув тушгани-тушган. Яхши ҳам Қуръони карим бекитилган жойни ўғли, хотини, ўзидан бошқа биров билмайди. Ҳар ҳолда улар оғзи маҳкам, тагин ким билсин, савил жон кўп ширин-да!..

Уста Жамшиддин қоронғилиқда Умар чол тегирмони қўнқайиб кўринган дамда ўғлини эслади, беихтиёр ўгирилиб қараса, у ўн-ўн беш қадам кетинда судралиб одимлаётир. Адашмаса, бугунги таъқиб жўраси билан боғлиқ эканлигини, Шариф урфон гумроҳлар ортидан беҳуда келмаганини у ҳам сезибди. Ана, йирик-йирик кўзлари нафратли порламоқда, руҳи синиқ, мушталари тугилган...

Уста Жамшиддин оз бўлса ҳам ўғлига таскин бериш ниятида тўхтади, лекин тили тузукли айланмай бўғилиб қолаёзди; шоша-пиша илгарилаб, дарчадан ошиқиб кирар экан, кўнглини бир дарду ҳасрат тобора қаттиқроқ чулғар, афсуски, чарх ҳали яна қанча мусибат ҳозирлаб қўйганидан гофил эди.

Йилдан-да узун туюлган тун маҳзун кечди, аниқроғи, тирамоҳ булутлари кўланкаси билан янада қуюқлашган тун бўёғи симиллаб дилига кўчди-да, ажриққа ағанаб ухлолмади. Нуқул хаёлида зеру забар чолғулар айланар эди; ҳатто улар тутдек тўкилар чоғи қилган нолишларни эшитгандек бўларди.

Уста Жамшиддин ғам-андухга тўла бир ҳафтача вақтни бекор ўтказди. Ахийри, шунақа зерикиб, шунақа диққати ошдики, ҳовлига сиғмай қолди, бугун тонг-азонда таҳорат ушатиб, бомдодни адо этгач, Регистон сари отланмоқчи бўлди. Айвонда ўзи билан ўзи олишиб иккиланиб турганда, ланг очиқ дарвозадан имиллаб уста Қурбон кирди ва Хизрни кўргандек бирдан енгил тортди; юрагини бўшатиб дардлашмоқчи бўлувди-да. Аммо нияти ушалмади, у топиб келган муждани эшитгач, баттар тутди.

Кечадан бери шаҳар айрича нотинч — беҳаловат: хуфия маҳкама исковичлари рўй-рост ҳамма ёқни титпит қилганча қози Муҳаммад Валихон қироатхонасидан кимдир ўмарган ва қайгадир яширган Қуръони каримни қидирмоқда. Тирик жон борки, шубҳа ва таъқиб остига олинган, бинобарин, саҳардан дарак бериб хўрозлар қичқира бошлаганда мулла Ражаб, уста Ризо, Собир Қамарий ва яна беш-олти нафар эскича танийдиган киши ҳайдаб кетилган, ҳайдаб!..

— Бирон ёққа бош олиб кетсак, — юраги узилгудек бўлиб гудранди уста Қурбон. — Эл-юрт тинчиса, туз-насиба тортса, қайтар эдик, биродар.

— Э-э, қўйинг, айтишга осон!..

Кўкси ўпирилгудек ҳолда уста Жамшиддин номаълум нуқтага тикилди. Қайси деворга уриб ёрсин пешо-

насини, ахир, чарх ўйлаганидан кўра минг карра доғу-лироқ экан, охир-оқибат чинордек қоматини букиш пайида!

Лекин устоз осонликча тоб ташламаса керак, қола-верса, ён-атрофини ўраган ёру ошнасига суянади. Умуман олганда, қисматини фуқаро ғам-алами ёки қувончидан ҳеч қачон хорижда тутган эмас, ҳамиша ўлигу тириги билан бирга — кулса кулади, йиғласа йиғлайди.

Бугун ҳар неки гулув шаҳар бағрида эмас, гўё безовта дилида юз бераётир ёки ҳамма нарсани янчиб юборадиган довул каби руҳини ишғол қилиб бормоқда. Эрта-индин ноилож тақдири азалга тан беради, яхши-ёмонга бирдек кўниб, лўкиллаб боради-да, акасидан ҳол сўрайди, уста Ризо ёки Собир Қамарий кўнглини билади, лекин бу ҳаракати билан нима ўзгаради, нима?

Ҳеч нарса ўзгармайди, фақат алақачон муаззам шаҳар эгасига айланган Фаттоҳ Обидий қаддини тик тутаверади, гумашталари билан истаган нарсасини пайхон этаверади, ҳар не учратганини маломат тоғи остига бостираверади ва охирида чинакам адолат қарор топганини эълон қилади.

Ёпирай, устоз ҳозир Ҳазрати Хизрни йўқласа бўларкан, нима қиларди ўша гумроҳ номини тилга олиб? Анча совқотиб қолган уста Қурбонни даҳлизга чорловдики, нотекис қадам товушлари ва гудранишлар эшитилди. Сўнг Фаттоҳ Обидийнинг соявонли қалпоқ кўндирилган боши кўринди; мулойим табассум аримайдиган тухумдек сип-силлиқ бети шолғом каби қизарган, шамоллаб қолган чоғи, пўнғиллаб йўталар эди. Қуриб кетгур ёлғиз эмасди; изидан палтога ўралган Пакана ва юпқа камзулда қалт-қалт учаётган уста Мирсаид эргашиб келарди. Муҳандислар пешвоси билакларига занглаб кетган кишан урилган эди.

— Ай-ай! Тагин бемоврут кеппиз чоғи, — Фаттоҳ Обидий илжайганча думини ликиллатаётган шеригини туртиб кўйди. — Ҳимм.. Чакки, кў-ўўп чакки. Маслаҳат пишаёптими?

— Шунчаки гурунг, — тўрсайди уста Жамшиддин, уста Мирсайд ранг-рўйига тикилиб эзиларкан. — Нима, сиз доим пойимизда патакми?

— Ишимиз шуноқа, устони коттаси, — Фаттоҳ Обидий нарироқда хўмрайганча ер сузиб турган Шамсиддинни эркалаган киши бўлиб елкасидан кучди. — Ҳи-ҳи, ёқмадиме?

— Билиб қўйинг, биродар, биз чувалчанг эмасмиз.

— Сиздан чуволчанг ясош қийинмас.

— Астағфирулло!..

— Ай-ай! Эшук ё устун дейсиз, кошун ёки мирамур дейсиз, тобоқ ёки лўган дейсиз, ажи-вужи нарсаларни чатилаб, паңдавоқилар кўзини бўёйсиз. Суф-е!..

Фаттоҳ Обидий гўё қандайдир эътиборли минбардан эс-ҳушини йўқотган пала-партиш оломонга қарата ваъз ўқиётган беписанд чулдирар эди. Авжини туширмай бугун адо этилаётган ислоҳларни менсимаётган, жанда чакмону қирқямоқ чопонга ўралиб олган овсар ва жоҳил бандалар гўрига роса гишт қалади. Навбат тутқун қилинган жонларга етганда хиёл сарғайган теп-текис тишлар билан тўлган оғзи яна ҳам кўпирди. Охирида қўларини чўнтақларига тикиб, атрофида айланиб-ўргилаётган Паканага бош ирғади. Ҳар доимгидек хизматга шай гумашта ўша заҳоти уста Қурбон билагига шилдирашиб кишан солди-да, пишиллаб Қуръонни суриштира бошлади.

— Балки сиз биларсиз қаёқдалигини? — пўписа аралаш устоздан сўради Фаттоҳ Обидий. — Яхшилаб ўйлаб кўринг, сиз кўп борар экансиз қироатхонага!..

— Қонимга ташна қилманг, биродар!

— Ай-ай, намунча жиззақисиз?

Пакана юраклари така-пука бўлиб жовдираётган икки тутқунни олдига солиб ҳайдади, Фаттоҳ Обидий илжайганча сал орқароқдан жилди, жиларкан, бармоқларини тирсак қилди-да, ҳамон жойида қотиб-бўзариб турган Шамсиддин бурнини қисиб қўйди.

Ана-мана намозшом чўкиб, ҳовлини ва атроф-жавонибни қабристон сукунати қошлади, гўё бу сукунат



хуфия маҳкама кўргони остида оч-наҳор музлаб ётган ёру биродарлари ҳоли-руҳидан огоҳ этарди.

Ёруғ дунёда айрилиқ нақадар ёмон, барисини кўрабила туриб ёрдам кўлини чўзолмаслик янада огир! Нима бўлганда ҳам Худо илойим охирини бахайр қилсин. Қодир эгамдан улар жонига тўзим тилайди. Мавридини топиб оилаларидан хабар олади. Иложи борича тезроқ Малоҳат ая билан учрашмоғи, кўнглини кўтариши лозим. Топармон-тутармон эри туфайли янғаси қийинчилик ёки огир-енгил нималигини унча билмайди, мудом егани олдида, емагани кетида бўлган, индалло, анчайин нозиктаъб аёл — шўрликни юпатиши осон кечмаса керак. Бошига тушган мусибатни кўтаролмай алақачон кўрпа-тўшак қилиб ётгани эҳтимолдан холи эмас.

Эртаси куни чошгоҳда уста Жамшиддин ингичка ислимий нақшлар чекилган кўш табақали дарвозадан мўралаб кўзларига ишонмади, илгари босиши ёки ортга қайтишини билмай, маҳобатли пештоқ қаршисида гарангсиб тўхтади.

Ахир, ҳовли ташқари-ичкараси тўс-тўполон бўлиб, қадам босгани жой йўқ эди. Соявонли қалпоқ кийган тозидек абжир тўрт нафар бақувват йигит елиб-югуриб, ҳай-ҳайлаб, бир нечта кўқон аравага китоб ортаётган эди.

Вассажуфт айвон гирдида, патгилам ва кўрпача тўшалган чорпоя ёнида мулла Ражаб касалванд одам каби бўзариб турар, боқишида ғусса аралаш билинар-билинемас малол ифодаси бор эди; анчайин ғовлаган соқолини патак дейсиз — кўпдан таралмаган, симоби салласи ҳафсаласизлик билан пала-партиш ўралган, гавдаси гўё кичрайиб қолгандики, тўсатдан йўқолиб, тўсатдан пайдо бўлганидан кўра, мана шу айтгулиги йўқ қиёфаси кўпроқ таажжубга молик эди.

Мулла Ражаб лаби чети билан чор-ночор илжайди, муҳим бир нарса излагандек имирсилаб ичкари кирди, довдирай-совдирай ташқари чиқди, нечундир ҳамон жойида бемажол қотган укасини чорпояга таклиф қилмади. Сўнг даргоҳига фаросатдан қисилган манови

барзангиларни йўллаган худобехабар касларни қарган бўлди. Охирида узук-юлуқ қилиб, ўзи билан уста Ризони бегуноҳ санаб вақтинча бўшатишгани, Собир Қамарий, уста Мирсаид ва уста Қурбонни эса қандайдир айблари сабаб тутиб қолишганини сўйлади. Бошқа не воқеа рўй бериши қоронғи, лекин тез орада шоири калон жамоат гувоҳлигида суд қилинармиш!..

Уста Жамшиддин гапни чувалатган акасига, биринчи бор кўриб тургандек, бош-оёқ синчиклаб разм солди; недир алам ўтиб илкис тутақди, апир-шапир энг шимарди-да, аравалардаги китобларни зумда тушириб ташлади. Фақат бу билан кифояланмай, тўрт томондан ўдағайлаб келган гўрсўхта касларни ногоҳ қўлига илинган курак билан гупиллатиб ура кетди.

— Уйимни куйдирмоқчисан чоғи? — куракни жаҳд билан тортиб олди мулла Ражаб. — Бориб тошингни терсанг-чи!..

— Сиз ҳам қадрингизни билинг, ака!..

Яна калтак ейишдан чўчиган гумашталар бидирлаб сўкинганча туёқларини шиқиллатиб қолишди. Аравалар шалдирай-шалдирай узоқлашиб, муюлишда кўздан йўқолгач, уста Жамшиддин қаёқдандир ҳаллослаб етиб келган жиянлари — Абдувоҳид билан Абдурахмондан гиналади, сўнг уларни ёрдамга чорлаб, оёқ остида тўзғиб-сочишиб ётган китобларни ихраб-сихраб этакда махсус қурилган узун бўлма сари ташиди. Айвон четида истеҳзоли кулимсираб, бепарво қўл қовуштириб турган акасига эътибор бермай узоқ уринди.

Иш битганда вақт шомдан ошган бўлиб, уста Жамшиддин тамом ҳолдан тойган эди. Сўри гирдида омонат чўкиб, ҳар замонда жиянларига гап отиб, пича нафас ростлади. Ҳамон бетидан киноя аримаган акасига далда бермоқчи бўлди-ю, бирдан елкаси тиришиб айниди. Хаёлида эрта бутун оламни кўмиб юборгудек увол даҳшати қуюн бўлиб айланарди, айни пайтда Собир Қамарий таъриф қилган Мўсафид сиймоси ҳам чириллаб айланарди. Сўнг бариси номаълум то-

монга чекинди ва қай маҳалдир ўзини бир маромда гулдаираётган тегирмон қаршисида кўрди ва Умар чолни қора тортиб келганини англади.

— Отагинам, Худойим суйган банда, — уста Жамшиддин ун иси ўрнашган хужра тўрида чўккан ҳамоно ёрилди, — тупурдим ўша худбинларга!

— Астағфирулло! — бафуржа чой қайтариб бош чайқади Умар чол. — Анови Шариф урфон отлуғ сўтакка ҳамми?

— Шундоқ! Мошовага қатиқ бўлаётган ўша тулкини ҳам, барини аралаш-қуралаш қилиб юбораётган Фаттоҳ Обидий билан Паканани ҳам илоё тўнғиз қопсин гўрида!..

Маъюсланган ва ғуссага ботган Умар чол шошилмай нон ушатди, лекин манзират қилишни унутиб сукутга толди. Аллақачон етмишни уриб қўйган отахон шаҳардаги ўзгаришларни бугдой ёки арпа торттириш учун келган мижозлар орқали сал-пал билар, ҳар бир катта-кичик хабарни ўзича хитланиб тарозига солар, кўпинча хулосасини устоз билан бўлишар эди.

Қадрдон улфати ҳозиргина тилга олган Шариф урфон куни кеча қошига келиб, нари-берига ўгринча мўралаб, ақл бовар қилмас фикр айтди ва ўтакасини ёраёзди. Умри бино бўлиб бунақа нафаси совуқ нухани Худо ҳақи бошқа учратган эмас. Етти пуштини беминнат боққан мана шу даргоҳни жинлар базм қурадиган чалдеворга қиёс қилиб илжайди-я, номард!..

Энди бу савил танага битган қип-қизил чипқон — умр заволи эмиш, жонни койитиб, вақтни ўгирлаб, жойни эгаллаб ётишдан бошқасига ярамасмиш, замон зайли билан келгусида халойиқ ун деб овораи сарсон изғимасмиш, хартумидан тутун пуркайдиган маҳобатли завутнинг темир тандирида пиширилган бўрсилдоқ кулча нонлар ва мойи сирқибгина турадиган қатпатирларни тўйиб-мириқиб тановул қилармиш!..

Шариф урфон афтини тасаввур қилиб бўғилаётган Умар чол бир кўнгли тўкилмоқчи бўлди, лекин уста

Жамшиддин шундоқ ҳам турли ғийбатдан ортиқ чарчаганини сезиб тийилди. Мияси сирқираётган устоз чиндан ҳам мудрай бошлаган эди, ҳатто энди дўл гулдираши қулогига чалинмас, хаёлида гоҳ Собир Қамарий, гоҳ талғир туясини йўрттириб бораётган Мўйсафид, гоҳ ҳар ерда ҳозир у нозир Шариф урфон гавадаланар эди. Сал ўтмай ўтирган жойида мизғиди, Умар чол бошига ёстиқ қўйиб, авайлабгина ётқизгани, устига кўрпа ёпганини сезмади.

Тахминан ярим кечада босриқиб уйғонди, беихтиёр димоғида ачқимтир ғалла-ун, чириган кепак-сомон ва зах исини туйиб, қайда ётганини англагач, мийигида кулди. Бутун борлиқ-жавониб қоронғилик аралаш теран сукунат қўйнида, дўл гулдираши, жангари итлар хуриши тинган, ҳар замонда изғирин-шамол ғувиллаб хуштак чалар, соҳил нари ёғида, чамаси тутзор тарафда бойқуш эринчоқлик билан қисқа-қисқа нола чекар эди. Қайсидир маҳаллада очикқан айғир кишнади, қайсидир тош кўчадан пўчта файтуни шарақлаб ўтиб қолди...

Ҳозир завжаи ҳалоли Ойдинбиби миужжа қоқмай, туз тотинмай эшикка термилиб ўтирган бўлса керак. Бунақа вақтда айниқса Шамсиддин кўпроқ азият чекади, қурмагур қум тиқилгандек қизарган ва ачишаётган кўзларини ишқалаб, онаси пинжига бўталоқдай суқилиб йўл пойлайди. Қачонки у остона ҳатлаб, икки оғиз ширин сўз айтиб, пешонасидан ўпгандан кейингина овунади ва пишиллаб ухлаб қолади.

Каллаи саҳарда уста Жамшиддин юпқагина қуроқ кўрпачада чўзилган Умар чолни уйғотиб юбормасликка тиришиб, ҳужрадан шовурсиз узилди. Илдам-илдам бораркан, илкис ғашланиб, ҳовлиси бесаранжом эканлигини пайқади. Чиндан ҳам дарвоза ёнида икки қоровул суҳбатлашиб турар, даҳлизда Фаттоҳ Обидий ҳамда Пакана қовоғидан қор ёғдириб, Шамсиддин билан Ойдинбибинини сўроққа тутаётган эди. Ўртадаги мизда Собир Қамарий яқинда дастхат билан совға қилган «Чашма кўзи»ини кўрди-ю, тўк урган каби бирдан оёқ-қўли бўшашди. Турфа нозик мажоз ва қочиримларга

қурилган ушбу китоб атрофида гийбат кўпайгани боис бир неча кун муқаддам уни кўп қаватли жавон орқасида, тахмондаги мўъжаз сандиқчада, қанақадир лашлушлар орасига тиқиб қўйганди...

— Амак, ҳалигиймиш... Қуръон билан Ҳикмат девони оға-ини эмиш! — таҳдидли йўсинда елка қисди Фаттоҳ Обидий. — Бу нима дегани?

— Тушунтирар эдим-у, лекин бефойда.

— Ай-ай! Майли, қўя қолинг. Қуръон қайда?

— Қаёқдан билай!

— Ёрдам берсангиз тўрт томонингиз қибла!

— Ие, йўқни йўндирайми?

Уста Жамшиддин овозидаги киноя Фаттоҳ Обидий юрагини тешиб ўтгандек бўлди. Аммо сир бой бермай, бир-бири пинжига суқулиб турган, нигоҳларида ҳадик-ҳаяжон ва нафрат акс этган она-болага бир муддат ётсираб тикилди-да, чарм камзули чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб узатди.

Уста Жамшиддин эрта роппа-роса пешинда, узоғи соат ўн бир яримда маҳкамада ҳозир бўлиши лозим. Агар инсофга эниб, Қуръони каримни ўзи билан олиб борса — олам гулистон, раҳмат ва олқиш эшитиб, шоду хуррам уйига қайтади. Ҳатто бошқа маҳкумларга ҳам жавоб тегади. Ахир, алмисоқдан қолган ва сариқ чақага қиммат бир қўлёзма учун шунча одам жабр чекиши маъқул эмас. Тезроқ ғалвага чек қўйилиши лозим, можаро бости-бости бўлиши ҳар жиҳатдан у қиладиган мурсоаи мадорага боғлиқдир. Қайсарлик отидан тушмас экан, бўйнига жиддий айб босилади ва ошналари димиқиб ётган ўрага ташланади, қолаверса, тушунчаси тор одамларни йўлдан оздирадиган қилмишлари хусусида ёзма маълумот беришга мажбур булади. Маълумотида бошқа ғаламислар, жумладан, Собир Қамарий хашагини очиб ташламоғи лозим.

Тонг оқарган паллада уста Жамшиддин даҳлизда ёлғиз бош чангаллаб хомуш ўтирар, кўнгли хуфтон эди. Бомдоддан кейин дардини тўкиш учун мулла Аҳмад ҳузурига ошиқди. Баҳонада қози Муҳаммад

Валихон қироатхонасини асраб қолиш бўйича масла-хат қилишни мўлжаллади. Қанот боғлаб учиб келсаки, муганний ўзи каби оламга сигмайди, жимжит бўлма-да уф торта-торта кўксини гиламга бериб ётибди. Бу-гун у ҳам хуфия идорага қадам ранжида қилиши, ни-ҳоят, ўн ёшга тўлаётган кенжа ўгли Рамазонни Ша-риф урфон илкига топшириши лозим экан...

Оқшомни бедор кечирган, қовоқлари бўртган мулла Аҳмад ҳаддан ташқари бетоқат ва хуноб эди. Салом-алик-дан кейин кеча аввал Фаттоҳ Обидий билан Пакана, ке-йин эса шол бўлиб ўлгур муаллим соатлаб калласини қотирганини тугила-тутила айтаркан, нафаси қайтгандек бўғилди. Афсуски, исноддан қўрқаман-да, йўқса учалови-ниям панада бўғизлар эдим, деб дангал қўшимча қилди охирида. Аста бош чайқаб, тунов кунги жанг-жадалдан тасодифан омон қолган садафбаңд дуторни бағрига торт-ди-да, пардаларини созлай-созлай черта кетди.

Ҳалигина тундек зимзиё, қафасдек тор туюлаёт-ган дунё энди гўё булут йиртигидан офтоб мўралаган-дек бир қадар ёришди, бир қадар кенгайди. Недир гусса, недир армонга чулганган курраи арз бир эзгин, бир умидбахш оҳангларга ғарқ бўлди, устоз билан му-ганний ҳам тобора авж пардасига кўтарилаётган ўша оҳанглар қаърига чўкиб борарди, хиёл кўпчиган ёноқ-ларини дувиллаганча қайноқ-қайноқ ёш юварди...

## VI

Бемор каби заъфарон юзли куз кунлари турнақатор қувлашиб ўтар, недир таҳликага йўғрилган дақиқалар уста Жамшиддин дилини жунбишга солар, оромини ўғирлар эди. Баъзан қурту қумурсқага таланиб ётган биродарларини эслаб бир эзилса, уларни қутқариш чо-расини топиш маҳоллигини ўйлаб икки эзилади.

Чақирув қоғозига кўра, қарғиш теккан ўша қўрғон-га ўзи ҳам алақачон қадам ранжида қилиши лозим

эди. Аммо, Худо ҳақи, ҳеч кўнгли чопмаётир, мабодо ўша жойга йўласа, турмуши яна бешбаттар ағдар-тўнтар бўлиб кетадигандек, бетига бир умрлик қозон-куя суртиладигандек туюлаётир. Айни пайтда тақди-ри азал ҳукмидан қочиб қутулиши душворлигини би-лади, охир-оқибат эрта саркашлиги жабру жафосини тортса керак, бўсағасида тўхтайдиган кўнғизнусха ма-шина кўзларини жовдиратиб ола кетиши тайин!..

Кечқурун Шамсиддин учбурчак муҳр босилган сар-гиштоб пакет тутқазди, шайтонарава миниб келган мўйловли йигит — пўчта ходими берибди. Барини тушунгани боис савилга ҳатто қайрилиб қарамади. Тун бўйи мутолаадан бош кўтармади ва Тангри ёди билан машғул бўлди, бомдоддан кейин нонушта устида чурқ этмай хаёл сурди.

Бутун хонадони, демак, бутун шаҳарни чулғаган мотамсаролик шундоқ дилига сим-сим кўчиб, ўз ёғига ўзи қоврилаётган эди. Ахир, нима ҳам қилсин, осмон узоқ, ер қаттиқ! Беихтиёр муштларини тугаркан, сал наридан жимгина гилтиллаб боқаётган Ойдинбибига юмшоққина нигоҳ қадаб: «Онаси, кўп қайгурма, пе-шонада борини кўрамиз!» — дея ёлгондакам кулди.

Шу асно қароқларини ҳалқа-ҳалқа ёш қоплаган, маъсум кўзлари қўзичоқникидек мўлтираётган Шам-сиддин парпарондек отила келиб бўйнига осилди. Ана шунда ўзи ҳам ўпкасини босолмай, шамолда қолган япроқдек титранди, йигисини аранг ютаётган, бутун вужудини хавотир чулғаган ўғлини астойдил қучоқ-лаб ўпди-да, лапанглаб йўлга тушди..

Тез орада кўз ўнгида қайсидир ўрис меъмори лойи-ҳаси асосида ҳар ёқдан тўда-тўда ҳайдаб келинган маҳ-буслар чумолидек гимирлаб тиклаган, томи жигарранг лахтакчалар билан ёпилган кўп қаватли гиштин иморат намоён бўлди. Дафъатан қараганда у жодугар-лўлилар афсун қилган, ҳаёт асари кўринмайдиган маконга ўхшар, бутун ҳайбати — буржлари, пештоқлари ва дерезала-ридан аллабир рутубат ёғилар эди.

Соқчилар текширувидан кейин илгари юрган уста Жамшиддин ногахон элас-элас фарёд эшитиб сергакланди. Эзгин ва зорли нола муттасил такрорланар, қўргон остидаги туйнукларига сим тортилган зимзиё ертўлалардан келар эди. Бир тола ҳам нур тегмайди-ган симон хужралар кимларни ютмаган дейсиз, ҳай-ҳотки, бирида Собир Қамарий, бирида уста Мирсаид, бирида уста Қурбон чийралиб ётгандир ва тез орада ўзига ҳам шундай қисмат насиб қилса ажаб эмас.

Тепасига байроқ ва шиор илинган, икки ёнида икки соқчи таёқдек қотган марказий йўлак пешида қовоғидан қор ёғдириб Пакана қаршилади. Тавба, намунча ўзига бино қўймаса? Энди устоз тагин ҳам хитланди, юраги тўкилгудек ҳолда, кечиккани сабабли ҳолига маймунлар йиғлашини димоғида таъкидлаб қўйган Пакана изидан учинчи ошёнага кўтарилди.

Нечундир уста Жамшиддин ҳозир Фаттоҳ Обидий рафторини бутунлай унутган эди. Салдан кейин эслаб, баданига муз теккандек жунжиқди; чала-ярим оқланган деворида тепаси тўкилган, нигоҳи ҳалимдек юмшоқ кишининг бўй баробар сурати осилган, жиҳози пачоқ диван, ягона кўримсиз устол ва бир нечта шалоқ курсидан иборат хонага кираркан, яна ҳам айрича рутубат туйди.

Камзули-қалпоғини ечмай, ручка билан куйиб-пишиб қоғоз қитирлатиб, гоҳо қанд шимиб, гоҳо чой хўплаб ўтирган Фаттоҳ Обидий ҳовлиққанча ирғиб турди, чеҳраси шунақа ёришдики, кўп йиллардан бери кўришмай соғинган туғишганини тасодифан учратиб қолгандай эди.

Уста Жамшиддин не қилари, не деярини билмай, бурчақдаги курсида оҳиста чўкиб, бўлмага хушламайгина кўз югуртирди, кейин не сабабдандир девордаги сурат билан Фаттоҳ Обидийни солиштира бошлади, икки қиёфа икки томчи сувдек бир-бирига ўхшашлигини эътироф этди-да, гумроҳ тақлидни бопларкан, олисдаги раҳнамози ниқобини тортган бетига, деб қўйди ичида. Ва шу заҳоти бошида синажак калтакни ўйлаб тин олди.



Фаттоҳ Обидий ҳамон мамнун ва хотиржам эди, мийиғида юмшоққина илжайиб, чой қуйилган тунука дўлчани узатгач, оғзини тўсмай узоқ эснади.

Шунинг баробарида тун бўйи ухламай қайси бир безорини тутиш учун ўлиб-тирилиб из қувганини ҳикоя қила кетди, кейин қўйиб берилса баъзилар разолат денгизига ўз ихтиёри билан чўкишини шарҳлашга тушди.

Шулардан бири бўлган Собир Қамарий билан ҳисобкитоб қилиш вақти-соати етмадими? Биз шоири калон билан холис ниятда ҳамкорлик қилишга тайёремиз. Лекин ошнангиз кейинги вақтларда ўздан кетиб, жиловини бўшатиб юборди, қуюқ-суёқ қораламалари билан ғанимлар тегирмонига сув қуймоқда. Кун кеча «Заррин» рўзномаси бош муҳаррири Эсон Мансурий шу борадаги рад этиб бўлмас далилларни маҳкамага ҳавола этди. Айни пайтда у бир вақтлар катта мансабни эгаллаб, бева-бечора бошида ёнғоқ чаққан падари қози Муҳаммад Валихон кирдикорлари учун ҳам шубҳасиз жавоб беражак. Узоқ муддат мазлума аёлларни дўзах ва охират ҳақидаги афсоналари билан кўрқитиб келган хотини Ҳилола отин Мардонқул қизи эрта-индин жаримага тортилурил..

Кўп афсус: куракда турмас сафсаталар тарғиботи билан шугулланган ва ҳамон бебошлик ҳомийси бўлиб турган қироатхона алоҳида жиддий ва долзарб масала бўлиб қолаётир, бинобарин, ана шу қабоҳат уяси ус-тидан ҳукм чиқариш фуқаро ихтиёрида!..

Маълум бўлишича, яқинда Собир Қамарий, фаҳм-фаросатдан қисган эмасми, ўйламай-нетмай муовинлик лавозимини суиистеъмол қилган, бинобарин, Эсон Мансурий бир ойлик сафарга кетганидан фойдаланиб, «Заррин»нинг бир неча сонидида кўҳна манбаларни кўкларга кўтарувчи суюқдан-суюқ туркум мақоалар бостирган, бу билан кифояланмай, тасарруфидаги Қуръони каримни гаразли мақсадда қайгадир яширганки, бу саъй-ҳаракати алоҳида ташвиш туғдираётир.

Минг йиллар оша жаҳолат намояндаларини қўллаб-ҳимоялаб келган, фақат зулм ва зулмат ёнида турган Каломулло хизматини ўтаб бўлганини ҳар ким чуқур англаши керак. Дунё ёшараётган бугунги кунда у асраб-авайлаб қўйиладиган нарса эмас, ўқиб-ўрганиш учун буткул яроқсиз, илм зиёсини тўсувчи тўғаноқ, қисқаси, ақду идрок ва тафаккур душмани, шундай экан, ақлини таниганлар тарафидан тезроқ ўтга ташланиши лозим.

Фаттоҳ Обидий ваъзини аччиқ ичақдай чўзди, шунақа чўзиб юбордики, ахийри, силласи қуриб ўзини диванга ташлади ва ҳаял ўтмай пинакка кетди. Келишимли бети чуйкалиб, қовоқлари кўпчиб кетганига қараганда чиндан ҳам уйқудан қолгани, ич-ичида недир алам уйилиб ётгани англашилар эди. Сал ўтмай хуриллашиб хурак тортиб юборди-да, йўтала-йўтала уйғониб, аланглан ҳолда чарм камарида осигли тўшпонча гилофига қўл юборди.

Фаттоҳ Обидий жимжит хонада ўзи ва паришон хаёл сураётган меҳмондан бўлак ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, енгил тин олиб, шунчаки чаккасини тимдалади. Чамаси, энди мунозара юритгани ҳафсаласи ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди, чўллагандек қалин лаблари пўст бойлаб, томоғи қақраб турарди. Жимгина кўнишиб оқлик ёпилган устулига бемалол чўкаркан, совуб қолган чойдан қуйиб ичди-да, таҳдидли овозда гудранди...

— Хўш, ёқамизме? А, лаббай!?

— Иложи йўқ! — деди устоз хотиржам. — Худонинг каломи қайдаю сизу биздек хом сут эмган бандалар қаёқда?..

— Ёқамиз, тамом-вассалом! Пишак-чичқон ўйини тамом!..

Уста Жамшиддин елка қисди, тили айланмай, сокин чақнаётган кўзлари сўйлади: қўлимда Каломулло йўқ, бўлган тақдирда ҳам бермасдим!..

Барини Фаттоҳ Обидий тушунди, ранг-рўйида акс этган ишонч ўрнини газабга ўхшаш нарса эгаллади. Лекин буни сездирмаслик учун дарҳол дереза сари ўги-

ридди. Бир муддат хаёл сургач, жадал ортига қайтди-да, устол четида турган гирди учган сарғиш қўнғироқни жиринглатиб чалди. Ўша заҳоти лаб-лунжи кўпчиган Пакана мўралади, нозир муддаосини билгач, кўп ўтмай оғзи-боши қон, пешонаси гурра, кўзлари киртайган Собир Қамарийни судраб кирди. Неча кундан бери тузукли туз тотмаган, уйқу нималигини унутган шоир оёқда зўрга турарди, ногоҳ чехрасида афсус-надомат акс этган, лаблари гезарган устозни кўрди-ю, аҳволдан хижолат чек-кандек бўлиб, илжайганча қаддини ростлади.

— Ай-ай! Аҳвол нечук, шайирбача?

Собир Қамарий ҳорғин нигоҳини истар-истамас нозирга кўчирди ва бошмалдоғини миҳ қилиб кўрсатди. Айни пайтда недир алам, недир нафрат сийнасини жизиллатиб ўтди-да, беихтиёр афтини буриштирди. Тасаввурини ортидан чирқиллаб қолган хотини ва ўгил-қизлари қиёфаси эгаллаган эди.

— Ҳимм... Хилватгинада текин шурпо билан текин нонни уриб ётипсан-да!? — қалпоғи соябонини ортига ўгириб қўйди Фаттоҳ Обидий. — Хўш, гапир, мана шу амакка берганмидинг Қуръонни?

— Бу амакни танайман!

— Ёлгонлама, тилчангни суғуриб олампиз-а!

— Қуръонни мени ҳовлим ёки бу киши уйдан эмас, одамлар дилидан қидириш керак, — айрича жангларди шоир овози. — Лекин бу ишни эплашингиз маҳол! Нима демоқчи бўлганимни тушунгандирсиз?

— Ййо-оқотулсун бу турқи совуқ хўккузвой!..

Фаттоҳ Обидий оғзидан тупук сачратиб бақирди, қуён-чиғи тутиб қолган одамга ўхшаб дағ-дағ қалтирар, лабларидан то қулоқларига қадар какра ўтдек кўкариб кетган эди. Пакана Собир Қамарийни судрай чиқиб эшикни ёпгандан кейин бир оз тинчиб, ранг-рўйига қон югурди.

— Қуръон, Қуръон! Тавба-ей, тилломе нима бало?!

Фаттоҳ Обидий хумдек оғирлашган калласини чангаллаганча яна ўзини диванга ташлади. Тахминан ярим соат мизғигач, кучга тўлган каби ирғиб турди-да, бари-

ни тўхтаган жойидан бошлади. Собир Қамарийни ўйлаб ичи тирналаётган уста Жамшиддин ҳозироқ қўлига кишан урилишини чамалаб безовта эди. Аммо негадир нозир энди сўроқни унча чувалантирмади, бугунча жавоб дея илжайгач, бир дам чакаги тинмай каридоргача кузатиб чиқди.

Уста Жамшиддин чармсимон жигарранг мато сириб қопланган эшиқдан тез-тез узоқлашаркан, иблис болалаган кўрғондан бундай осон қутилиб кетаётганига ҳайрон эди.

Чиндан ҳам ақл бовар қилмас ҳодиса бўлди, гўё елкасидан тоғ ағдарилди, тоғ! Лекин Фаттоҳ Обидий одамни ола ўйинга солишни ўлгудек ёқтиради. Тилини ҳаққа чўқигандай чайналгани — билганини сўйламагани учун кечирмаса керак. Ҳали мақсадини Пакана қулоғига шипшиб кўйган бўлса ажаб эмас. Енг ичида иш битиришга устаси фаранг гумашта девдай-девдай шериклари билан ҳадемай йўлини тўсади-да, тўппа-тўғри элтиб қоронғи ўрага тикади. Ўша заҳоти темир эшиқдан илжайганча Фаттоҳ Обидий мўралайди, биқинига пичоқ тираб, қайтадан савол устига савол ёғдиради.

Охир-оқибат, қону зардоб ютиб, барини оқизмай-томизмай айтиши керак, акс ҳолда кун йўқ, шўрва тўкилади шўрига! Ўртага имони ёки иззат-нафси тикилганини нозир билсин, унга қолса дилида ҳар не борини арзон-гаровга пуллаши лозим. Агар бепўшт-бўшт шундай қилса— букилса, чинакам ҳиммат ва эътиборга эришади...

Шошилиб илгари босаётган уста Жамшиддин миясини шу хил тарқоқ мулоҳазалар чирмаган эди; ҳовлини қоқ иккига айирган йўлақдан ўтар чоғи жон ҳовучлаганча бир неча бор ортига ўгирилди. Хайрият, қоровуллик постига етди ҳамки, лаънати Пакана йўлиқмади. Дарвоза биқинидаги эшикчадан чиқиб, кўнгли бир оз таскин топди ва шу заҳоти изғирин супураётган тошлоқ майдонча четида юзма-юз турган Шамсиддин билан мулла Аҳмадни кўрди.

Мана буни учрашув деса ярашади, севинчидан юраги паққа ёрилаёзди. Ўксиниб қўяётган ва лаблари гезарган ўглини эндигина бағрига босувдики, кунботар тарафдан кўзлари олма-кесак терганча Шариф урфон шитоб келаверди.

Уста Жамшиддин тескари ўгирилди, маориф жонкуяри зипиллай бориб қўрган ҳовлисига кириб кетгач, кўкси ўпирилгудек бўлиб уф тортди. Йўл-йўлакай Собир Қамарий ва Ҳилола отин бошига тушган кулфат ҳаммага бирдек тегишли эканини, қози Муҳаммад Валихондан мерос ҳовли-ҳарам ва китоб уйи рўйхатга тиркалганини сўйларкан, товушида бир титраниш сезилди. Эрта шунча мулк охирги гардигача мусодара қилиниши мумкин ва бу тадбир Шариф урфон тайёрлаб берган қоғозлар асосида адо этилиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳозирги вақтда маҳкама қўшимча далиллар тўплаш билан овора бўлиб турибди, шуниси айниқса ёмонки, ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади.

— Уста, ростини айтсам, девор оша кўчага мўралаганиям чўчиб қолдим, — деди ниҳоят мулла Аҳмад, лип-лип учаётган қовоғини силаб. — Билмадим мен ким эканман, соямгайм қоровул қўйишган-а, тавба. Ҳалиям биттаси муюлишгача келди изимдан.

— Буларга қолса... тўғри одам йўқ дунёда! — ҳавода муштини дўлғади уста Жамшиддин. — Худойимей, қандай кунларга қолдик, мулла Шамси?

— Э, устоз, ўғилчадан ҳол сўранг-чи. Бетамиз Шариф урфон буниям қулогини бураётган эмиш!..

Муғанний ташвишланиб айтган гап маромидан барини англаган уста Жамшиддин кўксида ногоҳ нимадир портлади. Ахир, бу кетишда Қалам билан Сўз оёқос-ти бўлади-ку! Не-не йиллар мобайнида арабий битик мардум қону жонига сингиб кетганини нима учун ҳисобга олмаслик керак. Қолаверса, масалани тақдир ҳукмига ташлаб қўйиш ёки пала-патиш ҳал этиш инсофдан эмас. Хавфу хатар кучайган бир пайтда ай-

рим нусхалар аравани қуруқ олиб қочаётгани айниқ-са нашъали туюлмоқда...

Бари-барини теран ҳис этгани боис уста Жамшиддин дилдан эзилар, аламини кимдан олишни билмас, орачорада дардлашиш истагида Умар чол қошига йўрғалар эди. Қайси куни борганда отахон ҳужрасидаги беш-олти рисолани Пакана бошлиқ исковичлар кўз ўнгида бурдалаб ташлагани ва анҳорга улоқтирганини хўрсина-хўрсина сўзлаб берди. Қуръони карим пайида изғиб-искаланиб юрганмиш муттаҳамлар. Тонг-азонда эса ҳали уйқуси тарқамаган Шариф урфон Шамсиддинни сўраб келди. Жон-пони чиқиб кетган устоз ўглини яширди. Холасиникида, деди нигоҳини тикандай санчиб. Кечқурун кейинги вақтларда оромини ўғирлаган жамики мулоҳазасини батафсил қоғозга туширди: мижжа қоқмай юқорига хат тайёрлади. Сўнг ичини мушук таталаб, жавоб кута бошлади, жавобдан дарак бўлавермагач, охири сирдан мулла Аҳмадни воқиф қилгани жўнади.

Шундоқ ҳам тўлиб-тошиб, кимга тўкилишни билмай юрган муғанний устоз сўзларини тинглаб, чимирилган кўйи ўйга толди, бир оздан кейин шу қадар муҳим мактубни ими-жим жўнатганини бетига солиб анчайин гиналади, ҳатто афсусланди: аттанг, камина ҳам имзо чекар эдим-а!..

Шундан кейин мулла Аҳмад хўрсиниб, ҳовлисида бегона бир зоғ бўлмаса-да, атрофига ўгринча қараб кўйди. Чиндан муғанний сабр косаси тўлганди.

Иложи қанча, уйидан олиб кетилган садафбанд қонун биқинида зарб қилинган ёзув Фаттоҳ Обидий қонини қайнатаётган эмиш, ўша нарса учун ҳали жавоб беришига тўғри келармиш!

Асли, инсоф билан айтилса, раҳматли падари дилдан кўчган битиклар бўҳтонга учраганди. Маъноси нима деб сўрарсиз, маъноси шуки, ўғлим, дунё кўзингга тору қоронғи кўринганда кўлингга қонунни олгин; ўғлим, дунё кўзингга кенгу чарогон кўриниб кетганда ҳам мана шу соз билан мулоқотда бўлгин!..

Орадан тахминан ўн кун ўтгандан кейин уста Жамшиддин яна қоғозга мук тушди, чой ҳўплай-ҳўплай, эндигина илк жумлаларни поёнига еткизган эдики, эшикдан сўрамай-нетмай Шариф урфон йўргалаб кирди.

Шаҳарда тобора доврўғи ошаётган муаллим бугун ҳафсала билан алоҳида русумда кийинган: оёғида кўполроғу яп-янги оч қизил ялтироқ амиркон пойабзал, эғнида оҳори тўкилиб улғурмаган барра ёқали ним пушти қишлик палто, бошида анчайин бежирим жигари барра телпак ва бўйнида эскироқ гулоби жун шарф — бехос диққатни тортадиган либослар ранги ўзаро уйғунлашганча юмалоққа мойил чўзинчоқ бетига кўчгандек эди.

Илгари муаллим кўплар қатори уста Жамшиддин меъморлик ва наққошлик бобида устозлик мақомига кўтарилганини чин дилдан эътироф этарди. Кенжа ўғли Иброҳимни, тақсир, эти сизники, суяғи бизники, деб шоғирдликка топширгач, этагини ўпадиган ва соясига кўрпача тўшайдиган бўлди. Кейин жин тегишгандай қадам олиши ҳам, лаб-даҳани ҳам ўзгарди, чарх уйини бошқатдан қуришни орзу қилаётган бандалар ортидан эргашиб кетиб қолди. Энди у анчайин хотиржам ва тўкис яшар, фақат сояси йўқ дарахтга айланаб бораётганини англамас, англашни истамас ҳам эди...

— Баччағар, нима бало, ҳовлимда қўйинг адашганми? — деди устоз ботинан тутактиб ва кутилмаганда сенсираб. — Сур бўл, лекин сал эвида бўлгин-да!

Айилботар гап Шариф урфон қулоғига кирмай, бир томонга хиёл қийшайган, қиррасини кўзойнак қизартирган бурни остидан ўтиб кетди чамаси: ишшайиб, томоқ қириб, салқи қовоқларини ишқалаб, кўрпачада бемалол чўқди. Наридан кўчадан-бери кўчага чопавериб юрағи куйганми, ичкари хонадан еғини бетига тугтиб чиққан Ойдинбидан чой сўради, ҳатто йўлига совуқ сув ҳам кифоя деб минғирлади. Ичидириляётган эса-да, сир бой бермай, очик чехра билан дастурхон тузай бошлаган кўхликкина бекага ўгринча қараб-қараб, қўйнидан нимадир чиқарди.

Не-не умид-ла, бир неча кун муқаддам юқорига жўнатган ва ҳамон сабр-тоқат билан жавоб кутаётган мактубини таниган уста Жамшиддин тахта бўлди-қолди — том гувиллаганча тўнтарилиб тушди гўё устига!..

Энди ўзини азиз меҳмондек тутаётган Шариф урфон эса, бепарволик билан мактубни қиймалаб-юмалоқлаб гилам остига тиқиб қўйди-да, қайноқ чойдан ҳўлади.

— Нима йўқотгансиз ҳовлимда? — гижиниб савол ташлади яна уста Жамшиддин. — Ёки сиздан қарзим борми?

— Тақсир, минг бор узр, Иброҳимбой энди шогирдингиз эмас, — ниҳоят бошқа томдан ошиб келди Шариф урфон. — Бугун кўрсангиз танитайсиз. Мировой бўб кетган!..

— Фақирдан хафа эмасдир тайлогингиз, — деди уста Шамсиддин бўғзи ачишиб. — Худойим умрини узоқ қилсин...

— Унисини билмадим, — телпагини бир кўтариб тагин жойига қўндирди меҳмон; сўнг шошилмай чой қуяркан, андавани бошқа томонга тортиб кетди: — Ҳам заҳарсиз, ҳам асал!..

— Худойим ийлаган зуваламни!

— Шундайми? Ихмм! Унда яхшилаб қулоқ солинг, тақсир, — истехзоли кулганча қисқа сукут сақлади Шариф урфон. — Бибихоним мачити дарвозаси ёнига пастак курси қўйиб, ҳар балони мутолаа қилиб ўтирадиган, тақдири азал ва шифо синоатидан фол очадиган Миср чолни танийсиз-а? Ҳа, бал-ле! Ана шу кас учига чиққан пирибгар эканлигини ҳам билармидиз?

— Пири муршид, ўткирнафас валий Миср дарвеш бошига не кулфат тушди? — хавотир аралаш тўрсайиб сўради устоз. — Бетоблар ва бечораларга қайишадиган ул кишидек беозор зот бутун вилоятдан бошқа топилмас!..

— Беозорлик фазилат саналмас энди, жигарим. Энди одамга эмас, замонга қайишмоқ фазилат, — овозига янаям бошқача тус берди Шариф урфон. — Хулласи калом, кечки сабоқни бериш ниятида мактабга бораёт-



сам, ўша таъвияни туртиб-суртиб ҳайдаб келадилар, узун дасторини бўйнига ҳалқа қилиб солганлар...

— Афсус, кўп афсус!..

— Сиз ҳам қадамни билиб босинг, биродар.

— Сиз билиб босяпсиз-ку, Шарифбой, етмайдами?!

Ҳартугур ҳамон ўзини уйидагидек эмин-эркин тутаётган меҳмон бунақа учирқни кутмаганди, бир зум бақа бўлиб ўтиргач, юмалоққа мойил чўзинчоқ бетида недир соя ўйноқлаб, шунақа қарсиллатиб акса урдик, иморат деразалари кўчиб тушгудек алфозда зириллаб кетди...

— Мани йўригим бўлак-да, — гудранди у охири, ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам, лаб-лунжини даст-рўмоли билан қайта-қайта артганча. — Эрта камина гўрига кириб ётмайсиз-ку!..

— Шуни биларкансиз, шунисигаям шукур!

— Нима деёпсиз, оқсоқол? Ман барини биламан, барини. Сиззи бошингиззи айлантираётган нокасу ножинслар муддаосидан ҳам хавардорман. Азиз бошингиз, бола-чақангиз ҳурмати, қайтиб улар яқинига йўламанг. Эрта сизни фақат Фаттоҳ Обидий суяши мумкин. Ёлгон айтсам ёрилиб ўлай!

— Бу тарафидан беҳабар эканман.

— Ўзингизни гўлликка солманг. Гап Қуръон усти-да. Нима учун қизганяпсиз ўша алмисоқдан қолган нарсани, нима, бошингизга ёстиқ қиласизми?

Елкаси тиришган уста Жамшиддин атай жавоб бермади, бир вақтлар Мир Араб мадрасасида инон-ихтиёрни осонгина ўғирлаб қўядиган мана шу тоифа шакаргуфтор воизлар билан ҳар кун ноилож мулоқотда бўлавериш, жонидан тўйганини эслади. Олимлигу мударрислик даъво қиладиган ўша мирқуруқ каслардан тониб ҳам, қочиб ҳам қутилолмай нақадар қийналган — минг маргалаб тавбасига таянган...

Қайтар чоғи Шариф урфон вақт борида этагини йиғиштириб олган халойиқ кўп унсурлар, хусусан, Каломуллодан юз ўтирганини роса чайнади. Ана шу фик-

рини қайта-қайта таъкидлагач, шаҳар тарихи ҳеч кимга керак эмаслиги, эски иморатларда қуруқ савлатдан бошқа нарса йўқлиги, таъмирга куч ва пул сарфлаш нодонлик эканлигини эринмай изоҳлади. Охирида эса Шамсиддин сингари навниҳол тақдиридан астойдил ташвиш тортаётганини эслатиб ўтишни унутмади.

Иложи қанча, уста Жамшиддин барини жимгина, сабру бардош билан тинглади — гоҳ кулса, гоҳ куйди. Бостириб чой ичаётган Шариф урфон Қуръони каримни ерга уриб, тобуткаши ва чироқёқари бўлмиш ўғли тақдирини қанақадир сафсаталар билан қўшиб юборгандан кейин юрагининг алақайси нуқтасида сим-сим санчиқ қўзғалди. Тобора кучланган даҳшатли оғриқни бир лаҳза унутмаган ҳолда, кўрсаткич бармоғи билан ҳавода доира ёки учбурчакка ўхшаш шакл чизди: сиз ўттиз қилсангиз, Арши аъло тўққиз қилур, жигарбандим сиз таърифун тавсиф этаётган мактабда таҳсил кўрмаса ҳам иншооллоҳ бир амаллаб кун кечирар, ҳеч қачон очидан ўлмас!..

## VII

Аввали-охири йўқ ўйлардан, қолаверса, таг-замини нотайин миш-мишлар ва гийбатлардан уста Жамшиддин толиқди. Шундоқ кўз ўнгида чарх ҳар сония турлича турланарди. Кун ора ўпкасини қўлтиқлаб келадиган Пақананинг совуқ урган сабзидек буришган башарасидан айниқса тўйди. Гумашта кажава қорнини осилтирганча дарвозадан мўралаган заҳоти оғзи кўпириб дағдаға бошларди. Олдида икки йўл мавжуд: ё Қуръонни ўз ихтиёри билан топширади, ёки шўри қисиб кишан кияди. Қайси бирини танлаш ихтиёрида! Фақат шошилиши керак, ортиқ тоқат қилолмайди маҳқама!..

Кеча айниқса Пакана роса эшилди: ертўлада ётавери-риб чўпу устихонга айланган Собир Қамарий охири паққос ёрилибди, яъни, Қуръонни ўз қўли билан унга

тутқазгани хусусида ахборот берибди. Энди бунақа оёқ тираши бефойда!..

Тақир қошлар остидаги бит кўзлар бу гап шунчаки бўҳтон эканлигини айтиб совуқ йилтиради. Ўрмондан қочган бу баттол тулкидан бемалол минг хил найранг кутиш мумкин. Мадраса таҳсилини кўрган, оқу қорани пухта таниган, эзгу сўз меҳрини дилига жойлаган Собир Қамарий эса бошқа одам — худбинлик кўчаси нималигини билмайди, дўсту ёрга чап бериш ниятидан мудом хорихда. Қолаверса, томирларида кимсан қози Муҳаммад Валихон қони оқмоқда. Имони комилки, ширин жонидан кечса кечар — қон қусар, лекин унча-мунчада букилмаса керак...

Шердор мадрасаси ёнида рўй берган ва таъбини тирриқ қилган учрашувни уста Жамшиддин анча вақт унутолмади. Кўксида недир гашлик ўрнашди, қолаверса, олисдан, йўғ-а, шу атрофдаги пасту баланд иморатлар ортидан, ёмғир ювган ихота деворлари панаси ёки дарвоза-дарчалар тирқишидан таҳдид ва ғараз акс этган қандайдир нигоҳлар таъқиб қилгандек туюларди. Наздида, ола-кула нигоҳлар бир дақиқа чекинмай, совуқдан-совуқ чақнаб, сурлик ила шундоқ кўнгли қатларини кузатади, охир-оқибат кўнгли тубида гавҳар донасидай асраб юрган сирини фош этади. Лаънати тахмини наҳотки охири ҳақиқатга айланса? Агар ўша лаҳза муқаррар бўлса, яхшиси ҳозироқ ўзини ўзи бўғиб қўя қолсин...

Орадан роппа-роса бир ҳафта ўтгач, шанба куни тонгда қўлига тагин чақирув қоғози тегди. Ноилож Умар чол тегирмонини ёнлаб йўлга тушаркан, шаҳар бесаранжом эканлигини сизди. Мўру малах одам кўчаларга сифмасди, Регистон айниқса ақл бовар қилмас даражада тирбанд; улкан издиҳом қирғоғини бузган денгиз мисоли чайқалмоқда. Кучли оқим ичра каловланди, оқим бақувват гавдасини қаёққадир суриб кетди. Охири бир оз қияроқ дўнгса жойга чиқиб қолди.

Ажабо, шаклу шамойили ғалати чолгуларнинг гумбир-гумбири остида, рўпарадан ясан-тусан қилиб ол-

ган аёлу эркак гурас-гурас ўтиб борарди. Анчадан кейин бир хил кийинган, алвон тусли бўйинбоғ боғланган ва кўзлари ёнаётган ўсмир йигит-қизлар кўринди; олдинда ўгли Иброҳим билагини қисиб ушлаб олган Шариф урфон асов тойчоқ каби гижинглаб одимлар, гоҳо нимадир деб ҳайқирар эди.

Илгари устоз тўс-тўполондан иборат бунақа маросимни кўрган эмас (ҳайит ёки Наврўз айёмларида қайнаб-тошадиган сайиллар файзи бутунлай бошқача-да!), ҳаётида илк марта ўзини жон риштаси боғланган Регистон заминига бегонадай сезди ва кўкси санчиб қўйди. Ҳадемай бутун еру кўкни ларзага солган гумбир-гумбир олисда қолиб кетди; лекин маҳобатли кўрғон ҳовлисига кирганда ҳам, тунов кунги хонада маъюсланиб хаёл сураётганда ҳам дилида жаранглаб акс-садо бериб турди...

Оқ сурп ёпилган устудда Фаттоҳ Обидий аввалгидай уйқусираб ўтирарди, одатдаги каби келишган бетида хайрихоҳлик ифодаси ҳукм сураб, осуда ва ҳорғин нигоҳида нимадандир мамнунлик учқуни йилтирар эди. Иззат-икром доирасида сўрашди, ҳарқалай бугун тун бўйи из қувганидан нолимай, бирдан мақсадга кўчди: суҳбатни аввалгидек тўсатдан йўқолган Қуръони каримни суриштиришдан бошлади. Эски ашулани эшитишни истамай устоз елка қисгандан кейин ўзи чулдирай кетди.

Юқори мансабни эгаллаб турган даврида қози Муҳаммад Валихон ўша Каломулони элу элати, уругаймоғи номаълум бир қари дарвешдан арзон-гаровга харид қилган, ҳатто зуғум билан тортиб олган бўлиши ҳам мумкин. Кўп ўтмай хачирга ортилган сандиқда жойлаб Самарқандга келтирган ва уламоларга кўз-кўз қилиб мақтанган. Яқин-яқингача Қуръон ундан мерос қолган қироатхона тўрида авайлаб сақланган, энди эса қайдалиги афсуски номаълум, дангали — ўша нарса топилмагунча маҳкама бир тирик жонга тинчлик бермайди.

— Биродар, яна айтаман, қироатхонада Қуръони шарифга кўзим тушган эмас, — оғриниш билан товушини бир поғона кўтарди уста Жамшиддин. — Фаҳимча, тириклик чоғида Муҳаммад Валихон ўзи кимгадир совға қилиб юборган. Шундай гап чалингандай бўлувди қулоғимга!..

— Ай-ай! Тўвба, кўппи кўрган, оқни оқ дегон ақлли кишу бўла туриб намуноча қийнайси одамми? — бафуржа диван сари жилди Фаттоҳ Обидий. — Ёким девол ушатиб кетишми ниятийиз?.

— Камина ёлгон одами эмасман!

Кесатиқ аралаш осуда янграган хитоб Фаттоҳ Обидий дилида акс-садо бергандек туюлди ва аллақерида омбирдек буровчи санчиқ кўзгалди. Шунга қарамай, жозиб куй тинглаётган шинаванда одамдек мулоийим жилмайди; айна пайтда сабр косаси тўлаёзганини билдириб қўймоқчи бўлдим, бир муддат нозик истехзо ифодаланган нигоҳини устоз нигоҳидан узмади. Тузукроқ ўйлаб олинг маъносида тиришган пешонасини тез-тез ишқалади-да, дабдурустан қоматини диванга ташлади. Тим қора чарми похолдек титилган диван зорлангандай гичирлаб қўйди.

Фаттоҳ Обидий шу чўзилиб ётгани, хуррак жониворни ванг қўйиб, шом қоронғиси аралаш босинқираб уйғонди. Хонасидан отилгудек қонталаш кўзлари бир жойда турмас, арчилган лавлаги учини эслатадиган ияги бир томонга қийшайиб кетган эди.

— Ай-ай! Кимлар? Милтуғ отдиме!

— Йўғ-ей! — ҳайратланди устоз. — Кимга зарил?

— Э, сиз, амак... билсайиз экан муттаҳамлани.

Хиёл қалтираётган Фаттоҳ Обидий соқоли киндигига тушган қанақадир бебош кимсаларнинг етти пуштини жағи оғригунча тинмай ёғлади. Ахир, бедодликни қарангки, ҳатто биттаси изидан соядек эргашиб юради, куппа-кундузи кўчада икки марта руволвер билан отиб қўйишига сал қолди. Гумбир-гумбир бўмбалару иснарядалар бўронидан соғ-омон қолган жони осойишта кунларда қумалоқдай ўқдан хазон

бўлса алам қилади-да. Асли биқинидан дарча очиб қўйишлари ҳамда тупроқ тубида илон-чаёнга ем бўлиб ётишдан қўрқмайди, кеча-кундуз чеккан азоблари ме-васини кўрмай армонда кетишдан қўрқади. Ахир, қишин-ёзин дала-даштан чиқмай кетмон чопадиган, жазирамада букилганча арпа-бугдой ўриб, чанг-тўзон ичида ҳўп хайдаб, хирмон совурадиган, яйловда мол-ҳол изидан сарсону саргардон кезадиган мазлуму маз-лумалар учун қанчалар қон-зардоб ютмади дейсиз.

Чакаги қизиган Фаттоҳ Обидий ҳали-бери вайсаш-дан тўхташ ниятида эмасди. Яхши ҳам шу пайт эшик шарақлаб очилди ва захри-махрига анчагина шароб ютиб олган Пакана, бир қўлида шиша-пиёла, бир қўли-да газак солинган ликопча, гандираклаб кирди.

— Федик, елкадошшим, қани-қани, во-ҳей, бир муччи! Боринга шукур, марди майдоним. И-ихмм, қани, манови жонворри шир-рин қип бергин. Қадаҳ сўзи бўсин. Шошма, аввал жавоб бер энаси бўйтал соқолвойга. Бугунча кампирчаси қуччоғига борсин, эрта катта кўчада ўззум эмаклатмасам ажиқизман!..

— Шошма, кейинроқ, — Фаттоҳ Обидий май тўла пиёлани устол четига қўйди. — Шаййир чақирилсин. Бугун ё униси, ё буниси бўйнига олиши керак.

— Шаирми? О, там-мом, хезалак! — чайқалганча қаҳқаҳа отди Пакана. — Эсу ҳушдан жудо... Тиз чўкиб, илҳом парисига виро айтмоқда, виро!

Уста Жамшиддин илкис бошини кўтарди, Собир Қамарий аҳволини тасаввур қиларкан, бутун вужуди музлаб кетди. Ярамастар шўрликни ўғирчага солишгани аниқ, ҳатто тилига игна ёки бигиз санчган бўлишлари мумкин. Ёки шифтга оёқларидан осиб, баданини тилим-лаб, териси орасига туз-қалампир тикишдимикин? Киши тилга олгани ботинмайдиган бунақа разилона усуллар-ни ўйлаб топиш ва қўллашда Пакана устаси фаранг бўлса керак. Ахир, Фаттоҳ Обидий бошқалардан кўра унга кўпроқ суяниши, уни ўнг қўл ёрдамчиси санаб, мунта-зам равишда энг жиддий вазифаларга жалб этиши бе-

жиз эмас. Ўзиям истаса шайтонга фириб бериб, тегирмон дўлидан бутун чиқишга қодир экан...

Фаттоҳ Обидий пиёлани бўшатгач, газак қилиш ўрнига, дераза сари ўтирилди ва хушламай қўл сермади. Жавоб текканини тушунган устоз, ҳамон илжайганча чайқалиб турган Паканага бир ўқрайиб депсинди-да, хонани шитоб тарк этди.

Симон зинадан шошилмай эниб, ҳовлига чиққан дамда ичини недир махлуқ ўткир тирноқлари билан тирнаётган эди. Худодан охири бахайр бўлишини тилаб, оғир гичирлаб ёпилган темир дарвозадан узоқлашди. Хазонларни чирпирак қилиб учираётган изғиринда дилдираб, элик қадамча босувдики, икки киши лўкиллаб пешвоз келди; Шамсиддин билан мулла Аҳмад-ни таниб, зимзиё кўнглига гўё чироқ ёқилди.

— Намунча хомушсиз, оғам?

— Фақир гуруҳини тарқатишди, — деди мулла Аҳмад, томдан тараша тушгандек қилиб. — Ўзимни дарахтга оссам қутиламани шулардан?!

— Кўп ўксиманг, — атай овозига кўтаринки оҳанг берди уста Жамшиддин. — Бу кунлар ҳам ўтади, уят бетларида қолади.

— Тавба қилдим, энди мақомлар бегона эмиш, одамни замон нафасидан чалгитармиш, вужуд билан руҳни майиб қилармиш! Бу сафсатадан ўртанмайми?!

— Илож қанча, барини Худога соласиз, — ичи сиририётган бўлса ҳам далда беришда давом этди устоз. — Аҳли сафсата номаъқул бузоқ гўштини епти. Мақомлар қонимизга сингиб кетган десам кифоя эмас, қонимиздан бино бўлган!

— Улус ҳам шундай ўйласа экан.

— Улус аҳволидан оз-моз воқифман. Бир қарасанг оқил, бир қарасанг жоҳил! Ҳақ йўлида бутунроқ фикр юритмоққа ўрганмаган ҳали! Манови жардан ташлаш зарур бўпти дейилса борми, бас, мия ишлатиши шарт эмас! — Уста Жамшиддин хўрсиниб, ёнида пилдираб бораётган Шамсиддин сари юз бурди. — Ўғлим, икки

дунёда ҳам сен унақа тоифа билан ошу қатиқ бўлмагин! Акс ҳолда, гўримда тикка тураман!

Тепасидан қуш ҳам учиб ўтолмайдиган кўрғон дарвозаси олдида отасини бағрига босган пайт Шамсиддин мислсиз гам-ғусса домида тўлғанаётган эди. Сўнг хўрсинганча ортига ўгириларкан, бутун шаҳар аҳли қисмати шу маконда ҳукм сурадиган кайфият билан боғлиқ эканини яна бир бор ҳис этди. Манови дарвозадан бирин-бирин пойлоқчилик қилгани чиқадиган нусхалардан нақадар зада бўлиб қолди. Неча марта улар зуғумига учрамади. Қорни кажавадек осилган Пакана-ку пилдираб атрофида ўралашгани-ўралашган. Лаънатини узоқдан кўрган ҳамоно лабига қўша-қўша учуқ тошади. Қачондан бери ўламан-саттор биттаю битта гапга ёпишиб олган: Қуръон қайси кавакка кўмилганидан воқиф эмиш, тихирлик қилмай айтса қўлига зўр сийлов тегармиш! Думини ликиллаатиб аврашини қаранг. Амал-тақал билан чалғитмоқчи-да. Наҳот у шу қадар пўкка ва ҳувари? Йўқ, чучварани хом санапти ўша доғули!..

— Биласиз, жоме мачити ёпилган, — чўзилган жимликни бузди мулла Аҳмад. — Кеча, жумаи муборақда пешин қарзини узиш учун бекитиқча бордим. Кетимдан гала ўсмир ёпирилса денг.

— Мақсадлари нимаикан?

— Баччағарлар Қуръонни излар эмиш.

— Ёпирай! — ёқа ушлади уста Жамшиддин, ҳалигина Фаттоҳ Обидий билан ўртасида кечган суҳбатни эслаб. — Нима қасдлари бор экан Қуръонда?

— Билолмадим, устоз.

— Охири замон яқин шекилли.

— Ким гиж-гижлаган ўша гўдакларни, хўш? Менимча, Шариф урфонга ўхшаган ислохотчи каслар-да! Ўғли Иброҳим ҳам жавлон урди шу куни. Худонинг газабидан қўрқишмаганига ҳайронман!

— Худони танишмайди-да, жигарим.

— Хўш, бу... Шарифбой-ку тушунарли, уста Ризога қандай жин тегишдийкин? — овозини пасайтирди



мулла Аҳмад. — Фақирни кўрса-нетса тўрт тош нарига қочур. Тайин қилиб қўйганми, қачон борсам хотини ёки қизидан уйда йўқлар жавобини оламан.

— На чора, бандаси хом сут эмган-да.

— Энди сополга битик зарбламас эмиш!..

— Сиз-чи?, амаки — деди ногаҳон Шамсиддин чулдираб. — Сиз ҳам қайтиб қонун ясамас экансиз-ку! Шу пайтгача «Қасидаи падар»ни ҳам тингламадик!..

— Маҳмадана! — ўғлини жеркиди уста Жамшиддин.

Мулла Аҳмад сукутга толди, ҳайҳот, ўсмирлик боғида эндигина бўй чўзган, оқу қорани тузукли таниб улгурмаган ўғлон берган илмоқли саволга қандай жавоб қайтарсин?

Ахийри, муғанний зимдан хиёл бош эгиб одимлаётган устозга нигоҳ юбориб кулимсиради. Ҳар ҳолда кўнгли алғов-далғов бўлиб кетган эди. Бир оз ҳушини ўнглаб, нимадир дейиш — юрагини бўшатиш учун лаб жуфтлади, лекин улгурмади.

Ногаҳон фалак буржларидан бодрай-бодрай сон-саноксиз юдуз тўкилган каби алланарса қасирлаб кетди. Кейин тор-тор катаklarига сиғмаган кучуклар безовта вовуллаб ҳурди, совқотган оч-дайди мушуклар миёвлаб, бузогини соғинган сигирлар маъради ва ниҳоят аёл йиғи-сигиси аралаш эркак дағдағаси янгради.

Бир оздан кейин теран жимлик чўқди, сўнг яна чор-атрофда олатасир таҳлика қўпди-да, ҳаял орасида ёнларидан оғир-оғир юмалоқ тугун ҳамда йўғон-йўғон кажава елкалаган, дўмпайтириб алланарса босилган замбил кўтарган давангир кишилар гурсиллаб ўтишди; улар беш-ўн қадам юрар-юрмас яна бесаранжом тўда йўлиқди, ажабки, булар ҳам опичлаган юкларини биров кўриб-билиб қолишидан чўчиган каби, нафаслари тиқилгудек алфозда ҳансираб чопганча, гира-шира қоронғилик қўйнига шарпадек сингиб йўқолишди. Оз-моз жимлик чўккан ҳамоно яна бир қора кўзга чалинди, ёпирай, кифтига зилдек тап-тапанг халта қўйволган банд кимсан мулла Ражаб эди...

Уста Жамшиддин тунов кўни кечки пайт акаси хонадониди кечган можарони эслаб хўрсинди. Афсус, кўп афсус: ҳозир шундоқ кўз ўнгида содир бўлаётган ҳангома ўша нохушлик давомига ўхшарди.

Учоварада шариат рукнларини дастур билган мулла Ражаб ўрни бўлакча — доим иззату икромда, ҳар қанақа йирик давра тўрини бермайди; кўнгил ва феълу атвори кенгроқ тутиш бобида намуна кўрсатар, ўрнида мароқли ваъз айтар ва каттаю кичикни савобгир бўлишга ундар эди. Ҳар ҳолда билими ҳам чакки эмасди; мадрасада ва кейинча уйида Муҳаммад ал-Хоразмий, Муҳаммад Мусо ал-Фаробий ва Абу Райҳон Беруний меросини имконига яраша ўрганиб, анчагина мағзи тўқ рисолалар битган, маъқул топганларини тажрибали саҳҳофларга бериб китобат қилдирган эди.

— Минг тавба! Ҳей, ака, бу ўзингизми ёки соянгиз? Ушбу сония кошки кўр бўлсайди кўзларим! — деди ниҳоят ўкинчли оҳангда уста Жамшиддин. — Наҳотки ўзингиздан адашиб, дунёда увол борлигини унутдингиз?

Силласи қуриёзган мулла Ражаб халтани бир амаллаб тагини шўр еган икки пахсали ихота деворига тиради. Нина санчиб эсаётган изгиринга қарамай, бутун бадани мисдек қизиган, пешонаси ва бўйнидан оқаётган тер ой ўроғи сочаётган элас-элас нурда сокин ялтирар эди...

— Э, укагинам, бўғзимга тиг ботириб турган бўлсалар увол кўринадими кўзимга? — хижолатини яширмай, соқолини силкитганча пойма-пой сўзлай бошлади аллома. — Ановунда бекор чирандинг-да. Тегмасанг алақачон баридан қутулган бўлардим.

— Ака, сизга оғирлиги тушган экан, ана, бизникига киргазинг.

— Йўқ, ука, миямни еганим йўқ. Ўз бошимни қутқариб, сени азиз бошингни бало оғзига тикайми? Хўш, шундай қилсам, мардликка ётадими? Қўй, ука, одамни ўртама!

— Ака, барибир ҳозироқ орқага қайтинг, ҳарқалай сиздек одам бунчаликка бормаслиги лозим. Худо тос

тепангиздан уради бундай қилсангиз, дуойи бад бўлиб, насаққа қоласиз. Ҳатто наслу насабимиз бир умр қарғиш эшитади. Биласиз, бундан мен ҳам анча-мунча асраб юрибман, ёр-ошно кўмагида яширамиз. Тирик товон эмасмиз-ку!

— Бандаи гумроҳ, очикроқ айтгин, асли ўзи менадан нима истайсан?

— Жамоа мулкани увол қилманг.

— Тоза эсар-ку сен, а? Жўна, йўлингдан қолма! Замонида битталаб ўзим йиғувдим, замони кепти, ўзим барисини йўқотаман! — ёнгудек бўлиб таъна устига таъна ёғдирди мулла Ражаб. — Хўш, қани сен айтаётган жамоа? Эрта зўр келса қайси бири ён босади менга? Қўй, жигарим, қонимни қайнатма, уйим дардисар молга тўлалигини етқизган ўша лаънати жамоанг-ку!..

Бир четда мулла Аҳмад билан Шамсиддин баҳсга аралашолмай мулзам турарди. Айниқса, йигитча эс-хушини йўқотган: амакисини ҳам, отасини ҳам ҳеч қачон бунақа қиёфада кўрмаганди. Шўрлик амакиси чиндан қайсарлик қияптими ёки шунчаки жонини асраб қолиш пайида — аниқ билолмади. Падари эса тасаввур қилганидан кўра баджаҳдроқ экан, ана, аччиғи бурни учига кўниб, муз остидан чиққандек қалт-қалт учаётир, икки кўзи бамисоли икки чўғ, оёқлари керилган, қўллари заранг мушт, қўйингки, ним қоронғи йўлакка гавдасини гов қилган...

Анжирзорда адашган қари кўппак зорланиб улий бошлаганда сира кутилмаган ҳодиса рўй берди: қурмагур мулла Ражаб ёшига номуносиб чаққон ҳаракат билан халтани орқалади, қаршисида ҳурпайиб турган укасини шартта бир тарафга суриб, лапангланганча индамай ўтди-кетди.

— Ака!.. Ҳей, жоним ака!..

Уста Жамшиддин нидоси жавобсиз қолди.

Кечалари ёстиғи тагида Мирзо Бедил ёки Алишер Навоий девонини қўйиб ётмаса ухлолмаган, ҳар неки қиммат буюмидан кечса кечган-у, бироқ нақшинкор

жавонидан бирор рисолани ҳатто вақтинча олиб кетишларига розилик бермаган мулла Ражаб энди ҳаммасига бутунлай этак силкиганди, аниқроғи, анҳор сари эмас — мудҳиш қисмати томон шошилаётган эди.

Шамсиддин неча пудлиги номаълум халта остида букилган мулла Ражаб ортидан бўзарганча лол-ҳайрон туриб қолди. Жадал йўрғалаётган аллома оқшом кўйнига сингиб кетган ҳамоно шундоқ сийнасида недир яра мадда бойлади; тинмай шовуллаётган сой бўйида яна икки шарпа кўринганда гўё аллатовур тикан ўша ярани билдириб-билдирмай тимдалай бошлади. Энди бу даҳшатли азобга чидаш маҳол эди, ахир, кўр эмаски, кичик амакилари бўлмиш Абдувоҳид билан Абдурахмонни танимаса! Булар ҳам надомат кўчасига бош тикишибди-да!

Хазондек тўкилиб-сочилиб турганига қарамай, отаси барини ундан олдинроқ пайқаганди, гўр ва гофил қариндошлари йўлини тўсиш мақсадида ҳай-ҳайлаб югургилади, аттангки, улгурмади. Сойнинг ногаҳоний шолоплаши шир яланғоч толлар ва теракларни кўналга қилган қарғалар оромини бузди, еру кўкни жонни сирқиратувчи фарёдлар тутиб кетди...

Ола-говурдан ҳушёр тортиб уйқуси қочган Умар чол ҳужрасидан фонус олиб чиқди-да, бўсағада жонсиз қотди: қанчадан-қанча китоб новга тикилган, сув кўпириб қирғоғидан тошган, тегирмон дўли тўхтаб қолган эди. Шўрлик қария шошди, Худога ёлборди, ўпкасини босолмай, сал нарида чор-ночор каловланиб турган Шамсиддин елкасига бошини қўйди.

Шамсиддин илгари босди, чуқур-чуқур жойларда пайдо бўлган кўлчаларни тизза бўйи кечиб аранг одимлар, тобора ўпкаси тўлиб ҳиқиллар эди.

Бир пайт хаёли ғойибдаги дашт сари учди-ю, алам-ангиз йиғи тап-таранг бўғзини йиртиб юбораёзди, ногоҳ иссиқ-шўртанг ёшлар қайтиб дилига қуйилди, дили тўсатдан жунбишга келаркан, кўкка ўрлаган дарахтлар орасидан қоронғилик пардасини ёриб, ўкирганча йўртиб келаётган талғир туяни кўрди.

Нафаси тиқилиб, қора терга пишган эса-да, бир дам тўхтамай югураётган жонивор белида Мўйсафид мунг чекиб, юрак-бағри эзилиб ўтирарди. Ахийри, чол соҳилга етиб келди, туяси тўхташини кутмай, оламни бузгудек овозда ҳайқириб юборди-да, тўлиб-тошган анҳорга калла ташлади...

Шу манзарани тасаввур қилиб Шамсиддин титранар, юраги гупиллаб тепар, недир куч уйғонарди борлигида. Қушдек қулочини ёзган маҳалда Мўйсафид нигоҳи чақнаганини кўргандек бўлди ва беихтиёр орзиқиб кетди. Энди зигирча иккиланмай, кийим-пийими билан тўлқин қаърига шўнғиди. Кўпираётган муздек мавжлар саркашлик билан кўкрагидан итарар, қўлларини қайиранар, кўзларини тўлдиранар эди. Шу боис ортидан отаси, мулла Аҳмад ва ҳатто Умар чол ҳам умтилганини илғамади...

Талашув узоқ давом этди, Шамсиддин наздида орадан минг йил ўтган эди. Кўп нарсани эслолмасди. Бир пайт тамшаниб кўзини очсаки, юмшоққина тўшақда ваража қилиб гужанак ётибди, ёнида онаси мунгайиб ўтирибди, беун йиғлай-йиғлай, лағча чўғдек ёнаётган пешонасига авайлаб ҳўл латта босаётир, ранг-рўйи бамисоли девор бўлиб кетган, лаблари гезарган...

Шамсиддин барини ногаҳон тасаввурида тиклаб, отилиб турмоқчи бўлди, қоқ бели узилиб кетгандек, аъзои бадани сўнгсиз оғриққа чулғанди-да, ноилож инқиллаб яна жойига чўзилди.

Навбатдаги недир кўланкалар билан қоришиқ тун азобини уйқу ёрдамида енгмоқчи бўлди, лекин бу насиб қилмади, тани ва шуурини бир лаҳза ҳам бедорлик тарк этмади. Алоғ-чалоғ тушларида гоҳ отасини жеркиб ташлаган мулла Ражаб, гоҳ тегирмон ёнида турволиб аллакимларни қарғаётган Умар чол, гоҳ тўхтаб қолган тегирмон, гоҳ ғойибдан талғир туяда елиб келган Мўйсафид... чириллаб айланар ва тўзонларга қориша-қориша қаёққадир чекинара эди.

Бу эрта сал тетиклашиб уйғонди, фақат ҳамон миясидан губор аримаганди. Қовоқларини уқалаб таш-

қарига чиқсаки, отаси айвонда мулла Аҳмад билан бир-галиқда авайлабгина жиққа ҳўл китобларни саралаёт-тир. Чехраси заҳил тортган онаси ҳам қарашмоқда. Тепасида қарғалар қўнган бостирма билан кучук ка-таги ўртасида талғир туя маъюс бош эгиб, қимир эт-май турибди. Йирик-йирик кўзларида олам қадар по-ёнсиз мунг ва гусса жойлашган...

## VIII

Эл оғзига элак тутиш қийин: тез орада шаҳар бўйлаб доимий ҳаракатдаги амри маъруф давраси аъзолари, жум-ладан, Собир Қамарий ўрада азоб тортаётгани, мулла Ра-жаб билан ўғиллари қилмиши, тўхтаган тегирмонини юргизгунча Умар чол қадди букилгани, эрта-индин Шер-дор таъмири тўхтатилиши ҳақида овоза тарқалди.

Ҳангоматалаб бекорчилар мағзавани асосан уста Жамшиддин устидан ағдараётган эди, қисқаси, у маъ-луму машҳур қироатхонадан бир қанча қимматбаҳо китобни, хусусан, Қуръони каримни пинҳона ола ке-тиб, аллақайда яшириб қўйгани боис фуқаро жабр чекаётгани оғиздан оғизга кўча бошлади.

Асли гийбат, Пакана режасига биноан, салла ўрнида кала келтирадиган, махсус мактабни ўтаган югурдак-хуфиялар тарафидан тарқатилган эди; камини беш-ўн чақа сийлов олган нафси бузук дайди-саёқлар бошлаб охи-рига етказишди. Урчиб кетган аzza-баzza чақма-чақарли-гу ҳангомалар сабр-тоқат билан қулай пайт пойлаётган Фаттоҳ Обидийга туппа-тузук дастак бўлди. Баҳонада иложи борича ҳунаридан бошқа нарсани ўйламайдиган устоз борди-келдиси, тирикчилиги ва таниш-билишини таъқиб қилиш бир неча баробар кучайтирилди. Юрар йўли, ҳовлиси атрофи ва Регистон пасту баландида раф-тори совуқ исковичлар танда қўйди, қизиги, кун ора улар алмашиниб туришар ва ҳуда-беҳуда жигига тегиб хумордан чиқишар эди.

Ҳаммасидан қадам олишлари айрича ўзгарган Шариф урфон қилиғи ошиб тушмоқда. Ярамагур муаллим кун ора эринмай остона ҳатлайди, уялмай-нетмай дуч келган тешик-гуйнукка тумшугини тикади-да, алмисоқдан қолган арзимаган нарса учун бунча койиниш тентаклик эканини бетига солади.

Шариф урфон шунчаки кўпираётгани аниқ, зарил келса эрта яна бемалол бошқа ниқоб кияди (ахир, кечагина Қуръони каримни мадрасада бош-охир ёд олганини айтиб мақтанмасмиди, давраларда Тангри каломи дахлсиз эканлигини ташвиқ қилмасмиди?), мана шу феълени анчайин билгани туфайли кўпинча у билан пачакилашиб ўтиришни истамасди.

Бутун охир-оқибат устоз олдида беҳад муҳим вазифа кўндаланг: нима бўлган тақдирда ҳам, Қуръони карим сингари, қози Муҳаммад Валихон қироатхонасидаги бошқа жавохирларни ҳам тезроқ хавфу хатардан холи қилмоғи керак. Агар келгуси насларга тегишли қадри осмон қадарли юксак заҳирани, мулла Аҳмад каби синалган, лафзида муқим ошналари иштирокида, тезроқ бир ёқди қилмас экан, абадийлик тавқу лаънатга учрайди.

Зиммасида улкан бурч борлигини тушларида Мўйсафид ҳам аён қилди: бир марта қария тарғил туясини етаклаганча ҳорғин қиёфада дарвозасидан кириб келди, дастурхон ёзса ҳатто қарамади; бир навбат эса ўша жониворга мингаштирди-да, чанг-тўзон қоплаган поёнсиз дала-дашт сари олиб кетди. Йўлакай шаҳар остонасида бир ёлдор аждар дам уриб ётганидан огоҳ этди, хусусан, ўғлим, гавҳарни оёқости қилиш гуноҳи азим, деган писандаси ҳамон жаранглаб турибди қулоқлари остида...

Таажжубки, кечалари Шамсиддин ҳам шунақа босриқадиган бўлибди: тушларида эти бориб устихонига ёпишган Мўйсафид нуқул Қуръони карим билан Ҳикмат девонини эзгилаб суриштирар эмиш, баъзан эса чўгдек товладиган бахмал гилофга солинган қанақадир чолғу тутқазармиш илкига! Нечун сукутдасан, ўғлон, деб бўғилганча заранг говронини силкирмиш,

ахир, Шайтон нияти хатарли: Сўзни йўлдан оздириш ва ўз маслагига мослаб олиш пайида-ку! Мудҳиш нияти ушалса Қалам қон йиғламайдими?

Мўйсафид гойибдан куйиб-ёниб имо-ишоралар қилаётгани ва жон-жаҳди билан таъна ёғдираётгани сабаби тушунарли, ахир, умри бино бўлиб қўй оғзидан чўп олмаган Собир Қамарий хонадони, бинобарин, аҳли идрок умр бўйи умтилиб яшаган, Арши аълонинг мунаввар нури билан йўғрилган даргоҳ тақдирнинг қалтис ўйини туфайли хавфу хатар остида, шундай экан, шўрлик гўрида қандай тинч ётсин?

Бошқа чора йўқ; вақтни ганимат билиб, имилламай, отни жадал қамчилаши — пишитиб юрган режасини амалга ошириш тадбирини чекиши лозим. Бемалол қўл қовуштириб, томошабин бўлиб ўтириш инсофу диёнатдан эмас. Атиги бир кечада, энг ичида иш тутиб, жилла қурса энг сара рисола-куллиётлардан маълум қисмини хилват жойга кўчириш мумкин, фақат ёру биродарлари ҳайиқишмаса, бир ёқадан бош чиқариб, чаққонроқ ҳаракат қилишса кифоя...

Илгари бу хусусда ичи тирналиб юрган Собир Қамарий билан неча марта маслаҳат қилувди; дилида умид туғилган шоир бир қанча муҳим таклиф айтганди. Амри маъруф даврасининг бошқа аъзолари ҳам кўмаклашишга розилик беришувди. Лекин бариси бирдан чаппасига кетиб, пишиб турган иш бузилди. Бугун Оймаржон маҳалласи алоҳида назорат остида, яна ҳам чатоғи, қироатхона эшиги, отнинг калласидек қулф солиниб, муҳрлаб қўйилган...

Афсуски, шунақа бўлди: ҳатто чўпдан ҳадиксираб, чивиндан гумонсирайдиган пойлоқчилар вазиятни бешбаттар мураккаб қилиб юборишди. Сал ножўя қадам босилса, сир фош бўлиб, қўлга тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Энди кечаси ёки кундузи қироатхона сари йўлаш муқаррар ажални бўйинга олиш билан тенг...

Шунга қарамай, уста Жамшиддин белидаги белбоғни ечмаслик учун тамом аҳдланди. Таваккалнинг боши



кал! Ўладиган дунёда бир амал қилсинки, икки амал ўрнини боссин. Минг шукур, бу фикрини Шамсиддин ҳам маъқул топди. Маслаҳати ва мулоҳазасини жон қулоғи билан тинглагач, кеча шом қоронгиси аралаш тегишли одамларга хабар етказиб қайтди. Энди Тангри қўлласа, иншооллоҳ омадлари чопади.

Шу илинжда, юраги гупилаб, бугун тонг-азондан йўл қараётир. Тилладан қиммат фурсат беҳуда кечаётгани, хатар қироатхона тепасида булутдек осилиб турганини ўйлаб хитланади ва аллабир норозилик билан тез-тез ташқарига мўралайди. Тик этган товуш эшитса дафъатан орзиқиб тушар, бир зогга кўзи тушмай қовоқ уяр, даҳлизда ёлғиз сўйлана-сўйлана мақсадини амалга оширишнинг осонроқ йўлини қидирар эди.

Ахир, Сўз нажот кутмоқда, Қалам улғайтирган Сўз!..

Уста Жамшиддин хиёл маҳзун шивирлар экан, ногоҳ Собир Қамарий сўйлаб берган ҳикоятни хотирлади; гўё олисда талғир туяси бўйнини силаб-силаб қўяётган Мўйсафидни, Қуръони карим билан Ҳикмат девонини авайлаб хуржунига солаётган қози Муҳаммад Валихонни кўриб турарди...

Уста Жамшиддин, кўкси сим-сим тилиниб, шошилмай ҳовлига чиқди-да, тандир бошида куймаланаётган Ойдинбибига кўз қирини ташлади. Димоғига қип-қизариб пишган иссиқ буғдой нон бўйи урилиб иштаҳаси очилди. Тушлик пайти Шамсиддин билан бирга бировини қаймоққа бўктириб туширди. Вақт асрдан ошди ҳамки, ҳеч ким йўқлаб келмаганидан ҳайратда эди. Тавба, қадрдон улфатлари қайси кавакка уриб кетишди, ҳатто мулла Аҳмад ҳам, шогидлари ҳам кўриниш беришмади.

Эртаси куни чошгоҳда, диққати ошиб ўтирувдики, Шамсиддин кўчадан кутилмаган хабар топиб келди. Гангиб қолган ўғли сўзини тугатолмай йиғлаб юборгач, ҳовлидан шитоб узилди, тўғри бориб акаси дарвозасидан кирганда кўкси бир санчди ва қора-қура тумшуғи айвон устунига тегиб-тегмай турган, баъзан оҳис-

та кавш қайтариб қўяётган талғир туяни иллагандек бўлди. Наздида, жонивор асабий бўкирганча этакда жойлашган китоблар бўлмаси сари жилиб, шарпа каби кўздан йўқолди. Шундан кейин эътиборини қарғана-қарғана пешвоз келган Малоҳат аяга қаратди. Илгари анча дуркун бўлган аёл бир кечадаёқ озиб-чўкиб қолган ва сарғайган ёноқларини дув-дув ёш юваётган эди.

— Ёзуғимиз қаттол экан, укамулло!..

Айвонга етар-етмас жойда, баланд кўтарилган иш-ком остида уста Жамшиддин ёғоч каби қотди. Ахир, нақадар аччиқ, нақадар залвар кутилмаган мусибат захри, барини борича теран ҳис этиб, ичи тошди-ю, кексайган эри ва яқинда уйланган икки ўғлини ҳалиги кўрғон сари узатишга мажбур бўлган янгасини қандай овутишни билмади. Ҳаётдан умиди узилган, ҳар не яхши-ёмонга этак силкиган муштипар жонни юпатишга ожизлик қилди. Иложи қанча, осмон узоқ, ер қаттиқ, Худодан бошқа бир зотдан кўмак ва шафқат тилаш фойдасиз, охирзамон нишонларидан биридирки, суянадиган одам қолмаган, дўст киму душман ким — ажратиш қийин, биров изидан биров пойлайди-я, тавба!..

Малоҳат ая кеча куппа-кундузи Пакана бошлиқ савдойифеъл югурдаклар, суянчларини ҳибс қилишгани етмай, дағдаға-пўписа билан Қуръони каримни излашгани, ҳамма ёқни титкилашгани ва қолган-қутган китобларни ўмариб кетишганини йиғлай-йиғлай баён айлади.

Юраги қисилган уста Жамшиддин шошиб ивирсиган ҳовли этагига ўтди-ю, беихтиёр ҳуши бошидан учди, ахир, не кўз билан кўрсинки, маҳобатли бўлма остин-устин қилиниб, ўймакорий ёғоч жавонлар синдирилган, нозик ислимий гуллар чекилган сандиқлар мажақланган, ёндарилари ганч безаклар билан зийнатланган эшиклар ва ромлар ўпириб ташланган эди. Кўкси увалгудек алфозда оғир-оғир бош чайқаб, бўсағада намиқиб ётган йиртиқ-сиртиқ варақларга мўлтираб боқаркан, кимдир хириллаб устма-уста йўталди,

ўтирилиб қараса, рўпарасида иршайганча Шариф урфон қад ростлаган...

— Ўҳ-ҳў-ў, ҳормосинла!..

— Мутгаҳам!..

— Тил ўлсин-а, тил ўлсин, — Шариф урфон пилдираганча ичкарига йўналди, узоқ йўқолиб кетди-да, нимадандир ҳафсаласи пир бўлиб изига қайтди. — Унақа сўкинманг-да, тақсир!..

— Ҳа, замон саники! Санга ўхшаган...

— Ман ёрдам қимоқчиман-у, сиз эса сайропсиз.

— Пишириб егин ёрдамингни!..

— И-ҳий, одамми латтаси, оиладан тўйипсиз-да.

— Ишинг бўлмасин.

— Тақсиржон, ўша гап... Ҳадеб чўзмай, ҳалиги дардисар дарагини айтсайиз бас, олам гулистон. Бир ўққа икки қуш тайёр. Уруғ-аймоқ жони билан бир қаторда ўз жонийиз ҳам азиз-ку!..

— Шунақами?

— Ўртада воситачи ўзим! Ишонаверинг, ўзим сизни бало-қазодан асрайман! Осонми, ўҳ-ҳў! Ўрмонга ўт кетса, хулу қуруқ баравар ёнар экан, тақсир!..

— Жоврама, етар шунчаси!

— Мойли-мойли луқма ундириб бераман!..

Анчайин нордон туюлган кейинги сўзлар гўё йироқдан висирлаб эшитилди, уста Жамшиддин бирпас ёнгудек алфозда олайиб-бўзариб тургач, ногоҳ панжаларини чангак қилди-да, ғалати лиқиллаётган ҳалқумга чанг солди: бўғиб ўлдирсам ҳақим кетур! Баҳонада гўё дилида анчадан бери чўкиб ётган огир тош даҳшат солиб кўчган ва бутун вужудини қақшатиб юборган эди. Шаштини босолмай, дағ-дағ учиб, қайта-қайта ҳайқирав, қаҳру ғазаб қўшилган овози мулла Ражабнинг файз ариган ҳовли-ҳарамии узра акс-садо берар эди.

Кўзлари хонасидан отилиб чиққан ва жонидан умидини узаёзган Шариф урфон мушукдай бир-икки биғиллади-да, дарвоза сари йўрғалаб қолди...

Бу эрта Шамсиддин кеч турди, шамоллаш асорати бутунлай аримагани боис калта-калта йўталар, оёқ-бели қақшаб оғрир, иштаҳаси ҳамон бўғилган эди. Бетоб санагани учун отаси уйғотмай, ёлғиз ўзи ишга жўнаворибди. Андак бўлса ҳам дили оғриди, онаси кўзини шамгалат қилди-да, туз тотинмай, кўчага қуюндек отилди.

Шамсиддин илдам-илдам босиб қирғоқ бўйлаб бораркан, тунов куни кечқурун рўй берган, борлигини алғов-далғов қилиб ташлаган нохушликни хотирлади.

Яхши ҳам мулла Аҳмад билан Умар чол бор экан, отаси қанотида туриб, Сўзни ажал чангалидан юлиб олишди. Талғир туяси билан кечикмай вақтида келган Мўйсафид ҳам қараб турмаганига ишончи комил, ахир, у ҳаммадан аввал ўзини қирғоғидан тошган сувга отганини кўрди-ку!..

Шамсиддин дарахтлар шохида изиллаб, кўча-кўйни супуриб тинимсиз эсаётган беқарор шамолда жунжикди. Наздида, ўзига ўхшаб, бутун шаҳар совқотаётган эди; ҳатто қилт этмай турган баҳайбат иморатлар баданини ҳам қутираётган изғирин игнаси илма-тешик қилиб юборганди...

Шип-шийдам кўчадан қанақадир қават-қават юк ортилган бир нечта кўқон арава гичирлаб-шалдираб ўта бошлади. Йўлак бўйлаб одимлаётган Шамсиддин ҳавода визиллатиб қамчи ўйнатаётган баджаҳл арава-кашларни қизиқсиниб кузатар, қовурғалари саналиб қолган, жунлари ва ёллари тўкилган отларга ачиниб қарар эди. Сўнг кўпинча бандаси тирикчилик гамида елиб-югуриш ва овораи сарсон бўлишдан нарига ўтолмаслигини гашланиб ўйларкан, бехос нигоҳи Фаттоҳ Обидий билан Паканага тушди.

Улар совуқда бунақа етаклашиб юриши беҳуда эмаслигини тахмин қилди, дилига шубҳа оралаб, айни пайтда чўчишни хаёлига келтирмай, елкасини қисганча орқаларидан йўрғалади. Йўлаклар ва хиёбонлар олаговур эса-да, қулоқларини динг қилиб, баҳс Собир Қамарий ва бошқалар хусусида эканлигини билиб олди.

Пешин бўлмай хуморбосди қилиб улгурган Пакана тилини эҳтиёт қилишни анча-мунча унутганди. Лаънати ҳамишагидек нафаси тиқилиб пишқирар, қорнини лорсиллатиб одимлар, тинмай сафсата сотар эди. Орада отасини қоронғи горда қишлаб масиққан айиққа қиёслаганини айтинг. Бунақа ичидан пишган одам жиловини бўш қўйиш бениҳоя мудҳиш, дерди нуқул, оғиз кўпиртириб. Нобакор қўрғон остидаги жойини топмагунча, Қуръони карим ёки Ҳикмат девони ҳақида зигирча маълумот бериши даргумон! Ахир, уста Фазлиддин Латифий ҳам кўп зол-қайсар одам бўлган, демак, у наслига тортган, наслига!...

Заҳардек аччиқ, найзадек тигли қочиримлар Шамсиддин кўксини ловуллашиб юборди ва алам-ангиз бир нидо узилиб чиқди бўғзидан, ҳайҳот, булар нияти аниқ, булар Қалам фарзанди саналмиш Сўзни қурбон қилиш қасдига тушишган!

Шамсиддин майдон чегарасига қадам босаркан, беихтиёр тасавури нурланди, ҳаял ўтмай қулоғига гўё бир дукурлаш ва ҳайқириқ чалинди, олисдан қора кўпикка ботган талғир туяда Мўйсафид ошиқиб келарди. Шердор пойига етганда ҳатто Мўйсафид нафасини туйгандек бўлди ва хаёл сура-сура қирғоғига сигмай кетган ҳалиги анҳор каби тўлиқди, ошиб-тошиб бораверди.

Шамсиддин билади, Қуръони карим сувда оққан эмас, буккан ҳам эмас — ишончли ва бежавотир жойда турибди. Ишқилиб эрта тиниб-тинчимас исковичлар топиб олишмасин-да, ахир, қачондан бери улар суварак мисоли ҳамма ёқни тўзгитиб юришибди.

Шамсиддин анча тиккага келган қуёшда сокин жило бераётган Шердор пешига ўтди. Юзма-юз бўй чўзган уч обидага бирин-сирин тикиларкан, руҳи юксалди. Охирги вақтларда отаси каби шуларга нақадар боғланиб қолган, шуларсиз тирикчилик тирноқча ҳам қизиқ эмас.

Фақат тузук-қуруқ тузалмай, ўз ройича тўшакни тарк этгани учун ҳозир роса таъзирини еса керак. Мийиғида кулди ва сал нарида мўлтираганча қўл

қовуштириб тўхтади. Хавотири бекор бўлди, бир неча шогирди билан берилиб машғулот ўтказаетган отаси жеркимади, аксинча, очиқ чеҳра билан ёнига чорлади.

— Сўйла-чи, манови лавҳада не маъно ёшурун?

Ажаб савол!

Ёлгон эмас: салобат тўкиб товланадиган аломат пештоқ қошида илгари ўзини бир қадар йўқотиб қўярди, мабодо тикилса ўзаро уйғун бўёқлар афсунига узоқ дош беролмас, ҳатто кўкси тубида аллатовур ҳайиқиш уйғонар эди.

Кейинча аста-секин бари ўзгарди: ўша ҳадик-хавотир недир ҳайрат-ҳавас билан алмашина борди, энди наштардек санчиладиган арслоний нигоҳлар, шахт-ла илгарига узатилган забардаст панжалар ва ханжарсимон тишлар ҳайбатидан чўчимас, аниқроғи, уларни дилига яқин тутар эди.

Ҳозир Шамсиддин муаззам пештоқ мазмуни ва меъмор-наққош салоҳиятини лўнда-лўнда қилиб шарҳлар экан, яна ҳам айрича ғурурга чулғанди. Отаси қаноат ҳосил қилганини пайқагач, бир дам сукут сақлади ва ҳали тасодифан рўй берган учрашувни сўйлашга киришди. Навбат эндигина мулла Аҳмадга дахлдор жойига етганда шундоқ ортларида кимлардир шарақлатиб кулди. Рўпарада қайси жойни иштасса ўша ерда ҳозир нозир бўладиган, бир-бири соясига айланиб қолган Фаттоҳ Обидий билан Пакана бўзариб турарди.

— Ай-ай! Хўш, пўлван, «анулар» деганинг кимлар, нахот биз бўлсак? — кўрсаткич бармоғини Шамсиддин иягига бигиз қилиб тиради Фаттоҳ Обидий. — Ай-ай, нега жимсан? Нон дўкони олдида учратибсан, жуда соз, кейин-чи?

Қовун туширипман-ов!

Шу ўйда Шамсиддин хўрсинди ва зимдан Фаттоҳ Обидийга тўрсайиб тикилди. Нозир қиёфасини чулған осудалик ифодаси дилида тушунуксиз ғашлик кўзгади, шунинг баробарида яқинда шуурида ўрнашган хотиралар қати очилди: шам ёритган ганчкорий шинам хона,

инграна-инграна тўкилган қонун, қирғоғини бузган ан-хор, дўли айланмай тўхтаган тегирмон, чўкаётган Сўзни қутқариш учун олисдан талғир туясини елдириб келган Мўйсафид...

— Бўла қол, қонумга ташна қиворма-де!..

— Болани ўз ҳолига қўйинг, — деди уста Жамшиддин, нафратини аранг босиб. — Мен билан гаплашинг.

— Биззи ану ерда кўрипти. Қойил қолдук. Биз сўқирлик қиб ўтиб кетипсиз, — одатича пишқириб ҳаво симираётган Паканага кўз қисди Фаттоҳ Обидий. — Қийғирдан қаери кам? Сиз эса бола деб камситосиз.

— Худо асрасин, Шамси искович эмас, — нимадир жонидан ўтиб қизишди уста Жамшиддин. — Икки ёрти бир бутун бўлиб Шердор пештоқини муҳокама қилаётувдик.

— Бекорчилик-да, шундоғме?

— У ёғини худо билади.

— Ай-ай! Биз ҳам билиб қўйсак зарар қилмас. Ҳадеб савобдан гапирасиз, балки бизга ҳам савоб керақдир.

— Ву-ух, яшанг! — гудранди Пакана.

— Ҳимм... Хўш... Биродар, бугундан таъмирни тўхтотиб, манови битикларни суваб ташайсиз.

— Шундай қилсам муродга етасизми?

— Битта манмас, бутун халқ етади муродига, — кўча томонга ишора берди Фаттоҳ Обидий. — Кошки маза-матраси бўлса!

— Бор!

— Ошурманг. Қани, бир ўқинг-чи, эшитайик.

Уста Жамшиддин Шердор пештоқининг офтобда ингичка товланаётган зебу зийнати ичра зарбланган зарҳал номага назар солиб пичирлади: соҳибқирони замона Имомқулихон зоти олийлари салоҳияти ва салтанати дариг тутмаган мурувватдан рағбат топиб ҳамда мадад олиб бул обидаи муаззамни солдирган Яланг-тўшбий Баҳодир\*, оталиқ ҳазратларига Арши аъло та-

---

\* Самарқанд ҳокими — XVII аср ўрталари.

рафидан беадад савоби азим ва раҳмат нури ёғилгай...

— Ай-ай! — пўнгиллади димоғида Фаттоҳ Обидий.

— Турган-битгани хушомад-ку! — кутилмаганда орага суқилди Пакана. — Ҳатто қон ҳидиям анқимоқда. Бундан наҳот кўнглингиз айнимаса, уста? Инсоф қилсангиз-чи!

— Отажон!..

Ногаҳон Шамсиддин бир беозорлик, бир умид ва бир ҳадик билан қилган илтижо уста Жамшиддин жони ва дилини билдирмай симиллатиб ўтди. Айни пайтда недир ғурур туйди, ахир, ёнида шундай суянчиқ турганда нимадан ҳам қўрқади.

— Инсофни сендан сўрасам ярашади, биродар, — сабр косаси тўлган уста Жамшиддин Пақанани сенлаб юборди. — Ҳадеб мени тергаганча аввал ўзингга боққин. Айт-чи, сен ўзи кимсан? Қайси хилқатдан келдинг, қайси элу элат, қайси аймоқ, қайси тоифага мансубсан? Имоним комилки, етти пуштинг кимлиги, қайси тупроқда илдиз отганингдан ҳам гофилсан. Келиб-келиб сендақа муттаҳамларга кунимиз қолганига куяман!

— Ҳа, сиз... Ай-ай! Амақ, биз ўйлагандан кўра чандон чотоғсиз, — Улуғбек мадрасаси сари қараган бўлиб, кўз қири билан Пақанага имо қилди Фаттоҳ Обидий. — Йўқ нарсани даъво қиласиз, бунақада келишиб олишимиз қийин-ов. Энди ўзийиздан кўринг, суҳбатти чаласини бошқа жойда битирамиз.

Муқаррар рўй беражак мана шу ҳодисани уста Жамшиддин кўпдан бери кутаётганди, бинобарин, зимдан шаҳар огиру енгилени тарозига соларкан, жон ҳовучлаб бу кунга ҳозирланди. Неча маргалаб ўзини Миср дарвеш, Собир Қамарий, уста Мирсаид, мулла Ражаб ва уста Қурбон ёнида, кана-чаён бижиллаган тим қоронғи ва зах ертўлада тасаввур қилди. Мана энди тақдир ҳукми ўқилиб, мудҳиш лаҳзага етишди, энди тунлари алвастилар қўриқлайдиган ўша ғаройиб масканга қулоқ қоқмай жўнайди.



Ичи сидирила бошлаган уста Жамшиддин ранг-рўйи олча гулидек оқарган Шамсиддинни аста қучди. Ёруғ дунёдаги ягона тиргаги билан хайрлашув нақадар оғир, нақадар маҳзун эканлигини бутун вужуди билан ҳис этди ва бўғзига жовиллаб тиқилган хўрсиниқ нафасини қайтараёзди.

Аммо шу пайт бўзлаб юборишдан аранг тийилиб турган Шамсиддин ҳам фақат шаҳар эмас, бутун музофотда энг нуфузли идора саналган хуфия маҳкамага таклиф этилди. Шу муносабат билан ҳозирча ҳеч қандай видолашувга ҳожат қолмади. Энди Худойим охирина бахайр қилсин, ахир, олдинда не савдолар қутаётгани қоронғи...

## IX

Уста Жамшиддин ич-ичидан зил еди, сираси, гулдан-да нозик жигарпораси, ҳали гуноҳ кўчасидан ўтиб улгурмаган яккаю ягона меросхўри зимзиё гўшада қон ютиб ётишини сира ақлига сиғдира олмади. Ярамаслар ниятларига етиш учун уни не кўйларга солишини фақат Худо билади. Инсофу диёнат юзасидан иш тутиш улар феълига афсуски бегона!..

Бутунги ҳодисадан хабари йўқ Ойдинбибига айниқса энди осон тутмаслик лозим, энди шўрлик ҳувиллаган ҳовлида ёлғиз роса қийналади. Ишқилиб, мўртгина нарса, анови нобакорлар зуғум қилиб қўрқитишса ёки ёлгон-яшиқ ваъдалар беришса, Қуръони карим қайда кўзпана қилинганини билдириб қўймаса-да. Ҳар ҳолда сиру савдодан у ҳам хабардор, бинобарин, кун сайин авж олаётган можаро қандай якун топишидан озми-кўп ташвиш чекса керак.

— Камина борми-йўқ, бохабар бўлинглар, — деган уста Жамшиддин, мавридини топиб ўгли билан хотинига. — Ашаратхона Қуръон учун муносиб паноҳ! Замон тинчиса, қазиб оламиз. Ҳали гардини ҳам кўзга суртишади!..

Жимжит кечада аллатовур ҳоргин туюлган, кошинлари тўкилган баҳайбат иморат ертўласида, ошланган қалин кўнга ўраб-чирмалган Каломулло ёнида, уринасурина амаллаб кўмишган жилдлари бармоқ билан санарли, холос. Аммо нима бўлганда ҳам сал-пал умид туғдиради, умидки, зарра-зарра йигилиб тоғ бўлажигига ишора — агар ҳар ким кўйнида бир донадан асраб қолса, қанча-қанча рисола нажот топади.

Хўрликка ўхшаш нарса тиқилди устоз бўғзига, ахир, ҳозирча кўпчилик бундан мункир келаётир, ҳатто айрим нокаслар ниманики маъқул санашса, бепўшт-пўшт шуни адо этишаётир, бир томонни селу сурон ўпириб кетса чикора!

Афтидан, замон зайлига кўра, бу кунда у ҳам жони-моли ва хонадонини омон сақлаш илинжида нотавон махлуққа айланмоғи доркор, қачондир Қалам ҳомийлигида улғайган, бугун эса таъқибга учраган Сўз жавоҳирлари саналмиш Қуръони карим, Ҳикмат девони ва бошқа ёзма обидалардан кечмоғи лозим, агар ҳусну малоҳат бобида ойни уялтирадиган улугвор осори-атиқалар деворлари, пештоқлари, миноралари, гумбазлари ва равоқларидаги азал-абад йўриқларидан ҳикоят сўйловчи ва аждоқлар нафаси теккан битикларни кўпорса ёки суваб ташласа яна маъқул!..

Шуниси аниқки, тоабад тавқу лаънат ва маломатга кўмилиши учун биргина ножўя қадам ташлаши, билиб-билмай бир марта тилидан тойиши етиб-ортади. Худо илоҳим ана шундай кўргилиқдан асрасин, қолгани гам чекишга арзимаёди.

Ишқилиб, тезроқ дилбандини кўйворишсин, ундан кейин ўзини пишириб ейишмайдимми?! Ахир, мундоғ олганда, баъзи орзу-ҳавасини айтмаса, ёруғ дунёда кўпам ҳақи қолган эмас. Чархи кажнинг турфа чорраҳаларида тирмаланиб кераклисидан ортигига эришгани ёлгон эмас, қисмат лойиқ санаган аччиқ-чучукни борича татиди. Падари ва волидаси дуосига етишди, шунингдек, Ойдин каби пари билан ҳавас қилса арзийдиган туппа-

тузук турмуш кечирди; бинойидек оқила, ҳуснда тенгсиз, холис ниятли аёл меҳри ва муҳаббатини қозонди. Бир даври даврон шунчалик бўлар-да...

Регистон гарбида, бир тарафи қамишзор, бир тарафи жарлик харобазорда улкан қўнғизни эслатадиган, пешида думалоқ шиша чироқ ўрнатилган қора машина кутаётганди; шаҳарда мутлақо камёблиги боис у кишида дафъатан ғалати таассурот уйғотарди.

Оралиқ йигирма-ўттиз қадамча қолганда асабий ҳамда бўғиқ гудраниш-койиниш эшитилди ва икки барваста одам шарпаси кўзга ташланди. Негадир ҳалигилар аланглай-аланглай жадал панага уриб кетишди. Олдинда туяқушдек кўкрак кериб ва лўкиллаб бораётган кимсани ота-бола Шариф урфонга ўхшатиб ажабланди. Анча-мунча кетинда бирон нарсадан қуруқ қолгандек пилдираб чопаётгани ҳам таниш эди. Ёпирай, наҳотки уста Ризо бўлса? Нима муддаода илакишиб юрибдйкин дарди-бедаво нусхаларга!?

Юраги шув этган уста Жамшиддин афсус-надомат ичра бош тебратди, каловланган кўйи яна ўша тарафга тикилди. Энди ҳеч ким кўринмади. Ҳаял ўтмай атрофни қоплаган зил-замбил жимликни чалдевор ичидан шовурсиз кўтарилган икки-уч бойқушнинг аллатовур ҳазин нидолари бузди.

Зоҳиран хотиржаму ботинан тутаб-тутамай ёнаётган ота-болани ҳазил-мутойиба аралаш иззат-икром билан машина орқа эшигига рўпара қилишди. Замирида кесатик ва зарда ниҳон бунақа такаллуф ортиқча — боридан кўра йўғи яхши эди. Нуқул тиржайиб кўяётган Пакана пишқирганча улар ёнига чўқди, Фаттоҳ Обидий олд ўриндиқда жойлашгач, тап-тақир қирилгани билиниб турган бошига кетмоннусха кўкиш қалпоқ қўндирган чувак ҳайдовчи эпчиллик билан газни қўшди.

Туйқус устоз миясини, шаҳар ташқарисига, гадой-топмас хилват томонларга елдириб кетишса-я, деган тахмин чирмади. Хавотири бежиз эмасди, ахир, йироққа, масалан, Каттақўрғон ёки Карманага элтиб таш-

лашса, омонлик теккандан кейин Шамсиддин уйга қандоғ қайтади. Ишлари битиб, эшаклари сувдан ўтгандан сўнг нобакорлар бунақа улов яқинига йўлатишмас, бор энди, кунингни кўравер, деб кетига боплаб тешишса керак.

Хайрият, анча эскириб шалоғи чиқиб қолган машина унча узоқ юрмади. Тахминан ўн-ўн беш минутдан кейин устоз кўзи анча кўниккан, қўшалоқ темир табақасига беш қиррали юлдуз тасвири солинган дарвозадан кирди-да, чўзиқ-чўзиқ сигнал бериб, пештоқига алвон туғ ва шиор илинган гиштин бино биқинида тўхтади.

Илгари уста Жамшиддин маҳкама ҳовлиси бу қадар кенг ва сердарахт эканлигига эътибор бермаган экан; увлаётган шамолда шатир-шутир чайқалаётган баҳайбат чинорларга тикилганча беихтиёр елка қисди. Баланглиги сал кам уч газ бўлган ихота девори устидан тортилган тиканакли ўрама симни, девор биқини бўйлаб қоқилган қозикларни ҳам ҳозир кўриб турарди. Қўш қанотли қилиб тикланган иморат орқасига ўтишгандан кейин ҳайрати тагин ҳам ортди.

Чиндан бу томон манзараси айрича: аллатовур ўлимтик сукунат ҳукм сураётир, қаровсиз акас-қарагайлар ва қайрағочу тераклар сокин мунгайган, ерга тўшалган ва супурилмаган хазонлар ачқимтир ҳид анқитар, ҳўл-оғир ҳаво гўё елкадан босар эди. Ҳатто оёқ остида гишт синиқлари, занглаган темир-терсак, бўш шишалар, тунука банкалар хирмондек уйилиб ётарди; бир чеккада чирик ёғоч-тахталар тахлаб ташланган, сал тўрроқдаги энлигина тошқалов ҳовузча саргимтир шишадек ялтирар эди; шаклу шамоийли бир қарашдаёқ эсда қоладиган, алоҳида панжара билан ихоталанган ҳовузча устида, тўрт симон устунли ёғоч куббада жўмракли улкан бўчка ўрнатилган....

Пастқамгина темир эшик ёнида уларни йигирма беш ёшлардаги ихчам ҳарбийча либос кийган, ўрта бўйли, бақувват, қорақош йигит таёкдек қотганча ўнг қўлини чакккасига тираб қаршилади. Совуқ қизартир-

ган бетида одатдаги юмшоқ табассум қўнган Фаттоҳ Обидий аста бош ирғагандан сўнг ўзини бўш қўйди; қовоғи солинган устозга эътибор бермай, сен гўдакка пишириб қўйибдим бу ерда маъносида Шамсиддинга гилайи қараш қилди.

Ичкаридан кифтлари қоядек тик, рапидадек бетида чечак изи қолган, бесаранжом боқишидан ўлгудек жиззакилиги билиниб турган яна бир назоратчи йўргалаб чиққанда Фаттоҳ Обидий эшик ёндарисига беҳол суянган эди; шундай лаб-лунжи сўлжайиб туришида кун кеча тўшакни тарк этган бетобга ўхшарди. Уйқусираган ҳолда гудраниб буйруқлар бергач, дарҳол ота-болани ажратишди: бирини чапга, бирини ўнга етаклашди.

Узундан-узун каридор сокин ва димиққан бўлиб, деворлари қанақадир дабдабали маросимлар, қўллари ни илгарига чўзиб нутқ сўзлаётган соқолли зотлар акс этирилган плакатлар, милтиқ ушлаб жангга отилаётган аскарлар, мамнун алфозда никоҳ уйи томон ошиқётган келин-куёвлар тасвирланган расмларга тўла эди.

Ғаройиб ҳашамни ажабсиниб кузатганча устоз маъюс судралиб борар, гоҳо тажанглик билан афтини буриштирар, таранг тортилган руҳи билинар-билинемас сирқирар эди. Бир маҳал қорақош йигитнинг истехзоли гудраниши ва турткисидан ўзига келди, панжарали тор гиштин зина бўйлаб қанақадир чуқурга энаркан, беихтиёр хўрсинди ва бадани жимирлаб кетди. Ахир, эй, Яратган эгам, бунақа жаҳаннамдан қолишмас жойда Шамсиддин ҳоли не кечади? Илоё, Парвардигор, ёлғизгинасидан меҳру мурувватинг ва сабру бардошингни аямагин! Узун кечаларда ёлбора-ёлбора уни ўзингдан тилаб олмаганмиди?!

Уста Жамшиддин ним қоронғилиқда ачиган карамкартошка ҳиди аралаш зах исини туйиб одимлар, хаёлида олис хотиралар чирпирак бўлиб айланар эди. Бир неча йилни Ойдинбиби билан бирга фарзанд доғида куйиб ўтказганини эсларкан, ногаҳон ивирсиган ўнқир-чўнқир саҳнда оёқлари чалишди-да, гандираклаб

тўқмоқдай нарсага урилди. Икки киши рўпара келганда аранг сиғишадиган энсиз, лекин ҳалиги каридор мисоли узун йўлақда чақалоқ муштидай кичик чироқча қизара-бўзара аранг нур сочарди; гўё зиммасига ёритиш эмас, шунчаки бор-йўқлигини билдириб туриш вазифаси юклатилган эди. Ертўла нарёгида ўлимтик сукунатни бузиб, зилдек оғир эшик гичирлаб очилди, намиққан симон деворлардан қайтган бўғиқ акс-садо тиниб улгурмай тагин ўшаңдайин овоз таратиб ёпилди. Бесўнақай эшик, ҳайҳот, эрта нафақат чирогини ёқиб ўтирадиган азамати бетига, бутун аъмоли-бади, қайғуси-қувончи ва орзу-умидлари устига ҳам ёпилгандек туюлди ва аста пешонасига шапатилади...

Қорақош йигит бўлари бўлаёзган уста Жамшиддинни нам ва рутубат уфураётган тор йўлак бўйлаб узоқ етаклади, қайси бир жойда тўхтанг маъносида қўли билан ишора бериб, ивирсиган кўйи занглаган юмалоқ қулфни очди-да, недир илинжда жовдираётган устозни илкис елкасидан итариб юборди; кимсан — итмисан ёки бит, нечун бу гўшани қўноқликка танладинг, деб сўрамоқни лойиқ билмади, билса — бошида азроил тўқмоғи ўйнаса керак. Фақат устоз тирқишдан бир маромда ўқдай боқадиган, на гурур, на ачиниш, на севинч, на мунг ифодааланган кўзларини кўриб қолди ва унга ҳам осон эмаслигига имон ўтирди; қулф гичирлаб буралар экан, тамом каловланиб, темир панжарали туйнукка тикилганча, тап-тақир полга бўшашиб ўтирди.

Ҳали шошиб қолгани боис саҳн бўсагадан сал кам бир ярим газ пастлигини пайқамабди. Ичкарига мункиб кетган чоғда қорақош йигит ихчам-енгил нарвончани чаққонлик билан тортиб олган, лекин буни эслолмас эди. Ўрасимон ивирсиқ чуқурга қай алфозда тушганини билолмай диққати ошди. Ёруғ дунёдан бутунлай узилиб қолган эди.

Яхши ҳамки тепада, ҳар жойи ўйилган шифтга яқин жойда бир неча қатор сим тутилган тўртбурчак туйнукча қўйишган экан; унинг каттагина қисми ташқари

сахндан анчайин юқори бўлиб, шу жойидан кузги оч пушти ва симобий булутлар ўраган бир парча осмон кўзга ташланарди. Ҳарнечук сокин тўкилаётган бир тутам нимтатир ёруғлик жиндай бўлса ҳам кўнглига далда бағишлади. Бутун жисму жонини сирқиратиб юбораётган оғриқлар ҳам бир қадар босилди.

Андак мизғиди, қанча вақт ўтганини билмасди; хужра каби шуури зимзиё эди. Яна кўнгли бузилиб хўрсинаркан, сахтиёний этигига нимадир илашди. Пайт пойлаётган кана-чаёнлар хуруж қилиб қолди шекилли. Қайси бир мағорлаган қавақдан эҳтимол илон ўрмалаб чиққандир. Ҳар қолда инон-ихтиёрини қўрқув ҳукмига топшириб қўёлмасди. Дарҳол ўзини қўлга олиб билдики, бурчақдан бўртиб турган ва йўғонлиги билақдай резина қувурдан жилдираб лойқа сув оқаёттир. Ёпирай, бунисини қайси олчоқ ўйлаб топди экан? Не қиларини билмай оҳиста бош чайқагач, ноилож бўзрайган соқов деворга суянди. Мана шунақа девордан нечтаси кўндаланг ўзи билан Шамсиддин орасида? Ҳатто бунини ўйлаш чеки-чегараси йўқ азоб ва ғусса эди; беихтиёр ўткир шамшир кўксини қиймалаб юборгандек бўлди,

Ҳозир у нималарни ўйлаётган бўлса?

Уста Жамшиддин бу саволга жавоб топишни истаб бир хил ўртанар, хаёлан ўглидан афу тилар, бўғилганча ўзини ўзи койир эди. Ноилож ҳар жойда сочилиб ётган темир-терсак ва гишт синиқларини тўплади-да, ўргимчаклар тортанак боғлаган бурчақда энсизгина супача ясади. Сўнг мийиғида синиқ кулиб, супача гирдида омонат чўкар экан, тасаввурида кучоқ-кучоқ китобни юҳо мисоли ютиб юбораёзган анҳор гавдаланди.

Адашмаса, ушбу паллада Шамсиддин, мановига ўхшаш қувурдан оқаётган сувга термилганча, кутилмаган ўрамга тушиб қолганини тарозига солаётгандир, шунингдек, алақачон мувозанатини йўқотган тириклик дунёсига этак силкиб, ҳунг-ҳунг йиғлаётгандир.

Уста Жамшиддин сал исиш учунми, ўзига сигмай кетаётгани боисми, телбаваш қиёфада, саёзгина кўлни

шолоп-шулуп кечиб юрина бошлади. Гоҳо бир жойда ху-хулаб тез-тез ирғишлар, гоҳо карахт кафтларини бири-бирига ишқалар, гоҳо елкаси билан гумгурс деворга суйканар эди. Эрмаклар зигирча наф бермади, батгар диққати ошгани устига, ҳадемай гирдлари ипак билан бир неча қатор ҳошия қилинган, такаки пошнаи қўн этиги нам тортиб, қўшқават жун пайтаваси ҳўл бўлди.

Ҳолдан тойган, тинкаи мадори қуриган эди, ниҳоят, титранган кўйи ҳалиги супачада чўнқайди. Ҳамон қувурдан оқаётган сувнинг бир маромда жилдираши асаб торларини сирқиратиб ўтарди. Салдан кейин нигоҳини туйнук орқали осмонга кўчирди ва шу заҳоти қулоқлари остида нимагадир даъват этувчи олис мозий нидоси жаранглагандек туюлди. Недир салобат ва эҳтирос билан йўғрилган гулдирос овозлар тобора яқинлашиб келарди. Шунинг баробарида сароб каби ялтираётган ҳарир парда ортида талғир туя минган Мўйсафид кўринди. Энди ҳамма нарсани унутиб, гойибда намоён бўлган қарияни бутун вужуди билан кузатишга киришди.

Ана, Қуръони карим билан Ҳикмат девонини кўп йиллар тарақи хуржунида, йўғ-а, жон-жаҳонида асраган Мўйсафид шахту шижоати нақадар баланд — барханлари ўркач-ўркач чўл оша, кўк билан ўпишган тоғтош оша, хазонрезгилар тутган боғ-роғ оша тиним билмай елади. Эгри-бугри заранг говронини силкиб-силкиб, талғир туясини қичаб-қичаб ҳайдайди ва ҳадемай ороми йўқолган шаҳар кўчаларига оралайди.

Мўйсафид ҳар қадамда қози Муҳаммад Валихон ва Собир Қамарий тақдирига қизиқади, кейин эса, Тангри назари тушган Сўз аҳволини суриштиради. Худо таолони таниган қайси бир савобгир рўпарасида қўл қовуштириб, бор сиру савдони айтгач, афсус ила кўксига муштлайди...

— Ҳей, отам, Хизр отам!..

Уста Жамшиддин лаблари, тақрон-тақрон пўст бойлаган эмасми, аранг шивирлади, шивирлар экан, шуурини эгаллаб турган Мўйсафид қаёққадир оҳиста че-



кинди. Осмон буржларини қоплаган тўда-тўда булутлар подаси ҳам тўзғиб кетди ва ҳалиги торгина тўй-нук ойнасига жунлари тўкилган, бўйни-сағриси ва ўрkachлари қўтирлаган, совуқда жунжикиб қалт-қалт учаётган, кўзлари жиякларида тирсиллаб ёш музлаган талғир туя астагина тумшугини тегизди.

— Оббо, сен-ей, охири кепсан-да, қадрдон?! Бор, нафасинг билан Шамсини исит! Мўлтирамай бора қол, жонивор! Вақти-соати билан барини билиб оларсан, ҳозир эса Шамсига далда бер!

Уста Жамшиддин гўё тип-тикка турганча алахлар, ҳар неки мулоҳазасидан тамом хорижда эди; бу ҳолати иситмаси ошган ва алоғ-чалоғ босинқираб уйғонган бемор аҳволига ўхшарди. Ҳужранинг зилдек оғир намхуш ҳавоси ва совуқ сув захри илигигача қақшатиб юборди, карахтлиги тобора кучайиб, томирларида гўё қон совий-совий тўхтади, фақат шукурки, боядан бери шуурида бир учқун кул ичидаги сўниб улгурмаган чўғ каби йилтираётир, шу учқун эрта бари аввалги ўзанига тушиб кетишидан огоҳ этмоқда...

Тўйнуқ нуқрадек оқарди, тўда-тўда булутлар тарқаб, осмон бир мулойим табассум қилди. Ҳовуч-ҳовуч ёғилган нурда андак кўзлари қамашди, супача саҳнига кафтларини тираб қўзгаларкан, аъзои бадани қақшаб оғриди. Жамирлаётган сув сатҳида гириллаб юзаётган майда-майда сарғимтир пуфакчаларни эринчаклик билан кузатди-да, ўгли ҳоли-руҳини ўйлаб кетди...

Гўдаккина ушбу дамда тўпигидан келган сувда дилдираб, йиқилгудек ҳолда тебраниб, нам тортган гумгурс деворга суюниб аранг жон сақлаётган бўлса керак. Ким билсин, балки бурчақда чўккалаб, аъзои бадани музлаб мизғиётгандир. Алоғ-чалоғ тушларида гоҳ Мўйсафид, гоҳ талғир туя, гоҳ қози Муҳаммад Валихон билан юзлашиб, уларни кўмакка чорлаётгандир. Ёки ўзи каби тўйнуқдан кўринаётган бир парча осмонга нажот кўзини тикиб бўзлаяптими? Ҳатто мушук ҳам сизмайдиған шу тирқиш орқали ёруғ дунёга

чиқиб олишни мўлжал қилаётгани эҳтимолдан холи эмас.

Агар шу омад насиб этса, ҳеч шубҳасиз, бирон ёққа бурилмай, оёғини қўлига олиб, тўппа-тўғри уйлари томон чопади, кўзларидан шашқатор ёш оқизиб, гавдасини онаизори бағрига отади, сўнг чўғи ҳил бериб турган сандалга музлаган оёқларини тикиб, бўри боласидек ютоқиб овқатланади, қорни тўйгач, ўтирган жойида мудрай-мудрай уйқуга чўмади...

Шу ўй-тахмин баҳонасида уста Жамшиддин ўзи ҳам поёнига етаёзган кузнинг заъфар рангларига беланган уй-жойи, бахмал кўрпа ёпилган ва чўғи ҳил-ҳил гупиллаган сандал, чинни лаганда буғланиб турадиган маза-ли хўракни, ниҳоят, қачондан бери интиқланиб йўл қараётган Ойдинбиби дийдорини қўмсади.

Зормонда темир эшик нимадандир нолигандай чийиллаб очиларкан, умид-илинж оғушида аста бош кўтарди, ҳозироқ озодлик тегиб, ўғли билан етаклашганча, хонадони сари жўнаб қоладигандек сал-пал руҳланди. Қўлида бир шода калитни айлантириб ўйнаётган қорақош йигит афтига қарамай тўнғилагач, ҳафсаласи пир бўлди ва бўсағага тиралган нарвончадан инқиллаб кўтарилди. Ҳар ҳолда назоратчи аҳволи ночорлигини тушуниб, елка тегар даражада тор тахта эшикли ҳожатхонани имлаб кўрсатди. Қабзиятдан қутилиб қайтган ҳамоно койина-койина Шамсиддинни суриштирди, лекин бирон-бир саволига жавоб ололмади...

Узундан-узун жимжит йўлак бир дунё қасди бордек ҳўмрайиб боқади, сувоғи кўчган соқов деворлар эса чор тарафдан қисиб келаётгандек туюлади. Шу қадар теран сукунат чўкканки, пашша учса билинади. Қайси бир панада гўё товуш ютадиган қурилма ўрна-тилган-у, ўша савил кеча-кундуз ичкари-ташқарини бир маромда осудалик билан таъминлар эди.

Бешинчи қаватда яна ҳам теран, яна ҳам залварли сукунат ҳукм сураётган эди. Ногоҳ устоз ҳар қадамда жодуга ўхшаш айрича нарса зоҳир эканлигини эъти-

роф этди. Шу ҳол сабаб бўлдимиз ёки нуқул ўглини ўйлаётгани боисми, қўшқават дерезаларига духоба парда тутилган, яп-янги юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган ёп-ёруғ ва иссиқ хона соҳибини дафъатан кўрмади. Сўнг суянчиги баланд оромкурсида бемалол ястаниб ўтирган анчайин басавлат кишига кўзи тушди-ю, ҳангу манг бўлди.

Асли таажжуби беҳуда: тегишли жабҳада фаол жавлон урган ва мартабаси ошган Фаттоҳ Обидий яқинда шинамлиги ва ҳашаами билан аввалгисидан кескин фарқ қиладиган ушбу бўлмага кўчиб ўтганди.

— Ай-ай! Нучева! Чирой тетик, амак, — ўрнидан мамнун кўзгалди нозир. — Ҳавас қилдук, ҳавас!

Томоғи қуруқшаб, кўз ўнги тиниб бораётган уста Жамшиддин қаҳрини қандай тўкишни билмасди. Қанийди, дафъатан мўъжиза рўй бериб, ғазабини тўқмоқ қилса-да, уриб ёрса муттаҳам нозир бошини! Хамирдек ийлаб ташласа гавдасини! Асли унга бу жазо Худо ҳақи кам, лекин сал-пал хумордан чиқарди. Тобора кўнглида интиқом ҳисси жўш урмоқда!..

Уста Жамшиддин саранжом-сариишта хонани оғирсиниб кўздан кечирди. Тўрдаги деворга илинган ва аввалги хосхонани ҳам безашга хизмат қилган суратдан анчагача кўз узмади. Ахийри, нигоҳи қизил мовут ёпилган узун устол чеккасида турган, бўғзигача сув тўлғазилган машрабага ўхшаш шиша идишда тўхтади.

— Хўш, амак, сизга хўжалугимиз маъқ-қулме?

— Ҳа, жудаям!..

— Ўвв, бале! Энди десайиз... Хўш, хўш?!

— Биродар, ўғлим қани?

— Ўғул... Э-ҳе, ўғул!? — овозини кўтарди Фаттоҳ Обидий, ҳорғин қиёфасига кулги югуриб. — Шахсий кантиролимда. Локигин айшини суропти. Ундан хавотир қилиш истидна.

— Худо ҳайр берсин, бир кўрай!

— Албатта. Пақат кейинроқ.

— Илтимос, айтинг, унга егулик беришсин!..

— Ай-ай! Ўзимми амаким, уёлмайсизме? Шуям гапме? Егани оллида, емагани кейтида-ку. Қани, ҳа... Тортинмай муңдоғ яқинроқ келинг-чи. Э, ҳей, ўтирилса-чи. Аёқ огримасун. Ҳалиги... балки эрта онаси олдига жўнатамиз. Бир ёғи сизгаям боғлиқ-де. Ие, нимага йўтал? Бир капла кўрқилмасин, давоси шахсан ўзимдан! Шунақа дори борки!..

Одамзод доим илтифот гадоси, айниқса йўқ жойдан айбдор саналиб, бўҳтон чангалида гангиб турганда ҳар қандай такалуфни ноилож эътиборда тутати. Ҳозир ўзи туфайли ҳибс қилинган ўғли аҳволидан салпал хабар топган устоз бир қадар тетиклашди, шунинг баробарида, тўқ қизил мато ёпилган устолда ялтираб турган шиша идишга яна тамшана-тамшана термилди.

— О-о, тушшундим, тушшундим, — аста машрабани бўйнидан тутиб кўтарди Фаттоҳ Обидий. — Локин кечаги-де. Анча туриб қогон. Ҳозир айтомиз. Тозасини беришсин.

Тариқат доирасидаги таомилларга уста Жамшиддин илгаритдан иложи борича жиддий риоя қилади. Шу сабаб мезбон иримидадан ранжимади, аксинча, хиёл дили ёришди, зеро, билардики, тун бўйи идишда қолган сувда шайтони лаъин гусл айлайди...

— Шамси пўлвон анақароқ экан-ку, а, амак? — Фаттоҳ Обидий дераза раҳидаги қатор-қатор сопол тувакларга машрабадан милдиратиб сув қуяркан, ногоҳ истеҳзоли илжайди. — Ҳимм... Анови чичқоқ таналарга қаранг. Паддарига минг наълат!

Недир хавотир туйган уста Жамшиддин огир-огир қадамлар билан дереза сари келди ва мил-мил терлаган ойнадан ташқарига мўралади. Кечадан бери тўпиғидан сув кечиб, туйнуқдан қайчи билан кесиб олингандек туюладиган осмон парчасига термилиб, оғалари дийдорини кўмсарди, лекин ҳеч қачон уларни бунақа аҳволда кўришини ўйламаганди. Чарх шунчаям аямадими, деди ичида ва нозир қадди-бастига нафрат нигоҳини қадади; мезбон ҳануз хотиржам аҳволда мириқиб гул суғорар эди.

— Биласиз, олиндаги Собир Қамарий, ўзини пешқадам шаййир санайди, — бўшаган машрабани ниҳоят жойига қайтариб қўйди Фаттоҳ Обидий. — Сиз қандоғ пикрдасиз?

— Бўлса бордир..

— Ай-ай! Эсон Мансурий арз ёзгон устидан. Заҳарли йилон деб мазах қиганми-ей. Юмшатиб келинг, жавр бўлмасин дедик. Аммо кўнмади. Бошқача таърипи йўқ эмиш!

— Заҳарли йилон ўзи эмасмикин?

— Тисс!.. Ҳалиги... зоғлор бадга урди, деб бошлаган бир шейрини ошнаииз. Ҳатто уёлмай газитда бос-тиргон. Хўш, амак, сизнингча зоғлори нимаси?

— Билмадим. Қаёқдан ҳам билардим.

— Аксига олиб, сизам муноқа аёқ тираёпсиз.

— Имонимни ўйлашга мажбурман.

— Сиззи бу ерга кетирган имон эмасми?

— Иложим қанча!..

— Опаснасиз, опасна! — қисқа жимликдан кейин иягини сийпалаб гудранди Фаттоҳ Обидий. — Хўш, анҳорда оқизилган китоблага кесок... Айтинг-чи, нечтасини қутқаргонсиз ва кимларга ташитгонсиз?

Ҳануз ичи сидирилаётган уста Жамшиддин диққат-эътибори ҳовлида эди, оғаларим изларига қайтишармикин, йироқдан бўлса ҳам уларни тагин бир маротаба кўриш насиб этармикин, деган илинжда мўлтираб турарди; томдан тараша тушгандек берилган савол бирдан ўй-хаёлини пардек тўзғитди. Сўнг хаёлида яна акаси содир қилган ўша воқеа жонланиб кўкси ачишди, ҳатто сув совуғи суяк-суягидан ўтиб кетган ўғли оғриб қолганини ҳам эслади.

— Ҳеч кимга ҳеч нарса ташитганим йўқ! Тан оламан, пича кўмдим, лекин калламни узсангиз ҳам жойини айтмайман!..

— Қуръон ҳам боме оросида? Тўғре айтсангиз, ҳозир ошиқингиз олчи. Нима, ўша нарса сиззи жонийиздан азизме? Ёки арзандангиз жонидан?

— Худо ҳақи, айтинг, ўғлим қайда?

— Ай-ай! Шошманг дедим-ку, — Фаттоҳ Обидий бетини таниш хайрихоҳлик нишонаси қоплади. — Сиз аввал мундоғ бизага сал қайишинг-да, ана ундан кейин... Ай-ай! Ҳали ўртада ака масаласи ҳам бор-ку!

— Акам қайишди. Ана аҳволи!

— Ертўласидан манови топилди-да.

Бўғзи ачишаётган устоз Фаттоҳ Обидий малол аралаш узатган анчайин салмоқли рисолани таниди. Кўкси ўпирилгудек бўлиб, аста бош чайқади, ахир, у дабдала-абгор эди: зарҳал юритилган қалингина чарм муқоваси йиртилган, кўпгина варақлари юлиб олинган, гижимлаб ташланган...

Эсида, мулла Ражаб ушбу жилдни тугатиб, таҳрир назаридан ўтказгунча неча тунларни шам ёруғида бедор кечирган эди; шойи саҳифаларини пурмаъно масала-қоидалар билан тўлдиргач, қайта кўчириш учун дидли хаттот биродарига топширган ва уни тузуккина ақча ҳамда лутфу карамлар билан сийлаган эди.

— Яшириб қолгани сабабики, буни акам юраги қони билан битган. Сиз билмайсиз, у рақам олими, неча йил игна билан қудуқ қазигандек қилиб ҳисоб илмини ўрган-ди. Билганимни ўзим билан тупроққа олиб кетмай деган муддаода қилди шу ишни. Худо ҳақи нияти холис!

— Ай-ай! Тузук бошладийиз, кейин сал... Майли, аста-секин тил товишамиз! — Фаттоҳ Обидий гумашта олиб кирган машраба сувидан истаконни лим-лим тўлғазиб узатди, аммо устоз қўлини қайириб ташлади. — Ихмм! Шошип нимаям қилдук. Ҳозир борингда, мазза қилиб дамми олинг, ачиган мияни тинитинг. Этталаб тайёр жавоблар билан келарсиз!..

Калласи ғовлаб бораётган бўлса ҳам гоҳ кулиб, гоҳ қовоқ солиб тикилаётган мезбон йўрғалай келиб оромкурсига чўқди. Кўзлари милтираб ёнарди. Ҳайтовур қуриб кетгур нимага шама қилганини устоз англади. Чиндан ҳам ўғли ва ўзининг жони шу суллоҳ банда қўлида, шу банда ҳар иккаласи жонини

истаган кўйига солиши мумкин. Вақти-соати етганда охир-оқибат бири бўлмаса бири букилиши, қарчигайдек бўзлаб, раҳму шафқат тилаб пойини қучишига ишонади. Балки у ҳақдир, ахир, эрта нималар рўй бериши маълум эмас. Лекин осмон узила тушиб, қиёмат-қойим бўлганда ҳам аҳду қарорларида туришлари керак.

Хонани зилдек жимлик қаърига тортган дамда Фаттоҳ Обидий қизил мовут ёпилган устол биқинида кўндирилган тугмачани аста босди; энди ҳаракатида хотиржамликдан кўра бесаранжомлик устунроқ эди. Ҳатто беихтиёр чуқур хўрсинар экан, бу падар лаънати тош, деди ичида, ундан ҳам бешбаттар, йўриққа солгунимча она сутим огимдан келса керак.

Шу асно гавдаси бениҳоя улкан, сарғиш соч қоплаган калласи бодрингдай кичкина, лаблари парракланган каби юпқа эркак хонага дадил бош сукди. Тахминан у қирқларни уриб кўйганди: ўртаси чуқур пешонасини ажин тилимлаган, қировлаган тақасимон мўйлови қулоқлари томон дикрайган эди, алҳол, таомилдаги эҳтиромни адо этмоқ учун остонани шунақа гурсиллатиб тепдики, дераза ойналари тўкилгудек зириллаб кетди.

Афтидан давангир олдинги қоровул — қорақош йигит билан ўрин алмашинган эди; ёпирай, бу ҳам ўлгудек ичимдагини топ хилидан экан, Фаттоҳ Обидий юмшоқ товушда буйруқ бергандан кейин, чап қошини чапанича қилиб учирди-да, уста Жамшиддинни қўлтигидан силтаб тортди. Шундоқ ҳам тутдек илвилаб, Шамсиддин ҳоли-руҳини ўйлаб турган устоз огринди, ўнг оёғини саҳнга тираган кўйи нозирга ўғирилди. Қароқларида ёш ҳалқаланди-да, юраги тубидан бир нидо узилди: биродар, жонимни олинг-у, ўғлимни кўйворинг! Кўрсаткич бармоғини чаккасига тираганча ўйга чўмган нозир тагин Қуръони каримдан гап очди-ю, нафасини ичига ютди, дарҳол ўмганини тик тутганча эшик сари одимлади...

## Х

Ўтинчи беҳуда кетгани учун хамирдек бўшашган ва ўртанган эса-да, уста Жамшиддин қовоғи солинган давангир ортидан кўкрак кериб мардона одимлади. Фақат, гира-шира ёритилган узундан-узун йўлак бўйлаб бораркан, Фаттоҳ Обидий ҳузурида ногаҳон дийдаси юмшагани ва кўз ёшларини тийолмай қолгани учун ўзини ўзи қойиди. Шу иши чакки бўлди, Худо ҳақи чакки бўлди. Ҳартугур ўзини тутиши лозим эди. Ўша палла каловланиб, бутунлай эсини еб қўйдими нима бало? Ахир, нозир қаҳру ғазаб отини жиловлаб олганини, токи ройига юрмас экан, ҳар қандай оху зорини ҳатто эшитишни ҳам истамаслигини сезиб-билиб турарди-ку! Тангри қарғишига учрагур доим сопини ўзидан чиқариб келаётганидан воқиф эди-ку! Бари тўғри, лекин пушти камаридан бўлган ўғлини ўйлаб чидолмади-да! Жигарпораси, эрта чирогини ёқиб, ҳунарини эъзозлаб ўтирадиган дилбанди бемаврид хазон бўлса тамомила хону мони куяди, ундан айрилгандан кўра жонидан айрилгани минг карра авлороқ!..

Бутун борлигини недир олов қуйдираётгандек бир ҳолга тушган уста Жамшиддин аста пешонасига шапати урди: наҳот охири шўри қуриб, тиз чўкишга мажбур бўлса?! Наҳот кўнглини иситиб-ёритиб турган ўтни ўчиришдан бошқа чораи тадбир тополмаса?! Палапони пешонаси шунча ҳам шўр экан-да, ҳайҳотки, йўқ ердан қутилмаганда пайдо бўлган, ҳеч бир юрак сиғдиролмайдиган мудҳиш ғалвалар тўфонига ўралашиб қолди.

Агар янглишмаса, ҳозир ўғлон рутубат ва тортанак босган қайси бир ним қоронғи ҳужра кунжагида аламу андуҳ чекиб афтодаҳол ётибди. Хаёлини Ашаратхона обидаси тағ-заминини манзил тутган Қуръони карим банд қилган... Эҳтимол, Собир Қамарий билан мулла Аҳмад сўйлаган ҳикоятларни дилидан кечириб руҳи ёришаётгандир, ажаб бир кунда учрашган Қалам



ва Қонуннинг саодатли тақдири бағрига умид оловини қалаётгандир ёки талғир туя минган Мўйсафид билан ўзича баҳсу мунозара қураётган бўлса ажабмас. Тагин ким билсин, эҳтимол, тўнини тескари кийволган Пака-на ва бошқа гумашталар қуршовида, дўлдек ёғилаётган илмоқли саволларга жавоб беролмай, дағ-дағ учаётган-дир, эҳтимол, соқов деворни муштлаб ёки тепкилаб, ар-монга айланган некбин кунларини қўмсай-қўмсай ўкси-наётгандир, муштипар онаси дийдори ва иссиқ кучоғи-ни соғиниб ўкраб-ўкраб бўзлаётгандир.

Уста Жамшиддин хўрсинди, бинобарин, кўп маро-таба асқотган идроки тагин алдамаганди; давангирга эргшиб ертўлага тушаётганда Шамсиддин зина яқини-даги торроқ хонада, вазоҳати бузук Пакана рўпараси-да бўздек оқариб турар, миясида алкаш-чалкаш мушо-ҳадалар чириллаб айланар эди. Пакана пишқирганча иягидан тутиб деворга тираганда ҳам, оч биқинига тар-силлатиб устма-уст мушт қўйганда ҳам миқ этмади, фақат кўпчиб-кўкарган ёноқларини милт-милт ёш ювар, хира тортган қароқлари ҳеч нарсани кўрмас эди...

Пароканда ўйларга чўмган, юрак-бағри сим-сим эзи-лаётган уста Жамшиддин таниш овоз — афсус-надо-мат ва нафрат билан йўғрилган йигини хиёл эшитди, фақат эзгин-эзгин янграб, дилни ўртаб-ўртаб юбораёт-ган нола қайси тарафдан келаётганини билолмади.

Соявонли қалпоғи кичкина бошини қозондек ёпган давангир тилини ютгандек ҳануз жим, шунчалар хо-тиржамки, сайрибоғ қилиб юрган одамга ўхшарди; мушук каби шовурсиз одимлаб, туси ўчган эшикка яқинлашаркан, рапидадек кафтига йўталди. Шошди-ми ёки туғма шапкўрмиди, ҳар ҳолда калитни қулф тешигига тиқолмай анча қуймади. Эскириб кетган ва қурум босиб занглаган қулф жонивор ўжарлигини қўймаганда ҳам имиллашдан нари ўтмади.

Уста Жамшиддин деворга елка тираган кўйи қалин сарғимтир жун қоплаган йўғон билаклар ва айри чўпга ўхшаш панжаларни ижирганиб кузатарди. Сўнг, қишла-

ган горини тарк этган айиқдан қаери кам, деган ўйда ичида кулди, куларкан, нари тараф зинасидан аллакимлар дукир-дукир тушаверди. Шулардан бири ўғли эканлигини тахминлаб, недир орзиқиш билан аста ўтирилди.

— Шамси-ии, жига-аарим, сов-омо-оонмиса-аан!?

— Да-да-а! Да-да-а-жоо-он!..

Шамсиддин бўғзидан хўрсиниқ аралаш узилган алам-ангиз қичқирик уста Жамшиддин юраги боғини қий-малаб ўтди. Кўрпалай бошлаган соқолини аста ғижимлар экан, болажони икки ўт ўртасида қолгани, баридан безгани, охир-оқибат тўлиб-тўлиб тугаёзганини яққол пайқади. Кўзлари чақчайган Пакана сомон тикилган қопдек судраб кетганини кўрди-да, жони ҳалқумига тикилиб, ўша ёққа ўқдек отилди. Аммо ниҳоят қулфни бўйсундирган давангир чаптастлик билан қўлтигидан тутди, олайганча бир силтагандики, шундоқ ҳам лўқиллаб оғриётган боши гурсиллаб деворга тегди. Сўнг кутилмаган тепкидан тор ўрага учиб тушди ва анча маҳалгача ўзини билмай юзтубан ётди.

Тавба, хаёлида рангто-ранг залворли нарсалар тўп-тўп қовжироқ хазон янглиғ чирпирак айланар, тизгини йўқ довулдек пайдар-пай гувиллар эди; ростдан ҳам бутун инон-ихтиёри ғойибдан узлуксиз эниб келаётган, аллатовур афсун билан тўйинган, недир умид ато қиладиган куч измида эди. Хаёлан бир зарб қилувдики, симон деворлар парчаланиб, рўпарасида ғаройиб олам гавдаланди; бу олам бир вақтлар қози Муҳаммад Валихон талгир туя минган Мўйсафидни учратган даштнинг ўзгинаси эди. Ним қизил уфққа туташиб кетган қир-адирлар, ўрмонлар ва ўнгирлар беҳудуд ва сокин бўлиб, фалақдан ёғилаётган тип-тиниқ шуълага кўмилган эди.

Уста Жамшиддин эс-ҳушини йиғиб, истар-истамас кўзларини очаркан, қулоғига сувнинг бир маромдаги жонсизгина шилдираши чалинди. Тирсагига тираниб, инқиллай-синқиллай ўмганини симон полдан узди-да, Худодан сабр тилади. Ҳозир чамаси Яратган ҳам оху зорига бепарво эди. Хўш, нима қилсин, пешонасини мано-

ви қаттол устунга уриб ёрсинми ёки чангали билан кўкси-ни шартта ёриб, минг аламда куйган юрагини сугуриб олса-чи?! Шундай қилса озроқ енгил тортадим, ё раб?!

Уста Жамшиддин мийиғида истехзоли кулди, ахир, нахотки аросат бандасига айланиб бораётир?! Ноилож ёрилган кафтларини сирти шўралаб кўпчиган деворга тиради, шўр аралаш нам томирларига туман каби сингиб-ўрнашиб бораётганини туйди-да, хўрсинганча хиёл ортга чекинди, охири, не қиларини билмай, сокин чайқалаётган кўлчани тўпигидан кечиб, нари-бери чўлп-чўлп юрди. Салдан кейин ҳалиги нажот бахш этувчи туйнук сари умтилди. Ёруғ дунёдан жила қурса бир парчани раво кўргани учун Тангри таолога яна бир карра шукрона айтди. Бўз рангдаги сокин осмон нурланиб, митти юлдузлари билан бирга, замин сари кўчаётгандек туюлди. Қулочини ёзиб фалакни кучмоқни орзу қилар экан, тасаввури кўзгусида талғир туя минган Мўйсафид пайдо бўлди ва жимгина ҳалиги супада чўк тушди.

Уста Жамшиддин йилдан-да узун туюлган тунни шу аҳволда кечирди; аъзои бадани қақшаб, тикка қўйилган ғўладек сўррайган ҳолда мизғиди, баъзан хуррак тортишга ҳам улгурди, ҳатто лим-лим анҳорда қаторлашиб оққан китобларни, ер остини макон тутган Қуръони каримни туш кўрди; олисдан неча бор Мўйсафид наъраси чалинди қулоғига...

Ниҳоят, тонг отиб, элас-элас туйнук оқарганда шунақа карахт ва лоҳас эдики, танаси бор-йўқлигини ҳам, юраги тешиб-тепмаётганини ҳам тузукроқ сезмасди. Фақат бўғзига нимадир суяқдай кўндаланг қадалиб олганини сал-пал ҳис этарди. Унутиб юборишди чоғи, кун бўйи йўқлашмади. Эшикка термилиб чарчади, ахийри, аста-секин хира тортаётган нигоҳи орқали туйнуқдан тўда-тўда булут босган осмон парчасини кузатишда ҳам маъно-мазмун қолмади. Энди ҳатто қимирлагани кўрқарди, ёпирай, ҳатто мулоҳаза юритиш чексиз азобдан иборат эди, сал тебранса минглаб игна товонидан тортиб то бўйнига қадар бирдан санчилгандек бўларди.

Баъзан хаёли Шамсиддин сари оғади, тасаввурича, ўгли ҳам ақл бовар қилмас уқубат домида чор-ночор ингра-наётир. Ҳайҳот, у ҳали нақадар хом — пишмаган, нозик ва мўрт, қандай дош беради Фаттоҳ Обидий ёки Пакана ўйлаб топган найрангларга? Қора калтак остида охири ниҳол каби букилмайдами? Йўқ ердаги ёлгон-яшиқ ваъдаларга лаққа учмайдами? Илойим, карами кенг Оллоҳ сабр-бардош ва фаҳму фаросат берсин, акс ҳолда, бари тугайди, элу юрт олдида юзи шувит бўлади, шувит!..

Уста Жамшиддин куйишиб-ачишаётган сийнасини оҳиста уқалай-уқалай туйнукка термилди; баҳонада орадан қанча вақт кечганини аниқламоқчи бўлди. Бунинг иложи йўқлигини англаб чимирилар экан, ҳўмрайиб боқаётган эшик кутилмаганда шарақлаб очилди. Кўзлари ўйноқлаган, билаклари йўгон-йўгон, бошлари тақир қирилган гумашталар апир-шапир ташқарига судрашди. Гира-шира ёритилган йўлак адоғидаги сохту сумбати айрича эшиқдан турткилаб киритишаркан, ивирсиган бўсағада кесақдай қотди.

Маҳобатли золни эслатадиган доирасимон бўлмада кўнгилни беҳузур қилувчи ачқимтир бўй ўтириб қолганди; япалоқ гранит тошлар фарчланган кенгина сахн сирпанчик, ёлчитиб сувалмаган девор-шифт, ҳатто рутубат чуллаган қуп-қуруқ ҳаво қўнғир тусда бўлиб, икки-уч энли ёриқлардан қанақадир махлуқлар мўралаб тургандек туюларди; бунда сими алақайси нуқтага пинҳона уланган ўтиргични ҳам, қарийб бир газлик резина тўқмоқни ҳам, йўгонгина пўлат говронни ҳам, кўн арқону қамчини ҳам учратиш мумкин.

Айтиш ноўнғай, лекин айтмаса бўлмас: ўртароқда ёнма-ён ўрнатилган бир нечта нарвонсимон қурилма бошқача салобат касб этгандики, қолган барча буюм улар олдида сариқ чақага ҳам қимматдек туюларди.

Ҳавоси тобора оғирлашаётган хонада зарғалдоқ тусли, этаги қайрилма узун халат, қўнжи калта кирза этик ва йўл-йўл чизиқли қалпоқ кийган кўса тахлит кимсалар тимискиланиб юришар, фақат имо-ишора билан

сўйлашишар эди. Бу ерда чамаси Пакана ҳокими мутлоқ бўлиб, ҳар бир хатти-ҳаракатни бошқарар ва барчага бирдек йўл-йўриқ кўрсатар эди. Ярамагур бир четда тўрсайганча савлат тўкиб турар, ҳар замонда чулдираб депсинар, ҳар сўзи оғзидан чиқар-чикмас бекаму кўст бажарилар эди.

Яна таажжубли жойи, хонада ҳар сония имиллаб, ипдек эшилиб кечади, гўё Пакана вақт жиловини ушлаб олган-у, истаган пайтида бўшатади. Ана, кафтини кафтига хузур қилиб ишқалагач, қалин лаби четини чап томонга қарата бир галати учирувдики, хизмат аҳлидан бирови устозни ҳалиги қурилмада (ёпирай, қуриб кетгур нима эканки, турқи бу қадар совуқ?) қўғирчоқдек буклаб ётқизди ва ўзи тепасида қозиқ мисоли қаққайди.

— Тақсир, ачиган мияни оз-моз ишлатинг, — бир-бир босиб яқин келди Пакана. — Бизга ану савил, сизга жон керак. Ўғилчани эслатиб ўтириш шартмас. Ҳали оз бўлса ҳам имконийиз бор!..

Чурқ этмай уста Жамшиддин афтини ўтирди ва ичида калима қайтарди. Адолат кўриқчиси саналмиш Тангри таоло пешонасига иззатдан хориждаги ажални битган бўлса — иложи қанча, тишини тишига қўйиб чидайди-да!

Ўлиқдай чўзилиб бемажол ётаркан, уста Жамшиддин кулган бўлди, хаёлида ногоҳ ранг-рўйи заъфарон Шамсиддин, сал ўтмай ҳафта мобайнида қадди букилиб, соч-соқоли бутунлай оқарган Собир Қамарий, яна аллакимлар гавдаланган дамда танасини симдек қаттиқ каноп арқон ўради, сўнг ўзаро туташ мурватлар шиғиллаб ишлай кетди-да, хужайралари бўйлаб гўё олов югурди, аниқроғи, юксак чўққидан лангиллаб турган маҳобатли алангаи оташ ўртасига гупиллаб қулади. Лаҳза сайин зўрайган гулхан тафтида узоқ жиз-биз бўлди, чирсиллаб ёна-ёна, охири бир ҳовучгина кулга айланди...

Лоф эмас: уста Жамшиддин жаҳаннам оғзидан қайтди. Яхши ҳамки Тангри қўллади ва ажал фариштаси шафқат қилди. Ҳушини ўнглаганда юраги темирчи бос-

қонидек гупиллаб урарди. Анча муддат ҳатто кўзларини очолмади, ахийри очди-ю, рўпарасида йиғлагудек бўлиб турган мулла Ражабни, чаён чаққандек типирчилаётган Собир Қамарийни, назаридан гусса ва нафрат ёғилаётган мулла Аҳмадни кўрди. Тили айланмай, аранг оҳ чекаркан, қароқлари ҳалқа-ҳалқа ёшга беланди.

Ногоҳ Пакана дўриллаган товуши билан хонани қамраган зилдек жимликни бузди, ҳатто дўлайганча олға босди-да, елкалари силкина бошлаган ва қизарган кўзларидан ёш тирқираган мулла Ражабни тепиб йиқитди. Шу заҳоти пиқир-пиқир кулаётган икки бақувват гумашта шўрликни бошқа бир қурилмага юмалоқ-ёстиқ қилиб чалқанча ётқизди ва энли-энли қайишлар билан ўраб-чирмаб ташлади.

Пакана деворга қапиштириб қўйилган досқадаги думалоқ тугмачалардан бирини босган ҳамоно, қалдираган товуш янграб, хона бор бўйи-залвори баробарида тўнтарилиб тушгандек бўлди ва устоз акаси ҳам ўзи каби дўзах оловида ёнаётганини бутун вужуди билан ҳис қилди. Навбат дағ-дағ учаётган Собир Қамарий билан мулла Аҳмадга етганда ўзини тутолмай ошқора бўзлаворди, овозини қўйиб шунақа бўзладики, гўё қачондан бери дили тубида чўкиб ётган армон кўзгалиб кетган эди.

Орадан бир кун ўтгач, уста Жамшиддин ўша маҳобатли бўлмада тагин қўноқ бўлди, тагин Пакана ташаббуси билан, ҳалиги падар қусур қурилмада жаҳаннам қаърига бориб келди. Шанғиллаб турган қулоғига гоҳо элас-элас гудранишлар чалинарди. Дўлдек ёғилаётган саволларга парво қилмас, эй, Худо, бундан кўра бир-йўла каламни узиб қўя қолишса-чи, дея шивирлар эди.

Уста Жамшиддин титрана-титрана Мўйсафидни эслаган чоғда кимдир темир говронни ишга солди. Шишинқираган бўйни аралаш елкасига теккан зарб туфайли яна ҳушини йўқотди, яна зулмат сари лўкиллаб қолди. Қачондир сал-пал ўзини ўнглагач, илк кўргани оқланган девордаги мулойим кулаётган киши сурати бўлди, кейин нигоҳи қандил осилган шифтга

кўчди, тўқ жигарранг парда, турли жиҳозлар бўйлаб сирғала-сирғала чарм қопланган оромкурсида ястанган Фаттоҳ Обидийда тўхтади.

Уста Жамшиддин ҳарчанд уринса ҳам безатилган ҳашамдор бўлмага қандай келиб қолганини эслолмади. Айни пайтда хаёлини турқ-таровати совуқ қурилмада чийралиб ётган оғалари қиёфасида акс этган даҳшат кўланкаси бағд қилди. Бир хўрсинди-да, асал суртилган бўрсилдоқ кулча нон чайнаб, бемалол иссиқ чой хўшлаётган, бурни учини реза-реза тер қоплаган Фаттоҳ Обидийга тикилди. Тумтароқ фикрларини бир нуқтада жамлаб, ундан ўгли аҳволини сўрамоқчи бўлди. Аммо эполмади, тили ари чаққан каби гупдек шишган ва танглайига ёпишган эди.

— Амак, янгони қучоғида ётавуриб тегманозут бўп кетгон эконсиз-де, а? — иккинчи кулчага қалин қилиб асал сурга бошлади Фаттоҳ Обидий. — Намунча қалтирайсиз?

Уста Жамшиддин мушт ўқталди..

Кўп нарсани кутган эса-да, буни кутмаган Фаттоҳ Обидий дабдурустдан пиёлани ташлаб юборганини билмай қолди, ҳатто чинқирганча отилиб турди. Босар-тусарини билмай Пакана пилдираб кирганда юмшоқ диванда оғзидан кўпиги келиб қалтираб ётар, рангрўйида қатра қон йўқ эди.

Нима гаплигини англаган Пакана бароқ қошларини чимирган кўйи олға ташланди. Саросар турган устоз тисарилди. Лекин ҳавода ўйноқлаган резина калтак зарбидан қутилиб қололмади. Ногаҳон қароқларидан ўт сачраб, шуурини қоронғилик босди. Хушини йигиб олганда тагин қулоғига сув шилдираши чалинди, юраги нотинч тепар, боши лўқиллар, томоғи қақраб кетган эди. Энди Худони ёдлаб, сокин ўлтиришдан бошқа чораси қолмади.

Уста Жамшиддин ҳалиги туйнук орқали бир парча осмонга назар солганча неча бор кунни кеч қилди, неча маротаба тонгни қаршилади. Нуқул хаёлида туфроқни паноҳ айлаган Қуръони карим гавдаланади, баъзан де-

вор ортидан нолиш эшитилади-да, чидолмай чимчилонини чайнайди ва тирноғи остидан қон сизади...

Бугун субҳидам палласи уста Жамшиддин талваса ичра нарвонсимон қурилмада чўзилиб ётарди, тепасида Пакана мамнун илжайиб турибди. Ноилож Худодан эҳтимол минг биринчи бор сабр тилади ва сиз қистаб сўраётган нарса менда эмас маъносида бош тебратди. Сўнг яна таниш бўлиб қолган санчиқ хуружини туйиб ингранди, сал осуда тортган маҳалда қўлтигидан тугтанча судраб кетишди. Кўз ўнгидан олақуроқ манзаралар лип-лип ўтар ва шарпа каби йўқолар эди. Ҳаял орасида ўзини дид билан безатилган муҳташам хонада кўрди...

— Ай-ай! Амакжон, Шамсивой нима деганини биласизме? — лабига хотиржам папирос кўндирди Фаттоҳ Обидий, тунов куни рўй берган нохушликни ҳагто эслатмай. — Аскар бўлса бизани пешонамиздан битта-битта отармуш!

Баҳонада уста Жамшиддин суяги қотиб улгурмаган чироқёқари ўзидан ҳам оғир аҳволда қон ютаётганини сезди ва ич-ичидан зил кетди. Айни чоқда недир ғурур юрагига мадор бағишлаб, кўкси тоғдек ўсди. Ҳайтовур барака топгур ён бермаган, оғзидан гулламаган кўринади, офаринки, зигирча жонида товчалик ирода ва сабру бардош жам экан-да. Илойим кўз тегмасин, охирига қадар тилини тийсин. Ҳалиги писандани эса, Тангри номига қасамки, зап топиб айтибди. Юрагида ёли борлигини рўй-рост исботлабди. Агар милтиги бўлсайди, аяб-нетиб ўтирмай, ўзи ҳам барини юмрондай битта-битта териб ташларди.

— Амакжон, ҳимм... Бир масала... Бугуннан эски машмашани бир четта йиғиб-териб қўйсок, — тугуни кичик бўйинбоғини эрмакка тўғрилади Фаттоҳ Обидий. — Майли, Қуръон ўзингизга сийлов бўла қолсин.

— Тавба қилдим-ей!..

— Хўш!? Ай-ай! Эрта кечроқ Оймаржон маҳалласида котта йиғин бўларкан, жамоат ҳузурида ваъз



айтасиз. Маъқулме? Омадийиз човуб кетганини қаранг. Сизга тепа алойида ишонч билдирган.

Недир чигил тушди устоз кўнглига, ахир, кутилмаганда Фаттоҳ Обидий нечун бу қадар юмшаётир? Таажжубки, гуноҳини ювиши ва ўгли билан биргаликда уйига жўнавориши учун ажойиб имкон яратиб берилаётган эмиш-а! Муттаҳам бекорга бундай турланаётган эмас, бинобарин, бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур, деган эскилар. Қолаверса, қанақа йигин эканки, келиб-келиб у ваъз айтиши керак — шуниси айниқса шубҳали туюлмоқда.

— Бу ишга ярамайман, — деди ниҳоят уста Жамшиддин, бир хулосада тўхтаб. — Иккиламчи, имоним комилки, ваъдада туришингиз гумон!

— Ай-ай! Жудоям ношукур одамсиз-де. Куръонни-ку беришга кўнмаёпсиз, энди яна тихирликме? Дангал келишсак: сиздан нухотча хизмат, бизадан тоғдак вапо! Қалай, маъқулме?

Недир илинжда устоз бош ирғаган бўлди.

— Э-ҳей, борақансиз-у, садағайиз кетой, — Фаттоҳ Обидий илжайганча галадондан букланган варақ олиб узатди. — Ҳимм... Мана, Шарип урпон ёзгон. Жа қотиргон. Баччағарни саводи зўр-де. Ҳижжалаб ўқиб чиқинг, иложи бўлса ёддасангиз...

— Оббо, Худо беҳабар-ей, — деди уста Жамшиддин, қоғозга кўз югуртиргач. — Гумроҳ нимани бу қадар оёқ ости қилаётганини билармикин?

— Билганда-чи! Саводи зўр дедим-ку!..

— Бас, камина ўша йигинда иштирок этмайман!..

Қалампирдек аччиқ нарса тиқилди устоз бўғзига ва хаёлида беихтиёр Шариф урфон жонланди. Падар қусур муаллим замона зайлига берилгани тўғри, лекин шунчаликка боради деб сира ҳам ўйламаган эди. Ахир, қандай мажбурият юзасидан бунақа телба-тескари ва маза-матрасиз битик қоралади экан? Бу ўқилган пайтда не-не улуғлар гўрида тик туриши, не-не зотлар арвоҳи чирқираб қолиши наҳотки нобакорнинг дилидан кеч-

маган бўлса?! Кимда қасди бор, қайси машойих ёки сўфийда? Эҳтимол, Фаттоҳ Обидий қутқусига учиниб, мозийга кучини кўрсатиб қўймоқчидир. Мозий билан ўйнашиш оқибати ёмон бўлишини аттангки билмайди-да...

Уста Жамшиддин тўнини тескари кийди, унинг қуруқшаган бетиде чексиз нафрат ва надомат ифодасини кўрган Фаттоҳ Обидий бўзариб қолди. Бадбахт амакни охири буқдим, деган ўйи чиппақка чиққани алам қилиб кетди. Аммо сир бой бермасликка уриниб, чап кўзини ярим юмганча бемалол оромкурсига чўқди-да, бурқиратиб папирос тутатди.

Сўхбат боқий бўлганини англаган уста Жамшиддин назоратчи киргунча деворда осилган ўртабўй ва тепакал киши суратига тикилиб ўтирди. Шаксиз, нозир сукут сақлаганча фикрини ўзгартиришини кутаётганди, аммо у бошқа чурқ этмади. Тақасимон мўйлов қўйган новча назоратчи ортидан бўшашиб бораркан, тобора бариси барбод бўлиб бораётганини, ўз ихтиёри билан охирги бирдан-бир имкондан ҳам воз кечганини ўйлаб эзилар эди.

Уста Жамшиддин килкиллаб турган муздек лойқа сув нафасини туйган ҳамоно руҳи баттар чўқди. Энди ертўла жаҳаннамдан қолишмас даҳшатли ўпқонга айланган эди. Тун бўйи туйнук орқали бир парча осмонда жимирлаган юлдузларни кузатиб овунди, тонгга қадар бир сония мижжа қоқмади — бедор бўлди. Мабодо кўзларини юмса, шуурида жазирама саргайтирган дашт ва уфқ ортидан талғир туясини йўрттириб келаётган Мўйсафид жонланар эди. Ногоҳ шунда дили бир қадар ёришар, бағрида бир умид уйғонар эди.

Уста Жамшиддин йилдан ҳам узунроқ туюлган кеча ўрнини тонгга бўшатиб берганини туйнук оқарганидан билди. Нордон нарса тиқилиб олган бўғзига. Ёпирай, яна не ёзуқ бор пешонасида? Бугун ҳам ҳалиги қурилма қошига боришини ўйлаб қўнишди. Лекин кундуз ўтиб, яна оқшом келса-да, биров сўрамади. Навбатдаги тун бўёги намуноча қора, намуноча? Вақтни тагин

туйнук орқали фалак билан сирлашиб ўтказди. Фақат субҳидам арафасида тип-тикка мизғиб ғалати туш кўрди: Шамсиддин иккалови хувиллаган яйдоқ дарада тикланган, ёнида қўнқайган таёқда туғ бойланган тошқалов кулбада меҳмон эмиш, кулба тўрида тиззалаган сочсоқоли оппоқ чол қандайдир китобни мутолаа қилармиш ва хира тортган кўзларидан дув-дув ёш тўкармиш!..

Ертўла эшиги очилиб алакимлар кирди, суяк-суягигача сирқираётган уста Жамшиддин қилт этмади, сираси, тўпигидан сув кечиб, намлаган гумгурс деворга аранг суяниб турар, бирор шовурни сезмас эди. Том босгандек оғир қулоғига кимдир ниманидир шивирлади, қараса, дастлабки кунни танишгани — қорақош йигит қўлтиғидан ушлаб олган, силтаб-силтаб ташқарига тортмоқда. Темир нарвончадан аранг кўтарилиб, сал нарида хитланиб турган Фаттоҳ Обидийни кўрди.

Бостириб чекаётган, кўзлари ўрасига чўккан нозир қиёфасида бурунги хайрихоҳликдан асар ҳам йўқ эди, қуруқшаб-оқарган лаблари асабийнамо қимтилган, нигоҳи чатнаб кетган эди. Лекин бу ҳолати узоқ чўзилмай беозор жилмайди, шунинг баробарида, мамнун бош ирғаб устозни изидан эргаштирди. Кўпдан бери ювилмаган зинадан еттинчи қаватга кўтарилиб, олди очиқ айвонга ўтишар экан, афсусли оҳангда енгил хўрсинди.

— Ай-ай! Қуриб кетсин-а, лайлак қор ёғопти, — ғулдиради ниҳоят олисларга тикилиб. — Ҳали бўрон қутирмаса!..

Изгирин уста Жамшиддин баданига нина санчади.

— Сиз бола пайтизда ҳеч қорбўрон ўйновмидийиз? Мен роса тинмасвой эдим-да. Шу-шу... Ановинақа сатин чопоним бўлармиди-ей. Пахтаси қалингина эди-да ўзиям. Сал чопсам қизиб, ешиб ташардим-де!

Изгирин-шамол зўрайди, бурчақда паналаганига қарамай уста Жамшиддин дағ-дағ учар, Худо ёрлақаб қуёш чиқиб кетсайкан деган ўйга борар, оппоқ қипиқлар урилаётган кўзларига хотини Ойдинбиби лангиллатиб ўт қўядиган тандир, ундан дастаси узун ҳокан-

дозда олинадиган лагча-лагча чўғ ва тезда гупиллаб исийдиган сандал кўринар эди.

Уста Жамшиддин синиқ кулди, дилидан кечаётган фикрларни Фаттоҳ Обидий иллаган бўлса керакки, еру кўкни қиздириб чарчамайдиган ёзни эслади, уч ойлик жазирама иссиқ бир йилга етадиган ризқу рўзни пиширишини қайд этгач, беихтиёр қўли билан қуйига ишора берди.

Тишлари такирлай бошлаган уста Жамшиддин ҳовли шимолида ковланган анча чуқур ҳовузга тикилди, сўнг девори тошқалов ҳовуз ўртасида, бир нечта симон устун орқали бирлашган қуббада муаллақ осилган ва сирти ёғлангандай қизгимтир бўчкадан нигоҳ узолмай қолди. Шу асно бақувват темир ҳалқалардан осилиб тушган йўгон арқонда бели-қўлтиғи аралаш ўраб-чирмаб боғланган, ияги кўксига тиралган йигитчани илғади. Бирдан уни ўғлига ўхшатди-да, ҳуши бошидан учди, гўё илқис жон риштаси узилиб, еру кўк чирпирак бўлиб кетди..

— Қанақа бандасиз? Майиб қиласиз-ку!

— Лаб-бў-ўй!?

— Хароб қиласиз болани!..

— Ай-ай! Хавотир ортиқча! — истар-истамас ҳомуза тортиди Фаттоҳ Обидий. — Чиниқсин-де. Нима, чиниқса ямонме? Парқига борунг, амак!..

— Сизни илоё гўдаккина уволи тутсин!..

Фаттоҳ Обидий шунчаки мийиғида кулди, сўнг баҳайбат бўчка жўмрағидан яланг бўйни ва елкасига чирт-чирт томчилар томаётган Шамсиддин сари мамнун қўл силкиди: аҳвол қалай, жигарим?

Уста Жамшиддин не қилари, не деярини билмай чор-ночор бўғилиб турар, ич-ичи омбир билан бураётгандек ачишиб оғрир, оху зори Тангри қулоғига етиб бормаётганидан армонда эди. Шу лаҳза кўзларига мил тортилса мингдан-минг рози эди, тириклай етти қават ер остига кириб кетса ҳам майли эди. Аммо ундай бўлмади, ҳамон изғирин-шамол ёпирилаётган айвонда тик қотганча дилбанди аҳволини кўриб-билиб турар,

хайҳотки, унга ёрдам қўлини чўзгани ожизу нотавон эди.

Уста Жамшиддин қуриган қовун терисидай пешонаси тиришган Пакана турткисидан мункиб йиқилаёзди. Пакана изидан судралганча қуйига энаркан, хаёли Шамсиддинда эди. Аллақачон бошпанасидай бўлиб қолган ертўла кунжагида ўрнашгач, елкалари силкина-силкина бўзлаб юборди.

Ким билсин — қачон, қоқ саҳармиди ёки тонг арафаси, пачоқ тунука косада чириб-битган сўк ва жавдардан тайёрланган, номига ачиган караму картошка қўшилган бўтқа беришди, тақдиридан нолиганча туйнук орқали фалакка термилаётган устоз томоғидан луқма ўтмади. Лойқа сув босган саҳн ўртасида, қарахт қўлларини кўксидан қовуштирганча тик қотаркан, Яратган эгамдан ўзи ва ўғлига қайта-қайта тўзим, қайта-қайта омонлик тилади, тиларкан, шуурини недир иштибоҳ чулғади. Ахир, эртакеч ўлиб-тирилиб Арши аълога юкунади, бундан ҳалигача бирон самара бўлмади, аксинча, анови бандалар тутган қаҳр қамчиси баттар ўйнаётир бошларида...

Шу алфозда қанча вақт кечди, курраи арз, бинобарин, шаҳар узра қай хил булутлар сузди — беҳабар қолди. Эрталаб темир эшик оғир шарақлаб очиларкан, юраги шиғ этди-да, узун кигиз шинели олдини елвагай қўйган қорақош йигитдан ўғлини сўради. Ҳар қандай нарсадан бурчини устун қўядиган назоратчи сукут билан жавоб берди, билдики, ҳалигача ҳеч нарса ўзгармаган, ҳануз кўз қароғи ўша жойда — бир аҳволда беун ингранаётир: йўгон каноп арқон бели аралаш қўлтигидан ўтказилиб тепадаги кўндаланг тўсинга чандиб боғланган, арқон совуқ кўкартирган баданияга чиппа ботган, бўчка жўмрагидан сизаётган томчилар бир маромда яғринига ширт-ширт урилаётир!

Қорақош йигит одатдагидек тўрсайиб, соқов каби имижим одимларди, ланг очиқ эшик биқинида тўхтаб, ташқарига ишора бераркан, узун-узун панжалари билан тикрайган қулоқлари ортини қитирлатиб қашлаб қўйди.

Ажабланган ҳолда уста Жамшиддин ҳовли сари юрди ва қиличини қайраб келаётган қиш нафасини туйди. Чиндан ҳам шамол шашти баланд; хазонларни чирпирак қилиб ўйнар, дарахт шохларини букиб, том гирдиларини кўпоргудек чийиллар эди.

Совуққа чидами йўқ шекилли, назоратчи бир жойда бетоқат депсинар, кафтларини куҳ-куҳлаб иситар, гоҳо аламдан чиқмоқчи бўлгандек, нигоҳини устозга наштар каби санчар эди. Салдан кейин шамол тиниб, қор уч-қунлай бошлади ва оламни мислсиз оғир сукунат босди.

Не ажабки, аллатовур ваҳима уйғотадиган сукунат аро элас-элас биргина товуш эшитиларди: кўш қанотли бино ортидан томчилар нидо бераётир. Мунчоқдек митти-митти томчилар жумрак лабидан товланатовлана оҳиста узилиб, адашмай-нетмай, бир маромдаги тезликда устоз юрагига томаётир, ҳей, дариг!..

— Ўғ-ли-и-имм!..

Аламда қоврилиб, сим-сим эзилаётган отанинг дили тубидан отилиб чиққан нидо кутилмаганда гумбирлаб, еру само оралиғида акс-садо берди, шунда гўё борлиқолам қоқ иккига айрилди-да, фақат бир-бирига туташиб кетган катта-кичик иморатлар эмас, улугвор тоғлар ҳам бир силкиниб олди.

Мана шу паллада тобуткаши баралла жавоб қайтариши ёки келиб қучоғига ташланишини жуда-жуда истаётган эди. Аммо ҳозир у ўлгани-қолганидан хабар берадиган аҳволда эмасди, аъзoi бадани қарахт — қимирлаши маҳол эди; фақат мияси бир бурчини, не кечди экан меҳрибоним ҳоли, деган фикр элас-элас ёритиб турар ва сабр қилишга ундар эди.

Салдан кейин ўғлон хаёли қиёмга кўтарилган қуёш қовжиратиб ташлаган саҳро томон учди, талғир туяда йўртиб келаётган Мўйсафидни кўрди-да, ногоҳ исий бошлади ва танасидан ёзги тонг шуъласидай ҳарир шарпа ажралиб чиқди. Фаришта тимсолида бўлган шарпа дарахтлар орасидан илгарилаб, хиёл оқарган симон йўлакка тушиб олди, лекин уни ҳеч ким кўрмади.

Ҳалиги шагал тўкилган майдончада кутиб турган қўнғизнусха машина сирпанчиқ йўл бўйлаб жилди; темир дарвоза панасида дилдираган кўйи пайт пойлаётган шарпа ҳам аланглаб жадал олға босди, сўнг оёғи ерга тегмай югургилаб кетди, бора-бора фалакнинг олисдан-олис буржларидан капалаклар каби пирпираб тушаётган оппоқ заррачаларга ўралди ва тобора қуюқлашаётган қоронғилик қаърига сингиди...

## XI

Изгирин супураётган чоркунжак майдонча одатдагидан гавжум бўлиб, электр чироқлари билан ёритилган, ҳатто тумшугида байроқча қўндирилган қўнғизнусха улов бир эмас, бир нечта эди. Кўчани эса мўру малаҳдек одам босганди: турли ёшдаги қовоғи солиқ эркаклар ва паранжи-чачвон ёпинган хотин-халаж бир-бирларини турта-сурта қаёққадир шошилишмоқда.

Дарвоза олдида, қоровуллар қуршовида турган Фаттоҳ Обидий лаб-лунжини йиғиштиролмаб кулаётган Паканага нимадир деб ҳазил отар, гоҳо ўзи ҳам қўшилиб илжаяр, гира-шира қоронғилиқда нигоҳи сирли йилтирар эди. Бугун нозир қадди-бастиди айрича виқор намоён эдики, қорақош йигит кузатувида хушламай одимлаётган уста Жамшиддин буни яққол пайқади. Нозир билан қуюқ саломлашган назоратчи ўрталикда қантаруви турган, биқинига ёзуви алвон мато ёпиштирилган юк машинасига ишора берди. Бир зум тараддуд чеккан устоз бир амаллаб баланд тўсиндан кўтарилди. Ёпирай, не кўз билан кўрсинки, тап-тақир кузовда қадрдон биродарлари бир-бирларига елка тираганча қўнишиб, тишлари тақирлаб ўтиришарди. Ростини айтганда, дафъатан уларни танимади, танигач, дарди-дунёси зимзиё бўлиб кетди. Шўрликлар шу қадар тўкилган ва шу даражада ғамгин эдиларки, алақачон тириклик дунёсига бутунлай этак силкишгани англашилар эди.

— Ассалому алайкум, огажон! — деди афту боши моматалоқ Собир Қамарий, ҳаммадан бурун сергак тортиб. — Шукур, соғ-омон экансиз!

— Ҳа, шукур... Тангри муруввати, — дудуқланди ус-тоз, сийнаси алланечук ачишиб. — Охири бахайр бўлсин.

— Жамшиддин, жигарим, сенки тезроқ ақду ҳушингни йиғмас экансан, охири бахайр бўлиши гумон! — кутилмаганда ташланиб қолди мулла Ражаб, носқовоқ каби шишган ва кўкарган бурнини аста силаб. — Бас, топиб бер ўша савилини! Зомин бўлма шунча одам жонига!

— Ака, сезгандирсиз, ниятлари бузук, — бўшашган кўйи тиз чўқди уста Жамшиддин. — Увол қилишади. Аяшмайди. Нима деган одам бўлдим шунга йўл кўйиб берсам!

— Бошқа иложингиз йўқ, биродар — мингирлади уста Қурбон.

— Сиз нима дейсиз, шоир? — лабларини қимтиганча сўради уста Жамшиддин. — Сиз-чи, муғанний укам?

— Огажон, ихтиёр ўзингизда, кўнглингиз нимани буюрса шуни қилинг, — Собир Қамарий мулла Аҳмад билан кўз уриштирди. — Биз ҳам охиригача сиз билан бўламиз!

— Ишонаман, акангиз ҳам пайти етиб бизни тушунсалар керак, — деди қатъий мулла Аҳмад. — Тангри шоҳидки, Қуръон ҳаммамиз учун бирдек қадрли!..

Биродарлар баҳсни якунлаб, сукутга толган пайтда карнай орқали таҳдидли буйруқ янгради. Фаттоҳ Обидий билан Пакана минган махсус улов ортидан юк машинаси гуриллаб жилди; орқадан ҳам кўриқчи гу-машталар елиб келарда. Кичик карвон Регистонга яқинлашганда қичаб ёғаётган қор пича сусайди, ҳаял ўтиб ҳатто бутунлай тинчиди, осмон супрасининг каттагина қисми ола-байдоқ очилди-ю, ҳаво захри кучайди.

Қумушдек юпқагина қор кўрпаси остида қолган юпун шаҳар норози қиёфада дилдираётгани англашилади. Оромини йўқотган неча-неча кишилар эса ҳали яхлаб улгурмаган кўчаларни тўлдириб юборгани та-



ажжубга молик эди. Бақириб-чақириб илгари босаётган оломон орасида пўрим кийинган басавлат отлиқлар, қари-қартангни миндирган қўқон аравалар, ҳатто юпун кийинган озгин болакайлар кўзга ташланади.

Изгирин захри жон-жонидан ўтган ёш-ялангнинг туссиз афту ангорига тикиларкан, уста Жамшиддин беихтиёр яна Шамсиддинни эслади ва баҳайбат бўчка жўмрагидан сизаётган томчилар залварини теран ҳис этди. Муздек совуқ томчилар ҳамон гўё безовта тепаётган юрагига зарб билан келиб урилар, аъзои баданини қақшатиб ўтар эди.

Айни пайтда бир хил ўкиниб, ақл бовар қилмас тўс-тўполонни кузатганча, тақдирнинг яна бирон айрича савдосига рўпара бўлиши мумкинлигини чамалаб борарди. Шовдираб тўкилаёзган шалоқ машина билчиллаган лойга ботиб, кучана-кучана илгарилагани сайин диққати ошар, ижирганар ва муштини тугар эди.

Гоҳо тиззаларини қучиб олган мулла Ражабга надомат билан тикилар, акаси шу қадар мўрт эканлигини ўйлар, ич-ичини ачиниш ҳисси қамрар эди. Ахир, умр ўткинчи, демак, азоб ва қўрқув ҳам ўткинчидир, шундай экан, озгина сабр қилса, бариси ортда қолади ва иншооллоҳ юзи ёруғ бўлади. Омонат омиллар қошида ҳуда-беҳуда саросимага тушиш ва букилиш охиратни барбод қилиш билан тенгдир. Мана энди имони комилки, вақтида, ўғлим, билим ва ҳунар эгаллаганинг яхши, аммо билганинг ва топганингни ўрнида харж айласанг яна ҳам маъқулроқдир, дея ўгит қилган раҳматли падари нақадар ҳақ экан!..

Регистонни ёнлаб ўтишаётган чоғда уста Жамшиддин оломон оқими тагин ҳам зичлашгани, тартибсизлик ва шовқин-сурон кучайганини пайқади. Сўнг қўрғошин тусли фалакка елка тираган миноралар сари нигоҳ юборди-да, недир армон, недир фахр оламига шўнғиди. Беихтиёр кўкси оғир-оғир кўтарилиб тушди ва мижжалари намланди.

Ахир, билдириб-билдирмай кечган умрининг не-не гуссалари ва қувончлари ушбу қадрдон майдоннинг

ҳар бир қаричида туфроқ каби сочилиб ётганини унутиши осонмас. Суяги азалдан шаҳар зийнати бўлган обидалар қўйнида қотганини, ранглар нималигини бунда мавжуд нақшлар воситасида теранроқ англаганини Худо ҳам, банда ҳам билади. Падари бузруквори ҳомийлиги остида вақти ва имкони елга совурмади, шукур, бу жиҳатдан кўнгли тўқ!..

Оломон пайдо қилган тиқинни эҳтиёткорона ёриб бораётган машина нимадандир аразлаган ёки кўп юриб толиққан каби майдон муюлишида пат-патлаб ўчди, кетмоннусха қалпоқ кийган жиккак ҳайдовчи баралла сўкингани эшитилди, сўнг у капотни очиб роса куйинди, лекин натижа бўлмади, оқибат Оймаржон маҳалласигача қолган ярим чақиримдан зиёдроқ масофани пиёда босиб ўтишга тўғри келди.

Мулла Аҳмад билан Собир Қамарий ўртасида сукут сақлаб одимлаётган уста Жамшиддин ҳангу манг: доим осуда ҳаёт кечириб келган маҳалла ушбу дамда бутунлай жунбишда — гўё тағ-заминида минг йиллардан бери мудраб ётган вулқон бир баҳонада тўсатдан уйғонган-у, жамики тириклик нишонларини бир ҳамлада ютиб юборган ва барчани ваҳима гирдобига улоқтирган, ҳей, дариг!..

Таниш манзаралар намоён бўлган заҳоти уста Жамшиддин тўкилгудек бир ҳолга тушди, беун бўзлай бошлаган Собир Қамарий елкасига аста қўл ташлаб гудранди: сабр берсин сизга. Сўнг бир қадам олға босди-да, ён-веридаги шериклари орасида алоҳида маҳобат билан қад ростлаган кўш ошёнали гиштин иморатдан нигоҳ узолмай қолди. Ногоҳ кўз ўнгида шу бинода жойлашган муаззам кутубхона гавдаланди ва негадир юраги чучмал тортди. Кўксини чангаллаб олган мулла Аҳмад ноласини эшитиб, бир хил энтиқди-да, аста уни бўйнидан қучди, сўнг қаду қоматлари букилган уста Қурбон, уста Мирсаид ва мулла Ражабга ҳамдардлик билан боқди.

— Дадил бўлинг. Бари ўтур Худо хоҳласа!

Уста Жамшиддин овози мунгли янгради, худди шу мунг Собир Қамарийни уйқудан уйғотгандек бўлди,

дили тубида недир умид ниш урди-да, тишлари орасидан шивирлади: оғам, Мўйсафид билан отам гўрларида тик турсалар керак, ахир, булар сизу биз билган Сўзни букмоқ пайида!

Ҳар доимгидек қулоқлари динг Паkana афтидан Со-бир Қамарий арзу ҳолини эшитди, ўзича ниманидир тушуниб, шоир лаб-лунжига мушт урди, тишлари сингани ва оғзи қонга тўлгани билан заррача қизиқмай, уни қаёққадир судраб кетди. Шу орада тўс-тўполон авжиге миниб, мулла Ражаб билан мулла Аҳмад ҳам, уста Қурбон билан уста Мирсаид ҳам кўринмай қолишди. Ҳар ҳолда улар алоҳида таъқиб остига олингани аниқ эди...

Уста Жамшиддин падари уста Фазлиддин билан қози Муҳаммад Валихон ораларидан қил ўтмас ошна бўлишгани, ўрни келганда бир бурда нонни бўлиб ейишгани, яхши-ёмон кунларда бир-бирларига суянчиқ бўлишганини ўйлаб кетди.

Қози Муҳаммад Валихон мана шу ҳовли-жойни алоҳида ихлос билан бунёд этгани, бу борада бор-йўғини аямай сарфлагани сир эмас. Ҳовли-жойнинг анча-мунча мураккаб тарҳи музофотда таниқли моҳир муҳандис-меъморлар иштирокида чизилганди. Муҳими, тарҳни пишитиш учун падари астойдил жон куйдирган, жиддий тузатишлар билан бойитган ва шундан кейингина енг шимариб амалга киришган эди. Овозаси бутун шаҳарни тутган қурилиш роппа-роса уч йил чўзилди. Ана шу вақт мобайнида падари жамики ҳунарини сафарбар этиб, Тангри назари теккан салоҳиятли зот эканлигини исботлади, алҳол, ичкари ва ташқари деворларда беҳад нафис ўймакорий безаклар адо қилдики, ҳамон улар дилларда ажиб орзиқиш уйғотади.

Ўша кезлар у ҳали бўй етиб улгурмаган, Шамсиддин каби эндигина мўйлаби сабзалаган тажрибасиз ўсмир эди. Ганч ёки ёғоч ўймакорлиги, кошинбуруш ва уни қўллаш сирларидан тўласинча воқиф эмасди. Шунга қарамай, тиришиб-тирмашиб валинеъматига ка-

марбаста бўлди, муҳим жабҳаларда елиб-югуриб, охири қўлини ўнгладики, буни эсласа ҳануз севинади.

Фақат ҳозир нечундир аввалгидек шодлик туймади, кошинкорий пештоқ ва буржларни жимгина кузатаркан, ҳатто кўнгли гуссага тўлди, ахир, улуғ зотлар нафаси теккан жозиба узра надомат булутлари юзаётганини наҳотки сезмаса!?

Сўнг уста Жамшиддин ислимий-ҳандасавий нақшлар ўйилган дарвоза ланг очиб қўйилгани, икки биқинда алвон матолар ёпилган узун-узун устоллар ўрнатилганига эътибор берди; махсус устунларга дордек тортилган симларга илинган ва чор атрофни кундузгидек ёритган сонсиз фонусу машғалалар нигоҳини толиқтирди ва беихтиёр тавба айтди. Кўзлари йилт-йилт ёнаётган Фаттоҳ Обидий, башараси кўпчиган ва пишқириб нафас олаётган Пакана бесаранжом издиҳомга виқор билан тикилиб турарди; гоҳо улар сирли йўсинда шивирлашиб, ниманидир муҳокама этишар, сўнг беихтиёр гавдаларини орқага ташлаганча қаҳқаҳа отишар эди.

Шаҳар катта-кичик кўчалари бўйлаб мўру малаҳдек ёпирилиб келган оломоннинг бир қисми иморат олдидаги майдонни ҳалқа солиб ўраган, бир қисми лойсувоқ томларни эгаллаган, яна бир қисми дарахтларга тирмашиб чиққан, алқисса, танишу нотанишлар зимистон совуқда гуж-гуж қалтираб туришар, чеҳраларида ҳайрат ва таҳлика акс этган эди. Бирон-бир банда охирлаб бораётган кузнинг қор-қировли кунда нима учун тўплангани ва олдинда қандай ҳодиса кутаётганини аниқ билмасди.

Фақат рўпарада ястанган энкаймиш жойда қўнқайган маҳобатли хирмонга қарай-қарай кимдир астагина оҳ чекар, кимдир чимирилиб бош тебратар, кимдир юрак ҳовучлаб шивирлар, кимдир сарғайган тишларини гичирлатиб депсинар, кимдир бўйин томирларини ўқлогидек бўрттирганча кўкка мушт дўлғар, кимдир овози борича дўриллаб сўкинар эди.

Бир пайт ўпкасини қўлтиқлаган Пакана уста Жамшиддин сари лапанглаб келди, унинг чорлови билан устоз истар-истамас ланг очиқ дарвоза томон борди ва издиҳомни афсус-надоматга кўмган, бутун туриш-турмушида мискинлик акс этган хирмонни кўрди, бир муддат тош қотгач, хўрсинганча кўзларини юмиб-очди, аммо манзара ўзгармади: не савдоки, рўпарасида фонус ва машғалалар шуъласида зарҳаллари сокин товланаётган беҳисоб жилд тоғдек уйилганди. Олам хирожига тенг мажмуаларнинг салмоқли бўлаги қози Муҳаммад Валихон қироатхонасига тегишли эканлигини сизди, қолгани бошқа хонадонлар мулки бўлса керак. Юраги эзилиб, ғазаби қўзиб турганда дарвозадан терлаб-пишган, нафаси тиқилган Шариф урфон зилдек оғир халта опичлаб чиқди. Ҳаял ўтмай муаллим изида турнақатор гумашталар кўринди. Ҳайҳотки, улар ҳам йирик-йирик бойламлар остида букилгудек ҳолда инқилаб одимлашар, қиёфаларидан адо этилаётган юмушдан мамнун эканликлари англашилар эди.

Энди уста Жамшиддин оёқ устида ухлаб босриқаётгандек бир аҳволда эди. Бари аввали-охири йўқ тушга, ақлу идрок мувозанатини чил-парчин айлагувчи рўёга ўхшарди. Сўнг телба шамол супураётган энкаймишда сон-саноксиз қуллиёт эмас, дил гавҳари бўлмиш Сўз инграниб ётгандек туюлди.

Ичи тирналаётган уста Жамшиддин энтикканча худди шу фикрга келди, айна пайтда бағри пора-пора бўлган ва унсиз бўзлаётган Сўз бир ёнида Қалам, бир ёнида Қонуни муборак жойлашганини эътироф этиб яна бўшашди, ахийри, кўксини ушлаб гандираклаб кетди, яхши ҳамки кимдир суяб қолди.

Халоскори пойлоқчи тозиларга чап берган, лаблари гезарган мулла Аҳмад эди; ҳар ҳолда у иккиланмай, тетик ва ҳушёр йўргалай келиб қўлтигидан тутганда руҳи кўтарилди. Салдан кейин Собир Қамарий ҳам титрана-титрана пинжига суқилди; шоир ҳўнграб юборишдан ўзини аранг тийиб турар, кутилмаган маро-

сим отамерос бойлигидан жудо қилажагини, яна устига, шундоқ ҳовлиси ёнида бўлаётгани ва бутун шаҳар аҳлини жазавага солаётганини ақлига сиғдиролмаётган эди...

— Ўҳ-хўў, Аҳмад ҳопуз, сов-омонмисиз? — ён тарафдан товуш берди Шариф урфон. — Яхши-яхши. Қаранг, анави сиз сайратиб юрган қонун эмасми? Нега индамайсиз, ўшами?

— Худойим бор-ку! — аранг гудранди мулла Аҳмад.

Тозидек хушёр ва олғир назоратчилар томоқларини йиртгудек алфозда ҳай-ҳайлашганига қарамай, уста Жамшиддин бир силтаниб қуршовдан узилди. Шу заҳоти недир куч анчайин карахт вужудини оҳанрабодек торгаётганини ҳис этди-да, шаҳдам қадамлар билан олға босди, босаркан, қалаша-қалаша хирмон пайдо қилган китоблар орасида мунгайиб турган чолғуни илғади, чамаси, чолғу ҳам уни кўриб таниди ва астагина нола чеқди.

Бу ўша — қадимдан қадим замонда Қалам меҳру муҳаббатини қозонган, Қаламга журъат ва қатъият, илҳом ва шухрат ато қилган Қонуни муборак эди.

Фақат ҳозир у фавқулодий саросима огушида: аввалгидек нозик пардаларини иштиёқ ва ихлос билаан созлай-созлай ошиқона ва орифона куйлайдиган — қартайган дунёйи дунни ёшартирадиган ва дилларни поклайдиган аҳволда эмас, ҳозир юрагида ажаб бир тутун тугилган, дарди-ҳолига яраша — ўзи каби абгор ҳам мотамсаро Сўзни бағрига босган кўйи ҳолсизгина бўзлаётир, бинобарин, эзгин тил билан х у д б и н л и к ҳаргиз умидвор яшайдиган одамзот оёғига урилган болта эканлигини изҳор этаётир!..

Уста Жамшиддинни кимдир дарвоза сари судради...

— Эҳ-ҳе, устози калон! Ие, шаир! Ўзларими? Қадамларига ҳасанот! Кўп маъқул иш қипсизлар келиб, ахир, бу маърака аввало сизларники!..

— Маъраканг билан қўшмозор бўл-е!..

— Оббо, тақсир, шунақа кунда одамни жеркиманг-да, — бошқача эшилди Шариф урфон, устоз қўлтиғи-

дан ушлаб. — Манови оғаларга ўхшаб... Ҳалиги... Ану ерда кўникиб кетгандирсиз, а?

— Бўлмасам-чи!..

— Бу ёқда рўзгорингиз бут, хавотир қилманг, ўзим кун ора хабар олиб туришпан. Янгаойим эсли аёл-да. Бир ишорам билан барини тушунди-я. Ҳадемай бағри тўлиб қолишини айтувдим, шунақа қувондики!..

— Борингга шукур, ука.

— Янгаойим шу ерда, локигин ҳозирча сизга кўринмай тургани тузук, — секин ён-верига аланглаб шивирлади муаллим. — Дангалига ўтсам... бугун ваъз айтишингиз керак. Рози бўла қолинг, бунақа омад ҳар кимга ҳам насиб этмайди-я!

Уста Жамшиддин ичи ёнғудек ҳолда гижинди: Фаттоҳ Обидий сира тинчлик бермайди, итдан ҳам, битдан ҳам айғоқчи ясаб изида қўйгани-қўйган, нобакор йўлини топиб охир-оқибат ногорасига ўйнатмоқчи-да. Бу ўндан тўққизни урган доғулига қолса, бутун шаҳар хазон каби пойида тўшалса! Балоба учрагур-ей! Ҳали Шариф урфон думини ликилатиб, Ойдинбиби номини тилга олди, наҳотки шўрлик завжаи ҳалолини ҳам ҳибс қилишган?

Худди шу он майдон узра мўйнали палтога ўраниб, барра телпак кийиб олган Пакана овози гулдиради. Кўпириб-тошаётган издиҳом тинчигач, аллакимларни исму шарифларини айта-айта ҳайъатга чорлади. Аломат либослари ва савлатларидан мансабдор эканлиги сезилиб турган, тухумдек силлиқ бетларида айрича такаллуф акс этган меҳмонлар обрўли ўринларни эгаллашди. Ҳамон қон-зардоб ютаётган уста Жамшиддин уларни зимдан бегонасираб кузатди, аммо жойидан жилмади. Шунда қаёқдандир ҳозир бўлган қорақош йигит биллагидан ушлаб тортди-да, иккинчи қаторда, узун-омонат ўтиргич ўртарағида жойлаштирди; ўнгу сўлида ҳорғин бетларида норозилик акс этган мулла Аҳмад, Собир Қамарий, мулла Ражаб, уста Қурбон ва уста Мирсаид кўнишди. Энг кейинги учинчи қаторда уста Ризо ва билагига алвон латта боғлаган ўсмир йи-

гитлар, жумладан, юз-кўзи пориллаб ёнаётган Иброҳим ўрнашди. Фақат негадир Шариф урфон ўтирмади, чуғурчуқ мисоли чувиллаётган оломон пешида одоб билан қўл боғлаб, ҳайъатга нигоҳ қадаб турди.

Алвон мато ёпилган устол ёнида Пакана ғоз турар, истехзоли нигоҳини фуқародан узмай, ҳузур қилиб илжаяр эди. Ахийри, Фаттоҳ Обидий билан кўз уриштиргач, фахр-ифтихор ҳиссига тўла овозда барчани қутлади. Хуфия маҳкаманинг пихини ёрган вакили бўйинини жўжаҳўроздек чўзиб бидирларди. Оғзидан узилган ҳар бир калом шаҳар фитна уяси бўлиб қолганига ишора эди. Фитна кечаги кун йўриқларини дастур билган газандалар тарафидан уюштирилаётгани беш қўлдек маълум, лекин дангали, белларини маҳкам боғлаган азаматлар токи хушёр экан, ўша ғаламис-каззоблар ҳеч қачон мудҳиш ниятларига етишолмайди. Тириклик дунёси гилдирагини таназул жари ёқасига келтириб қўйган, ҳамон отдан тушмаган, лекин талваса ичра сўнгги нафасини ютаётган жаҳолатнинг оёқ-қўлига бутун ё эрта бутунлай адолат кишани урилади, тамом-вассалом.

Пакана асл ниятига нозик ишоралар бериб, кесатиқ аралаш айтган нутқ деярли барчани ром қилди, ҳатто уста Жамшиддин ҳам гумашта чечанлигига қойил қолди, айни пайтда юраги наштар санчилган каби санча бошлади. Пакана даъвати билан минбар сари Фаттоҳ Обидий йўрғалар экан, таъби яна ҳам бузилди, ахир, бунақа вақтда бу банда ҳам бемалол кариллаши ва арвани қуруқ обқочиши аниқ-да. Онаси гапга тўн кийгишиш учун тукқан бўлса керак. Лекин у шошилмади, издиҳом диққатини тортиб, қора чарм папкасидан қандайдир китоб олди ва уни боши узра кўтарди.

— Ай-ай! Манови Қуръонни укаси эмиш! — Фаттоҳ Обидий ҳайъат сари ўтирилди. — Тўғрими, амак. Сиз яхшироқ биласиз.

Аллақачон Ҳикмат девонини таниган уста Жамшиддин жойида муз қотди, ёпирай, аввал Мўйсафид, кейин қози Муҳаммад Валихон умр бўйи ардоқлаган жавоҳир



қаёқдан тушиб қолди унинг ифлос илкига? Бирдан эслаб, руҳи чўқди: амри маъруф куни каллани салладан фарқламайдиган гумашталари билан Собир Қамарий хонадонига қуёндек ёпирилиб келмовдими? Ўшанда каловланиб қолган шоирдан тортиб олган экан-да!..

— Ай-ай! Яхшилар, ашу... эрта амак аттанг қилади, негаки, амак ганим тамонида. Сабабини тортинмай ўзи айтсин, — бир оз қизишиб давом этди Фаттоҳ Обидий. — Увол билан қўрқутмоқчи бизани. Анойимиз-да. Билмаски, энди Қўръон дегони бирон лўттивоз ёки бекорчигаям кераги йўқ. Энди у ортиқча даҳмаза, холос! — Ҳайъатни эгаллаб ўтирган басавлат каслар шундоқ маъносида баравар бош ирғашди. — Амакка ачинамуз, бечора телбо бўгон, восвос дардига муфтало! Майли, бермасин, биз барибир ер остидан бўлсаям товамиз. Гўтгурт ва гулихон ҳар доим таййяр!..

Бутун издиҳом сукутга чўмганди.

Ҳайъатда эса қарсақбозлик бўлиб кетди..

Уста Жамшиддин кутган ҳодиса рўй берди: Фаттоҳ Обидий шунчалар ошиб-тошдики, ҳаво анча совуқлигига қарамай, ажин тилган япалоқ пешонасида қайноқ тер йилтиради. Ҳозир у, чамаси, ҳар ишга қодирлигини, ҳар нимага ҳақи борлигини ўйлар, фақат ҳайъат аҳли эмас, бутун халойиқ хоҳиш-иродасини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашини истаётган эди. Аччиқ ичакдай чўзилган ваъзини яқунлаб, минбардан шошилмай тушаркан, қўнғир кўзлари тагин бошқача чарақлади, қўнишиб ўтирган устозга бирров шубҳали назар юборгач, илдам-илдам бориб Ҳикмат китобини энкаймиш-ни тутган хирмон ўртасига, аниқроғи, мунғайиб турган Қонуни муборақ ёнига улоқтирди. Сўнг ғолибона тарзда жойига қайтди-да, ҳайъат аҳли билан бирин-синрин ўпишди, айниқса, Паканани бағрига босган чоғда чексиз қувончга чулгангани англашилди. Нозир қучогида Пакана ҳам ўзгача яйраб кетди, ниҳоят, оғзи қулогига етган ҳолда, оломон сари юзланди-да, уста Ризони минбарга чорлади..

Очиги, уста Жамшиддин буни кутмаганди, шунинг учун ҳам бир ғалати орзиқди. Тавба, ошиқиб ўрнидан кўзгалган уста Ризо бетига тик қарагани негадир ботинмади. Ҳар ҳолда ошнаси юрагида борини тўкишига унча ишонмасди. Сўнг ёшлик давридан то ҳозирга қадар у билан кечирган онларини эслаб хўрсинди. Баланд минбарга кўкрак тираган уста Ризо қўйнидан шапалоқдай варақ олиб, тутила-тутила ғулдирай бошлаганда афти буришди. Ақл бовар қилмас: ярамагур Шариф урфон ўзига атаб ёзган, мағзава ҳиди анқийдиган маърузани ўқиётир-ку! Ёпирай, ҳар бир жумласини уялмай-нетмай талаффуз этмоқда, қарангки, тўдалаб қўйилган анови савиллар билан бир умр келишолмай яшаган эмиш, эвоҳ, тилини тагидан узиб ташласа бўларди бундай алжирагандан кўра!

Энди уста Жамшиддин ўзига ҳам, кенг дунёга ҳам тамоm сизмай қолди, қаники, инон-ихтиёр ўзида бўлса, ҳозироқ барига иккиланмай қўл силкиб, бирон тарафга жўнаворарди. Чиндан ҳам шайтони лаъин фатво берган бунақа томошага шоҳид ўтгандан кўра бадар кетгани минг марта авло эди. Минг аттангки, бу имкондан маҳрум, бурнига бурундиқ солинган!..

Уста Жамшиддин билдириб-билдирмай сирқираётган кўксини авайлаб силади, оғриқни хиёл унутгандай бўлди ва хаёли йироқларга парвоз қилди. Салдан кейин, наздида, бехос оломон орасига қўш ўрқачли талғир туя ёриб кирди, туя белида симобий салла ўраган Мўйсафид койиниб-тўрсайиб ўтирарди. Қария нигоҳида акс этган таъна-дашномни туйди-да, бирдан тутаққанча сапчиб турди, қоплон каби отила келиб, ҳамон оғиз кўпиртираётган уста Ризони силтаб ташлади ва минбарни эгаллади.

— Халойиқ, шалвирамай кўзингни каттароқ очгин, иблисона сафсаталарга учма! Томирингни унутсанг, гофил қолиб, нотавонлик қилгудек бўлсанг, Сўз уволи уради! Худо ҳақи, Сўз биздан нажот кутмоқда!..

Уста Жамшиддин қулочини ёзганча, бўғиқ товуш-да энтикиб сўйлар, анчадан бери ич-ичида йиртилган ва газаклаб ётган дарду ҳасратини тўкиш учун шошилар, шу боис ҳам фикрлари бир оз пойма-пой эди. Қанчадан-қанча нигоҳ ўзига диққат қилаётганини сезиб турар ва юракларни забт этмоқ учун қасдланган сароб нималигини англатиш иштиёқида эди. Нима бўлганда ҳам мановилар ниқобини йиртиши керак. Аммо нутқини тугатишга улгурмади, Фаттоҳ Обидий ишорасига биноан, чапдаст гумашталар итара-итара минбарни гурсиллатиб қулатишди. Мувозанатини йўқотган устоз гандираклаб кетди, ҳайъат сари ўқрайиб қаради-да, яна сўзини давом эттирмоқчи бўлди. Аммо қорақош йигит кафтини оғзига босди, қайси биттаси эса, довдираб қолганидан фойдаланиб, қўлига ловуллаб ёнаётган машғала тутқазди. Дафъатан димогига ермойи ва ачимсиқ тутун ҳиди урилди ва беихтиёр ҳавода муаллақ қотган баҳайбат бўчкани, девори тарс-тарс ёрилган ҳавузчани, бир маромда сизиб яланг елкаларни юваётган томчиларни эслади. Паға-паға қор ёға бошлаганда шундоқ ёнида қад ростлаган биродарларини кўрди, не ажабки, улар ҳам бошлари узра машғала тутганча мўлтираб туришар эди.

— Ай-ай! Чакки бўлде, ўтладийиз, амак, — кўрсаткич бармоғи билан чаккасини пармалади Фаттоҳ Обидий. — Бўйин жонувар сиртмоқни шунчаям соғиндими? Бас, бас! Мундоғ ширин жонни ўйланг-е. Охи, бинойи кунлар олинда. Лўмбиллаган хотинминан кўша қариб юрсайиз маъқул-де. Шамсибой бўз йигит бўтон, азаматти аёғини чатиланг, невара-чевара кўринг. А, лаббай!?

— Куним сизга қолгани йўқ!..

— Ашу-да, яхшигаям, ямонгаям жириллойсиз, амак-жон — тиши оқини кўрсатиб юмшоқ кулди Фаттоҳ Обидий. — Хўш, энди конес: сиздан пақат шердил бўлиш, хўпме. Олайманг, бепойда. Ҳимм, тузукроқ ушанг машғолани. Чўчимай яқинроқ боринг-ей. Тайсаллаш ярашмас сиздай одамга. Маргабали зотлар кўз тикиб турган бўлса!..

— Худойим қарғабди-да мени тоза!

— Тўғре, амак, ўзимиз ҳам оппа-онсон эплаймиз. Пақат битта арзимас локини бор-де. Ҳали биз улус назарида эмасмиз. Шундай экан, тушунинг. Ёрдам керак: ё сиз, ё Мулла Аҳмад, ёки Собир Қамарий бажарса тузук, ай-ай!

— Демак, сувдан қуруқ чиқмоқчисиз?

— Унақа эмас. Тарих яроқсиз бисот-мисотини ўз қўли билан дап қигони тузук-де. Ашунда адолат қарор топоди. Ашунда мазлумлар тили узун бўлоди! — Фаттоҳ Обидий энкаймиш сари одимлаб, овози борича қичқирди: — Қани, бошланг!

Ҳайъат аҳли берилиб чапак чалди, алакимлар Пакана кетидан чувиллашганча олға ташланишди. Яна ҳам таҳликага тушган оломон ҳам гивирлаб қолди. Не қиларини билмай уста Жамшиддин бўзариб турар, нимадир ичида оғир тошдек қўзғалиб-қўзғалиб кетаётгандек туюлар, бўғзига қалампирдан-да аччиқроқ нарса тиқилган эди. Энкаймишда юксалиб турган хирмон биқинидаги тутантириққа ким биринчи бўлиб машғала учини теккизганини илғамади. Ҳадемай гулхан бирдан гуриллаб, бурала-бурала кўкка ўрлаб, теварак-атроф яна ҳам ёришгач, ўқрайган ва тишларини зирак қилган кўйи Фаттоҳ Обидий устига бостириб борди. Қўлида тутаётган машғалани илқис ўқталганини билмай қолди. Ўтакаси ёрилар даражада кўрқиб кетган нозир шошапиша тисарилди-да, гавдасини тутолмай, чилпиллаган хўл саҳнда сирпана-сирпана чалқанча йиқилди. Худди шу ҳолни кутиб тургандек, шитоб етиб келган Собир Қамарий, ҳансираган кўйи гудранди: Худо қаргаган гўрсўхта! Сўнг жон-жаҳди билан кўкрагига тиззасини тиради, бир қўлини бўғзига юборди-да, салқиган қовоқларига ҳил-ҳил чўғга айланган машғала чўпини жизиллатиб босди, бир эмас, бир неча мартаба босди...

— Вва-а-аҳ! Вво-оо, ҳхе-е-ей!..

Фаттоҳ Обидий аранг қаддини ростлади ва хумдек оғирлашган калласини тутолмай ортга ташлади. Аввал-

ги шашти, гайрати ва виқоридан ному нишон йўқ эди. Нуқул меловсираб теварагига аланглар, ҳавони пайпаслай-пайпаслай бўғилар, шамол тебратган саксовул шохидай ночорона чайқалар эди. Шовқин-сурондан қулоғи шанғиллаб, гоҳ чап, гоҳ ўнгга довдирай-совдирай бир неча қадам юрди-да, бирдан кўксига тарс-тарс муштлади ва ўқ еган айиқдай ўкириб юборди:

— Лаънатилар, кўрмоёшпан-ку!..

Дағ-дағ учаётган Фаттоҳ Обидий ҳаял ичида бари тескари айлангани — ёруғ оламни тарк этиб, зимзиё оламга кўчиб ўтганига ҳамон ишонмас, ҳамон бутунлай ўчган нигоҳига ҳадемай нур энишидан умидвор эди. Пуфакчалаган қонталаш пешонаси билан ола-чалпоқ рафтори оралигида, кўпчиган қовоқлари ва йирик-йирик кўз соққалари ўрнида кўмирдек қорайган қўшалоқ ўйиқ пайдо бўлганидан беҳабар эди.

— Амак, ўв, амак! Қажқасиз?..

Гумашталар аҳволи тобора оғирлашиб, тинимсиз оҳу воҳ қилаётган Фаттоҳ Обидийни ўраб олишди. Аъзои бадани ва шуурини даҳшатли оғриқ ва зулмат баб-баравар чулғаб бораётгани сабабли у озгина вақт ичида бир неча марта ҳушини йўқотди, қай маҳалдир ёрдамга ошиққанларни кўтара қилиб сўқди-да, шилта лойда астагина чуқкалаб инграна бошлади...

Барини кўриб-билиб турган Уста Жамшиддин афсус-надомат билан бош чайқади. Сал бўлсин хотиржам тортиш, таскин топиш ўрнига, руҳи ва вужудини айрича бир ғалаён чулғади. Беихтиёр кўз ўнгидан ҳавоси димиққан бўлмадаги шигиллаб ишлайдиган аломат жиҳозлар бирин-сирин ўтаберди. Сўнг хаёли Ашаратхона остини макон айлаган Қуръони карим сари учди, сўнг ногаҳон эътиборини ачқимтир тутун ва аланга тортди, наздида, зўрайиб бораётган гулхан ўрта-сида талғир туя жиловини ушлаган, соч-соқоли опшоқ Мўйсафид мунг чекиб турарди. Салдан кейин чолнинг йиллар юки остида букилган қоматини, қалин ажин қоплаган озгин бетини аниқ-тиниқ кўргандек

бўлди, ҳатто у кафтларини очиб, Тангри таолодан мадад тилаб ёлбора бошлаганини ҳис этди, ниҳоят, қутириб кетган Пакана қўлларини қайирганда ҳушини ўнглади. Бутун қаҳру ғазаби ва ғайратини ишга солиб, икки-уч бор силтаниб, гумашта чангалидан қутилдида, нари-бериға елиб-югуриб ҳайқирди:

— Азизларим, қани энг шимаринг!..

Халойиқ гурас-гурас ёпирилди.

Гумашталар гавдаси оёқлар остида эзилди.

Олов ўчди...

Қонун мулла Аҳмад қўйнида яйради.

Саҳар чоғи энқаймишда бир дона ҳам китоб кўринмас эди.

.....

Изғирин-шамолни писанд қилмай, ваҳима аралаш салобат тўкиб турган маҳкама биноси орқа тарафида эса на бир чироқ, на бир учқун йилт этади, залвар деворлару бўйчан дарахтларни намхуш зулмат билан баравар кумуш тусли заррачалар қамраган; осмон буржлари ва олис юдузларни комиға тортмоқчи бўлаётган залварли жимликни беқарор шамол увлаши ва калта-калта инграниш бузади. Бутун борлиқни тутиб кетадиган нолишда умидворлиқдан кўра нафрат ва надомат кўпроқ жам...

Баҳайбат ёғоч бўчка қилт этмасди. Бўчка остидаги ёғоч устунға ўраб-чирмалган ўғлон нима қилиш кераклигини билмайди, тириклик нималигини ҳам унутаётган эди. Недир сезимлар билан поёнсиз осмон қовоқ солиб олганини, машриқ билан мағриб ўртасида уймалашган тўда-тўда булутлар яна ҳам қуюқлашаётганини сезиб ўкинади...

Ногаҳон иродаси ёки ақлу идроки ишға тушадими, бошқа нарса таъсир этадими, баъзан нур теккандек шуури ва қўнгли қатлари ёришади, шунда бирдан сергакланиб, ҳадеб такир-такир қилмаслиги учун тиши-

ни тишига қаттиқ босади, ҳатто қўллари қалтираётганини билдирмаслик истагида муштларини тугади. Панадан битта-яримта кузатаётган бўлиши мумкин-да...

Тоҳо миясининг аллақайси бурчида анчадан бери зориқиб умтилган тилакларидан айри тушгани, жону дилдан суйган ва ардоқлаган кишилари дийдорига умрбод етолмаслиги, эрта ўзини ва кўрган-кечирганини биров ҳатто эсламаслиги ҳақидаги ғира-шира тушунчалар уйғонади.

Кейин нечун бу қадар ночорлигини, нечун қисқа фурсатда ёруғ оламдан бу қадар безганини, гудак хаёли кашф этган мўъжизалар сувга тушган тошдек йўқолиб қолганини мулоҳаза қилади. Ёруғ олам қаёққадир зувиллаб чекинади, мана энди ўзи ҳам ёруғ оламдан намуна олиб, тириклик нишонаси йўқ номаълум томонга улоқиб кетаётганга ўхшайди. Олдинда ҳозирча кўнадиган манзил кўринмайди. Одам боласи ҳали топиб улгурмаган нарсасини йўқотиб қўйиши қанақа савдо?

Афсуски, нималарни мушоҳада этмасин, лаҳза сайин томирлари жимир-жимир увишиб, қони тобора совиётгани боис, бари-бариси кечки шафақ сингари оҳиста сўниб боради ва ҳеч нарса қолмайди тасаввурда...

Ҳамон тепасида гирдлари кемтик бўчка муаллақ қотган...

Ҳамон юпун елкаларини томчилар ювмоқда.

Ҳамон тун шивири: кошки сени қўйнимда иситолсам?.

Ҳамон изгирин увлаши: бари ўтади, ўғлон!..

## МУҲДАРИЖА

Ёруғ сўз ёғдулари.....	3
Мезон буржи.....	11
Шердор.....	137
Мулк.....	317

АСАД ДИЛМУРОД

## МЕЗОН БУРЖИ

*Қиссалар*

Муҳаррир *Тўлқин Ҳайит*  
Бадиий муҳаррир *Р. Зуфаров*  
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*  
Мусахҳиҳлар *Ш. Арипова, С. Салоҳутдинова*  
Компьютерда тайёрловчи *Б. Душанова*

Босишга рухсат этилди 7.01.2009. Қоғоз бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
BalticaUZ гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли б.т. 23,52. Нашр т. 21,52. 3000 нусхада чоп этилди.  
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 08-218.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий, 30.